


89151
11/24

Шарқ МУМТОЗ ПОЭТИКАСИ



Тошкент - 2006

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети
Тошкент Давлат шарқшунослик институти*

ШАРҚ МУМТОЗ ПОЭТИКАСИ
Биринчи китоб

Манба ва талқинлар

**Университет таълими филология ва
журналистика факультетлари ҳамда
Шарқшунослик институти талабалари учун
ўқув қўлланмаси**

***Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи
филология фанлари доктори, профессор
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ***

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти**

Тошкент-2006

266989

84(5)

Ш 27

Шарқ мумтоз поэтикаси: Манба ва талқинлар:
Филология ва журналистика фак. ҳамда Шарқ-
шунослик ин-ти талабалари учун ўқув кўлл. К. 1 /
Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи
Ҳ. Болтабоев; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги, М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Мил-
лий ун-ти, Тошк. дав. Шарқшунослик ин-ти. – Т.:
О'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006 – 430 bet.

ББК 84(5) я 73

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(6 – сон баённома, 2006 йил 29 июнь)

Масъул муҳаррирлар:

ЎзРФА академиги Неъматулла ИБРОҲИМОВ,
филология фанлари доктори Баҳодир НАЗАРОВ

Тақризчилар:

ЎзРФА академиги Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари номзоди Музаффар КОМИЛОВ

№ 651-2006 Alisher Navoiy nomidagi
O'zbekiston Milliy kutubxonasi.

ISBN 5-89890-149-3

© Ҳ.Болтабоев, 2006

ТАҚДИМ

Мустақиллик йилларида таълим тизимида қатор янгиликлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикасида «Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» (1997 йил 27 август), Таълим давлат стандарти (2005) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида мамлакат университетлари фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланиш, бу ишга иқтидорли ёшларни жалб қилиш мақсадида ўз режа ва дастурларини замонавий асосда қайта тайёрламоқда.

Истиқлол туфайли ўзбек филологияси факультетларида «Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари» курси махсус фан сифатида ўқитила бошланди. Бироқ ушбу махсус фаннинг ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилмаган эди, ана шу илмий—адабий эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда дастлаб ўқув дастури тайёрланди (2002), энди эса ўқув қўлланмаси тақдим қилинмоқда. Махсус фан доирасида талабаларни миллий маънавиятимиз илгизлари ва филология илмининг асослари билан чуқурроқ таништириш мақсадида ушбу юмушга қўл урилди.

Мумтоз поэтика масалаларига бағишланган мажмуа орқали Шарқ поэтика мактабининг шаклланиш манбалари, ўзбек мумтоз поэтикасининг тараққиёт хусусиятлари ўргатилади. Адабиётимизнинг бадиийлик асослари ва лисоний гўзалликларига бағишланган бирламчи манбалар бугунги поэтика илмининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинади. Бу эса талабаларнинг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи», «Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти» фанларидан олган билимлари асосида қурилиб, уни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш имконини беради. Ушбу нашрни амалга оширишда Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Шарқшунослик институтида олиб борилаётган илмий—педагогик тажрибалар натижаларига суянилди.

МУМТОЗ АДБИЁТНИНГ БАДИИЙЛИК АСОСИ
ВА ЛИСОНИЙ ГЎЗАЛЛИКЛАРИ

Бадиий сўз табиати

Инсон кўзи билан кўрилган, ақлий ва ҳиссий идроки билан анланган борлиқ дунёнинг буюк соҳиб Аллоҳнинг яратувчанлик қудрати маҳсулидир ва шунинг учун ҳам Тангри таоло ҳукмидадир. Инсон жамики жамоа (жонсиз нарсалар) ва махлуқотдан устун қилиб яратилган экан, унинг «шарифлиги» тили, қалби ва ақли биландир. Мўъжиза ва ҳикматларнинг манбаи бўлган Қуръони Каримда Яратганнинг ўзи шундай марҳамат қилади: «Сўзга кулоқ тушиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтувчи Ҳақ сўзга) эргашадиган зотларга хабар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир! Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидирлар!» (39:18). Бу ўринда СЎЗ – Каломуллоҳ маъносида кечса ҳам, унинг энг гўзали – Ҳақ сўзга эргашадиган зотларнинг Аллоҳ ҳидоят қилган кишилар сифатида улуғланиши, ушбу СЎЗ билан муқаррам бўлган Инсон сифатининг яна бир бор ортиши СЎЗ билан эканидадир. Эҳтимол, шу илоҳий сўз қудратидан («Иқро бисми роббика!» – «Аллоҳнинг номи билан бошлаб, ўқинг!»)¹ унга буюк истеъдоа ато қилингандир: Ҳазрат Пайғамбарга юборилган СЎЗ (Қуръони карим) нозил бўлиши учун яна бир Аллоҳнинг номини улуғловчи калима (бисми роббика!) керак бўлди ва ўшандагина унга юборилган сўзни таниш, ўқиш истеъдоди насиб қилди (иқро!).

Сўз хусусида сўз кетганда, Жалолиддин Румийнинг «Сўз Ҳақнинг сояси... Инсонни соя ўзига тортар экан, унда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Ҳар нарсанинг асли – сўз... Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва «бўл!» дейиши билан бўлди... Сўз инсоннинг қиймати қағар қадрлидир»² каби қуръоний сўзларидан Сўзнинг нафақат муқаддас китоб ёки инсон шарифлигининг бонси, балки амалий ҳаёт меваси экани маълум бўлади. Жалолиддин

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: 1992. – Б. 513.

² Жалолиддин Румий. Фиҳи ма фиҳи. / Ислои тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 186–191.

Румийнинг ўз устозлари хусусида сўз кетганда, "Аштор руҳ буг... мо аз Аштор омадим" (Аштор руҳ эди... биз Аштордан кейин келдик) сўзларини эслаб, буюк мутасаввифнинг руҳи бўлган Фариддин Атторга сўз берамиз: "Икки оламнинг асоси сўздир, чунки сўз Ҳақдан мужда бўлиб келди. Ахир арши аълода бишилган "Лавҳу-л-маҳфуз" ҳам сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади..."³ Ушбу иқдорнома Сўз ҳақидаги қарашларимизни бир оз бўлсин—да теранлаштириб, азал ва охираг китоби "Лавҳу-л-маҳфуз" ҳам сўз билан ижод этилганини эслатади. Нафақат исломий манбаларда, балки жумла жаҳон китобдорларига нозил бўлган муқаддас битикларда сўзнинг мартабаси улуғ экани яқдил ифодаланган. Янги Аҳд китоби (Ивжил)даги Юҳаннонинг биринчи мактубига шундай ёзув бор: "Коинотнинг Тангриси Ўз неъматларида ягона эмас эди. Унинг ёнида ниятларини тушунадиган, бутун яралмиш махлуқларга бахт ато этишда Унинг қувончидан баҳраманд бўлган Зот бор эди: "Азалда Калом бор эди. Калом Худо наздида эди. Калом — Худо эди. Азалданоқ У Худода эди" (Юҳ. 1, 1.2). "У Ўз қудратли каломи ила коинотни асрайди" (Ибр. 1,3)⁴. Демак, сўзни дунёнинг ибтидою интиҳоси деб билиш фақатгина мусулмон оламига хос бир руҳоний ҳолат эмас, балки барча яралмишлар томонидан фитрат этилган (яратилган) неъматларда улуғ калом сифатида акс этган. Мумтоз адабиётшунослиқда сўз ҳақидаги қарашлар қадимги мажусийларнинг "Авесто" китобида, Ўрхун-Энасой обидалари таркибида ҳам бор. Лекин бевосита адабиёт оламига дохил фикрлар Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону лугатит турк" асарининг муқаддимасидан бошланганини сўнгра эса "Қутадғу билиг", "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарлари таркибида ҳам бадиий сўз ҳақидаги қарашлар акс этганини бу мумтоз адабиётнинг ўлмас дурдоналари орқали сезгир кузатамиз.

Турк тилидаги илк бадиий дoston "Қутадғу билиг"да сўзни санъат сифатида улуғловчи шундай жумлалар мавжуд:

³ Фариддин Аттор. Илоҳийнома. — Т.: Ёзувчи, 1994. —Б.11.

⁴ Уайт Е. Улуғ оталар ва пайғамбарлар. Printed in Russia. —Б.9.

*Сўз ерга яшил кўкдан тушти,
сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қилди.
Улганлардан тирикаларга мерос сўздир,
Мерос сўзки, нафъи юздир.
Сўзи яхши бўлса, кишининг юзи сувайдир (оқ бўлади)⁵.*

Сўзнинг Аллоҳ томонидан нозил қилингани ва яшил кўкдан ерга тушиб, инсоннинг юзи бўлгани, инсон шарифлигининг боиси сўз экан, у тилга эътибор бериб, ўз нутқини гўзал сўзлар билан зийнатлаши лозимлиги Юсуф Хос Ҳожиб томонидан тил одоби ва нутқ гўзаллиги зикрида баён қилинади. Ҳазрат Алишер Навоий қалб кўзи очиқ шоир сифатида тавсиф берган Адиб Аҳмад Юғмакийнинг “Ҳибату—л—ҳақоийд” асарида “сўз дурларини терган”, “таҳсинга лойиқ сўзларни қадрлаган” ижодкорлар ҳақида фикр юритилади.

Араб тилида сўз таърифига бағишланган илмий асарлар қадимдан, ҳатто жоҳилий даври олимлари ишларида қайд этилган бўлса—да, бевосита уни Сўз санъати, яъни бадиийлик маъносига қўллаш Форобийнинг машҳур “Китобу—ш—шеър” асарида кузатилади. Абу Наср Форобий бадиий сўз табиати ҳақида “Каламун фи—ш—шеъри ва—л қавофий” (“Шеър ва қофиялар ҳақида сўз”), “Китобу—л—хитоба” (“Риторика ҳақида китоб”), “Китобу—л—луғат”, “Китобун фи санъати—л—китобий”, “Китобу—ш—шеър” асарларида ўз мулоҳазаларини билдирган. Сўнги “Шоирларнинг шеър ёзиш санъатлари хусусида” деган ном билан нашр қилинган манбада Арасту ҳақимининг “Фи—с—саноату—ш—шеър” (“Поэтика”) асарида айтилган фикр—мулоҳазаларни шарҳлаб, юнон шеърлигига тааллуқли бўлган назарий муаммолар баён қилинади: “Бу санъатда шоирликнинг танланиши одамга жуда ҳам улкан бойлик саналади. Бу ҳудди ҳозирги замондаги баъзи шоирлар қилмишига ўхшаб кетади. Агар бир сўзни шеърда сўзга қофиядай қилиб қўйиб, олдинги байтда лозим бўлган нарсаларни ёки тасвирлаш ниятида бўлган нарсаларни ярата олса, у ҳолда одамга ҳузурбахш ҳолат пайдо бўлади.

⁵ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қажом Каримов. — Т.: Фан, 1971. — Б. 101.

Бу санъат аҳли билан рассом санъатида қандайдир муносабат бор. Уша иккала яратилган нарсага — уларнинг шаклларида ва мақсадларида бир-бирига мувозанат, ўхшашлик бор. Буларнинг ўртасида фарқ бор. Аммо иккаласи ҳам одамлар тасавури ва сезгиларида бир мақсадга, тақлид қилишга йўналтирилган бўлади” — деб изоҳлайди аллома Арасту ҳақимнинг мимесис назариясини⁶. Бу ўринда муаллим соний сўз санъати талқинида ўзига устози аввал санаган Арасту ҳақим сўзларини изоҳ қилиш билан чекланимайди, балки уни ниско қадар санъатнинг бошқа турлари, хусусан, рассомлик санъати билан уйғун ва фарқли жиҳатларини таъкидлаш орқали сўз санъатининг хос хусусиятларини ўз асарида кўрсатиб улгуради.

Унсур—л—маолий Кайковус машҳур “Қобуснома” номи насихатномасининг алоҳида бир бобини шеър ва шоирлик таърифига бағишлаган: “Шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, бошқалар унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил, чунки шеър халқ учун ёзилди, ўзи учун эмас. Бир хил вазн ва қофияга қаноат қилмагин, тартибсиз шеър айтмагил. Газални гўзал ва равшан ёзгил, мадҳга бақувват ва баландҳиммат бўлгил, ҳар бир одамга лойиқ сўз айтгин ва ҳар бир кишининг қадрига қараб шеър битгил”⁷. Бу донишманд бир маликнинг ўз фўқароларига ёки аллома отанинг фарзандларига берган ўғитиғина эмас, балки сўз санъатининг жозиб талаб ва эҳтиёжларидан боғабар бўлган мутахассис олимнинг эътирофи сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин.

Низомий Арузий Самарқандий “Чаҳор мақола” (Ўзбек тилига “Нодир ҳикоятлар” номи билан таржима қилинган) асарининг “Шеър илмининг моҳияти ҳақида”ги бобида “Шоирлик шундай санъатки, бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчалар ҳосил қилинади ва таъсирчан қиёсларни бир-бирига улайди. У шундай йўлда кичик маънони каттага, каттани кичikka айлантиради. Чиройли(к)ни хунук либосга кўрсатади, хунукни чиройли суратда жилвагар қилади...”⁸ деб ёзди. Табиийки, бу ерда

⁶ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. — Б. 119.

⁷ Кайковус. Қобуснома. — Т.: 1982. — Б. 98.

⁸ Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. — Т.: 1986. — Б. 47.

фикр сўзнинг бадийлик табиатига кўчади, шоирлик касб эмас, балки уста санъаткорлик эканини, хунукии жозиб бир тарзда жилвагар қилиш, кези келганда гўзални хунук либосда тасвирлай биллиш маҳорати унда хунар каби мавжуд бўлиши лозимлигини уқтиради.

Сайфи Саройининг "Тулистон бит-туркий" асарни таркибида "Шоирлар талқинида" деган махсус боб берилган бўлса, улуғ форс шоири Абдураҳмон Жомий "Силлату-с-заҳаб" ("Олтин занжир") дostonида ва "Баҳористон" асарининг 8-равзасида шеър санъати ҳақида фикр юритиб: "дунёда қанча-қанча тилсим бўлса, сўз унинг калити", "сўз сайқалигига дил зангини ювади" дейиш билан сўзнинг ҳиссий қудратлигига эмас, балки санъатнинг бир тури сифатидаги салоҳиятини таъкидлайди⁹. Навоийга қадар айтилган бу мулоҳазалар мумтоз адабиётшуносликда сўз қадрининг балад бўлганлигини, бадий сўз санъат сифатида ҳам қадрланганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий асарларидаги фикр теранлиги, озода руҳ, мустаҳкам иймон, туйғулар нафосати ва, ниҳоят, мукаррам ва улуғвор турк (ўзбек) сўзнининг қудратини англамай туриб, маънавий йўлимиз қанчалар равшан ва ёруғ бўлмасини ундан дадилроқ одимлаш мумкин эмас. Улуғ адиб ўзигача мавжуд барча илмий-илоҳий-адабий илмларни изчил ўрганиб, уларни ўз асарларида мукамал бир суратда тартиблай олган эдики, зеро Алишер Навоий сўзлари бағридаги ҳикматни, дарду ҳасрат ва санъатни ҳам англаш учун, ўша буюк руҳий дунё ичига кириш учун унинг бағрий сўз ҳақидаги қарашларини ўрганишимиз керак бўлади.

Ҳазрат Навоий "Ҳамса"сининг муқаддимасида ва "Ҳайрату-л-аброр" дostonида сўз таърифига алоҳида боб бағишлаган. Унда сўзнинг барча маънолари, яъни Лавҳу-л-маҳфуз, Каломуллоҳ, инсон шарифлиги ва бадий сўз хусусиятини қамраб олади. Навоий таърифида сўзнинг "башар вужудининг силеҳри (юлдузи), инсон зошининг жавҳари" эканлиги уқтирилади ҳамда назм таркиби ва наср тартиби сўз билан изоҳ қилиниши айтилади.

⁹ Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар (Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш. Шомухамедов). - Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. - Б. 174.

Мумтоз адабиётда сўзнинг муқаддас савалиши ва унинг асосида муқаррам бир санъат вужудга келиши сўзга Яратганининг буюк мўъжизаси деган муносабатдадир. Чунки сўзга дунёнинг ибтидоси деб қаралиши сўз санъаткорлари ўйлаб тошган ҳикмат эмас, балки Яратганининг ҳукми билан эканлини Навоийнинг талқини орқали аниқроқ илғаймиз:

*Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра —*

Жаҳонга аввал сўз келган, ҳали жаҳон бор бўлмади туриб, борлиқ ва маконга сўз келгани Қуръони карим оятларида ҳам мавжуд эди. Яралиши дунё вужудга келишидан аввал «кун-ярал!» деган илоҳий сўз Яратганининг қудратини рўёбга чиқарди:

*Чунки мавжуд бўлса нуктайи «кун»,
Бўлди мавжуд поэза, йўқса куҳун —*

Дунёнинг янгидан мавжудлиги, тўғрироғи, таваллудига «кун!» — «ярал!» сўзи сабаб бўлдики, йўқса «куҳун» шаклидаги борлиқ дунёга айланармиди?!

Алишер Навоий эстетикасининг дастурига айланган «Инсоннинг гуҳари шарифлиги», яъни яралиш зотлар ичида муқаррам ва улуғлиги сўз билан («Сўз айладики, инсонни жудо ҳайвондин...») дейилишининг асоси шундаки, сўз билан зийнатланган, гўзал ва мукамил тарзда яратилган Инсон ўзининг энг гўзал сўзини, энг самимий ва табиий туйғуларини Яратганга бағишлайди, унга ҳамду муножотлар айтади, Холиқ билан юзма-юз мулоқотдагина (*Ҳади си шарифга кўра «Намоз мўъминнинг меърожидир»*) юзага чиқариши табиий бир ҳолдир.

Аллоҳ сўзини танишдай истеъдод соҳиб қилиб яратилган шоир ўзининг гўзал ва улуғворлиги сўз билан эканлигини қайсибир маънода, қайсибир даражада англагани учун ҳам уни халқ қилган Холиқига сўз билан мурожаат қилади, ўзининг энг олий фикрлари, инсоний туйғулари ва илоҳий кайфиятларини ўша сўзда ифода қилади. Яратган уни сўзга ошно қилганлигининг боиси учун ҳам Ҳазрат Навоий ёзади:

*Ки сўз зодайи табъу фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.*

Сўз табъ (истеъод)нинг фарзанди бўлгандагина у жонга пайванд бўлади. Табъли фарзанд эса зода, яъни яралишлар ичида эътиборлидир. Шунинг учун ҳам ўзининг бутун истеъодди сўз билан эканлигини англаган шоир ёзадики:

*Сўзни гар туз дедим ва оздим,
Неки тақдир айлагинг ёздим.*

*Кими ўлурда варақ нигор менга,
Қайда бор эди ихтиёр манга.*

*Ҳар не қилким вараққа ёзди бу кун,
Қилки тақдир ёзмиш эрди бурун.*

Демак, шоирлик Ҳазрат Навоий талқинича, тақдир экан, у сўзнинг тузукларини—қондаларини билиши, «кўз» орқали атрофга, дунёнинг боши ва охирига рази солиши ҳам зарурдир. Чунки сўз фақат ибтидо эмас, балки натижа ҳамдир, ҳатто натижагина эмас, балки бу икки қутб ўртасидаги мавжудлик белгисидир:

*Ҳар киши даҳр аро ҳаёт топиб,
Сўнги дам сўз била нажот топиб.*

*Англа ул сўзни нуқтайи тавҳид,
Ваҳдат аҳлида йўқ мунча тарғид.*

*Бас, сени аввал ул қилиб зоҳир,
Сенга ҳам аввал ўлди ҳам охир.*

*Аввалу охирингга солғил кўз,
Бил ҳам аввал сўзу охир сўз¹⁰.*

Демак, Ҳазрат Навоийнинг СЎЗ ҳақида айтилган фикрларининг йиғиндисиди сифатида Сўз — азал—абад китоби

¹⁰ Алишер Навоий. Ҳайрату-л-аброр. Мукаммал асарлар тўплами (МАТ). 7-жилд. — Т.: Фан, 1991. — Б. 60.

(Лавҳу-л-маҳфуз), Сўз - дунёнинг ибтидоси (Кун - Ярал), Сўз - Қуръони карим («Сўзга қулоқ шутиб...»), Сўз - нисонни нисонлантирувчи шарифлик белгиси («...ғуҳари шарифроқ йўқ ондин») каби қарашлар силсиласидан фақат бадиий сўз - нафис адабиётга дахлдор маънилариғина ажратиб олиб, уни ушбу мажмуа доирасида ўрганишга бурчлимиз.

Турк тилидаги адабиётшуносликка оид манбалар орасида сўз санъати ва унинг хусусиятларига доир нисбатан йирик манба Шайх Аҳмад Гарозийнинг «Фунуну-л-балога» асаридир. Рисола беш қисмдан иборат бўлиб, *адабий тур ва жанрлар, аруз илми, қофия, шеър санъатлари ва муаммо илмига бағишланган*. XV асрнинг 1-ярмида яратилган бу манба мумтоз адабиётшуносликнинг мажмуд кўнгиға соҳаларини ўз ичига олгани учун ҳам бу мўътабар асарга нафақат бадиийлик табиати, балки мумтоз адабиётшуносликнинг юқорида номлари энкр қилинган бўлимларини ўрганиш баробарида мурожаат қиламиз.

Бундан ташқари Фузулий, Амирий, Нодира, Оғаҳий девонларининг дебочаларида сўз санъати ва унинг улуғвор хусусиятлари васф қилинган. Айрим ижодкорлар бадиий асарлар ёки уларнинг дебочалари таркибида СЎЗ ҳақида сўз айтиш билан кифояланмай, бу борада алоҳида илмий-маърифий рисола битиб (шеърини йўлда) ўз мулоҳазаларини англаганлар. Зокиржон Фурқат «Шоир аҳволи ва шеър муболлағиси хусусида» асарида шеърнинг «қилу қоли», яъни сўз таъриф ва тавсифи, наср ва назм билан зийнатланган шакл-шамойили ҳақида сўз юритилган.

XХ аср бошларига келиб дунёнинг барча борлиқ нарсаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаргани каби сўз санъатига нисбатан ҳам қарашлар ўзгарди. Энди уни табиатга тақдир (Арасту), объектив борлиқнинг субъектив ифодаси (Ҳегел), кишилар ўртасидаги фикр ва туйғу етказиш воситаси (Л. Толстой) деб билишлик билан чекланмай сўзнинг коммуникатив фикониятларини биринчи навбатга олиб чиқишлар бўлди. Гарчи ўзбек шоирлари тилни «воситани робитани оламиёндир» (Аваз) деб атаган бўлса-да, Гарбдаги мажмуд қарашлар ўзбек назарий тафаккури тарзига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади. «Танглайи мумтоз адабиёт аъъаналари асосида кўтарилган» профессор Абдурауф Фитрат ҳам дастлабки асарларида сўз

санъатининг қимматини унинг ҳиссий қувватидан излаган бўлса, 20-йилларнинг ўрталарига келиб ўз қарашларини оврунпача андозаларга сола бошлади. Шеърни "каломи мавзуни муқаффан" (вазил, қофияли гап) дея таъриф қилган сўнги араб шоирларидан фарқли равишда "вази" ва "қофия"си бўлган турли маънисиз сўзлар¹¹ йиғиндис шеър бўлолмаслигини, шеърда "кишиларнинг қонини қайнатгучи, сингирларини ўйнатгучи, миясини титраткучи, сезгусини қўзгатгучи маънавий бир куч" бўлиши зарурлигини уқтирди¹¹. Шундай бир маънавий куч-қудратга эга бўлмаган сўз шеър бўла олмаслигини, унинг қадри вази ва қофия билан безалишда эмас, балки ҳиссий таъсир қувватида эканини аниқлади. 1926 йилда тартиб берган "Адабиёт қондалари" номли муаллимлар ва адабиёт ҳаваслилари учун ёзилган қўлланмасида бадий адабиётга шундай таъриф берди: "адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларга ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир"¹². Бу таъриф бирмунча соддароқ бўлиб кўрингани билан Шарқ мумтоз поэтикасидаги бадийлик хусусиятига доир фикрларни ҳам, Ғарб фалсафасидаги компративистик (мажбудлик белгилари асосида) қарашларни ҳам умумлаштиришга эришган қондалардан бири сифатида кўринди.

Фитратнинг замондоши, Шарқ фалсафий тафаккури тарихи ва назарий қарашларни ундан бир неча йил олдин "марксча установка"га солишга улгурган Абдураҳмон Саъдий "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" қўлланмасида дастлаб "Адабиёт сўзи араб тилидан олинган бир сўз бўлиб, «адаб» моддасидандир. "Адаб" сўзи эса тарбиячилик, нозиклик, гўзал қилиқ, бошқалар билан яхши кўркам муносабатда, яхши муомилада бўмоқ маъноларини ичига олади" дейиш билан унинг "одоби куллиёт" сифатидаги белгиларини ҳам, "литература (литера – ёзмоқ) маъносидаги хусусиятини ҳам беришни унутмади: «адабиёт деган сўздан бир тартибга солиниб сўйлаган ёки ёзилган ҳамма фикр ва тушунчаларни, туйғу ва хаёлларни

¹¹ Фитрат. Шеър ва шоирлик // Ишпирокшон. – 1919. – 24 июль.

¹² Абдурауф Фитрат. Адабиёт қондалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга гайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 19.

англаймиз". Бунинг натижасида «адабиёт» сўзи бизга ҳам шу маънолари ила кўчиб, бизга ҳам ҳикоя, рўмон, достон ва масалларга ўхшаш кишилиқ ижодларига айтилади» деган хулосага келди¹³.

XX асрнинг 30–йилларидан эса собиқ шўролар тазйиқи кучли ҳудудларда Шарқ мумтоз поэтикасидаги гўзал таърифлар ҳам, Ғарб фалсафасидаги қарашлар ҳам эскилик сарқити ёки буржуа идеологияси сифатида йўқсиллар зўравонлиги (пролетариат диктатураси) қаърига кириб, синфийлик ва партиявийлик деган кушандаларга дучор бўлди. Шарқ мумтоз адабиётининг зукко билимдони, зариф навийшунос ва Фитратдай улуғ алломанинг шогирди Иззат Султон ҳам “Адабиёт назарияси” китобларида (илк нашри 1939, кейинги нашри 1980) бу маънавий бўйинтуруқдан халос бўла олмади.

Шарқ поэтик тафаккурининг қарийб минг йилдан улуғроқ тарихига назар ташлаганда, бизга маълум бўлган назарий ҳодисалар, адабий қарашлар ва гўзал таърифларни бир мажмуага йиғишдан мақсад келгусида бу фикрият дурдоналаридан адабий хулосалар, назарий умумлашмалар яратиб орқали шу вақтга қадар ўзаро қарама-қаршиликда тушунтирилган дунёнинг икки қутби - Шарқу Ғарбдаги адабий-назарий тафаккур меваларини йиғиб, изчил бир тизимга солиш ва бунинг натижасида яхлит бир *адабиёт назарияси* яратмоқдан иборатдир. Шу ниятда ҳаракат қилаётган илм аҳилларига Аллоҳ таоло сабру баракот ато этсин!

Ҳамидулла Болтабоев, профессор

¹³ Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. –Т.: 1923.–Б.32.

БАДИЙИ СЎЗ ТАБИАТИ. ШОИРЛИК ТАЪРИФИ

АБУ НАСР ФОРОБИЙ
(873—950)

Арис гарёсининг Сурдарёга қуйилиш жойида Ўтрор қишлоғида туғилган. Форобда ўқиган, Шошда бўлган, Бухоро ва Самарқандда таҳсил олган. Араб мамлакатларида яшаган, Боғдогда фозиллар билан учрашган, Дамашқда вафот этган.

Форобий ўз даврининг мавжуд илм соҳаларига оид 160 дан ортиқ илмий рисоалар яратган. "Иҳсо ал-улум ва-т-таъриф" ("Илмлар санъати ва таърифлари") номли рисоласида ўттиздан ортиқ фан соҳасининг таснифи берилган. Тадқиқотчилар Форобий шуғулланган фан тизимлари фалсафанинг умумий масалалари, инсон билиш фаолиятининг фалсафа ва аниқ фанларга муносабати, материянинг миқдори ва ҳажми, материяни ўрганувчи, яъни табиий фанлар, ижтимоиёт, сиёсат ҳамда филология (илми адаб) каби йўналишларини аниқлаганлар.

Форобийнинг филологик тадқиқотлари "Каламун фи-ш-шеър ва-л қавофий" ("Шеър ва қофиялар ҳақида сўз"), "Китобу-л-хитоба" ("Риторика ҳақида китоб"), "Китобу-л-луғат" ("Луғат ҳақида китоб"), "Китобун фи-с-санъату-л-китобий" ("Хаттоғлик ҳақида китоб") ва бошқалардан иборат. Булардан ташқари санъат соҳасида "Мусиқа китоби", "Мусиқа ҳақида сўз", "Катта мусиқа китоби", "Ритмлар ҳақида китоб", "Ритмлар таснифи ҳақида китоб" асарлари ҳам маълум.

Абу Наср Форобий Арастунинг ўнган ортиқ илмий асарларига шарҳлар ёзгани маълум. Мана шундай шарҳлар орасида Арастунинг "Фи-с-синоат уш-шеър" ("Шеър санъати" — "Поэтика") асарига ёзилган шарҳи нафақат юнон олимнинг поэтикага доир таълимотини тушунтиришда, балки санъат ва адабиёт хусусидаги назарий билимлар соҳасида ҳам олдинга ташланган қадамдир.

«ШОИРЛАРНИНГ ШЕЪР ЁЗИШ САНЪАТИ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА»

Бу ерда (келтираётган) мулоҳазалардан мақсадимиз ҳаким Арастунинг "Фис-с-синоату-ш-шеър" ("Шеър санъати") асарига¹ айтган фикр—мулоҳазаларни исботлаб кўрсатишдан, унинг маъноларига ишора қилишдан иборатдир. Зеро, бу билан шеърий санъат билан ишқибозларнинг барчасини таништириш ниятидамиз. Шуниси ҳам борки, Ҳаким Арасту ўзининг шеър санъати у ёқда турсин ҳатто муғолата (софистика)² ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам мукамал баён қилиб улгурмаган эди. Шунинг учун бу борадаги гапларнинг ҳаммасини ипидан—игнасиғача муфассал қилиб, тартиби билан битмоқчи ҳам эмасмиз. Чунки "Софистика санъати"³ асарининг охириги жумлаларида Арасту айтиб ўтган мулоҳазага қараганда, у бунинг сабабини аҳоли чинакамига ифодалаб бериши учун ўзидан олдин ўтганларнинг асарларини қабул қиладиган, тартибга туширадиган ҳолда улар асосида янгиларини пайдо қиладиган бирор усул ва қонун—қоидалар топа олмаганига йўйган.

Ҳаким Арасту ўзининг шундай фазилати ва даҳоси билан тугагиб қўйишга жазм қила олмаган бир ишни биз ниҳоясига етказишга интилишимиздан кўра, бу санъатда фойда берадиган ва ҳозирги замонда учрайдиган қонун—қоидалар, мисол ва мулоҳазалар келтириш билан чеклансак яхшироқ бўлар эди. Модомики шундай экан, биз деймизки, лафз—сўзлар ё бирор маънони билдириши ҳам, билдирмаслиги ҳам мумкин; улар шу икки ҳолатнинг бирида бўлишдан холи эмас. Маънони билдирадиган сўзлар бирор мулоҳазани ё англатади, ё англатмайди. Мулоҳазани англатадиганларининг қатъий жазмлилиги ва жазмсизи бўлади. Қатъийлари ё тўғри, ё ёлғон бўлади. Ёлғонларидан баъзилари эшитувчилар зеҳнига унинг англатадиган маъноси билан бирга ўрнашиб қолади, ваҳоланки, бошқалари унинг онгида нарсаларнинг ўхшаши—акси билан ўрнашиб қолади. Мана шу нарса тақлидлар⁴—шеърий мулоҳазалар саналади. Мана шу акс ўхшашликларнинг баъзилари энг мукамал бўлади,

бошқалари нуқсонли эканини аниқлаш шоирлар, турли – туман тил ва луғатлар орқали шеърятни ўрганаётган маърифат аҳлининг фикр доирасига киради. Лекин бундан ҳеч ким софистика билан акс тақлид икковини бир сўз деб ўйламасин. Булар иккови ҳам баъзи сабабларга кўра бир – биридан бутунлай фарқ қилади.

Софистнинг⁵ мақсади билан тақлидчининг⁶ мақсади бир – биридан фарқ қилади. Софист эшитувчини ғалатга ундаб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган нуқсонли нарсаларни кўз олдига келтириб қўяди. Ҳатто у мавжуд нарсани номавжуд деб, номавжуд нарсаларни эса мавжуд деб тасаввур қилдиради. Тақлидчи бўлса нарса тасаввурининг тескарисини эмас, балки унга ўхшашини тасаввур қилдиради. Бу шундайки, ўз жойида жим турган киши шундай ҳолатга тушса, гўё ҳаракат қилаётгандай бўлади. Масалан, кемага минган киши кемадан тушиб қирғоқда қолганларга қараса ёки ёз чоғида осмондаги ой ва юлдузларга тез юраётган булутлар остидан қаралса, шундай бўлади. Бундай ҳол одамларнинг ҳисларини чалғитади. Аммо кўзимизга ёки ялтироқ силлиқ жисмга қараган кишининг ҳоли худди шундай бўлади, унга назар ташлаб, ўша нарсаларга ўхшаш нарсани кўраётгандай туюлади, мулоҳазалар бошқа қисмларга ҳам бўлиниши мумкин. Хулласи калом, бу шулардан иборат: мулоҳаза ё қатъий, ё қатъий эмасликдан холи бўлмайди. Бордию, агар у қиёсий бўлса, у ҳолда билқувват унинг табиатидан бўлади, ё бўлмаса билфеъл – ҳаракатидан бўлади. Бордию, агар унинг табиатидан бўлса у ҳолда ё истиқро (*индуктив*)⁷ бўлади, ё бўлмаса мулоҳаза *тамсилӣ* (*аналогия*)⁸ бўлади. Тамсил эса, кўпинча, шеър санъатида ишлатилади. Бундан аён бўлишича, шеърый мулоҳаза тамсил – аналогияга киради.

Қиёслар ҳам, умуман олганда, мулоҳазалар ҳам бошқа турларга бўлиниши мумкин. Айтишларича, мулоҳазалар ё бутунлай рост, ё бўлмаса бутунлай ёлғон бўлиши ҳам мумкин. Ё бунинг тескариси ёки тўғри ва ёлғон меъёрида баб – баравар бўлиши мумкин. Буткул рост мулоҳаза, ҳеч сўз, *бурҳоний – исботли*⁹ деб аталади. Борди – ю, унинг бутунлай рост томони кўпроқ бўлса, у ҳолда *жадалли – диалектик*¹⁰ бўлади. Борди – ю рост ва ёлғон иккови тенг

келиб қолгудай бўлиб қолса, у ҳолда хитобий – риторик¹¹ бўлади. Рост бутунлай камайиб бораверса, у ҳолда суфастой – софистик бўлади, бутунлай ёлгон бўлса, у ҳолда уни ҳеч шубҳасиз, шеър¹² деб аталади. Ушбу қисмларга бўлинишидан кўринишича, шеър¹²ий мулоҳаза на исботли, на диалектик, на хитобий – риторик ва на софистикдир. Шу билан бирга, у сулужисмус – силлогизмга¹³ ёки унга қарам бўлган навъларнинг бирига бориб тақалади, яъни "қарам бўлган навълар" дейишимдан кўзланган мақсадим истиқро – индукция, мисол – аналогия, фаросат – интуиция¹⁴ ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиб, уларнинг мантиғи қувватида ўша қиёс – силлогизмнинг куч – қуввати бўлади...

Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва улар ташбиҳ ва тамсилга лаёқатли яхши ишлайдиган бўлади. Бу хил шоирлар ё шеър навъининг кўп турида¹⁵, ё бир турида ижод қилишга лаёқатли бўладилар. Лекин бу хил шоирлар шеър санъатидан керак бўлганича хабардор бўлишавермайди, балки улар туғма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қиладилар, уларнинг ўзлари мўлжалланган ҳозирликларига кўра иш тутадилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжис – мулоҳазакор шоирлардан саналмайдилар. Чунки уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот егишмайди ва бу санъатда турғунлик бўлмайди. Кимки, ундай одамнинг шеърини кўриб, у қобилиятли одам экан деб ўйлаган бўлса, бу шунинг учунки, унинг феъл – атворида шоирларга хос бўлган турқ – кўриниш мавжудлигидангина шундай мулоҳазага келинган. Ё бўлмаса, бу хил одамлар чинакамига шоирлар санъатини эгаллаган бўлишади, ҳатто шеър ижодига хос бўлган хусусиятлардан бирортаси ҳам у қайси шеър турига алоқадор бўлмасин, барибир, бу қонун – қоидалар ундан қочиб қутулолмайди. Улар шеърят санъатида қўлланиладиган ташбиҳ ва тамсилларни жудаям маҳорат билан ишлатадилар. Бу хил шоирлар чиндан ҳам қобилиятли шоирлар дейишга сазовордирлар. Ёки бўлажак шоирлар ўша юқорида айтиб ўтилган аввалги икки табақа шоирлар ва улар феълларига тақлид қилувчилар бўладилар.

Булар ўша аввалги иккала табақа шоирлар йўли — ижодини ёқлайдилар. Бу турдагиларнинг ўзларида тугма шеърый табиат бўлмагани ҳолда, шеърый санъат қонун — қоидаларидан хабардор бўлмай туриб, ташбиҳ — ўхшатиш ва тамсил кабилар кетидан борадилар. Йўлдан адашадиган ва тоядиган шоирларнинг кўпчилиги¹⁶ худди мана шу табақа шоирлар ичидан чиқади.

Энди биз сенга айтсак, ўша юқорида айтиб ўтганимиз уч тоифа шоирларнинг ҳар бири ижодда ё табиийлик, ё мажбурийликдан ҳоли бўлмайди. Бундай дейишдан кўзланган мақсадим шуки, бир шоир, кўпинча, мадҳияга ва ё бир яхши сўз айтишга табиатли бўлса, баъзан вазият ундан ҳажвий ва бошқа турда шеър айтишга ҳам мажбур қилиб қолади. Айтайлик, бир шоир шеърят навъларининг маълум бир навъида ижод қилиш санъатини танлаб олган ва ўзини шу хилдагина шеър ёзишга одатлантирган бўлса, баъзи ҳолларда, танлаб олмаган турларда ҳам шеър ижод қилишга тўғри келади, бу эса унинг учун ўзи ижод қилишга одатланган шеър турида нисбатан бошқа бир навъда мажбурий битилган шеър бўлади. Бу мажбурият ё ички, ё ташқи сабаблар билан боғлиқ бўлади. Аммо шоирнинг энг яхшиси тугма шоир бўлгани саналади.

Сўнгра шоирларнинг шеър ижод қилиш борасидаги аҳволи камолотга етишгани ва етишмагани жиҳатидан турлича бўлади. Бу эса ё гоя жиҳатидан, ё бўлмаса, мавзу жиҳатидан шундай бўлади. Аммо гоя жиҳатидан олган тақдиримизда улар шеърга баъзан ёрдам берса ҳам, баъзида унга ёрдам беролмай қолади. Бунга баъзан руҳий (нафсоний) кайфиятлар сабаб бўлади. Шунда ё руҳий кайфиятлар устун келади, ё бўлмаса, баъзан ўзи унга муҳтожлигидан тушкунликка учраб, пасайиб кетади. Аммо бу бобдаги текширишларимиздан мақсад бу масаланинг ипидан — игнасигача синчиклаб аниқлашдан иборат эмас, чунки буларнинг ҳаммаси ахлоқ ва руҳий кайфиятлар тавсифлари ҳамда улардан ҳар бирининг инсон руҳига алоҳида таъсири ҳақида битилган китобларда керагича баён қилинган. Аммо мавзу жиҳатидан олган тақдиримизда, кўпинча, бири иккинчисига ўхшайдиган икки нарса ўртасида ўхшашлик мавжуд бўлади. Бунда аксар одамларга

уларнинг яқинлиги кўриниб туради. Буларда шоирнинг етук ва етук эмаслиги ҳақидаги мулоҳаза ўша ўхшатишнинг ҳақиқатга яқин ё узоқлигига боғлиқ бўлади. Баъзан шунақаси ҳам бўладики, шеър санъатида энг орқада қолган шоир ҳам юқори даражада ажойиб шеър яратиши мумкин, ҳатто бу соҳада билагонлар ҳам унга тенг келадиган нарса (шеър) яратолмаслиги ҳам мумкин. Лекин шуниси ҳам борки, бунга сабаб бахт ва тасодифнинг тўғри келишидан бўлади. Лекин ундай одам (қанчалик ажойиб шеър ёзган бўлмасин) бу ёзган шеъри билан у мулоҳазакор шоир деган номга сазовор бўлолмайди. Ташбиҳ даражалари ўзининг ўхшатишларига кўра турлича бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганимизда, ўхшатишнинг яқин ва муносиб бўлмоғи мавзуга ҳам боғлиқ; ё бўлмаса, шоирнинг бу санъатдаги маҳоратига ҳам боғлиқ. Ҳатто шу уста шоир бир–биридан узоқ бўлган икки нарсани, мулоҳазаларни орттириш билан бир–бирига мувофиқдек қилиб кўрсата олади. Бу эса шоирлардан яширин бўлмаган ҳоллардандир. Шу жумладан, шоирлар А билан Б ни ва Б билан Ж¹⁷ ни бир–бирига ўхшатадилар. Чунки бунда А билан Б ни ўртасида яқин ва муносиб ҳамда маълум бўлган ўхшашлик бор. Улар сўз маъносини шунга буриб, ҳатто сомиъ – эшитувчи, муншид – ўқиб берувчиларнинг фикр–зикрини, гарчи улар ораси узоқ бўлса ҳам А билан Б ва Б билан Ж ўртасида бўлган ўхшашликдан огоҳлантирмоқчи бўладилар.

Бу санъатда шоирликнинг танланиши одамда жуда ҳам улкан бойлик саналади. Бу худди ҳозирги замондаги баъзи бир шоирлар қилмишига ўхшаб кетади. Улар шундайки, агар бир сўзни шеърдаги байтга қофиядош қилиб қўйиб, олдинги байтда лозим бўлган нарсаларни ёки тасвирлаш ниятида бўлган нарсаларни бита олса, у ҳолда одамда жуда ажойиб ҳузурбахш ҳолат пайдо бўлади.

Биз яна шундай деймиз: бу санъат аҳли билан (уйга) нақш берувчи расом санъати ўртасида қандайдир муносабат бор. Булар иккаласининг санъатидаги моддаси турли–туман бўлса ҳам, аммо шаклда, яратилиш ва мақсадларда бир–бирига мос келади. Ёки айтайлик, ўша иккала яратилган нарсада, улар шаклларида ва мақсадларида бир–бирига мувозанат, ўхшашлик бор. Бу шундайки, шеър санъатини

безайдиган нарса — бўёқлар саналади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ҳам одамлар тасаввури ва сезгиларида бир мақсадга — тақлид қилишга йўналган бўлади.

Шоирлар санъати илмини ўрганувчилар фойдаланадиган умумий қонун — қоидалар мана шулардан иборат. Бу қонунларнинг кўпини (илмий нуқтаи назардан) текшириб чиқиб, мулоҳазалар билдириш ҳам мумкин эди, лекин бундай санъат соҳасида илмий текшириш беришдек нарса инсонни санъатнинг бир навъида бир томонлама мулоҳаза олиб боришга элтиши ҳамда бошқа навълар ва қарашлардан юз ўтиришга олиб келиши мумкин.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

(XI аср)

Асли исми Юсуф бўлган илк турк дostonнависи Болосоғунда туғилган. Хос Ҳожиб (айрим манбаларда Юсуф Болосоғуний) шоирнинг унвони бўлиб, унинг асари ҳукмдорга тортиқ қилингандан сўнг шундай номга сазовор бўлган. Муаллифнинг бизгача етиб келган ягона асари ҳижрий 462 (1069–70)да ёзиб тугалланган "Қутағу билиг" ("Бахтлиланиш билими") бўлиб, муаллиф ўз асарини 18 ойда ёзиб тугатган. Асардаги тўрт рамзий қаҳрамон Кунтуғди (адолат), Ойтўлди (давлат), Ўғдулмиш (ақл) ва Ўзғурмиш (қаноат) тимсоллари орқали Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ижтимоий – сиёсий, адабий – фалсафий қарашларини ифода қилган.

Асар бизгача уч нусхада етиб келган бўлиб, биринчиси сақланиш ўрнига кўра "Вена нусхаси" деган ном билан юритилса ҳам, аслида Ҳиротда 1439 йилнинг 17 июнида котиб Ҳасан Қора Сойил Шамс томонидан уйғур ёзувида кўчирилиб тугатилган. Иккинчи нусха кўчирилиш ўрни, топилиши ва сақланишига кўра "Қоҳира нусхаси" (Қоҳирадаги Ҳидув кутубхонасида сақланаётгани 1896 йилда маълум бўлган) деб номланади. Учинчи нусха "Наманган нусхаси" номи билан илмга кирган бўлиб, 1923 йили Фитрат томонидан қўлга киритилиб, Тошкентга келтирилган. А.Кононовнинг аниқлашича, ушбу қўлёзма мавжуд нусхалар ичига энг мукаммалдир. У 6329 байтдан иборат, маснавий (арузнинг "мутақороби мусаммани маҳзуф") вазнида ёзилган.

Асардаги илмнинг хосияти, билим бахт калити экани ва тил одоби хусусидаги қисмлардан парчалар келтирилди.

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ҒАН
ЙАНГЛУҚ АҒИРЛИҚИН ТАНУРЛАЙУР
БИЛИГ БИРЛА (ИНСОННИНГ ҚАДРИ
БИЛИМ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ)

Тўруғти ўзурди сечу йанглуқуғ
Ангар берди эрдам билиг ўғ уқуғ
(Сечу, яъни ҳар ерда маълум Худо, инсонни яратди,
Танлади, унга ҳунар, билим ва уқув берди).

Кўнгил берди ҳам ма йуритти тилиг
Ўвут берди қилқ ҳам қилинчи силиг
(Унга кўнгил берди, тилини йўриқ (равон) қилди,
Андиша, хулқ ҳамда гўзал феъл ато қилди).

Билиг берди йанглуқ безуди бу кун
Уқуш берди ўтру йазилди тугун
(Билим берди (шу туфайли), инсон бу кун улуғлиққа
эришди, Уқув берди, сўнг (шу туфайли берк) тугунлар
ечилди).

Байат кимка берса уқуш ўт билиг
Ўқуш эзгуликка узатти алиг
(Худо кимга уқув, ақл – идрок, билим берса,
У кўп эзгуликлар қилишга қўл узатади).

Билигни безуг бил уқушни улуғ
Бу эки безугур ўзурмиш қулуғ
(Билимни буюк, уқувни улуғ бил,
Бу иккиси танлаган бандасини улуғлайди).

Бу сўзка тануқи муну келди сўз
Бу сўзни эшитгил сўзунг менда ўз
(Бу сўзнинг исботи учун мана шундай сўз бор,
Бу сўзни эшитгин, (тегишли) сўзингни мендан ол:

Уқуш қайда бўлса улуқлуқ бўлуғ
Билиг кимда бўлса безуглуқ алуғ

(Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади).

Уқушлиғ уқар — ул билиглиғ билир
Билигли уқуғли тилакка тегир
(Заковатли уқади, билимли билади,
Билимли, заковатли тилакка етади).

Билиг маъниси бил неку тер билиг
Билиг билса ўтру йирар эрда иг
(Билим маънисини билгин, билим нима дейди:
Билим билса, сўнг кишидан бало — офатлар йироқлашади).

Билигсиз киши барча иглиг бўлур
Игиг эмламаса киши терк ўлур
(Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади,
Дардни даволамаса, киши бот ўлади)

Йури эй билигсиз игингни ўта
Билигсиз ўтин — сен э билга қута
(Кел, эй билимсиз, дардинга даво қил,
Билимсиз (бўлсанг) — тубансан, доно (бўлсанг) —
бахтлисан).

Уқуш — ул бурундуқ ани йетса эр
Тилакка тегир ул туман арзу йер
(Билим гўё бир бошбоғ кабидир, агар киши унга эриш
олса, Тилакка етиб, туман орзуларга эришади).

Уқуш бўлса эрка кўр асғи ўқуш
Билиг билса ўтру бўлур эр кўшуш
(Кишида заковат бўлса, (унинг) нафи каттадир,
Билим ўрганса, сўнг киши азиз бўлади).

Уқуш бирла ишлар қамуғ иш кузуг
Билиг бирла беглар бу булмиш ўзуг
(Ҳамма (ҳам) иш — амаларни заковат туфайли бажаради
Беглар давр — давронга билим туфайли эришганлар)...

КИТАБ ИЗИСИ ЎЗИНГА УЗР АЙУР
(КИТОБ ЭГАСИ ЎЗИГА УЗР АЙТАДИ)

Тилаким сўз эрди э билга бўгу
Кезин келдачика ўзум сўзлагу
(Тилагим сўз эди, эй билагон доно,
Кейин келувчи(лар) учун ўзим айтадиган (сўзлар эди).

Уқуш келди ўтру айур бутру кўр
Сўзунг бўлса йанглуқ сенга бўлга қўр
(Заковат пеш келди, ишонарли қилиб айтади, кўр,
Сўз(лар)инг янглиш – хато бўлса, сен учун зарар бўлади)...

Йашил кўкдин инди йағиз йерка сўз
Сўзи бирла йанглуқ агир қилди ўз
(Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди¹,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуг қилди).

Киши кўнгли тубсуз тенгиз – тег турур
Билиг йунжу сани тубинда йатур
(Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир,
Билим инжу каби (унинг) тубида ётади).

Тенгиздин чиқармаса йунжу киши
Керак йунжу бўлсун керак сай таши
(Денгиздан киши инжунни чиқармаса,
У хоҳ инжу бўлсин, хоҳ сой тоши² бўлсин (бефойдадир).

Йағиз йер қатиндақи алтун таш – ул
Қали чиқса беглар башинда туш – ул
(Агар бўз ер қатидаги олтин тош
қазиб чиқарилса, беглар бошида безак бўлади).

Билиглиг чиқармаса билгин тилин
Йарутмаз анин билги йатса йилин
(Билимли билимини тили орқали чиқармаса,
Унинг билими йиллаб ётса (ҳам) ёритмайди).

Уқушли билигли эзи эзгу нанг
Қали булсанг ишлат учуб кўкка тенг

(Заковат (ва) билим – жуда эзгу нарса,
Агар (уларга) эришсанг, ишлат, учиб кўкка кўтарил).

Неку тер эшитгил бу эл кент беги
Уқушқа билигга йетурмиш ўги
(Бу эл ва кент беги нима дейди, эшитгин,
Заковатга, билимга фаҳми етган (киши):

Ажун тутғуқа ер уқушлуғ керак
Будун басғуқа ўг керак ҳам йурак
(Жаҳон тутиш учун киши заковатли бўлиши керак,
Халқни босиш учун ақл – фаросат (ва) юрак керак).

Уқуш бирла тутти ажун тутғучи
Билиг бирла баста будун басғучи
(Жаҳонгир(лар) заковат билан олам тутди(лар),
Халқни босувчи(лар) билим билан босди(лар)...

<...> Ўлуғдин тиригга қумару сўз – ул
Қумару сўзи тутса асғи йуз – ул
(Ўлган(лар)дан тирик(ларга) мерос сўздир,
Мерос сўзи (яъни оталар сўзи)ни тутилса, нафи юз --
юздир)

Билигсиз қарағу турур белгулуг
Е кўзсуз қарағу билиг ал улуг
(Билимсиз муайян кўрдир,
Эй нобино³, кўр, билимдан улуш ол).

Киши кўрки сўз – ул бу сўз – ўк телим
Йури эзгу сўзлуғ кишиг ўг тилим
(Кишининг кўрки сўздир, сўз эса талайдир,
Кел, эй тилим, эзгу сўзли киши(лар)ни мадҳ қил.

Масал келди туркча мунар мензатур
Ани сўзладим мен муну йанзатур
(Бунга ўхшатадиган туркча масал бор,
Бунга мослаб шу (масал)ни сўзладим):

Укуш кўрки сўз – ул бу тил кўрки сўз
Киши кўрки йуз – ул бу йуз кўрки кўз
(Заковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир).

Тили бирла йанглақ сўзи сўзлайур
Сўзи йахши бўлса йузи сувланур
(Инсон ўз сўзини тили орқали сўзлайди,
Сўзи яхши бўлса, юзи сувланади (яъни обрў қозонади)...

АЙТЎЛДИ ЖАВАБИ ЭЛИГГА
(ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ⁴)
Бу Айтўлди айди сўз асғи телим
Қали сўзлайу билса ўш бу тилим
(Ойтўлди айтди: Сўзнинг фойдаси (жуда) кўп,
Агар бу тилим уни таърифлаб бера олса).

Йава сўз билигсиз тилиндин чиқар
Билигсиз кишиг билга йилқи атар
(Беҳуда сўз билимсиз тилидан чиқади,
Билимсиз кишини доно йилқи⁵ атайди).

Қара қилқи тенгсиз йава сўзлаган
Йава сўз турур бу қара баш йеган
(Жоҳилнинг одати тенги йўқ беҳуда сўзлашдан иборат,
Қора бошни еган нарса беҳуда сўздир).

Йава сўзласа сўз неча йас қилур
Агар сўзлайу билса асғи бўлур
(Сўзни беҳуда сўзласанг, қанчадан – қанча зиён
келтиради,
Агар сўзлай билсанг, унинг фойдаси бўлади).

Қара қарни тўзса кўр уз – тег йатур
Йава сўзка авнур ўзин семритур
(Жоҳил қорни тўйса, ҳўкиздеқ ётади, кўр,
Беҳуда сўзга ғарқ бўлиб ўзини семритиради).

Йеса тўзса йатса бу йилқи турур
Бу йилқи тедукум бу қилқи турур
(Еса, тўйса ва ётса — бу демак йилқидир,
Бу йилқи деганим унинг қилиқлари (учун)дир).

Билиглиг кишилар этўз йавритур
Билиг бирла авнур жанин семритур
(Донишманд кишилар ўз жисмларини койитадилар,
Билим билан овуниб ўз жонларига ором берадилар).

Этўз улги барча бўғуздин кирур
Бу жан улги чин сўз қулақдин кирур
(Жисм (тана)нинг ҳиссаси бўғиздан киради,
Жон (руҳ)нинг ҳиссаси эса чин сўз бўлиб, у қулоқдан
киради).

Билиг белгуси кўр эки нанг турур
Бу экки била эр қизил энг урур
(Билимнинг белгиси икки нарсадир, кўр,
Бу икки (нарс)а билан кишининг юзи ёрур бўлади):

Бири тил турур кўр бириси бўғуз
Бу экки баса тутса асғи ўкуз
(Бири — тил, бири эса бўғиздир (нафсдир),
Шу иккаласини тия билсанг, фойдаси дарё кабидир).

Билиглиг боғуз тилқа эрклиг керак
Бўғуз тил кўдазган билиглиг керак
(Билимли, нафс (ва) тилга иродали бўлиши керак,
Нафс (ва) тилни тиядиган киши билимли бўлиши керак)...

*АЙТЎЛДИ ЖАВАБИ ЭЛИГКА
(ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ)*
Бу Айтўлди айди ўкуш сўз ул — ул
Айитмади сўзлаб ирикса кўнгул
(Ойитўлди айтди: Сўзнинг кўпи шулдирки,
Сўрамаган (сўз)ни сўзлаб кўнгилга терса)⁶.

Бу аз сўз ул – ул ким айтмиҳқа ўз
Жавоб берса сўзка йанут қилса сўз
(Сўзнинг ози шулдирки, сўраганга киши
Жавоб берса, сўзга (тенг) сўз билан жавоб қилса.

Мунгар менгзату айди шаъбир сўзи
Тили сўз била тузди ачти йузи
(Шоир сўзини бунга ўхшатиб айтди,
(У) тилини сўз билан беади, юзини очди [яъни
хушрўй бўлди]:

Сўзуг йақши сўзла эзу сақну ўз
Айтуқта сўзла йана теркин уз
(Ўзинг жуда ўйлаб сўзни яхши сўзла,
Сўраганда сўзла, яна тезликда тамом қил.

Ўкуш сўз эшитгил телим сўзлама
Уқуш бирла сўзла билиг бирла туз
(Сўзни кўп эшитгин, лекин ортиқ сўзлама,
Идрок билан сўзла, билим билан андазала)⁷...

К А Й К О В У С (1021—1099)

Унсуру—л—Маолий Кайковус Каспий денгизининг жанубий қирғоғидаги Гилон қабиласидан бўлиб, унинг отаси машҳур шоҳ Шамсу—л—Маоли Қобуснинг ўғлидир. Қобус ўз даврида таназзулга юз тутган самавийлар хонадонини тиклашга уринди, бироқ бунга эришиш учун Маҳмуд ёрдами билан Табаристонни забт этиб, пойтахт қилган (унинг ҳузурига маълум мўддат Беруний ҳам яшаган). Қобуснинг набираси ўз замонасининг илми ҳукмдорларидан бўлиб, ўғли Гилоншоҳга бағишлаб "Насиҳатномаи Кайковус" асарини ёзди. Асарни машҳур шоҳ бобосининг номи билан "Қобуснома" деб атади. Муаллифнинг бундан бошқа асарлари борлиги маълум эмас. "Қобуснома" 1083 йили Жўржонда ёзилган бўлиб, 44 бобдан иборат.

Асар бобларининг мундарижасидан маълум бўлишича, муаллиф замонасининг фозил ва зукко кишиларидан бўлган. Нафақат подшоҳлик мансаби ва масалаларида, билим ва маданият—ахлоқий ишларда ҳам намуна бўла олган. Шунинг учун бўлса керак, "Қобуснома" 1432 ва 1705 йиллари турк тилига, 1786—87 йили уйғур, 1881 йили эса татар тилига таржима қилинган. Оврўпада 1886 йилги русча ва французча, 1811 йилги немисча таржималари мазкур бўлган. Ушбу мажмуага 1860 йилда Огаҳий томонидан амалга оширилган таржима асос бўлди. "Қобуснома" фақатгина ахлоқий насихатнома бўлмай, унда бадиий ижод билан боғлиқ масалалар ҳам акс этганки, шу жиҳатдан у XI асрнинг адабий—назарий манбаси сифатида эътибор уйғотади.

«ҚОБУСНОМА»дан

Шоирлик ҳақида

Эй фарзанд, шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, англашилмайдиган, қийин сўзларни ишлатмагил, ўзинггина билиб, бошқалар унинг шарҳига муҳтож бўлгудек сўзни айтмагил, чунки шеърни халқ учун ёзиш керак ва ўзи учун ёзмайди. Бир хил вазн ва қофияга қаноат қилмагил, санъатсиз, тартибсиз шеър айтмагил. Шеър зарб ва шаклда *альал*¹ бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлади. Шоирлик қондасига кўра (шеър ёзишда) санъатдан гофил бўлмагил. Масалан, шоирларнинг зарур усуллари шулар: *мужонис* (*ўхшаш*), *музмар* (*яширин*), *мутобиқ* (*уйғун*), *мушокил* (*шаклдош*), *мулавван* (*бўялган*), *муташобих* (*аллегорик*), *мукаррар* (*такрор*), *мувассал* (*уланган*), *мураддаф* (*радифли*), *мусаммат* (шеърнинг бир бандидаги қофия ва бошқа мисралардаги қофиядан фарқ қилади), *муҳаттаъ* (*кесик*), *мусажжаъ* (*қофиядош*), *мутаозод* (*қарама-қарши*), *мувашишаъ* (*бездатишган*), *мустаар* (*кўчма маъноли*), *мухаллаъ* (*бўртмоқ*), *мустахиёт* (*ўзгартиш*), *муставий* (*равон*), *муздаваж* (*жуфт*), *мувазана* (*параллел*), *зулқофиятайни ражази мақлуб* (*қўш қофияли мақтов шеъри*) ва шунга ўхшашлар².

Аммо сўзнинг юксак (ва таъсирчан) бўлишини истасанг, киноя, истеҳзоли гапни (кўш) сўзлама, мумкин қадар истиораларни ишлатгил. Мадҳда истиорани ишлатгил. Агар газал ёзмоқчи бўлсанг осон, равон ва латиф сўзлар билан ёзгил ва машҳур қофиялар билан зийнатлагил, совуқ ва ёқимсиз қофияларни ишлатмагил, ошиқона ўз аҳволингни ва гўзал (ёқимли) сўзларингни қўлдан бермагил ва яхши масалларни ҳам қўлдан бермагил, шундай ёзсанг, юқори табақа ҳамда оддий халққа маълум бўлади ва сенинг шеъринг шуҳрат топади.

Оғир вазнда ва *арузга*³ шеър ёзмагил, чунки аруз ва оғир вазн ёқимсиз қилиқли, совуқ (табиатли), латиф ва нозик маънилардан маҳрум бўлган одамлар учун яхшидир. Агар бирор киши шундай шеърни талаб қилса, ёзсанг бўлади. Аммо аруз, шоирлик, *тахаллус илмини*⁴ ўрганиш

билан шеър (ёзишни) ўргангил. Агар шоирлар орасида мунозара бўлса, ё бир киши сен билан кашфиёт ҳақида баҳслашиб қолса ёки сени имтиҳон қилиб кўрса, енгилиб қолмагил, аруз доираларини⁵, уларнинг отларини, доиралардан пайдо бўладиган баҳрларнинг отларини билгил. Масалан, *ҳазаж, рамал, ҳазажи макфуф, ҳазажи аҳраб, ражази матвий, рамали мажнун ва мансуҳ, ҳафиф, музореи аҳраб, муқтазаб, мутақориб, қариби аҳраб, мансуҳи кабири басит, мағид, комил ва вофир*. Буларнинг монандини ва бу баҳрларнинг барча аруз ва зарбларини билиб олгил. Мадрҳия, газал ё ҳажв ёки марсия ёзмоқчи бўлсанг, сўзни мукаммал ишлатгил, сўзни нотаом ишлатмагил. Насрда ишлатилган сўзни назмда ишлатма, негаки наср – раият, назм подшо мартабасидадир. Агар бир нарса раиятга лойиқ бўлмаса, подшога ҳам лойиқ эмас.

Газални гўзал ва равшан ёзгил, мадрҳ ёзишда бақувват ва баландҳиммат бўл. Ҳар бир одамга лойиқ сўзни айтгил ва ҳар бир кишининг қадрига қараб шеърни билиб ёзгил. Агар одамда қаҳрамонлик бўлмаса, уни *шижоатли, баҳодир* деб мақтамагил. Агар одам белига пичоқ тақмаган бўлса, унга қилич билан шерни ўлдирасан, найза билан *Бесутун*⁶ тоғини тешасан, ўқни чумолининг кўзидан ўтказасан, демагил. Ҳар одамки, отга минмаган бўлса, унга сенинг отинг *Дулдулга*⁷, *Раҳиға*⁸, *Буроққа*⁹ ўхшайди, демагил. Ҳар бир одамга муносиб сўзни айтгил. Аммо шоир мадрҳ қилинувчининг табиатини ва унга қандай сўз маъқул бўлишини билиши лозим. Унинг хоҳишига лойиқ мадрҳ қилгил. Шундан кейин унинг инъомидан кўнглинг хоҳлаганча кўз тутгил ва ҳимматингни паст тутмагил, ҳар бир масъалада ўзингни банда ва ўзгани ходим деб кўп айтмагил, агар мақтаган кишинг шу сўзга лойиқ бўлса, айтгил.

*Ҳажв*¹⁰ қилишни одат қилмагилки, ёмон бўлади. Агар шеърда ёлгон ва муболағани яхши десалар ҳам, ёлгонни ҳаддан ошириб юбормагил, дўстларнинг ва халқнинг баланд мартабали эканини айтишни зарур деб билгил. Аммо газал ва марсияни бир хил услубда, ҳажв ва мадрҳни ҳам бир хил услубда ёзмагил. Агар ҳажв ёзишни билмасанг, мадрҳнинг тескарисини ёзгилки, бу ҳажв бўлади, марсия ва

ғазални ҳам шундай қил. Ҳар хил нарса ёзмоқчи бўлсанг, ўз фикринг билан ёзгил, бошқаларнинг сўзини такрорлама, агар бошқаларнинг сўзини такрорласанг, кўнглинг очилмайди, шеър майдони сенга кенг бўлмас ва дастлабки шеър ёзган даражанга қолаверасан. Табиатинг очилиб, шоирликка қодир ва моҳир бўлганидан сўнг, агар бирор ердан бирор ажойиб маънили сўз эшитсанг, сен шу сўзни маъқул кўрсанг, бу сўзни бошқа ўринда ишлатишни истасанг (шундай сўзни ишлатдим деб), такаббур бўлиб кетмагил, лекин бу сўзни ишлатмагил, агар шундай сўзлар мадҳда ишлатилган бўлса, сен ҳажвда ишлатсанг (маъқул бўлади), ғазалда бўлса, марсияда ишлатгил, чунки киши бу сўзни қаерда ишлатилганини билмасин.

Агар мақтовчини талаб қилсанг ёки бозор ишини қилсанг, қовоғинг солиқ, кийиминг ифлос бўлмасин, ҳамма вақт чеҳранг очиқ бўлсин, кулиб тургин. Нодир ҳикояларни, кулгили сўзларни ёд ол, чунки мақтовчининг олдида шоирнинг бундан бошқа чораси йўқдир.

НИЗОМИЙ АРУЗИЙ САМАРҚАНДИЙ
(XI аср охири – 1160)

Улуғ шоир ва адабиётшунос олимнинг исми Аҳмад ибн Умар, Низомий – шоирлик таҳаллуси, аруз илмининг етук мутахассиси бўлгани учун қалам аҳли уни Арузий деб атаган. Асли Самарқанддан бўлиб, 45 йил Гур ва Бомиён (Афғонистоннинг шимолий ғарби) вилоятлари ҳукмдорларининг хизматига бўлган. Гур вилоятининг молики Аловуддин Ҳусайн Жаҳонсуд билан кўп ҳарбий сафарларда ҳам қатнашган, номи Низомий асарларида тилга олинади.

Низомийга шуҳрат келтирган асосий асар “Чаҳор мақола” (“Тўрт мақола”) бўлиб, 1157 йилда Бомиёнда ёзилган. Ушбу асар ўзбек тилига “Нодир ҳикоятлар” номи билан ўғирилган. Китоб ҳамд, наът, муқаддима қисмларидан ташқари тўрт мақолани ўз ичига олгандир:

1. Дабирлик (котиблик) илмининг моҳияти ва етук дабир сифатлари.

2. Шеър илмининг моҳияти ва шоир салоҳияти.

3. Юлдузлар илмининг моҳияти ва мунажжимлар салоҳияти.

4. Тиб илмининг моҳияти ва табиблар зарурияти.

Низомий талқинчи, мамлакат ишларининг мустаҳкамлиги шоҳга, унинг номини (қасабаси, мулки, вилояти, лашкари, хазинаси) қолдириш даврига, унга шуҳрат баши этиши шоирга, турмуш тадбирларининг ўнгидан келиши мунажжимга, бадан сихати табибга боғлиқ. Шунингдек, агар илмдан баҳра топмаган, ҳар бир нуқтани ёд олмаган, ҳар ҳакимдан бир ҳикмат эшитмаган ва ҳар адибдан бир санъат ўрганмаган дабирнинг сўзлари аъло даражага етмайди.

Асарнинг ҳозирга қадар сақланган 12 та қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, шулардан икkitаси XIV асрга оид. Эрон олими Мирзо Муҳаммад Қазвиний асарнинг танқидий матнини 1909 йили нашр эттирган. Жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган. Бу китобнинг Шарқ филологияси тараққиёти учун ҳам хизмати улуғдир

«ЧАҲОР МАҚОЛА»
(«Нодир ҳикоятлар»)дан

**Шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг
салоҳияти ҳақида**

Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва таъсирчан қиёсларни¹ бир—бирига улайди. У шундай йўл билан, масалан, кичик маънони каттага, катта маънони эса кичикка айлантиради, чиройликни хунук либосда кўрсатади, хунукни эса чиройли суратда жилвагар этади. Илҳом санъати билан газаб ҳамда ҳиссий қувватларни кўзғатади, натижада кишилар табиатида қайғу ёки хуррамлик пайдо бўлади. Бу эса улуғ кишилар фаолиятида оламни тартибга солиб туриш учун хизмат қилади.

**Шоир ва шеърнинг қандай
бўлиши ҳақида фасл**

Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, табъи латиф, кўнгли тўғри ва зеҳни ўткир бўлмоғи лозим. У яна турли фанлардан хабардор бўлиши, ҳар хил одатлар билан таниш бўлмоғи керак. Чунки шеър ҳар бир илмда қўл келиши ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин².

Шоир мажлисларда ширинкалом ва дўстлар даврасида очиқ чеҳра бўлиши лозим. Шеърлари эса ҳаёт саҳифасида боқий қоладиган, покиза табиатли кишилар тилидан тушмайдиган, баёзларга ёзиб олинадиган ва шаҳарларда ўқиладиган даражага етган бўлиши керак. Шеърдан кўзланиладиган катта мақсад ва улкан ният бу номни боқийлаштиришидир. Шеър ўқилмаса ва кўчирилмаса, бу мақсад ҳосил бўлмайди. Бу даражага етмаган шеърнинг таъсир қуввати бўлмайди. Агар шеър ўз боқийлигига эга бўлмаса, у қандай қилиб ўзга кишиларнинг номини адабийлаштириши мумкин!

Агар шоир ёшлик айёмида ва йигитлик давронида ўтмиш шоирларининг шеърларидан йигирма минг байтни хотирасида тутмаса, замондошларининг асарларидан ўн минг байтни ёд билмаса, устодлар девонини пайваста

ўқимаса, сўзнинг нозик томонлари ва қийин жойларини қандай йўл билан ҳал этганликларини ўрганмаса бундай юксак даражага етолмайди ҳамда шеър навълари³ ва йўллари унинг табиатида ўз ифодасини топмайди, шеърнинг соз ёки нуқсонли томонлари ақлининг саҳифасида ўз аксини кўрсатмайди, сўзлари буюклик томон, таъби эса юксаклик сари майл этмайди.

Ҳар кимнинг шеър таъби мустақкам, сўзлари эса равон бўлса, шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади. Устод *Абулҳасан Сарахсий Баҳромийнинг "Ғояту-л-арузайн" асарини ҳамда "Канзу-л-қофия", "Нақди маоний", "Нақди алфоз", "Сариқот" ва "Тарожим" китобларини*⁴ мутолаа қилади. У мазкур фаннинг ҳар бир турларини шу фанни яхши билувчи устод қўлида ўзи устодлик даражасига етмагунча, юқорида биз санаб ўтган устодлар каби унинг номи ҳам ҳаёт саҳифасида пайдо бўлмагунча таълим олади. У ўз ҳомийси ва *мамдӯҳидан*⁵ нимани олган бўлса, уларнинг номини адабийлаштириш билан ҳақини узади. Подшо ҳам шоирлар унинг хизматида рўёбга чиқиши ва ўзи шоирнинг мақтовидан шуҳрат топиши учун улар тарбиясидан қўл тортмаслиги лозим. Агар шоир бу даражадан кам бўлса, унинг учун пул сарфлашга ва шеърларига илтифот қилишга ҳам арзимайди, хусусан, агар у кекса бўлса! Мен бунга кўп текшириб кўрганман, бу оламда қари шоирдан кўра бадтаррогини кўрмаганман, унга берилган пулдан кўра зое кетган пул бўлмайди. Элик йил ичида ҳам мен айтган гапларнинг ростлигини билиб, шу даражага етолмаган нўноқ киши қайси пайтда ега олади?!

Шоир ёш бўлса—ю, шеърлари яхши бўлмаса, аммо қобилиятли бўлса, унинг яхши шоир бўлишига умид қилса бўлади. Олийжаноблик қондаси бўйича, бундай шоирнинг тарбиясига киришиш вожиб, у ҳақда қайғуриш фарз, меҳрибонлик кўрсатиш шартдир! Подшоҳнинг олдида бадиҳа айтишдан кўра яхшироқ нарса йўқ! Бадиҳа билан подшоҳнинг кўнгли шод бўлади, мажлислари қизийди, шоир эса мақсадига етади. Бадиҳа айтиш ва тез шеър тўқиш билан сомонийлар сулоласи даврида Рудакий эришган бахтга⁶ ҳали ҳеч ким эришган эмас!

АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ
(XIII аср)

Адабиётимиз тарихига Адиб Аҳмад номи билан из қолдирган бу ўзига хос шоирнинг ҳаёт саналари маълум эмас. Шунинг учун илмда унинг асари тил хусусиятлари ва айрим тарихий номлардан келиб чиқиб, XII – XIII асрларда яшагани ҳақида бир тўхтамга келинган.

Фарғона водийсининг Йўғноқ қишлоғида туғилган. Бизгача етиб келган ягона асари "Ҳибату-л-ҳақойиқ" ("Ҳақиқат совғалари")ни Фарғона ҳукмдори Дод Сипоҳсолорбек Ҳабашийга бағишлаган.

Адиб Аҳмад Югнакийга Алишер Навоий катта ҳурмат билдириб, уни "Насойиму-л-муҳаббат" асарида таърифлаб кўрсатган. Асарнинг бизгача сақланган қўлёзма нусхалари XV асрда кўчирилган бўлиб, улар Истанбулда сақланади. Таълимий дoston сифати билан адабиёт тарихига кирган ушбу асар ислomий адабиётнинг намунаси ҳисобланиб, унда Қуръони каримдаги оятлар ва Ҳадиси шариф ҳикматларининг шарҳи берилган. Шу билан бирга илм манфаати, илм ўрганиш ҳақида Пайғамбаримиз с. а. в. айтганлари, тил маданияти каби масалалар акс этган.

"Ҳибату-л-ҳақойиқ" асаридан Илм манфаати ва Тил одоби ҳақидаги айрим лавҳалар тавсия қилинди.

"ҲИБАТУ – Л – ҲАҚОЙИҚ"дан
АН–НАВЪУ–Л–АВВАЛУ ФИ МАНФАЪАТИ–Л–ИЛМИ ВА
МАЗАРРАТИ–Л–ЖАҲИЛИ
(ИЛМ МАНФААТИ, ЖАҲОЛАТ ЗАРАРИ ҲАҚИДА)

Биликтин айурман сўзумга ула
Биликликка йа дўст ўзунгни ула
(Билим ҳақида сўзлайман, сўзимга қулоқ сол, эй дўст,
илмли кишига ўзингни яқин тут).

Билик бирла билнур саъадат йўли
Билик бил саъадат йўлини була
(Билим билан саодат йўли очилади, (шунга кўра) илмли
бўл, бахт йўлини изла).
Баҳалиқ динар ул биликлик киши
Бу жаҳил биликсиз баҳасиз биши
(Билимлик киши баҳолик динордир, илмсиз жоҳил
киши қимматсиз емиш (мева)дир).

Биликлик биликсиз қачан тенг бўлур
Биликлик тиши эр жаҳил эр тиши
(Илмлик киши билан илмсиз одам қачон тенг бўлади,
билимлик хотин киши -- эр кишидир, билимсиз эркак --
хотин кишидир).

Сўнакка йилик тек эранга билик
Эран кўрки ақл ул сўнакнинг йилик
(Сўнгақда¹ илик бўлиши лозим эканлиги каби эр кишига
билим керақдир, эр кишининг кўрки ақлдир, сўнгакнинг
кўрки эса илиқдир).

Биликсиз йиликсиз сўнгак тек хали
Йиликсиз сўнгакка сунулмас элик
(Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка
эса қўл урилмайди).

Билик билти бўлти эран белгулук
Биликсиз тирикла йитук кўргулук

(Илмли кишиларнинг (номи) машхур бўлди, билимсиз (кишилар) эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу унга кўргуликдир).

Биликлик эр ўлти ати ўлмату
Биликсиз эсан эркан ати ўлук
(Билимли киши ўлса ҳам, унинг номи ўчмайди, илмсиз кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам, оти ўликдир).

Биликлик биринга биликсиз мингил
Тенгакли тенгади биликнинг тенгин
(Билимликнинг бири билимсизнинг мингига тенг, илмли кишилар илм – маърифатнинг қадрига етади).

Бақа кўргил эмти уқа синайу
Не ненг бар биликтин асиғлиқ ўнгин
(Энди ўзинг синаб, уқиб, боқиб кўр, билимдан фойдалироқ қандай нарса бор).

Билик бирла алим йуқар йуқлади
Биликни биликсиз узун не қилур
(Билим билан олим юқорига кўтарилади, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради).

Билик бил усанма бил ўл ҳақ расул
Билик кимда эрса сиз арқанг деди
(Билимли бўл, ҳеч қачон эринма, Ҳақ Расул(и) ким илмли бўлса, уни сиз мақтанг (қидиринг) деб айтди).

*ВА ЗАЛИКА ҚАВЛИҲИ АЛАЙҲИССАЛАМ
УТЛУБУ—Л—ЪИЛМА ВАЛАВ БИ—С—СИН
(ИЛМ ЎРГАНИШ ҲАҚИДА [ПАЙҒАМБАР]
АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ)²*

Биликлик биликни эдраган бўлур
Билик татгинг эй дўст биликлик билур
(Билимли киши илмни фарқлайди, эй дўст, илм қадрини маърифатли одам билади).

Билик билдурур эрга билик қадрин(и)
Биликни биликсиз узун не қилур
(Илмнинг қадрини кишига билим билдиради, маърифатни
нодон, тубан киши нима қилади)³.

Биликсизга ҳақ сўз татиқсиз эрур
Анга танд насиҳат асигсиз эрур
(Илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўғит – насиҳат
фойдасиздир).

Не турлук ариқсиз арир йув деса
Жаҳил йуб аримас ариғсиз эрур
(Турли ювиқсизларга (ифлос кишиларга) ювин деб
буюрилса тоза бўлур, аммо жоҳил қанча ювинмасин пок
бўлмайди).

ҚОЛА РАСУЛУЛЛАҲИ САЛЛАЛЛОҲУ
АЪЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМА МА АЪЗЗА АЛЛОҲУ
ЙУЖАҲЛУ ҚАТТА СОДАҚА РАСУЛУЛЛАҲИ
(ТАНГРИНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ ЖОҲИЛЛИҚДАН
ТИЙИЛИШ, ХУДОНИНГ РАСУЛИГА СОДИҚ БЎЛИШ
ҲАҚИДА ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
АЙТГАНЛАРИ)

Биликлик киши кўр билур иш ўзин
Билиб этар ишни ўқунмас кен(д)ин
(Билимли киши ўз ишини билиб қилади, билиб қилган
ишига кейин ўқинмайди).

Не турлук иш эрса биликсиз ўнги
Ўқунч ўл анга йўқ ўнг анда азин
(Турли ишлар юз берса, билимсиз наздида ўнг кўри нади,
(бу) унга ташвиш, бундан бошқа чора (ўнг нарса) йўқ).

Биликлик кераклик сўзин сўзлайур
Кераксиз сўзини кўмуб кизлайур
(Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни
кўмиб яширади).

Биликсиз не айса айур уқматин
Анинг ўз тили ўз башини йейур
(Илмсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди,
шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди).

Билик бирла билнур тураткан изи
Биликсизлик ичра хайир йўқ деди
(Яратган Тангри илм билан танилади, илмсизлик яхшилик
келтирмайди, деган (гап бор)).

Билик билмагандин бир анча бузун
Ўз элгин бут этиб изим бу теги
(Кўп кишилар илмсизликдан ўз қўлини бут қилиб,
Тангрим бу, деди).

Биликлик сўзи панд – насиҳат адаб
Биликликни ўтди ажам ҳам араб
(Билимли кишининг сўзи ўғит – насиҳат, одобдир, шунинг
учун илмиларни Араб, Ажам⁴ олқишлади).

Таварсизга билги туганмас тавар
Ҳисобсизга билги йарилмас ҳисаб
(Молсиз фақир кишига унинг илми туганмас
бойлиқдир, ҳисобсизга унинг билими ечилмас (очилмас)
ҳисобдир)...

АН – НАВЪУ – Л – АХИРУ ФИ АБЪАТИН
МУТАФАРРИҚАТИН ЙАШТАМИЛУ АЪЛА
МАЪАНИН МУХТАЛИФАТИН
(ОХИРГИ БЎЛИМ: ТУРЛИЧА МАЪНО
БИЛДИРУВЧИ БАЙТЛАР ҲАҚИДА)

Уқуб сўзла сўзни эва сўзлама
Сўзунг кизла кезин башинг кизлама
(Сўзни уқиб сўзла, шошиб (беҳуда) гапирма, сўзингни
яшир, кейин бошингни яшириб юрма).

Минг эр дўстунг эрса ўкуш кўмагил
Бир эр душман эрса ана азлама
(Мингта дўстинг бўлса, кўп кўрма, биргина душманинг
бўлса, уни оз дема)...

ФИЛ УЎДЗИР БИТАММИ-Л-КАЛАМИ
(ОХИРГИ СЎЗ (СЎЗНИНГ ТУГАЛЛАНИШ САБАБЛАРИ))

Битидим китаби маваъиз масал
Ўқуса татир тил йемиш тек асал
(Кишиларга ибрат, таълим берувчи, одобга чақирувчи бу китобни ёздим, ким ўқиса тили асал, мева егандай чучийди).

Ким эрса бу сўзга азинлар сўзин
Тенгаса тенгади дурустқа бадал
(Ким бўлмасин бу сўзларни бошқалар сўзига алмаштирса, у унга дуруст (бошқалар сўзини) сўзни тингласин).

Адиб Аҳмад атим адаб пинд сўзум
Сўзум мунда қалур барур бу ўзум
(Отим Адиб Аҳмад, сўзим панд – насиҳат, сўзим бу дунёда қолиб, ўзим у дунёга кетаман)...

Анин уз эрур бу китаб бир сўзуг
Тўлулаб кетурдум кемиштим йўзуг
(Бу китоб шунинг учун ҳам нафисдирки, ҳар бир сўзни тўлатиб ёздим, кераксиз юзаки сўзларни ташладим).

Навадир сўзуг аз булур азл ўкуш
Жўз атлас бўлур қиз учузи бўзуг
(Бир кийимлик атлас қиммат, бўз арзон бўлгани каби қимматли сўз оз, ҳазил сўз кўп)...

Адиблар адиби фазиллар баши
Гуҳартин сўз аймиш азин сўз биши
(Адиблар адиби, фозиллар боши гуҳар каби пухта сўз дурларини териб айтгандир⁵).

Уған раҳмат этсун бу саъат анга
Йарин қўбса бўлсун йаранлар баши
(Тангри шу соатда унга ёр бўлсин, Тангло қиёматда у ёрғонларга бош бўлсин)...

САЙФИ САРОЙИ
(1321–1396)

Хоразм яқинидаги Қамишли қишлоғида туғилган. Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой шаҳрида яшаган, ҳаётининг сўнгги йилларини Мисрда ўтказган ва у ерда вафот этган. Шоирнинг «Девон»и ҳалигача эълон қилинмаган. Унинг девонидан айрим намуналар 1926 йили Истанбулда чоп қилинган "Турк адабиёти намуналари"да берилган.

Бизгача шоирнинг адабий меросидан бир неча ғазаллари, қасида, қитъа, рубойлари, "Суҳайл ва Гулдурсун" достони (1394) ҳамда Саъдий Шерозий асарининг таржимаси "Гулистони бит-турки" (1390–91) етиб келган. Айрим асарлари Истанбулда (1926) "Турк адабиёти намуналари"да берилган.

"Суҳайл ва Гулдурсун" достони ўзбек эпик шеърятини тараққиётида ўз ўрнига эга. Достон халқ афсонаси «Гулдурсун» асосига қурилса—да, унда реал тарихий воқеалар, яъни Амир Темурнинг Хоразмга юриши ҳам акс этган.

«Гулистони бит-турки» номли ушбу таржиманинг муқаддимасида шоирларни уч гуруҳга ажратиб, уларни булбул, зоғ ва тўти деб билади ва бу билан шоирлик табиати хусусидаги ўзига хос қарашларини баён қилган.

"ГУЛИСТОНИ БИТ-ТУРКИ"дан

Илиқ ёз кунларидан бир куни бўстон ичинда, гуллар орасинда бир неча зариф олимлар билан ўтуруб, иншо илминдан баҳс қилиб, абёти ғариб ва ашъори ажиб ўқудим эса, ул олимларнинг улуси аруз илминдан бир мушкул байтнинг тақаттуъин¹ савол этти. Филҳол жавобин эшитиб айтти: «Эй адиби ғариб, сенга бир мувофиқ насиҳатим бор, қабул қилсанг, хайр бўлғай». Айттим: «Буюрунг». Айтти: «Шайх Саъдий "Гулистон"ин туркий таржима қилсанг, бир соҳибдавлат эр отина, мисраи ёдгоринг жаҳонда қолсун

деб». Ул азизнинг муборак нафасин қабул этиб айттим:
«...аммо қувватим заиф турур анинг қавий маънийларина».

Мен дағи Тангрига таваккул қилиб, ҳиммат белин рағбат эли билан боғлай бошладим, тамом бўлғай деб. Аммо бу китоб оти ул сабабдан «Гулистон» бўлдиким, ажойиб ҳикоёт ва гаройиб *насоиҳ*² ва анвоъи латоиф билан мураттаб ва музайян бўлуб турур.

Шеър

Эй жаҳони илму устоди ҳунар,
Маърифатнинг манбаи соҳибназар.

Гул тиласа хотиринг тўли³ табақ,
Бу «Гулистон»имдан ўқи бир варақ.

Гул жамоли бир неча кунда кечар,
Бу «Гулистон» доимо кўнгул очар.

Ул ажойиб, ким гаройиб мунда бор,
«Хусраву Ширин» ичинда қанда бор?!

Бу латоиф боғи бўстони дурур,
Булбули маъни гулистони дурур.

Бу сифатлар бирла кўзларга тўлуб,
Не ажаб, бўлса масобиҳу – л – қулуб⁴.

Туркийга қайтиб ажамдан бу китоб,
Маърифатга очти саккиз турлу боб.

Текма бир жонга муфарраҳ⁵ бўлмага,
Текма хотирни мушарраф қилмага.

Бу «Гулистон»га тамошо қилган эр,
Дам – бадам маъни емишин тоза ер.

Жон қачон бўлғай «Гулистон»дин малул⁶,
Чун кўружак шодмон бўлуз кўнгул.

Хайр этиб бўлган маликлар номдор,
Кетти қўйуб ҳар бири бир ёдгор.

Эйгу⁷ оти қолса эрнинг яхшироқ,
Сўнгра қолгинча тўли олгун равоқ.

Ёдгори қолса кимнинг эйгу от,
Ўлмас ул эр кимда бўлса бу сифот.

Бу сифатли эр букун хайри касир,
Миср ичинда бор бир ориф амир.

Эйгулуктур дам — бадам элга иши,
Жоҳу давлат, фатҳу нусратгур эши.

Лутфу ахлоқу карам кони дурур,
Эйгу оти доимо тилда юрур.

Дину дунё, давлати зоти шариф,
Маърифатнинг маъдани ўзи шариф.

Бу «Гулистон» зийнати Тайхосбек,
Ҳожибу — л — ҳужжоб⁸ султона хос бек.

Ҳар бирига жон бекин элга ярар,
Ўлтуриб ёргу⁹ ёзарда қил ёрар.

Ҳақ таъоло давлатин қилсун зиёд,
Динидин олсун танаъум¹⁰ бирда дод.

Эй малак сурат, малик нусрат аён,
Жуд¹¹ ичинда Ҳотами Тойи замон.

Бадри¹² давлат олама қутлу юзунг,
Ким билик баҳри ўзунг, жавҳар сўзунг.

Биликли фориссан¹³ ул арслон юрак,
Ким букун уштар сенга меҳтар¹⁴ керак.

Сенсан ул лашкарда сафлар ўзган эр,
Эрдаминда эрдамин кўргузган эр.

Кўрмалим ориф, назаринг жавҳарий,
Дурри маънийга мубассир¹⁵ муштарий.

Назм этиб кўркли дуолар зотингга,
Тонг ҳада келтурубман отингга.

Ул ҳада бу китоб эрур муфид¹⁶,
Жумла алфози тўлу маъни жадид.

Ўзина бўлуб муборак бу китоб,
Доим олсун нафъ мундин шайху шоб.

Эйгу оти ёди бирла кўб замон,
Тоза бўлсун бу Гулистони жинон.

Бу «Гулистон» борбони ул адиб,
Ким Саройи Сайф эрур назми ғариб...

<...> Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур, сўзда кими зог.

Кими тўти бикин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дурарни¹⁷.

Кимининг сўзлари мавзуну ширин,
Кимининг лойиқи ташрифу таҳсин.

Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳалво киби шалгам чўбин ер¹⁸.

Кими маъни қўюб, лафзин тузатур,
Кими вазнин бузуб, санъат кузатур.

Аларнинг уш бири Сайфи Саройи,
Жаҳон орифларининг хоки пойи.

Ани сен жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамиша муштари бил...

<...> Бир насиҳат шартин ўш¹⁹ қилдук баён
Ким, истамас бўлса бизга не зиён.

Ул биликли ким, эшитиб иш этар,
Ложарам²⁰ мақсудина осон етар.

Йўл учун озук ануқ²¹ этмак керак,
Чун бу манзилдан кўчуб кетмак керак.

Мунда дойим эйгулук эткан киши,
Жаннат ичинда тамошодур иши.

Муддати ҳижрат эди юз тўқсон уч
Йил эдиким, оз эди алимда куч.

Аввали шаввол эдиким, эй азиз,
Хатм ўлди бу гулистонномамиз²².

Комил эр айб истамас, кўзлар ҳунар,
Муддаи кўзлаб ҳунар, айбин кизар.

Дам – бадам бу ранж ичиндадур ҳасуд²³,
Кўргузар доим мурувват аҳли жуд.

Ё илоҳий, сен муродин бер анга,
Ким бу мискинни дуо бирла анга.

Хайр уза тут бу китобат котибин,
Раҳматинг бирлан ганий эт соҳибин...

Қил назар Сайфи Саройи ёрлига,
Афв этиб ёзуқларини ярлига²⁴.

Ул қўюб кетти жаҳонда ёдгор,
Бу гулистонни тари чун навбаҳор.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ
(1414–1492)

Абдурахмон ибн Низомиддин Аҳмаднинг таҳалуси Жомий, нисбаси Нуран – Нуриддин (диннинг нури) бўлиб, Ҳирот яқинидаги Жом шаҳрида туғилган. Таҳсилни Ҳиротдаги Низомий мадрасасида олган. Тасаввуфда Саъдиддин Кошғарийга мурид бўлиб, ўзига пир тутган. Жомий темурий султонлардан Шохруҳ Мирзо, Абулқосим Бобур, Абу Саъид ва Ҳусайн Бойқаро даврида яшаган. Жомийни Султон Ҳусайн Бойқаро, унинг ўғиллари ва Алишер Навоий ўзларига пир–мурид деб билган.

Абдурахмон Жомий катта адабий ва илмий мерос қолдирган бўлиб, юзга яқин асарлар битган. Навоий Жомийнинг 38 асарига тавсиф берган. Унинг "Ҳафт авранг" ("Етти тахт") мажмуасига "Тухфату-л-аҳрор" ("Нуронийлар тухфаси"), "Сибҳату-л-аброр" ("Тақводорлар тасбеҳи"), "Лайли ва Мажнун", "Юсуф ва Зулайхо", "Хирадномаи Искандар", "Силсилату-з-заҳаб" ("Олтин тизмалари"), "Соломон ва Абсол" дostonлари киритилган. Шеърӣ асарлари асосида уч девон тузган.

Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи аруз», «Рисолаи қофия», «Рисолаи мусиқӣ», «Рисолаи кабир дар муаммо» («Муаммога доир катта рисола»), «Рисолаи мутавассит дар муаммо» («Муаммога доир ўрта рисола»), «Рисолаи сағир дар муаммо» («Муаммога доир кичик рисола»), «Рисолаи асғари манзума дар муаммо» («Муаммога доир кичик назмӣ рисола»), «Фавоиди зиёия» («Зиёилик фойдалари»), «Сарфи форсии манзум ва мансур» («Форсий назм ва насрнинг морфологияси») каби илмий–назарий рисолалари ҳам бор.

"Ҳафт авранг" таркибига кирган дostonларининг муқаддима ва хотималарида ёки алоҳида мақолатлар билан Шеър ва шоирлик хусусида айтган фикрларидан ва "Баҳористон"даги айрим назарий лавҳалардан фойдаланилди.

СИЛСИЛАТУ—3—ЗАҲАБ
(“Олтин тизмалари”) *дostonининг*
биринчи дафтаридан

УЛУҒ ШОИРЛАР ХОТИРАСИ

На хушдурки, бўлмиш улуғ шоирлар,
Соҳибсухан ўз касбига моҳирлар.

Қалам билан кўп номлар тирилган¹,
Дафтарларга мадҳу санолар битган.

Жисман йўқдур гарчи улар дунёда,
Номларидур аммо тирик ҳар жойда...²

Бу сўзларнинг хулосаси шундай бил:
Абадийдир насру ашъор, эй оқил!

Сўз сайқали дил зангини йўқ этар,
Сўз панжаси чигал тугунни ечар.

Тушса бошқа агарда бир мушқилот,
Топилмаса ҳал этишга бир нажот,

Сўз қудратин ишга солсанг ўшал он
Мушқулотинг бўлуру, албатта, осон!

СЎЗ ВА ҚАЛАМ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА
...Гарчи қалам сўзга намойиш берур,
Асли эса сўзга у фарзанд эрур.

Сўз очажак сир юзидан пардалар,
Санъатидан зинда бўлуру мурдалар.

Бўлса агарчанд суҳандон киши,
Бўлмаса сўз юрмагусидир иши.

Сўз ила жўрлашса — да, сози анинг,
Роҳатижон бўлғай овози анинг.

Гар фараз этсакки, нафас жонга банд.
Сўзни нафас жони, бил, эй дилписанд.

Гар у нафас, тан эса жони сухан,
Хўп ярашур бир – бирига жону тан.

Сўзда агарчанд³ туман нуқта бор,
Ҳар бири бир инжу эрур беғубор.

Инжу эмас, инжудан афзал турур,
Нуқтасининг ҳар бири ноёб эрур.

Ҳарфи агар зер ўқулуру ё забар,
Аҳли зако олдидадир мўътабар...

Нуқтаси гар дилда ҳувайдо⁴ бўлуру,
Маънисига эл бари шайдо бўлуру...

Соз элининг кайфу сафоси сухан,
Кўкка етар созу навоси сухан.

Сўз зарини буйла маҳак⁵ айлади..
"Зар" сўзининг миннатини тортмадим!

Бўлса тарози агар ул осмон,
Палласига ою қуёш бир томон.

Палласининг ул бирига сўзни гар,
Салмоғини билмоқ учун қўйсалар.

Ою қуёш палласи енгил кўчар,
Лекин у сўз палласи оғир келар.

Сенда агар бўлса шу сўз гавҳари,
Борма тилаб Жомий, бировлар сари.

Паст кишига эгма бошинг зар учун,
Сўз гавҳари бор – ку ўзингда бугун.

*БАЛАНДПАРВОЗ, СЕРПАРДОЗ
ШОИРЛАРГА ТАНБЕҲ*

Қофиясанж⁶ – нуктадонлар токи дилга йўл топар,
Хира дилларнинг юзига рамз эшигин боғлашар.

Нукта майдонида жавлон этсалар, борми, улар,
Олам ичра қўзғатурлар гулгула – овозалар.

Танни ташлаб, ҳар бириси бегумон бир жон бўлур,
Тоғ кесиб, конлар очиб, дунё аро шоён бўлур.

Тоғ кесишлик – жон узишлиқдир уларга касбу кор,
Осмон саррофи⁷ айлар бошларидан зар нисор.

Эй азизим, сенки қон оқизган экансан, яхши бил,
Кон қазиб гавҳар олибсан меҳнат айлаб муттасил.

Ушбу коннинг гавҳари бир хил эмас, бер эътибор,
Бўйла Уммон дурларининг қийматию, фарқи бор.

Гар асил гавҳар тиларсан кон дилига юз ўгир
Яхшисин топсанг, яна ҳам яхшироғига югур!

Кимки хас бирла қаноат айласа у хас эрур
Олийҳиммат бўлки, у олий тилакка еткурур!

Дилни пок этмай туриб, покизалик қилма ҳавас,
Покиза дил шеъри ҳам покиза бўлғай ҳар нафас.

Поку нопок дил нишони бўлғуси сўздан аён,
Чунки дилда ҳарна бўлса тил этар они баён.

Бир ўлимтик мурдаси тўсса ариқни ногаҳон,
Соф зилол ҳам қўланса ҳидли бўлғай бегумон.

Тонг насими нофаларга⁸ эсса ҳар жойда агар,
Эл бўлур онинг муаттар ҳидларидан баҳравар⁹.

Шеър ўз номи билан ҳеч тенги йўқ гавҳар эрур,
Балки гавҳардан нафосат бобида устун келур.

Сўз жаҳонгашта эса, маъни мусофир бир ғариб,
Аммо зийрак зеҳндан турмас узоқда, эй ҳабиб.

Қофия чин шойисидек нодиру камёб эрур,
Вазн эса ўйноқи сув тўлқинларини эслатур.

Шеър асли ҳар нечук ортиқча пардоздан йирок,
Мақтаниш кибру ҳаводан холидир бошдан оёқ.

Топғусидир меҳнату ижод ила ҳусну жамол,
Меҳнату санъатнинг мухлисидир ушбу навниҳол.

Бир гўзалдирки, топибдир парвариш юз ноз ила,
Йўқ чиройининг иши пардозу ҳам андоз ила.

Юзларига хол ярашгай, ҳаддан ортиқ тушмаса,
Хол бузар ҳуснини гар ўрни мувофиқ тушмаса.

Хол қўйишнинг ҳам ўзига хос амал қонуни бор,
Маъшуқа рухсорасида ўрнию мазмуни бор.

Ҳаддан ошган хол ярашмас нозанинларга сира,
Ойга доғ тушган каби оппоқ юзин айлар қора.

Ҳамма айтилган бу сўзлар тўғрию, сен тингла боз,
Барча ишлар бўлгуси асли муҳаббат бирла соз.

Бир муҳаббатки, фалакка чирмашур овозаси,
Шул муҳаббатдан бўлур маҳкам сухан шерозаси.

Бўлмаса гар Жомий, сенда шул муҳаббатдан нишон,
Яхшиси сўз ҳақида очма бировга дoston.

Мардлар қалбида сўнмасдир муҳаббат машғали,
Ишқнинг ўти — ҳақиқатда нафосат сайқали.

**АЛИШЕР НАВОИЙ
(1441–1501)**

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий асарларида кўплаб адабий–назарий муаммолар ўз аксини топган. Унинг “Хазойину–л–маоний” номи билан дунёга танилган чор девонининг дебочасида, “Хамса”нинг муқаддимасида, “Муҳокамату–л–луғатайн”, “Лисону–т–тайр” асарларида ҳам адабиётнинг назарий жиҳатларини ўрганишга ва ўзининг адабий–эстетик қарашларини ифода қилишга интилиш бўлган.

Навоийнинг адабиётшунослик масалалари акс этган “Мажолису–н–нафоис” тазкираси, “Мезону–л–авзон” исми назарий рисоласи кенг китобхонлар томонидан асрлар оша ўрганиб келинмоқда. Бундан ташқари “Муфрарот”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Аргашер”, “Хамсату–л–мутаҳаййирин” каби асарларида ҳам адабиёт, шоир ва шеърят масалаларига бағишланган мулоҳазалар акс этган.

Ҳазрат Навоий тасаввуф олими ҳамдир. Унинг «Лисону–т–тайр» асари сўфийлик дostonи бўлиб, Шайх Фаридуддин Аттор анъаналари руҳида ёзилган бўлса, «Насойиму–л–муҳаббат» Ҳазрат Жомийнинг «Нафаҳоту–л–унс...» йўлида етти юздан ортиқ шайх ва сўфийлар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган «Тазкирату–л–авлиё»дир.

Ушбу мажмуага киритилган “Сўз таърифида”, “Бир неча сўз ул маънида...” деб номланган назарий мубоҳасалар Алишер Навоий асарлари («Ҳайрату–л–аброр», «Назму–л–жавоҳир»)нинг 20 жилдлиги асосида тайёрланди.

"ҲАЙРАТУ–Л–АБРОП" дан

Сўз таърифидаким, башар вужуди *сипехрининг*¹ кавокиби *жаҳонтоби*² ва инсон зоти *маъданининг*³ жавоҳири сероби дурур ва саъд кавкабларнинг бир–бири бирла *қирони*⁴ яхши асар кўргузуридин ва *самин*⁵ жавҳарларнинг бир–бирига *иқтирони*⁶ *дилпазир*⁷ кўрунуридин, назм таркибин наср тартибига таржиҳ қилмоқ.

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тўрт садаф *гавҳарининг*⁸ дуржи ул.
Етти фалак *ахтарининг*⁹ буржи ул.

Боғчаи даҳрки юз тоза гул,
Топги қаёнким назар этти кўнгул.

*Катми адам*¹⁰ гулшани ичра *нуҳуфт*¹¹,
Гунчалар эрди бориси *ношугуфт*¹².

Чун бу насим эсти азал тоғидин,
Мунча гул очилди жаҳон боғидин.

Қайси насим улки эрур *гулфишон*¹³,
Барги гулу настарин андин нишон.

Бу икки яфроғни қачон *зуфунун*¹⁴,
Бир–бирига қўйса бўлур "*кофу нун*¹⁵"...

Даҳр муқайяд била озодаси,
Боча эрур "коф" ила "нун" зодаси.

Зодасидан зода бўлиб беадад,
Зодага ҳам волид ўлуб ҳам валад,

Васф не нафъ ўлғай анга эл сўзи,
Ҳарне сўз айтилса эрур чун ўзи.

Жон ўлуб ул, руҳ анинг қолиби,
Ким танида руҳ, анинг толиби.

Борча кўнгил дуржи аро жавҳар ул,
Борча оғиз ҳуққасида гавҳар ул.

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфтидоғи инжулари сўзни бил.

Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз дураридин бўлубон жоласи.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

Тиргузуб ўлганни каломи *фасиҳ*²²,
Ўзига "жонбахш" лақаб деб *Масиҳ*²³

Боис ўлуб шаҳ сўзи бедодға,
Туҳмат ўлуб ўртада жаллодға.

Сўздин этиб ўтга азимат *Халил*²⁴,
Сўз юкига ҳомил ўлуб *Жабраил*²⁵.

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи *роз*²⁶,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Ғунча оғизлик санами нўш *лаб*²⁷,
Сўздин агар айласа, хомўш *лаб*...

Лаъли майи ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа,

Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул *ҳамон*²⁸...

Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Мунчаки шарҳ этти қалам сўзга ҳол.
Насридадур, назмида бор ўзга ҳол.

Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд.

Ўрнида тишлар дури манзум эрур
Чун сочилур қиймати маълум эрур.

Варду шажар шоҳид эрур боғ аро
Лек ўгун силкидадур тоғ аро.

Мунда паришонлиғи нохуш қилиб,
Анда *мураттаблиғи*³⁰ дилкаш қилиб.

Навъи башар бошига рабби *Ғафур*³¹,
Қўйди тафовут била тожи зуҳур.

Шоҳки гулшанни бисот айлағай,
Базм тузуб, азми *нишот*³² айлағай.

Ҳар киши ўз пояси бирла мақом
Тутса эрур анжуман ичра низом.

Эмдики май *зойил*³³ этиб хушни,
Шаҳ ёнига тортти *човушни*³⁴.

Қул бег ила тузди узун можаро,
Қайда ҳаловат яна ул базм аро?

Арсада шатранжни улким тўқар,
Неча йиғоч порасидурким *ўқар*³⁵.

Чунки биров ўлтурубон ҳар тараф,
Терса бисот ичра ани ики саф.

Ҳар ён ики саф ики мисраъ киби,
Тўрт саф ўлса, *ики матлаъ киби*³⁶.

Ҳар бири бир турфа муаммо бўлуб,
Отлар анинг зимнида пайдо бўлуб,

Фикри саҳиҳ элга бисотида от,
Қилса паришонлиғ ўлуб анда мот.

Дафтари назмида чу шерозагур³⁷,
Гул варақи гулшан аро тозадур,

Узди чу шерозасини дафтари,
Ел учурур ҳар варақин бир сари.

Назм анга гулшанда очилмоғлиғи,
Наср қаро ерга сочилмоғлиғи³⁸.

Бўлмаса эъжоз³⁹ мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм.

Назмда ҳам асл анга маъни гурур⁴⁰,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.

Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Ё Раб, ани халқ дилафрўзи эт,
Хаста Навоӣға доғи рўзи эт.

«НАЗМУ–Л–ЖАВОҲИР»дан

Азизу ниёз гулчеҳралари юзидин бу навъ парда очар ва аларнинг зулфи сунбулларин чеҳралари гуллари узра сочарким, Ҳақ субҳонаҳу ва таолоким, инсонни сойири махлуқотдин мумтоз ва мажмуи офаринишга сарвар ва сарафроз¹ қилдиким: «*Ва лақағ каррамно бани Оғама*»² (оят) каримаси андин мухбирдурур, «*Ва лақағ халақна–л–инсона фи аҳсани тақвими*»³ анга мушғир. Мунга жиҳат шарафи нутқ ва мақол эрди ва мужиби лутфи каломи фархунда маол⁴. Ҳар ойина бу жавҳари жонбахш башар хилқати конидин ва бу лулуи равонбахш инсон вужуди уммонидин зоҳир бўлмаса эрди – Исо⁵ била марқаби аросида не тафовут ва Солиҳ⁶ била ноқаси ўртасида не муғоярат бўлғай⁷ эрди.

Рубоия:

*Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.*

Бу сўзким, сойири ҳайвонот билан инсон орасида дағи тафовут анинг сабабидиндур. Турфа буким, анинг орасидағи тавофут беҳададу фарқ беададурки, «*Каламу ан–носу ала қадри уқулиҳим*»⁸ андин хабар берур.

Маълум бўлдиким, сўзга маротиб бор ва ҳар мартабада ҳунар маъйиб ва ул маротиб ижмоли юзидин идрок ва диққатойинлари ва уқул хурдабинлари⁹ қошида уч қисм бирла мунқасимдурур. Ва лекин тафсил ҳисобида кўпрак мутафарриғ бўлур.

Чун мухтасар мақолотда сўз маротиби мабоситининг кушойиши йўқ эрди ва муҳаққар калимотда сўз мадорижи рифъатининг оройиши сигмас эрди, ҳар оинаким, ижмол тариқи била ихтисор қилилдиким, аъло ва авсат ва адно¹⁰ бўлғай, аъло бобида кўпдур ва сўз йўқ деганнинг ҳам сўзи хўбдур, ул кундин аввалини малики қадим каломида ва сўзи таърифида ўз расулидин халойиққа пайғомидурким, ваҳий

котиблари лавҳан ваҳйосор ўз қалами мўъжиз нигори билан: «*Фаъту би—с—суратин мин мислиҳи*»¹¹ салоси урубдурлар. Ва балоғат бобида якқаламалиқ садосин сипеҳр муншисидин ошурубтурлар. Ва мундин сўнгра нубувват тилининг осориким: «*Ва ма янтиқу ан алҳо*»¹² анинг шонидадур. Рисолат лисонининг гуфториким: «*Инна ҳу илло вуҳу юқо*»¹³ анинг баёнидадурким, назмда балоғат ва насрда фасоҳат таърифиде «*Инна мин аш—шеъри ли ҳикматун ва инна мину—л—баёни—с—сеҳрун*»¹⁴ буюрубдурур ва сеҳр демайким, мўъжиза кўргузубдур.

Мундин сўнгра ҳидоят гулистонининг булбули хушилҳони ва валоят шакаристонининг тўтийи ширинзабони, каромат сарпанжаси била балоғат Хайбари эшикин очқон ва карам зўрдасти била каромат баҳри лаолисин замона аҳли бошиға сочқон: икки забоналиқ килки зулфиқоридин нишона ва ул килки забоналари суръатда дилдулидек равона бу баргузиданинг назми гавҳарнишони ва насри луълуфишонидур. Андин сўнгра машойих ва авлиё («*розийаллоҳу анҳу*») сўзи бўла олур.

Ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балоғатшиор ва булағойи фасоҳатдисор иборати фархунда ишоратларидурким, зоҳир юзидин саноеъ ойин ва бадоеъ тазйин воқеъ бўлубтур: «*ало қадри маротибиҳим*»¹⁵

Ва адно сўз хайли авом такаллуми, балки сойир ун—нос тараннумидурким, баъзининг алфозидин кишиға маъни маълум бўлур ва баъзидин бўлмас. Ва баъзи кишининг балиғ маънилиқ алфозини маълум қилмас, балки маънисиз алфозини ҳам ғарази бемаъни эрканин билмас.

Оллоҳ, оллоҳ! Сўз маротиби таҳқиқи не дақиқдурким, анинг силкидаги жавоҳир ўзин ҳарфи тирзиққа еткурур.

Рубоия:

*Рифъат аро фавқи Арши аъзам*¹⁶ сўз эмиш,
*Жонбахш дами Масиҳи Марям*¹⁷ сўз эмиш,
*Маъни дурри анда барча мудғам*¹⁸ сўз эмиш,
Улким анга маъни ўлмағай ҳам сўз эмиш.

Сўз боғи ажаб гулистонедурким, анда жонбахш атрлиқ ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳалиқ раёҳини гуногун

кўцдурур ва лекин фойдасиз хасу хошоки, балки зарарлиқ хори ҳалоки ҳам бордур.

Рубоия:

*Лекин навбаҳор жилва оғоз қилур,
Бўстон аро гул шўхлари ноз қилур,
Гар зоғ тикан аро ватан соз қилур,
Булбул бори гул баргига парвоз қилур.*

Чун бу нотавоннинг булбули табъи сўз гулистонин нишиман қилди ва андалиби руҳи сўз гулшанин ватан айлади — гул иси ройиҳаси димоғига жўш солди ва гулбун насими жонига онча хуруш юзландурдиким, хасу хошок сори кўз солмади ва тикан осибидин кўнглига парво қилмади, яъни бу заифи ҳақирға чун инояти азалий ва саодати лам язалий сўз жамиласин марғуб этти ва маъни турфасин маҳбуб. Ҳодийи тавфиқ борча сўзнинг тузрак тариқиға йўл кўргузди ва маънийи таҳқиқ борча маънининг ростроқ навосин базмида тузди: ложарамким, кўпрак авқотим Каломуллоҳ иштиғоли¹⁹ ва анинг тафосири қийлу қоли била ўтар эрди, то аҳодис дарёсига гавс қилур эрдим ва андин гаронмоя гавҳарлар иликка кивурур эрдим, то Ҳазрати амир сўзлари равзалари томошосига қадам қўяр эрдим ва ҳар равзада «Ва ҳур атника мисол сул--луълу--л--макнун»²⁰ висолларидин баҳра топар эрдим: батахсис «Насру--л--лаолий»²¹ким, ул Ҳазратнинг валоят дарёсидин чиққон самин луълулардир ва каромати уммонидин ҳосил бўлғон гаронмоя инжулар...

ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ
(1853 – 1908)

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат Қўқон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Ўзи ҳам савдогарлик билан шуғулланган. Зокиржон Фурқатнинг барча шеърӣ асарлари девонга жамланган бўлиб, унда XIX аср шеърӣятидаги мавжуд барча жанрларни учратиш мумкин. Бундан ташқари шоирнинг қатор маснавийларида ўз замонасидаги ўзгаришлар, фан ва техника ютуқлари ҳам акс этган.

Бадиий мероси орасида қатор шеърӣ ва насрий мактублар, хотира ва хабарлар ҳам салмоқли ўрин олган. Унинг машҳур "Саргузаштнома"си ўз даври воқеаларини акс эттирувчи муҳим ҳужжатдир. Булардан ташқари шоир айрим адабий–илмий мулоҳазаларини акс эттирган манзум асарлар ва рисоалар муаллифидир. Шунингдек, унинг аруз ҳақидаги кичик рисоласи Навоийнинг машҳур "Мезону–л–авзон" асари таъсирида ёзилганини англаш қийин эмас.

Мажмуага шоирнинг машҳур маснавийларидан бири киритилди.

**«ШОИР АҲВОЛИ ВА ШЕЪР
МУБОЛИҒАСИ ХУСУСИДА»**

Ёзай нуктае шоир аҳволидин,
Баён айлабон қийл ила қолидин¹.

На хуш кўрса оламда таъриф этар,
Ани яхши сўз бирла тавсиф этар.

Агар ўлса ҳар ерда бир яхши жой,
Музейян иморат ва ёким сарой.

Ваё ўлса бир боғи олий мақом,
Киши бўлса хурсанд анда мудом.

Ваё ўлса саҳройи доманвасиъ²,
Кўруб бўлса ҳар кимнинг кўнгли рафиъ³.

Ваё фазл аҳлики, топган камол,
Ваё одами бўлса соҳибжамол.

Аларнинг хусусида шоир ҳамон,
Демай, яхши сўзни нечук дер ёмон?

Чунончи, саёҳатда Саъдий юруб,
Китобиға ёзди кўп ишлар кўруб⁴.

Сафар айлади неча йил даҳр аро,
Қилиб неча кун сайр ҳар шаҳр аро.

Ўшал шаҳарларда тамошо қилиб,
Туруб неча кун анда маъво қилиб,

Кўруб ҳар нечук мардум ойинини,
Алар расму қонун ила динини,

Таажжуб қилиб ёзди гаҳ наср ила,
Гаҳи назму тулу⁵, гаҳи қаср ила⁶.

Кими кўрмаган ишга қилса ажаб,
Бировдин ажабдур анга бесабаб.

Чунончи, биз эллар мусулмон эли,
Хусусан, бир оз халқи Фарғон эли,

Бориб Русия шаҳрида турмаган,
Алар расму тартибини кўрмаган.

Кўруб қолса ногоҳ имкон ўлуб,
Таажжуб қилур ақли ҳайрон ўлуб.

Агар шоир одам тамошо қилур,
Таажжуб кўруб, назм иншо қилур.

Балогат эрур шеър оройиши,
Агар бўлса бир нукта кунжойиши⁷.

Чунончи, мусулмония шоирлари,
Ки шеър илмига моҳирлари

Эди Ҳофизу Саъдий, Фирдавсий ҳам
Учов оти даҳр ичра бўлган алам.

Дебон неча сўзларни ҳаддин баланд,
Сухандон кишиларга қилди писанд.

Балоғат чу бир жангу ҳангомада
Будур, деди Фирдавсий "Шаҳнома"да:

*"Зи сумми стурон гар ин паҳн гашт
Замин шаш шуду осмон гашт ҳашт"⁸.*

Балоғат била ушбу сўзларни дер,
Қачон осмон саккизу, олти ер?!

Ўшал байт бизларга марғуб эрур,
Латофатлар анда баса кўп эрур.

Ёзармиз баса шод бўлса кўнгул,
Ваё гамга муътоғ⁹ бўлса кўнгул.

На ҳол ўлса анга мувофиқ қилиб,
Яна рамзу мазмунига лойиқ қилиб.

Баҳар ҳол яхши сўз билса тақрир¹⁰ этиб,
Қилурмиз баён элга таҳрир этиб.

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886—1938)

Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат Бухоро шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Мирараб мадрасасида дарс олган. 1910 йили Бухорода ташкил қилинган «Тарбияти атфол» жамиятининг кўмаги билан Истанбулга ўқишга борган, Вайзин мадрасасида маърузалар ўқиган. Шоирнинг шеърлари Мижмар, сўнгра Фитрат тахаллуси билан «Сайҳа» (1912), «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) номли тўпламларда эълон қилинган. «Ҳиндистонда бир фаранги билан бухороли бир мударриснинг усули жадига мактаблари хусусида қилган мунозараси», «Ҳинг сайёҳи баёноти» қиссалари ҳам Истанбулда чоп қилинган.

1914 йилдан Фитратнинг қатор диний—ахлоқий асарлари босилиб чиққан. 1917 йилдан Самарқандда «Хуррият» номли газетада муҳаррирлик қилган. «Ўқув» номли биринчи дарслик китоби, ўзбек тили қоидалари ҳақида ёзган «Она тили» дарслиги, «Тилимиз», «Шеър ва шоирлик» мақолалари 1918—1919 йилларда яратилган.

1919—1928 йиллар оралиғида «Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма», «Энг эски турк адабиёти намуналари», «Ўзбек адабиёти намуналари (1—жилд)» каби дарслик ва мажмуалари эълон қилинган. Бу китоблар адабиёт назарияси ва адабиёт тарихи соҳаларида яратилган биринчи ўзбек дарслик ва қўлланмалари эди. Мана шу йиллари Фитратнинг Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Турғи, Машраб каби ўзбек адиблари, Фирдавсий, Сайфи Исфаранги, Умар Хайём, Мирза Бедил каби форс шоирлари ҳақида ёзилган рисола ва мақолалари эълон қилиниб, уларда машҳур адабий сиймоларнинг ҳаёт йўллари ёритиб берилди. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи», «Шарқда шахмат», «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» каби асарлари билан серқирра олим сифатида кўринган Фитрат 1936 йили «Аруз ҳақида» номли монографиясини ёзиб, аруз вазнининг ўзбек шеъриятидаги истиқболларини белгилаб берди. 1938 йилнинг 4 октябрида қонунсиз равишда қатл қилинди.

ШЕЪР ВА ШОИРЛИҚ (Агабий мубоҳаса)

Шеър ва шоирлиқ деган сўзлар бизда янгигина бир нарса эмас. Турк улуси ўз борлигини очунга кўрсаткали шеър ва шоирлиқни билибгина келганлар. Ҳар ким ишонадирким, турк улусининг борлиги ва маданийлиги араб келгач бошланмаган. Турклар Олтой теграсинда маданият қуруб, ҳукумат ясаб, тинчгина яшаб турганда арабларнинг Арабистондаги ҳолларини, эҳтимолким, ўзлари ҳам билмас эдилар. Маданий бир улуснинг шеърсизлигин сўйламак эса, гапуруб турган бир кишининг жонсизлигини ишонмоқ каби кулинчдир. "Турклар мусулмонлиқдан бурун ҳам буюк маданий донгли бир кун кечирганлар". Мана бу сўзни қабул қилдикми, "Туркларнинг мусулмонлиқдан бурун ҳам шеърлари, шоирлари, адабиётлари бор эди" демакдан ўз бошимизни қутқара олмаймиз. Ўзбек, тотор, қирғиз, туркман орасинда турк оди каби унутилмас бир йўсунда бу кунгача яшаб келган чўбчаклар, маталлар, эртақлар, ўлан ва лапарларнинг ҳар бирини эшитиб юрамиз. Туркман, қирғиз эллариндаги наврас¹ кишилари, кичкина болалар, ўқув, ёзув билмаган халқ(нинг) қизларининг сўз усталиқлари борлигини билиб турамыз. Мана шунларнинг ҳар бири турк эски адабиёт мадрасасиндан тушуб қолган баҳоли тошлардан бошқа нарса эмасдир. Улус ора оғиздан—оғизга айланиб юрган чўбчаклардан яхшигина онглашилурким, турк эски адабиёт мадрасасинда севги ва ошиқдан бошқа фалсафа, ҳикмат ва ахлоқдан ҳам кўб нарсалар бор экан...

<...> Адабиётимизнинг иккинчи бўлими мусулмонлиқдан бошланадир. Адабиётимизнинг бу бўлими учун керак бўлган негизлар ва тамалларни бизга Эрон орқали араблар юборганлар. Биз мусулмонлиқдан сўнг адабиёт йўлларини ияручилиқдан² сира қутултира олмаганмиз, адабиёт йўлларинда энг катта ҳунаримиз кўпрак эронлиларга, ундан кейин арабларга иярмак бўлган. Адабиёт йўллариндаги бу ияручилигимизининг кўзга кўринур ерларини чизиб ўтайлик.

Сўнги араб адиблари шеърни “каломи мавзуну муқаффан” дея таъриф қила(р) эдиарким, “ваззли, қофияли гап” демақдир. Бизнинг шоирларимиз ҳам шеърни шул бино қабул этдилар. Шунинг учундирким, “вазн” ва “қофия”си бўлган турли маънисиз сўзларнинг шарафина ишонган сайин шеърнинг ҳақиқатиндан узоқлашиб қолдилар. Етти—саккиз сўзни билгили бир вазнда тизиб, кетинда билгили бир сўзни қофия қўймоқ билан шеър орасинда ердан кўккача айирма бордир. Шеърда кишиларнинг қонини қайнатгучи, сингирларини³ ўйнатгучи, миясини титраткучи, сезгусини қўзгатгучи бир куч, маънавий бир куч бор. Шундай бир кучи бўлмаган сўз вазн ва қофияси бўлсун шеър бўла олмайдир.

Юқорида дедикким, шеърни “ваззли, қофияли сўз” деб таъриф этканлар. Арабнинг сўнг адиблари дейдилар: бу сўз тўғридир. Арабнинг ясама шоирлари бўлган мантиқ илмиси шеърни янглиш йўлда таъриф қилганлар. Арабларнинг чин ва табиий шоирлари бўлган жоҳилият шоирлари⁴ эсалар, шеърни бу маъно билган, онглаган эдилар. Тарихи исломни ўқуған мактаб болалари ҳам биларким, араблар Қуръон оятларина қарши ва ҳува қовлу—ш—шоиру (ва шоир сўзидир, шеърдир) деган эдилар. Қуръон ва “Ва ма ҳува би қовли шоир” (бу шоир сўзи эмас, шеър эмас) деб⁵ сўзларини қайтарган эди. Табиий шоир бўлган жоҳилият шоирлари шеърни “вазн” ва “қофия”ли сўз деб билган бўлса эдилар, “вазн” ва “қофия”си бўлмаган Қуръон оятларини “шеър” демас эдилар. Биз ҳам шеърни “вазн” ва “қофия”дан иборат (деб) билиб турганча чин шеърға, яқинлаша олмаймиз. Талабимиз қилган каби “шароб, жом, хумор, ҳол, хат, қош, кўз, гул, булбул” сингари ўн—ўн беш сўзни билгили вазн тизиб, “ол, ҳол, хол” каби сўзларни “қофия” қилармиз—да, ўзларимизни шеър ёзган атаб ўтуб кетармиз. Ҳолбуким, шеър бошқа, “қофия” билан “вазн” бошқадир. Ўйла эса “шеър” надур?

Биласизким, ҳар биримизда жон ва онгимизни тетраграмиздаги нарсалар ва ҳодисалардан чорландуруб тургучи “беш сезгич” (ҳаввоси хамса)⁶ бордир. Жонимиз шул беш сезгич орқали дунёнинг ўз тетраграмизга эришкан нарса ва ҳодисаларни билиб тура(р) ва ҳар бирисиндан қайғи, севинч,

қўрқув, қизиш, қайнаш каби сезги ва туйғилар оладир. Қишнинг қорли совуқ бир кунда йиртиқ чопонли, кўк бетли, оқ соқолли бир тиланчи бобонинг ўрнида йиқилиб қолганини кўрганда юрагимиз сезгисиз қоларми? Шундаёқ ёп-ёлғуз бу йўлда бир кишининг яраларига ўралиб, қонларига беланган ўлукни қўйиб қочар; бири ўлукнинг бошига тутуб, унинг бўялиб ётқон гавдасини кўрганда ҳар ким ўзига яраша бир нарса сезар: бири буюк бир қўрқув билан ҳолига йиғлар; бири чуқур қозиб кўмар; бири эса ул яралли гавдани кўргач, қони қайнаб кетар. Бу ишни қилган виждонсиз йиртқичларни топуб ўлдирмак учун ҳар ён чопар. "Шеър" юракимизда ҳосил бўлган ана шундай сезгиларни ҳунарлича сўзлар билан бошқаларнинг юрагига ўткармакдир. Шоир теграсиндаги нарса ва ҳодисалардан олдиғи сезгуларни ҳунарлича (хидматкорона) сўзлар билан бошқаларга ўткармакчи бўладир. Кишининг юраги қанча "сезагон" (мутахассис) эса, шунча яхши шоир бўлар. Шоирлик учун юракда бир сезги ва у сезгини ҳунарлича сўзлар билан бошқаларга ўтқаргучи бир куч керакдир. "Қофия" билан "вазн"нинг эса, шеърнинг ҳақиқатиға таъсири йўқдир. Бир неча кишилар шеър учун "ҳунарлича сўзлар"нинг ҳам тейишлигини инкор қилалар. "Шеър юракдаги сезги тўлқунларини сўз орқали ташқарига тўкмакдир" дейдилар. Бу қараш бир оз ифротдир⁷. Шеърнинг бир санъат бўлганлигини қабул эткандан кейин бу қарашнинг аҳамияти қолмас, айниқса, биз каби "чин шеър ва санъат" очуниндан узоқлашганлар эсимизга келган ҳар бир сўзни "юракимиздаги сезги тўлқунлари" гумон қилиб ташқарига ота берсак, Тангри кўрсатмасун, ўқучиларимиз қочарга йўл тополмай қоларлар...!

Шеър ики турлидир: манзум шеърлар (*тизим шеърлари*), мансур шеърлар (*сочим шеърлар*). Тизма сўзлар билан шеър сўйламак бўлгани каби сочиқ сўзлар билан ҳам шеър сўйламак бўлар. *Сочиқ шеърлар (мансур шеърлар)* учун "вазн" ва "қофия"нинг тейишлиги бўлмас ҳам сўзларнинг ҳунарлича (санъаткорона) бўлиши тейишдир⁸.

II

Ўткан мақоламизда шеърнинг "нималиги"ни (моҳиятини) айткандан кейин ики турлилигини кўрсатдик. Ики турли шеърдан сочим шеър тўғрисида қисқагина гапуруб, тизим шеър тўғрисидаги сўзни икинчи мақолага қўйган эдик. Тизим шеърларининг ойдин ва очиқ бир сифати "вазн" билан "қофия"дир. Биринчи мақолада "вазн билан қофиянинг шеърни ўқитурға таъсирлари йўқдир" деган эдик. Бу ерда эса *тизим шеър*"да вазн ва қофиянинг кераклигини сўйлармиз. Вазн билан қофиянинг шеърға таъсири йўқдир, вазн ва қофияси бўлмаган кўп шеърлар бўлгани каби "шеър" бўла олмаган вазнли, қофияли сўзлар ҳам кўцдир. Шеър юрак сезгиларини кўрсатмақдир. Вазн ва қофия эса, сўзнинг "безаги" (зийнати)дир. Юракимиздаги сезгиларни тўғри бермакчи бўлсоқ қофиясиз, вазнсиз бир шеър (сочим шеър) ёзиладир. Шеъримизни безамакчи эсак, вазнли, қофияли шеър (тизим шеър) ёзармиз. Вазн ва қофия юракимиздаги сезгиларимизни тасвирлай олмайдир; сезгиларимизни тасвир этучи сўзларимизни безайдир (зийнат берадир); сезгиларимизни бошқаларға ўткармак учун айтилгуси сўзлар вазнли, қофияли бўлганда мусиқа оҳангини бериб турадир, шунинг учун қулоққа ёқимлироқ келади.

Қоп—қоронғу бир кечада бошқа бирисининг пучмогинда севгилисини кўзлаб турган бир киши шамолнинг эсиши билан япроқ ва бутоқ тебранишлариндан чиққан мунгли мусиқага ияриб бир шеър айтадир. Бу шеърнинг етти — саккиз сўз бир вазнда тизилган, бир вазнда кўринган ҳар сўз туркумининг огир нидо — қулоқга бир турлигина таъсир беручи сўзлар қўйилса, ул шеърнинг таъсири, албатта, яхшироқ бўлар. Мана шеърда вазн ва қофия безаги (зийнати) шудир...

<...> Форси(й)ча дунёнинг энг ўйноқи ва нозли сўзларидандир. "Вазн" чанбаринда театру саҳнасиндаги қизлар каби ўйнаб турадир. Турк сўзи эса, огир, виқорли, гавдалидир. "Мафoъийлун, мафoъийлун" чанбаринда ўйнаб турмоқ нари турсин, вазнга кира олмайди, сигмайди. Эрон вазнида туркча шеър ёзганлар ики турли ишқа мажбур

қолалар. Биринчиси, шеър орасинда кўбрак арабча сўзлар киргузалар. “Мафoъийлун” вазнини туркча сўзлардангина тўлдура олмайлар. Икинчиси, вазн раййаси билан туркча сўзларнинг гавдасини бузарлар, Эрон вазнида шеър айтқон бутун турк шоирлари шул ики касалга тутилганлар, бирортаси ҳам қутула олмаган. Туркча шеърда арабча, форсча сўзлар киргузган турк шоирларимизнинг ҳар ҳолда билгили бир йўллари бор эди. Ундан ҳам сўзнинг маънисини англаб ўз еринда кўя(р) эдилар. Ҳозирги шоирларимиз эсалар, бус–бутун йўлсиз ва қоидасиз кета(р)лар...

<...> Туркча сўзларнинг гавдасини бузмай олмаққа кўб тиришкан шоир Навойидир. Навойининг шеърларида гавдаси бузилган сўз оз кўринадир. Демак, Навойи ҳазратлари бу ишнинг совуқлигини онгламиш, бироқ ўзини бутун қутқара олмашидир. Мисол айтиб, Навойининг шул шеърини кўрсатамиз:

*Юзингни кўриб, мени рамида⁹
Ишқ ўтиға бўлғали гирифтор.*

Шул байтдаги “юз” сўзини бузуб “йузз” қилмагунча вазн тўғри келмайдир. Эмди шул ики ишка шеърларни, байтларни охтарайлик. Юқорида сўйлаган эдикким: зоҳиран ўз юракиндаги эзгу туйғуларини сўзлар воситаси билан бошқаларга бериб ўткармакчи бўладир. Бошқа турли айтқанда: шоир сўз орқали бошқаларга таъсир этмакчи бўладир. Бунинг учун шоирга қерақдирким: сўзларининг яхши қабул бўлишига тиришсун, шеърни бузғучи сўзлардан узоқлашиб турсун.

<...> Форси(й)ча шеър сўйларга берилган кўб турк шоирлари бор. Уларнинг бу ишлари учун кўб сабаблар кўрсатиладир. Бироқ менга ул сабабларнинг биринчиси Эрон вазнидан туғилган шул қабоҳатлардир. Туркча шеърнинг ўзига кўра бир узри бор. Эрон вазнида сўйламак фикрий шул тонуқлар ила чурутилгач, турк вазнининг олий (суфати) қолиб кетадир. Уни бошқа бир мақолада сўйлармиз¹⁰.

«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ
(Адабиёт муаллимлари ҳам
жаваслилари учун қўлланма)»дан

САНЪАТ

Адабиёт сўзини тузукгина онгламоқ учун бошлаб санъат ҳам *гўзал санъатлар* деган сўзни таъриф қилиб ўтиш лозимдир. "Санъат" лугатда ҳунар демақдирким: бир нарсани яхши¹ ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бир киши бир ишни ўзига касб қилиб олиб шунга берилиб, яхши ишлаб чиқаратурган бўлса, шу иш унинг санъати бўладир. Бир киши тобоқчиликда², бир киши тикгу(в)чиликда яхши ишласа, шу иш унинг санъати бўладир. Бу санъаткорлардаги яхшилиқдан мақсад ишга ярамоқдир. Танбур, дутор ясамоққа санъатли бўлган бир кишининг танбур, дутори шунга яхшироқ ярайдир.

Бу маънодаги "санъат"дан тилақда бошқача бўлган бир турли санъатлар ҳам бор. Олайлик, санъати танбур чолиш бўлган бир кишини яхшилаб чалинган бир "Ироқ"³ куйи бу кишининг санъатидир. Бироқ яхшилаб чалинган "Ироқ" куйининг тилаги билан яхшилаб ясалган бир танбур, бир танбурнинг тилаги орасида каттакон айирма бордир. Бошқача айтганда, "Ироқ" куйининг яхшилиги билан тобоқ, танбурнинг яхшилиги бир эмасдир. Тобоқ, танбурнинг яхшилиқлари буларнинг ишқа яраганликларидир. "Ироқ" куйининг яхшилиги эса кишига маънавий таъсир этмак, унинг миясини тўлқинлантирмоқдир. Шунинг учун бунинг яхшилигига, яхшилиқ эмас, *гўзаллик* дейиладир. Бундай санъатларга эса "*гўзал санъатлар*" дейиладир.

ГЎЗАЛ САНЪАТЛАР

Тирик бир кишининг бир кўб тилаклари, истаклари, умидлари, эҳтиёжлари бўладир. Шуларга эришса севинадир, эришмаса қайғурадир. Одам ўзининг теграсидаки турли воқеалардан, бўлуб турган ишлардан, турли кўринишлардан, бошқа кишиларнинг бошлариға тушкан бахтли – бахтсиз воқеалардан ҳам таъсирланадир: шодланадир ё қайғурадир.

Ҳар ким ўзининг шодлиқли—қайғули туйғуларини бошқаларга билдирмак, уларни ҳам шу туйғулар билан туйғулантирмоқ истайдир. Буюк бир шодлиқ кўрган киши ўзининг шод туйғуларини бошқаларга билдириб, шодлигини орттирадир. Улуғ бир қайғуга учраган эса, ўз дардини бошқаларга ўтқариб, ўзини овунтирган бўладир. Мияси юксалмаган болалар, санъатдан хабарсиз кишилар шодлиқли—қайғули туйғуларини сакраб, ўйнаб, кулуб, йиғлаб, талпиниб жонлантирадилар, очикқа чиқариб бошқаларга онглатадилар—да, шу йўл билан овунтирилган бўладилар, санъат эгалари эса турли товар (материал)лар ёрдами билан ўзларининг туйғуларини жонлантириб майдонга чиқарадир. Шу йўлда бошқаларни ўз туйғулари билан туйғулантиришга тиришадир. Мана шундай “юрак, фикр, туйғу тўлқунларини сўз, товуш, бўёв, шакл, ҳарф, ҳаракат каби товарлар (материёллар) ёрдами билан жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқунни яратмоқ” хунарига *гўзал санъатлар* дейиладир.

Гўзал санъатларда товар (материал) товуш, оҳанг бўлса, *гўзал санъат мусиқий* бўладир; бўёвлар, чизиқлар бўлса, *расм* бўладир; тош ё бошқа турли маъданлар эса, *ҳайкалчилик* бўладир; тош, ёғоч, кирпич, ганж, турпоқ бўлса, *меъморлиқ* бўладир; тан, муға *ҳаракатлари*⁴ эса *ўйун (танс)* бўладир; гап, сўз эса *адабиёт* бўладир.

1. Мусиқий.
2. Расм.
3. Ҳайкалчилик.
4. Меъморчилик.
5. Ўйун (танс).
6. Адабиёт.

Гўзал санъатларнинг мана шу олти турлари бир—бирларига яқинлашмоқ эътибори билан ики туркумга айриладир. Адабиёт, мусиқа, ўйун (танс) бир туркум; расм, ҳайкал, меъморлиқ бир туркум бўладир⁵.

АДАБИЁТ

Мана, юқоридаги маълумотдан сўнг адабиётни шу йўлда таъриф этишимизга йўл очилган бўлди: *адабиёт* — фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир. Бу таъриф адабиётнинг тўғри таърифидир. Шу билан ёзилган асарларга *адабий асар* дейиладир.

Адабиётнинг икинчи бир таърифи бир турли тартибга солиниб ёзилган бутун асарлардир. Бу таърифга қараганда, бир тилда ёзилган бутун асарлар шу тилнинг адабиёти бўладир. Ҳам шундай ишлатадирлар: *Рус адабиёти бойдир. Ўзбек адабиёти камбағалдир* каби. Бироқ бу таърифнинг бизнинг дарсимизга бойланиши йўқдир. Бизнинг адабиётимизга кирган "адабиёт" сўзи биринчи таърифдаги "адабиёт"дир.

Биринчи таърифга кўра, адабиёт саналган асарлар ёзмоқ учун кўзда тутилиши лозим бўлган тузуқлар, қонунларга *адабиёт қондалари* дейиладир. Бизнинг бу дарсда кўрганамиз шу "адабиёт тузуқлари"дир.

АБДУРАҲМОН САЪДИЙ
(1889–1953)

1889 йили Бошқирдистоннинг Уфа шаҳри яқинида мударрис оиласида туғилган. Оренбургдаги Муҳаммадия мадрасасида, Туркиядаги Истанбул университетига ўқиган. 1911–17 йиллари татар тили ва адабиётидан дарс берган.

1921 йилдан Тошкентда Маориф институтига, САГУ (Ўрта Осиё давлат университети)да Шарқ мумтоз адабиётидан дарс берган. 1925–30 йилларда Қозон университетига чақириб олинган. 1929 йилда Қозон Шарқ педагогика институтини унга профессорлик унвонини берган. 1930 йилдан Ўзбек Педагогика академияси (Самарқанд, 1930–32)га ишга таклиф қилинган. 1932 йилдан Тошкентда Маориф вазирлиги қарамоғидаги институтларда дарс берган. 1933–37 йиллари Фарғона педагогика институтига адабиёт кафедрасини бошқарган. 1936 йили диссертация ҳимоясиз филология фанлари номзоди илмий даражаси берилган.

1939–41 йиллари Самарқанд университетига, 1942 йилдан САГУнинг Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида мудирлик қилган. 1948 йилдан умрининг охирига қадар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига етакчи илмий ходим сифатида фаолиятда бўлган. 1948 йилда «Алишер Навоий ижоди – ўзбек мумтоз адабиётининг юқори босқичи» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Адабиёт назариётчиси сифатида «Қавоийи адабия ва унга илова», «Адабиёт усуллари», «Адабиёт муаллими» (татар ва бошқирг тилларида), «Гўзал санъат дунёсида», «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари», «Символизм тўғрисида», «Футуризм», «Комплекс усули» каби рисола, мақола ва ўқув қўлланмалари муаллифидир.

Шарқ адабиёти ва фалсафаси тарихига оид Форобий, Ибн Мискавайх, Имом Ғаззолий, Аҳмад Яссавий, Роғиб Исфажоний, Алишер Навоий, Абай каби аллома ва адиблар тўғрисида мақола ва тадқиқотлар яратган.

«АМАЛИЙ ҲАМ НАЗАРИЙ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ»дан

АДАБИЁТ НИМАДИР?

Агабиёт сўзи араб тилидан олинган бир сўз бўлиб, «адаб» моддасидандир. «Адаб» сўзи эса тарбиялилик, нозиклик, гўзал қилиқ, бошқалар билан яхши кўркем муносабатда, яхши муомилада бўлмоқ маъноларини ичига олади. «Адабий муомила», «адабий ҳаракат» таъбирлари ҳам шундан олингандир. Мана шу маъно эътибори ила «адаб» сўзини арабчадан «адабиёт» равишида кўблик (жамъ) қилиб ҳикоя, шеър, қисса, масалларга атама қилгандирлар. Чунки булар одамларнинг табиатига, фикр ва ҳисларига тарбиялилик, нозиклик ва чиройлилик бергучи нарсалардир. Бир тилни ўрганиш ва унинг адабиётига тушуниш учун қурол олган сарф, наҳв, балогат, илми луғат кабиларни ҳам шулар ичига киргизгандирлар.

Адабиёт ила шуғуллангучи ҳам шу йўлда усталиғи, билими бўлган одамларга яна *угабо* дегандирки, *агиблар* демак бўладилар. Мана шу «адабиёт» сўзи бизга ҳам шу маънолари ила кўчиб, бизда ҳам ҳикоя, рўмон, дoston ва масалларга ўхшаш кишилиқ ижодларига айтиладир. Бу "адабиёт" сўзининг тор маъноси бўладир. Тагин "адабиёт" сўзининг кенг маъноси ҳам бордир. Бу кенг маъноси ила «адабиёт» деган сўздан бир тартибга солиниб сўйлаган ёки ёзилган ҳамма фикр ва тушунчаларни, туйғу ва хаёлларни англаймиз¹. Яъни шу орқали англанилган бутун кишилиқ ижодлари шунга кирадир. Ул истар бир ҳикоя ва қисса равишида, истар фанний—илмий бир тушунча йўлида бўлинишлар, бу ёқдан айрилмасдан, ҳаммаси «адабиёт» атамаси ичига киргизиб англанадирлар. Бу маъно ила адабиёт сўзи кун ботишлиларнинг (гарблиларнинг) «литература», русларнинг—да «словесность» деганларига тўғри келадир. Тор маъноси билан "адабиёт" сўзи кун ботишлиларнинг «поэзия» деган сўзлари қаторидадир².

Адабиёт дарсларида адабий ҳодисалар, яъни шоир ва муҳаррирларнинг шеърий—адабий ижодлари текшириладир. Шуларни текширишдан туққан қарашлар, қоидалар, қонунлар адабиёт дарсларининг назарий қисмини ташкил этадир. Шу назариялар билан бирга адабий асарларнинг

ўзларин тўғридан-тўғри текшириш, шуларни таҳлил этиш, ўрганилган назарияларнинг дурустлигини ёки дуруст эмаслигини амалда кўриш эса адабиёт дарсларининг амалий жиҳати бўладир. Адабиёт дарсларимизда биз шу мана ики ёқни эътиборга олгусимиздир.

ГЎЗАЛ САНЪАТЛАР

Гўзал санъат (санойи нафиса – искусство) деганда нимани англаймиз? Гўзал санъатни турлича таъриф қиладилар, яъни уни ҳар хил англатадилар. Ҳатто мунингдек турлича таъриф қилинган бир нарса йўқдир, десак ҳам бўладир.

Санъатни очиқ қилиб қисқача англатилганда мундоғ бўладир: санъат фикр ва ҳис, тўлқинларни тизмаландириб (системаландириб), шуларни жонли ҳам жозибали бир равишда суратландириб чиқариш усталиғидир. Ўзида бу усталиқ бўлган одамлар *санъаткор* (санъатчи) бўладилар. Санъатни «юрак ва миялар орқали янгидан гўзал равишда суратлаб кўрунган табиат ва турмушдир» дейишга ҳам мумкиндир. Ҳосил, табиатда ишланмаган нарсалардан чиройлиқ – гўзаллиги билан одамнинг фикр ва ҳисларин, хаёларин ҳаракатга келтирарлик бир равишда бир одам бошиндан ишланиб чиққан нарсалар *гўзал санъат* бўладир. Санъатда суратларнинг материаллари, санъатда* фикр ва ҳисларнинг суратланиб ташқари чиқишлари, ҳисларнинг тизмаланишлари турли йўл ва равишлар билан бўладир.

Бу равишларнинг материаллари шулардир:

- 1) Сўзлар (сўз санъатида ёки тор маъноси билан шеърда);
- 2) Овозлар ва оҳанг (муסיқа санъатида);
- 3) Бўёқлар, чизиқлар (рассомликда);
- 4) Тош, оғоч, балчиқ, кирпич, ғишт (меъморчилик санъатида);
- 5) Мармар тоши, бронза (ҳайкалчилик санъатида);
- 6) Тан ва муча (аъзо)ларнинг ҳаракатлари (танса рақси санъатида ҳам артистликда).

*Енгиллик учун “гўзал санъат” демасдан ёлғиз «санъат» деб юргизиладир

ГЎЗАЛ САНЪАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Гўзал санъат беш турли бўлиб улар ушбулардир:

1. Шеър ёки сўз санъати, қулоқ санъати.
2. Мусиқа.
3. Рассомлик – кўрумли санъатлар ёки нафис шакл (пластическое искусство) санъатлари.
4. Меъморчилик.
5. Ҳайкалчилик³.

Бу санъатларнинг ҳар қаюси бир–бириси билан боғланган бўлиб, бириси икинчисининг тараққийси ва комиллашмаги учун кўмак этишадирлар. Беш гўзал санъатнинг бир–бириси билан муносабатлари – беш гўзал санъат орасида шундоқ муносабатлар ва айирмалар кўрамир.

1. Сўз санъати ёки тор маъноси – шеър ёки бошқа санъатларга қараганда тагинда умумийрақ, оммавийрақдир. Ул тагинда ортиқроқ халқ – омма санъатидир. Ул кишилар орасида ўртоқ ва умумий англатиш қуроли бўлган тил орқали иш этганлигидан, кўбнинг англашига тагинда енгилрақ, ўнғайироқдир. Ул ҳар кимнинг ўзининг фикр ва ҳисларин англатиш учун ҳар вақт қўлланадурган нарсаси бўлган қуролни – сўзни қўланадир.

2. Сўз санъати – шеър асл, яъни асосий санъат бўлиб, бошқалари унга боғли санъатлардан саналадир. Воқеан унга сўз санъати бўлмаганда, очиқ айтайлик, сўз бўлмаганда бошқа санъатлар бўлиши мумкин эмасдир.

Бу тўғрида иш мана нимадан иборатдир: керак меъморчи, керак ҳайкалчи, керак рассом ва мусиқачи бўлсин, буларнинг ҳаммаси ўзларининг асарларини тугилишига ўйлаганда ҳам туғдирганда уларни энг илгари ақларида, фаразларида туғдирадирлар. Ақл ва хаёлда ишланган нарсаларнинг ҳаммаси эса сўз ва тилнинг кучидан ва унинг воситачилигидан бошқа ишланмайдир. Қисқаси, сўз деганимиз миядаги бир фикрнинг моддийлашмаги демак бўлиб, бу бошқа санъатлар учун энг биринчи кўмакчидир...

Қисқаси, беш санъатнинг ҳар тури фикр ишидир. Фикр қилиш ишлари эса онгсиз бўлмайди. Онг эса сўз демақдир.

3) “Шаклий санъатлар” деб аталган меъморчилик, рассомлик ҳам ҳайкалчилик санъатлари масофада иш қилатурган санъатлардир. Шунинг учун бунларга «шаклий санъат» демасдан бошқа яна «масофалик шаклий санъат»

деб ҳам атайдирлар⁴. Ҳайкал ҳам ўзларининг катталиқ ва ҳажмлари (кўламлари) билан масофада маълум бир ўрин оладирлар. Бир оз (сот) устида расманган бир лавҳа кўруниш буюклик ёки юқорилик ҳам кенгликка молик бўладир. Шу учун турли санъат учиси ҳам кишига кўриш, яъни кўз орқали таъсир қиладир. Буларни кўз орқали олмоқ ва фаҳмламак мумкин. Демак, булар кўримли асарлардир. Чунки ҳайкални, уйни ҳам лавҳани кўруш мумкин.

Мана бу уч санъат шу равишда учиси ҳам масофа ва шаклланиш ҳам хусусиятида бирлашганлари учун буларни бирга йиғиб, «шаклий санъатлар» (образовательное искусство) деб айтгандирлар. Аммо сўз санъати, яъни тор маъноси билан шеър ва мусиқа; бунлар ҳар икитаси масофада эмас, замонда зуҳур этадирлар. Булар бир-бириси билан шу хусусиятда бирлашадирлар.

Очиқ маълумдирки, биз бир тизмани, бир ҳикояни ва достонни, бир ашула ва бир куйни кўз орқали фаҳмлай олмаймиз, улар бизга кўримли бир равишда зоҳир бўла олмайдирлар. Ўзларидан бизнинг умумий таъсирлар олмоқлигимиз мумкин бўларлик бир равишда бизга бирдан тугал ва тамом кўруна олиш уларда йўқдир, балки улар замон ўтиши билан ўса ва кенгая борадирлар, уларнинг бош ва кейинлари бордир. Сўзлар ва овозлар бири орқасидан икинчилари келади. Бутуни билан танишмоқ учун бизга бир тизмани бошдан-оёқ ўқуб чиқмоқ ёки пьесани охиригача тинглаб ўтмагимиз керақдир. Меъморчилик, ҳайкалчилик, рассомликлар учиси бир туркум ташкил қилгандек, сўз санъати билан мусиқа ҳам мана шул равишда ўзларига айри туркум ташкил қиладирлар.

Бу жиҳатдан буларнинг икисини «замоният санъатлари» деб ҳам айтмак мумкиндир. Шу беш гўзал санъатни яна турли ики туркумга ажратиш бордир. У ҳам: 1) тақлидий санъатлар; 2) тақлидий бўлмаган санъатлар деб бўлишидир.

Сўз санъати, рассомлик ва ҳайкалчилик «тақлидий санъатлар»дан саналиб⁵, мусиқа билан меъморчилик тақлидий бўлмаган санъатлардан деб топиладилар, бу кейинги икиси ёлғиз риёзий нисбатларни эътиборга олгучи санъатлардир. Бу ҳаётда ҳақиқий равишда зоҳирда кўрилмаган турли бўлакларнинг бирга қўшилишларидан юзага чиқади. Муни англаш қийин бўлмаса керак: ҳар кимга маълумки, сўз санъати, яъни тизмалар, ҳикоялар,

томошалиқлар (саҳна асарлари) бир иш, бир воқеани тасвир қиладилар. Бу воқеаларнинг ақлан янгидан ишланиб тасвир қилинишлари билан улар тақлидийликдан айрилмайдилар. Ҳайкалчилик ҳам шундаёқ табиатга эргашадир. Унинг бу эргашмаги унинг турли нарсаларни, одамларни тасвир этишидадир.

Демакки, санъатнинг бир туркуми табиат ва турмушга тақлиддан иборатдир. Лекин бу тақлид деганимиз ҳар ҳолда бутунлай эмас, қисмандир. Тағин очиқ айтганда, бу уч санъатда қисман тақлид, қисман ижод бордир. Яъни санъаткор ўзининг ижоди учун намуна ва сармойани табиат ва турмушдан олгани ҳолда унинг бутунлай ўзининг кўчирилмасини (копиясини) ясамас, балки санъаткор ўзининг хаёлидан ҳосил қилар, ўзидан ҳам бир нарса қўшар; уни ўзгартар, бошқаландирар ёки уни санъаткор ўз шахсияти орқали комиллашдирар. Тўғриси, ҳар бир санъаткорона шеърий асарда табиатга тақлиддан бошқа шоирнинг ўзлиги ҳам ётадир.

Қисқаси, табиат кўринишлари ва ҳодисалари, турмуш воқеалари санъаткор ва шоирларнинг қўлида уларнинг ўз мияси, ўз юраклари орқали тўлдирилар, тугалланар, тағи(н)да ортиғроқ комиллашган бир шаклга қуйилур. Ўрни билан шарҳ ва тафсил этилса, ўрни билан қисқартилуру ва шоирнинг тасвири учун кераксиз бўлган баъзи бир қисмлари ташланиб қолдирилур, ҳосил, шоир ёлғиз кўруниш ҳам воқеалардаги муносабатларнинг «ҳаётий мажмуаси» — гагина тақлид этиб, тафсилотида шоир ихтиёрлидир.

ШАКЛ ВА МАЪНИ МУНОСАБАТИ

Мумтоз адабиётшунослиқда *шака ва маъни* муносабати диний-тасаввуфий талқинда ҳам, адабий-истилоҳий йўналишда ҳам алоҳида мазмун касб этади. Ушбу мазмун мумтоз адабиётшунослиқнинг асосий илмий муаммоларидан саналади ҳамда замонавий адабиёт-шунослиқдаги *шака ва мундарижа* муносабатларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафада маълуму машҳур бўлган *шака ва мазмун муносабати* мумтоз адабиётшунослиқда *сурат ва маъни* бирлигида мужассам топади. Бу бирлик барча фалсафий қарашларда, руҳоний ҳолатларда, туйғулар муносабатида акс этган бўлиб, у ҳам тасаввуфий фалсафанинг, ҳам мумтоз поэтиканинг пойдевори саналади. Ислом алломалари *сурат ва маъни* нисбатини Қуръони каримдаги *жузъ ва кулл* талқинидан келиб чиқиб шарҳлайдилар¹. Бунинг энг ёрқин ифодаси Фаридиддин Атторнинг Тавҳид асрори талқинида ёзилган “Жавҳару-з-зот” асарида кўринади². Фаридиддин Аттор жавҳар сифатида мутлақ руҳнинг сирини белгилайди. Мутлақ руҳ, яъни Ҳақ (Кулл) инсоний, махлуқий ёки нарсалар суратида зоҳирдир. Нур орқали *жузъ*, яъни яралмишнинг барча сифатлари намоён бўлади. Лекин нур Куллнинг барча сифатларини кўрсатиб беролмайди. Шундан келиб чиқиб, руҳ Яратганнинг измидадир. Яралмишларнинг ҳаёти эса мана шу Куллнинг ташқи зоҳири (кўриниши) бўлиб, у *сурат* шаклида жилваланади.

Жалолиддин Румий фалсафасида *маъни ишқ* талқинида кўринади, *сурат эса ишқ нури*дир. У ишқсиз қийматдан маҳрум. Ишқ маъно, моҳият касб этар экан, у маънидир. Маънининг нури эса *сурат бўлиб жилваланади*. Ишқ бўлмаса, нур ҳам бўлмайди. Ишқнинг ўзи нурсиз, *суратсиз бизга етиб келмайди*. Шундан келиб чиққан

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: Чўлпон, 1992.

² Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин ва тафсир (амалга оширувчи Н. Комилов). – Т.: Ёзувчи, 1994. – Б.74.

ҳолда, маъни суратга – шаклга, нурга қуйилиши, шакл – сурат эса мазмунга айланиб маънини ифода қилиши мумкин. Румийнинг бундай фалсафий қарашлари “Маснавийи маънавий” асарида умумий тарзда, турли ривоят ва ҳикоятлар мазмунида берилади. “Фиҳри ма фиҳи” (“Нимаики Ундадир – Ундандир”), яъни ўзбек тилига “Ичиндаги ичиндадир” тарзида ўгирилган асарда³ бу нисбатий тушунчалар сурат ва маъни фалсафаси сифатида англатилади: “Маънога юзланишни инсон дастлаб унчалик севмайди. Бироқ вақт ўтган сайин ёқтира боради. Бу жараён суратда (шаклда) аксинча кечади. Чунки сурат бошида хуш ва латиф туюлади, бироқ у билан қанчалик кўп бирга бўлганинг сари ундан шунчалик тез совуб борасан. Қуръоннинг сурати қайдаю маъноси қайда! Худди шундай инсонга боқ! Агар инсон суратидан маъноси кетса, жасади қолади. Жасагни эса ҳеч ким ушлаб турмайди”⁴. Бошқа бир ўринда Румий ҳазратлари сурат ва маъни нисбатида мағиз ва данакни мисол қилади. Данакни қўлга олишдан мақсад, унинг ичидаги мағзига эришиш. Мағизга эришиш учун сурат (дарак)ни синдирасан. Гўёки, данак керак эмасдай, ортиқча қобиқдай туюлади. Бироқ мағизни уруғ сифатида эқмоқчи (ерга) бўлсанг, уни қобиқсиз эка олмайсан. Қобиқсиз экилган мағиз кўкармайди, ҳосил бермайди. Демак, сурат бизга номуҳимдай кўринса ҳам уни маънидан ажратиб кўриш маънисизликдир.

Румий фалсафаси тез орада Ғарб мутахассисларининг эътиборини тортгани, Ҳёте асарларида гўзал, изчил талқин қилингани, ниҳоят, немис мумтоз фалсафасининг чўққиси саналган Ҳегел таълимотида ўзининг тугал исботини топгани фанга маълум. Ҳегелнинг “инкорни инкор” қонунининг моҳияти Румий фалсафасининг мағзида бор. Буғдой (дон) ўз шаклини ўзгартириб (тараққий эттириб), Ҳегелча айтганда, инкор қилиб,

³ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир (Туркчадан Улугбек Абдуваҳҳоб таржимаси). – Т.: Ёзувчи, 1997.

⁴ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Т. Ёзувчи, 1997. – Б.79.

бошоқ бўлди. Бошоқ ўз шаклини инкор этиши билан тараққиёт уни яна буғдойга айлантирди. Демак, диалектик тараққиёт инкорни инкор асосига қурилгани билан шакл ва моҳият ўз борлигини йўқотмади. Фақат шакл мазмунга қуйилди, мазмун эса ўз шаклини ўзгартирди. Ўзини Ҳегелнинг иқтидорли шогирдларидан санаб, янги эстетик тизим яратмоқчи бўлган рус мунаққиди В. Белинский ҳам юқоридаги тафсилларни бадий асарга нисбатан қўллаб, агар мазмунни шаклдан ажратмоқчи бўлсангиз, уни шакл билан баробар ўлдирасиз. Ёки шаклнинг алоҳида ўзини олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда мазмун билан бирга шаклни ҳам ўлдирган бўласиз каби тушунтиришни тавсия этгани сир эмас. Бу каби талқинлар айрим юзаки тамсиллардаги шакл – идиш, маъно эса ичидаги суюқлик; ёки шакл қон томири бўлса, маъно унда жўш уриб оқаётган қон каби тушунишлар чекли эканини англатади. Чунки идишдаги суюқликни тўкиш мумкин бўлганидай, қонни томирдан ажратиш мумкин. Лекин бу билан ҳар иккаласига ёки уларнинг бирортасига ҳам ҳаёт бағишлаб бўлмайди, улар ўзаро мавжудликдагина яшада ва тараққиётда бўладилар.

Араб мумтоз поэтикасининг асосий унсурларидан саналган маъно ва лафз моҳият ҳамда унинг сўз қолипи маъносида қўлланилган, анъанавий мазмуннинг индивидуал муаллиф талқинидаги ифодаси сифатида қабул қилинган⁵. Араб поэтикасининг асоси саналган маъно истилоҳи машҳур Ғарб арабшунос олимлари томонидан "фикр, гоъ" (Голдциер, 1896; Крачковский, 1927), "поэтик мотив" (Грюнебаум, 1944; Риттер, 1954), "фикр, моҳият, образ" (Шидфар, 1974) деб таржима қилинган бўлса, лафз (*кўплиги – алфоз*) – "ифода" (Гольдциер, 1896), "сўз, ифода" (Грюнебаум, 1944), "ифода, товушлар бирикмаси" (Крачковский, 1927), "сўзлар, нутқ ифодаси" (Киктев, 1969; Риттер, 1974) тарзида русчага

⁵ Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII–XI век). – М.: Наука, 1983. – С. 7.

ўтирилган⁶. Ушбу таржималардан маълум бўлишича, маъно мазмун, гоё ва моҳиятни англаган бўлса, лафз унинг материал жиҳати, яъни товуш, сўз орқали ифодаланишини билдирган. Шундан келиб чиққан ҳолда маъно замонавий термин билан айтганда, поэтик мотив; лафз эса ифода воситаси (сўз билан) деб қабул қилинган. Машҳур араб олимларидан Ибн Қутайба "Шеър ва шоирлар китоби" (850–870) асарида бадиий матнларни маъно ва лафзга кўра қуйидаги туркумларга ажратган: 1) яхши лафз ва маъноли асарлар; 2) лафзи яхши ва маъноси ёмон асарлар; 3) лафзи ёмон ва маъноси яхши асарлар; 4) лафзи ёмон ва маъноси ҳам ёмон асарлар⁷. Бундай таснифга келишда муаллиф лафз ва маънони бириктирувчи нисбат (эътилоф) сифатида уларнинг ўзаро тенг келиши (мусаваат)ни назарда тутди. Ибн Қутайба талқинича, агар маъно лафзга тўла мос келса, у бадиият (балого)га эришган бўлади⁸. Қудама ибн Жаъфар (в. 922–948) эса "Нақду-ш-шеър" асарида "тугал маънога лафз қўшимча қилмаса ёки маънони бузувчи унсурни лафзга қўшмаса" асар етук бўлишини таъкидлаган. Бу жараёнда олим "вазн талаби билан кераксиз сўз (маънога хизмат қилмайдиган – Ҳ. Б.) ҳисобига байтни тўлдирриш (хашв)ни шеърдаги жиддий нуқсон" деб белгиллаган⁹. Кўринадики, ўрта асрлар араб поэтикасида ҳам маъно ва шақл бирлиги адабиётнинг асосий қонунларидан саналиб, уларнинг ўзаро меъёр ва мувофиқ келиши бадиий матннинг етуклигини англаувчи балогоат белгиси ҳисобланган. Араб мумтоз поэтикасида маъно ва лафз муносабати ҳақида ўнлаб рисоалар яратилган. Биз кейинги тадқиқотларга асос бўлиши мумкин деган умид билан уларнинг айримларини санаш билан чекланамиз: Муфаддал Дабби (в. 780–787) "Китаб ма'ани аш—ши'р", айни шу номдаги Абу Сарван Укли

⁶ Ўша асар. – Б. 57.

⁷ Ибн Қутайба. Аш—Ши'р ва аш—шу'ара'. Т. 1–2. – Бейрут, 1969. – С.12–15.

⁸ Ўша асар. – Б. 84–85.

⁹ Қудама ибн Жаъфар. Китаб нақд аш—ши'р. Лейден, 1956. – С. 136.

(VIII асрнинг 2-ярми), Ибн Кунас (в. 823–825), Асмай (в. 825–832), Саид ибн Масада Ахфаш (в. 830). Ибн Арабий (в. 846). Абу-л-Амайсал (в. 854), Ибн Қутайба (в. 889), Бухтури (в. 897), Салаб (в. 904), Наххас (в. 950), Ибн Абдус (в. 859–860) сингари олимларнинг асарларини ва “Китабу-л-ма’ани” номли Муарриж Садуси (в. 819), Надр ибн Шумайл (в. 818–820), Али Райҳоний (в. 834) кабиларнинг асарларини келтириш мумкин. Ушбу мавзуда номаълум муаллифнинг “Мажмуату-л-маъни” номли тўплами етиб келган ва 1884 йили Лейденда нашр қилинган¹⁰. Ҳатто Аскарый “Девону-л-маъни” номли асарлар каталогини тузиб, бу йўналишдаги 100 дан ортиқ асарларга тавсиф бергани арабшунослик илмига маълум¹¹. Араб мумтоз поэтикасидаги ушбу фундаментал қарашлар асосида Ажамда ҳам маъно ва лафз ҳақидаги қарашлар кенгайганини форс ва турк тилидаги рисоалар талқинидан ҳам билиш мумкин.

Абдураҳмон Жомийнинг “Силсилату-з-заҳаб” асарида сўзга таъриф бериш баробарида уни “маъни дарёсининг гўзари” деб тушунтиради: “Сўзнинг бутунлиги, маъзи, моҳияти маъни биландир, чунки маъни кўрки лафз биландур”¹². Лафз (тил) маънининг зоҳиридир, маънини сўз, тилсиз ифода қилиб бўлмайди. Чуқур маъно бериш учун эса кўркли лафз керак. Маъно лафз билан кўркли бўлгани каби, лафз ҳам маъно гўзаллиги билан кўркли бўлади. Бу буюк иккиликни бутун ва гўзал ҳолда кўриш учун уларни доимий яхлитликда билиш ва қабул қилиш лозим бўлади.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоий «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги маъни жоне гурурким, сўз қолиби

¹⁰ Sezgin F. Geschilhte des arabischen Schrifttums. Bd 2. Poesie bis ca.430. Leiden, 1975. – pp. 58–60.

¹¹ Ал-Аскарӣ. Диван ал-ма’ани. Т. 1–2. – Қоҳира, 1933. Ушбу каталогнинг русча таржимаси қуйидаги манбага илова қилинган: Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII–XI век). – М.: Наука, 1983. – С. 231–243.

¹² Абдураҳмон Жомий. Силсилату-л-заҳаб. / Танланган асарлар (Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш. Шомухамедов). – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

онсиз қолибе гурурким, жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас ва аҳли газоф ноинсофлигига мунсиф бўлмоқ, балки ўз газофига инсоф бериб, аларнинг узрин қўлмоқ»¹³ деган талқин билан махсус мақолат ёзади. Маъни ҳақида сўз юритганда, у сўз қолипining жонидир, жонни қолипдан ажратиб бўлмайди, деган хулосани беради. Шундай экан, маъни ва сурат ажралмас бир моҳиятдир. Уни назмда кўрмоқчи бўлганлар, уларни бир бутунликда кўришлари, вази ва баҳр каби зоҳирий сифатларни, шеърнинг жонидан ажратмаслиги керак, аксинча, қолип жонга муносиб келгандагина жозиб бўлади. Туюқ баҳрини англамаган киши, қўшиқни туюқдан фарқлай олмайди. Лафзи бемаза, таркиби суст асарда маъни ҳам норасо ва унинг хулосаси нодуруст бўлади:

*Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшук баҳрини.*

*Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Норасо маънию адо нодуруст.*

*Борчасига даъвийи маънийи хос,
Хосларим топмай алардин халос.*

Демак, сурат ва маъни муносабати бири иккинчисини тақозо қилган, фақат ўзаро мавжудликдагина ҳаракатга келиши мумкин бўлган жон ва жасаддир. Диний талқинларда жон, жасад тарзида намоён бўлган бу талқин тасаввуфда янада чуқурлашиб, *руҳ-жон-нафс* тарбияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётшунослик илмида ҳам шакл – мазмунга етказувчи восита. Мазмун эса шакл воситасида етказилаётган моҳият, ифода қилинаётган нарса. Ҳар бир нарса, ҳодиса ёки ҳолат шакл ва мазмуний жиҳатни ўзида қамраб олади ё акс эттиради. Демак, шакл ва

¹³ Алишер Навоий. Ҳайрату-л-аброр. МАТ. 7-жилд. – Т.: Фан, 1991. – Б. 62.

мазмун муносабати мумтоз адабиётшуносликда анча мукамал ишланган поэтик ҳодиса сифатида тушунилади. Шакл ва мазмунни ўзаро қарама-қарши нисбатда эмас, балки бири иккинчисини тўлдирувчи ва тақозо қилувчи тушунчалар сифатида ўрганилади. Бундай талқин замонавий адабиётшуносликдаги шакл ва мундарижа муносабати учун пойдевор саналган. Рус шаклшунослик мактаби (формальная школа) вакиллари ҳам бадий адабиётнинг ўзаги саналган бу муҳим илмий муаммони ҳал этишда Шарқ мумтоз поэтикаси асосларига таянганлар. В. Шкловский, Б. Жирмунский ва Поливанов каби олимлар аввал Шарқ поэтика мактаби сирларини ОПОЯз (Общество поэтического языка – Бадий тил жамияти) воситасида обдон ўрганганларидан кейингина ўзларининг шакл назариясига доир ишларини амалга оширганлар¹⁴.

XX аср бошларида ўзбек адабиётшунослигини шакллантиришда янги назарий талқинлар излаган олимлардан бири Абдурауф Фитрат бу муносабатлар силсиласини ўзининг Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Бобораҳим Машраб асарлари талқини жараёнида амалий фаолиятда қўллаган бўлса, илк назарий қўлланма саналган «Адабиёт қоидалари»да шакл ва мундарижани ташкиллантирувчи адабий унсурлар ҳақида тўхталади. Уларни мавзу, мундарижа каби адабий истилоҳлар билан талқин қилиш давомида ижодкорнинг лабораториясидан келиб чиқиб, шакл унсурлари ёки мазмун жиҳатлари деб эмас, балки «ёзиш қоидалари» атаган. Замонавий адабиётшуносликдаги собит қоидаларга кўра мазмуннинг таркибий жиҳатига мавзу, гоя ва муаммо киради. Шунинг унутмаган Фитрат мавзу ва мундарижа (гоя ва муаммони ўзаро бириктирган ҳолда) каби тушунчаларга адабий шарҳлар ёзди. Шакл унсурлари сифатида образ, сюжет, композиция ва бадий нутқ асарни бутунликда тугиб турувчи компонентлар эканини англатиб, тимсол (образ),

¹⁴ Жирмунский В. М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 408 с.; Томашевский Б. В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Гос. изд. худ. лит. 1931. – 264 с.; Шкловский Б. В. О теории прозы. – М.: Советский писатель, 1983. – 384 с.; Эйхенбаум Б. О прозе. О поэзии. – Л.: Художественная литература, 1986. – 456 с.

тартиб (сюжет), таркиб (композиция) ва бадий нутққа дохил бўлган тасвир воситалари ҳақида маълумот беришни ўзининг вазифаси деб билди¹⁵. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ушбу тасниф қабул қилингунга қадар мумтоз адабиётдаги образлар тизими қисман тасаввуф адабиётининг назарий манбаларида, қисман поэтикага доир ишларда, айниқса, илми бадеъ таркибида фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Бадий тимсолнинг сифати, вазифаси, маънодорлиги, ундаги кўчим табиати ҳақида таҳлил ва талқинлар ҳам мавжудки, уларни ўз ўрнида, тасаввуфий тимсоллар, бадий санъатлар билан боғлиқ ҳолда ўрганганимиз учун ҳам бундай намуналар айни боб таркибида эмас, балки илми бадеъга дохил қисмда аниқлашди. Замонавий адабиётшуносликда бадий нутқ таркибида қараладиган поэтик лексика, фоника ва поэтик синтаксисга доир мулоҳазалар мумтоз поэтика таркибида алоҳида илм сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам уларни ўрни билан бадий санъатлар ҳамда бадий нутқ ва услуб боблари воситасида тавсия қилинди.

Демак, замонавий адабиёт назариясининг асосий концептуал масаласи ҳисобланган шакл ва мундарижа ҳамда уларнинг диалектик бирлиги ҳақидаги қарашлар фақат XX аср фалсафасида ёки Ғарб адабиётшунослигида ёки изчил эстетика шаклланишига туртки берган Ҳегел қарашлари доирасида яратилмаган, балки минг йиллардан бери мусулмон шарқида мавжуд бўлган, ўзининг ибтидосини барча мўъжизотларнинг шарҳи ҳисобланган Қуръони каримдан олган ва исломий-тасаввуфий фалсафа тараққиёти ҳамда бадий тафаккур тадрижи билан бу муносабат тараққий этиб, жорий мушаккал бир илмий тизимга айланган.

Ҳамидулла Болтабоев

¹⁵ Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаммлимлари ва ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.21–23.

ФАРИДИДДИН АТТОР
(1136–1250)

Асл исми Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Абубакир Иброҳим бўлиб, Фариғиддин (диннинг яғонаси) унга берилган тавсифий унвондир. Нишопур яқинидаги Шодяҳ қишлоғида туғилган. Шайх Мажидиддин Бөгдоғий, Шайх Рукниддин сингари сўфийлардан таълим олган. Ҳаж сафарини ўтаган, Миср, Ироқ, Шом мамлакатларининг турли шаҳарларида саёҳатларда бўлган.

Кўплаб шеърий асарлар, манзума ва дostonлар битган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкирату-ш-шуаро" асарида алломанинг шеърий асарлари ҳажми 250 минг байтга яқин деб кўрсатилаган. Асосий илмий – фалсафий ва тасаввуфий руҳдаги асарлари "Илоҳийнома", "Асрорнома", "Мусибатнома", "Ҳайдарнома", "Мазҳару-л-ажойиб" («Мўъжизаларнинг кўриниши»), "Жавҳару-з-зот", "Ҳайлож", "Муҳторнома", "Уштурнома" ва бошқалардир. Булардан ташқари, Атторнинг тўқсон олти нафар машҳур сўфийлар ҳаёти ва ҳолати зикр қилинган "Тазкирату-л-авлиё" номли асари мусулмон Шарқида энг кўп тарқалган китоблардан ҳисобланади.

Фариғиддин Атторнинг «Жавҳару-з-зот» асаридан сурат ва маъни муаммосига бағишланган тасаввуфий талқинлар сайлаб олинди.

«ЖАВҲАРУ-З-ЗОТ»дан

Жисм ва жоннинг нури бўлган зот номи билан, ошкора ва яширин бўлган Худо номи билан бошлайман...

Агар сен тавҳид хилватхонасига маҳрам бўласанг, оламнинг тожи, Одам фарзандларининг фаҳри бўлиб қоласан. Агар хуршид, яъни Тангри ошкор бўлса, сен соя бўлгин, чунки соя каби қуёш нурида йўқолиб, маҳрам бўласан унга...

Сенинг ичингда жавҳар¹ – Мутлақ руҳнинг сири бор, аммо бу ерда сенга йўл кўрсатувчи йўқ. Охирда йўқотган нарсанг сенинг ўзингдадир, бу зоҳирий сирлар бандига гирифтор бўлгансан. Сен Холиқнинг зоти ва сифатлари

жавҳарига эгасан, аммо зотининг дийдоридан узоқсан. Сенинг жавҳаринг барчаникидан афзалдир. Ажабки, фалак ва юдузлар сенинг кўзларинг — дийдангдир, уйнинг ичидасану эшиқдан ташқарисан, ҳам кўринасан, ҳам йўқсан...

Нега сурат² дардига мубталосан, агар сен суратни ташласанг, кулл³ яъни Худосан. Сен сурат ҳамроҳлигидан қутулсанг, Худонинг маъносидан хабардор бўласан. Сурат сенинг ҳеч бир ишинга ярамайди, Худо дийдорини жонда (жонингда) кўрсатади. Агар суратни синдирсанг, шак — шубҳасиз, сен ҳақсан, иккилик йўқолади ва кулл бўлиб, чиндан Ҳақ — Худога айланасан. Нима балоларни кўрган бўлсан, сурат туфайли кўрдим, кудурат — ғам ва зулматларим ҳам ўшандадир...

Мен бу ерга келган гапирувчи ҳақдирман, шунинг учун ҳар сўзимда *аналҳақ*⁴ дейман. Ҳақиқатда мен Ҳақман бунда, кулият зарраларига тавфиқ — мувофиқлик, тараққиёт бағишлаш учун келдим. Бунда яширин равишда келган Ҳақман, жаҳон халқлари олдида инсоний хилқат — суратда кўринмоқдаман. Мен сирни кўрсатишга келган Ҳақман, шунинг учун ўз сиримни айтмоқчиман... Жумла оламнинг жони Аллоҳ мандирман, ишонгин, бунда йўқман, аммо борман. Ҳақ мендирман — Мутлақ руҳ, барчанинг орасида мутлақ огоҳман. Ҳамманинг вужудида нишонасиз кўринмас вужуддирман, гўё олам ичида равшан қуёшман...

<...> *Жузъ*⁵ ва кулл ичида порлаган қуёшдай, ўзини сифатлар ичра шундай сингиб, йўқолиб кетгандай кўрдик, пайдо бўлганда ҳақиқатдан айни зотнинг ўзи эди. Ўзини аввалу охир, яъни узлуксизлик ҳолатида кўрдик, бир шаклга айланганлигини сизди. Жон бирликда шундай кўриндик, сурат хилқати жон ичида кўрина бошлади. Яратилишида ўзини шундай ҳолатда кўрдик, барча дийдаларда, кўзларда у бор эди. Ўзини шундай завол билмас зот сифатида кўрдик, юзи барча ашёда турли ҳолатларда кўринарди. Ўзини мана шундай кўрдию, барчани ўзида кўрди, чунки сурати йўқолди ва барчани бир — *аҳақ*⁶ кўрди.

*Жонон*⁷ — Худо тавҳидида бирликдамиз. Кулл — умумият жавҳарининг ягоналиги шаксиз. Тавҳидда ягоналик

— бирликдан ўзга нарсани кўрмадим. Ваҳдат — ягоналикни ягоналикдан ягона деб танладим...

Ҳақиқат нима? Жонон — Худони кўриш бунда, сену менликни тарк этсанг, унда бир бўлаксан, Ҳақиқат нимадир? Тезда бир бўлмоқ, фақат дур каби вобасталик денгизида ягона — бир бўлмоқдир...

Ҳақиқат нима? Аттор каби бўлиш. Ҳамиша сирлардан огоҳ бўлиш. Ҳақиқат нима? Эй дўст, жондан кеч, бу дам Атторни кўрдингми, кулл — ўша...

Баракалла Аттор, илоҳий сирдан кўзга аёнлик кўргаздинг, шу боис сен шоҳсан. Маънолар сирга интилиб, густохлик (беадаблик) қилишинг ҳам яхши, сен Ҳақни маънолар изҳорини кўришинг муқаррар. Жаҳонда сен васлга етганларнинг тимсоли гавдаланган шаклисан, шунинг учун ҳам бундай сирни аён қила олдинг...

Сен шубҳасиз *кавну*⁸ макондан ортиқсан, *айн*⁹дан воз кечсанг, *аъён*¹⁰ аёнсан...

Васлга етгандан кейин парда узоқлашади, маънида у Мансур суратига айланади.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ
(1207—1273)

Асли ўртаосиёлик бўлган шайх Муҳаммад Баҳоуддин Валад хонадонига Балх шаҳрида туғилган Жалолиддин ёшлик чоғидаёқ отаси билан муғул истилоси туфайли Кўниёга кетиб қолишга мажбур бўлган. Умрининг охирига қадар шу шаҳарда мударрислик қилган, Кичик Осиёни ватан тутгани учун Румий тахаллусини олган.

Румийнинг илмий—адабий мероси форс тилида ёзилган бўлиб, унинг шеърий асарлари, асосан, "Девони кабир" («Улуғ девон»)га жамланган. Девонда ғазал, рубоий ва маснавий шаклларида ёзилган уч мингдан ортиқ шеърлар бор.

Илмий—фалсафий мероси олти дафтардан иборат "Маснавийи маънавий" асаридан ўрин олган, ушбу ислоний—тасаввуфий мажмуани "Форсий Қуръон" деб ҳам аташган. Бу асар қарийб 10 йил давомига ёзилган бўлиб, 27 минг байтдан иборат. Булардан ташқари Румийнинг "Мактубот", "Фиҳи ма фиҳи" каби асарлари ҳам сақланган. Унинг битиклари, асосан, шогирдлари, ўғли ва бошқа мухлислари томонидан жамлангани учун уларнинг ҳаммасини Румийга тегишли деб бўлмайди.

Жалолиддин Румий номи билан мавлавийлик тариқатига асос солинган бўлиб, унинг ўғли Султон Валад отаси номидан (вафотидан сўнг) тариқат эълон қилган.

"Фиҳи ма фиҳи" ("Ичиндаги ичиндагир») сарлавҳали тасаввуфий асарини "Муиниддин Парвона китоби" ҳам дейишади. Чунки унинг номи бир неча марта тилга олиниши билан бирга ушбу китоб, асосан, Мавлононинг муҳиблари Ҳисомиддин Чалабий, Соҳиб Фаҳриддин, Амир Бағриддин Гуҳартош, Отабек Султон Алоиддин, Тождин Мўътаз Хуросоний ва ўғли Султон Валад билан бўлган суҳбатларида айтилган фикрлардир. "Фиҳи ма фиҳи" асаридан сурат ва маъни баҳсидаги айрим лавҳалар берилди.

«ФИҲИ МА ФИҲИ»
(«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДИР»)дан

<...> Бизнинг кўнглимиз доим маънан сизнинг ҳимматингиз ёнида бўлиши билан баробар суратан ҳам шарафланмоқ истадик. Чунки бу суратнинг ҳам улуғ бир эътибори бордир. Эътибор не демак? У ҳатто ўзлик ва маъно билан тенг. Миясиз калланинг иши ҳеч нарсага ярамагани каби қобиқ¹сиз мева ҳам етилмайди. Чунончи, бир данакни қобиқсиз ҳолда ерга эксанг, кўкармас. Қобиғи билан экканинг вақтда унади ва улкан бир дарахтга айланади. Шуну нуқтаи назардан вужуднинг ҳам буюк бир асли, хизмати бордир. Бундай бўлиши табиийдир. Худди шу асл маънодир. Аммо бунинг ўзи ҳам маъноли, маънони ҳам билган, англаган кишилар учун шундоқдир.

"Икки ракат намоз дунё ва ундаги нарсалардан хайрлидир". Бу сўз ҳамма учун эмас. Бу шундай кишилар учунки, уларга дунё моли қўлида бўлса ҳам икки ракат намозни қилмаслик ўша молни қўлидан чиқаргандан оғирроқ туюлади.

Бир дарвишга подшоҳ: "Эй зоҳид!²" — деди. У эса: "Зоҳид сенсан" деб жавоб қайтарди. Шоҳ: Мен қандай зоҳид бўлайин. Бутун дунё, охират ва жамики мол—мулклар меникидир. Оламни мен олдим. Сен эса фақатгина бир луқма ва бир ҳирқа билан қаноат этдинг", — деди. Дарвиш: "Юзингни қай тарафга бурсанг, Аллоҳ у ердадир"³. У ҳамма жойда мавжуд. Чеҳрадир, доимийдир, ўлмасдир. Ошиқлар ушбу чеҳрага ўзларини фидо қилиб, эвазига ҳеч нарса истамаслар. Бошқалар эса ҳайвон сингаридирлар.

<...> Сурат (юз) ишқ⁴ нуридир. Чунки ишқсиз у ҳам қийматдан маҳрум. Нур — аслсиз номавжуд нарса. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмаганидек, нур ҳам дейилмайди. Чунки сурат нурдир. Бири: "Ишқ суратсиз бўлмаганига, рўёбга чиқмаганига кўра, суратнинг нури бўлиши керак" — деди. Биз: "Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?" — деймиз. Ҳатто суратни ишқ майдонга келтиради ва ундан юз минглаб сурат ҳосил бўлади. Булар айни замонда рўёбга чиққан, шаклу шамойил олган суратлардир. Рассомсиз расм бўлмаганидек, аслсиз эса расм бўлмас. Гўё бармоқнинг ҳаракати билан узукнинг ҳаракати янглиг.

Юрагида уй қуриш ишқи бўлмаса, меъмор унинг тарҳини чизмайди. Бугдой бир йил олтин баҳосида, бошқа йил тупроқ қийматида сотилиши мумкин. Ҳар икки йилда ҳам унинг сурати ўша бугдойдир. Бироқ унинг қадри унга бўлган ишқ (эҳтиёж – тарж.) туфайли майдонга келмоқда. Худди шундай, сенинг санъатинг ҳам фақат сен учун азиздир. Унга рағбат кўрсатиб, уни севиб ўрганувчи (ишқ) топилмагунча, у яна шу ҳолда қолаверади.

«Ишқ» – нимагадир муҳтожлик. У ҳолда, эҳтиёж – асл, муҳтож эса – «нур» дейишади. Биз деймизки: Сен эҳтиёжинг бўлгани учун шундай деяпсан. Демак, эҳтиёжинг олдин майдонга келади, сўз эса ундан туғилади. У ҳолда, сўз бўлмаса ҳам эҳтиёж мавжуд. Шунга кўра, ишқ ва эҳтиёж унинг (сўзнинг – тарж.) нури бўлолмайди. У: "Эҳтиёждан мақсад сўз эмасмиди? У ҳолда, мақсад қандай қилиб нур бўла олади?" – деди. Биз "мақсад ҳар доим нурдир. Чунки дарахтнинг илдизидан мақсад унинг нури, яъни гавдасидир, шохлари ва ҳоказоларидир" – дедик.

<...> Бир дедики: "Бизни ҳиммат билан эсла! Асл бўлган нарса ҳимматдир. У сўзсиз ҳам мавжуд, чунки ҳиммат – нур". Мавлоно буюрадики: ҳиммат жисмлар олаמידан аввал руҳлар оламида ҳам бор эди. Демак, бизни жисмлар оламига қуруқ келтирмадилар. Бунга имкон, йўқ. Шундай экан, сўзнинг ҳам муайян ўрни бўлиши керак. Ахир данакнинг фақат мағзини ажратиб эксанг, кўкармайди. Ҳолбуки, қобиғи билан ерга ташласанг, ўсиб чиқади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, суратнинг ҳам аҳамияти борлиги аён бўлмоқда.

"Қалб хузурисиз қилинган намоз намоз бўлмайди" (Ҳадисдан) – дея буюрилганидек, намоз ҳам ичдадир. Бироқ сен уни шаклларга ўрайсан. Кўринишда руку (эгилмоқ) ва сажда билан намозга сурат бериш лозим. Буларни бажариб, ундан ўз насибангни олурсан, муродинга етурсан.

"Улар намозларида доим барқарор бўлгувчи зотлардир"⁵ деган оятдаги намоз руҳлар намозидир. Суратан, шаклан қилинган намоз муваққатдир, доимий эмас. Чунки руҳ денгиз оламидир. Сўнгсиздир. Шунга кўра, ҳамишалик намоз руҳнингдир. Руҳ ҳам руку ва саждалардан холи эмас. Бироқ буларни очиқ шакллар билан кўрсатмоқ керак. Чунки маънонинг сурат билан боғлиқлиги бор. Иккаласи бирлашмагунча фойда ҳам бўлмайди. Сурат маъно нуридир.

Сураг — фуқаро, кўнгил подшоҳ деганинда, бу исмлар изофадир. "Бу унинг нуридир", дединг. Нури бўлмаса, у қандай қилиб асл бўлиши мумкин? Модомики, "Аёл" дер экансан, иложсиз "Эркак" ҳам дейишинг керак ёки "Оллоҳ" дегандан кейин "Қул"ни ҳам эздан чиқармаслик зарур.

<...> *"Оллоҳ инсонни ўз сурати асосига яратди"* (Ҳадисдан). Инсонлар доимо мазҳар (ўзини кўрсатувчи нарса — тарж.) қидирадилар. Баъзи аёллар ўрангандир ва ўзларини қанчалик қидирилганини (исталганини — тарж.) синамоқ учун юзларини очадилар. Худди устарани синаганинг каби. Ошиқ севгилисига: "Мен ухламадим, овқат емадим, сенсиз ёндим, куйдим" дейди. Бунинг маъноси шудир: "Сен бир мазҳар изляяпсан ва у менман. Сен мазҳарга маъшуқлик сотяпсан. Олимлар ва санъаткорлар ҳам ҳамisha мазҳар қидирадилар. *"Мен яширин хазина эдим, билинмоқ устадим"* (Ҳадисдан). Унинг ҳукмлари барча одамларда зуҳур этди. Чунки уларнинг ҳаммаси Оллоҳнинг соясидир ва бу соя соҳибига ўхшайди. Агар беш бармоқ очилса, сояси ҳам очилади, эгилса—чи, у ҳам эгилади. Шунга кўра, Ҳақни қидирган бир исталган ва севилганни хоҳлайдики, ҳамма унинг дўсти, севгилиси ва итоаткори бўлишни орзу этади. Ҳамда душманларига душман, авлиёларига дўст бўлишни ҳам унутмайди. Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси Оллоҳ кўрсатган ҳукмлар сифатларидир. Соямизнинг биздан хабари йўқ бўлишига қарамай, биз улардан воқифдирмиз. Лекин Оллоҳ билимининг қаршисида бизнинг хабаримиз хабарсизлик, демакдир. Шахснинг ҳамма қирралари унинг соясида акс этмайди. Худди шундай Оллоҳнинг барча сифатлари ҳам бизда тўла-тўқис намоён бўлмайди. Фақат айримларигина кўринадики, *"Айтинг: Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир"*⁶ дея буюрилган.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ
«СИЛСИЛАТУ-З-ЗАҲАБ»-дан
СЎЗ ОДАМЗОД САДАФИДА ЭНГ АЗИЗ ГАВҲАР

Маъни дарё—ю гавҳаридир сўз,
Бир—бирин мағзу жавҳаридир сўз.

Гар жаҳонни десак мисоли садаф,
Сўз унинг дурри, унга шон — шараф!

Ҳеч қонда топилмагай бу дур,
Бир ҳунардирки ҳаммага манзур...

Хатга фаҳру, қаламга унвондир,
Ақлу идрок жисмига жондир.

Сўз туфайли жаҳонда қолгай ном,
Пухта бўлгай шарофатидан хом.

Дил қуши сўз сувига ташна эрур,
Шул сабабдан шу чашмага тикилур¹.

Асли мақтовчи, мақталувчи Ўзи,
Фикрларни улайди ҳар сўзи.

Мадҳ этувчи агарчи осмондир,
Аммо у сўз гадоси ҳар ондир.

Бу улуг кучга офарин, қутлов,
Мадҳ этар, мақталувчи ҳам мақтов.

Йўлга отланса, куч олур пайваст,
Ортада қолганини у кўтаргай даст.

Сирру асрорларга маҳрамдир,
Мўъжизот оламига ҳамдамдир.

Қадри дурдонадан расодир ҳам,
Элга ғоятда бебаҳодир ҳам.

Маъни ундан топар ривожу камол,
Дунё борича топмагай у завол.

Чин вафо гулшанида битган гул,
Шохида сайрашур ажаб булбул.

Ҳис димоғига ҳид сочар бу гул,
Нотиқа² унгадир лақаб, маъқул.

Дил гулистони файзи—ла обод,
Шавқнинг булбули эрур дилшод.

У гўзаллар жамолига машъал,
Севги кўзгусига берур сайқал.

Қайси суҳбатда сўз агар янграр,
Унинг олдида лол янгроқ зар.

Сўз миси тилладан эрур афзал,
Доно олдида бу муаммо ҳал.

Сеҳру сўз — бир—биригадир пайванд,
Иккиси гўёки эгиз фарзанд.

Сўз олтинга бўлмагай муҳтож,
Балки олтин бошига бўлғай тож.

Дунёда қанча—қанча тилсим бор,
Уни очмоқ кишигадир даркор.

Сўз эрур ушбу тилсимотга калит,
Сўзни ўрган, очишга журъат эт!³

АЛИШЕР НАВОИЙ
«ҶАЙРАТУ—А—АБРОР»дан

Бир неча сўз ул маънидаким, сўздағи маъни жоне
дурурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурурким, жонсиз ва
ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши
топиамас ва аҳли *газоф*¹ ноинсофлагига *мунсиф*² бўлмоқ,
балки ўз газофига инсоф бериб, аларнинг узрин қилмоқ.

Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

Файз ҳаримида тажалли анга,
Ким ёрубон машъали маъни анга.

Сўз майини ул киши *ошом*³ этиб,
Ким дури маъни садафин жом этиб.

Руҳ сафолик не ажаб роҳдур,
Тийра кўнгул кунжига *мисбоҳдур*⁴.¹

Лаб ба лаб ул май била хуми *сипеҳр*⁵,
Оғзидағи кирпич анга хишти меҳр.

Ғарқа анинг баҳрига аҳли жаҳон,
Кўздин этиб они латофат ниҳон.

Қатрасини ҳар киши нўш айлабон,
Нашъасидин хум киби жўш айлабон.

Нечаки файзи била олам тўлуб,
Қатраи баҳридин анинг кам бўлуб.

Менки бу май нашъасидин мастмен,
Дайри фано аҳлига ҳамдастмен⁶.

Андоқ эрур *гарм*⁷ димоғим менинг,
Ким ёқиб ул шуъла чароғим менинг.

Гарчи етиб жоми ҳидоят манга,
Сўзда сукут ўлди бағоят манга...

Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшук баҳрини.

Лафзалари бемаза, таркиби⁸ сушт,
Норасо маънию адо нодуруст.

Борчасига *гаъвийи*⁹ маънийи хос,
Хосларим топмай алардин халос.

Равзаи назм ўлғали рангин манга,
Ҳарне йўлуқти санами чин манга

Бор эди *машшота*¹⁰и табъим иши,
Бермак алар ҳуснининг оройиши.

Шона уруб сунбули гисусига,
Сурма чекиб наргиси жодусига.

Қон ёш ила оразини ол этиб,
Юзида кўз мардумини хол этиб.

Лафз либосин тикибон ранг—ранг,
Киймак учун ул санами шўху шанг.

Кийдурубон ҳуллаи *мавзун*¹¹ анга,
Зевар этиб юз дури *макнун*¹² анга.

Қилсам этиб боштин—аёқ жон ани,
Ҳажлаи¹³ ноз ичра хиромон ани.

Чун анга бу хайли жафогар етиб,
Ҳуллаларин¹⁴ гораду торож этиб.

Жисмида не ҳулла қўюб, не ҳарир,
Ўзини бедод ила айлаб асир.

Зоҳир этиб йиглагудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.

Турфа буқим, шеър қўюб отини,
Еткурубон кўкка мубоҳотини¹⁵.

Турфароқ улқим, тониримни билиб,
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб.

Ваҳқи, манга жилвагар айлар чоғи,
Истабон эҳсон доғи, таҳсин доғи.

Кўнглума кўп тиғи жафо урдилар,
Дема кўнгул, жонима еткурдилар.

Қолмади чун ўзга манга чорасе,
Қалъа ясардек толибон хорасе.

Қулла чу ҳам олий эди ҳам васиъ,
Устига қўйдум бу бинойи рафиъ.¹⁶

Сувгача хоро била бунёд этиб,
Кўкка дегин пораи пўлод этиб.

Хандақини ваҳм анингдек қозиб,
Кимки боқиб қаърига ақли озиб.

Не тубига нақб бўлуб судманг¹⁷,
Не етибон кунгирасига каманд.

Маънини ул хайли паризод этиб,
Жонларин ул хавфдин озод этиб.

Тикмак учун жисму учурмоққа бош,
Анда қилиб таъбия¹⁸ кўп ўқу тош.

Тоши анинг тақвийи жонкоҳдин,
Ўқлари ҳам оҳи саҳаргоҳдин.

Ногаҳ анга ёвуса бир беадаб,
Тош ила ўқдин анга етгай талаб.

Оллоҳ, оллоҳ, бу не афсонадур,
Ким бу фасона деса девонадур.

*Арбада*¹⁹ кўп бўлди, магар маст мен,
Ёки жунун қайдига побаст мен.

Эрмас эсам маст, недур мунча лоф,
Мағз жунун бўлмаса, мунча газоф.

Бу неча тандинки, шикоят дедим,
Англамайин *ҳарза*²⁰ ҳикоят дедим.

Борчасининг нуқтаси рангин эрур.
Назмлари дилкашу ширин эрур.

Ўзда йўқ эрдим бу сўз айтур замон.
Борча алар яхши эрур, мен ёмон.

Тебра Навойиу наво демагил,
Ҳарне эмас бўлса раво демагил.

*Савтунг*²¹ эрур боштин—аёқ ҳарза қўп,
Бошларига эврул, аёқларин ўп.

Борча гадо оллида бўлгил гадо,
То санга шаҳ қурбини бергай Худо²².

АБДУРАУФ ФИТРАТ
«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

ЎЗИШ ҚОИДАЛАРИ

*Таълиф*¹. Белгили бир нарса тўғрисида бўлган фикрлар, муҳокамалар сезгилар, туйғуларни тартибга солиб, сўз билан ифода қилишга *таълиф ё тасниф* дейиладир.

Таълиф ё тасниф аталган адабий юмуш билан майдонга чиққан нарсага *асар* дейиладир. Бир асарни ёзганда зеҳнимизнинг юмуши (хизмати) турли тусларга киради: ёзувчи—адиб бошда шул тўғрида ёзилатурган бир нарсани топадир. Сўнгра шу нарса тўғрисидаги ўйлар, туйғуларни охтариб, топиб йиғади. "Зеҳний юмуш"нинг шу бўлимига *ижод* (бор этиш—яратиш) дейиладир.

"Ижоднинг биринчи натижаси асарнинг *мавзуъи*, икинчи натижаси асарнинг *мундарижаси* бўладир. Ондан кейин ёзгучи мавзуъ тўғрисида йиғилган маълумотни (асарнинг мундарижасини) ўз зеҳнида белгили бир тартибга соладир. Бу эса асарнинг *тартиби*² бўлади.

Мана шу юмушлар билан ёзгучи—адибнинг зеҳнида мавзуъ ҳам у тўғрида маълумот белгили бир тилнинг сўзлари, гаплари билан ифода этилиши керакдир. Шул "ифода" этиш билан асар майдонга келади. Ёзгучининг зеҳнида йиғилган мавзуъ ҳам у тўғрида тартибга солинган маълумот, сўзлар, гаплар билан ифода этилмаганга асар саналмайди.

Бу кун Элбек, Чўлпон, Боту, Қодирий, Ш.Сулаймон каби ўзбек адиб—шоирлари бор. Буларнинг *ифодалари*³, албатта, ўзбекчадир. Бироқ у адиб—шоирларимизнинг асарлари ўқулганда ифодаларининг бир—биридан ўзгачарак бўлгани кўруниб турадир. Демак, булардан ҳар бирининг ўзига махсус бир *ифода йўсуни* бор. Мана шул ифода йўсунига *услуб* дейиладир.

Демак, ҳар асарда текширарлик бир нарса бор: мавзуъ, мундарижа, тартиб, ифода, услуб. Мана эмди буларни биттадан текширайлик:

МАВЗУЪ

Адабиётнинг мавзуи бутун табиат, борлиқ дунёси, инсоннинг ўз ички—ташқи дунёсида сезиб онглаганларидир.

Бир томчи сувдан тенгизгача, бир учқундан буюк бир ёнгингача, кичкина бир япроқдан улуг ўрмонларгача нима бор эса, ҳаммаси адиб—ёзғучи учун мавзуъ бўларлик нарсалардир.

Бироқ адиб—ёзғучи ўз асарининг тилагига (ғоясига) кўра мавзуъ толлайдир; қандай бир тилакни кўзда тутиб, қандай бир фикр бермакчи бўлиб асар ёзар эса, шунга кучлирак бойланган бир мавзуъни оладир.

Ёзғучи—адиб томонидан толаб олинган мавзуъ асарнинг тилаги билан муносабатсиз эса, ёзғучи мавзуъни толлашга янглишган бўладир.

МУНДАРИЖА

Адиб асарнинг мавзуъини, асарнинг тилагини бера оларлиқ қилиб толлагандан сўнг унинг тўғрисида маълумот йиғадир. Мавзуъ теграсидаги фикрлар, сезгилар, туйғуларни тўплайдир. Бироқ уларнинг ҳаммасини ёза бермайдир. Асарда мундарижанинг тўғрилиги, табиийлиги лозимдир. Мундарижа гайритабиий, нотўғри бўлса, асар ўзининг таъсирини йўқотадир.

а) мавзуъ теграсидаги фикрлар, маълумотлар, воқеаларнинг асар тилагига мувофиқ, асарнинг тилагини очиқ қилиб бера олурлик бўлганларини оладир;

б) мундарижадаги асосий қисмларнинг бир—биридан узун, бир—бирига муносабатсиз бўлмаганларини оладир;

ж)⁴ мундарижа қисмларининг бир—бирига қарши бўл—маслиқлари, яъни; биртасининг берган таъсирига қарши бўлмаслигини энг катта бир шарт қилиб кўзда тутадир.

Мана шул уч шартни кўзда тутуб ёзилган асарда "бирлик" бордир дейиладир. Бир асарнинг мундарижаси мавзуъ билан муносабатсиз ё бир—биридан ҳеч турли бойланиш бўлмаса, ё мундарижадан бир қисмининг таъсири бошқа бир қисмининг таъсирига қарши, тескари бўлса, у асарда бирлик йўқдир дейиладир. Асарда мундарижанинг тўғрилиги, табиийлиги лозимдир. Мундарижа гайритабиий, нотўғри бўлса, ўзининг таъсирини йўқотадир. Эски шоирларимиз

ўзларининг кеча қайгилари тўғрисида шеър ёзганда “Оҳим алангасидан фалаклар ёнди, Кўз ёшимдан ер юзини сув бости” деб инграмакчи бўладир. Мана бундай сўзлар ғайритабиий, нотўғри бўлгани учун кулунч бўлуб чиқади.

Эски ёзғучиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб, жуда ифротга⁵ тушар эдилар: бир ҳикоя ёзганда “амморови ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким¹²” деб ҳикоя қаҳрамонларининг туғилиш кунидан бошлаб ўлишига қадар бўлиб ўтган воқеаларни бир йўсунда, бир турли қилиб қаторлаб тизар эдилар. Бу турли ёзилган ҳикоялар, дostonлар бир турли, бир тусда, ўзгаришсиз, ҳаракатсиз юруб боргани учун ўқувчиларни бездирар, мияга оғирлик қиладир. Бундан қочмоқ учун ҳикоя, рўмон, дostonларни турли кўринишлар, янги–янги фасларда тузиш лозимдир. Мисол учун Чўлпоннинг “Қор кўйнида лола” деган ҳикоясини олингиз. Буни эски шаклда ёзмақчи бўлганда, “Андоқ ривоят(т) қилурларким” деб бошлаб, “Самандар ака бор эди, унинг қизи бор эди, бири қизига совчи юборди...” деб воқеаларни қаторлаб тизиб, асарни битирган бўлар эдик. Бироқ Чўлпон бундай қилмаган. Мундарижани янги–янги тўрт фаслга, тўрт кўринишга бўлган: Тўб ўйуни, шайх, тўй, одамларнинг бу тўй тўғрисида фикрлари. Ҳамда ҳикоянинг Самандар аканинг қизи тўғрисида бўлганини сездирмасдан қизларнинг тўб ўйунларини жуда усталик билан тасвир этишга киришган...

ТАРТИБ

Мундарижа яхши тартиб этилган сойи асарнинг қиммати ортадир, ёзғучини муваффақ бўлишга яқинлаштиради. *Тартиб* мундарижа узра юргузилади. Шунинг учун мундарижа етарлиқ даражада йиғилиб толангандан кейингина тартибга кириш керак. Тартиб ёлғуз асар ёзишда эмас, сўз сўйлашда ҳам муҳимдир. Бир нотик айтмоқчи бўлгани сўзларни қисқача тартиб қилмасдан минбарга чиқуб гапурса, ҳеч бир мақсадга яқинлаша олмай(дир), сўзинда қаёққа боришни билмай гапура берадир, ҳеч битира олмайдир.

Тартибсиз асар ёза бошлаганларнинг ҳам шу болоға йўлиқишлари андоқдир. Чўлпоннинг юқоридаги ҳикоясидаги тўртинчи кўриниш, яъни: икки йигитнинг кўчада тўй тўгрисида гапуришлари, қоровулнинг—да уларга қўшилиши ортиқча бир фаслдир. Ҳикоя учунчи фаслда битирилса эди, қоровул тилида онглашилмоқ истанилган эди. Сўзлар очиқ онглашилган бўлар эди. Ҳикоянинг таъсири ҳам ортган бўла(р) эди. Мана бундай ортиқча фасллари бўлган асарлар "яхши тартиб этилган" саналадир...

АДАБИЙ ТУР ВА ШЕЪР НАВЪЛАРИ

Мумтоз адабиётда адабий тур тушунчаси ўзига хос ифода шаклларига эга. У кўпроқ адабий тур нуқтаи назаридан эмас, балки жанрларга муносабат ҳамда ифода шакллари нуқтаи назаридан ривож топган. Арасту ҳакимнинг мимесис назарияси асосига қурилган адабий турлар ҳақидаги таълимот Форобий орқали Шарқ адабиётига кириб келган бўлса ҳам, мусулмон шарқида адабий турлар (эпос, лирика ва драма) таснифи жиҳатидан эмас, асосан, ифода шакллари (наsr ва назм) йўлидан борилган.

Фитратнинг юқорида келтирилган «Шеър ва шоирлиқ» мақоласидаги *“Турклар мусулмонликдан бурун ҳам буюк, мадания, донғли бир кун кечирганлар. Туркларнинг мусулмонликдан бурун ҳам шеърлари, шоирлари, адабиётлари бор эди”* деган сўзлари¹ нафақат бадий адабиёт тараққиётига, балки адабий–назарий тафаккур тадрижига ҳам тааллуқлидир. Демак, мумтоз адабиётни адабий тур ва жанрлар нуқтаи назаридан ўрганганда исломдан бурунги давр адабий ёдгорликларининг жанр хусусиятларини ҳам унутмаслик керакки, бу йўналишда биз учун муҳим манба проф. Р. Орзибеков «Туркий адабиётлардаги тур ва жанрлар генеологиясини ўрганишга доир икки муҳим манба»нинг дастлабкиси деб белгиллаган Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луғатит турк» асари ҳисобланади. *«Мен бу китобни ҳикматлар, сажъ, мақол, қўшиқ, ражаз ва наср деб аталган нарсилар билан безадим»* деб ёзганида буюк аллома девондаги адабий парчаларнинг жанр хусусиятларини ҳам назарда тутган бўлиши керак. «Девону луғатит турк»даги *этуқ, откунч, сав каби насрий ва қўшуг, қўнуг, йир сингари шеърий жанрларнинг илк изоҳини* проф. Р. Орзибеков мана шу манба орқали тушунтиради². Самарқандлик бошқа бир олим А. Абдураҳмонов «Туркий адабиётнинг

¹ Фитрат. Шеър ва шоирлиқ. // Иштирокиюн. – 1919. – 24 октябрь.

² Орзибеков Р. Адабий меросимиз сеҳри. – Самарқанд: 2006. – Б. 4.

қадимги даври» қўлланмасида юқоридагилардан ташқари қадимги туркий адабиётда мавжуд бўлган *билиг, ўшлук, табзуг, сандруч, йиғи—ўйқлов, тўртлик, туйуқ, олқиш, қарғаш, кўг, ирқ бишиги, тангрикла* каби жанрлар ҳақида маълумот бериш баробарида уларнинг намуналарини исломгача бўлган адабий манбалардан келтиради³.

Тассуфки, қадимги туркий адабиётнинг жанрлар олами ҳақида тасаввур берувчи бирламчи назарий манбалар яхлит ҳолда мавжуд бўлмагани учун ҳам биз ушбу мажмуада улардан намуналар бера олмадик. Бироқ Фитрат домланинг юқорида тилга олинган мақоласида «Адабиётимизнинг иккинчи бўлими мусулмонликдан бошланадир. Адабиётимизнинг бу бўлими учун керак бўлган негизлар ва тамаларни бизга Эрон орқали араблар юборганлар» деган фикрларига асосланиб⁴, араб ва форс манбаларидаги адабий тур ва жанрларга оид фикрларни ўрганишни ўз вазифамиз деб билдик. Бу ўринда кўҳна юнон адабиёти хусусиятларини араб тилида англаган Абу Наср Форобийнинг «Китобу—ш—шеър» рисоласидаги ушбу фикрларни келтириш билан чекланамиз: «Улар (юнон адабиётидаги жанрлар — Ҳ. Б.) қуйидагилардир: (*трагўзиё*) *трагедия, (дисирамби) дисирамби, (кумузия) комедия, ямб (ёмбу), драма (гамото), эйнуй, диаграмма (диакрамма), сатира (сатуро), поэма, эпос, риторика (риторий), эфижоносоус ва акустика*»⁵.

Исломий адабий манбаларда адабий тур ва жанрлар таснифига оид қарашлар *наср ва назмни* ифода шакли сифатида фарқлашдан, уларнинг хос хусусиятларини аниқлаб, *насрий ва шеърый* асарлар таҳлилида мана шулар асосида иш кўришни тавсия қилишдан бошланади. Бу жиҳатдан машҳур араб олими Қудамма ибн

³ Abdurahmonov A. *Turkiy adabiyotning qadimgi davri*. — Т.: Yangi asr avlodi, 2005. — В. 324–354.

⁴ Фитрат. Шеър ва шоирлик. // Мулоқот. — 1996. 4-сон. — Б. 36.

⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри (арабчадан таржима). Изох ва муқаддималар муаллифи А. Ирисов). — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. — Б. 123.

Жаъфарнинг «Нақду—ш—шеър» ва «Нақду—н—наsr» асарлари эътиборлидир. Минг йиллар оша бизнинг давримизгача тўлиқ етиб келган ҳар икки асар ҳам Ғарб олимларининг эътиборида бўлган. «Китобу—л—баён» ҳам деб аталган «Нақду—н—наsr»да муаллиф нафақат поэтика мавзулари, балки наsrдаги адабий масалалар: тил, баён, иншо, ёзувчиликка ва илми бадеъга ҳамда нутқ маданиятига алоқадор барча масалалар ҳақида фикр юритган. Оврўпада «Риторика» номи билан машҳур бўлган «Нақду—н—наsr» асарини факсимиле тарзида нашр этган ва рус тилига таржима қилган олим И.Ю.Крачковский унинг муаллифини юнон манбаларига мунозарали қараган, уларга қарши ўлароқ араб тили хусусиятларидан келиб чиқиб, араб поэтикасига асос солган ва унга асосий шакл берган олим сифатида қадрлайди⁶.

Араб тилида «наsr» сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларини излаганда дастлаб Қуръони каримдаги «Наsr» сураси ёдга келади: «Қачонки Аллоҳнинг ёрдами ва ғалабаси келса...» ояти каримасидаги бу сўз «ёрдам, иноят» (1) маъноларида қўлланилган. Бундан ташқари «наsr» сўзининг «ғалаба келтириш» (2), «ҳимояланиш» (3) каби маънолари ҳам қайд этилган⁷. «Ғиёсу—л—луғот»да бу сўзнинг «ёрдам берувчилар жамъи» (4) маъноси ҳам келтирилади⁸. Илк ислом даври алломаларидан Абдул Ҳамид Котиб «наsr»ни «хитобалар мажмуаси» (5) тарзида талқин этса, Абу Бакр Хоразмий «Қуръони карим шарҳларининг йиғиндиси» (6), яъни тафсир маъносида ишлатган. Бадиуззамон Ҳамадонийнинг «Мақома»ларида мусовий анъаналар билан исломий ақидалар ўртасидаги баҳсу мунозаралар ҳам «наsr» (7) истилоҳи билан англатилган⁹. Бироқ юқоридаги маъноларнинг ҳеч бири

⁶ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т.2. — М.—Л.: ИАН, 1956. — С. 373—374.

⁷ Баранов Х.К. Арабско—русский словарь. — М.: 1985. — С. 806.

⁸ Ғиёсу—л—луғот. Жилди дуввум. — Душанбе: Адиб, 1988. — Саҳ. 344.

⁹ M.Fuad Koprulu. Turk Edebiyatı Tarihi. — Istanbul: Oteken, 1980. — S. 108—109.

адабий истилоҳ сифатида қабул қилинган «наسر»га тўла мос келмайди. Чунки адабий истилоҳ сифатида бизга таниш бўлган «наسر»нинг араб тилидаги маъноси «сочилмоқ, тарқалмоқ» сўзига тўғри келади¹⁰.

Алишер Навоий асарларида бўлса, бу сўзлар нафақат адабий истилоҳ маъносида қўлланилган, балки уларнинг маъно ва ифодавий мазмунлари ҳам англашилган. Ҳазрат Навоий «назм бир илга тизилмоқлиги ва наср анинг қаро ерга сочилмоқлиги» байтида «наسر» сўзининг адабий истилоҳ сифатидаги маъноси «сочмоқ»дан олинганига ишора қилади. Дарҳақиқат, айни сўз араб тили лугатларида юқоридаги маънолардан (улар «сод» ва «син» билан ёзилган эди) фарқланиб (биз кутган маънодаги наср «се» билан ёзилади), «сочилган» маъносини англатади. Демак, адабий истилоҳ сифатидаги маъни сўзнинг лугавий маъносига мос келиши Навоий томонидан эслатилгани учун ҳам 20-йиллар адабиётшунослигида Фитрат ва Абдурахмон Саъдий арабча «наسر» ёки оврупча (русча ҳам) проза (лотин тилида «фақат олға юривчи, ортга қайтмайдиган») ¹¹ ўрнига «сочим», «сочма» адабий истилоҳини қўлагани Ҳазрат Навоийнинг талқинини давом эттирганидан дарақдир.

Навоий ҳазратлари насрнинг хос хусусиятларини шарҳлаш орқали айтилмоқчи бўлган фикрнинг янги ишжа қирраларини очиб беришни ҳам лозим билади:

*Наср андаки, анжом ила оғоз эрди,
Ҳар лафзи анинг мойи эъжоз эрди.*

Агар (ёзганинг) чин моҳият, яъни оқибат-натижани ифода қилса, унинг ҳар лафзи асл мўъжиза бўлса, ўшанда наср тугал бўлади. Бундай зоҳирий маънодан ташқари «анжом ила оғоз» жиҳати, яъни «нужум била

¹⁰ Ан-Найм. Арабча-ўзбекча лугат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б.806.

¹¹ Введение в литературоведение. Под ред. Г. Н. Поспелова. – М.: Вүсшая школа, 1988. – С. 353.

бошламоқ»ни ҳам назарда тутадиган бўлсак, Навоийнинг насрий асарларга бўлган талаби назмникидан кам эмас, балки ундан зиёдалигини уқиш мумкин. «Лайли ва Мажнун»да шундай қиёсий таъриф мавжуд:

Ҳам назминг насрдек келиб хўб,
Ҳам насринг назмдек дилошуб.

Агар назминг (шеърларинг) насрдек яхши тушунарли бўлса, насринг ҳам назмдек дилдан, эҳтиросли қабул этилса, деб адабий ният қилган эдики, «Маҳбубу-л-қулуб»нинг насрий ва услубий тажрибаси бу ниятга эришганлигини тасдиқлайди.

Наср ва назм баҳсида Навоийнинг назмга устивор хослик тилаганини ҳам унутиб бўлмайди. Албатта, бу «назмнинг ҳар синфини рақам қилган» улуғ санъаткор учун насрнинг мураккаб ифода усуллари оғир келганини кўрсатмайди, балки турк лафзи оғир, залворли эди, уни назмга солганлар ҳам мана шу оғирликни дилдан туйганлар, унга муносиб шакл ва вазнлар топа билгани мумтоз адабиётга ошно бўлганлар учун тушунарли ҳол.

20-йиллар адабиётшунослиги биргина Фитратнинг «сочим, тизим» истилоҳлари билан чекланиб қолмаган, моҳиятга муносиб туркча истилоҳни излашда давом этган. Хусусан, А. Саъдий ишларида эса «юракчилик ва кўчирик» атамалари тавсия этилганини унутмаслик керак¹². Бироқ олим тавсия этган юқоридаги истилоҳлар, бизнингча, «назм, наср» ўрнига эмас, «лирика ва эпос» сингари адабий турларга нисбатан қўлланилганда мақсадга яқинроқ келинган бўлар эди. Шунини ҳам унутмаслик лозимки, шу кун адабиётшунослигида ҳам баъзан «лирика ва эпос» ўрнига «назм ва наср» атамаларини қўллаш ҳоллари ҳам учрамоқдаки, бундай қўлланиш назарий жиҳатдан жиддий хатога йўлиқиш билан баробардир. Чунки адабий тажрибанинг кўрсатишича, «лирика» ҳар доим ҳам «назм» билан,

¹² Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Т.: Ўрта Осиё Давлат нашриёти, 1924. – Б. 168–171.

«эпос» эса ҳар доим ҳам «наср» билан ифодаланмаган. Насрий йўлда ифодаланиши мумкин бўлган лирик турдаги асарлар (масалан, мансуралар) ва шеърий йўл билан баён қилинган эпик асарлар (шеърий роман ёки қисса)нинг ҳам мавжудлиги бундай қўлланилиш фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам хато эканлигини англашиб турибди.

«Наср, назм» истилоҳларини оврупча «проза, поэзия»нинг ҳам айна маъно жиҳатидан муқобили сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки «адабиёт – литература» тушунчалари ўртасига ҳар доим ҳам тенглик аломатини қўйиб бўлмагани адабиётшуносларга аён. Оврўпа назарийчилари адабиётни «литера – ёзма» сўзи билан боғлаб англадилар. Шарқда, айниқса, мумсуломон шарқда эса, «адабиёт – одоби куллиёт» сифатида шарҳлангани учун ҳам кўпроқ назарий манбаларда «адаба», яъни ҳикматлар йиғиндиси сифатида талқин қилинган. Ушбу талқиндан келиб чиқиб илк наср намуналари сифатида муқаддас китоблардаги ривоятлар, тошбитиклардаги лавҳа ва ёзувлар, исломий адабиётдаги хитоба, мақомот ва манқабалар, тарихий йилнома, ва умуман, насрий номалар мисол сифатида келтирилади.

Мумтоз адабиётшуносликнинг нодир намунаси саналган Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунуну-л-балоғ» асарида «наср ва назм» истилоҳларини ёзма адабиётнинг ифода йўллари маъносида фарқлаб, уларга адабий навълар унвони берилган. Наср адабий навъ (тур) сифатида талқин этилар экан, табиийки, унга мансуб жанрлар ҳам мавжуд бўлади. Исломий адабиётда наср назмга нисбатан бирмунча устивор хусусият касб этганини турк олими Фуод Кўпрулу қуйидагича англаиб, «Сарсари бадавий шеърийатга қарши ўлароқ маданий бир мубоҳаса йўсини, шарҳ ва тафсирлар йиғиндиси сифатидаги наср диний туйғу ва фикрлар ифодаси сифатида учқур шеърийатга нисбатан кенгроқ тарқала бошлади» деб ёзади¹³. Насрий жанрлар хусусида фикр юритганда, хитоба, ваъз, тафсир, манқабалар, мақомот,

¹³ M.Fuad Kuprulu. Turk Edebiyatı Tarihi. – Istanbul: Oteken, 1960. – S. 106.

ниқра, мунозара, масал, адаба кабилар турли манбаларда қайд этилган¹⁴.

Араб адабиётшунослари назми "каломи мавзуну муқаффан" (вазн ва қофияли гап) тушунтирганлари ҳолда назм насрдан вазн ва қофияси билан фарқ қилинишини назарда тутганлар. Шу ўринда Шамсидин Қайс Розийнинг «Ал-Мўъжам...» асаридаги "Билгилки, аруз манзум сўз мезонидир, наҳв мансур сўз мезони бўлгани каби" таърифи ёдга келади¹⁵. Айни шу таърифдан келиб чиқиб, назмий жанрлар масаласига муносабат билдирилган, яъни жанрни ҳосил қилувчи омиллар сифатида ҳам вазн ва қофия юзага чиққан. Шунинг учун ҳам араб ва унинг таъсиридаги форс адабиётшунослиги адабий тур ва жанрлар масаласига алоҳида илм тури сифатида ёндашмаган. Шеърдаги жанрий ўзгаришлар асосида вазн ётгани учун аруз вазнидаги шеър шакллари илми аруз таркибида, қофия таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган жанрий ўзгаришлар илми қофия таркибида ўрганилган. Бу нисбатта бўлган асосли муносабатни Қудаба ибн Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър» асарида кузатамиз. Муаллиф шеър танқиди билан боғлиқ барча жиҳатлар ҳақида гапирганда, вазн, қофия, бадий санъатлар, нутқ гўзалликлари баробарида шеърий шакллар масаласига ҳам тўхтаган¹⁶. Ундан кейинги араб олимлари, хусусан, Жоҳиз (уккикўз) номи билан машҳур бўлган (басралик асли исми Абу Усмон Амр ибн Баҳр, 780–869) ҳамда андалусиялик Ибн Халдун асарларида ҳам шеърий шакллар мана шу тартибда ўрганилган¹⁷.

Араб мумтоз поэтикаси икки даврни қадим (жоҳилийя) ва янги (ҳадис) даврни фарқлагани ҳолда шеър таҳлилига ёндашади. Жоҳилийя шоирларининг ҳодисаларга

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Ҳ. Болтабоев. Мумтоз сўз қадри. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 22–23.

¹⁵ Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам (муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандан чоп У. Тоиров). – Душанбе: Адиб, 1991. – Саҳ. 36.

¹⁶ Қудама ибн Жаъфар. Китаб нақду-ш-шеър. Ал-таъби аввали. Қистантанийа, 1303 (араб тилида).

¹⁷ Бу ҳақда қаранг: И. Ю. Крачковский. Арабская поэтика IX века. / Избранные сочинения. Т.2. – М.-Л.: ИАН, 1956. –С. 361-372.

муносабатида мажусийлик ёки бадавийлик ётса, янги шеърий замирида оламга исломий муносабат туради. Араб олими Асмай шеърий ривожига исломнинг таъсирини ва ундаги сифат ўзгаришларини биринчилардан бўлиб қайд этган¹⁸. Жоҳилия даврида шеър назм шаклларида қитъа ва қасида фаол истеъмолда бўлган, янги даврга келиб, уларнинг миқдори кўпайган ва мазмун жиҳатдан ҳам мушаккал жанрий бирликка айланиш даврини бошдан кечирган. Исломий даврда тараққий қилган назм шакллари турли манбаларда турлича кўрсатилади, бироқ турк адабиётшунослигининг мумтоз намунаси саналган Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунуну-л-балоға» асарида «Ақсому-ш-шеър» (Шеър тақсими) рукни остида қуйидаги 10 та шеър навъи тасниф қилинган: қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустанзоғ, мутаввал ва фарғ¹⁹. Адабий тур ва жанрлар масаласига аруз, қофия, санъатлар ва муаммо илмидан аввал тўхталган олим ўзининг Шарқ мумтоз поэтикasi назариясига доир асарини шеърий шакллар таснифи билан бошлаган ҳамда ҳар бир шеърий жанрнинг моҳияти, ўзгариши, тамсиллари ва бошқа жиҳатларини жиддий таҳлилдан ўтказган.

Алишер Навоий ҳам адабий турлар масаласига ифода шакллари нуқтаи назаридан қараган ва буни *адабий навълар* деб атагани ҳолда шеърий жанрларни синф истилоҳи билан берган: назмнинг ҳар синфини қилдим рақам. Шеърий шаклларнинг жанр хусусиятлари Навоий талқинларида уларнинг арузий хусусиятлари билан боғлаб тушунтирилган. Шунинг учун ҳам биз қуйида улуғ шоир ва алломанинг адабий тур ва жанрларга оид қарашлари тарзида «Хамса» таркибидаги айрим фикрлари ва «Мезону-л-авзон»дан келтирилган мулоҳазаларидан намуналар бериш билан чекландик.

¹⁸ Ал-Асмай. *Китаб фухулат аш-шу'ара'*. – Zeitschrift des Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. Bd. 65, 1971.

¹⁹ Шайх Аҳмад Тарозий. *Фунуну-л-балоға*. – Т.: Хазина, 1996. – Б. 4

Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз лирика жанрлари бўйича жиддий машғул бўлган олим Р. Орзибеков тадқиқотларида лирик жанрлар таснифи уч йўналишда амалга оширилган: 1) мазмун жиҳатидан лириканинг жанрлари; 2) шакл жиҳатидан ва 3) мисралар сони ва банд тузилишига кўра. Дастлабки жиҳатга ҳасби ҳол, марсия, чистон, қасида, муаммо, васф, ёр-ёр, бағишлов, дебеча, назира, фахрия ва васият шеърлари киритилгани ҳолда шакл жиҳатидан лириканинг жанрлари сифатида мустазог, мувашшаҳ, мушоара, ширӯ шакар, қишъа, ғазал, туюқ, рубоий, маснавий, фарғ, таркиббанд сони ва таржибанд келтирилади. Ниҳоят, мисралар сони ва банд тузилишига кўра эса мусаммалар ва уларнинг шакллари назарда тутилади. Олим ушбу таснифни дастлабки тадқиқотларида амалга оширган бўлса-да, сўнгги монографиясида яна мана шу тасниф асосида иш кўради²⁰. Бизнингча, олим таснифидаги биринчи ва иккинчи жиҳатлар ўзларини моҳиятан тўла оқламайди. Чунки Р. Орзибеков мазмунни асос қилиб олган жанрлар шакл жиҳатдан ҳам маълум хусусиятларга эга ва шакл асносига қурилган деб аталган қишъа, ғазал, рубоий, маснавий, фарғ ва бошқалар қофия ҳамда бандлар миқдорини (учинчи тасниф) ҳам ўзида акс эттирганлар.

Маълумки, мумтоз поэтикада бандшунослик (Ғарб истилоҳи билан айтганда строфика) алоҳида илм сифатида қаралмаган. Улар, кўпинча, қофия илми таркибида баён қилинган. Шундай экан, бизнингча, шеърый жанрларни моҳиятан кескин фарқ қилмайдиган бундай жиҳатлар бўйича қайта тасниф қилиш ўрнига уларга асос бўлган арузий ва қофия омилларини ўрганиш мақсадага яқинроқ натижа бериши мумкин. Айни ҳолатни мажмуада келтирилган намуналар ҳам, араб поэтикаси тарихига бағишланган фундаментал тадқиқотлар ҳам тасдиқлаши мумкин²¹. Бу жиҳатдан шеърый жанрлар ҳақида махсус рисолалар битмаган бўлса-да, турк илми ривожи учун Алишер Навоий ва Фузулий қарашлари

²⁰ Orzibekov R. *O'zbek lirik she'riyatli janrlari*. – T.: Fan, 2006. – B. 9–10.

²¹ Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII–XI век). – М.: Наука, 1983.

эътиборли. Улуғ шоирларнинг айрим мумтоз жанрлар ҳақидаги қарашларини бериш баробарида шеърый жанрлар нафақат файласуф ва адабиётшунос олимлар томонидан, балки бевосита бадий ижод билан шуғулланган шоирлар томонидан ҳам уларнинг хос ва инжа жиҳатлари ўринли қайд этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шу ўринда XX аср бошларида Оврўпа типдаги адабиёт назарияларини шакллантириш борасида Шарқ поэтика мактабига қайта-қайта мурожаат қилиб, ундаги омил ва жозиб сифатларни ўрганган проф. Фитратнинг шеърый жанрлар шарҳига бағишланган қарашларини ҳам келтиришни лозим топдик. Зеро, «Адабиёт қондалари» мумтоз поэтика билан замонавий адабиёт назариясини туташтирувчи ўзига хос кўприк вазифасини ўтагани учун ҳам буцдай беназир воситага таянган ҳолда ўтмиш шеъриятига назар ташлаш ҳам мумкин эканини олимнинг назарий қарашлари асослайди. Шу билан бирга Фитрат домла «Форс шоири Умар Хайём» асарида нафақат улуғ риёзиёт олимини дунёга шоир сифатида танитган рубоий жанри ҳақида, балки салжужлилар сарой адабиётида урф бўлган қатор шеърый жанрлар ҳақида ҳам маълумот берганки, улардан ҳам баҳраманда бўлишни ўқувчиларимизга лозим топдик.

Табиийки, барча илмлар каби адабиёт илми ҳам доимо тараққиётда, ҳар бир янги ёзилган гениал ва оригинал асар унинг жиҳатларини янгилаши ва бунинг баробарида жанр ҳақидаги қарашларни тўлдириши мумкин. Шундай экан, юқориди тавсия этилган қарашлар мумтоз шеърият намуналарини ўрганишда шу кун китобхоналарига дустуруламал бўлгани ҳолда адабий тур ва жанрлар борасидаги мумтоз адабиётдаги қарашлар келтириляётган манбалардаги фикр ва мулоҳазалар фақат шулардангина иборат деб билмаслик керак. Зеро, биз кўрмаган ва кўрсак-да, ушбу мажмуага киритилиш имкониятини топмаган қанчадан-қанча илмий рисоалар борлигини ҳам унутмаслик лозим.

Ҳамидулла Болтабоев

АДАБИЙ ТУРЛАР. ШЕЪР НАВЪЛАРИ

АБУ НАСР ФОРОБИЙ

«ШОИРЛАРНИНГ ШЕЪР ЁЗИШ САНЪАТИ

ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА»дан

Юқорида зикр қилиб ўтган нарсаларни тавсифлаб берганларимдан маълум бўлишича, энди биз шеърий мулоҳазаларнинг навъларга қандай бўлинишини таърифлаб беришимиз керак. Шеърий мулоҳазаларга келганда, шуни айтиш мумкинки, у ё вазнларга қараб бўлинади, ё бўлмаса маъноларга қараб турларга бўлинади.

Аммо вазнларга қараб бўлинишларга келганда, шуни айтиш керакки, бундан буёғига мулоҳаза юритиш мусиқор – мусиқачи ва арузчиларга тегишлидир. Шу билан бирга, мулоҳазалар (яъни шеърий сўзлар) қайси тилда бўлгани ва мусиқачининг қайси тоифадан чиққанига боғлиқ.

Аммо шеърнинг маъносига қараб илмий томондан навъларга тақсим қилинишига келсак, бу жиҳатлар ҳар бир халқ ва тоифадаги рамзларини билувчи ва шеърларни(нг) шарҳловчисига уларнинг маъноларини назорат қилувчи ва ўшаларга қараб, улардан маълум хулосалар чиқарувчисига ҳавола қилинади. Бу худди ҳозирги замонамизда форс ва араб шеърляти олимларининг бу борада китоблар тасниф қилганига ўхшаб кетади. Улар шеърларни турли навъларга, чунончи, ҳажвия, мадҳия, муфохара¹, лугз – топишмоқли шеър, кулгили ғазалиёт, *васфий шеър*² ҳамда китобларда топилиши қийин бўлмаган бошқа навларга бўладилар. Буларнинг у ерда мавжудлиги бизни бу ҳақда муфассал эслашимиздан ва гапни чўзиб ўтиришимиздан қутқаради...

<...> Асарлари бизгача етиб келган ўтмиш ва ҳозирги замон шоирларининг кўпчилиги шеърларнинг аҳволига қараб вазнларни аралаштириб юборганлар. Улар шеърлятда мавжуд бўлган навъларнинг ҳар бирига, уларнинг мазмунига қараб махсус вазн белгилаб чиқмаганлар. Бу ҳолатдан фақат юнонларгина холи, холос. Улар шеър навъларининг ҳар бирига махсус вазни ҳажвиялар вазнидан тамоман бошқача, ҳажвиялар вазни эса кулги вазнидан бутунлай фарқ қилади. Бошқа вазнларнинг ҳам аҳволи шундай.

Аммо бошқа халқ ва тоифаларда айтишларича, мадҳиялар ҳажвиялар куйланадиган кўп вазнларда ҳам куйланади. Бунда ё бутунлай мадҳия вазнида ҳажвия айтилади ёки бутунлай бўлмаса ҳам кўпроқ айтилади. Бунга улар чегарани худди юнонлар қўйгандек жуда ҳам қатъий қилиб қўйишмаган.

Биз бу ерда Ҳаким Арасту ўзининг шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларида санаб ўтганидек, юнонлар шеърлари турларини санаб, ҳар бирининг навъига ишорат қилиб ўтамиз.

Энди биз сенга айтсак, юнон шеърляти мен қуйида санаб ўтадиган навъларга³ бўлинади. Улар қуйидагилардир: (*трагўзие*) *трагедия*, (*дисирамби*) *дифирамби*, (*кумузия*) *комедия*, *ямб* (*ёмбу*), *драма* (*гамото*), *эйний*, *диаграмма* (*диаграмма*), *сатира* (*сатуро*), *поэма*, *эпос*, *риторика* (*риторий*), *эфжоносоус* ва *акустика*.

Аммо трагедияга келсак, у шеърнинг маълум бир навъи бўлиб, унинг ўқиладиганини эшитган ё ўзи овоз чиқариб ўқиган киши ҳузур қилади. Трагедияларда бировларга мисол (ўрнак) бўла оладиган яхшиликлар ва мақтанладиган феъл-атворлар зикр қилинади; бу вазнда шаҳарни бошқарувчи — ҳукмдорлар мадҳ этилади. Мусиқачилар подшоҳлар олдида шу трагедия вазнида куйлайдилар. Борди-ю, бирор подшоҳ ўлиб қолгудай бўлса, трагедия қисмлари — бўлакларига бошқа қўшимча нағмалар қўшиб, ўша ўлган подшоҳга атаб навъа — марсиялар айтганлар.

Аммо *дифирамбига*⁴ келсак, у шеърятнинг бир тури бўлиб, унинг вазни трагедия вазнидан икки баравар катта бўлади. Унда яхшилик ва мақталадиган барча хулқ-атворлар, инсоний фазилатлар зикр этилади, дифирамбида маълум бир подшоҳ ё кишини мадҳ этиш эмас, балки умумий яхшиликлар зикр қилинади.

Аммо комедияга келсак, бу шеърятнинг маълум бир тури бўлиб, унинг ҳам маълум вазни бўлади, унда ёмон феъл-атворлар зикр қилинади, одамлар, уларнинг ахлоқларида қораланадиган ва хуш кўрилмаган табиатлар ҳажв қилинади. Кўпинча, унинг бўлакларига оҳанг-нағмалар қўшилиб, уларда ҳам қораланадиган хулқ-атворлар эсланади. Бу

эсланган хулқ—атворларда инсон, ҳайвон ва икковига алоқадор бўлган хунук шакл—тимсоллар иштирок этади.

Аммо *ямб*⁵ ҳам шеъриятнинг бир навъи бўлиб, унинг ҳам ўзига хос маълум бир вазни бўлади, унда ҳам машҳур мулоҳазалар эсланади. Аммо куйланадиган нарсалар хушфеъл ҳам бўлиши мумкин, бадфеъл ҳам бўлиши мумкин — бунга барибир, лекин шуниси борки, бу мисоли бир зарбулмасал — мақоллар каби машҳур бўлиши шарт. Шеъриятнинг бу навъи тортишув, уруш—жанжал, газаб ва гижинган пайтларда ўқиладиган шеърларда ишлатилади.

Аммо *грамага* келсак, у ҳам худди юқорида келтирилганлар каби шеър турларидан бири саналади: фақат бунда маълум кишилар ва маълум шахслар тўғрисида машҳур масал ва нақллар зикр қилинади.

Аммо *эйнийга* келсак, бу ҳам шеъриятнинг навъларидан бири бўлиб, унда одамни хурсанд қиладиган мулоҳазалар зикр қилинади. Шуниси ҳам борки, булар ё маҳоратнинг зўрлигидан ва ё ғоятда гўзал битилганидан одамни маҳлиё этади.

Аммо *диаграмма*⁶га келсак, бу ҳам шеъриятнинг бир навъи бўлиб, буни қонуншунослар инсон хулқини тузатиш ҳамда тарбиялаш мушкул бўлган тақдирда унда шеър битиб, кимки қонун—қоидага риоя қилмас экан, унинг оқибатида аянчли аҳволга тушади, деб қўрқитиш ва руҳини даҳшатга солиш учун ишлатадилар.

Аммо *эпика ва риторикага* келсак, бу ҳам шеъриятнинг бир навъи бўлиб, бунда илгари ўтган сиёсий тартиб—қоидалар тавсиф қилинади. Шеъриятнинг бу навъида подшоҳларнинг хулқ—атвори, у ҳақдаги хабарлар, унинг даври ва у билан боғлиқ бўлган воқеалар зикр қилинади.

Аммо *сатирага* келганда шуни айтиш керакки, бу ҳам шеъриятнинг бир навъи бўлиб, унинг ўзига хос вазни бор. Бу навъдаги шеърларни мусиқачи одамлар яратгандир. Улар ўз куйлари билан тўрт оёқли ҳайвон, умуман олганда, ҳатто жамики ҳайвон зотларини ҳаракатга келтирадилар. Шунда ҳайвонлар ўзларининг табиий ҳаракатларидан бир оз четга чиққан бўлиб (маълум қилиқ қилиб), одамларни таажжубга соладилар.

Аммо поэмага келсак, бу шеърятнинг бир навъи бўлиб, бунда (бошқа навъларга ўхшамаган ҳолда) яхши-ю ёмон, тўғри-ю эгри ҳар хил сифатлар куйланади, тасвирланади. Бу хилдаги ҳар бир шеър навъларида гўзал ва хунук, яхши ва разил ишлардан иборат бўлган воқеалар ифодаланади.

Аммо *эфижоносоус*⁷га келсак, бу ҳам шеър навъларини(нг) бир тури бўлиб, буни табиатшунос олимлар яратганлар. Улар бунда табиий илмларни тавсифлаганлар. Шеър санъатидан энг узоқ саналган навъ худди мана шу шеър навъи ҳисобланади.

Аммо *акустика*⁸га келсак, бу ҳам шеър навъларининг бир тури бўлиб, бу навъ орқали муסיқа санъати ўргатилади. Бу тур шеър фақат шунгагина хос холос, бошқа ўринларда ундан фойдаланилмайди.

Юнон шеърятини яхши билган кишилардан бизгача етиб келган муфассал хабарларга кўра ва Ҳаким Арастуга нисбат берилган шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларда ҳамда Томастиюс (Темистий) билан икковидан ташқари юнон китобларини шарҳловчи қадимги олимлар асарларида юнон шеърятини турлари ва уларнинг мазмунлари ҳақида топган гапларимиз мана шулардан иборат...

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ
(XV аср)

XV асрнинг бошларида Тароз (ҳозирги Жамбул) шаҳрида туғилган. У ҳақдаги дастлабки маълумот Бобурнинг "Аруз рисоласи" асарига учрайди.

Шайх Аҳмад "Фунуну-л-балоға" ("Балоғат илмари") китобини Мирзо Улуғбекка бағишлаган бўлиб, турк тилида ёзилган адабиёт илмидан сабоқ берувчи ушбу илмий рисолада анъанавий шарқ адабиётшунослигининг тўрт муҳим тармоғи: шеър навълари, қофия ва радиф, бадий санъатлар ва аруз вазни масалалари акс этган. Китобнинг бизгача етиб келмаган қисмида "муаммонинг усул ва аркони" ҳақида баҳс юритиш режалаштирилган эди. Таассуфки, асар ушбу қисмининг қисмати бизга номаълум.

Шайх Аҳмад рисоласида Носириддин Тусийнинг "Меъеру-л-ашъор", Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадоиқу-с-сеҳр" анъаналари давом эттирилган. Воҳид Табризий ("Жамъи мухтасар" муаллифи) билан деярли бир даврда яшагани учун унинг асарига ишора учрамайди. "Фунуну-л-балоға"ни замондошлари "Латойифи Тарозий" деб ҳам аташган. Асар ҳижрий 840 (милодий 1436–37) йилда ёзилган. Бизга етиб келган нусха 1581 йил Бухорода Мир Кулинка Ҳожи исмли котиб томонидан кўчирилган. Муаллиф араб ва форс шеъриятини яхши билган, мисоллар Қуръони каримдан тортиб ўзига замондош бўлган шоирлар ижодигача келтирилган. Аксар ҳолларда муаллиф мисоллар излаб ўз асарларига ҳам мурожаат қилган.

"Фунуну-л-балоға" мумтоз адабиётдаги айрим мунозарали масалаларга аниқлик киритиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир. Масалан, "Гул ва Наврўз" дostonининг муаллифи борасидаги ҳозирги баҳсларга аниқлик киритиб, дoston Лутфий томонидан эмас, балки Ҳайдар Хоразмий қаламига мансуб эканини узи-кесил ҳал қилади. Бу ўринда асарнинг адабий турлар ва шеър навълари ҳамда арузга тегишли қисмидан намуналар келтирилди.

«ФУНУНУ-Л-БАЛОҒА»*ган*
МУҚАДДИМА

<...> Азза ва жалла¹ ҳамдидин ва Расул алайҳи-с-салом наътидин сўнг Шайх Аҳмад бинни Худойдод Тарозий, рафаъаллуҳу қадруҳу фи-г-горайн²ким, бу иморатнинг муҳандиси ва бу иборатнинг мударрисидур, анинг битик ва тақрир қилурким, мажму-и арбоби ақл ва асҳоби нақл эътибори бирла инсоннинг шарафи кулли макунот ва жамаъ мавжудотқа ақл жавҳари ва "Лавла-л-лисану мо-лал инсану" (маъноси: агар тил бўлмаганда инсон малолатда қолган бўлур эди).

Ва ҳар одамеким, анинг кўнгли нутқпазир ва нутқи дилазир эрмас, инсоният доирасиндин ташқаридур. Ва уламо қошинда нутқ икки навъдур: *наср ва назм*. Ониким, *истисвоб*³ бобинда мураттаб кўрдилар, "назм" атадилар. Ва ониким, *авроқ висоқинга*⁴ паришон топдилар, "наср" дедилар.

Қитъа:

Назм товусист дар боғи балоғат жилвагар,

К—аз камоли жилваи у ақли кулл шайдо шавад.

Наср дар бўстони хотир тўтиги шириннаво;

З—он сабаб таъсири фаҳм аз неъматаш пайдо шавад.

(Мазмуни: Балоғат бобида назм товус сингари шундай жилвалар қиладики, Унинг бундай етук жилвалари ҳар қандай ақлни ўзига шайдо этади, Наср эса фикр бўстонида тўтига ўхшаб шундай ширинсўзлик кўрсатадики, Шу сабабдан, бунинг неъматини туфайли (бир нарсани) тез тушуниб олиш мумкин).

Агарчи каломини *Изиди*⁵ ва *аҳодиси набавий*⁶ воситасиндин насрнинг шарафини назмга (нисбатан) собитдур, аммо ҳақими алимга назмда ҳикматтур, зероки, ҳар жоҳили *лаим*⁷ анга йўл топмас. Бас, маълум бўлдики, ҳар одамеким, инсоният яқосидин бош чиқорур, анга назм ва насрнинг қондасин билмактин *гузир*⁸ йўқтур. Ва (бурун) кечган фусаҳо ва булағо бу маънидин наср ва назмнинг кайфиятинда қоидалар таркиб этиб, рисоалар тартиб қилиб (турлар). Ва

ҳар саноеъ ва дақойиқким, наср ва назмда воқеъ бўлур,
барчасини фил—маҳал зикр этиштурлар...

ФЕҲРЕСТУ—Л—ФУНУН:

Аввалги фанда шеърнинг ақсомин ва анвоин шарҳ қилур.
Икинчи фанда қофия ва рақифнинг қавоидин баён айлар.
Учинчи фанда сўзнинг бадоеъин ва саноеъин зикр этар.
Тўртинчи фанда шеърнинг тақтиъ ва авзонин тақрир
қилур.
Бешинчи фанда муаммонинг усул ва арконин таҳрир этур.

1. Ал—фанну—л—аввалу фи ақсому—ш—шеър⁹.

Ж¹⁰. Билгилким, мажмуи шуаро истилоҳинда шеърнинг
ақсоми, улким мўътабардур, ўн навъ келибтур: қасида, ғазал,
қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазог,
мутаввал, фарғ. Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдуқ, ҳар
қайсида агар Тенгри азда ва жаллаға ҳамд айтсалар, они
тавҳид дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳи—с—салот
ва—с—саломни васф қилсалар, наът дерлар. Агар Тенгри
Ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар. Ва
хулафойи рошидинни таъриф қилсалар, маноқиб ва
манқабат ва тамаддуҳ ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр
қилсалар, марсия дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар,
ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазил қилсалар,
мутойиба дерлар.

Фасл. Нуханинг ибтидосин, агар наср бўлсун ё назм,
фотиҳа ўқурлар. Ва интиҳосин хотима. Ва аввалиндин
оғози дostonғача дебоча дерларким, ул тавҳид ва муножот
ва наът ва маноқиб ва мадҳ ва сабаби таълиф¹¹ бўлғай. Ва
шеърнинг ибтидоси матлаъ ва охирин мақтаъ дерлар. Ва
байтнинг аввалги жузвин садр ўқурлар ва охир жузвин ажз
ва зарб. Ва қофия ва мисраънинг охирин аруз дерлар. Ва
сўнги мисраънинг аввалин ибтидо.

Ан—навъу—л—аввалу фи баёни—л—қасида¹². Қасиданинг
ақалли¹³ йигирма етти бўлур ё андин ўксукрак ва аксари
муайян эрмас. Ҳар неча қофия даст берса айтурлар. Ва ҳар
не мақсуд бўлса баёнға келтирурлар. Мисоли бу тариқадур
— ҳусни матлаъ¹⁴:

*Эй қади тўбий, хадинг эрур ғайрати жинон,
Хайрон эрур санга малаку ҳуру инсу жон.
Ғар халқи меҳру моҳни равшан этур Ўгон,
Равшан будурки, йўқтур алар сенча дилситон.*

Икинчи – *мамдуҳ*¹⁵нинг адлу инсофин ҳам Амир Муиззий айтур.

Қитъа:

*Аё шаҳики, зи агли ту шери шодурвон –
Зи дасти хеш ба дандон бирун кунад чангол.
Туики, агли ту дар шарқу ғарб то маҳшар
Ниҳод дини Худоро ба жойи зулму залол.*

Учинчи – шижоатин зикр қилур...

Тўртинчи – саховатин ёд айлар ҳам бу қасида ичинда кўр(гуз)ур...

Ва бу тўрт хислаттин ортуқ ҳар нечаким сифат қилур, ихтиёр шоиргадур.

Табйини ғараз ул бўлурким, мадҳдин сўнг мақсудни баён қилур...

Ва қасиданинг яна бир навъи улдурким, бу тўрт *важҳ*¹⁶ни тамоман риоят қилмаслар. Сўзни мадҳ бирла ибтидо қилурлар...

Ва қасиданинг ё ғазалнинг матлаи хўб лафз бирла айтилса ҳусну-л-матлаъ дерлар...

Матлаъда бир санъате бўлур, они *бароати истиҳлол*¹⁷ дерлар. Анингтеқ бўлурким, мусаннифлар нухасининг аввалинда бир неча лафз келтирурларким, ул алфоз далили мутлақдур мақсудқа. Яъни андин маълум бўлурким, бир нуха қайси фандадур, нетокким, бу китобнинг аввалинда келибтур ва шоир ҳам қасидани ё манзум қиссани мақсудқа айтур бўлса, матлаъда лафзе истеъмол қилурким, арз ва муроди маълум бўлур, нетокким, мисоли малику-ш-шуаро ва афзулу-л-уламо Фирдавсий Рустам Сухробни ўлтурган қиссанинг аввалинда айтур.

Байт:

*Агар тундбоде барояд зи кунж,
Ба хок афгангад норасида турунж.*

(Таржимаси:

*Агар тўфон қаҳр қилса,
Гўр лимонни тупроққа туширади).*

Бу байтдин барчага зоҳирдурким, Рустам Суҳробни
ўлтургусидур.

<...> Сўз анга еттиким, сари газалдин мадҳқа андин
келурлар, ул байтни таҳаллус дерлар. Агар яхши тариқа
бирла кирсалар, ҳусни таҳаллус дерлар. Мисолин Имом
Умид Камолий айтур:

*Зулфи нигор гуфт: – Ман аз қари чанбарам,
Шаби сурати шабаҳ, сифати мушки пайкарам.*

*Таркибам аз шаб аст, зи рўзист маркабам,
Болинам аз гуласту зи лола аст бистарам.*

*Ё гар миёни моҳ буд соли маҳ танам,
Ё бар канори рўз буд рўзу шаб сарам.*

*Рухтийра, сарбурида, нигунсору мушкбор,
Гўйиқи нўги хомаи дастури кишварам.*

(Таржимаси:

Ёринг зулфи айтур: Мен каҳ (эгри зулуфман.

Қора суратли тун, пайкар мушкига ўхшаш сифатга эга.

*Шақл—шамойилим тун каби, маркабим эса кундир.
Ёстиғим гул эрур, кўрпам лоладандир.*

*Менинг таним йилу ой ойнинг ёнида бўлгани сабабли
эгикдир (яъни ой каби)*

*Бошим кечаю кундуз қуёш ёнида бўлгани сабабли
қорайгандир*

*Қора юзли, боши кесик, эгилган ва хушбўй ҳидли
Мамлакат дастури (подшосу)қаламининг учиман).*

Ва шоир мамдуҳдин нимарса илтимос қилса, ани талаб
дерлар. Агар яхши иборат бирла тиласа, ҳусни талаб
ўқурлар. Маснавийи Қавомиддин Ганжавий:

*Хусраво, бо замона гар жангам,
Ки ба ғам меғузорадам ҳамвор.*

*Чи буг гар кафи ту бардoras
Аз миёни ману замона губор.*

*(Таржимаси:
Хусраво, замона билан жанг қилурман.
Ки уни мутгасил гам билан ўтказмоқдаман.*

*Не бўлур гар сенинг илкинг
Мен ва замонанинг орқасидаги губорини кўтарса).*

*Агар мақтаъни хўб тавр бирла адо қилсалар, они
хусни мақтаъ дерлар. Мисолин устод Рашид Ватвот айтур:*

*То бувад андар фалак авжи нужум,
То бувад андар магор асли шажар.*

*Ҳамроҳи аҳбоби ту бодо тараб,
Хонаи бадхоҳи ту зеру забар!*

*(Таржимаси:
Токи фалак бор экан, юлдузлар авжи бор
То тунроқ бор экан, дарахт мавжуг.*

*Сенинг ҳамроҳинг хушнудлик бўлсину
Душманингнинг уйи вайрон балсин).*

*Агар мамдуҳ сифатинда муболагани камолға еткурсалар,
они аҳли бадеъ иғроқ фи-с-сифат дерлар. Ва бу илмнинг
шарҳи учинчи фанда келур. Мисолин *аблағу-л-булағо*¹⁸
Салмон айтур:*

*Баъд ҳазор сол ба боми Зўҳал расад,
Гар посбони қасри ту санги кунад раҳо.*

*(Таржимаси:
Сенинг қасринг посбони тош отса
Зўҳал юлдузига етиш учун минг йил керак бўлади.*

Ҳазалнинг аксари йигирма байт бўлур. Ва ақалли беш байт. Андин ўксук бўлмас. Магар қофия табиломаса, тўрт байт қилурлар. Ул ҳам зарурат ҳукмидин жойиздур. Мисолин (Тарозий айтур):

*Гар сабо ул ой юзидин олса ҳар соат ниқоб,
Тоби айб тутқонидин бўлғай пушаймон офтоб.*

*Қомату рафторини кўрди магар сарву тазарв¹⁹,
Раишқ ўтидин сарв куйдию тазарв ўлди кабоб.*

*Кўзларим узра хаёлинг бир гузар қилғайму деб,
Ҳар замон киприкларим жоруб²⁰ уруб, сепар гулоб.*

*Фурқатингдан йиғламоқдин бўлдум онингдек заиф,
Ким синамоқдин адоқ кўйдим, бузулмади ҳубоб²¹.*

*Эл аросинга Тарозий бўлғуси исонафас,
Гар лабинг ёдинда май ўрниға ичса захри ноб.*

Ва ул байтеким, тахаллусдин сўнгра айтурлар, икки навъ бўлур. Бириси улким, тахаллус байти маънода нотаом қолур. Бир байт бирла они тамом қилурлар, они мутаммиму—л—анқос ўқурлар.

Ва бир навъи улким, бовужудким тахаллуси тамомдур, бир байт масал тариқи бирла келтирурларким, андин тахаллус байтиға рабт ҳосил бўлур, они робита²² дерлар.

Мисолин Хожа Камол айтур:

*Ҳар касе гар ҳарамии ишқи ту маҳрам нашавад,
Ҳар Бароҳим ба даргоҳи ту Адҳам нашавад.*

*Мард то рўй наёрад зи ду олам ба Худо,
Мустафавор к—аз ин ҳама олам нашавад.*

*То мушарраф нашавад банда ба султон сифатон,
Ҳаргиз андар назари халқ мукаррам нашавад.*

*Гар шикасти ту кунад ҳосиди багъуй, Камол,
Дилат аз жо наравад донаму дарҳам нашавад.*

*Санги баджавҳар агар косаи заррин шиканад,
Қиймати санг наяфзояду зар кам нашавад.*

Ан-навъу-с-солису фи баёни-л-қитъа²³

Қитъа улдурким, аввалги мисраъинда қофия бўлмас. Ва ақалли икки байт бўлур. Ва мунинг ҳам аксари муқаррар эрмас. Ҳар неча ким қофия тобсалар айтурлар.

Тарозий айтур:

*Гул юзунгни кўргали, эй рашки ҳур,
Дамбадам кўз ёши қондин дам урар.*

*Лаълингга нисбат этар ўзин ақиқ,
Ул яманни кўрки, қондин дам урар.*

Ан-навъу-р-робеуъ фил-баёни-р-рубойи²⁴

Рубойи тўрт мисраъ бўлур. Аввалги ва иккинчи ва тўртинчи мисраъида қофия келтирурлар. Ва учинчи мисраъи ихтиёрдур. Агар қофия келтурсалар рубойи мусарраъ²⁵ дерлар.

Мисол:

*Ҳуснунгиз шаънина жон парвонадур,
Зулфингизга ақлу гил девонадур.
Чунки жоду кўзларинг мастонадур,
Ул сабабтин манзилим ғамхонадур.*

Ва агар учинчи мисраъда қофия келтурмасалар рубойи хиссий ўқурлар.

Мисоли бу тарз:

*Эй малоҳат мулкида соҳибқирон,
Кўзларингдур фитнаи охир замон.
Гар пари эрмассен, эй гул, юзи ҳур,
Не учун кўздин учарсен ҳар замон.*

Ва рубоийнинг бир навъи тақи бўлур. Они мужаннас²⁶ дерлар. Анингтеқ бўлурким, рубоийнинг қофиясинда тажнис риоят қилурлар.

Мисоли бу тарз:

*То кўнгулда ишқ ўти тобандагур,
Ғам маишат панжасин тобандагур.
Киприк ўқин қисмат этиб отсангиз,
Ҳеч кишига тегмас ул то бандагур.*

Ва бу турк шоирларининг ихтироидур. Муни турклар туюқ дерлар.

Мисоли дигар:

*Ишқсиз узди юраким ёғини,
Ер юзин тутти кўзумда ёғини.
Сирри дилни кўз ёши фош айлади,
Асрамишмен ўз кўзумда ёғини.*

Ан—навъу—л—хомис фил—баёни—л—маснавий²⁷.

Маснавий ики мисраъ бўлур. Икаласи муқаффо²⁸, нетокким, манзум қиссаларни маснавий қилибтурлар.

Мисоли бу Насақдин:

*Ало, эй ҳусн элининг подшоҳи,
Жамолинг ояти лутфи илоҳий.*

*Юзингдур лола, қаддинг сарви озод,
Эрур усрук кўзунг жодуи устод.*

*Юзунг узра қаро зулфунг балодур,
Тилармен бўлса ул юздин балодур.*

*Рақиб и орзулар юзи қироқин,
Тилар ўзига ул юзи қароқин.*

Ва маснавийнинг шароитидин бириси улдурким, агар ҳикоятни назм қилур бўлса, керакким, дебочасин хўб иборат ва яхши тариқа бирла таъриф қилса ва саъйе кўргузсаким,

фотиҳа бирла хотимаси писандида келгай. Ва бир шарт уддурким, мухтасар алфоз бирла шарҳга келтургай. Ва бир шарт уддурким, ҳар ердаким рамз ва базм ва субҳу шом воқеъ бўлур, ғариб лафз бирла таъриф қилгай. Негокким рамз сифатинда Фирдавсий айтур:

*Хуруш омаду нолаи Ков дам,
Дами нои румину рӯйина хам.*

*Яке нима аз рӯзи лашкар гузашт,
Кашиданд саф бар ду фарсанг дашт.*

*Зи гарди сипаҳ рӯшнои намонд,
Зи хуришд шабро жудои намонд.*

*Ҳаво сарбасар гашт зангоргун,
Замин шуд ба кирдори дарӯйи хун.*

*Шуд аз сими асбон замин санг ранг,
Зи найза ҳаво шуд чу пушти паланг.*

*Ту гуфти жаҳон кӯҳи оҳан шуд аст
Сари кӯҳ пуртурку жавшаншуд аст.*

*Хуруши суворини осмон зи дашт,
Зи Баҳрому Кайвон ҳаме баргузашт.*

*Зи жавшан суворину захми табар
Уқоби диловар бигустард пар.*

*Зи тиру зи пайкон ҳаво тира гашт,
Ҳаме офтоб ангарун хира гашт.*

*Дурахшидани тигҳои бинафш,
Ба абр андар омад синони дурафш.*

*Ҳама тигу соид зи хун гашта лаъл,
Хурушони дил хок дар зери наъл.*

Ан-навъу-с-согису фил-баёни-т-таржеъ²⁹.

Таржеъ ул бўлур ким, шеъре айтурлар, банд-банд барчаси бир баҳрда, ҳар банднинг ози беш байт бўлур ва кўпи тўққуз байт ва ҳар бирининг охиринда бир ўзга байтни такрор қилурлар... Ул байтни таржеъ дерлар.

Мисоли бу сифат:

*Эй лаъла, кўнгул экинга марҳам,
Афгор кўнгулни айла хуррам.
Хўблар аросинга ғамза бирла
Жон олмақ эрур санга мусаллам.
Мафтуну хижил бўлуб эгилди
Қошингни кўруб ҳилоли байрам.
Жон таркини қилмагунча ушшоқ
Бўлмас ҳараминг ичинда маҳрам.
Таҳқиқ билингки, мангу ёшар,
Умринга ҳузур бирла бир дам.
Май ичса киши нигор бирла,
Айш этса мудом ёр бирла.*

Ва таржеъ беш қисм бўлур. Аввалги қисми ул бўлурким, ҳар банднинг қофияси ўзга тарика бўлур. Ва ҳар бандким тамом бўлса, охиринда бир байтни такрор қилурлар, нечукким мисолин кўргуздук...

Иккинчи қисми улким, барча бандни бир қофияда айтурлар ва таржеъ байтини такрор қилмаслар. Ҳар банднинг охиринда бир ўзга байт келтирурлар. Ҳар бири алоҳида қофия бирла. Мисоле Бу Сиёқа айтур:

*Ҳурсен ё малакмусен ё жон?
Ҳуснунга бўлди инсу жон ҳайрон.
Эй лабинг қанд, кўзларинг бодом,
Кўрса юзунгни жон топар ором.*

Учинчи қисми улким, барча банди бир қофияда келур. Мисоли бу услуб:

*Чун эмин бўлурки, шоҳи жаҳон
Тиғ уруб, дин очар, қилур эҳсон.*

*Хусраво, ногоҳ олса эл (ал)га синон,
Эл (ал)га заррин сипар тутар Кайвон.*

Тўртинчи қисми улким, ҳар банди алоҳида қофия бирга келур ва таржеъ байтлари барча бир қофияда келур, таржеъ байтларини жамъ этса, бир банд бўлур ва таржеъ байтларининг аввалги мисраъида қофия бўлмас, магар аввалги байтта. Мисоли бу Минвол айтгур:

*Жону кўнгул ўртади фироқинг,
Андозадин ошти иштиёқинг.*

*Фурқатда ғубор тутти кўзни,
Қўй бу кўзум узра бир аёқинг.*

Ва бу таржеъ тўққуз банддур. Ҳар банди тўққуз байт. Аммо биз малолат ихтирозиндин ихтисорни ихтиёр қилдуқ. Ва мунинг банди муқаррар эрмас. Ихтиёр шоиргадур. Вале уч банддин ўксук яхши келмас.

Ва бешинчи қисми улким, ҳар банднинг қофияси бир тариха бўлур ва таржеъ байтлари тақи ҳар бири алоҳида қофия бирла келур ва муқаррар келмаслар. Ва бу қисмда марсия ва мадҳ айтгурлар.

Мисоли бу қабил:

*Сарвару марди салотин, меҳтари шоҳи жаҳон;
Мафҳари дунё –ву дин³⁰ султон Улуғбек Кўрагон.*

*Эй шаҳаншоҳики, адлингдин қилурлар ифтихор,
Инсу жину мурғу моҳию вуҳушу³¹ мўру мор.*

Ан – навъу – с – собеун фил – баёни – л – мусаммат³²

Мусаммат беш турлук бўлур: мусаммати мураббаъ, мусаммати мусаддас ва мусаммати мухаммас, мусаммати муашшар.

Аммо мусаммати мураббаъ анингтег бўлурким, шеърни тўрт қисм қилурлар. Уч қисмнинг охиринда сажъ риоят қилибтур. Тўртинчи қисмда қофия келтур(ур)лар. Мисоли бу:

*Эй орази рашки қамар, зулфунг ғамида ҳар саҳар,
Чину Хўтанда мушки тар ошуфтаи шайдо бўлур.
Ҳар лаҳза, эй моҳи Хўтан, бўлсанг хиромон дар чаман,
Фарёду нолиш юз туман ҳар гўшагин пайдо бўлур.*

Мусаммати мухаммас беш мисраъ бўлур. Тўрт мисраънинг охиринда сабъ қилиб бешинчи мисраъда асл қофияга ружу қилурлар.

Мисоли бу навъ эрур:

*Ғамзанг ўқина қилди сипар ҳуру пари жон,
Кўк аҳли бўлур кўрса қошинг ёсини қурбон.
Лаълинг ғамида кўздин оқар шому саҳар қон.
Бу жавру жафоким қиладур жонима ҳижрон
Ўлмак бу тирикликдин ўлубтур манга осон.*

Мусаммати мусаддас ул бўлурким, беш мисраъда сажъ сақлаб, олтинчи мисраъда қофия аслига янарлар:

*Кўнгул ҳажрингдин, эй сарви хиромон,
Чекар ранжу машаққат юз минг алвон.
Кўзунг ғорат қилур ҳар лаҳза имон.
Қошингдин масжиду меҳроб вайрон.
Эрур олам сенинг ҳуснунгга ҳайрон,
Чу сенсен хўблар мулкинда султон.*

Мусаммати мусамман анингтеқ бўлурким, шеърни саккиз қисм қилурлар. Етти қисмни мусаббаъ қилиб, саккизинчи қисмда асл қофияга келурлар.

Мисоли бу шакл:

*Чу қилдинг ихтиёри ишқ, эй дил,
Кўзунг оч, кел ўзунгга, бўлма ғофил.
Падиғ эрмас чу бу дарёга соҳил,
Ўзунгсен аввало ўзунгга ҳойил³³.
Эрур бу ишқ иши бисёр мушкил,
Ки тарки жон эрур аввалғи манзил.
Аларким қилдилар мақсуд ҳосил,
Қадам ўрнига аввал қўйдилар бош.*

Ан-навъу-т-тосеъ фи баёни-л-мутатавил³⁴.

Мутатавил ул бўлурким, ҳеч баҳр секкиз жузвдан ортуқ бўлмас. Шоир такаллуф қилиб, бу баҳрларда бирисин ихтиёр этиб, ҳар мисраъни ўн жузв қилурлар. Ё йигирма жузв. Ҳадду ҳудуди юз жузв бўлур. Андин ортиқ бўлса, лутфи қолмас ва мунинг салосати андадурким, мусажжаъ бўлса. Мисоли бу қиёс мисраъ: "Субҳидам уйқудин уйғондиму бир ёри мувофиқ била бўстон сори бордимки, даме богаи гулранг ичоли ва кечоли бу жаҳондинким, эрур асру ситамкору дилозору сияҳ коса ва хунрези гамангизким, ул ҳолда булбул қилибон нола-у гулғул, тақи бир шохда қумри бўлубон муқри, ўқур эдилар овоз қилиб соз, бири бирига муқобил очибон тил, тақи бўстон ичига ранг-баранг гуллар очилиб, қилибон «Жи маъийни нўш, уруб жўш, яна сару сарафрозу сарандоз бўлуб, саҳн тугиб, жумла раёҳин била; алқисса, чаман жаннати фирдавс бикин гулкаш ва бисёр хуш эдики, баногоҳ кўрарменки, чаман ўртасинда сарви равонеки гуландом ва дилором ва пари пайкар ва маҳ манзар эрур, орази гул, кокили сунбул, бўйи шамшод ва яна гамзаси жаллоду басе шўху ситамгар, кўзи кофур, ўзи бисёр дилозор ва шакаррез; юруб ўтру салом эттим ва дедимким, эй гулчеҳраи маҳ пайкар, хуршид жабин ҳурмусен ё гули фирдавс, бу боғ ичра нетиб турарсен, айур: мен сухани туркий намедонам, агар порсий пурси, ба ту гўям жавобеки: ҳама аҳли фасоҳат беписандаг"

Ва бу мисраъ тўқсон жузвдур ва интиҳоси юз жузв...

Ан-навъу-л-оширу фи баёни-л-фарғ³⁵.

Фарғ икки мисраъ бўлур. Аввалғи мисраъида қофия бўлмас.

Мисоли бу масал:

*Бордур уммидимки, саъд этгайлар эмди толеъим,
Баски, ялқитти фалак аҳлини афғоним менинг.*

Мисоли дигар: Манбаъу-л-балоғат Зоҳир Фарёбий айтур:

*Жуз зулфу турраи ту нагидамки ҳеч кас,
Хуршедро аз сояи шаб соябон деҳад.*

АЛИШЕР НАВОИЙ
«САБЪАИ САЙЁР»дан

<...> Ҳар киши қилмоқ эса маълум,
Бири мансур¹ эрур, бири манҳум².

Насру назми ангаки мугракдур³,
Назмнинг пояси бийкракдур...

Худ жавоҳир нечаким дилкашроқ,
Назм силкига чексалар хушроқ.

Ики сори дури самин⁴ яхши,
Орада лаъли оташин яхши.

Жавҳарий бу сифат бериб тартиб,
Айласа риштани анга таркиб...

Ким жавоҳирин оллига тўкса,
Талли рафлат⁵ киби ани ўкса,

Ҳам ёмон худ кўринмағай, лекин
Лугфи аввалгача эмас мумкин.

Бас мунунг онча зийнати йўқдур,
Бир—бирисиға нисбати йўқдур.

Назму наср ичра ҳам бу нисбат бил,
Икисин бу икиға нисбат қил...

XXXVII

Сўз ғояти ва назми ва ғоятсиз хижолат изҳори ва
ниҳоятсиз журъат эътирози ва ўқур элга насойиҳи⁶ санойиъ
ўқумоқ ва битир хайл⁷ га мавоиз⁸ ажзоси битимак ва
тарихининг таъйини ва абёти ададининг таъйини.

Чун манга файзи фазли раббоний,
Рўзи этти бу турфа иншони.

Файзи қудсийдин *эхтимом*⁹ ўлди,
Ки бу дафтарга *ихтиом*¹⁰ ўлди.

Ўз ишимда тафаккур эрди манга,
Не тафаккур, тахайюр эрди манга...

Ки неча назм суст ё сода,
Чун эрир кимса табъига зода.

Зодаи табъ элга хуш кўрунур,
Ўгли зангига ҳурваш кўрунур.

Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд,
Кўнглига қуту бағрига пайванд.

*Зишт*¹¹ эса қойили кўрар ани хуб,
Элга *мардуг*¹² эрур анга марғуб...

Сен ўзунгни тонимас эрмишсен,
Ўз сўзунгни тонимас эрмишсен.

*Руг*¹³ янглиғ неча фиғону хуруш?
Баҳр ўлуб айлагил ўзунгни хамуш!

Чун эшиттим бу нукта шод ўлдум,
Баҳрдек муҳташам *ниҳог*¹⁴ ўлдум.

Тушти бу баҳр узра андоқ мавж,
Ки анинг мавжи тутти чарх уза авж.

Табъдин мунчаким дури сероб,
Борчага меҳрдек сафо била тоб.

Баҳрдин тошқори бериб эрдим,
Бу сафина аро териб эрдим.

Чекиб эрдим назм силкига ҳам,
Лек хотирда эрди мунча алам,

Ки бу дурларки айладим манзум,
Филҳақиқат эмас санга маълум.

Ки нечукким мен айладим идрок,
Бормудур элга доғи софию пок?..

<...> Неки мен ёздим ўйла сурса қалам,
Не рақам қилдим они қилса рақам,

Байтларда *тахаллуф*¹⁵ айламаса,
Лафзларда тасарруф айламаса,

Оқ ўлуб анга *номаи аъмол*¹⁶,
Тушсун илгига хомаи иқбол.

Кимки ёзмоқта *музг*¹⁷ қилса ҳавас,
Борча мақсуди музд бўлсау бас.

Қора пул узра можаро қилса,
Юзидек сафҳани қаро қилса,

Кўз уза нуқта қўймай айлаб зўр,
Мардуми бўлмагондек айласа кўр.

Ғайбдин нуқтаи йўнуб *амаго*¹⁸,
Хат аро айб айласа пайдо.

Хомасиға кўзи мидод ўлсун,
Ул қародин анга савод ўлсун.

Тили шақ бўлсун ўйлаким хома,
Орази тийра ўйлаким нома...

Сўзни гар туз дедим ва гар оздим,
Неки тақдир айладинг ёздим.

Килк ўлурда варақнигор манга,
Қайда бор эрди ихтиёр манга.

Ҳар не килким вараққа ёзди бу кун,
Килки тақдир ёзмиш эрди бурун.

Ёзганим хуб, йўқса зишт ўлди,
Манга найлай, бу *сарнавишт*¹⁹ ўлди.

Неки ёздинг ани рақам қилдим,
Шак эмасдурки, саҳв ҳам қилдим...

Етти афлокни анга ёр эт,
Етти иқлим элин харидор эт!

«МЕЗОНУ–Л–АВЗОН»дан
(ҲАЗАЖИ МУРАББАЪ)

<...> Рубоий вазниким, ани "ду байтий" ва "гарона" ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг "аҳрам" ва "аҳраб"идин *истихрож*¹ қилибдурлар ва ул вазнедур асру хуш оянда² ва назмедур бағоят *рабоянга*³. Шеър авзонидин ушбу вазндурким, назм устодлари анга ҳадде муайян қилибдурлар ва ғояти латофатидин ики байтга *ихтисор*⁴ қилубдурлар ва ул йигирма тўрт навъ келибтур ва мажмуъи ики қисмга мухтасардур.

Бири улки, аввалги жузви "мафъулун" бўлғайки, ҳазаж бир жузвини "харм"⁵ қилибдурлар ва ани "аҳрам" дерлар. Ва бу ўн ики навъ келур.

Яна бири улки, аввалги жузви "мафъулу" бўлғайки, ҳазажни "харб"⁶ қилибдурлар ва ани "аҳраб" дерлар. Бу ҳам ўн ики навъ келур. Аммо –

Ҳазажи аҳрам

Ё раб, не офатдур ул ҳусну жамол
Ким йўқтур ер ила жаҳон ичра мисол.
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул
Мафъулун мафъулу мафъуийлу фаул.

Минг қатла шукрин десам оз эрур,
Гар бўлса бир замон манга коми висол.
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул
Мафъулун мафъулун мафъуийлу фаул...

Аммо – Ҳазажи аҳраб
Эй сандин ўлуб бағрим ҳам кўксим доғ,
Кўнглам ўту ул ўтқа тўқуб ашким ёғ.
Мафъулу мафъуийлун мафъулун фоъ
Мафъулу мафъуийлу мафъуийлун фоъ

Тан ўлса гаминг ичра жонингга фидо,
Жон куйса муҳаббатингда сен бўлғил соғ.
Мафъулу мафъуийлун мафъулу фаул
Мафъулу мафъуийлун мафъуийлун фоъ...

<...> Чун доирага кирган бухурдин фориг бўлулди, яна бир неча вазнки, баъзини ажам шуароси мутааххирлари айтибдурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузга дохили бўлмайдур, агарчи филҳақиқат аруз бухурига дохилдурлар, ишорате алар сори қилмоқ холи оз муносабате эрмас эрди...

Яна турк улуси, батахсис чигатой халқи аро *шойиъ*⁷ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар.

Бириси "туюғ"дурким, ики байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, *тажнис* айтилгай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, муңдоғким:

(T U Ю F)

Ё раб, ул шаҳду шакар ёлабмудур?

Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон

Жонима пайваста новак отқоли

Ғамза ўқин қшиға ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон

Яна "қўшиқ"дурким, *орғуштак*⁸ усулида шойиъдур ва баъзи *адвор кутуби*⁹да ул усул зикр бўлубтур ва ул *сурӯг аъроб*¹⁰нинг тева сураар ҳудилари вазни била "мағиғи мусаммани солим"да воқеъ бўлур анинг асли бу навъдурким, байт:

Ваҳки, ул ой ҳасрати, дарду доғи фурқати,

Ҳам эрур жонимга ўт, ҳам ҳаётим офати.

Фоилотун фоилун фоилотун фоилун...

Яна "чинга"дурким, турк улуси *зуфоф*¹¹ ва қиз кўчирур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва ики навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурумким, "мунсариҳи матвийи мавқуф" баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрнига мазкур қилурким, андоқким (байт):

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр—ёр,
Ким дамидин гушти ўт жоним аро, ёр—ёр?
Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон

Ва яна ҳам турк улусида бир суруддурким, ани
"муҳаббатнома" дерлар ва ул ҳазажи мусаддаси мақсур
баҳридадур ва ҳоло *матрук*¹²дур, будур (байт):

Мени оғзинг учун шайдо қилибсен,
Манга йўқ қайгуни пайдо қилибсен.
Мафойилун мафойилун мафойил

Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким,
"ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф" вазнида анга
байт бошлаб битиб, анинг мисрағидин сўнгра ҳамул
баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост
келгурурлар эрмиш ва ани "*мустаноз*" дерлар эрмиш,
андоқким (мустаноз):

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,
Мафзулу мафойилу мафойилу мафулун
Мазҳар санга ашё.
Мафзулу фаулун.
Сен лутф била кавну макон ичра мували
Олам санга мавло.

Яна Ироқ аҳли тарокимасида сурудедур шойиғким, ани
"*арузворий*" дерлар ва анинг байти кўпрак "*ҳазажи*
мусаммани солим"дадур, андоқким (байт):

Сақоҳум раббуҳум хамри дудоғинг кавсариндандур,
Бу майни ичтиқунг нуқли ҳадисинг шаккариндандур.
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун..

<...> Чун ўзонларнинг ўзмоғи ва ўзбакларнинг будай—
будайи ҳеч вазн била рост эмас эрди, анга таарруз
қилилмади, агарчи асарлари бордур, аммо анинг аруз илмиға
дахли йўқтур.

Яна сурудедурким, ани "туркий" дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул гоятдин ташқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз¹³ айш аҳлига судманд ва мажолис аро суруддур, андоққи, салотин ани яхши айтур эли тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби била машҳурдур ва ул доғи "рамали мусаммани мақсур" вазнида воқеъдур, андоқким (байт):

Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,
Аҳли биниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

Ҳазрати султон соҳибқирон бу вазннинг гоят равонлиг ва латофатидин ва руҳпарварлиг ва салосатидин ўз девонларинки, жамиъ девонин орасида баданлар аро жондеқдур ва кавокиб ичра хуршиди рахшондек воқеъ бўлубтур, бошдин оёқ илтизом¹⁴ қилиб, бу вазнда тартиб берибдурлар эрди...

МУҲАММАД ФУЗУЛИЙ
(1498 – 1556)

Ироқнинг Карбало шаҳрида Сулаймон ота оиласида туғилган. Бағдодда яшагани учун айрим манбаларда Фузулий Бағдодий деб ҳам юритилган. 1534 йили Бағдод Усмонлилар халифалиги қўлига ўтгач, Табризга кетмоқчи бўлди, бироқ, асосан, Бағдодда яшаб, у ерда вабо касалидан вафот этган.

Фузулийнинг адабий ва илмий мероси турк (озарий), форс ва араб тилларида ёзилган. Шоир машҳур "Девон"ида ташқари "Лайли ва Мажнун", "Сихҳат ва мараз", "Бангу бога", "Сухбату-л-асмор" каби эпик дostonлар ҳамда "Матлаъу-л-эътиқод", "Етти жом", "Анису-л-қалб" ва "Ринду Зоҳид" каби фалсафий дostonлар яратган.

Фузулийнинг адабий-назарий қарашлари "Дебочаи афсаҳум-шуаро девони Фузулий Бағдодий алайҳи-р-роҳма"да, "Лайли ва Мажнун" ва бошқа дostonларининг муқаддимасида ҳамда "Матлаъу-л-эътиқод" («Эътиқод манбаи») ва "Анису-л-қалб" («Қалбларнинг сирдоши») каби диний-тасаввуфий асарларида акс этган.

Қуйида шеър табиати ва шоирлик масъулияти ва ғазал жанрига доир фикрлари "Девон"ининг дебочасидан сайлаб олиниб, нашрга тайёрланди.

«ДЕБОЧАИ АФСАҲУМ ШУАРО ДЕВОНИ
ФУЗУЛИЙ БАҒДОДИЙ АЛАЙҲИ-Р-РАҲМА¹»дан

Ҳамди беҳад, ул Мутакаллимиди нутқ офаринаки, сафинаи уммон, суккони биҳору-буҳури-назми², тамаввуҷи-л-истиғроқи³ "вашшуароу йаттабиуҳуму-л-ғовун"⁴ мустағрақи гирдобиди хирман этмишкан, илсилаи истисно "Илла-л-лазина оману"⁵ буроқиб шуароиди исломи саҳиҳу солим соҳили нажога чекмиш. Ва сипоси беқиёс ул нозими осмону заминаки, басмалайи назмин⁶, афсари фарқи фирқон эдиб, мазрааиди қулуби⁷ аҳли ирфона ниҳоли маваддати каломиди мавзун дикмиш.

Қ и т ъ а⁸

Зиҳи сонетъки, лавҳи жона қилки ҳусни тавфиқи,
Азалдан иқтисоиди назми жонпарвар рақам қилмиш.

Қамолу шеър касби мумкин ўлмаз беадаг андан,
Анга миннатки, табъи назм лутф этмиш, қарам қилмиш.

Ва дуруди номаъдуд ул муҳотаби каломи муъжиз –
низомаки, фунуни шеъри, мазмуни – "ва мо алламноҳуш
шеърра"⁹ мардуди табоеъ қилмиш экан, лисони ҳикмат
баёни – "инна минаш – шеъри лоҳикматун"¹⁰ тақрири-
дилпазирила мақбули қулуби-аҳло ҳол этмиш. Ва
саноибириё ул қофияи назми анбиёки, адами илтифотларила
рутбаи шеър, пояи иҳонатда қолмишкан, силсилаи саодат
интисоби шарифларила филжумла даражаи эътибора етмиш.

Н а з м

Ул дури дуржи – "ана афсаҳ"¹¹ки, ҳикмат дояси,
Шеър шахдила лаби жонпарварин тар қилмамиш.

Шеър бир зевардур, аммо биз киби ноқислара,
Улки, комилдур, ани муҳтожи зевар қилмамиш.

<...> Аммо ҳануз ул навраслара назокати табъдин тоби
иктисоби дақойиқи улум ва тоқати – машаққати – таълими
ҳақойиқи ҳудуди русум ўлмамоғин маҳфили беҳишт
осоларинда ҳамиша ашъори ошиқонадан ғайри насна
ўқунмазди. Ва мутолиа этдиклари авроқда жигарсўз
ғазаллардан ғайри бир хат бўлунмазди.

Б а й т

Шеър бир маъшукдур, ҳусни иборат зевари,
Жону дилдан нозанин маҳбублар ошиқлари.

Ул тоифаи гирмои мудовимати саноеъи ашъор ва
мувозибати латоифи гуфтор ила ҳам ҳусн ҳолатиндан вуқуф
бўлмишларди ва ҳам ишқ камолатиндан хабардор
ўлмишларди.

Қ и т ъ а

*Эй, хуш улким, табъи мавзунила баҳси шеър эдиб,
Хўбрулар воқифи мазмуну ашъор ўлалар.*

*Демадан фаҳм эгалар кайфияти асрори ишқ,
Ошиқи бечора ҳолинган хабардор ўлалар.*

<...> Замон—замон савдои шеър соир афъолима ғолиб
душуб ва гуруҳ—гуруҳ лайливашлар Мажнун киби истимои
шеър учун бошима уюшиб, шоирлигим муқаррар ўлди. Ва
овозаи назмим ила оламлар дўлди ва шуҳрати том бўлди.

Б а й т

*Табиат шуҳраи шаҳр ўлмоға майли тамом этди,
На пинҳон айлайим савдо мани расвойи ом этди.*

Бу ҳола муқорин машшотаи ҳиммат раво кўрмадики,
муҳаддараи ҳусни назмим пирояи маорифдин холи,
манассаи даҳрда жилва қила. Ва саррофи истеъдоди улувви
рифъат¹² ризо вермадики, риштаи силки шеърим жавоҳири
илмдан ори гарданбанди олам ўла. Зероки, илмсиз шеър
асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор
ўлур. Пояи шеърими ҳилъяи илмдан муарро ўлмоғи мўжиби
иҳонат билиб, илмсиз шеърдан қолиби беруҳ киби
танаффур қилиб, бир муддат нақди ҳаётим, сарфи иктисоби
фунуни илми ақли ва нақли ва ҳосили умрим, базли
иктибоси фавоиди—ҳиками ва ҳандаси қилмогин мурур ила
лаолийи аснофи ҳунардин шоҳиди назмима пироялар
мураттаб қилдим. Ва тадриж ила татаббуи тафосир ва
аҳодис адиб, фазилати шеъра мазаммат исноди туҳмат
ўлдугининг ҳақиқатин билдим.

Қ и т ъ а

*Шеър завқиндан ўлмайдан огоҳ
Аҳли назм мазаммат айламасин.*

*Канди жаҳлина эътироф этсин,
Ҳар каромата сеҳр сўйламасин.*

Қ и т ъ а

*Ғазалдур сафобаҳши аҳли назар,
Ғазалдур гули бўстони ҳунар.*

*Ғазоли ғазал сайди осон дағил,
Ғазал мункири аҳли ирфон дағил.*

*Ғазал билдурур шоиринг қудратин,
Ғазал ортиур нозиминг шухратин.*

*Кўнғил гарчи ашъора чўқ расми вор,
Ғазал расмин эт жумладан ихтиёр —*

*Ки, ҳар маҳфилинг зийнатидур ғазал,
Хирадмандлар санъатидур ғазал.*

*Ғазал геки, машҳури даврон ўла,
Ўқумоқ—да, ёзмоқ—да осон ўла...*

<...> Ва бири ул ноқиси бад саводки, табъи—номавзун ила мажлису маҳофилда истидъои истеъдод қилиб шеър ўқудуқча, назмдан насри сочилмайа ва адоийи сусти ила шоҳиди маъни жамолиндан ниқоб очилмая.

*Бенасиб ўлсун наими хулддан ул зиштким,
Номулойим лаҳжаси мавзуну номавзун эгар.*

*Тешаи лафзи бинойи назми вайрон айлаюб,
Суст гуфтори фасоҳат аҳлини мағбун эгар.*

Бири ул ҳосиди жафопеша ва муониди хато андишаки, табъи номавзун ила даъвойи шеър эда, аммо ҳақоиқи ашъора соҳиб шуур ўлмая ва идроки ракикла лофи назм ура, аммо ҳақоиқи гуфтора роҳи тасарруф бўлмая. Ложарам¹³, ҳасад дийдаи инсофинг кўр эдиб, идрокина эътимод эдан жоҳиллар ҳузуринда беҳуда—беҳуда тааррузлар эда ва ҳарза—ҳарза¹⁴ дахлар айлая, токи, шеърдан завқи истимоъ кеда...

Хазонгур гулшани ирфона ҳосид,
Илоҳи, ҳосиди хор айла доим.

Ишидур маърифат аҳлино озор,
Илоҳи, ҳосиди зор айла доим.

Ва раҳмати *ийзаг*¹⁵ ул ҳалолзодаи пок эътиқодаким, бу наврас шоҳидлара мушоҳида қилдиқча аълосининг *ҳилйаи*¹⁶ таҳсинла жамоли камолина зийнат етира ва адносининг шонаи мурувват бирла зулфи хатосидан *иқди*¹⁷ уюбин чиқариб, ойнаи қудратдан сайқал эҳсонила нуқсон губорин гўтура...

АБДУРАУФ ФИТРАТ
«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

СОЧИМ, ТИЗИМ

Сўзлар, гапларни уюштириб тузулган асарлар адабий бўлсун — бўлмасун, битта йўсундан бирида тузуладир: *сочим, тизим* (назм, наср).

Бир асарда сўзлар, гаплар белгили бир оҳангга бойланмасдан, белгили бир ўлчов билан ўлчанмасдан тарқалиб, сочилиб тузилган эса ул асар сочим йўсунида тузилган бўладир. Мисол: Кампирнинг қариған, қуруған кўзларидан йироқ—йироқ ерлардан ики томчи ёш келди. Бутун танини, мучаларини босиб, эзиб, синдириб келган у ики томчи ёшни енги билан артғандан сўнг отаси ҳам шундай қизим... *гейди* (Чўлпон)¹.

Бир асарда сўзлар, гаплар белгили бир оҳангга бойланиб, белгили бир ўлчов билан ўлчаниб тузилган бўлса, у асар *тизим* йўсунида тузилган бўладир.

*Юракда умидлар амаллар
Тузумсиз қароғни босаркан
Нега мен чақмоқдек югурмай?!*

*Эскиган, чуруган тамаллар,
Йўқликка эгри йўл босаркан
Нега мен ундан юз ўгурмай?!*

(Боту)²

Тизимнинг ҳар бир кесиги бир *мисраъ* бўлуб, ҳар ики *мисраъ*ни бир *байт* аталадир. Ботунинг юқоридаги тизим шеъри олти *мисраъ* ёки уч *байт*дир³.

Тилларнинг оҳанг эътибори билан бир—бирида бўлмаган ҳоллари бордир. Рус тилида “босим” (ударение) бор⁴. Бунинг сўз орасидаги ўрнини қоида билан билиб бўлмайди. Сўзнинг охирида, ўртасида ўринлашади. Бутун турк тилларида эса “босим” сўзнинг охирида бўладир. Босими охирида бўлмаган сўзлар жуда оздир.

Форси(й)ча ё арабчада қай бир чўзгини "тўрт чўзги" каби чўзиш мумкин. Ҳар тилнинг ўзига махсус бўлган бу ҳоллари бу тилнинг тизим (наср) усулларига кучли таъсир қилади. Шунинг учун ҳар тилнинг шу ҳолларига уйғун бўлган тизим ўлчови бармоқ вазни аталган ўлчовдир⁵.

Бармоқ вазни бутун турклар учун—да, биз ўзбеклар учун—да миллий вазндир, мусулмонликдан бурун бутун турк шоирлари шу бармоқ" вазни билан тизимлар, шеърлар ёзар эдилар.

Мусулмонликдан сўнгра турклар орасида, шаҳарларда, сарой теграларида араб—форс маданиятига берилган, шунинг таъсири билан етишкан бир синф (хос синфи) туради (пайдо бўлади). Бу синфдан етишкан мадраса—сарой шоирларимиз араб—форс адабиёт мактабларидан етишкан кишилар эдилар, булар араб—форс тилларининг ҳалиги "мадд"лик⁶ оҳангига уйғун бўлган аруз вазнини қабул қилдилар ҳамда ўз шеърларини, ўз тизимларини шу вазнда ёздилар. Шундай бўлб, араб—форснинг аруз вазни биз туркларнинг—да бир синф шоирларимиз учун тизим ўлчови бўлди.

Миллий вазнимиз бўлган бармоқ вазни буларнинг орасидан чиқди. Миллий вазн, бармоқ вазни бу санъаткор шоирларимиз орасидан чиққан бўлса ҳам йўқолмади, ўлмади. Эл—улус аро ёйилиб қолди, эл—улусимиз ўзининг қўшуқларини, ашулаларини шу вазнда айтдилар, дostonларини шу вазнда ўқудилар, тингладилар. Араб—форс маданияти таъсири остига киргандан замонамизгача (ўн икки мулчар — аср чамасида) бизнинг тизим ўлчовимиз шу ҳолда давом этти: араб—форс мадрасасида етишкан сарой шоирлари, хос синфига махсус шоирлар аруз вазнида ёзуб ўқудилар. Араб—форс адабий руҳига бўйинсинмаган эл шоирлари, турк бахшилари бармоқ вазнини берк тутдилар. Шу билан юрдилар. Шундай бўлиб, ўзбекларда—да тизим ўлчови икки турли бўлиб қолди: биринчиси, ўзимизнинг миллий вазнимиз бўлган бармоқ вазни, иккинчиси, араб—форс ўлчови бўлган аруз вазни...

ФОРС, АРАБ АРУЗИДА ТИЗИМ ШАКЛЛАРИ

...Бизда форс, араб арузидаги тизмаларнинг шакллари тубандагичадир:

ҒАЗАЛ

Биринчи байтнинг ҳар ики мисраъида, ондан кейин ҳар байтнинг охирида қофия бир турли бўлган тизмалар 12 байтдан ортуқ бўлмаса ғазал бўлади. Юрак "лиризми" шеърлари кўбрак ғазал шаклида айтилади. Мисол:

*Кимга қилдим бир вафоқим, минг жафосин кўрмадим?!
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!*

*Кимга бошимни фиго қилдимки, бошим қасдиға,
Ҳар тарафдан юз туман тиғи жафосин кўрмадим?!*

*Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат шошқим,
Ҳар вафоға юз жафо онинг жазосин кўрмадим?!*

ҚАСИДА

Ғазал йўсунидан тузулиб, ўн ики байтдан ортуқ бўлган тизмаларга қасида дейиладир. Қасида ғазалдан кенграқдир. Махташлар, махтанишлар, табиат тасвирлари, ахлоқий фикрлар қасида йўсунли айтиладир. Бизнинг ўзбек – чигатой адабиётимизда қасида йўли жудаям кенгаймаган, чиройлик ўрнаклари оздир.

ҚИТЪА

Ғазалнинг биринчи байти бўлмаса, қолгани қитъа бўлади. Бошқача айтганда, қофияси ҳар байтнинг охирида бўлуб, биринчи мисраъи қофиясиз бўлган тизмаларга қитъа дейиладир. Кўбрак талабномалар, чақириш битиклари, насиҳатлар қитъа шаклида ёзилгандир.

МАСНАВИЙ

Ҳар байтнинг ики мисраъи ўзига махсус қофияси бўлган тизмаларга маснавий (икилик) дейиладир. Достонлар,

мактублар (кўбрак севги мактублари) маснавий йўсунли ёзиладир.

Мисол:

*Мен қарибман мени худ нетғусидур,
Мени бу ерда муқим этғусидур...
На қўлум бор, на оёғим, на белим,
Бу қадар эвриладир сўзга тилим.*

РУБОЙИ

Тўрт мисраълигина бўлуб, 1–, 2–, 4– мисраъи қофиядош, 3– мисраъи қофиясиз бўлган тизмаларга *рубойи* дейиладир. Рубойи форси(й)га махсус бир тизим шаклидир. Бизга форслардан келгандир. Бунинг махсус вазни бордир. Араб–форс арузини чигатойчада ёзган Навойи рубойи учун “ҳазаж” баҳридан йигирма тўрт вазн борлигини сўйлайдир. Бироқ бу йигиртма тўрт вазн бир–бирига шунча яқиндирким, Навойининг ўзи ҳам, мисолларини кўрсатганда аралаштириб юборадир⁸.

Менинг фикримча, бу йигирма тўрт вазни бир вазн санамоқ мумкиндир. Озгина ўрганиб турган рубойига мисол:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур⁹.*

Турк адабиётида рубойининг яна икинчи бир шакли бордир. Бунга *туюқ* дейиладир. Туюқ қофия эътибори билан форс рубойиси кабидир. Вазн бошқа, Навойи туюқни рамал баҳридан деб кўрсатадир. Ҳам шу вазнда шу мисолни кўрсатадир:

*Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабмудур,
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур,
Жонима пайваста новак отғали,
Ғамза ўқин қошиға ёлабмидур¹⁰.*

Кўриладурким, бунинг қофиясида сўз ўйунларидан тажнис¹¹ бордир. Шунга таяниб, "туюқ тўрт мисраъли, қофияси тажнисли тизмалардир", деб таъриф қиладилар, Ҳолбуки, Навойининг "Мезону-л-авзон"ида кўрсатилганига кўра, туюқ учун тажнис, албатта, лозим эмас. Навойи бу ҳақида мана шундай дейди: «Бириси туюқдурким, ики байтга муқарардир. Ва саъй қилурларким, тажнис этилғай» ("Мезону-л-авзон").

Менинг фикримча, бармоқ вазнимиз билан ёзилган тўртлик тизмаларнинг оти бўлган, сўнгралари араб-форс арузи билан ёзиб бошлаган шоирларимиз унинг вазнига яқин бир аруз вазнига айлантириб жинсли қилурга ҳам тиришкан бўлсалар керак.

МУСТАЗОД

Бир ғазал ёзиладир. Ҳар мисраъ, ҳар байтидан кейин шул мисраънинг бир бўлаги вазнида сўз орттириладир. Бунга мустазод дейиладир¹².

Мисол:

*Не ўсмаю, не кесмадур ул зулфи сумансой,
не ғамзаи жоду,
Машшота сенга золи фалакдур магар, эй ой,
хуршид анга кўзгу.
Қош ёси била кирпик ўқин ҳар сори отсанг,
имкони хато йўқ,
Ҳар кимсаки, бўлғай унга бу навъ ўқу ёй,
туз бўлғуси қобу¹³.*

Навойи "Мезону-л-авзон"ида мустазод тўғрисида деган: "Ва яна халқ орасида бир суруд (ашула) борким, ҳазажи мусамман вазнида унга байт боғлаб, ҳар мисраъидин сўнгра ҳамул баҳрнинг ики рукнини бир қилиб суруд (ашула) нағамотига (куйига) рост келтирарлар эрмиш" ("Мезону-л-авзон"). Навойининг шу сўзларидан мустазод шаклининг турк куйларига тўғри келтириб ўқумоқ учун сўнгра тузулган бир шакл экани онглашилади.

МУСАММАТ

Узун бир тизмани тўртлик, бешлик, олтилик парчаларига ажратадилар. Биринчи парчасининг ҳамма мисраълари қофиядош бўладир. Қолган парчаларининг сўнг мисраълари айрича қофиядош бўлуб, сўнг мисралар эса биринчи парчанинг қофиясига бойланадир.

Мусаммат неча турлик бўлади: 1) тўрт мисраълик бўлса мураббаъ (тўртлик): 2) беш мисраълик бўлса мухаммас (бешлик): 3) олти мисраълик эса мусаддас (олтилик) дейиладир...

Навойи, Лутфий, Ҳусайний, Комил, Рожий, Амирий каби кўб чигатой ўзбек шоирларининг мусамматлари (мухаммас, мусаддас, мураббаълари) бордир.

Баъзан бир шоир ҳурмат қилгани бир шоирнинг бир газалини олади. Унинг ҳар икки мисраъининг устига уч ёки тўрт мисра бойлаб, бир мухаммас (бешлик) ёки мусаддас (олтилик) тузадир. Бу адабий йўлдошликка мухаммас ё мусаддас боғламоқ дейиладир. "Мусаммат"га мисол учун Ҳусайнийнинг Навойи газалига боғланган(н) мухаммасини ёзамиз:

Ҳусайнийнинг Навойига мухаммаси

*Лаъли жонбахшингдин¹⁾ айру обу ҳайвонни²⁾ нетай,
Ҳардам ар³⁾ юз жон берур жононасиз жонни нетай,*

*Гар эмас манзур ҳуснунг, ҳуру ғилмонни нетай,
Гулшани куйингдан айру боғи ризвонни⁴⁾ нетай,*

*Бошима гар гул сочар, сонсиз гулафшонни⁵⁾ нетай?!
Ҳажр⁶⁾ андуҳида⁷⁾ то гулшан аро қилдим гузар⁸⁾,*

1) Лаъли жон бахш – жон бағишловчи лаб.

2) Обиҳайвон – ҳаёт суви.

3) Ар – (форсча) агар.

4) Боғи ризвон – жаннат.

5) Гулафшон – буюк байрамларда қилинатурган бир турли ўт ўйуни.

6) Ҳажр – айрилик.

7) Андуҳ – қайғу.

Абдурауф Фитрат

Сарв бўйи қоматингни нахлидан⁹⁾ берди хабар,
Лекин¹⁰⁾ онинг васлидин не баҳра топдим, не самар¹¹⁾,

Нахл қаддинг чун эмас гирён кўзимда жилвагар,
Жўйбор¹²⁾ атрофида сарви хиромонни¹³⁾ нетай?!

деб¹⁴⁾ бошланган.
Ҳа(р) бир бўлагиди:

Харобот¹⁴⁾ оро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарға илгимда синган сафол

мисраълари қайтарилган гўзал бир таржиъбанди бор¹⁵⁾.
Шунинг бир бандини ёзиб кўрсатамиз:

Кетур, соқиё, муждаи жомдин,
Ки, пажмурда¹⁵⁾ бўлмишмен айёмдин.

Бу гулшан гулига чу йўқтур вафо,
Не парҳез этай жоми гулфомдин¹⁶⁾.

Чу йўқ шоми ҳижрон хумориға¹⁷⁾ субҳ.
Ичиб онгламай субҳни шомдин.

Халос айлай ўзни маю нуқлнинг¹⁸⁾
Суву донаси бирла бу домдин¹⁹⁾.

8) Гузар қилмоқ – ўтмоқ.

9) Нахл – ниҳол.

10) Лек – лекин.

11) Самар – мева.

12) Жўйбор – ариқлар ораси

13) Сарви хиромон – манғиб (хиром қилиб) юргучи сарв бўйли
гўзалларга берилган сифат.

14) Харобот – майхона.

15) Пажмурда – руҳсиз, сўлгин.

16) Гулфом – гул рангли.

17) Хумор – бош оғриғи.

18) Нуқл – газак.

19) Дом – тузоқ.

Бўлай дайр²⁰⁾ пирига андоқ мурид,
Ки ёғ этмайин шайхулисломдин.

Кирай дайр аро ўйла мажнуну маст,
Ки, кетсун хирад²¹⁾ хос ила омдин

Солай бир алоло²²⁾ харобатда,
Ки чиқсун фиғон²³⁾ аҳли айёмдин.

Хароботий ўлмоқлиғим, зоҳидо,
Савол этма, мен зору бадномдин.

Гарав қилғали майға чун қолмади
Не тасбеҳу не хирқа²⁴⁾, нокомдин.

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарға улкимда синган сафол¹⁶⁾...

ТАРЖИЪБАНД, ТАРКИББАНД

Узун бир тизма бир неча қисмга айриладир. Ҳар бир қисмнинг ўзига махсус қофияси бўладир. Бироқ ҳар қисмнинг охиригини бутунлари бошқа қофияда ё бир неча қисм билан бир қанча қофияда бўлади. Бунга таркиббанд дерлар¹⁸⁾. Биринчи қисмининг охириги икки мираъси ҳар қисмнинг охирига қайтарилиб турса, таржиъбанд аталади.

Навойининг:

Кетур, соқий, ул майки субҳи аласт²⁵⁾,
Онинг нашъасидин кўнглаум эди маст...

20) Дайр – бутхона.

21) Хирад – онг.

22) Алоло – шовқин.

23) Фиғон – қичқиритиш.

24) Хирқа – шайхлар чопони.

25) Субҳи аласт – азаддан.

«ФОРС ШОИРИ УМАР ХАЙЁМ»дан

< ... > Исломдан кейинги форс шеърининг шакл эътибори билан энг муҳим қисмлари маснавий, қасида, ғазал ҳам рубойидан иборатдир.

Маснавий: маснавий сўзи(нинг) бизчаси икиликдир. Бу шакл назмда ҳар ики мисраънинг махсус мустақил қофияси шарт бўлмоқ бўлуб, маснавий аталиши ҳам шунинг учундир. Маснавий шаклида бир асар ёзмақчи бўлган шоир қасида ва ғазалида бўлгани каби ўз асарини маълум биргина қофия билан ёзишга мажбур бўлмайди. Шунинг учун назмнинг бу шакли шоирга озодлик беради. Турли ҳикоялар, дostonлар, ваъз–насихатларга оид узун асарлар ёзиш учун назмнинг маснавий шакли бошқа шаклларга қараганда қулайроқдир. Бу шакл форсийларнинг бурунги миллий назм шакллариандир. Бунинг араб исломидан бурунги сосонийлар сулоласи замонида сулоласи борлиги маълум¹⁾. Ислом давридаги Эрон шоирларининг энг эскиларининг маснавий шаклида дostonлар ёзганларини кўрамиз. Ҳижрий 4 –асрда яшаган Бу Шакур Балхий¹⁾, Дақиқий²⁾, Рудакий³⁾ ва 5 –асрда (ҳижрий – Ҳ.Б.) яшаган Асадий⁴⁾, Фирдавсий⁵⁾ турли дostonлар ёзганлар. Бу дostonларнинг муҳим қисми эронийларнинг миллий қаҳрамон дostonларидан иборат эди. Араб истилосидан қутулган эронлилар орасида миллий ҳис, миллий туйғулар қўзғалишига хизмат қилгани учун бундай дostonлар Эрон миллий буржуазияси томонидан ҳимоя кўрар эди. Қаҳрамон(лик) дostonини энг юқори даражага чиқарган шоир машҳур Фирдавсий (ҳижрий 411). Фирдавсийдан кейин бу йўлда асар ёзиш давом қилган бўлса ҳам Фирдавсийдан юқорироқ ёхуд унга барабар келадиган бир шоир ундан кейин форсий адабиёт дунёсида етишмагандир.

Бу замонларда қаҳрамон дostonлари билан ишқий дostonлар ҳам ёзила бошлаган эди. Бунинг энг эски намунаси деб Дақиқийнинг ишқ ҳам уруш дostonи бўлган «Вомиқу Узро»сини кўрсатиш мумкин¹⁾. «Луғати Ҳофизи

¹⁾ (Муаллиф изоҳлари жорий тартибга кўра саҳифа остида берилди) Дайламиёлар замонида «Қасри Ширин» атрофида топилган. Давлатшоҳ Самарқандий томонидан хабар берилган «Китоба»даги ики мисраъ ҳам маснавий шаклидадир.

Убаҳий»да машҳур Рудакийга нисбат берилган баъзи байтлардан унинг ҳам мутақориб вазни⁶ бирла «Юсуф, Зулайхо» ёзганини гумон қилиш мумкин. Фирдавсийнинг ҳам «Юсуф, Зулайхо» отли маълум бир достони бор. Лекин унинг «Шоҳнома»си даражасида юксак бир асар эмасдир. Ишқий дostonлар ўзининг энг юқори босқичига милодий 12—асрда яшаган машҳур Низомий билан чиқа олди. Низомий ўзининг «Лайли, Мажнун», «Фарҳод, Ширин», «Ҳафт пайкар» каби ишқ дostonлари билан бу йўлда форс адабиётига абадий эсдаликлар бағишлай олди. Низомийдан кейин бу йўлни ундан илгарироқ олиб бориш ҳеч бир форсий шоирга насиб бўлмади.

Қасида: бир қофия билан айтилган узун манзумалардан иборатдир. Адабиёт қоидачилари унинг 12—15 байтдан ортуқ бўлушини лозим кўрадилар. Қасидалар, умуман, шоирнинг севганини мақташ, баҳор, куз, қиш каби фаслларни тасвир қилиш, ахлоқий ва фалсафий дастурлар бериш билан бошланиб бир ҳукмдорнинг, бир вазира⁷нинг ёхуд қандайдир бир тўрани мақташ билан тамомланган.

Қасида араб шеърининг эски бир шаклидир. Арабларда қасидачилик исломдан бурун бор эди. Форсий шоирлар бу шаклни араблардан олдилар. Бу шаклнинг форс адабиётига қачон киргани ҳақида қатъий бир нарса айтиш қийин. Бироқ баъзи маъхазларнинг хабарига қараб, масъалани озгина ойдинлаштириш мумкин: 186 ҳижрий (808 милодий)да машҳур аббосий халифаларидан Хорун ар-Рашид⁷ ўз ўлкасини ўғуллариға тақсим қилиб берганида Эрон, Афғонистон ҳам Мовароуннаҳрни ўғли Маъмунга берган ва Маъмун ҳукумати марказининг Марвда бўлишиға қарор қилган эди. Мана шундан кейин Маъмун Марвга келганда Абул Аббос Марвазий томонидан унга форсча бир қасида тақдим қилинган. Бу қасиданинг бизгача қолган қисми унинг оҳангича Рудакий, Унсурийларға кўра жуда тубанлигини кўрсатадир. Абул Аббос Марвазий бу қасида⁸сида «ундан бурун форсий тилда бундай бир шеър ёзилмаганини, Маъмуннинг мадҳ ва саноси билан форс тилини ҳам бузатмак учун бу қасида⁸сини ёзганини сўйлайди²⁾. Ёлғуз шунинг билангина бу масъала ҳақида бир

1) «Қас бо ин минвол пеш аз ман чунин шеъре нагуфт. Бар забон форсийро ҳаст. Бо ин навъ бубин («Мажмау—л—фусаҳо»да «нест

нарсани узул—кесил қилиб айтиш мумкин бўлмаса ҳам бошқа қариналарни⁸ мунга қўшгандан кейин қасиданинг форсий адабиётига ҳар ҳолда ҳижрий икинчи асрнинг охирида кирганини қабул этиш мувофиқ бўлиб қолади.

Эронда, Мовароуннаҳрда араб хулофат марказидан ажралган мустақил ҳукуматлар (тоҳирийлар, сомонийлар, газнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳийлар)нинг саройлари форс адабиётини, форс тилини ҳимоя қилганда, айниқса, қасидачиликка катта аҳамият берилди...

<...> Зотан, арабларда ҳам кўбрак мадҳ ва марсия учун ишланган қасида шакли мазкур ҳукмдорларнинг ҳимоялари соясида жудаям гуллаб кетди. Сомонийлар, газнавий (ва) хоразмшоҳий саройларининг қасидачи шоирларини ҳимоя қилишлари ҳар кимга ҳайрат берарлик даражада буюк эди. Шоирларнинг оғизларини инжулардан тўлдириш, уларга обод қишлоқлар, олтин камар, қуллар, бедов отлар бағишламоқ бу ҳимоянинг кичкина намуналаридан саналади. Маҳмуд Газнавий ўзининг сарой шоирларидан «Ғазорий (Абу Язид Муҳаммад Ғазорий—Розий)га қадар инъом қилган, оқча берган эдики, Ғазорий уни оқча беришдан тўхтатмоқ учун янга бир қасида билан қичқиришга мажбур бўлган эди¹⁾.

боин навъ бубин» езилган). Лек азон гуфтам ман ин мадҳро но туруно лағат, гирд аз мадҳ ва санойи ҳазрати ту зебу зайн».

1) «Қасидаи ломия» аталган бу қасиданинг баъзи байтлари шулардир:

Басе молеку, на лўлу фурухтам баслам басе молик на гавҳар фурухтам ба жувол.

Басе моликки, аз ин шоири ва шеърамро, «молик фиреб» бихонанду «ждодую маҳтал»,

Басе моликки, зиёи ман аторамро, на оятоб масоҳат кунад, на боди шамол

Басе молик, жаҳонро ба шубҳат афканди ки зарри сурхаст ин, ё шекаста санги сафол.

Таржимаси:

Эй подшоҳ, бас, мен сенга қоплаб инжулар, бриллиантлар сотмадим

Эй подшоҳ, бас, бу қадар инъомингни кўрганлар, мени подшоҳни адовчи соҳир дейлар.

Ғазал: форс адабиётига ғазал шакли ҳам қасидага ўхшаб араб адабиётидан келди. Бу шакл қасиданинг кичкинаси (12 байтдан кам) бўлиб, ишқий савдо, гўзаллик, шароб мавзуларида ёзилиши шартдир.

Ғазалчилик йўли форс адабиётига янги эмас. Қасида, маснавий билан машғул бўлган форс шоирлари ғазал ҳам ёзар эдилар. Лекин, менинг фикримча, ғазалчилик йўли қасидачилик мўдадан чиққандан кейин яхшироқ кўтарилади. Милодий 13—асрда энг буюк ҳукумат маркази Эрондан Хоразмга кўчадир. Қасидачи шоирлар ҳам хоразмшоҳийлар саройида йиғилиб ишга киришадилар.

Эронда ярим ё бутун мустақил кичкина ҳукуматлар майдонга келади (Атобакон ҳукуматлари каби). Буларнинг мамлакатлари кичкина, даромадлари оз, кучлари йўқ, ўлкани кенгайтиришдан умидсиз. Булар кўб оқча билан қасидачи шоирлар тута олмайдилар. Моддий куч бўлмагач, қуруқ қасидадан бир нарса чиқишини ҳам умид қилмайдилар. Мана шуларнинг атрофида биз қасидачиликнинг эътибордан туша бошлаганини кўрамыз. Бу даврда Шерозда Атобакон замонида етишган машҳур Саъдий Шерозий қасидачиликқа қаршу исён байроғини кўтарадир. Машҳур муболағачи талантли форс шоири бўлган Зоҳири Фарёбий подшоҳларни ёлғон махташларига қаршу чиқади. Унга қараб:

*Чи лозимки нуҳ курси осмон,
Неҳи зеру пойи Қизил Арслон.
Мағў пойи иззат бар афлок неҳ,
Бигў рўйи ихлос бар хок неҳ!*

Эй подшоҳ, бас, мулкимни, нарсаларимни ўлчаб санашдан қуеш билан ел ҳам ожиз қолдилар.

Эй подшоҳ, бас, бу берганларинг қизил олтинми еки синик софолми, деб одамлар шубҳага тушдилар.

1) Зоҳир Фарёбийнинг салжуқий султонларидан Қизил Арслонни мақтаган бир қасидасида шу байт бор:

На курси фалак неҳат андеша зеру пой,
То бар сабр рикоб Қизил Арслон занад.

Таржимаси:

Андеша, хаел тўққиз қабат кўкни курси каби оеғи остига қўймагунча,

Менинг ҳукмдорим бўлган Қизил Арслоннинг узангисини ўполмайди.

деб қичқиради. Саъдий ғазалчиликни ҳам маснавийчиликни илгари бостирмоқ истайди. Маснавийда ҳам урушлар, қаҳрамонлар мақташи эмас, айниқса, ҳукмдорларга насиҳат бериш, уларни адолатга ундашни мақсад қилиб олади.

Рубойи: форс шеърида энг муҳим ўрин тутадиган шакллардан бири рубойи шаклидир. Юқорида деганимиз каби форс шоирлари қасида билан ғазал шакллари араблардан олдилар. Лекин маснавий билан рубойи шакллари эски миллий адабиётлардан олиб таҳмил⁹ қилдилар. Шарқшунос олимлар орасида форс адабиётида рубойи шаклининг энг бурунги турк шеърларининг таъсири билан майдонга келганлиги ҳақида баъзи фикрлар бор. Адабиёт қоидачиларининг айтганларига кўра, рубойининг энг кучли, энг чиройли мисраъи 4—мисраъда бўлади. Рубойининг мақсади ҳам шул 4—мисраъда ифода қилинади. Бу ҳол туркларнинг халқ шеърларида ҳам кўруладир. Ҳатто бизнинг халқ шеърларимиз орасида 1—, 2—, 3—мисраъларнинг тамом муносибатсиз каби кўрулиб, асл мақсад 4—мисраъларда ифода қилинган тўртликлар бор. Мана буни назарга олганда, рубойи маншанин¹⁰ бурунги турк адабиётидан ахтарганларга ҳақ бериш керак бўлади. Шундай эса ҳам бу фикрларнинг ҳануз қатъий суратда собит бўлмагани каби бу шаклнинг энг эски Эрон халқ адабиётидан олинганлиги эҳтимоли ҳам кучсиз бир эҳтимол эмасдир.

Энг бурунги форс шоирларидан саналган машҳур Рудакийга нисбат берилган рубойилар маълум бўлгани каби машҳур Унсурийнинг ҳам Маҳмуд Ғазнавий мажлисида айтган рубойилари машҳурдир. Ғазна шаҳрининг гўзал боғчаларидан биттасида Унсурий, Асжадий, Фаррухий ва Фирдавсий томонларидан бирор мисраъдан айтилган тубандаги рубойи:

Унсурий: *Чун орази ту моҳ набошад равшан.*

Асжадий: *Монанди рухат гул набууд гар гушан.*

Саъдийнинг юқоридаги байтлари шунга қаратилган. Саъдий байтларининг таржимаси: Тўққиз кўк курсисини Қизил Арслоннинг оёқлари остига қўйишнинг нима кераги бор? Сен ҳукмдорларга «кўкларга қадам қўй», дема, «ихлос юзини тупроққа қўй», деб насиҳат қил.

Фаррухий: Мужгонат ҳами кунаг гузор аз жавшан.

Фирдавсий: Монанди синони Гев дар жанги Пашан.

Таржимаси:

Ой сенинг юзинг каби ойдин эмасдур.

Борға сенинг ёноғинг каби гул топилмайдур.

Киприklarинг совутдан (темир куйлақдан) ўтадур.

Пашан деган паҳлавон билан урушганда Гев деган паҳлавон найзаси каби(!)

Бир кўп тазкираларга кўчирилган ва машҳурдир. Яна Ғазнада Зийнатий¹⁾ Асадий (Тусий), Фаррухий ва Унсурий томонидан айтилган тубандаги рубойининг борлигидан Умар ибни Аҳмад Насафий ўзининг «Матлау–н–нужум ва мажмау–л–улум» отли асарига¹⁾ хабар берадир:

Зийнатий: Маҳ бо рухи ту ба нур пеши накунаг.

Асжадий: Лаъл аз лаби ту баранг пеши накунаг.

Фаррухий: Чу зулфи ту таъбия нажосий накунаг.

Унсурий: Хўби чи кунагки, бо ту хеши накунаг.

Таржимаси:

Ойнинг нури сенинг юзунгдан ортуқлик қилолмайдур

Лаълнинг ранги сенинг лабингнинг рангидан ўтолмайдур.

Ҳабаш ҳукмдори ўз аскарини сенинг кокилинг қадар тортиб илолмайдур.

Гўзаллик сенга хешлик қилмай нима қилсин..(!)

Биз форс шеърининг шакл эътибори билан тўрт муҳим қисмга айрилганин ёздик. Бу форс шеърининг мусаммат, қитъа, мустазод каби бошқа шакллари эсламай қолганимиздан эмас, балки уларнинг икинчи даражада аҳамиятли ҳамда бизнинг мавзуимиз учун жудаям керакли бўлгани учундир. Шунинг ҳам айтиб қўйиш керакки, форс шоирлари бу шаклларнинг ҳаммаси билан ҳам машғул бўлганлар. Ҳаммасида ҳам ёзганлар, бироқ уларнинг ҳар шаклда ёзганлари санъат нуқтаи назаридан бир даражада бўлмаган. Баъзилари маснавийда, баъзилари қасидада, баъзилари ғазалда, баъзилари рубойида устунлик қилганлар.

¹⁾ Бу Зийнатийнинг ким эканлиги ҳақида маълумотимиз йўқ

Юқорида Рудакий, Фирдавсий, Унсурий каби шоирларнинг ҳам рубойи ёзганларини кўрдик. Булардан бошқа Абу Саъид Хайр (ҳижрий 414), Абу Саъид Барҳаш Шерозий, Абул Ҳасан Ҳарақоний (ҳижрий 425), Абул Фараж Руний (ҳижрий 4–5 асрда), Ибн Сино (ҳижрий 448), Абу Наср Форобий (ҳижрий 339), Арузий Самарқандий каби бир кўп шоирларнинг жуда чиройлик рубойилари бор. Лекин, рубойичилиқда ўзини бутун дунёга танита олган бирдан-бир шоир машҳур Умар Хайёмдан иборатдир.

**МУМТОЗ ШЕЪР ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ
МЕТРИК АСОСЛАРИ**

Шеър тузилиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос тили, тафаккури, шуури, сажияси билан боғлиқдир. Қадимги турк шеърининг тузилиши ҳақида гапирганда, кўпроқ олимлар тўртлик шаклидаги халқ қўшиқларини ва силлабик (ҳижо) вазнда яратилган назм парчаларини келтирадилар. Турк олими Рашид Раҳмати Арат қадимги турк шеъри намуналарини келтириш билан бирга уларнинг ритмик асоси ҳижо асносида қурилганини қайд этган¹. Қадимги ўзбек шеърини араб шеър тизимига киргандан кейин унинг мавзун жиҳатлари ҳам ўзгарди. Энди силлабик тизимдан силлабо-тоник ва метрик шеър тизимига ўта бошлади. Бунга асос бўлиб бўгин ёки бўгин-товуш уйғунлиги эмас, балки ҳижоларнинг "қайфияти", яъни бўгинларнинг сифати ҳал қилувчи моҳият касб эта бошлади.

Арабларда вазн тушунчаси жоҳилийя даврида ҳам мавжуд бўлган, ҳатто баҳр деб аталган вазн турлари мавжудлиги манбаларда қайд этилган. Бироқ араб халқ шеъри ва жоҳилийя даври шоирлари ижод намуналарини ҳам, саодат асри ва ҳулафои рошидинлар даври назм намуналарини ҳам изчил илмий тизимга солган, унинг қатъий кўринишларига қонуний тус берган, арушуносликни фан сифатида шакллантирган олим Халил ибн Аҳмад ҳисобланади. Бунини Алишер Навоий ҳам «Мезону-л-авзон» асарида «Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возеъидир» деб таъкидлаб ўтган².

Низомий Арузий Самарқандийнинг ёзишича, "ҳар кимнинг шеър таъби мустаҳкам тортиб, унинг сўзлари ва фикри равонлашгач, шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади". Худди шу каби ислоний фан ва маданиятнинг юксак даври аббосийлар халифалигининг етук филолог олими Халил ибн Аҳмад Фараҳидийу-л-

¹ Rasit Rahmatî Arat. Eski Türk şiiri. – İstanbul: 1980. – S. 11.

² Алишер Навоий. Мезону-л-авзон. Асарлар. Ўн беш томлик. Т. 14. – Т.: Фан, 1967. – Б. 137.

Аздиййу-л-Басрий (715/719-786) Басрада Абу Амр ибн Аъла (в.771-776) ва Исо Сақафийдан таълим олгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Олимнинг «Айн китоби», «Мўъжам фи илму-л-арузи» («Аруз билими қомуси») каби асарлар битгани, араб филологиясининг мавжуд илмлари билан машғул бўлгани ва мусиқа назарияси (оҳанг ва ритм масалалари)га оид рисоалар битгани айтилади. Бироқ у асарларнинг бирортаси ҳам бизгача тўла шаклда етиб келмаган. Халил абн Аҳмаднинг сарф ва наҳвга доир асарларининг баёини унинг шогирди Сибавайҳ (в. 796) «ал-Китаб» асарида, «Айн китоби»ни эса, Лайс ибн Музаффар ва арузга доир ишларини араб арузидаги 16 баҳр ихтирочиси Абул Ҳасан ибн Саъид Аҳфаш (в. 830) илмга маълум қилган. IX асрда Надр ибн Шумайл, Ибн Канноса, Асмайй, Али Райҳоний, Қосим Салом, Аҳмад Бахийлий, Абул Умайсал, Ибн Сиккит, Ибн Қутайба, Бухтурий, X асрда Абул Аббос Саълаб, Ибн Жинний каби олимлар шеър илмига доир асарлари таркибида аруз масалаларини ёритгани, Ибн Саррож (в. 920)нинг «Меъёр фи авзону-ш-шеър» («Шеър вазнларининг меъёри») асари билан кейинги давр арузшунослиги давом этгани қайд этилган³. Мумтоз араб поэтикасининг тадқиқотчиси А. Б. Куделин Ҳасан ибн Рашиқ (в. 1070)нинг «Таянч» ва Абу Ҳилол Аскарый (в. 1005)нинг «Китабу-л-санъатайн» асарларини ушбу йўналишдаги муҳим манбалар сифатида санайди.

Мумтоз шеър тузилиши ҳақидаги дастлабки қарашлар араб алломалари асарларида акс этган. Жоҳилийя даврида шеър поэтикаси ҳақида алоҳида асар яратилмаган бўлса ҳам ҳижрий 1-2 асрларда Қуръони карим ва ҳадислардаги шеърий намуналарга муносабат масаласида назарий қарашлар шакллана бошлади. Араб, форс ва турк шеърлари мана шу тилларнинг фонетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда метрик тизимда ўрганила бошланган. Бу шеърий тизимнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, мисралардаги бўғинлар сони эмас, балки сифати, хусусияти бирламчи моҳият касб этадиган бўлди. Араб арузшунослигининг асосий хизмати

³ Талабов Э. Араб арузи. - Т.: 1977.

шундаки, асрлар давомида илмий тизимга солинмаган бадавий (саҳройи) шеърлар қатъий интизом асосида тартибланди. Шеърдаги ритмик бирликлар сифатида ҳижо, руки ва байт олинди. Байтдаги рукилар сони ва рукидаги ҳижолар сифати асосида арузнинг хусусиятлари белгиланди ва булар асосида дастлаб 11, сўнгра 16 баҳр ишлаб чиқилди.

Марказий Осиёда яшаган ва араб тилида яратган асарлари билан кейинчалик ислом оламининг буюк алломалари сифатида тан олинган Абу Наср Форобийнинг «Китобу-ш-шеър», Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг «Мафотуҳу-л-улум» («Илмларнинг калитлари»), Абу Али ибн Синонинг «Маҳорижу-л-ҳуруф. Ҳикмати аруз» («Ҳарфларнинг махражлари. Аруз ҳикмати»), Маҳмуд Замахшарийнинг «Қустосу-л-аруз» («Арузий зеҳн тарозуси»), Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳу-л-улум» («Илмларнинг калити») асарлари таркибида ҳам шеърӣй вазн муаммолари, араб, юнон ва ҳинд метрикасидаги умумий ва хусусий жиҳатлар қайд этилган.

Форобийнинг «Китобу-ш-шеър» асари араб ва юнон шеър тизимининг ўзаро қиёсланиши жиҳатидан эътиборли. Форобий масалага анча кенг қараган ва шеърӣй асарнинг икки жиҳати тақлиду ташбеҳ, яъни маъно жиҳати билан унинг вазн жиҳати шеърнинг асоси бўлиши кераклигини уқтирган: *“Шеърӣй сўзлар”* маълум вазнга туширилиб, шеърӣй бўлакларга бўлинсагина айтилган сўзлар шеър бўла олади. Қадимги шоирлар наздида шеър тузилиши ва унинг жавҳар — асоси ана шулардан иборат бўлган. Шеър бирор нарсага тақлид қилинган сўзлардан ташкил топиши керак. Шеър маълум бўлакларга бўлинган бўлиб, бу бўлаклар (олдинма-кетин) баб-баравар вақтда ўқиладиган бўлиши лозим. Шеър тузилишида тутилмаган мана шу икки хил йўл фақат тақлид-ташбеҳ бўлишинигина эмас, балки улар орқали тақлид қилиниши мумкин бўлган нарсаларни ҳам билишни тақозо қилади. Бундай қонун-қоидаларга риоя

қилишнинг энг кичиги вазн масаласидир»⁴. Шеър тузилишида ритм тушунчаси (Абу Наср Форобий асарида "зарб" деб тушинтирилган) одатда бир хил оҳангга уйғун келган товушлар йиғиндисининг маълум бир муддат (вақт борлиги) ичидаги такроридан иборат деб талқин этилди. Нутқда (шеърый нутқда ҳам) товушлар бирикмаси ўзаро бирор тизимга солиниб, ритмик бирлик ҳосил қилинади. Товуш ва товушлар бирикмаси бўгин (арузий истилождан кўра, ҳижо – Ҳ.Б.) ни, бўгинлар ўзаро бирикиб руқн ёки туроқни, буларнинг тизимли йиғиндисидан эса, байт ва мисра каби ритмик бирликлар ҳосил қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда муайян бир тилнинг фонетик хусусиятларига мос келувчи ритмик бирликлардан ҳосил қилинадиган шеър тизимини қўллаш одат тусига кирган.

Берунийнинг «Ҳиндларнинг грамматика ва шеър ҳақидаги китоблари баёни» асарида эса қадимий ҳинд шеър тизими унинг араб ва ажам шеърига муносабати туфайли ўрганилган. «Бу илм (яъни наҳв илми – Ҳ.Б.)дан кейин чанга деган илм келади. Чанга аруз илмига муқобил турадиган шеър вазнларидан иборатдур. Ҳиндлар чангага жуда муҳтожлар, чунки уларнинг китобларида назм билан тузишни мақсад қилиб олганлар. Чанга, яъни шеър вазн санъатини дасглаб Пингалу ва Чалиту юзага чиқарган. Бу бобда ишланган китоблар кўп. Уларнинг энг машҳури "Гайситу" китоби бўлиб, тузувчисининг исми билан айтилган, ҳатто аруз ҳам шу исм билан аталган... Улар Халил ибн Аҳмад ва арузчиларимиз тасвирлаганидек, ҳарфларни сана шда сукунали (ҳаракатсиз) ва ҳаракатли ҳарфларни сана шу икки белги / < билан тасвирлайдилар. Буларнинг биринчиси, яъни сўл томондагиси (чунки улар сўл томондан ёзадилар) лагҳу деб аталади. Бу енгил демакдур. Иккинчиси, яъни ўнг томондагиси гурӯ деб аталади. Бу оғир демакдур. Оғир вазннинг миқдори аввалгининг, (яъни енгилнинг) икки баробари бўлиб, икки

⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри (Арабчадан таржима. Изоҳ ва муқаддима муаллифи А.Ирисов). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

енгил бир оғир ўрнида туради...»⁵ Айни ҳолат араб арузида хафиф (енгил) ва сақил (оғир) сабаб сифатида юритилганини унутмаслик керак. Форобий ва Беруний асарларида юнон, араб ва ҳинд шеър назарияси учун асос бўлган ритмик бирликлар ишлаб чиқилган. Бундай бирлик сифатида юнонликларда “метр”, арабларда “руки” ва ҳиндларда “шлока” олиниб, уларнинг ўзаро муносабати изчил тартибда ўрганилган. Араб арузи нафақат араб тилли мамлакатларда, балки Туронзаминда ҳам изчил суратда ўрганилган. Аруз вазни ҳақида араб тилида қатор тадқиқотлар яратилгани бунинг далилидир. Қомусий лугат тарзида яратилган Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг «Мафотуху-л-улум» асарида ўша давр фанларининг муҳим соҳаларига оид атамаларнинг маънолари очиб берилган. Асарнинг адабиётшунослик атамалари талқинига бағишланган жилди икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимнинг 5-боби илми аруз, қофия ва саноеъга оид истилоҳларни ёритишга бағишланган. Боб ўз навбатида беш қисмдан иборат: 1-қисм мазкур фаннинг таркиби, аруз тизимидаги атамалар; 2-қисм аруз вариантлари ва иллатларнинг номлари; 3-қисм қофия ва унинг таркиби; 4-қисм мазкур атамаларнинг келиб чиқиши ва улардан фойдаланиш усуллари, 5-қисм шеърят танқиди ва ундан фойдаланиш йўллари ҳақида. Ўз қомусини бундай фундаментал асосга қуриш билан баробарида муаллиф ўз давригача яратилган арузшунослик илмини тизимли суратда ёритди, аруз тизимидаги барча истилоҳларни алифбо тарзида изоҳлаш билан чекланмай, уларнинг қатъий қоидалари, бу фаннинг таркиби, вазн ва баҳр муносабатлари, ҳар бир баҳрнинг турлари ва вариантларини ишлаб чиқди. Маълумки, араб арузи квалитатив (лотинча «сифат») шеър тизимига кирса-да⁶, у бўгин (ҳижо) асосига эмас, балки ҳарфлар асосига қурилган. «Бунда уларнинг ўзига хос ҳаракатлари, талаффузига алоҳида эътибор берилди. Сўзнинг бутун таркиби «ҳаракатланган

⁵ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Фан, 1965. – Б.121.

⁶ Адабиёт назарияси. II том: Адабий-тарихий жараён. – Т.: Фан, 1979. – Б. 349–355.

ҳарф» ва «ҳаракатланмаган ҳарф» терминлари ёрдамида белгиланади»⁷. Абу Абдуллоҳ Хоразмий асарида араб арузининг мана шу ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб арузий истилоҳларнинг шарҳланганини кузатиш мумкин. Бу асар гарчи изоҳли луғат тарзида тузилган эса-да, кейинроқ Марказий Осиёда яратилajak Маҳмуд Замахшарий, Абу Ҳафс Насафий, Юсуф Саккокий ва бошқа алломаларнинг арузий тадқиқотлари учун муҳим аҳамият касб этди.

Форс арузшунослиги, асосан, араб арузи йўлида шаклланган бўлса ҳам унинг тараққиёти нафақат мумтоз форс шеърининг, балки форсийзабон арузийларнинг кашфиётлари билан боғлиқ. Бу борада закий арузшунос проф. Фитрат ёзади: «Эронлилар араблардан нима олган бўлса, айнан олмади, ўзгартиб, унга ўз хусусиятарини тақиб олди ёки олиб тақди... араб арузининг нисбатан умумий қоидаларини, назарий томонларини қабул қилишига қарамасдан форси(ў) шеър вазнларининг муҳим хусусиятларини ҳам унга сингдира бошлади. Шундай қилиб, айрим бир форси(ў) аруз майдонга қўйилди»⁸. Тил хусусиятларига кўра метрик тизимга яқин бўлгани учун Ажам халқлари орасида дастлаб арузни форслар қабул қилдилар. Араблардаги тақтиъ усуллари, асосан, қабул қилинди. Форс арузининг бундай бир тизимли ҳолга келишида Шамсиддин Қайс Розийнинг «Ал-Мўъжам фи маъйир ашъору-л-Ажам» («Ажам шеърлари меъёрлари жамлангани»), Носириддин Тусийнинг «Меъёру-л-ашъор» («Шеърлар меъёри»), Шамс Фахрийнинг «Меъёру-л-нусрати» ва «Меъёру-л-жамоли», Воҳид Табризийнинг «Жамъи мухтасар», Юсуф Азийийнинг «Аруз», Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолайи аруз» ва Сайфий Бухорийнинг «Арузи Сайфий» сингари асарлари ўз хизматини қилди. Буларнинг барчасига ушбу сўзбоши доирасида кенг тўхталишнинг имконият бўлмаса-да, ўзбек китобхонига илк бор тақдим қилинаётган Шамси Қайс Розийнинг «Ал-Мўъжам...»

⁷ Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотуху-л-улум» асарида поэтика. – Т.: 2001. – Б. 82.

⁸ Фитрат. Аруз ҳақида (нашрга гайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 25–26.

асарининг таълиф тартиби ҳақида қисқача баён бермоқчимиз. Муаллифнинг ёзишича, бу илм "манзум сўз мезони" бўлиши билан бирга "Шеър жинслари ва вазналарини билиш учун бу фаннинг аҳамияти камта ва у ҳақиқий шеърни ноҳақиқийдан ажратишда яхши меъёр ҳисобланади"⁹. Асарда дастлаб арузнинг луғавий ва истилоҳий маъноси тушунтирилади, сўнгра руқналарга ва бу илм доирасидаги фаол истилоҳларга шарҳ берилади. Иккинчи бобда аруз руқналарининг таркибидан ҳосил бўлган жузвлар ва вазналар зикр этилади. Учинчи боб жузвларнинг афойл руқна тармоқларининг ўзгаришига бағишланган бўлиб, тўртинчи бобда қадимги ва янги баҳрларнинг яратилиши, арузий доиралар вазифалари ҳамда тақтиъ қондалари, баҳр жузвларини бир-биридан фарқлашда амал қилинадиган қонуниятлар борасида фикрлар айтилган.

Шуни ҳолислик юзасидан қайд этиш лозимки, форс арузи фақат ХХ асргача тараққиётда бўлиб, ундан кейинги даврларда унинг ўрганилиши тўхтаб қолмаган. Мумтоз форс арузи илми ХХ асрда собиқ иттифоқ ҳудудида форс-тожик арузшунослиги шаклида давом этди ва бу фаннинг тараққиётига Б. Сирус, М. Шарифов, Н. Мирзахўжаев каби тожик олимлари¹⁰, Ш.Шомухамедов, А. Рустамов, Г. Тўйчиева¹¹ сингари ўзбек олимлари ўз улушларини қўшдилар.

Араб арузи бағрида ўзинга хос форс арузи вужудга келгани каби туркий аруз ҳам араб-форс арузи билан ўзаро муносабатда яшади ва қарийб минг йил давомида мумтоз шеъриятга зийнат бағишлаб келди. Турк

⁹ Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам (муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунадан чоп У.Тоиров). – Душанбе: Адиб, 1991. – Б.33.

¹⁰ Сирус Б. Арузи тоҷики. Таҳқиқи интиҳоди. – Душанбе: Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1963; Шарифов М. Шамс-и Кайс-и Рази ва ғоли лиге ратурино-критические взгляды. АКД. – Душанбе: 1985; Мирзахочаев Н. Илми аруз ва баъзи масъалаҳои назарияи он. \ Масъалаҳои назария ва таърихи адабиёти тоҷикуи ўзбек. Нов. сер. № 262. – Самарканд, 1975.

¹¹ Шомухамедов Ш. Форс-тожик арузи. – Т.: ТошДУ, 1970; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: 1971; Тўйчиева Г. Аруз в контексте газелей Амира Хосрава Дехлави. – Т.: 2005.

арузушнослиги ривожда Шайх Аҳмад ибн Худойдо Тарозий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Зокиржон Фурқат, Абдурауф Фитрат каби миллат фидойилари тер тўқдилар. Натижада "Фунуну-л-балога", "Мезону-л-авзон", "Мухтасар", «Аруз ҳақида» каби фундаментал тадқиқотлар юзага келди.

Шайх Аҳмад ибн Худойдо Тарозий (XV аср) ҳақидаги дастлабки маълумот Бобурнинг "Аруз рисоласи" асарида учрайди. Бобуршоҳ баҳри тавилнинг ражазга оид намунаси сифатида Шайх Аҳмад байтини келтирганди. Олимнинг "Фунуну-л-балога" ("Балогат илмлари") асарида "Арузи Қустос" ва "Арузи Андулусий" ва "Меъёру-л-ашъор" каби рисоалар тилга олинади, булар Маҳмуд Замахшарий, Ибн Ҳожиб ва Носириддин Тусийнинг асарлари бўлиб, Шайх Аҳмад Тарозий ўз асарини яратишда бу рисоаларга маълум маънода таянган: *"Билгилким, араб уламосининг иттифоқи бирла баҳр ўн олти келибтур. Ажам уламози сўнгра орий туруб, йигирма тўрт қилибтурлар. Фааммо, бу заиф тиладиким, ул азизларнинг пайдо қилган баҳрларини қаламга келтурса ва туркий иборат бирла баён айлаб, ҳар вазнға туркий байттин мисол келтурса»*¹². Ана шу мақсадда кўп китобларни мутолаа қилиб, аруз денгизда гаввослик қилган олими мутақаддимлар, яъни 16 баҳрни ихтиро қилган араб уламози ва мутааххирлар, яъни унга форсий кўрк бағишлаб баҳрлар сонини 19 га етказган форс арузийлари меҳнати қадрланади. Аллома аруз баҳрлари сони мутааххирлар (сўнги арузшнослар – Ҳ.Б.) томонидан 34 гага етказилгани айтади: *«мутақориб, мутагорик, ҳазаж, рамал, ражаз, вофир, комил, сақил, муқорин, мувофиқ, муталойим, мутаносиф, жағид, мағид, муҳит, басит, музореъ, мушокил, саҳиҳ, сариҳ, ҳафиф, мужаннас, ажиб, ғариб, мунтахаб, муқтазаб, музҳар, музмар, мунсариж, мундариж, сареъ, багеъ, қариб, салиб»*. Сўнгра аллома руқн сифатини ўрганиш учун 6 усул (усули ситта) тавсия қилади. Шу 6 асосни пайдо қилган жузвлар: сабаб, ватад ва фосила келтирилади. Ва 6 асосдан ҳосил бўлган 8 руқн таҳлил

¹² Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балога. – Т.: Ҳазина, 1996.

қилинади. Буни олим ажзойи афойл деб атайди. Шу билан бирга баҳр ўзгаришлари, яъни зиҳфлар ҳақида маълумот беради.

Алишер Навоий “Мезону-л-авзон” асарида араб ва форс арузи хусусиятларини тушунтирар экан, шу билан бирга туркий аруз асосига қўйиладиган лисоний сифатларни ҳам белгилайди. Навоий асарида биринчи марта аруздан бошқа вазн тилга олинади: «Яна бир неча вазнки, баъзини ажам шуароси мутааххирлари айтиштурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузга дохили бўлмайдур»¹³ ва унга мисол келтирилади. Иккинчидан, Ҳазрат Навоий аруз назариясига жами тўққизта доирани бирлаштирган «доираи мужтамиа»ни яратди ва уни назарий жиҳатдан асослаб берди¹⁴. Навоийдаги фикрлар Бобурнинг «Аруз рисоласи» (нашрда «Мухтасар») асарида давом эттирилган. Бобур тўққиз доирани асослаш баробарида «доираи мужталибаи музахафа», «доираи мужталибаи мухтариъа» орқали баҳрлардаги ўзгаришли рукнлар, яъни зиҳфлар билан бирга киритади. Тавил доирасига кирувчи Ариз ва Амиқ баҳрларини алоҳида ҳисоблайди¹⁵. Бобур асарини юртимизда илк бор нашр эттирган Саидбек Ҳасанов унинг арузшуносликдаги ўрнини белгилаб, «классик поэзиямизда қўлланилиб келинган 289 вазн ва уларнинг шакллари таъриф қилиб, умумаруз илмини 248 янги, ўзи ихтиро қилган вазн билан бойитиб, умумаруз илмига бениҳоя катта ҳисса қўшган»ини эътироф этади¹⁶. Бобур асарининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, аллома ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятларидан келиб чиқиб арузни асослашга аҳамият берган ва «лафз вазни» юзасидан икки тоифа ўртасидаги баҳсни кузатиб, «алфоз вазнидин икки тоифа баҳс қилурлар. Бири сарфийлар, яна бири арузийлар» деб ёзганди. Бу билан аруз вазнини

¹³ Алишер Навоий. Мезону-л-авзон (критик тексти нашрга тайёрловчи И. Султонов). – Т.: 1949. – Б. 90–91.

¹⁴ Мирзаев С. Навоий арузи. НДА. – Т.: 1946.

¹⁵ Бобур Захир ад-дин Мухаммад. Трактат об арузе. Факсимиле рукописи, вступительная статья и указатели И. В. Стеблевой. – М.: Наука, 1972. – С. 11.

¹⁶ Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 94.

нафақат адабиётшунослик нуқтаи назаридан, балки тил жиҳатидан ҳам ўрганиш натижасида поэтик нутқдаги рангин гўзалликларни инкишоф этиш мумкинлигини аниқлатганди.

Манбаларда Фурқат аруз илмига доир рисола битгани қайд этилади¹⁷ ва бу «Илми ашъорнинг қоидаи авзони» номли рисола орқали ҳар бир вазнга ўзига мос тамсиллар бериб, уни имкон қадар ихчам шарҳлашга ҳаракат қилгани мутахассисларга маълум. Фурқатнинг ушбу рисоласи шундай бошланади: «Аммо билгалким аруз фани назм авзонини(нг) мезонидур, шариф фандур... шеър илмининг рутбаси бағоят буюк мартабадур... Андоқки Ҳақ субҳанаҳу таъолонинг Каломи мажидига кўп ерда назм воқе бўлубдур». Фурқат илми шеърнинг қоида авзонини бераркан, уни кўпгина эътиборли тамсиллар орқали баён қилиш йўлидан борган.

Фитратнинг "Аруз ҳақида"ги рисоласи нафақат аруз тарихи ва техникаси, балки, умуман, вазн назарияси ва унинг қўлланиш тарихидан ҳам сабоқ берувчи назарий-методик қўлланма ҳисобланади. Чунки олим ўз асарида шеър вазни масаласига бир бутунликдаги шеърини асарнинг энг муҳим узв (аъзо)ларидан бири сифатида қараган: "Қоидага мувофиқ сурагда ўлчанган ва ўлчовлари муштарак бўлган гап парчаларининг маълум қоида билан кетма-кет тизилиши десак ҳар ҳолда ҳақиқатдан жуда узоққа бормаймиз"¹⁸. Ушбу таърифни тугалроқ тушуниш мақсадида шеър назарияси соҳасидаги илк илмий рисоалардан бири Абу Наср Форобийнинг "Китобу-ш-шеър" асаридаги "қоида"га мурожаат қиламиз: "Шеърнинг ҳар бир вазнида қўлланиладиган сўз бўлаклари тартибининг муайян чегараси бўлади. Шеър байтларининг ҳар бир бўлагидан ва тартиби билан бошқа қисмидаги тартиб ҳамоҳанг бўлмоғи керак". Мана шу ҳамоҳанглик, Фитрат таърифидаги "шеър билан ёзилган маълум бир асарнинг вазни воҳид қиёси бўлиб такрорланган нарса" гапнинг маълум бир ўлчовидир. Фитратнинг таъбирича, шеър вазни орқали

¹⁷ Юсупов Ш. Фурқат дастхатлари. // Адабий мерос. – 1983. 4–сон.

¹⁸ Фитрат. Аруз ҳақида (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 16.

маълум бир қоида (ритмик тартиб) бўйича гап ва сўз билан ўлчанади. Бир сўзни ўлчаш ҳижолаар билан бўлади. Фитратнинг аруз рисоласида арузнинг вужудга келиш манбалари, тарихий ўсиши, араб, форс ва турк арузининг хос хусусиятлари ва ўзгаришлари таҳлил қилинади. Дастлаб олим вазн тузилиши қоидаларига эътибор қаратади.

ВАЗН БЎЛАКЛАРИ. Ушбу истилоҳ Навоийнинг "Мезону-л-авзон" асарида (Навоийгача ўтган форс "арузий"ларида ҳам) руқн деб таништирилган, Бобур рисоласида эса, "жузв"лар деб аталган ритмик бирликлар (сабаб, ватад, фосила) назарда тутилган.

Ҳалил Ибн Аҳмад тизимида айтилган саккизта аслий руқнлар ва уларнинг қисқартирилиши-орттирилишидан ҳосил бўлган 27 фаръий руқн, ҳаммаси 35 та руқн бўлади: «Бу 35 хил ҳижо тўпламини "фаулун", "мафойлуун" қолиблари орқали ёдга сақлаб, шулардан байтлар тўқушнинг ўзи, албатта, енгил эмас". Шунинг учун рисолада бармоқ вазни тизимидаги каби соддароқ йўл тутилиб, "ҳар бир руқндаги тўлиқ ва қисқа ҳижолаарнинг сифати"га асосланиб, унинг ҳар байтдаги миқдорий жиҳатларини ҳам ҳисобга олгани ҳолда улар ўн икки туркумга ажралган. "Байт" ва "мисраъ" истилоҳлари айнан сақлагани ҳолда ҳар бири мисрада бир ёки икки туроқ белгиланган; улар учун ишорат қўйилган ва "ист" исми берилган. Бир мисранинг "ист" билан бўлинган парчалари "бўлим" деб аталган. Бир мисраъда такрорланган ҳижо тўдаларига "тўплам" (русча истилоҳ билан айтганда "стоп") исми берилган. Бундан ташқари рус ва жаҳон шеършунослигидаги мавжуд узун (-) ва қисқа (v) бўгинлар учун жорий қилинган шартли белгилар ҳам аруз тарихида илк бор аруз вазни бўлақларини ифода қилишга йўналтирилган. Шу тариқа аруз қонуниятлари бизга ҳижо (бармоқ) вазнининг шакл курилишидан таниш бўлган истилоҳлар асосида ("туроқ, "тўплам", "бўлим" каби) вазн шакллари вужудга келган. Ҳар бир "туркум" ўз шакли (схемаси) билан кўрсатилиб, шеърятимиздаги мавжуд баҳрлар ўзига хос "туркум"ларга ажратилади.

БАҲРААР ВА ВАЗНААР. Фитрат анънавий аруз қонуниятларини тушунтиришда баҳр ва вазн тушунчаларини истифода этган. Мумтоз шеърятда мавжуд 19 баҳрни (Бобур ўз рисоласида бу баҳрлар қаторида *“Яна икки баҳрким, Арид била Амиқдур, Тавил доирасидан ҳосил бўлур, ул ғайри машҳурдир, бу баҳрлар била жамъи буҳур йигирма бир бўлғай”* деб ёзган) анаънавий тартибда эмас, балки тарихийлик тамойилини сақлаган ҳолда аввал шеърятда қўлланилган беш баҳрни, сўнг араб ва форс шеърятда баробар истеъмолда бўлган ўн баҳрни, ундан сўнгра эса “форс арузийлари” томонидан қўшилган уч баҳрни келтиради.

Фитрат бу шакл орқали анъанавий аруз баҳрларини тарихийлик нуқтаи назаридан кузатиб, улар ҳақида маълумот берган бўлишга қарамай, унинг “ўз йўли” бу баҳрлар орқали кечмайди. Бу 19 баҳр асосида “олтилик, саккизлик, тўққизлик, ўнбирлик... йигирмаликдан иборат 12 хил вазн (эски арузчиларча айшганда, 12 баҳр) чиқади. Бу ўн икки баҳрнинг ҳар биридан қисқа, тўлиқ ҳижолярнинг жой ўзгаришлари билан айрим, айрим вазналар йиғилгани кўринди. Мана шу тариқа 80 га яқин вазн тартибга олинди”.

ТАҚТИЪ ҚОИДАЛАРИ. Аруз илида мисраларни алоҳида ритмик бўлакларга ажратиб, уларни ўлчаш одат қилинган бўлиб, бу усул тақтиъ (ўлчаш) деб юритилган. Бобур рисоласида ёзгандек: *“Тақтиъ арузийлар истилоҳида байтнинг таҳлилидур, ул навъким байттин бир миқдор вазнда баробар бўлғай, ул баҳрнинг афоййлу тафоййли билаким, бу байт ул баҳрдадур”*. Шу билан бирга муаллиф ўз рисоласида туркий алфоз (сўзлар)нинг айрим товуш жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтган. Бироқ Фитрат бу каби араб ёзувида акс этиши қийин бўлган барча ҳодисотларни шаклларга кўчиради ва замонавий шеършунослиқда белгиланган белги ва шакллардан фойдаланади. Шу усул билан “араб, эрон тилларидаги ҳижо қурилишини текшириб”, уларнинг олти турини аниқлаган.

Фитрат, аввало, “фаулунчилик, зиҳфотчилик каби чатоқ схоластик қоидаларидан қутулмоқ” мақсадида аруз вазнини “чирманда усули”га кўчириш тажрибасини

қўллаган, бу усул "аруз тарихида биринчи тажрибадир. Камчиликлари бўлиши мумкин. Масъаланинг муҳим жиҳати шуки, эски схоластик ва чатоқ қоңдалар билан арузни ўрганиш қийин. Ёш шоирларимизни аруз билан яхшилаб таништирмоқ учун махсус схоластик қоңдалар рамкасидан арузни чиқариш лозим. Менинг "чирманда усули"ни олишдан мақсадим шу. Шу мақсадни адо қилиш учун бундаги "чирманда усули"дан бошқачароқ ва қулайроқ бир йўл топилиб қолса, албатта, хурсандчилик билан қабул қиламан". Олимнинг қайта-қайта таъкидлашича, мақсад араб ёки форс арузи назарияси билан тушунтириш эмас, балки ўзбек арузи ва унинг амалда қўлланишидир.

Аруз илми Фитратга қадар мавжуд бўлганидек, унинг қатлидан сўнг ҳам бу соҳа давом эттирилди. Айниқса, 60–70 – йиллар адабиётшунослигида форс–тожик арузини ўрганиш билан бир қаторда, туркий тиллардаги арузнинг табиатига доҳил бир неча илмий тадқиқотлар яратилди¹⁹. Ўзбек олимларининг бу соҳадаги изланишларининг самараси сифатида А. Рустамов, У. Тўйчиев, А.Ҳожиаҳмедов ва бошқа олимларнинг рисола ва қўлланмалари²⁰ чоп қилинди. Кейинги амалий қўлланмалар воситасида ўзбек арузи методикаси ҳам шаклланиш даврига кирмоқда.

Ҳамидулла Болтабоев

¹⁹ Хамраев М. Очерки теории тюркского стиха. – Алма-ата: 1969; Джафар А. Теоретические основы аруза и азербайджанский аруз. – Баку: Маариф, 1977; Усманов Х. К. Древние истоки тюркского стиха. – Казань: 1984.

²⁰ Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: 1972; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985; Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1995; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. – Т.: Шарқ НМК, 1998; Олимов М. Рисолаи аруз. – Т.: Ёзувчи, 2002.

ШЕЪР ТУЗИЛИШИ. АРУЗ ИЛМИ

АБУ НАСР ФОРОБИЙ
«КИТОБУ—Ш—ШЕЪР»дан

Биз шеъриятидан хабардор бўлган кўпгина халқларга қараганда, араблар ўз шеърларида байтларнинг охирларига кўпроқ эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам араб байтлари маълум ўлчовдаги *маҳдуд*¹ сўзлар билан мукамал ва гўзал бўлади, бу ҳол эса уларда кам қўлланиладиган ё бўлмаса кўпчилик орасида машҳур бўлган сўзларни ишлатиш билан юз беради. Мазкур байтлардаги сўзлардан тушуниладиган маънолар ўша сўз бораётган нарса ва ҳодисаларга ўхшайдиган тақлидий бўлмоғи керак. Шуниси ҳам борки, унда ишлатиладиган иборалар *ритмми*², маълум бўлақларга ажратилган бўлиши керак: ҳатто ундаги ҳар бир ритм (*зарб*³), *туроқ*⁴, *сабаб*⁵, *ватағ*⁶лар сони ҳам чегараланиши зарур. Шеърнинг ҳар бир вазнида қўлланиладиган сўз бўлақлари тартибининг ҳам муайян чегараси бўлади.

Шеър байтларининг ҳар бир бўлагидан вазн тартиби бошқа қисмдаги тартиб билан ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Натижада мана шу юқоридаги шартларга риоя қилинар экан, унинг ҳар бир бўлақлари ўқилиш пайтида бир—бирига баробар вақтда ўқилади ва силлиқ чиқади. Ҳар бир вазнда ишлатиладиган байт сўзларининг маълум бир тартиби, чегараси бор. Бунда байт сўзларининг охирлари ҳам чекланган: ё товушлар худди ўзидагидек ёки уни талаффуз қилганда баробар келадиган сўзлар бўлмоғи керак⁷. Байтлардаги сўзлар ҳақида гап кетаётган бўлса, ўшанга (юритилаётган фикрга — Ҳ. Б.) ўхшатма тарзда ифодаланиши лозим⁸. Шу билан бирга байтларнинг бир—бирига ҳамоҳанг бўлиши ҳам талаб қилинади.

Баъзи халқларда оддин нағма—куй яратилиб, кейин унга ҳамоҳанг қилиб шеър боғлайдилар. Бунда шеърнинг бўлақлари куйга боғланиш нуқтаи назаридан худди баъзи бир ҳарф—товушларга ўхшаб қолади. Бордию, шеърнинг⁹ маълум қисмига оҳанг боғланмай қолган бўлса, у ҳолда вазн бузилади. Бу худди шеърда ҳарфларнинг биронтаси тушиб қолган тақдирда вазннинг бузилганига ўхшаб кетади¹⁰.

Баъзи халқлар эса, араблар шеърларни куйга солгани каби ўз шеърларига куй басталамайдилар. Лекин шеър фақат бўғинлардангина тузилади, холос. Бу эса худди араб шеъриятидаги ҳолатга ўхшаб кетади. Бунда агар шеърга куй боғланса, оҳанг вазни (ритм) шеър вазнига қарама—қарши келади. Шу билан куйга солинган сўз (яъни, шеър)нинг вазни бузилади. Шунинг учун кимда—ким сўзга нағма—куй боғлар экан, шеърнинг баъзи бир сўзларида юз берганидай, вазн бузилишидан эҳтиёт бўлиши керак¹¹.

Одамлар ва кўпчилик шоирлар тушунчасича, сўзлар маълум тартибли бўлакларга бўлиниб, бу бўлаклар муайян ва баб—баравар *мавзун—вазнови* дейиш мумкин. Бундай шеър бирор нарсага тақлид қилиб тўқилганми—йўқми масаланинг бу томони эътиборга олинмайди. Шу билан бирга ўша шеър битилаётган тилда ишлатиладиган сўзларнинг *фасоҳати*¹² ҳам эътиборга олинмайди, бу сўзлар машҳур ва енгил бўлса бас, ўшанга кўпроқ эътибор берадилар¹³. Шеърда келган сўзларнинг кўпи юқорида шартли равишда айтилган томонларни ҳисобга олган ҳолда шеърнинг охирида ишлатиладиган сўз бўлаклари билан баробар тугалланишни тақозо қилади¹⁴. Бу эса ё бир хил ҳарф—товушлардан иборат сўзлар бўлиши, ё бўлмаса, иккаласи ҳам баб—баравар бир вақтда талаффуз этиладиган сўзлар¹⁵ бўлиши керак.

Аммо юнон шоири Ҳомер феълидан маълум бўлишича, у ўз шеърлари охирларининг баробар келишига риоя қилмаган. Агар сўзлар бирор нарсага қилинган тақлиддан ташкил топган бўлса—ю, лекин улар бирор оҳанг билан вазнга туширилган бўлса, ундай тизма сўзлар шеър саналмайди, балки бундайлар шеърый сўз—мулоҳаза деб юритилади, холос. Шу билан бирга агар бу айрилган "шеърый сўзлар" маълум вазнга туширилиб, шеърый бўлакларга бўлинсагина айрилган сўзлар шеър бўла олади. Қадимги шоирлар наздида шеър тузилиши ва унинг жавҳар—асоси ана шулардан иборат бўлган. Шеър бирор нарсага тақлид қилинган сўзлардан ташкил топиши керак¹⁶. Шеър маълум бўлакларга бўлинган бўлиб, бу бўлаклар (олдинма—кетин) баб—баравар вақтда ўқиладиган бўлиши лозим. Шеър табиати—тузилишида бошқа қонун—

қоидаларга риоя қилиш унчалик зарурий саналмаган, ваҳоланки, бу қонун — қоидаларга риоя қилишнинг ўзи шеъриятнинг энг афзал ва улуғвор бўлишига сабаб бўлган. Шеър тузилишида тугилмаган мана шу икки хил йўл фақат тақлид — ташбиҳ бўлишинигина эмас, балки улар орқали тақлид қилиниши мумкин бўлган нарсаларни ҳам билишни тақозо қилади. Бундай қонун — қоидаларга риоя қилишнинг энг кичиги вазн масаласидир.

Хитоба (риторика)да ҳам тақлидий нарсалар ишлатилади. Шуниси борки, бу хил нарсалар кўпчиликка жуда ҳам яқин, аён ва машҳурдир. Балки шунинг учун ҳам нотиқларнинг кўп табиатларида асли шеърий мулоҳаза юритиш қобилияти бўла туриб, хитоба талаб қилганидан ортиқроқ даражада тақлидни ишга солмоқчи бўлганлар ва шу билан хатога йўл қўйганлар. Аммо уларнинг бу мулоҳазаларига ҳеч ким ишониб қарамаган, балки, аксинча, уларнинг бу хил сўзлари кўпчилик назарида жуда муболағали хитоба сифатида қабул қилинган. Аслини олганда эса, уларнинг бу сўзлари шеърий мулоҳазаларнинг ўзигина бўлиб, нотиқлар бунда фақат хитоба йўлидан бормасдан, балки шеърий йўлга майл қўйган эдилар, холос.

Кўпчилик шоирлар ҳам ўз фикр — мулоҳазаларини бошқаларда қаноат ҳосил бўладиган даражада ифодалаш қобилиятига эга бўладилар. Улар ўзларининг ўша қониқарли мулоҳазаларини шеърий йўл билан ифода этганлар¹⁷. Бунинг оқибатида булар кўпчилик наздида шеър билан битилгани учун уни шеърий асар сифатида қабул қилганлар. Ваҳоланки, аслида у хитобий бир мулоҳаза бўлиб, ўша шоирларнинг шеърий йўлдан чекиниб, хитобий йўлга майл этганлари эди, холос.

Нотиқлар, кўпинча, ўз нутқларида мана шу икки ҳолатни жамлаган бўладилар¹⁸. Кўпчилик шоирларда ҳам аҳвол худди шундай. Масалан, мавжуд шеър ва шеърий мулоҳазаларнинг ҳаммаси нима ҳақда сўз кетаётган бўлса, ўшаларга бориб тақаладиган нарсалардан тузилган бўлади. Нарсаларга тақлид этиш эса ҳам феъл билан, ҳам мулоҳазалар билан билдириш йўлида амалга оширилади. Феъл билан юзага келадиган тақлид икки хил бўлади: уларнинг бири шуки, инсон ўз қўли билан бирор нарсага ўхшаган шаклни ясайди,

чунончи, инсон бировнинг тимсолини ишлаб, уни муайян бир кишига ёки бошқа бирор нарсага ўхшатмоқчи бўлади. Ёки бўлмаса инсон бирор бошқа одамнинг хатти—ҳаракатига ўхшаган ҳаракатлар қилади. Сўз билан юзага келадиган тақлид шундаки, у ўша сўз бораётган ҳаракатлардан бирортасига ташбеҳ қилинган сўзлардан тузилган ё айтилган бўлиши керак. Бу сўзлар ўша нарсалар ташбиҳ қилинган ҳаракатларга ишора қилади ва ўша нарсалардан тузилган сўз сифатида хаёл ҳам қилинади. Ва бу ҳаракат ё ўша нарсаларнинг ўзида ёки бошқа нарсаларда бўлади, деб хаёл қилинади.

Шундай қилиб, сўз — мулоҳаза билан бўладиган тақлид—ташбиҳ ҳам икки турли бўлади: бир турида тақлид ўша нарсанинг ўзида деб тасаввур қилинса, иккинчисида эса бир нарсанинг борлигини бошқа нарса орқали тасаввур қилинади. Бу ҳол илмий мулоҳаза юритилганда худди шундай бўлади. Буларнинг бирида нарсанинг ўзида борлиги ҳақида маълумот беради, чунончи, айтайлик, таъриф; иккинчисида эса, бир нарсанинг борлиги бошқа бир нарсанинг борлиги билан юзага келиши ҳақида маълумот беради. Масалан, айтайлик бурҳон—исбот. Демак, бундан маълум бўлишича, исботда илм, тортишувда иккиланиш, хитобда ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеърятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади. Баъзида инсон феъли кўпроқ хаёл суришга боғлиқ бўлади. Бу шундайки, инсон бир нарсани бошқа нарсада бор, деб тасаввур қилади. Бунинг натижасида у нарсаларнинг борлигини ҳис ва исбот тасдиқлагандагина унинг ўша нарсада борлигига ишониб ўшандай қилиш мумкин. Ҳатто бу ишда унинг борлиги ёлгон бўлиб, фақат хаёл қилинган тақдирда ҳам бу ҳаракат — феълни амалга оширади. Чунончи, одамлар айтишади—ку, агар киши бирор нарсага назар солса, у нарса унинг хуш кўрмайдиган нарсасига ўхшаган бўлса, у ҳолда унинг тасаввурида ўша заҳотиёқ бу нарсани хуш кўрмаслик ҳисси пайдо бўлади. Шу билан ҳалиги киши у нарсадан ўзини авайлаб—асраб, четлатиб юришга урунади. Ваҳоланки, аслини олганда бу нарсанинг ўзи ўша хаёл қилингандай ёмон нарса бўлмаслиги ҳам мумкин¹⁷.

Мулоҳазалар ичида тақлид ишлатилган гапларни эшитган одамда ҳам худди шундай ҳолат пайдо бўлади. Бунда у бир нарсада бирор бошқа нарса тимсолини кўз олдига келтиради. Бу эса, ўз навбатида, у нарсани ўша киши илгари ўз кўзи билан кўрган бўлиши ва шунинг учун ҳам у нарсанинг тимсоли унинг кўз олдига келган бўлиши мумкин. Бордию, агар ўшанда у кишига бирор нарсанинг ўзини сўз билан тавсифлаб берилса борми, унда ўша сўз мулоҳазаларда ўзи илгарилари тасаввур қилиб юрган бошқа нарсаларнинг тимсолини кўз олдига келтиради. Шу тариқа ўша сўз – мулоҳазаларда ишлатиладиган ҳар бир нарса ичида яхшилик ё ёмонлик, адолатсизлик ё тубанлик ва ё бўлмаса, ҳалолликни тасаввур қилганига ўхшаб келади. Шундай қилиб, инсоннинг феъл – атвори кўпроқ ўзининг хаёлларига боғлиқ бўлади. Булар, албатта, унинг билим ё андишасига боғлиқ бўлади. Аммо шуниси ҳам борки, кўпинча, унинг билим ва андишаси хаёлидаги нарсаларга тескари келиб ҳам қолади. Бундай пайтларда унинг феъл – атвори ўз билим ва андишасига кўра эмас, балки хаёлига кўра иш тутади¹⁸.

Бас, шундай экан, хаёлга келган сўзлардан кузатилган мақсад ҳам эшитувчини унинг хаёлига келган нарсани қилишни ундашдан иборат бўлади. Унинг хаёлига келган нарса ё исталган нарсалардан бирига интилиш, ё бўлмаса, ундан қочибдан, унга мойил бўлиб берилиш ва ё бўлмаса, уни ёмон кўриш, ё ундан ёмонлик ёки яхшилик кутиш каби ишлардан иборат ҳис пайдо бўлади. Ўша нарсалардан унинг хаёлига келадиган нарса хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ нотўғри бўлсин унга бунинг фарқи йўқ. Шунда иш ҳақиқатан хаёлига келган йўсинда бўлганмиди ёки хаёлига келгандек бўлмаганмиди, бунинг ҳам фарқи йўқ, масаланинг бу томонига қаралмайди. Бу худди бир киши ўзи бажараётган ишини бир нарсага тақлидан қилаётган бўлса, у баъзан ўша тақлид қилаётган нарсанинг айнан ўзини бажараётгандек бўлади. Баъзан эса инсон ўзи тақлид қилаётган нарсага тақлид қилаётган нарсанинг ўзини бажарган бўлади. Чунончи, у *Зайг*¹⁹нинг афт – ангорини акс эттирган ҳайкал тимсолини ишлаган бўлиши мумкин. Шу билан бирга у Зайднинг тимсоли акс этадиган кўзгуни ҳам ясаган. Худди шунингдек, биз, эҳтимол, Зайдни

танимаслигимиз ҳам мумкин, лекин биз унинг ишланган тимсолини кўриб, уни билиб оламиз. Биз бунда Зайднинг ўзининг шаклини эмас, балки унинг афт – ангорига тақлид қилганини, яъни ўхшатишнинг кўриб, билиб олдик. Кўпинча, биз унинг тимсолини – шаклини кўзгуда акс этиб турганини кўрамиз. Шунда биз уни ўхшатилаётганига ўхшаб қолганидан билиб оламиз. Бу ҳолда биз Зайд шакли ҳақиқатини билиш борасида икки поғона узоқлашган бўламиз. Худди мана шунинг ўзи мулоҳазаларни тақлидга илаштирадиган томонлардан саналади. Бу мулоҳазалар баъзан ўша нарсаларга ўхшаган нарсалардан тузилган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан эса бу тузилган нарсаларнинг ўзи, ўз навбатида, унинг ўзига ўхшайдиган нарсалардан, бу ҳам ўз навбатида, унинг ўзига ўхшаган нарсалардан тузилган бўлиши ҳам мумкин. Натижада тақлид – ўхшатиш борасида нарсалар аслидан бир неча поғона узоқлашади. Ўша мулоҳазалар хусусида ҳосил қилинган нарсалар тасавури мана шулардан иборат. Бу тасавурларни ҳосил қилишга эса мана шу каби қатор поғоналар илашиб келади. Ҳар бир нарса бир нарсага бевосита ўхшаган бўлгани учун у нарса тасаввур қилинади. Ёки бўлмаса, бир ёки икки нарса воситаси билан тасаввур қилинади. Бу эса ўхшатиш нарсасига билдирилган мулоҳазаларга кўра бўлинади. Кўпчилик одамлар аслига яқин бўлган нарсаларга тақлид қилишдан кўра аслидан узоқ бўлган нарсаларга бўлган тақлид – ташбиҳни энг мукамал ва афзал бўлади, деб ўйлашади. Уларнинг фикрича, бундай ҳолатда туриб мулоҳаза юритувчилар тақлид борасида ишловчилар орасида энг лаёқатли киши саналади, ундай киши бу санъат аҳлига жуда муносиб келади ва тақлидни ўз йўлига мослаб улардан фойдаланади²⁰.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ
(973–1048)

Абу Райҳон Беруний Хоразмнинг Ҷиёт шаҳрида туғилган, 22 ёшида ўз ватанидан чиқиб кетган (Берун – «ташқари» нисбасига эътибор беринг). Журжонда ва бошқа ўлкаларда яшаган. Шартли равишда Маъмун академияси деб номланган илмий анжуман фаолиятида муҳим рол ўйнаган. Фаннинг элликдан ортиқ соҳалари бўйича илмий тадқиқотлари маълум.

Абу Райҳон Берунийнинг бағиий адабиётнинг назарий масалаларига бағишланган "Фазл аҳлининг шеърда айтилган фикрларини баён қилиш китоби", "Танланган асарлар ва шеърлар китоби" маълум. Шунингдек, буюк қомусий олим "Ҳиндистон", "Маъданшунослик", "Китобу-с-сайдана" асарларида ҳам санъат ва адабиёт муаммоларининг айрим қирраларига очиқлик киритган. Қуйида олимнинг "Ҳиндистон" (тўла номи "Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби") асаридан ҳинд шеър илмига оид фасл тавсия қилинди.

**«ҲИНДЛАРНИНГ ГРАММАТИКА ВА
ШЕЪР ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАРИ БАЁНИ»дан**

Илмлардан шу икки фан¹ бошқа илмларни ўрганишга восита бўлади. Ҳиндлар Въякарана² деб аталадиган тил илмини бу икки фаннинг олдига қўядилар. Въякарана – уларнинг сўзларини тузатадиган наҳв, хат ёзишда балоғатли, нутқ сўзлашда фасоҳатли, етук ва уста қиладиган иштиқоқ³ илмидан иборатдир. Биз бу илми ўргана олмадик, чунки бу биз ўргана олмаган асл илдиэ, яъни луғат ва тилнинг шохобчасидир...

Ҳиндларнинг айтишларича, уларда наҳв илмининг бошланиши мана шундай бўлган: уларнинг подшоҳларидан Самалвоҳана, дурустроқ айтилиши Сотавоҳана исми бир подшоҳ бир куни ҳовузда хотинлари билан ўйнашиб туриб, уларнинг бирига: "Моудакам деҳи", яъни менга сув сепма, деган. Хотин: "Подшоҳ, модакам деҳи, яъни ҳолва олиб кел, деяпти", деб гумон қилиб, ҳолва олиб келган. Подшоҳ:

«Сенга ҳолва келтир демадим – ку» деганида, хотин дағал гапириб, кўпол жавоб берган. Шу сабабли подшоҳ хафа бўлиб, ўз ўргаларидаги одатга кўра, овқат емай пардага кириб олган, ниҳоят, ҳинд олимларидан бири подшоҳнинг олдига келиб, унга наҳв ва сарф илмини ўргатишга ваъда қилиб, унинг ғам ва ғуссасини кетказган. Ўша олим *салавот* ва *тасбеҳ*⁴ айтиб, рўза тутиб, ялиниб – ёлбориб Маходевага борган. Охири Маходева унга кўриниб, *Абул Асаг Дуалий*⁵ араб тилида тузган қоидалар сингари энгил қоидаларни унга ўргатиб, бундан кейин шохобча қоидаларини ўргатишни ваъда қилган. Олим подшоҳ олдига қайтиб келиб, унга ўша қоидаларни ўргатган. Наҳв илмининг бошланиши ана шундай бўлган.

Бу илм (яъни наҳв илми – Ҳ.Б.)дан кейин *чанга*⁶ деган илм келади. Чанда аруз илмига муқобил турадиган шеър вазнларидан иборатдир. Ҳиндлар чандага жуда муҳтожлар, чунки улар китобларини назм билан тузишни мақсад қилиб олганлар. Чунки кишининг кўнгли келишган ва тартибли ҳар бир нарсага қизиқади, тартибсиз нарсдан нафратланади. Шунинг учун ҳиндларнинг кўплари маъносини билмасалар ҳам, манзум асарларни берилиб ва қизиқиб ўқийдилар, шодланиб – ўйнаб бармоқларини шақиллатадилар. Ўрганиш осон бўлса ҳам, *сочма*⁷ асарларга рағбат қилмайдилар.

Уларнинг кўпроқ китоблари *шлока*⁸лардан иборатдир. Мен *Иқлидус ва (унинг) Алмажастий*⁹ китобини ҳиндларга таржима қилиб кўрсатишда ва асролаб санъатини ёзиб беришда шу шлокалар сабабли қийналмоқдаман. Чунки илм тарқатишга ва уларда йўқ илмнинг уларда ҳам бўлишига қизиқаман. Агар ўзларида йўқ илмий бир нарса уларга қолса, унинг маъносини фаҳмлаб бўлмайдиган шлокаларга солиб ишлаш билан шуғулланадилар. Чунки назмда такаллуф ва қийналишга эҳтиёж тушади. Бу ҳол уларда ишлатиладиган сонларни баён қилганимизда равшан бўлади. Бўлмаса, асролаб санъатини сочмалигича ёзишга уринилади. Лекин улар сочма асарга нафрат билан қарайдилар. Улар тўғрисида гапираётганимизда Худо менга инсоф ва адолат берсин.

Чанда, яъни шеър вазни санъатини дастлаб Пингалу ва Чалиту юзага чиқарган. Бу бобда ишланган китоблар кўп. Уларнинг энг машҳури "Гайситу" китоби бўлиб, тузувчисининг исми билан берилган, ҳатто аруз ҳам шу исм билан аталган...

Улар Халил ибн Аҳмад ва арузчиларимиз тасвирлаганидек, ҳарфларни санашда сукунли (ҳаракатсиз) ва ҳаракатли ҳарфларни мана шу икки белги /< билан тасвирлайдилар. Буларнинг биринчиси, яъни сўл томондагиси (чунки улар сўл томондан ёзадилар) *лағху*¹⁰ деб аталади. Бу енгил демақдир. Иккинчиси, яъни ўнг томондагиси *гуру* деб аталади. Бу оғир демақдир. Оғир вазннинг миқдори аввалгининг, (яъни енгилнинг) икки баробари бўлиб, икки енгил бир оғир ўрнида туради ...

Сўнгра мен сенга айтсам, бизнинг арузчиларимиз шеър ясаш учун феъллар (афойл)дан қолиплар тузганлари ва сўзларнинг ҳаракатли ва сукунли ҳарфларни рақам билан баён қилганлари сингари ҳиндлар ҳам енгил ва оғирни олдин ва кейин қўйиб, ҳарфларнинг сонига эмас, миқдор ва ўлчовларида вазни сақлаш билан енгил ва оғирдан таркиб топган калималар учун номлар тайин қиладилар ва шу номлар билан белгиланган вазни кўрсатадилар. Миқдор ва ўлчовдан мақсад шуки, *лағху* бир миқдор, *гуру* эса икки миқдордир. Шундай ёзувдаги сонга қаралмайдию, ўлчовдаги сонга қаралади. Масалан, *мағгли*¹¹ ва *танвинли*¹² ҳарфларнинг ҳар бири ёзувда битта бўлса ҳам, маддлиси сокин ва ҳаракатли, танвинлиси ҳаракатли ва сокин деб ҳисобланади...

Юнонлиларнинг китобларидан тушунишимизга кўра, улар шеър *оёқларида*¹³ ҳиндлар йўлида юрганлар. Чунки Жолинус ўзининг "Катожанус" китобида шундай дейди: "Менекратос юзага чиқарган турли ширалар билан тайёрланган дорини Демократес вазнга туширилган уч мисрали шеър билан тавсиф қилган"...

АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙ (X аср)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад б. Аҳмад б. Юсуф Котиб Хоразмий X асрда яшаган ва унинг бизгача етиб келган ягона асари «Мафотиху-л-улум» («Илмларнинг калитлари») сомонийлар сулоласининг учинчи вакили Нуҳ б. Мансур (975–997) халифалиги даврида ёзилган. Вазир Абул Ҳасан Убайдуллоҳ Утбийга бағишланган бу асар араб тилида битилган бўлса ҳам, унинг мундарижасидан муаллифнинг форс, юнон ва қадимги сурёний тилидан хабардорлиги маълум. Қомус шаклида ёзилган бу асарда ўша давр фанларининг муҳим соҳаларига оид атамаларнинг маънолари очиб берилган.

Асар икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимнинг 5–боби илми аруз, қофия ва саноеъга оид истилоҳларни ёритишга бағишланган. Боб ўз навбатида беш қисмдан иборат: 1–қисм мазкур фаннинг таркиби, аруз тизимидаги атамалар; 2–қисм аруз вариантлари ва иллатларнинг номлари; 3–қисм қофия ва унинг таркиби; 4–қисм мазкур атамаларнинг келиб чиқиши ва улардан фойдаланиш усуллари, 5–қисм шеърят танқиди ва ундан фойдаланиш йўллари ҳақида. Шунингдек, тўртинчи бобнинг 8–қисми «котибларнинг сўздан фойдаланишдаги маҳоратлари»га бағишланган.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий ўзигача яратилган араб тилидаги поэтик манбалар Халил б. Аҳмад луғати, Ибн Муътаззнинг «Илму-л-бадеъ», Қудам б. Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър» каби асарларидан унумли фойдаланган.

Қомуснинг Лейден, Берлин ва Лондон фондларида сақланувчи бешта қўлёмаси асосида яратилган танқидий матни голланд олими В. Флотен томонидан 1895 йилда нашр қилинган ва кўплаб Оврўпа тилларига таржима қилинган. Мазкур асар Ю. И. Крачковский, В. В. Бартольд, П. Г. Булгаков, М. Хайруллаев, Р. М. Баҳодиров, М. Зиёвуддинова томонидан ўрганилган.

«МАФОТИҲУ-Л-УЛУМ»дан

Бешинчи боб. Шеър илми. Аруз.

I бўлим. Аруз илми истилоҳлари ва унинг таркибий қисмларининг номлари ҳақида.

II бўлим. Арузда учрайдиган иллатлар ва зиҳофлар ҳақида.

III бўлим. Қофия ва унинг истилоҳлари зикри ҳақида.

IV бўлим. Истилоҳларнинг келиб чиқиши ва ишлатилишдаги ўзига хослик ҳақида.

V бўлим. Шеър танқиди ва мунаққидларининг сўз ишлатиш хусусияти ҳақида.

I бўлим. Аруз илми истилоҳлари ва унинг таркибий қисмларининг номлари ҳақида

Аруз¹ – бу байт биринчи мисрасининг охирги қисми. Бу сўз муаннасада бўлиб, аруз фани шу ном билан аталади. Агар байтнинг биринчи мисрасининг вазни маълум бўлса, бошқа қисмларини вазнга солиб ўқиш осон кечади.

Зарб – байтнинг охирги қисми.

Хафиф сабаб (енгил сабаб) – бу икки ҳарфдирки, уларнинг бири ҳаракатли, иккинчиси сукунли «қад» сўзи каби, унинг белгиси: 0 1

Сақил сабаб (оғир сабаб) – иккита ҳаракатли ҳарф: – – каби, унинг белгиси: 0 0 .

Шундай қилиб, мутахассисларда ҳаракатли ҳарфнинг белгиси думалоқ, худди «ҳойи ҳавваз» ҳарфига ўхшаш таёқча (чизиқча) – 0 1

Бирлашган ватаг (ал-ватагу-л-жамъ) – бу уч ҳарфдан иборат, улардан биринчиси ва иккинчиси ҳаракатли, учинчиси эса сукунланади: «лақад» сўзи каби ва унинг белгиси: 1 0 0

Ажралган ватаг (ал-ватагу-л-фаруқ) – бу уч ҳарфдан иборат, улардан биринчиси ва учинчиси ҳаракатли, уларнинг ўртасидаги сукунланади: «қал» сўзи каби ва унинг белгиси: 0 1 0

Кичик фосила (ал-фосилату-л-сағир) – тўрт ҳарфдан иборат, уларнинг белгиси учта ҳаракатли, тўртинчиси сукунланган: «ва лақад» сўзи каби ва унинг белгиси: 1 0 0 0

Катта фосила (ал-фосилату-л-кабир) – беш ҳарфдан иборат, уларнинг тўрттаси ҳаракатли, бешинчиси сокин: «маккана» сўзи каби ва унинг белгиси: 1 0 0 0 0 0

*Баҳр*² – аруз истилоҳларидан бири ва у ўн беш турга бўлинади:

Биринчи тури – тавил, унинг учта варианты мавжуд:

Биринчи варианты: унинг арузи мақбуз, зарби эса мабсут.

Иккинчи варианты: аруз – мақбуз, зарб ҳам мақбуз.

Учинчи варианты: аруз – мақбуз, зарб эса маҳзуф.

Тавил биринчи вариантынинг шакли шундай:

Фаъълун мафъълун фаъълун мафъълун

Фаъълун мафойилун фаъълун мафъълун

(Абу Манзир, сен барчани нобуд қилдинг, лекин улардан баъзиларини қолдир.

Сенинг раҳминг ёвузликнинг бир қисмидан енгил)³.

Иккинчи тури – мадиг, унинг олти варианты бор:

Биринчи варианты: аруз ва зарб – мажзу салим.

Иккинчи варианты: аруз маҳзуф, зарб эса мақсур.

Учинчи варианты: аруз ва зарб – мажзу маҳзуф.

Тўртинчи варианты: аруз мажзу маҳзуфдир, зарб эса маҳзуф мактуъдир.

Бешинчи варианты: аруз ва зарб – мажзу маҳзуф махбун.

Олтинчи варианты: аруз – мажзу маҳзуф махбун ва зарб – мажзу абтар.

Байтнинг мадиг баҳри биринчи вариантынинг шакли:
Фоъилолун фоъилун фоъилолун – икки марта

(Эй, Бакр авлоди, менга Кулайбни жонлантиринг!

Эй, Бакр авлоди, қаерга, қаерларга қочяпти?)

Учинчи тури – бу басит, унинг олти варианты бор:

Биринчи варианты: аруз ва зарб – салим махбун.

Иккинчи варианты: аруз – махбун, зарб – мақтуъ.

Учинчи варианты: мухалла бўлиб, унинг тўрт навъи бор:

Биринчи навъи: аруз – мажзу ва зарб – музал.

Иккинчи навъи: мухалла ва бу баситнинг тўртинчи варианты: аруз – ва зарб мажзу.

Учинчи навъи: мухалла ва бу баситнинг бешинчи варианты: аруз – мажзу ва зарб мақтуъ.

Мафотиху—л—улум

Тўртинчи навъи: мухалла ва бу баситнинг олтинчи варианты: аруз ва зарб мажзу мақтуъ.

Байтгаги басит баҳрининг биринчи вариантнинг шакли: Мустафъилун фоилун мустафъилун фоъилун — икки марта:

(О, Хари (Харис), мен сизлардан қонни (ғам бўлиши ҳам мумкин) кутмайман, у хоҳ оддий, хоҳ шоҳ йўлиқадиган).

Тўртинчи тури — вофир бўлиб, унинг уч варианты мавжуд:

Биринчи варианты: аруз ва зарб — мақтуфъ.

Иккинчи варианты: аруз ва зарб — салим мажзу.

Учинчи варианты: аруз мажзу; зарб эса маъсуб.

Биринчи вариантли байтнинг шакли:

Мафоъилатун мафоъилатун фаъълун — икки марта:

(Биз ҳайдаётган чорва жуда бой, уларнинг катта подасидаги шохлар худди таёқлар).

Бешинчи тури — бу комил бўлиб, унинг тўққиз варианты бор:

Биринчи варианты: аруз ва зарб — салим.

Иккинчи варианты: аруз — салим ва зарб — мақтуъ.

Учинчи варианты: аруз — тамм ва зарб — ахазз музмар.

Олтинчи варианты: /аруз ва зарб/ — мажзу мураффал.

Еттинчи варианты: /аруз ва зарб/ — мажзу музал.

Саккизинчи варианты: /аруз ва зарб/ — мажзу салим.

Тўққизинчи варианты: мажзу мақтуъ

Биринчи вариантли байтнинг шакли: Мутафоъилун — олти марта.

(Ҳушёрлигимда ҳам сахий бўламан,

Менинг хислатларим ва кенг қалблилигимни қандай англадинг).

Олтинчи тури — бу ҳазаж бўлиб, унинг икки варианты бор:

Биринчи варианты: аруз ва зарб — мажзу.

Иккинчи варианты: аруз — мажзу, зарб — мажзу эса маъзуф.

Биринчи вариантли байтнинг шакли: Мафоъилун — тўрт марта.

(Қабиланинг душманлардан ҳимоячиси ердаги илонлар экан).

Еттинчи тури — ражаз бўлиб, унинг беш варианты мавжуд:

Биринчи варианты: салим.

Иккинчи варианты: аруз — салим, зарб эса мақтуъ.

Учинчи варианты: аруз ва зарб мажзу.

Тўртинчи варианты: маштур.

Бешинчи варианты: манхук.

Биринчи вариантли байтнинг шакли:

Мустафълун — олти марта.

(Салманинг уйи, Сулаймага қўшни, ҳеч ким йўқ, бироқ излари Забур оятларига ўхшайди).

Саққизинчи тури — рамал бўлиб, унинг олти варианты бор:

Биринчи варианты: аруз — маҳзуф, зарб эса салим.

Иккинчи варианты: аруз — маҳзуф ва зарб — мақсур.

Учинчи варианты: аруз ва зарб маҳзуф.

Тўртинчи варианты: мажзу мусаббаъ.

Бешинчи варианты: аруз ва зарб — мажзу.

Олтинчи варианты: аруз — мажзу, зарб эса мажзу маҳзуф.

Биринчи вариантли байтнинг шакли:

Фоълотун фоълотун фоълун

Фоълотун фоълотун фоълотун

(Чириган плаш каби сендан кейин унинг уйининг ҳаммасини шимолдан тўхтовсиз келаётган шамол бузиб ташлади).

Тўққизинчи тури — сариъ бўлиб, унинг етти варианты мавжуд:

Биринчи варианты: аруз матвий мақтуъ, зарб эса матвий мавқуф.

Иккинчи варианты: аруз ва зарб — матвий мақтуъ.

Учинчи варианты: аруз — матвий мақтуъ, зарб эса аслам,

Тўртинчи варианты: аруз ва зарб — мақбул мақтуъ.

Бешинчи варианты: аруз — махбул мақтуъ, зарб эса аслам.

Олтинчи варианты: салим маштур мавқуф.

Еттинчи вариант: маштур машкуф.

Биринчи вариант байтининг шакли:

Мустафъилун мустафъилун фоъилун

Мустафъилун мустафъилун фоъилун

(Ровийларнинг Шом ва Ироқда кўрганларини Салманинг замонасида кўрмайдилар).

Ўнинчи тури — *бу мунсариҳ* бўлиб, унинг уч варианты мавжуд:

Биринчи варианты: аруз — салим, зарб — матвий.

Иккинчи варианты: манхук мавқуф.

Учинчи варианты: манхук мақшуф.

Биринчи вариантли байтининг шакли:

Мустафъилун мафъўлоту мустафъилун

Мустафъилун мафъўлоту мустафъилун

(Мисрда хайр — эҳсон тарқатган Ибн Зайд яхшилик қилишдан тўхтамаяпти).

Ўн биринчи тури — *бу хафиф* бўлиб, унинг бешта варианты мавжуд:

Биринчи варианты: аруз ва зарб — салим.

Иккинчи варианты: аруз — салим, зарб эса маҳзуф.

Учинчи варианты: аруз ва зарб маҳзуф.

Бешинчи варианты: мажзу маҳбун мақсур.

Биринчи вариант байтининг шакли:

Фоъилотун мустафъилун фаъилатун — икки марта.

(Бизнинг оиламиз Дурна ва Бодав ўртасида тўхтади, менга Улвийа ҳам Сихалда тўхтагандек туюлди).

Ўн иккинчи тури — *музориъ* бўлиб, битта варианты мавжуд: аруз ва зарб — мажзу.

Байт ва унинг шакли:

Мафоъйилун фоъилотун — икки марта.

(Мени Суад олдига чақиришди.

Суаднинг муҳаббати менинг давойимдир).

Ўн учинчи тури — муқтазаб бўлиб, унинг битта варианты бор: мажзу матвий.

Байт ва унинг шакли:

Фоълотун муфтаълун — икки марта.

(У тескари қараганда, унга худди дўл ёққандек кўринди).

Ўн тўртинчи тури — мужтасс бўлиб, унинг ҳам битта варианты бор: аруз ва зарб — мажзу.

Мустафълун фоълотун — икки марта.

(Унинг қорни таранг (силлиқ, тортилган), юзи эса ойга ўхшайди).

Ўн бешинчи тури — мутақориб бўлиб, унинг беш варианты мавжуд:

Биринчи варианты: аруз ва зарб — салим.

Иккинчи варианты: зарб — мақсур.

Учинчи варианты: зарб — маҳзуф.

Тўртинчи варианты: зарб — абтар.

Бешинчи варианты: аруз ва зарб — мажзу маҳзуф.

Байт ва унинг шакли:

Фаъълун — саккиз марта.

(Тамим, Тамим ибн Мурра ҳақида гапирадиган бўлсак, уни ширакайф ва уйқусираган ҳолда топадилар)...

Тўртинчи боб. Мавзу ва номларнинг келиб чиқиши ҳақида⁴

Асрам — олдинги тишнинг синиши.

Аслам — тешиги бор нарса.

Аҳсам — эчкининг орқага эгилган шохи.

Ажаим — шохи йўқ (эчки).

Мавқус — томоғи ингичкалашган.

Мажзул — туя ўрнагин жилдириш.

Аҳаззу—л—Ҳазз (сўзи)дан олинган бўлиб, бу тез кесиш (маъносини англатади).

Ахрам — бурунни кесиш.

Ахраб — харбдан олинган бўлиб, бурунни тешмоқ.

Аштар — қовоғни тешмоқ.

Маҳбул — қўлда юрмоқ.

Мусабағ — «субуғ» сўзидан олинган бўлиб, «камол», яъни «мукаммал» маъносини англатади.

Музал — «зайл» сўзидан, «дум» маъносида.

Мураффал — этакни узайтириш.

Муьоқаба — (от, туяга) минишдаги қийинчилик.

Муроқаба — юлдузларни кузатиш.

Ҳазм — туя бурнига ҳалқа тақмоқ.

Қатф — дарахтдан мева термоқ.

Қатиъ — дарахтдан мева узмоқ.

Махбун — ўгирилмоқ.

Манфуф — кўйлакни калталатмоқ.

Машкул — «шикол»дан: қийинчилик йўллари.

Маъкул — «иқол»дан олинган: «кишан» (бадавий бош кийими).

Маъсуб — «исоба»дан олинган: «рўмол».

Рамал — тўқилган патак, яна сайрда тез чопмоқ маъноси ҳам бор.

Ҳазаж — овозни яхшилаш ва қайтариш.

Мухаллаъ — кўли чиққан.

Манхук — кучсизланган, озиб кетган.

Мутановис — қофияда ҳаракатларни сиқиб чиқариш.

Бешинчи боб. Шеър танқиди⁵ ҳақида

Ташбиҳ — бир нарсанинг иккинчи бир нарсага ўхшаши. Умру—л—Қайс сўзи сингари: Қушларнинг ишлари олдидаги хўл ва қуруқ юраклари худди унноби ва қуритилган хурмога ўхшайди.

Истиъфа — худду у (Умру—л—Қайс) сўзидек тун васфиди: «У елкасини чўзиб, сағрисини қимирлатаётганида ва қийинчилик билан кўкрагини кўтараётганида унга гапирган эдик».

Мужонаса — турли маънодаги ики ёки ундан ортиқ ўхшаш сўзларнинг мослашуви:

«Чексиз саҳройи биёбонга қасамки, мен уни мудраб босиб ўтдим».

Мутобақа — бу «табақа» феълидан олинган бўлиб «туя орқа оёғини ўзининг олдинги оёғининг изига қўйиб юриши» маъносини беради.

Бу худди шоирнинг қуйидаги сўзидек:

Ажойиботлардан бири — бу ҳақиқатда ҳам қиличларимиз ярақи «қора» ўлимни тугади, бироқ қилич музаккарда — ку!

Бу ерда мутобақа «ярақи» ва қора ҳамда «туғади» ва «эркак» сўзларида яширинган қарама – қаршилиқдир.

Мазҳаб Каломий Абу Таммом сўзи каби: «Шон – шуҳрат сен қониққандек қониқмайди, қониқишдан ташқари (сендан) нима баланддир қониқиш олишга умид қилади».

Илтифот – («бурилиш») иккинчи шахсга мурожаатдан бевосита нутққа ўтилади ва тесқари».

Жарир сўзи каби:

«Зу – Тулуҳда чодир бўлганда – Эй, чодирлар, устингизга ёмғир ёғсин!».

Яна бир байти:

«У тишларини башам шохлари билан силиқлаган кунни сен унута оласанми? Башам дарахти сугорилсин».

Иътироз (эътироз) – Жаъдий сўзи каби:

«Бану Саъд қабиласи таъкидлашича, мен, улар алдаяпти, ёшим катта бўлиб қариб қолган эмасман». Бу ерда «улар алдаяпти» (сўзи эътироздир).

Ружуъ. Башшор сўзи каби:

«У ўз онасини ҳимоя қилиб, мени амир олдида ҳақоратлаганидан хабардорман, энди у мен учун амир бўла оладими?»

Тажоҳул – бирор кимсани ҳажв қилувчи сўзи каби:

«Агар доялар сути уни оталарининг олийжаноб ва нурли ҳаракатидан ўзгартирмаган экан, нима учун эр, кўпинча, хотинини олдида бўлмайди?»

Иънот – бу шоирнинг у учун юклатилган мажбуриятни ўз зиммасига олишидир.

Тасриъ – бу қасида биринчи байтидаги мисраъларнинг ўзаро қофияланиши.

Тариъ – байт мақтаъ (бўлак)ларининг қофияланишидир. Бу бир ёки икки байтда ички бўлақлар қофияланишидир.

Тасмит – тасмитли қасида ёки қасида мусаматада унинг барча бўлақлари қофияланади.

Итмом – Тарафа сўзи каби:

«Баҳорги жала ва тинмай ёғаётган ёмғир, сенинг диёрингни, зарар етказмай, сув билан қондирди». «Зарар етказмай» деган ифода итмом.

ШАМСИДДИН ҚАЙС РОЗИЙ
(XII—XIII аср)

Тўла номи Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс Розий. Эроннинг Рай шаҳрида туғилган (санаси номаълум). Унинг ҳаёти воқеалари 1205 йили Бухорога келганидан бошлаб илм аҳлига маълум бўлган. 1207 йили Хоразм шоҳи Муҳаммад Хоразмшоҳ Бухорони забт этганида, олимни Хоразмга таклиф этган. 1207–19 йилларда Хоразмда шоҳ саройида яшаган. Мўғул истилоси туфайли 1219–26 йиллари Ироққа ҳижрат қилган. Сўнгра Форс (Эрон)га келиб, ҳукмдор Атобак Саъд ибн Зангий ибн Мавдуд хизматида бўлган. Китобининг бир ўрнида унинг ўғли Абубакр ибн Саъд олимга эҳтиром кўрсатгани ва 1238–39 йиллари Баҳрайн ва Уммонни фатҳ этгани айтилади.

1233 йили «Ал-Мўъжам фи маъойири ашъори-л-ажам» («Ажам шеърлари андозалари луғати») асарини ва унга илова равишда «Тибъёну-л-луғата-т-турки ало лисону-л-қанғали» («Турк тилининг қанғали тилидаги муфассал баёни») асарини ҳам эълон қилган. Бундан ташқари «Ал-уйуб фи муқаффий ашъору-л-араб» («Араб қофиясининг айблари») китобини ҳам ёзган. Олимнинг барча асарлари араб тилида бўлгани учун у Форсга келгач, замондошларининг илтимоси билан машҳур асари «Ал-Мўъжам фи маъойири ашъору-л-ажам»ни форс тилига ўгирган ва тўлатган. Айрим манбаларда асар «Ҳадоийику-л-мўъжам» («Сўз (луғат)ларнинг боғчалари») деб ҳам юритилади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, аввалги қисми «аруз фани ҳақида», иккинчиси «шеър илми ва қофия маърифати»га бағишланган.

«Ал-Мўъжам фи маъойири ашъору-л-ажам» («Ажам шеърлари андозалари луғати») асарининг аввалги қисмидан намуналар келтирилди.

«Ал-Мўъжам...»дан
АВВАЛГИ ҚИСМ

Аруз фани ҳақида

Ва бу қисм тўрт бобдан иборат: аввалги боб аруз маъноси ва аркон шарҳи, номлар ва лақаблар ҳақидаким, бу фан илм аҳли орасида истилоҳдадир¹.

Иккинчи боб ажзоъ (жузвлар) ва авзон (вазлар) зикридаким, аруз аркони таркибидан ҳосил бўлгай.

Учинчи боб *тағйирот*² зикридаким, *ажзоънинг афойил фуруълариға*³ қўшилган ҳолида вужудга келгай.

Тўртинчи боб қадим ва ҳадис (янги) баҳрлар зикри, доиралар нақши, байтлар *тақтиъи*⁴ ва баҳр жузвларини бир – биридан фарқ қилиш тўғрисида.

АВВАЛГИ БОБ

Аруз маъноси ва аркон шарҳи, номлар ва лақаблар ҳақидаким, бу фан илм аҳли орасида истилоҳдадир.

Билгилки, аруз манзум сўз мезонидир, наҳв мансур сўз мезони бўлгани каби. Ва уни шунинг учун аруз ўқийдиларки, шеърни унга арз қиладилар, токи мавзун (ваззли) шеър номавзун (вазнсиз)дан аниқ бўлсин ва мустақим (тўғри) номустақим (нотўғри)дан саралансин.

Ва у фаулдирки, мафъул маъносида, *рукуб-маркуб* ва *ҳулуб-маҳлуб* маъносида бўлгани каби.

Ва аруз вазни биносини «фо», «айн» ва «лом»дан иборат қилиб қурдилар. Чунончи, араб тили авзони биноси, луғавий ва шеърый авзон бир тартибда бўлсин, яъни луғавийлар айтурлар: зарб – феъл вазнида, зориб фоил ва мазруб – мафъул вазнидадир. Арузийлар айтурлар, *нигорино* «мафъыйлун» вазнида, *нозанино* «фоилотун» ва *дилдори ман* «мустафъилун» вазнидандур. *Танвин* «нун»ини аруз афойилида ёзадилар, токи ёзув ва талаффуз авзони ҳарфлар сониде тенг бўлсин ва баҳрлар жузвларини бир – биридан ажратганда янглишмасинлар.

Шеър *жинслари*⁵ ва *вазларини* билиш учун бу фаннинг аҳамияти катта ва у ҳақиқий шеърни ноҳақиқийдан ажратишда яхши меъёр ҳисобланади. Ва баъзи калтафаҳм

шоирлар айтадилар, аруз илмидан мақсад шудирки, мардум назм каломига қодир бўлсин ва мавзун сўзни номавзундан ажратиш учун юксак диднинг бўлишига эҳтиёж йўқ. Ва шуурсиз (дидсиз) шоирни, унда вазн истеъдоди ва маърифат завқи бўлмаса, аруз илми фойдасиз ва уни ўрганишга эҳтиёж йўқ деб ҳисобласа, бу жуда катта хато ва нодонлик аломатидир ва унга амал қилувчи на шоирлик илми сирларидан огоҳ бўлади ва на илмлар маърифатию фойдасидан баҳраманда бўлади...

Ва билиш лозимдирки, арузийлар аввалги мисраъдаги биринчи жузвни *садр* ўқийдилар ва сўнги жузвни *аруз* дерлар, иккинчи мисраъдаги аввалги жузвни *ибтидо* ўқийдилару охирги жузвни *зарб* дерлар ва садру аруз ҳамда ибтидою зарб орасидаги жузвни *ҳашв*⁶ ўқийдилар...

Ва садру ибтидо лафзидан мақсад мисраълар аввали эрур ва истилоҳий номларни бир – бирдан фарқ қилишдир. Ва мумкин эрурки, ҳар икки мисраъ дебодчасини садр ё ибтидо ўқирлар ва аммо аввалги мисраънинг охирги жузвини *аруз* ўқийдиларки, гўё байтнинг асоси удир. Ва *аруз* чодир чўшидирки, уни устувор қўядилар ва биринчи мисраъ шу жузв билан тамом бўлади. Ва маълум бўлғайки, бу байт қайси вазн била рост келгай ва қайси баҳрдан келиб чиққай, иккинчи мисраъни ҳам шу қоидага биноан қурадилар, токи шеър бўлғай. Байтнинг охиридаги жузвни шунинг учун зарб ўқийдиларки, *зарб* ва *зариб* – араб тилида *навъ* ва *мисол* эрурким, байт охиридаги сўзлар баъзан сифат ўхшашлигига эгадирлар ва, аксарият ҳолларда, бу жузв қофия билан рост келур. Ва қофия ҳам шеър *навъ*дурким, унга қофия қисмида шарҳ берилгай...

Аруз авзонининг асоси уч рукндан иборатдир: *сабаб*, *ватаг* ва *фосила*. *Сабаб* (сўзининг луғавий маъноси) арқон бўлса, *ватаг* (сўзининг луғавий маъноси) қоziқча ва *фосила* (сўзининг луғавий маъноси) икки этак орасидир.

Ва сабаб икки турлидир: *хафиф* (енгил) ва *сақил* (оғир). Сабаби хафиф (енгил сабаб) бир *мутаҳаррик* (ҳаракатли) ва бир *сокин* (ҳаракатсиз) ҳарфлардан иборат, масалан, «дам» ва «нам». Ва уни шунинг учун хафиф ўқийдиларки, лафз учун енгил келгай ва нутқ асбоби унинг талаффузидан тез фориг бўлғай. Ва бу рукннинг «син»га ўхшатилишига сабаб

шуки, чодирнинг арқонини гоҳида тўлалигича тортадилар, гоҳида қисқароқ қиладилар. Шунингдек, бу рукни арузнинг баъзи афойилларида тўлалигича ва дуруст ҳолда келтирадилар ва баъзида эса *хабн⁷* у қасрда қисқартирадилар ва унга сокинни жойлаштирадилар, токи ўз жойида айтилсин.

Аруз авзони усуллари орасида бу рукнга ўнта мисол бор: *фоилун* ва *фоилотундан «фо»* ва «*лун*», *мустафъилундан «мус»* ва «*таф*», *мафоийлундан «ий»* ва «*лун*», *мафъулотундан «маф»* ва «*у*», *фоилотундан «ло*», унинг шакли бир кўзли «*ҳо*»га ўхшашдир ва ҳинд маъхазларида уни «*сифр*» ўқийдилар. Ва «*алиф*» дурки, *жумал⁸* ҳисобида уни бирга ўхшатулар. Бу мисолда: ўн—«*ҳо*»—ҳаракатли ҳарф ва «*алиф*» сокин ҳарф белгиси...

Ва сабаби сақил икки ёндош мутаҳаррик ҳарфлардан иборатки, у ҳеч қачон сокинли талаффуз қилинмайди. Масалан, «*ҳама*» ва «*рама*»даги «*ҳо*» ҳарфи талаффуз этилмайди. Ва уни шунинг учун «сақил» ўқийдиларки, икки ёндош мутаҳаррик ҳарф талаффузда бир мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан оғирроқдир. Ва аруз афойида унга мос келувчи икки мисол бор: *мафоилатундан «ила»*, *мушафоилундан «мута»* ва унинг аруздаги шакли икки сифрдан иборатдир, яъни 00⁹.

Ва ватад ҳам икки навълидир: *мақрун¹⁰* ва *мафруқ¹¹*. Ватади мақрун икки мутаҳаррик ва бир сокиндан иборатдир, масалан, «агар» ва «магар». Ва унга кўра ҳар икки мутаҳаррик бу рукнда бир—бирига яқин бўлганлиги учун уни *мақрун* (яқин) ўқийдилар ва баъзан *мажмуъ¹²* ҳам дерлар. Бу рукнинг ватадга ўхшатилишига сабаб шуки, мих қанчалик чуқур қоқилса, шунчалик собит ва мустаҳкам бўлади ва бу рукн аруз афойида ҳамма рукнлардан кўра собит ва тугалдир. Ва тағйиротни, сабаблар қўшилганда, ундан кейин йўл топа олмас, агарки, байтнинг аввалида дастлабки ҳарфни кессалар ёки байт охирида сўнгги ҳарф ва ҳаракатни камайтирсалар. Ва унга аруз афойи усуллари орасида тўртта мисол бор: *фаулундан «фау»*, *мафоийлун* ва *мафоилатундан «мафо»*, *фоилун* *мустафъилун* ва *мушафоилундан «илун»*, *фоилотундан «ило»*. Ва унинг аруздаги шакли қуйидагичадир: 100.

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ
«ФУНУНУ-Л-БАЛОҒА»ган

IV. АЛ-ҲАННУ-Л-РОБИЪ ФИ АВЗОН-УШ-ШЕЪР¹

Билгилким, араб уламосининг иттифоқи бирла баҳр ўн олти келибтур. Ажам уламоси сўнгра *орий*² туруб, йигирма тўрт қилибтурлар. *Фааммо*,³ бу заиф тиладиким, ул азизларнинг пайдо қилган баҳрларини қаламга келтурса ва туркий иборат бирла баён айлаб, ҳар вазнға туркий байттин мисол келтурса.

Бу ҳавастин кўп нухаларни мутолаа қилди, нетокким "Арузи Қустос"⁴ ва "Арузи Ангулусий"⁵ ва "Меъёру-л-ашъор"⁶ ва бу тариқа нухаларнинг баҳрларинда кўп гаввослиқ қилдиқ. Эрса мулоҳаза андоғ туштиким, бу илмда уламо ихтилофи *басе*⁷ қилибтурлар. Баъзилар ўқсутубтурлар. Ва ул қоидаларким, уламоёи салаф қўюбтурлар, аларнинг қоидаси бирла амал қилсалар, ўн олти баҳр пайдо бўлурга *мақдури*⁸ бор. Ул сабабтин бу заиф ҳам андоғ ихтиёр қилдиким, бу баҳрларга аввал ўн олти баҳрким, мумкину – л – вужудтур, изофат қилиб, тамомин қирқ баҳр уза муқаррар айлаб ва ул ўн олти баҳрким, *мутақаддимлар*⁹ таркиб қилибтурлар, бурун они кўргузуб, ондин сўнгра *мутааххирлар*¹⁰ пайдо қилганни тағи эмди зиёда бўлган баҳрларни барчани бир *силк*¹¹ узра тортиб *мушарраҳ*¹² ва *мунаққаҳ*¹³ баён айлаб ва бу қирқ баҳрдин нечаси хосдур ва неча баҳрнинг асли зиҳофтин қўпор ва ҳар баҳрнинг муштарак шўъбаси нечадур ва хос шўъбаси қайсидур – мажмуъини собит қилиб, шарҳ қилсаким, барчаси ўқуған кишиларга маълум бўлса.

*Ва биллоҳи-л-авн ва-т-тавфиқ.*¹⁴

Фасл. Билгилким, баҳрнинг биноси аркон узадур. Ва аркон асдин қўпар. Ва аруз аҳлининг истилоҳи бирла асл олти келибтур. Они усули *ситта* ўқурлар. Ондин иккисини *сабаб* дерлар. Ва иккисин *ватағ* ўқурлар. Ва иккисини *фосила*. Аммо икки сабабтин бирисин *сабаби хафиф* дерлар. Ул икки ҳарф бўлур. Бириси мутаҳаррик, иккинчиси сокин, нетокким: «фо», «мо». Иккаласи мутаҳаррик, нетокким «ала» бўлғай. Ва иккиси ватаднинг бирисин *ватағи мажмуъ* ўқурлар. Ул уч ҳарф бўлур. Иккиси мутаҳаррик, бириси

сокин, нетокким: *фаал* бўлғай. Ва бирисин *ватади мафрук* дерлар. Ул ҳам уч ҳарф бўлғай. Аввал ва охири мутаҳаррик, ўртаси сокин, нетокким: «лот» бўлғай. Ва икки фосиланинг бирисин *фосилаи суғро*¹⁵ дерлар. Ул тўрт ҳарф бўлур. Уч ҳарфи мутаҳаррик, бириси сокин, нетокким: «*мутафо*» бўлғай. Ва бирисин *фосилаи кубро*¹⁶ ўқурлар. Ул беш ҳарф бўлур. Тўрти мутаҳаррик, бириси сокин, нетокким: «*фаалатун*» бўлғай. Ва бу олти аслни устодлар тартиб бирла *зобита*¹⁷ қилибтурлар. Ул бу дурур: «*лам*» – сабаби хафиф; «*ар*» – ватад, «*Али*» – мажмуъ; «*рааса*» – мафрук; «*жабала*» – суғро, «*самака*» – кубро.

Фасл. Бу олти аслдин секкиз аркон пайдо бўлурким, они аруз аҳли *ажзойи афойл*¹⁸ ўқурлар. Ва рукнини гоҳи жузв дерлар, гоҳи рукн. Ул секкиз рукннинг фикҳристи бӯдур: *фаулун, фоилун, мафоилун, фоилотун, мустафъилун, мафоилатун, мутафоилун, мафъулоту*.

Бу секкиз рукндин иккисини *хумосий*¹⁹ дерлар. Ҳар бириси беш ҳарфтин бўлур. Ва олти жузвни айюндерлар. Еттироҳ ҳарф бўлур. Бу секкиз рукн ул усули ситтадин бу тариқа қўборким, *фаулун* мулоҳаза қилсанг, ватади мажмуъ бирла сабаби хафифтан мураккабтур. "*Фай*" – ватади мажмуъ, "*лун*" – сабаби хафиф ва "*фаулун*" ҳам сабаби хафиф бирла ватади мажмуъдин мураккабтур.

Ҳо сиб алан – ватад. Бу икки жузв бири – бирининг *ухтидур*²⁰ул, *важҳдинким*, *иккаласининг таркиби мувофиқтур*. Мафойилун ҳар бир ватади мажмуъ бирла икки сабаби хафифтин мураккабтур. "*Мафо*" – ватади айюнд, "*ийлун*" – икки сабаб ва *фоилатун* ҳам икки сабаб, бир ватадгин мураккабтур, нетокким "*фо*" бир сабаб ила ватад, "*тун*" – бир сабаб.

Ва *мустафъилун* икки сабаби хафиф, бир ватади мажмуъдин мураккаб. "*Мустаф*" – икки сабаб ва "*илун*" – ватад. Булар барчаси бир – бирининг *ухтидур*.

Ва *мафоилатун* ватади мажмуъ бирла *фосилаи суғродин мураккабтур*. "*Мафо*" – ватад, "*илатун*" – *фосила*.

Ва *мутафоилун* ҳам *фосилаи суғро бирла ватади мажмуъдин мураккаб бўлур*. Икки жузв бир – бирининг *ухтидур*.

Фааммо. *Мафъулоту* ялғуз икки сабаби хафиф бирла ватади мафруктин мураккабтур: "*лот*" – ватади мафрук. Ва

мунунг ухти йўқтур, магар бир ваҳҳдин "фошлатун" анинг ухти бўлур, зероки "фоз" ватади мафруқ, "лотун" икки сабаб ва фошлатун ҳам бу жиҳаттин анинг ухтидур.

Ва мустафъилун тақи бу сабабтин анинг ухти бўла билур: *мус тафъ илун* – ватади *урога*²¹.

Фасл. Билгилким, бу секкиз рукни аркони солима²² дерлар. Ва ҳар солимдин музоҳифлар²³ қўпор. Солим они айтурларким, дуруст бўлса, нетокким асл *вазъи*²⁴ дур.

Ва зиҳоф улдурум, солимни бир иллат ва жиҳат бирла ўксутуб, тағйир ва табдил қилурлар. Ва бу баҳрларким пайдо бўлубтур, барчаси бу секкиз аркони солимадин қўпубтур. Ва не тариқа қўпор ани кўргузоли. Ва баҳрларнинг отин ва вазнин ҳам баён қилоли.

Билким, бу баҳрлар икки қисмдур. Бириси улким, баҳрнинг тамомин бошдин аёқ бир жузвдин таркиб этарлар, нетокким, ҳар мисраи тўрт қатла: *фаулун фаулун фаулун фаулун* келур, они *муттафиқу-л-ажзо*²⁵ ўқурлар, нетокким, бир мисраи тўрт қатла: *фаулун мафойилун фаулун мафойилун* келур – муни *мухталифу-л-ажзо*²⁶ дерлар. Ва шарт улдурум, ул икки жузвниким, таркиб этиб, баҳр қилурлар, бир – бирининг ухти керак. Агар бегона бўлса, бу тоифанинг қаршинда раво эрмас.

*Фи асмори-л-буҳур*²⁷: *мутақориб, мутагорик, ҳазаж, рамал, ражаз, вофир, комил, сақил, муқорин, мувофиқ, муталойим, мутаносиф, жадиғ, мадиғ, муҳит, басит, музореъ, мушокил, саҳих, сариҳ, ҳафиф, мужаннас, ажиб, ғариб, мунтахаб, муқтазаб, музҳар, музмар, мунсариж, мундариж, сариъ, бадеъ, қариб, солиб.*

*Фи-авзони-л-буҳур*²⁸. Биз ул *муттафиқу-л-ажзони* кўргузуб, андин *мухталифу-л-арконни* келтурули ва ибтидо "фаулун"дин қилоликим, ул барчадин садрдур. Ва барча баҳрларнинг тартибин бу қоида бирла риоят қилоли.

Билгилким, ҳар баҳр уч мартабадур: *аъло ва авсат ва агно*. Аълоси секкиз жузвдир. Они *мусамману-л-аркон* ўқурлар. Ва *авсати*²⁹ олти жузвдур. Они *мусағгасу-л-ажзо* дерлар. Ва *агноси*³⁰ тўрт рукндур. Они *мураббаъу-л-ажзо* атарлар. Ҳар жузвдин бир мисрағнинг мезонин битилди...

Фасл. Бу секкиз аркон олти аслдин не *тавр*³¹ пайдо бўлди билдинг. Ва баҳрлар бу секкиз аркони солимадин не

тариқа таркиб топти — они ҳам маълум қилдинг. Эмди ҳар рукни солимдин неча музаҳиф қўпор ва ҳар баҳрдин неча шўба ҳосил бўлур — барчасини баён қилиб, ҳар бирининг мисолдин ва шоҳидин келтурули.

Билгилким, аруз аҳлининг истилоҳи бирла ўтгуз беш зиҳоф келибтурким, бу секкиз аркони солимнинг нафсида амал қилурлар. Ва ҳар рукн тағйир ва табдил қилурлар ва бу зиҳофларнинг маъниғи луғавийсин шарҳ қилсоқ, баҳс ўзга ерга тушар, сўз мутаввал³² бўлур.

Эмди маъно истилоҳисини баён қилоли ва зиҳофнинг баёни бу турур: “Қабз” жузви солимдин бешинчи сокинни соқит қилмоқ. “Қаср” сабаби хафифнинг сокинни исқот³³ қилиб, ҳаракатин таскин қилмоқ турур. “Жазф” — сабаби хафифнинг тамомин соқит қилмоқ турур. “Салм” аввалғи ҳаракатни соқит қилмоқ турур. Хумосийда сарм—салм бирла қабзнинг ижтимоидур. Бир ҳазф қилгандин сўнгра қатъни айтурлар. “Қатъ”³⁴ ватаднинг сокинни исқот қилиб, мутаҳаррикин таскин қилмоқ турур. “Хабн” икинчи сокиннинг исқотидур. “Каф” бешинчи сокиннинг исқотидур. “Харм” аввалғи мутаҳаррикни соқит қилмоқ турур...

Фасл. Билгилким, бу баҳрларнинг ҳар биридан шўба ва зиҳоф кўп кўпор. Агар борининг натоийр ва амсолин кетурсак, асру мутаввал бўлғай деб андоғ иттифоқ қилдуқким, ҳар баҳрдин неким муншаибот ва музоҳифот ҳосил бўлур, борисининг вазнин кўргузуб, мисолин мавқуф қилоли ва баъзи матбуъ³⁵ вазн келса, мисолин келтурули ва баъзи асру номатбуъ вазн пайдо бўлса, гаройиб учун анинг ҳам мисолин кўргузоли ва мисол келтурган байтларнинг тақтиъ ва тақсмин баён қилоли ва бу қирқ баҳрдин уч баҳрни ихтиёр қилдуқким, ҳар бирининг мусамман ва мусаддас ва мураббаъининг солимин музоҳифотни тамом кўрсатиб, назир ва мисолин келтурули. Намудор учун то барча баҳрнинг қонуни маълум бўлғай ва ул уч баҳрким, ихтиёр қилдуқ — ҳажаз, рамал, ражаздуур.

Ул сабабтин бу уч баҳрни айирдуқким, буларнинг солими баса матбуъ ва хушояндадур³⁶ ва булардин кўп матбуъ шўбалар қўпор ва илмнинг муҳими тақтиъ билмактур ва тақтиъ удурким, байтни жузв—жузв ва тақсим этиб, ҳар жузвни ўз муқобиласиндағи рукн бирла ҳаракат

саканотин³⁷ мувофиқ қилмоқтур ва мунда эътибор лафзгадур, китобатқа эрмас.

Ҳар ҳарфким, талаффуз бўлур, ул тақтиъга келур ва ҳар ҳарфким, китобатқа келур, иборатга келмас, тақтиъга тақи келмас, нетокким "ва ҳува-р-ражал³⁸"нинг алиф ломи китобатта битилибтур, ўқурда лафзга келмас. Ани тақтиъ қилурда кетирурлар ва ҳар ҳарфким, мушаггаг³⁹тур, икки ҳарф санарлар, нетокким, "жагг⁴⁰" "жагаг" бўлур. Ҳар ҳарфким, мадд бирла келса, они ҳам икки ҳарф санарлар, нетокким, "самакатун". Ва ҳарфи иллатким, "вов" "бо" дур, қоидаи куллийн аввалдурким, гоҳи битилмаган бўлса ҳам, тақтиъда рост келмаса, кетирурлар. Ва гоҳи битилмаган бўлса ҳам, тақтиъ учун битирлар, то мезони рост бўлгай ...

АЛИШЕР НАВОИЙ
«МЕЗОНУ—Л—АВЗОН»дан

Комил ҳамд ва вофир¹ шуқр ул Сонибгаким², инсон хилқати байтининг назмин³ аносир⁴ тўрт рукни била тузди ва бу байт арконин назм аҳлининг солим таъб ва мустақим зеҳни икки мисраи била манзум кўргузди. Ва жаҳид наът ва қариби гуруг⁵ ул нозимгаким, олам аҳли интизоми учун шариат мезонини адл авзони била рост келтурди, то ул ростлик сақили ҳашр⁶ мезониға мадад еткурди...

Аммо билгилким, аруз фанниким, назм авзонининг мезонидир, шариф фандир. Невчунким, назм аҳлининг рутбаси бағоят бийик рутбадир. Андоқки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг каломи мажидига⁷ кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди била ростдур. Ул жумладин бири бу оятдурким: "Лан танолу—л—бир—ра хато илан"дур, "рамали мусаддаси маҳзуф" воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким: "Ва—л—мурсалоти урфан, фал—осифати асфан" ким, вазни: "мафъулу фовилотун мафъулу фовилотун"дур, "музореъи мусаммани аҳраб" воқеъ бўлубтур. Ва яна: "Жаннати агнин фадху луҳо холидин"ким, вазни: "мастафилун мустафилун мустафилун"дур ва "ражази мусаддаси музол" воқеъ бўлубтур. Ва каломуллоҳда кўп ерда бу навъ воқеъдур. Ва расул (САВ) аҳодиси⁸да дағи ҳам бу тариқ тушубтур. Ул жумладин бири будурким, "ман акрама олиман фақат акрамани"ким, вазни: "мафъулу мафоилун мафойлу фаул"дур ва рубоий вазнида "ҳазажи аҳраби мақбузу макфифи мажбуб" воқеъ бўлубтур.

Ва амири—л—мўъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳу⁹ нинг ашғори кўпдир, балки девони бор. Яна машойих ва замма ва авлиёуллоҳдин ҳам кўп азимуш — шаън элнинг назми, балки девони ва маснавий тариқи била китоблари борким, истишҳод¹⁰ға ҳожат эрмас, нечунким, ҳалойиқ қошида равшандурур ва ҳам сўз татвил¹¹ топар. Ва бу назмларнинг асли ва зобитаси аруз буҳур ва авзониға мавқуфдур.

Бас, собит бўлдимки, аруз фани шариф фандур. Ва буким, бу илми нечун "аруз" дедилар, мухталиф ақвол¹² бор. Ул жумладин, бири била иктифо¹³ қилилур. Ва ул будурким, Халил ибни Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возии¹⁴дур,

чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир води(й) эрмишки, ани "Аруз" дерлар эрмиш ва ул водида *аъроб*¹⁵ уйларин тикиб, жилва бериб, баҳога кийурурлар эрмиш. Ва уйни араб "*байт*" дер. Чун байтларни бу фан била қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била "*аруз*" дептурлар. Байтники уй оти бирла атаптурлар, муносабати муни дебдурларки, уйнинг чун биноси тўрт рукн биладур, бу байтнинг ҳам биноси тўрт рукн биладур, бу байтда ҳам маъни *ҳайсияти*¹⁶дин кўп нималар бўлур, ҳатто уйнинг маҳзунот ва махфиёти ўрнига ҳам муңда махфий ва *мактум*¹⁷ хаёлот ва маъони топса бўлур, бу муносабатлардин ани "*байт*" дептурлар.

Аммо маълум бўлсинким, аруз фани аҳли назм авзони биносин уч рукнга қўйуптурларким, аларни сабаб ва ватад ва фосила дептурлар...

Фасл. Чун авзон ва баъзи *зиҳофот*¹⁸ *фуруъи*¹⁹ким, муҳтожун илайҳ эди, билинди. Эмди билким, бухуреки, баъзининг такрори ва баъзининг таркиби баъзи била ҳосил бўлур, ўн тўққуздур, баъзи арабқа махсус ва баъзи ажамқа махсус ва баъзи муштарак ва турк шуаросига миллати истеъмолдин ҳеч қайси бу вақтқа дегинча махсус эмас эрмиш ва мулоийм таъблиғ нозимлар ҳар баҳр ва вазнда *кайфа муттафақ*²⁰ назм айтур эрмишлар ва аруз қоида ва зобитасидин оройи эрмишлар, то бу вақт Тенгри иноятидин турк тили била шеър ажам шуаросига махсус бухур ва авзондаги назм силкига кирди.

Аммо бухур *асомиси*²¹: *тавил, мағид, басит, вофир, комил, ҳажаз, ражаз, рамал, мунсариҳ, музорихъ, муқтазаб, мужтасс, сариҳъ, жағид, қариб, хафиф, мушокил, мутақориб, мутағорик*.

Аммо тавил ва мағид ва басит биноси икки мухталиф жузвгадур, бири хумосий ва бири субоий ...

Фасл. Шеър тақтиғи иборат андинурким, байт алфозини бир-биридин айирғайлар, ул навъким, байтнинг ҳар миқдори тенг тушгай ул биҳорнинг афъийлидин биригаким, ул байт баҳрда воқиъдур, ва тариқи будурким, мулоҳаза ҳаракатнинг нафсига воқиъ бўлғай, йўқким, аҳволиғаки, ул *фатҳа*²² ва *замма*²³ ва *касра*²⁴дур ва малфуз эътибор қилғай, йўқки мактуб, ва ҳар ҳарфки лафзда келгай, агарчи китобатда бўлмағай, тақтиғда ҳисобга

киргай, нечукким, мушаддад ҳуруф ва "алиф"декки, "ҳамза" ишбоъи²⁵дин ҳосил бўлур ...

<...> *Ғараз*²⁶ бу мақолотдин ва мақсуд муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким назм воқеъ бўлубтур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур ва ул фан ривожи учун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур. Бу *ҳужаста*²⁷ замондаким, замон *подшоҳи*²⁸ девон тартиб бердилар, муборак хотираларин шеър вазнига ва байт тақтиъига машғул қилдилар, бу жиҳатдин шеърнинг пояси етти кўқдин ўтти ва бу байтнинг мартабаси байтул ҳаромға етти; ҳар ойинаким, мулойим таъблиғ озодалар, балки қобил фаҳм ва зеҳник шаҳзодалар бу шариф илмға ишғол кўргузадур эрдилар ва бӯҳур авзони ва тақтиъи ва зиҳофоти ва *давৌири*²⁹ илмидинки, араб фусаҳоси ва аҷам *булағо*³⁰ ва шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурларки, онсиз бу фанга вуқуфе ва шууре бўла олмас, бу алфоз назмида йўқ эрди ва султони—с—салотиннинг муборак хотирлари мунга *мултафит*³¹ бўлуб, андоқки, китобнинг ибтидае воқеъ бўлмиш бўлса, эътироз била ўтмағайлар ва асбаб бўлди ва бу сабабдин бу илм зобитасига қалам сурулди.

Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатое воқеъ бўлмиш бўлса, эътироз ила ўтмағайлар ва ислоҳ қалами била тузатғайлар.

Рубоӣ:

*То чарх давৌиригин ўлғай айём,
То шеър хаёлотига йўқтур анжом.
То байт тарокибига бўлғай ибҳом*³²,
Топсун назминг била жаҳон аҳли низом.

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
(1483–1530)**

Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ ибн Умаршайх Андижонда туғилган. Ўн икки ёшида Фарғона тахтига ўтирган ва умрининг асосий қисми от устида (жангу жадалларда) ўтган. 1508 йили подшоҳ деб эълон қилинган, 1526 йили эса Ҳиндистонда буюк империя қурган. 1530 йили Аграда вафот этган, васиятига кўра, шоирнинг жасади 1533 йили Кобулдаги "Боғи Бобур"га кўчирилган.

Бобуршоҳ катта адабий–илмий мерос яратган бўлиб, унинг шеърлар мажмуаси, "Бобурнома" номли тарихий–қомусий асари машҳурдир. Булардан ташқари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг "Волидия" асарини шеърый таржима қилган. "Мубаййин" исмида диний–фалсафий асар яратган. Шу билан бирга "Илми мусиқий", "Ҳарб иши" номли рисоалар ва "Хатти Бобурий" номида янги алифбо тартиб берган.

Бобурнинг адабиёт илмига доир қарашлари, асосан, "Аруз рисоласи"да ва "Бобурнома"да акс этган. Арузга доир асари айрим манбаларда "Муфассал" деб номланган, "Мухтасар" номи билан нашр қилинган. Шеър илмига оид қарашлари "Аруз рисоласи" бўйича келтирилди.

(«АРУЗ РИСОЛАСИ»)дан

Билгилким, шеърнинг авзонининг мадори¹ уч жузв² биладур: сабаб, ватад, фосила. Сабаб икки навъдур: хафиф, сақил. Сабаби хафиф икки ҳарфдин мураккабдур. [Сабаби сақил] икки мутаҳаррик ҳарфтин мураккабдур, нечунким: гала ва рама, неча ва кеча. «Ҳо» ҳарфи, мундоқ калимотта моқабл³ ҳаракатининг изҳори учундур талаффузга келмас. Ватад ҳам икки навъдур: мажмуъ ва мафруқ. Баъзи мажмуъни мақрун ҳам дептурлар. Ватади мажмуъ уч ҳарфтин мураккабдур: икки ҳарф мутаҳаррик, учунчи сокин нечун: чаман ва саман, қуёш ва Қуёш⁴. Ватади муфруқ мураккабдур уч ҳарфтин: икки мутаҳаррик, бир сокин ораларида, нечукким, кунда ва тунда, унда ва мунда. Фосила ҳам икки навъдур: суғро ва кубро. [Фосилаи суғро]

тўрт ҳарфтин мураккабтур: уч ҳарфи мутаҳаррик, тўртунчи сокин, нечукким: *чи кунам ва фиганам – не қилай ва йиқилай.*

...Хожа Носир “Меъёру–л–ашъор”⁵да келтуруптурким, фосила алоҳида рукне эмас, балки фосилаи сугро мураккабдур сабаби хафифдин ва фосилаи кубро мураккабдур сабаби сақийл ва ватади мажмуъдин ва бу ажзонинг учунчи шаққи⁶ни келтурмайдур. Бас фосилаи узмо тартиб бўлғай уч сабабдин: икки сақийл, бир хафиф. Бас бунда шеър авзонининг мадори икки жузв била бўлғай: сабаб, ватад. Аруз[ий]ларнинг одати андоқтурким, мавзӯда бу ажзодин мураккаб абёт ирод қилурлар.

<...> Аруз аҳли қошида шеър авзони мутаҳаррики мутаволи тўрттин ортуқ мустаъмал эмастур. Тўртунчи ҳам заҳф тариқи била тушар. Бас, бу мазҳаб била шеърнинг авзонида фосилаи узмо бўлмағай. Аларким «а»ни уч эътиробор қилиптурлар ва аввал мутакаллификим, бу байтни айтиптур истилоҳдин вуқуфлари йўқ экандур, чун мавзун калом ҳар жузвнинг такроридин ала сабили–л–инфирод,⁷ мустаҳсани тибоз⁸ эмас эрди. Фусаҳо ажзони ҳар бири била таркиб қилиб рукнлар эътибор қилдилар. Бу аркон сувратга секкиздур, ҳақиқатта ўн. Арузийлар бу арконни усули афъийлу тафъил, авзони мавозин дерлар: фаъулун, фъилун, мафъийлун, мустафъилун, фъилотун, фоълотун, мавъулоту, мустафъилун, мафъи[ла]тун, мутафъилун.

...Билгилким ҳар тағаййорким усулға кирар ани зиҳоф дерлар. Ул рукни муғаййар⁹ни музоҳафу фуруъ дерлар. Бу тағаййор ё муфрад бўлур, ё мураккаб. Муфрад улдурким, бир рукнда бир навъ тағаййордин кўпрак воқит бўл[ма]ғай. Мураккаб улдурким, бир навъдин зиёда бўлғай. Зиҳоф рукннинг мутаҳаррикени сокин қилмоқдур, ё рукндин ўксутмак, ё рукнга орттурмоқ, аъам¹⁰ андинким бир ҳарф ё кўпрак ўксутулғай, ё орттурулғай. Бу зиҳофотқа алқоб қўйубтурлар. Жамиъ зиҳофот қирқ тўрттур: *измор, асб, вақф, хабн, тайй, қабз, кафф, касф, ташъис, жазм, ғасб, салм, ҳазф, ҳазаз, салм, рафъ, жабб, қаср, вақс, ақд, жазл, нақс, хабл, шакл, кабл, қатф, батр, жазъ, хатм, жаҳф, залал,*

наҳр, рабъ, қасм, жам, ақл, шатр, харб, сарм, тасбиғ, изола, тарфил, харм.

<...> Билмак керакким, ажзонинг таълифидин аркон қўяр ва арконнинг такроридин вазн мисраъи ҳосил бўлур. Бу шарт билаким, бу такрор муътадил бўлғай. На дароз мумил¹¹ ва на кутуҳ мумил. Ва такрорнинг камроқ адади иккидур, ва кўпраки тўрт ва мисраъ мукаррар бўлса байт бўлур. Бас, байте тўрт рукндин, ё олти рукндин, ё секкиз рукндин бўлғай, магар баъзи мавзуъдаким мазкур бўлғусидур. Ва байттин газал ҳосил бўлур, ё қитъа, ё рубоъийи, ё қасида, ё ғайри ул. Арузийлар аввалги мисраънинг аввал рукнини *садр* дерлар ва охир рукнини *аруз*, иккинчи мисраънинг аввал рукнини *ибтидо*, охир рукнини *зарб*. Аркониким садр била арузнинг ва ибтидо била зарбнинг аросида бўлғай, *ҳашв* дерлар, нечунким дебтурлар: *садр аст ва арузу ибтидо он гаҳ зарб ва он чиз, ки гар миёна офтаг ҳашв аст*. Чун байтнинг мисраъларининг аввал ва охир рукнларини садру арузу ибтидо ва зарб дерлар, буларнинг орасидағи рукни ҳашв. Бас, абётиким маштур бўлғай анинг ҳашви бўлмамиш бўлғай. Яна неча лақабтурким билмак керак ҳар арузу зарбким нуқсон тағайюридин холи бўлғай, *саҳиҳ* дерлар. Ҳар арузу зарбким тасниъу изола ва тарфидин ҳеч нима анга зиёда қилмамиш бўлғайлар, *муғаййарий* дерлар. Байтнинг арконида агар «зе» ҳарфе воқиъ бўлмаса солим дерлар. Ул байтким, ҳар мисраъдин бир рукн андоқким, асл доирададур кам қилмиш бўлғайлар, нечунким, баҳрики асл доирада мусаммандур, мусаддас бўлғай, *мажзу*¹² дерлар. Ул байтким аркони аслийсидин нисф кам қилмиш бўлғайлар, *маштур*¹³ дерлар.

Билгилким, усулнинг такроридин, ё баъзининг баъзи била таркибидин баҳр ҳосил бўлур. Бу баҳрларким мустағмал ва машҳурдур, ўн тўққуздор: 1. *Мутақориб*. 2. *Мутагорик*, 3. *Ҳажаз*. 4. *Ражаз*. 5. *Рамал*. 6. *Вофир*. 7. *Комил*. 8. *Тавил*. 9. *Мағиғ*. 10. *Басит*. 11. *Мунсарих*. 12. *Музорих*. 13. *Муқтазаб*. 14. *Мужтасс*. 15. *Сарих*. 16. *Жағиғ*. 17. *Қариб*. 18. *Хафиф*. 19. *Мушокил*. Яна икки баҳрким *Арид* била *Амиқдур*, тавил доирасидин ҳосил бўлур, ул ғайри машҳурдур. Бу баҳрлар била жамиъ бухур йигирма бир бўлғай¹⁴.

...Арузийлар буҳурнинг таҳқиқи учун доира расм қилурлар. Ул доиранинг гирдида вазн, вазн баҳриким ўзга буҳур андин фаққ била ҳосил бўлур. Сатрлар ул вазннинг рукнларининг ҳар қайси жузвидин қайси баҳр ҳосил бўлуруни кўрсатурлар. Бу тариқни *фаққ ва тафқиқи буҳур* дерлар. Масалан, чун мутақориб баҳридин мисрае ҳар доирада битилибким, охири аввалга мутгасил бўлғай. Агар ибтидо вагадтин бўлса, бу вазн бўлур *фаъулун* тўрт қатлаким мутақориб баҳридур. Агар ибтидо сабабтин бўлса, бу вазн бўлур *фоъилун* тўрт қатлаким мутадорик баҳриди|р...

Тақтиъ арузийларнинг истилоҳида байтнинг таҳлилидур ул навъким, байттин бир миқдор вазнда баробар бўлғай, ул баҳрнинг афоъийлу тафоъили билаким, бу байт ул баҳрдадур. Ҳуруфким *малфуз*¹⁵дур, агарчи мактуб эмас, тақтиъда мўътабардур ва ҳуруфким малфуз эмас, агарчи мактубдур, мўътабар эмас. Малфуз гайри мактуб баёни бу жумладин "*алиф*"дур, бир "*ҳамза*" фатҳасининг иттибоъидин ҳосил бўлур. Нечунким, "*ойу об*", "*ойу от*"ким *фоъ* вазнидадурлар, яна бир туркий лафзда *санга* ва *манганин*г "*син*"и била "*мим*"ининг асосида баъзи маҳалда алифи муталаффаз бўлурким китобатта йўқтур, буким *фаъул* вазнида бўлғай. Асл қоъида туркийда улдурум, фатҳа ва дамма ва касрадин сўнгра "*алиф*"у "*вов*" ва "*ё*" келтурғайлар, неча мавзиъдурум, бу қоъида маърий эмас, ул булардур: *санга, манга, янглиғ, яхши, ёмон, яна, қаро, роияташ, ямон.*

Билгилким, шеърнинг авзонининг аросида икки сокин ёндоша келмайдур. Агар шеърда икки сокин жамъ бўлса, тақтиъ қилурда бириси мутаҳаррикка маҳсуб бўлур, нечукким, *гаст бидеҳ* ва *торт қўлимким муфташилун* вазнидадурлар. Агар уч сокин жамъ бўлса, бири тақтиъда бўлуб, бири мутаҳаррикка маҳсуб бўлур нечукким, "*рост рў*" ким *фоъилун* вазнидадур. Аввалеким, ҳар икки сокин мутаҳаррикка маҳсуб бўлур нечукким, "*рост рў*"ким *муфташилун* вазнида бўлғай, туркийда бу навъ уч сокин ижтимоъи бўлмас. Агар зиёда бўлса, тақтиъда соқит бўлур, шеърнинг авзонининг аросида ҳам икки сокин *мутаволи* баъзи маҳалда воқитъ бўлубтур...

АБДУРАУФ ФИТРАТ
«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан
БАРМОҚ ВАЗНИ

Миллий вазнимизда асос сўз бўгинларининг саногидир. Бир байтнинг биринчи мисраъи неча бўгин эса, икинчи мисраъи ҳам шунча бўгун бўладир.

Бўгинларнинг ҳарф¹, чўзги² сонларига эса аҳамият берилмайдир. Бир ҳарфли бўгин билан ики ҳарфли бўгин баравар саналадир. Бир байтнинг вазнини кўрмакчи бўлганда, биринчи мисраъ бўгинларини бармоқ билан санаб ўқиймиз. Сўнгра иккинчи мисраъи бўгинларини санаймиз, баравар келса вазн тузукдир деймиз. Бу вазнини бармоқ вазни дейишимизга сабаб шудир:

*Кўнглимда бўлган севги тамуғи:
Дардли кўнглимнинг севган озуғи,
Бу тамуғдаги оловлар сўнса,
Тириклигимнинг сўнар ёруғи³.*

Ботунинг мана шул ики байтининг вазнини кўрмакчи бўлганда шундай қиламиз:

*Кўн-лум-да бўл-ган сев-ги та-му-ғи = 10
Дард-ли кўн-лум-нинг сев-ган о-зу-ғи = 10
Бу та-муғ-да-ги о-лов-лар сўн-са = 10
Ти-рик-ли-гим-нинг сў-нар ё-ру-ғи = 10*

Кўринадурким, Ботунинг юқоридаги шеърининг ҳар мисраъи ўнлар бўгиндандир. Демак, бу шеър бармоқ вазнининг "ўнлик" қисмидан(дир). Масъалага шу билангина тўхтамаймиз. Ҳар мисраънинг ўрта ерида бир-ики туриш ўрни бўладирким, биз мунга туроқ деймиз. Бир мисраънинг бўгинларини, "туроқ"ларини санаганда шул "туроқ"ларни кўзда тутамиз. Туроқнинг ики ёғида бўлган бўгунларни айри-айри санаймиз:

*Кўнглимда бўлган / севги тамуғи 5+5
Дардли кўнглимнинг севган озуғи 5+5*

Демак, Ботунинг бу ўнлик тизмаси (5 + 5 = 10) шаклида экан. Вазнда кенглик истаганлар шу туроқ масъаласига аҳамият бермайдилар. “Вазнда бу қадар ингичкалик шоирнинг илҳомини бўғмоқдан бошқа бир фойда бермайдир”, дейлар. Бу сўз тўғридир. Бироқ биз бундаги мисолларимизни туроқлари билан кўруб чиқишни муносиб кўрдик. Бизда бармоқ вазни тўртликдан ўн олтиликкача бўладир. Мисоллари шулардир:

Тўртлик:

Ўлган келмас,
Ўчқон ёнмас.

(Эл сўзи)⁴

Бешлик:

Ёш қиз юзини,
Қора кўзини
Кўролмадим мен.

(Боту)⁵

Олтилик:

Яхши топиб сўйлар,
Ёмон қолиб сўйлар.

Еттилик:

а) Чархим таноб / ташлайдир,	4+3
Бир балони / бошлайдир.	4+3
б) Сув келар / гулдир—гулдир,	3+4
Севганим / қизил гулдир.	3+4
Севганим / топилмаса,	3+4
Ўлганим / ўшал кундир.	3+4

Шоиримиз Чўлпон еттиликнинг икки турининг оғирроғини оралаштириб шеър ёзган⁶:

Мен кучли / менга исён,	3+4
Мен тўлқун / менга тугён,	3+4
Кўпирарман / тошарман.	4+3

Саккизлик:

<i>Кел ўтирғил / сажда қилғил,</i>	4+4
<i>"Лот, монатка" / бандга бўлғил,</i>	4+4
<i>Ё жонингдан / умид узғил,</i>	4+4
<i>Ёш ўғлон / келганинг надир?</i>	3+5

("Зайну – л – араб")⁷

Тўққизлуқ:

<i>Юракда / умидлар / аламлар,</i>	3+3+3
<i>Тўзимсиз / қароқни / босаркан,</i>	3+3+3
<i>Нега мен / чақмоқдай / югурмай.</i>	3+3+3

(Боту)⁸

<i>Ёлғузликларда / чидагандим,</i>	5+4
<i>Чунки, мен сени / ўйлагандим.</i>	5+4

(?)⁹

Ўнлик:

<i>Отимдир ўғуз / билинглар аён,</i>	5+5
<i>Ғанимдир Хисрав / билинглар яқин.</i>	5+5
<i>Эрка малак / аччиғанмам сенга,</i>	4+6
<i>Ўчурсанг–да / кўкка юрак кулин.</i>	4+6

(Ф.)¹⁰

Ўнбирлик:

<i>Ўтрук бўйидаги / барча ту/р/кманлар,</i>	6+5
<i>Дўстим, хабар бергил – омон–эсонми?</i>	(?)

Ўн иккилик:

<i>Сўзим қаттиғ / тилим аччиғ / ўзим золим,</i>	4+4+4
<i>Ғариб жоним / сарф айлайсан / йўқдур молим.</i>	

(Яссавий)¹¹

<i>Узун, узун арғамчи / йўлда ётарми?</i>	
<i>Эсизгина Малахон / гўрда ётарми?</i>	7+5

(Ашула)

Кечаги қайнашлар / пасайган бўлса—да,
Кечаги ҳужумлар / сусайган бўлса—да, 6+6

(Боту.)¹²

Ўн учлик:

Салом сенга, малакларнинг / улуғ раҳбари,
Билим, ҳикмат кўкларининг / нурли ҳулқари. 8+5

Ўн тўртлик:

Дунё, дунё, сен дунё / кимга вафо қилибсан?
Сендан вафо кутганга / сен кўп жафо қилибсан.

7+7

Уқтириш: бир ўн тўртлик мисраъ ики (мисраълик)
еттилик мисраъ бўла олгани учун бу вазнда оз ёзиладир.

Ўн бешлик:

Гўзал юлдуз / еримизнинг / энг қудратли / тувғани,
Нега биздан / қочиб мунча / узоқларга / тушубсан

4+4+4+3

Ўн олтилик:

Гашт этдим тоғу тузлари, / кўрдим ажойиб қизлари,
Бизнинг ернинг канизлари / ҳур ила ғилмон мани зор.

8+8

Уқтириш: ўн олтилик вазннинг мисраълари жуда узундир,
ҳамда ҳар бир мисраъи иккита саккизлик мисраъ
бўларлиқдир. Шунинг учун бу вазнда оз ёзиладир...

АРУЗ

Юқоридаги фасларда сўйлаганимиз каби тизимда вазн
масъаласини миллат ўз тилининг баъзи хусусиятларига кўра
ҳал қилганлар. Бизнинг тилимизга уйғун келатурган вазн,
албатта, миллий вазнимиз бўлган бармоқ вазнидир. Бироқ
эрон—араб таъсири остида аруз вазни ҳам адабиётимизга
кирган, муҳим ўрин олган, муваффақиятсиз бир шаклда
кенг суратда бу кунгача давом этиб келган...

<...> Аруз вазни арабникидир. Араб шу вазнларда шеър ёзган. Хижрий (170 – нчи) йилда ўлган имом Халил ибн Аҳмад бу вазнларни йиғиб, белгили қоидалар остига киргизди, аруз қоидаларини тузди. Араб олими томонидан тузилган аруз қоидаларини форслар ҳам форси(й) шеърлар учун қабул қилдилар. Бироқ форсий шеър учун қабул этилган аруз араб арузининг худди ўзи эмас эди. Форслар араб арузини тузатдилар. Камчиликларини тўлдирдилар. Ўзларининг миллий вазларини ҳам шу қоидаларга эргаштириб арузга киргаздилар.

Мана шундай қилиб, араб арузини араб – форс арузи ҳолига келтирдилар. Бизнинг Ўрта Осиё турклари томонидан қабул этилган аруз шул араб – форс арузидир. Бизнинг Ўрта Осиё халқлари қачон қабул этилгани аниқ эмас. Бироқ хижрий 462 да Қашгарда ёзилган машҳур “Қутадғу билиг” китобининг шу аруз вазнида ёзилгани эътибор этилса, жуда эскидан қабул этилгани маълум бўладир.

АРУЗ УСУЛИ

Юқорида айтилган эдиким: бизнинг бармоқ вазнимизда бармоқ асоси сўз бўғинларидир. Бизда тизим ўлчови сўз бўғинларининг санашидир. Аруз ҳам шундайдир. Аруз ҳам асос қилиб сўз бўғинларини оладир. Бироқ у чўзгиларнинг узунлик, қисқалигини ҳам кўзда тутадир. Бир неча сўз бўғинлидир. Ҳар бўғинида неча ҳарф, неча бўғин бор? Чўзгилари узунми, қисқами? Мана, араб – форс арузининг текширгани шулардир. Бу текшириш жуда айланмали йўллари мунда чизиб кўрсатмак фойдасиз, кулунч бир иш бўладир. Шунинг учун биз уларнинг туб тилакларини ўз йўлимиз билан онглатарга тиришамиз.

Арузчилар сўз бўғинларининг, асосан, шу қисмларга ажратганини кўзда тутадилар:

- а) бир ҳарф, бир қисқа чўзгили бўғин: *ма, ба* каби;
- б) бир ҳарф бир узун чўзгили бўғин: *ё, бу* каби;
- ж) икки ҳарф, бир қисқа чўзгили бўғин: *гал, бул* каби;
- д) икки ҳарф бир узун чўзгили бўғин: *форсча шоҳ, хўб* каби.

Аруз билан ёзилган бир тизимнинг вазнини текширганда ҳар мисраънинг ҳар сўзининг ҳар бўғинида неча ҳарф қандай чўзғи борлигини текшириб турмоқ, албатта, оғирдир.

Шоирни(нг) илҳомини бўғуб, тил текширишга мажбур қилади. Арузчилар мана шу оғирликдан қутулмоқ учун юқоридаги чўзғи тақсимини кўзда тутуб, *ф, ь, л, н, т, с* ҳарфлари ҳам узун–қисқа чўзгилардан ўлчов сўзлар тузганлар:

Қа–ни–сен – фаълун, кел–гим – фаълун, кел–гим – бу–кун – мус–тафъ–и–лун каби. Мана шу ўлчов сўзларига арузнинг усуллари дейилади.

Аруз усуллари арабларда ўнтадир. Улар бу ўн усулни турли–турли ўзгартиб кўпайтирганлар. Бу ўн усул ўзгартмалари билан жуда кўпаяди. Биз бу ерда ёлғуз ўзбек–чиғатой тизимларида қабул этилганларинигина кўрсатиб ўтишни етарлик топдик.

Ўзбек–чиғатой тизмаларида араб–форс арузидан олинган ўлчов сўзлари – аруз усуллари шулардир:

Мафъулун – мафъыйлун¹⁴ Муфтаълун – муфтаълун

Фаълун	Фоилун
Мафъулу	Фаълотун
Мафойлун	Фаул
Мафойлу	Фаълу
Фаал	Фоилоту
Фоилотун	Фаъ – фоъ
Фаилун – фаълун – файлун	Мустафълун

Буларнинг маънолари йўқдир. Ёлғузгина “ўлчов” сўзларидир. Бир тизимни ўлчаганда шулардан бир қанчасини қаторлаб қўюб ўлчайдилар. Мисол учун Бобирнинг шу байтини ўлчаб кўрайлик:

Вазни:

*Мафойлун, мафойлун, фаълун
Сени кўрмай йироқдин зор бўлдим,
Бир оз ёд эт йироқдин зорларни¹⁵.*

Ўлчаш йўли: *Сени кўрмай – мафойлун; йироқдин зо – мафойлун; – р бўлдим – фаълун.*

Бир оз ёг эт – мафойилун; йироқдан зо – мафойилун; – ларни – фаъулун.

Арузчилар юқорида кўрганимиз ўлчов сўзларидан турларини турли тартибда бирлаштириб, аруз "бахр"ларини тузганлар. Аруз истилоҳида баҳр вазн туркуми демақдир. Ҳар баҳрда бир–бирига яқин кўб вазнлар бордир. Араб арузида ўн олти баҳр бордир¹⁶:

- | | |
|----------|---------------|
| 1. Мадид | 9. Мужтасъ |
| 2. Тавил | 10. Муқтазаб |
| 3. Басит | 11. Музорий |
| 4. Вофир | 12. Хафиф |
| 5. Комил | 13. Мунсариҳ |
| 6. Рамал | 14. Сарий |
| 7. Ражаз | 15. Мутақориб |
| 8. Ҳажаз | 16. Мутадорик |

Форс шоирлари араб арузининг ўн усулидан бештасинигина ўзгартмалари билан қабул қилганлар. Арабнинг 16 баҳридан бошдаги бештасида оз шеър ёзганлар. Ҳамда ўз миллий вазнларини *жадид*, *қариб*, *мушокил* исмли уч баҳр остида йигиб, ҳалиги 16 баҳрга қўшганлар¹⁷. Шу йўл билан араб–форс арузидаги баҳрларнинг сони ўн тўққузга эришган.

Чигатой–ўзбек шоирлари эсалар, бу баҳрларнинг ҳаммасидаги ҳамма вазнларда шеър ўқутганлар. Ўзларига қулай қурулган баҳрларнинг баъзи вазнларинигина ишлатганлар.

«АРУЗ ҲАҚИДА»дан

АРУЗ ВА АРУЗ ВАЗНИ

Араб адабиёт назариячилари "назм қоцдалари"ни "илму – ш – шеър" исми б(и)лан юргизадилар ва бунни уч қисмга бўладилар: 1. Шеърнинг таърифи. 2. Шеърнинг вазилари. 3. Шеърнинг қофияси.

"Илму – ш – шеър"нинг мана уч қисмидан иккинчисини "илму – л – аруз" исми б(и)лан айрим бир "илм" санайдилар. Демак, мумкунки, араб адабиёт назариячилари арузни, умуман, шеър вазни маъносида олган ва онглаганлар. Эрон адабиёт назариячилари ҳам масъалани худди (араб) назариячилари каби онглаганлари учун "аруз(и) арабий" ва "аруз(и) форсий" каби терминални қабул этганлар.

Бизнинг ўзбек адабиётида бу термин ("аруз" деган термин)нинг хусусий бир маъно олгани кўрунади. Бу ҳолни биз бошлаб чигатой шоири Навойида кўрамиз. Навойи ўзининг "Мезону – л – авзон" ("Вазнлар тарозиси") аталган асарида араб, эрон "метрика"сини бутун тафсилоти б(и)лан ёзар экан, у даврдаги халқ шеъридан бир муносабат б(и)лан гапириб қўяди.

Бу халқ шеърларидаги вазннинг араб, эрон аруз системасига кирмаганини жуда тўғри сезган Навойи буларни вазнсиз санайдир: *"чун ўзан¹⁾ларнинг ўзмоғи ва ўзбекларнинг будай–будайи ҳеч вазн б(и)лан рост (тўғри) келмас эрди. Анга таарриз қилилмади (улар ҳақида гапирилмади). Агарчи асар (таъсир)лари бор, аммо анинг аруз илмига даҳли йўқтур"* деб бошини қутқазади²⁾. Демак, бу одам араб, эрон метрикасидан ташқари бир вазн танимоқ истамайди. Унга тўғри келмаган халқ ашулаларини, бахши шеърларини "вазнсиз", яъни у даврнинг онглашига кўра, "шеър эмас" дейди.

Сўнгралари бу халқ шеърларининг ўзига махсус вазни борлиги ва бу вазннинг араб, эрон шеърларининг вазнларига асосан тўғри келмагани онглашилгандан кейин буларга "ҳ(и)жо вазни"³⁾ ёки "бармоқ вазни" исми берилди.

¹⁾ Бахши.

Араб – эрон шеърларининг вазн системаси учун “аруз вазни” деган термин қабул этилди.

Бу кун бизда аруз деганда араб – эрон шеърларидаги вазн системасининг қоидалари (араб – эрон метрикаси) онглашигани каби араб – эрон вазнлари системасига кирган вазнларга “аруз вазни” исми берилган...

<...> Энди бу ики хил вазннинг орасида асосий айирма борми? У нима? Шеър вазини таъриф қилмоқчи бўлганда, қоидага мувофиқ суратда ўлчанган ва ўлчовлари муштарак бўлган гап парчаларининг маълум қоида б(и)лан кетма–кет тизилиши десак, ҳар ҳолда ҳақиқатдан жуда узоққа бормаймиз, деб ўйлаймиз.

Шеър вазнининг шу таърифини, асосан, қабул этканимизда шу натижа келиб чиқади: демак, шеър б(и)лан ёзилган маълум бир асарнинг вазнида воҳид қ(и)ёси бўлиб такрорланган нарса гапнинг маълум бир ўлчовидир. Қисқасини айтканда, шеър вазнида маълум қоида бўйича гап ва сўз ўлчанади. Бир сўзни ўлчаш ҳ(и)жолар б(и)лан бўлади.

Бизнинг юқорида айрим – айрим ики система деб кўрсатганимиз бармоқ вазнлари б(и)лан аруз вазнлари икаласи ҳам вазн ўлчамак учун ҳ(и)жони олади. Бу нуқтада ораларида айирма йўқ. Асл айирма ҳ(и)жоларнинг кайфиятларини назар – эътиборга олиб, олмасликдадир.

Энди, ҳ(и)жоларнинг тузулишини текширайлик: араб – эрон тилларида ҳ(и)жо қурулиши тубандагича бўлади:

- | | |
|---------------------------------|------------------------|
| 1. Бир товуш + бир қисқа чўзғи | ки, гу, ба |
| ё биргина қисқа чўзғи | и, а, у |
| 2. Бир товуш + бир узун чўзғи | ба, ра, та |
| ё биргина узун чўзғи | а, и, у |
| 3. Бир қисқа чўзғи + ики товуш: | гар, бар, сар, мур |
| 4. Бир узун чўзғи + ики товуш: | гар, бар, сар, гур |
| 5. Бир қисқа чўзғи + уч товуш: | ҳашт, баст, рафт, гашт |
| 6. Бир узун чўзғи + уч товуш: | гашт, кашт, бафт. |

Аруз вазни нуқтаи назаридан тақсим қилганимиз шу олти турли ҳ(и)жодан биринчиси қисқа ҳ(и)жо саналади. Икинчи ва учинчиси тўлиқ ҳ(и)жо саналади. Тўртинчи, бешинчи ва

олтинчилари бир ярим ҳ(и)жо қимматида, яъни бир қисқа ва бир тўлиқ ҳ(и)жо ҳ(и)собланади.

Ўзбек тилида узун чўзғили баъзи шеваларни назарга олмаганимизда аксарият б(и)лан ҳ(и)жо тузулиши тубандагичадир:

- | | |
|----------------------------|--------------------------|
| 1. Бир товуш + бир чўзғи | <i>ма, на</i> |
| ё биргина чўзғи | <i>у, а(ка), и(диш)</i> |
| 2. Бир чўзғи + икки товуш: | <i>ман, сан, сиз</i> |
| 3. Бир чўзғи + уч товуш: | <i>торт, қирқ, сирт.</i> |

Аруз вазнида бу уч хил ҳ(и)жодан биринчиси қисқа ҳ(и)жо, икинчиси ва учинчиси тўлуқ ҳ(и)жо ҳ(и)собланади. Хоҳ ўзбекчада, хоҳ форсчада қисқа ҳ(и)жо мисранинг охирида ё ички туроқ¹⁾ларининг бирида бўлса тўлуқ ҳ(и)жо қимматини олади.

Демак, биз араб, эрон ва ўзбек тилларидаги ҳ(и)жоларни аруз нуқтаи назаридан қисқа, тўлуқ деб, асосан, икига ажратамиз. Булар учун ишоратлар олайик:

V қисқа ҳ(и)жо
– тўлиқ ҳ(и)жо

Шу ишоратлар б(и)лан бармоқ вазнлари системасини ҳам аруз вазнлари системасини навбат билан текшириб, бу икки система орасидаги асосий айирмани майдонга чиқариш мумкун...

Аруз вазнининг тарихий ўсишига бир қараш

Умуман, "гап ритми"нинг келиб чиқиши тўғрисидаги... қарашни аруз вазнининг ҳам келиб чиқиши устига татбиқ этсак, тамоман, мос келади. "Гап ритми" келиб чиқишининг меҳнат б(и)лан боғланиши, унинг меҳнат узвларининг ҳаракатларига алоқаси, меҳнат узвларини ҳаракатга келтиришга, ҳаракатларини низомга солишга ёрдами ва бошқалар, умуман, гап ритмининг айрим бир кўриниши

1) Мисраънинг маълум бир бўлағида дам олиш, туриш ўрнига "туроқ" дедик. Асарда (/) ишорати блан кўрсатиб борамиз: *Олмадай сарғайди / гулдайн дийдор.*

бўлган аруз вазнининг келиб чиқишини ҳам яхшилаб изоҳ қилади. Араб ва эроннинг энг эски шеър вазнларини яхшилаб текширганда, бу тўғрида кўп материаллар топиб чиқариш ҳам мумкин.

Мен қўлимдаги оз материал б(и)лан, бу асарда бу ҳақда узоқ тура олмайман. Араб – эрон шеърларининг қадим вазнлар ва, айниқса, халқ адабиётларига оид етарлик материаллар менда йўқ. Шунинг учун мен аруз вазнининг нисбатан сўнги даврларини оламан. Иқтисодий ҳаётнинг ўзгариши, жамиятнинг табақаланиши б(и)лан синфларнинг ижтимоий мавқеъларига кўра тил, ифода йўллари, образлар ва шулар б(и)лан бирга вазн ҳам мураккаб вазифалар олиб, бурунги баситликларини⁴ йўқотади. Мураккаблана бошлайди. Мен ўз замонида мана шу омиллар натижасида ўзининг бурунги баситлигини йўқотиб, мураккаб ва мукаммаллашган "аруз" вазнлари системаси ҳақида гапираман.

Араблар ўз шеърларининг вазнини бошлаб туя юришининг "ритм"идан олингани ҳақида баъзи афсоналарни ривоят қиладилар. Бу афсоналарнинг, албатта, илмий қиммати йўқ. Шундай бўлса ҳам бурунги замонларда, ҳатто, яқин асрларгача арабнинг иқтисодий ҳаётида туянинг жуда катта роли борлиги маълум. Туянинг юришини тезлатиш учун араб туячиларининг махсус ашулалари бор. Бу ашулалардаги ритмнинг туя юришига яхши таъсир қилганини кўрган сайёҳлар хабар берадилар, ҳатто, машҳур Саъдий Шерозий "*Уштур ва шеъри араб дар ҳолатаст у тараб*"⁵ каби форси(й) байтлар б(и)лан бу ҳодисага қандайдир... қимматлар бермакчи бўлади... Бу ҳодисани туяга ритмнинг таъсири деб изоҳ қиламиз. Бундан бошқа арабнинг эски шеър вазнларидан бири ражазdir. *Ражаз* сўзининг маънолари орасида "дам юриб, дам турувчи туя" маъноси бор. Ҳатто аруз илмида қабул этилган *ақл*, *ҳазм*, *касф* каби баъзи терминларда ҳам шу туя ва туячилик ҳаётининг изларини кўриш мумкин¹⁾.

¹⁾ Ақл – туя оёғини боғламоқ; ҳазм – туянинг бурнидан ҳалқа ўтказмак, касф – туянинг товонини кесмак.

Мана буларнинг ҳаммаси бурунги араб халқ адабиётида туя ва туячилик ҳаётининг назарга олинарлик излар қолдирганини ва араб фольклорига суянган арузнинг ундан таъсирланганини кўрсатмақдадир.

Ҳар ҳолда араб шеърининг вазни аруз қоидалари тузилгандан анча замонлар илгари ўзининг эски баситлигини йўқотган, мураккаблашган. Букун, аруз терминидан онглашулатурган ҳолатга кира олган эди. *Тавил, вофир, комил, басит, ражаз, ҳазаж* баҳрларидан вазнлар тузилган эди. Мусулмон араб давлати тузулиб, ҳоким синф ўзининг давлат ишларига, эксплуатация ишларига қурол қилиб шеърни ҳам олгандан кейин, унга айрим аҳамият бера бошлади.

Араб шеърининг тузулиш йўлларини ўрганиб, қоидага солиб кенгайтирмак чоралари тушунила бошлади. Шу синфнинг олимларидан Халил ибн Аҳмад⁶ (731) бу мақсад учун араб халқ адабиётини (араб фольклорини) жиддий сувратда текширди. Араб шеърининг намуналарини тўплади ва, эҳтимолки, арабларга қўшни бўлган халқлардан ҳам имкон доирасида фойдаланиб, букун билганимиз аруз қоидаларини тузуб чиқди.

Халилнинг қадим юнонча билганини назарда тутиб, баъзи олимлар "Араб арузи юнонлардан олинган" десалар — да, бу фикр кўпчилик томонидан рад қилинмоқдадир. Ҳақиқатан ҳам аруз қоидаларининг тузулишидан бурун ўтган араб шоирларига нисбат берилган шеърлар ва аруз қоидалари тузулар экан, кўчманчи араб ҳаётидан олинган инъикослар Халилнинг араб фольклоридан қанчалар таъсирланганлигини очиқ кўрсатмақдадир.

Халил томонидан, асосан, араб халқ адабиётига суяниб вужудга келтирилган бу аруз системаси бошлаб бир кўп қаршилиқларга учради. Ҳатто, машҳур араб тилшуносларидан Ахфаш (785 ларда ўлган)⁷ бунга қарши янги бир система тузиб чиқарди. Б(и)роқ, Халил системаси²⁾

2) Халилнинг фикрига кўра, икки мисраъдан иборат байтагина "шеър" дейиш мумкин. "Байт" нинг лугат маъноси "уй" дир. "Байт" нинг асосий ҳижо дасталарига (стопаларга) уйнинг қаноти (девори) маъносига келган "рукн" исми бериладир. Кўчманчи араб уйи чодирдир. Чодирда тўрт қанотнинг таянч нуқтаси бўлган ўртадаги

бора – бора ўз тарафдорларини кўпайтирди, кўп назариячилардан ҳимоя кўриб, ўз мавқеъини мустаҳкамлай олди ва араб халқ адабиётини юз фойиз ўз рамкаси ичига ололмаган бўлса ҳам, араб классик шеърининг “қонуний вазн” системаси бўлиб қолди. Халилнинг тарафдорлари бу системанинг юз фойиз араб шеърига суялиб тузулганини даъво қилиб, бу системага кирмаган вазнларда шеър ёзишни қатъий сувратда манъ қиладилар. Ҳолбуки, душманлари бу системага бир кўп чет вазнларнинг ҳам кириб қолганини сўзлайдилар. Ҳар ҳолда Халил системасида, асосан, араб халқ адабиётига суянган ҳолда, баъзи кўшни халқлардан ҳам фойдаланиб, араб шеър вазни хусусиятларини сақлаш шарти б(и)лан баъзи янги вазнлар тузулгани аниқ каби кўрунади.

Эроннинг араб истилосидан бурунги сосони(й)... даврида шоҳ саройларида кўзга кўрунарлик бир шеър ва музыка ҳаёти борлиги маълум. “Борбод”, “Накисо”, “Саркаш” каби шоир – чолғучиларнинг ижодларига ва санъат ҳаётларига оид муҳим маълумотлар “Шоҳнома”, “Ҳамсаи Низомий”, “Бурҳони қотеъ”⁸ каби маъҳазларда бордур. Бу ва булардан ҳам эскирак маъҳазларга суяниб, олимлар сосони(й) даври шеърининг назм б(и)лан наср орасида бўлиб ҳ(и)жоларнинг сонларигагина риюя қилиш б(и)лан тузулганини бир огиздан хабар берадилар. Бу, асосан, тўғри.

Лекин... ҳеч шубҳа йўқки, арабларда ҳам энг ибтидоий шеър вазни “Насри мусажжаъ” (қофияли наср) бўлган “ярим назм” тарзида бўлиб, унда ҳам букунги аруз вазнида кўрганимиз ҳ(и)жоларнинг кайфиятига аҳамият бериш хусусияти йўқ эди. Бора – бора ҳаёт, жамиятдаги синфий муносабатлар ўзгарди. Ҳоким синф иқтисодий ва маданий томондан юксалди, унда янги тушунишлар, янги – янги қарашлар, янги образлар туғулади. Шуларнинг талаби б(и)лан шеърда ҳам, тил хусусиятларининг йўналишига мувофиқ сувратда янги вазнлар пайдо бўлади, тараққий

тирак “аруз” дир. Байт рукнларнинг ҳам таянч нуқтаси саналган бир рукнга аруз исми берилган. Чодирни тикмак учун арқон (сабаб), мих (ватад) ва чодир этакларини очиқ сақлашга ёрдам қилувчи таяқлар (фосилалар) керак. “Байт рукнлари”нинг майда бўлақларига ҳам “сабаб”, “ватад” ҳам “фосила” исмлари берилган.

қилади. Араб шеър вазнининг аруз вазнига тараққий қилишига йўл очган шу шароитлар сосони(й) даврида эрон шеър вазни учун ҳам бор эди.

Шунинг учун эрон шеър вазнининг – да араб истилосидан ва араб аруз қоидаларининг қабулидан аввал бутунги аруз вазнига (яъни, ҳ(и)жо кайфиятларини эътиборга олган вазнга) чиққан бўлиши мумкун. Мана шу эҳтимолни ёқловчи фактлар ҳам йўқ эмас, бор:

а) "фахлавият" унвони б(и)лан машҳур ва қадим эрондан қолгани шубҳасиз бўлган эрон халқ шеърларидан бир қисм тўртликлар "ҳазаж(и) мусаддас(и) маҳзүф" аталган вазнга тўғри келади;

б) яна шу "ҳазаж" баҳрининг "ахрам ва ахраб" навълари б(и)лан ўлчашга урунилан классик "рубойи"ларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар бунинг ҳам эски эрон вазнлардан эканини кўрсатади. Рубойининг қурулишини Рудаки(й) шу даврнинг бир шоирига нисбат берган. Ибн Қайс⁹ рубойининг Эронда жуда ҳам умумий бўлиб, ҳаддан ошиб севилиб ўқулгани ва махсусан хотин – қизларнинг бунга жуда ҳам берилганликлари ҳақида узун тафсилот беради. Ҳолбуки, бир – икки шоир томонидан тасодифан тузулган бир вазннинг бу қадар севилиб қабул этилган бўлуши шубҳалидир;

д) "Табақоту – ш – шуаро", "Табари(й)", "Оғани" каби араб маъжазларидан¹⁰ ривоят этилган бир – ики шеър:

*Об аст – у табизаст
Асорат забибаст
Самия рў сапид аст
Аз Ҳўталон омадия
Бару табох омадия
Обар боз омадия
Ҳўшк назар омадия*

Ҳам аруз вазни системасига жуда яқин туради. Мана бу фактларнинг ҳаммаси бизнинг нуқтайи назаримизни, яъни араб истилосидан бурун эрон шеър вазни бу кунги аруз вазни тузулишига тўғри бир тараққий ҳаракати кўрсатканини қувватлайди.

Араб истилосидан кейин форс адабиёти учун ҳам аруз назариялари (Халил ибн Аҳмад томонидан тузулган аруз қоидалари) қабул этилди. *Байт, мисраъ, рукн, ажза, асли(й) рукнлар, фаръи(й) рукнлар, зуҳфот, баҳр, вазнлар тақсимоти, баҳр ҳам вазн исмлари* айнан қабул этилди.

Мана шу олиш – беришнинг жуда характери ва диққат этарли бир томони бор: эрон аристократияси араб истилосидан кейин унинг сиёсий, диний ҳокимияти остига кирган, истилочи араб аристократиясининг тамсиллаштирув сиёсатига маъруз қолган. Қисман мажбурий ва қисман бошқа йўллар билан улардан диний, маданий, сиёсий бир кўп нарсалар олмоқда эди. Икинчи жиҳатдан қараганда, Эрон аристократияси араб истилочиларига рақиб назари билан қарар, уларни ҳокимиятни қўлидан (нонни оғзидан) тортиб олган истилочилар деб билар ва уларнинг ҳокимиятидан, тамсил сиёсатидан ўзини қутқармоқ учун кураш олиб бормоқда эди¹⁾. Мана шу бир – бирига қарши икки таъсир натижасидирким, эрон аристократияси араблардан н(и)ма олган бўлса, айнан олмади, ўзгартириб, унга ўз хусусиятларини тақиб олди ёки олиб тақди. Биз адабиёт соҳасида ҳам айна шу ҳолни кўраимиз.

Эрон аристократияси араб арузининг нисбатан умумий қоидаларини, назарий томонларини қабул қилишига қарамасдан форси(й) шеър вазнларининг муҳим хусусиятларини ҳам унга сингдира бошлади. Шундай бўлиб, айрим бир "форси(й) аруз" майдонга қўюлди. Мана бу "форси(й) аруз" назарий томонларда, умумий қоидаларда, тафсилот ва терминларда "араб арузи"нинг айнан деярли кўпияси бўлса ҳам бошқа томонларда ундан ажралади.

Эрон (форс) арузини араб арузидан ажратган хусусиятларнинг энг муҳимларидан шуларни кўрсатиш мумкин:

а) араб арузида шеърда воҳид қ(и)ёси *байт*, яъни *ику мисраъ* деб қабул этилади. Асосан, жуда тўғри бўлган бу қараш араб шеърининг тузулишида хунук бир из қолдиради. Араб шоирлари шу нуқтайи назарга суяниб,

¹⁾ Бу ҳақда Фирдавси(й) ҳақидаги мақоламизда¹¹ баъзи тафсилот бор.

баъзан бир сўзни ики мисраъга бўлиб берадилар, Ал – Муарри(й)нинг¹² шу байти:

Ай шаби асобак мискин хати рамит болусуос.

Эрон шоирлари ҳам шеърда воҳид қ(и)ёси байтни қабул қилганлари ҳолда юқоридаги ишни қилмайдилар. Улар сўзни ҳар мисраъда тамом беришни амалда ёқлайдилар;

б) араб арузи байтнинг бир мисраъдан икинчи мисраънинг бир, ики, ҳатто уч ҳ(и)жо камайтиришини қабул қилади, фақат бу камайтириш мисраънинг охириги ё аввалги рукнида (стопасида) бўлади;

с) араб арузи ҳар вазнда мисраънинг охириги ва аввалги рукнида қисқа, тўлуқ ҳ(и)жо тартибини бузушдан ҳам тортинмагани ҳолда эрон арузи сезилмайдиган бир, ики вазндан бошқа вазнларда буни ҳам қабул қилмайди;

д) араб арузида олти рукн (читана)дан тузулган вазнлар эрон арузида 8 рукндан тузулади;

ж) араб аруз вазнлари Халил системасига кўра 15 баҳр бўлса ҳам сўнгра Ахфашдан бир баҳр олиб ўн олти баҳрга чиқарилган. Эрон арузи булардан 5 баҳрни чиқариб, яна учта янги баҳр қўшиб, 14 га тўхтатади. Сўнгралари мазкур чиқарилган беш баҳрда ҳам шеър ёзилиб, эрон арузи 19 баҳрга чиқарилади¹³.

Мана бу хусусиятлар б(и)лан эрон арузи араб арузидан ажралади. Ёхуд эрон арузи эрон адабиётига кирар экан, шу хусусиятларни қабул қилиб киради.

Муносабат бор экан, шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, араб арузи араб халқ шеърларини ўз рамкасига юз фоиз киргиза олмагани каби эрон арузи ҳам эрон халқ ашулаларини юз фоиз ўз рамкасига ололмагандир.

Ўрта Осиё турки(й) адабиёти учун қабул этилган аруз мана шу эрон адабиётида ишланган ва Шамси Қайс¹⁴ каби арузчилар томонидан "аруз(и) форси(й)" аталган аруздир. Биз бунга "араб – эрон арузи" деймиз. Турки(й) назмларга бу аруз вазнларининг қачондан кира бошлаганини билмаймиз. Аруз вазнида ёзилгани илм дунёсида букуш маълум бўлган энг қадим асар "Қутадғу билиг" китобидир. Юсуф Хос Ҳожиб бу асарни айнан "Шоҳнома" вазнида

("мутақориб мусаммани маҳзуф" вазнида) ёзган ва ўз тилининг ҳеч бир турли хусусиятини вазнга бермаган... Вазн ўз замонига кўра, мукамал деярилик даражада муваффақиятли тадбиқ қилинган. Б(и)роқ унда турки(й) сўзларнинг баъзи чўзгиларини ортиқча чўзиш бор. Бу аруз вазнида туркча шеър ёзган ҳар шоирда озми – кўпми бор ва уларнинг ўзлари буни хато деб билмайдилар. Навоий, Бобир каби арузчилар буни хато санамаганликлари каби ўз шеърларида ҳам бор...

Аруз вазвларининг тузулиш қоидалари

Менинг бу ишим бир ёқдан текшириш иши, шунинг учун арузнинг асосий нуқталарини олиб танқид ва изоҳ қиламан. Иккинчи ёқдан, ёш шоирларимизга арузнинг бор – йўгини очиб бермакчиман. Шунинг учун ишни қулайлаштирувчи янги бир система қўйишга урунаман.

Араб – эрон арузи юқорида кўрулгани каби шеърда воҳид қ(и)ёси қилиб байтни олади. Байт ики мисраъга бўлунади. Бир мисраъ ики, уч, тўрт ҳ(и)жо тўпламига (тўрт – беш стопага) ажралади. Ва бу тўпламларга *рукн* исми берилади. Жаъми *аркон* бўлади.

Бу *рукн*лар (стопалар) ҳар вақт бир хил бўлмайди. Буларнинг турларини белгилаш учун ҳ(и)жога мурожаат қиладилар. Шунда ҳ(и)жоларнинг, асосан, қисқалиқ, тўлуқлиқ с(и)фатларига диққат қлиб, шуларнинг тузулиш тартибини назарга олганда масъалани жуда тўғри ҳал қилган бўладилар. Лекин шундай қилинмади. Ҳеч қандай илмий лисоний асосга суянмасдан, ҳ(и)жоларнинг бир – бирига қўшулишларига кўра тубандагича тақсим этдилар ва ҳар қисмга бир исм қўйдилар:

ҳ(и)жо:

–
V V
V –
– V
V V –
V V V –

исми:

сабаб(и) хафиф
сабаб(и) сақил
ватаг(и) мажмуъ
ватаг(и) мафруқ
фосилаи суғро
фосилаи кубро

Бу Халил мактабининг биринчи янглиши бўлди. Арузчилар бундан сўнгра шул юқоридаги: "сабаб", "ватад"лардан байтнинг рукнларини туздилар.

- | | |
|-------------|----------------|
| 1) V - - | фа у лун |
| 2) -V - | фо и лун |
| 3) V - - - | ма фо ий лун |
| 4) -V - - | фо и ло тун |
| 5) - -V - | мус таф и лун |
| 6) V V -V - | му та фо и лун |
| 7) V -V V - | му фо а ла тун |
| 8) - - -V | маф у ло ту |

Шу саккиз рукндан ҳар биртасининг саккиз дафъа ёки икисининг тўрт дафъа ё учтасининг ики дафъа такроридан бир байт ҳосил бўлади дедилар:

Фаулун фаулун фаулун фаулун
 Фаулун фаулун фаулун фаулун

Фоилун мафоилун фоилун мафоилун
 Фоилун мафоилун фоилун мафоилун

Фоилотун мустафилун файлотун
 Фоилотун мустафилун файлотун

Шу тариқа б(и)лан бу саккиз рукндан ўн олти вазн чиқарилди. Лекин иш бу б(и)лан битмади. Шеър вазни ўн олтигина эмас, кўп. Бир қанча вазнларнинг рукнлари юқоридаги саккиз рукндан бошқача. Бундан қутулиш учун яна тамоман ҳаёлий ва ҳеч илмий асосга суянмаган бир "йўл" топилди. Юқоридаги саккиз рукнга *асли(й) рукнлар* дедилар. Бошқа формада бўлган рукнларни шу асли(й) рукнларнинг қисқартирилиши ёки орттрилишидан ҳосил бўлган *фаръи(й) рукнлар*¹⁵ деб олдилар. Йигирма еттита фаръи(й) рукн чиқди. Ҳамаси 35 рукн бўлди. 8 та асли(й) рукнларни юқорида кўрдик. "Зиҳофот"¹⁶ деган узун амалият (операциялар) б(и)лан ҳосил этажаги фарз этилган 27 та фаръи(й) рукнлар булар:

Фаилоту	V V - V
Мафоилун	V - V -
Фаилотун	V V - -
Фоилоту	- V - V
Муфгаилун	- V V -
Мафулун	- - - -
Фаилун V V	-
Фаилот V V	-
Мафоййлу	V - - V
Мафъулу	- - V
Фоилот	- V -
Фоъ	-
Фоа	- V
Фа	V
Фаул	V -
Фаълун	- -
Фаулу	V - V
Фаал	V -

ва ҳоказо...

Бу фаръи(й) рукнлардан ҳосил бўлган вазнларни ўн олти хил қилиб, ҳар хилини асли(й) рукнлардан ҳосил бўлган ўн саккиз вазннинг биттасига қўшдилар. Шунинг б(и)лан мавжуд вазнларнинг ҳаммаси ўн олти хил бўлди. Ҳар хилига бир баҳр дедилар. Аруз вазнлари 16 баҳр саналди. Сўнгра эрон назариётчилари яна уч баҳр қўшиб, 19 баҳрга чиқардилар:

- 1 - тавил
- 2 - мадил
- 3 - восит
- 4 - комил
- 5 - вофир
- 6 - рамал
- 7 - ҳазаж
- 8 - ражаз
- 9 - мунсариҳ
- 10 - музорий
- 11 - сарий
- 12 - хафиф
- 13 - мужтасс

Араб
шеърида
махсус

Халил
томонидан
тузилган

Эрон
ва араб
шеърида

14 – муқтазаб	}	Араб ва эрон шеърида
15 – мутақориб		
16 – мутадорик		
17 – қариб	}	Эрон назариячилари тузган
18 – жаид		
19 – мушокил		

Модомики, бир байтни ташкил қилган ҳ(и)жо тўпламлари (рукнлар) 35 хил бўларкан, бунинг саккизтасини асли(й), 27 тасини фаръи(й) деб зуҳофот каби асоссиз хаёлий ва мушкул қоидалар б(и)лан 27 фаръи(й)ни асли(й)дан чиқаришнинг ҳеч кераги йўқ эди. Тўппа – тўғри шу 25 рукнни кўрсатиб, байтнинг булардан қандай тузулишини кўрсатмак тузукроқ бўларди: 35 сонини бирдан кўп кўрган арузчилар қулайлиқ бўлсун деб уни саккизга тушурганлар; сўнгра фаръи(й) рукнлар ва зуҳофот каби маъносизликлар б(и)лан аввалгидан ҳам ёмонроқ қ(и)йин ҳолга тушуб қолганлар. Бу уларнинг икинчи хатолари.

Арузчилар ишни хато нуқтадан бошланганлари учун (юқорида кўрсатганимиз ики хатога тушмаганларида ҳам) арузни букунги қ(и)йинчиликлардан қутқаза олмасдилар. *Сабаб*, *ватаг*ларга киришмаганда, рукнларни асли(й), фаръи(й) демаганда, зуҳофотни ўйламаганда ҳам арузнинг қ(и)йинлиги яна тамоман йўқолмас эди. 35 хил ҳ(и)жо тўпламини *фаулун*, *мафоилун* қолиблари орқали ёдда сақлаб, шулардан байтлар тўқушнинг ўзи, албатта, енгил эмас. Фикримизча, арузчиларни бу қадар қ(и)йинлиққа тушурган бош хато – мавжуд газаллардан ҳар бирини айрим ва мустақил суратда текшира олмаганларидир...

БАДИЙ САНЪАТЛАР ТАЛҚИНИ

Минг йиллар давомида шаклланиб, санъат номини олган бадиийлик воситалари фақатгина шеър беағи эмас, балки шоир ниятини ўқувчига етказувчи кўприк, муаллифнинг рангин туйғулар олами ҳақида тасаввур берувчи манба ёки шоир кўнглини китобхон диди ва завқи билан боғловчи маънавий ришта ҳамдир. Ана шу маънода шеърый санъатлар мумтоз адабиётшуносликда илми бадеъ унвони билан шарафланган ва унга илми адаб таркибига кирувчи мустақил илм турларидан бири деб қаралган. Бадиий санъатлар ҳақидаги дастлабки илмий рисолалар жоҳилия даврида ёки илк ислом халифалари замонида шаклланишига қарамай бу санъатлар халқ заковати ва бадиий балоғатининг белгиси сифатида қадимдан мавжуд бўлган. "Авесто" таркибига мифлардан тортиб Ўрхун-Энасой обидаларига қадар кечган ҳеч бир бадиият намунаси йўқки, уларда кейинчалик санъат номини олган бадиий тафаккур медалари учрамаган бўлсин. Ёки "Девону лугатит турк" таркибига кирган мансур ёки манзум парчаларнинг ҳам бадиийлигини текширганда, улар қайсидир маънода у ёки бу санъатга дохил бўлиб чиқиши шубҳасиз.

Инсоният маънавияти тарихида янги эътиқодий даврни бошлаб берган мусулмонликнинг вужудга келиши ва тарқалиши муносабати билан саодат асрдан ХХ асрнинг сўнгига қадар кечган исломий манбаларни ўрганганда ҳам унда ўткир дид ва чуқур санъаткорлик билан айтилган шеърят ва наср намуналарини учратамиз. Улар таркибига маънавий ёки лафзий санъатларнинг қайсидир кўринишлари мавжуд бўлганини ички бир шуур билан англаймиз. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётшунослигимизнинг шаклланишига сабаб бўлган рисолаларда, зукко алломаларнинг поэтикага доир ишларида бадиий санъатларнинг юксак намуналарини Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда кузатганлигини далиловчи фикрлар талайгина.

Араб мумтоз поэтикасининг пойдевори саналган Абдуллоҳ ибн Муътазнинг "Китобу-л-бадеъ" асарининг муқаддимасида "мазкур китобда биз кейинги давр (уламолари) «бадеъ» деб атаган илмнинг боб ва

фаслларида Қуръон тилида, Расулulloҳ с. а. в. ҳадисларида, саҳобалар ва тобеъинларнинг сўзлашув тилида, мутақаддим (қадимги – Ҳ. Б.) шоирларнинг шеърларида учрайдиган бадий ифодаларни таснифлаб чиқдик” дейиш баробарида истиора санъатига мисол келтирилар экан, аввал “Аллоҳ таоло каломидаги бадеъ сўзларидан: *Иннаҳу уммул китаби ли-дина-л-алиу-л-ҳаким...* (Бу албатта, Китоблар онаси (умму-л-китоб)дир ва у олий ва донишмандона (аълиул-ҳаким)дир)» каби иқтибослар тилга олинади. Сўнгра «Ҳадислардаги бадийят» рукни билан «Сизни ҳам аввалгиларнинг касаллиги енгибди бул (бахлик) ва ҳасаг устараси бўғзингизга тегибди» сўзлари келтирилади¹. Кейин «Али р. а. айтди: «Билим қулфдир, савол калимдир» ҳикматида сўнггина «Мутааххир (охирги – Ҳ. Б.) шоирларнинг сўзларидаги бадийят намуналаридан Молик ибн Динор айтади: «Фикрсиз кўнгила вайронадир». Бу ва бунга ўхшаш мисоллар шуни далиллайдик, шеърий санъатлардан истиора ҳақида фикр юритиларкан, унинг мисоли сифатида аввал «китобларнинг онаси» деб таърифланган Каломulloҳ, яъни Қуръони каримдан, сўнгра Ҳадиси шарифдан ёки Пайғамбар сўзларидан, кейин эса хулафои рошидин ва саҳобалар, тобеъинлар ва ана ундан сўнггина эски ва янги шоирларнинг шеърларидан намуналар бериш илмий маданият саналган. Араб мумтоз поэтикаси асосчилари Наср бинни Ҳасаннинг «Маҳосину-л-калом» («Гўзал сўзлар»), Қудама ибн Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър» («Шеър танқиди»), Жоҳиз ва Ибн Халдун асарларида ҳам мана шу жиҳат устивор ҳисобланган. Ҳатто X асрда араб олими Руммоний (909–916) фақат Қуръони каримдаги бадий санъат намуналарини тўплаб, шарҳлашга махсус китоб бағишлаган². Бундай Қуръоний асос билан бадий санъатларга ёндашиш Абу Ҳилал Аскарый (в. 1004)нинг «Китабу-с-сина’атайн» («Санъатлар китоби»), Ибн Рашиқ (999–1064)нинг «Ал-Умда», Бақиллоний (в. 1013)нинг

¹ Абдуллоҳ ибн Муътаз. Китоб ал-бадеъ. / И. Ю. Крачковский. Избранные сочинения. Т. VI. – С. 179-257.

² Ар-Руммани. Ан-Нукат фи и’джаз ал-Куран. – Салас расаил фи и’джаз ал-Куран. – Қоҳира, 1331.

«И'жазу-л-Қуръон» асарларида ҳам акс этган бўлиб, сўнгра адабий-илмий анъанага айланган³.

Аввал араб (мамлакатлари)да бошланган бу интизом сўнгра ажам (форс ва турк)га кўчган. Бизнинг ватандошларимизнинг араб тилида ёзилган асарларида ҳам, жумладан, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг машҳур лугати «Мафотуху-л-улум» («Илмларнинг калитлари»)да ёки Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳу-л-улум» («Илмларнинг калити») сингари асарларида ҳам шу тартиб иш берган.

Абду-л-Каҳир Журжонийнинг ўнлаб рисолаларида поэтика масалалари акс этган бўлса-да, унинг ушбу мавзудаги «Китоб асрору-л-балоға» («Балоғат сирлари китоби») асарида бадий санъатлар муаммоси изчил ва анча кенг баён қилинган бўлиб⁴, бу соҳада қалам тебратган кўшгина форс шоирлари ҳам унинг асарига мурожаат қиладилар.

Форс тилидаги илми бадеънинг ибтидоси Умар Родуёнийнинг «Таржумону-л-балоға» («Балоғат таржимони») асари ҳисобланади. Муаллиф ҳақида деярли маълумот учрамагани ҳолда бизгача етиб келган бирдан-бир асари «Таржумону-л-балоға» орқали унинг тахминан XI асрнинг иккинчи ярмида яшаганини аниқлаш мумкин. Умар Родуёний номи Рашиддин Ватвот, Ёқут Ҳумавий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳожи Халифа, Лutfалибек Озар, Ризоқулихон Ҳидоят асарларида ҳурмат билан тилга олинган. «Таржумону-л-балоға» ҳақида турк олими Аҳмад Оташ «Ориенс» мажалласи (1948)да маълумот берган, орадан бир йил ўтгач, асарни нашр қилдирган⁵. Ушбу асар 1961 йили эса Эронда чоп этилган⁶. Асарнинг ҳар икки нашри (Истанбул ва Техрон) асосида

³ Бу ҳақда қаранг: Чалисова Н. Ю. Рашид ад-дин Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии». / Рашид ад-дин Ватват. Хада'ик ас-сеҳр фи дақа'иқ аш-ши'р. Перевод с персидского и факсимиле. - М.: Наука, 1985. - С.16-17.

⁴ Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика. - М.: Наука, 1983. - С. 150.

⁵ Mehmet Umar Roduani. Tarcuman-ı-Balağa. Hazırlayan Ahmet Ataş - İstanbul, 1949.

⁶ Муҳаммад ибн Умар ар-Родуёний. Таржумону-л-балоға. Бо таснифи муқаддима ва зайлу ҳавоши ва тарожими аълум ба хоман Қавим. - Техрон, 1339.

тожик олими Худой Шарипов ушбу асардан намуналар танлаб олиб, «Мунтахаби «Таржумону-л-балоға» номи билан 1987 йили Душанбеда нашр қилдирган⁷. Муҳаммад Умар Родуёний муқаддимада форс тилида бундай асар йўқлиги туфайли уни ёзишга киришганини, саноеъ илми ҳақида араб тилида ёзилган Имом Наср ибн Ҳасан Маргиноний «Маҳосину-л-калом» («Сўз гўзалликлари») асарига суянганини баён қилади.

Ўзига Наср ибн Ҳасаннинг «Маҳосину-у-калом»и ва Муҳаммад ибн Умар Родуёнийнинг «Таржумону-л-балоға» асарларини ўрнатилган хоразмшоҳийларнинг сарой шоири Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадоийқу-с-сеҳр фи дақойиқу-ш-шеър» («Шеър назокатидан яратилган сеҳрли боғлар») номли элик беш бобдан иборат бўлган асарининг ҳар бир боби бир поэтик санъатга бағишланган ва иловада яна 8 та санъат ҳақида тўхталади. Шундай қилиб, олим араб ва форс шеърлятидаги 63 санъатнинг табиатини ўрганади ва уларга дастлаб Қуръони карим, Ҳадиси шарифлардан, сўнгра эса араб ва форс шоирлари ижодларидан намуналар (араб адибларидан 305, форслардан 209) келтиради. Маълумки, илми бадеъ илми адаб тизимидаги аруз ва қофия илмлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ватвот асарининг дастлабки қисмида аруз ва қофия илми билан боғланмаган тўққиз, сўнгра қасида ва рубоийларда фаол қўлланилган уч санъат тури ҳақида тўхталади. Айрим санъатларнинг турли кўринишлари, масалан, тажниснинг етти хил кўриниши, мақлубнинг тўрт хил ҳақида ҳам алоҳида тушунтириш беради. Асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у фақатгина шеърини жанрларини қамраб олмаган, балки насрий асарлардан ҳам намуналар келтиради. «Таржумону-л-балоға» ва «Ҳадоийқу-с-сеҳр» асарлари гарчи бир тилда яратилган бўлса-да, айрим санъатларнинг номланишида тафовутлар бор. «Таржумону-л-балоға»да *муқтазоб*, *мутобақа*, *муҷаррағ*, *иънату-л-қарина* деб номланган санъат турлари «Ҳадоийқу-с-сеҳр»да *иштиқоқ*, *рағду-л-аъжуз*, *ҳазф*, *тазмину-л-муздавиж* деб юритилади. Тажнис ва ташбиҳнинг кўринишлари ҳам турлича изоҳотлар билан

⁷ Мунтахаби «Таржумону-л-балоға» (Таҳияи матн, муқаддима ва тавзеҳоти Худой Шарифов). – Душанбе: Дониш, 1987.

келади. Масалан, *тажниси мутлақ* — *тажниси томм*, *тажниси мурадда* — *тажниси мукаррар*; *ташбиҳи макний* — *ташбиҳи кинайат*, *ташбиҳи музгавиж* — *ташбиҳи тасвиййат* каби. Бироқ бу асарларда ҳали бадий санъатларни маънавий ва лафзий санъат турларига ажратиш урф бўлмаган эди⁸. Бундан ташқари форс тилида бадий санъатлар таснифига бағишланган Ҳусайн Воиз Кошифий, Шамс Фаҳрий, Тож Халавий ва Шараф Рамийнинг рисолалари ҳам ёзилган эди. Бироқ тожик олими Р. Мусулмонқуловнинг кузатишига кўра, улар илмий янгилик жиҳатидан у қадар аҳамиятли бўлмаган⁹.

Форсий «маҳосин»ларнинг етук намунасини яратган Атоуллоҳ Ҳусайний «Бадоеъу-с-саноеъ» («Санъат янгиликлари») асарида 220 дан ортиқ санъат турларини фарқлаш билан бирга уларни *лафзий санъатлар*, *маънавий санъатлар* каби уч йўналишда тақсим қилади. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний Алишер Навоийнинг баҳосига кўра «*Бо вужуди донишмандлик, шеър муаммову санойиъда дағи маҳорат пайдо қилди... Аммо санойиъда китобе тасниф қилиштур «Бадоиъ-и Атоиъ»га мавсумдур. Бо вужуди ихтисор, мақлуби муставий санъатиндаким, андин мушқилроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:*

*Шакардаҳано ғаме надорид,
Дайро данийи муғона даркаш.*

Анинг таъби диққатиға бу байт далили бастур»¹⁰.

Ҳазрат Навоийнинг ушбу сўзларининг исботини нафақат бир байтда, балки форсий тилда яратилган илми бадеъга доир асарларнинг энг комили экани орқали ҳам ўз исботини топади. Муаллиф ўзи ҳақида кўп ҳам камтарликка бормай «*Умримнинг бошларида, фароғат*

⁸ Рашид ад-дин Ватват. Ҳада'ик ас-сеҳр фи дақа'ик аш-ши'р. Перевод с персидского и факсимиле. — М.: Наука, 1985. — С. 161-172.

⁹ Мусулманқулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. X—XV вв. — М.: 1989. — С. 14.

¹⁰ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис (Илмий-танқидий матни нашрга тайёрловчи С. Ғаниева). — Т.: Фан, 1961. — Б. 141-142.

ёшларига бу каминага дилрабо назму санъаткорона нутққа табиатан комил бир майл бор эрди ва имкон борича ушбу фан била машғул бўлур эрдим. Тангрига ҳамду шукрим, ул асарлардин ҳар неким, замона саҳифасида зоҳир бўлса, улуғу кичик қошида манзуру мақбул бўлди» деб ёзади. Яна муаллифнинг ниятича, балоғат ёшида бадийят илмига доир мукамал бир китоб ёзмоқчи эканини ҳам эслатади: «Агар каромат соҳиби карам айласа, «Такмилу-с-синоъа» («Мукамал санъатлар») китоби ёзилгай ва анда шеърнинг жамиъ фунуни муфассалу мукамал баён этилгай»¹¹.

Туркий тилдаги поэтикага оид XV асрнинг ноҳир намунаси Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунуну-л-балоға» («Балоғат фанлари») асарига форсий «илми бадеъ»лар тажрибаси умумлаштирилган, асарда таҳлилга тортилган санъатлар сонининг ортиши билан шеърят намуналарининг бадийяти ҳам чуқурлашиб, мавзу ва жанр доираси кенгайиб борган. Муаллифнинг ёзишича, «ҳар ақсоми саноат ва анвоъи балоғатким, фусаҳо ва булағо аросинда мўътабардур, мажмуъни жамъ қилиб, ҳар бир санъатқа туркий лафз бирла мисол келтуруб ва кечган зурафо ва шуаронинг бу саноат бирла тазйин қилган арабий ва форсий назм ва наср сўзларинда назир келтурдук. Ва баъзи ерда "Каломи мажид"тин ва Расул алайҳи-с-салом ҳадисидин нақл қилдуқ». Демак, балоғат навълари ва санъат тақсимларига доир барча фикрларни жамъ қилган аллома араб ва форс тилларидаги наср ва назм намуналарини терган: Ва мажмуи саноъекеим, балоғат аҳли эътибор қилурлар, бу турур: тарсеъ, тарсеъ мааш-тажнис, тажниси том, тажнису-с-зойид, тажнису-н-ноқис, тажнису-л-мураккаб, тажнису-л-мукаррар, тажнису-л-мутарраф, тажнису-л-хат, тасҳиф, ташбиҳи мутлақ, тажбиҳу-л-машрут, ташбиҳу-л-киноят, ташбиҳу-т-тасвият, ташбиҳу-л-акс, ташбиҳу-л-измор, ташбиҳу-т-тафзил, тафсиру-л-жало, тафсиру-л-хафо, тазмин, тазмину-л-муздаваж, тансику-с-сифот, таъкиду-л-мадҳ, бимо йушбиҳуззам, таржима, таажжуб,

¹¹ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ (Форсчадан А. Рустамов таржимаси). - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. - Б. 8-9.

тажохилу-л-ориф, хаёл, ихом ва ихому-т-том, ашкол, эънош, ибдоъ, ирсолу-л-масал, ирсолу-л-масалайн, ипроқ фи-с-сифат, иштиқоқ, иштифот, интибоҳ, иқтибос, истифҳом, истиглол, истидрок, истиора, мақлубу-л-баъз, мақлубу-л-кулл, мақлубу-л-муҷаннаҳ, мақлубу-л-муставий, мутазоғ, муурооту-н-назир, мутаносиб, мутародифи матлун, мусалсал, мутазалзал, мухтамилуз зи-ғ-гайн, муважжаҳ, мукаррар, малеҳ, мукаррари қабих, мақтаъ, мавсил, мушажжар, мураббаъ, муламмаъ, мужаррағ, мувашишаҳ, муаммо, мағлата, луғз, рақмо, хайфо, бароати истеҳлол, рағду-л-машлаъ, рағду-л-фажр, ала-с-сағр, лаффу нашри мураттаб, лаффу нашри мушавваш, тарғ-ул-акс, ҳашву-л-малеҳ, ҳашву-л-қабих, ҳашву-л-мутавассит, сажъу-л-мувозана, сажъу-л-мутаворий, сажъу-л-мутарраф, сеҳри ҳилол, сиёқу-л-эъдоғ, саволу жавоб, жамъу-л-муфрад, ташбеҳу-л-муфрад, тариқу-л-муфрад, жамъу-н-ма ат-тафриқ ват-тақсим, калому-л-мужомеъ, ҳусну-л-машлаъ, ҳусну-л-тахаллус, ҳусну-т-таълил, ҳусн-талаб ҳусну-л-мақтаъ, ат-тарзиҳ». ¹²

Шайх Тарозий домланинг улкан хизматларидан яна бири шуки, у ўз асарини туркий тилда ёзиш билан чекланмай, бу тилда ижод қилган эллиқдан ортиқ шоир ва носирларнинг сара асарларидан намуналар берган ва айрим ҳолларда мисоли учрамаган ўринларда ўз ижодидан мисоллар келтириб, талқиндаги санъат турини ўзбек китобхонига тўла етиб боришига ҳаракат қилган.

Ниҳоят, XX асрнинг бошларида яратилган адабиётшуносликка доир илк назарий қўлланмалар саналган Абдурахмон Саъдийнинг «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари», Фитратнинг «Адабиёт қондалари» асарлари мафкуравий тазйиқ остидаги давр меваси бўлгани учун ҳам энди уларда Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардаги илоҳий калималар, Расулуллоҳ сўзлари, ҳулафои рошидин ва саҳобалар нутқига мурожаат қилишлар ўз-ўзидан тушиб қолган. Ҳар бир санъат ҳақида маълумот бериларкан, унинг қисқа таърифи билан мисол келтирилиш ва айрим ўринлардагина бу мисолларни шарҳлаш урф бўлган. XX аср ўзбек навоийшунослари Ойбек ва Мақсуд Шайхзода, Иззат

¹² Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. - Т.: Ҳазина, 1996.

Султон ва Алибек Рустамовнинг рисола ва мақолаларида Навоий «иждоҳонасида»ги гўзал адабий унсурлар сифатида шеърий санъатларга мурожаат қилинган. Бу йўналишда бир неча ўнлаб мақолалар яратган, «Навоий поэтикаси»ни жиддий ўрганган ва ўз кузатишларини қарийб эллик йилдан бери ўзбек китобхоналарига етказиб келаётган олим Ёқубжон Исҳоқовнинг биргина «бадий санъатлар» талқинига доир ишлари билан чекланадиган бўлсак ҳам олимнинг мумтоз адабиётимизнинг тарихидонларидан бири сифатида адабиётшунослик тарихига киришига шубҳа йўқ. Хорижий олимларимиз томонидан «стилистические фигуры» деб талқин қилинган адабий ҳодисаларга назарий жавоб сифатида тайёрланган «Сўз санъати сўзлиги» асари шеършуносликда барча шеърий санъатлар (холислик учун Анвар Ҳожиаҳмедов¹³ ва Ваҳоб Раҳмонов¹⁴нинг қатор рисолааларини эслаш баробарида) ҳақидаги рисолалардан тубдан фарқ қилади. Бойси бу илмий рисола алифбо тартибида шакллантирилгани, бизни қизиқтирган санъат тури ва намунаси осон топилишидагина эмас, балки уларга берилган таъриф ва изоҳлар аниқлиги, бугунги ўзбек китобхони диди ва малакасига мувофиқлиги учун ҳам ушбу сўзлик ҳар бир адабиёт муаллими, талаба ва иқтидорли ўқувчиларнинг столдан доимий ўрин олишга арзийди.

Демак, мумтоз адабиётшуносликда энг қадимги илм турларидан бири саналган илми бадеъ, яъни бадий санъатлар ҳақидаги илм доимо янгиланишда ва тараққиётда эканини унутмаслик керак бўлади.

Ҳамидулла Болтабоев

¹³ Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: 1998.

¹⁴ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Т.: 2001.

ИЛМИ БАДЕЪ (БАДИИЙ САНЪАТЛАР)

АБДУЛЛОҲ ИБН МУЪТАЗЗ

(861–908)

Абул Аббос Абдуллоҳ ибн Муътазз аббосий халифалиги даврининг етук олими ва жамоат арбобидир. Аббосийлар сулоласининг бўғини сифатида тилга олинса ҳам Халифа Муътазид даврида саройга яқинлашган ва атиги бир кун (908 йилнинг декабрида) халифалик қилгани учун ҳатто сулолада номи кўрсатилмайди. Бироқ соҳиби девон шоир сифатида қўлаб тазкира ва баёзларда ҳурмат билан тилган олинган, эпик шеъриятда тарихий достон жанрининг асосчиси сифатида кўрсатилган. Лекин Оврўпа арабшунослиги уни шоир сифатида эмас, балки шеър назарийтчиси сифатида улуғлайди.

Ибн Муътаззнинг «Китобу-л-одоб», «Табоширу-с-сурур» («Шодлик тонги»), «Ашъору-л-мулук» («Подшоҳларнинг шеърлари»), «Китобу-л-бадеъ» («Бадиият китоби»), «Ал-жомеъ фил-ғино» («Оҳанглар тўплами»), «Китобу-л-жавориҳ ва ас-сайд» («Овчи қушлар ва ўлжалар китоби»), «Ҳалли ахбор» («Хабарлар зийнати»), «Китобу-з-заҳра ва ар-риёз» («Гуллар ва боғлар китоби»), «Китобу-с-суруқот» («Адабий ўғирликлар китоби»), «Табоқоту-ш-шуаро» («Шоирларнинг табақалари»), «Мукоотиботу-л-ихвон би-ш-шеър» («Шеърый ихвон мактублари») асарлари маълум ва машҳур.

Араб олимларидан Шарафиддин Муборак ибн Аҳмад Муставфий, Абу Закариё Табризий, Абдулқодир Боғдогий, Халил Асоқир, Абу Ҳаййон, Ибн Рошиқ, Абул Фараж Исфаҳоний, «Табақоту-н-наҳвийийн ва ал-луғавийийн» («Грамматика ва луғат олимларининг табақалари») китоби муаллифи Жулолиддин Суйутий, «Иршод» муаллифи Ёқут Ҳумавий, «Вафоёту-л-аъён» муаллифи Ибн Ҳоликон, «Кашфу-з-зунун» муаллифи Ҳожи Халифа ўз асарларида устози аввал деб билганлар.

«Китобу-л-бадеъ» («Бадиият китоби») бадиий санъатларнинг дастлабки 12 тури ҳақида илк тизимли маълумот берувчи асардир.

«КИТОБУ-Л-БАДЕЪ»дан
Бисмиллоҳи-р-роҳмани-р-роҳим

(Муқаддима)

Абдуллоҳ ибн Муътаз роҳматуллаҳи алайҳи айтади: Мазкур китобда биз кейинги давр (уламолари) «бадеъ» деб атаган иамнинг боб ва фаслларида Қуръон тилида, Расулуллоҳ с.а.в.ҳадисларида, саҳобалар ва тобеъинларнинг сўзлашув тилида, мутақаддим шоирларнинг шеърларида учрайдиган бадий ифодаларни таснифлаб чиқдик. Бу китобни ўқиганларга маълум бўлсинки, Башшар¹, Муслим² ва Абу Нувос³ ва кейинроқ уларга эргашган шоирлар (бадеъ санъатида) барчадан ўзиб кетган деб ўйламасинлар. Бу санъат аввалдан бор эди, фақат зикр этилган шоирлар ижодида бадеъ (бадий воситалар – тарж.) аввалгиларга нисбатан кўпроқ учрайди. Булардан сўнг Ҳабиб ибн Овс Тойй бу санъатни ўзлаштирди, турларга бўлди ва янада кўпроқ фойдалана бошлади. Бу соҳада унинг урунишлари гоҳ яхши, гоҳ ёмон чиқди. Одатда ҳар ишда ифрот яхшиликка олиб келавермайди. (Бир) шоир ўз шеърларида ёхуд қасидаларида бадеъдан фойдаланади, баъзан унинг қасидасида, умуман, бу санъат учрамаслиги мумкин(1). Ҳар қандай санъат ноёб бўлса, кам учрасагина мақталади (2). Шунда у эркин нутқда салмоқли кўринади. Баъзи (шеършунос) олимлар Ҳабиб Тоййни бадеъ санъатлари соҳасида Солиҳ ибн Абдул Қуддус билан қиёслайдилар ва айтадиларки: «Агар Солиҳ мақол, маталларни (бир жойга йиғмай) барча шеърларига сочиб юборганида ва (мақол, маталлар) орасида ўзининг (оддий) сўзларини ҳам қўшиб қўйганида бу майдонда унга ҳеч ким тенг келолмасди. Бу адолатли фикр⁴.

Бисмиллоҳи-р-роҳмани-р-роҳим.

Аллоҳ таоло каломидаги бадеъ сўзлардан:

Иннаҳу умму-л-китаби ли-дин-л-алийи-л-ҳаким...

(Бу албатта, Китоблар онаси (умму-л-китоб)дир ва у олий ва донишмандона (аълиул-ҳаким)дир)

Шоирнинг сўзларидан:

В – ас – субҳу бил – кавкаби – д – дуррийил манҳури
«Тонг кўкси ярқироқ юлдуздан жароҳатланди»⁵

Ушбу сўзлардаги янгилик (бадийят) шундаки, бу ерда шу вақтгача ўхшаши бўлмаган ифодалар қўлланилган. Яна мисол:

«Фикр ишнинг мияси (боши)дир».

Агар «Фикр – ишнинг энг яхши қисми» дейилса, бадийят бўлмас эди.

Тажнис ва ташбиҳ ҳам бадеъ санъатига киради. Қадимги шоирлар бу соҳада ҳам бизни ортда қолдирганлар, чунки кейинги шоирлар бу санъатларни биринчи бўлиб ишлатмадилар.

Биз китобимизда Расулуллоҳ с. а. в. ҳадисларининг исноди⁶ни келтирмадик. Агар келтирсак, ишимиз чўзилиб кетарди. Шунинг учун энг машҳур (ва саҳиҳ) ҳадисларни келтирамиз. Эҳтимол (бизга замондош ёки биздан кейинги) бошқа муаллифлар бу санъатларда биздан орқада эмаслигини, баъзи санъатларни ўзлари кашф этганлигини айтарлар. Эҳтимол, улар биз таҳлил қилмаган шеърларни ёки насрий сўзларни таҳлил этарлар ёки биз эсламаган шеърларни эсларлар, балки биз уларни мақсадга мувофиқ бўлмагани учун эсламагандирмиз. Эҳтимол, бошқалар уларни мақсадга мувофиқ деб билиш мумкин. Бу китобда бизнинг вазифамиз ҳозирги шоирлар мутақаддиминлардан⁷ ўзиб кетмаганлигини (балки уларнинг издошлари эканлигини) биддиришдир. Эҳтимол, бошқа муаллифлар бадеъ санъатини тушунтиришда бизга нисбатан камроқ мисоллар билан ҳам мақсадга етишишлари мумкин. Тавфиқ Аллоҳдандир!

Бадиият санъатидан биринчи боб Истиора¹⁾

Аллоҳ таоло айтади: «*Ҳува-аллази анзала алайка минҳу айатун маҳкаматун, хунна умму-л-китоби*». Мазмуни: «*У шундай китобки, оятлари бир-бирига маҳкамланган (тартибли уланган, ва албатта, У китоблар онасидир)*».

¹⁾ И.Крачковский «заимствование» (қарз олиш, бировдан олиш) деб таржима қилган. Аслида – метафора.

Ҳақ таоло айтди: «В-ахфиз лаҳума жаназили мин ар-роҳмати». Мазмуни: «Ва уларнинг ҳар иккисига (ота ва онага) меҳрибонлик қанотини ёйгин» (яъни ота ва онангни авайлаб, асра).

Ва қола (айтди): «В-аштаъала-р-раъсу шайбан». Мазмуни: «Бош ярқиради (сочи оқарди)».

Ва қола (айтди): «Ав йаътийҳум азоба йавмин ақийм». Мазмуни: «Ёки улар учун самара бермайдиган кун (қиямат) келмайдими?»

Ва қола (айтди): «Ва айатун лаҳуму-л-лайлу наслағу минҳу-н-наҳор». Мазмуни: «Улар учун кечасидан кундузни чиқаришимиз мўъжиза (оят) эмасму?»

Ҳадислардаги бадиият:

Расулуллоҳ сўзидан: «Инсонларни яхшиси, Аллоҳ йўлида (жиҳодга) отининг жиловлаб, тайёр турганидир. У даҳшатли овоз (мадаг сўровчи фарёдлар)ни эшитган заҳоти ўша тарафга учиб боради. Биз мушрикларнинг қаймоғини емаймиз (яъни улардан совға-салом олмаймиз)». Расулуллоҳ с.а.в. сўзи: «Ё раббим, менинг тавбамни қабул қил ва гуноҳдаримни ювгил. Яна айтди: «Сизни ҳам аввалгиларнинг касалиги енгибди бухл (бахиллик) ва ҳасад устараси бўғзингизга тегибди».

Саҳобаларнинг сўзларидаги бадиият:

Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу Басрадаги ҳокимлик (ноиб) Ибн Аббосга деди: «Қавмлар орасида очкўзларда очкўзлик уйғотиб, улардаги қўрқув тугунларини ечиб юбор»... Абу Бакр Сиддиқ р. а. айтди: «Аллоҳ кимга подшоҳлик берса, унинг ўзи молини эҳтиётловчи ва ўзгалар молига кўз олайтирувчи қилиб қўяди. Қалбини ташвишга тўлдирди. Унга кўп нарсалар ҳам оз кўринади. Ташқариси хурсанд, ичи қайғу, ташвишлидир. Руҳи тубанлашганидан жон дарахти қуриб, сояси қуёшли (ёруғ) бўлиб қолади. Шундан сўнг Аллоҳ таоло унга ҳукмини кучайтиради ва раҳматини камайтиради».

(Бу ерда одамнинг соясиз бўлиб қолиши, бошқаларга соя бермайдиган, хайр-эҳсон қилмайдиган бўлиши «қуриб» қолгани бадий сўзи билан берилмоқда, бунда истиора санъати бор (тарж.). Абу Толиб бу ерда (ҳасис одамнинг)

ҳаёт дарахти қуриб қолади маъносидаги истиорадан фойдаланган).

Нақддирки, Али р. а. форс оқсоқолидан «Уларнинг мақтовга лойиқ подшоҳлари ким?» деб сўраганида у айтдики: «*Ардашер — бу соҳада аввалгилардан бўлгани учун «ўзган» ва лекин форс подшоҳларининг энг мақтовга муносиби Ануширвондир*». Али сўради: «Унинг табиатида қандай фазилатлари бор? (Оқсоқол) айтди: «*Вазминлик, сабру бардош*». Али айтди: «*Бу икков (вазминлик, сабру бардош) эгизаклардир. Бундай эгизаклар буюк ният, мақсаддан тугилади*» (Бу ўринда Али р. а. «эгизаклар» истиорасидан фойдаланган — тарж.).

Али р. а. деди: «*Билим қулфдир, савол калитдир*» (Бу ерда илмга қизиқиб сўрайдиган одам олдида билимлар эшиги очилиши истиора билан берилган — тарж.).

Али розийаллоҳу анҳу хаворижийлардан бирига деди: «*Сени аввал ҳеч ким билмасди, лекин ёлғончилигинг фарёд кўтариб, улоқчанинг шохи чиқаётганини билдириб қўйди*»...

Ойша розийаллоҳу анҳудан сўрадилар: «*Расулуллоҳ с. а. в. баъзи кунларни бошқаларидан афзал деб айтганми?*» Ойша р. а. жавоб берди: «*У киши ҳафталаб тинмайдиган ёмғир эдилар*»...

Муттақийлардан бири дунё ишларини ёмонлаб, деди: «*Дунё ғам, қулфат уйдир. Бу уйга шайтон кириб олган, Раҳмон уни лаънатлайди, инсон жазоланади*»...

Холид ибн Савфон бир кишига деди: «*Отанг Худо раҳмати эди, у кўзларни жамоли билан, қулоқларни сўзларининг камоли билан меҳмон қилар эди*» (Бу сўзларда юз гўзаллиги ва сўзларнинг маънодорлиги ноз — неъматлар деб баҳоланган — тарж.).

Тобеъинлардан бири деди: «*Ким ёлғон отининг белига миниб олса, борар жойи афсус, нагоматдир*»...

Имру — л — Қайс (шоир)нинг қуйидаги сўзларида ҳам истиора бор:

*Денгиз мавжидай эди не — не кечалар,
Ғам, қайғу чойшабларини менга ёндилар.*

Зухайр (шоир) деди: «Қари кампир, зарарқунанда, тишлоғич, сўйлоқ тишли уруш ҳомиладор бўлса, нафрат туғилади»...

Абс уругидан Антара ибн Муовия айтади: «Булутнинг қизи саховатли раҳматини ёғдирганида ерда дирҳамларни эслатувчи ўйиқлар пайдо бўлди»...

Алқабба ибн Абдо айтади: «Барча яхшилар, ҳатто машҳур ва олийжаноб кишиларнинг ҳам бошларига зулм тошлари ёғилади»...

Абу Зуъайб Хузайлий айтади: «Тақдир чангал солганида ҳеч қандай тумор фойда бермайди».

<...> Мутааххир (охирги) шоирларнинг сўзларидаги бадияят намуналаридан:

Молик ибн Динор айтади: «Фикрсиз кўнгул вайронадир».

Маъмун (халифа) ўз фарзандларидан бирининг кўлидаги қоғоз, қаламни кўриб: «Ўғлим, бу нима?» деб сўради. Бола жавоб бердики: «Булар зеҳни ўткирлаштирувчи, ёлғизликда сирдош дўстларимдандир». Маъмун айтди: «Аллоҳга шукрки, авлодларимдан ақл кўзи билан қаровчиларни ато қилибди...»

<...> Абу Абдуллоҳ Ҳасан ибн Саҳддан ривоят қилади: «Сувнинг жилдираши аҳоли бор жойнинг қўшиғидир».

Абу Нувос деди: «Тилларанг (май) ақлни пачоқлайди, лекин у еткизган жароҳат фақат мудроқликдир»...

Ал-Табий деди: «Бармакийлар⁸ гуруҳ-гуруҳ бўлиб, йиғинларини бас қилмаяптилар. Буларнинг суҳбатидан дин-иймоннинг юзи чандиқларга тўлди. Ушандан буён ўн ҳаж ўтса ҳам, улар қиличининг тиғи ислом қонига бўялган».

Бадиият санъатидан иккинчи боб.

Тажнис

Шеърда ёки нутқда, ёзилишда, шаклда бир жинсли, лекин турли маъноларни аниқлатувчи сўзлардан фойдаланиш – тажнис санъатидир. Асмаъийнинг «Китобу-л-ажнос» («Жинсдош сўзлар китоби») асари шу ҳақда. Халил (ибн Аҳмад) фикрича, турли одамларда, қушларда, вазнда, имлода (ўхшаш) жинслар учрайди.

<...> Абу Таммом деди: «У жамоа чеҳрасидан зулм зулматини ҳайдади ва унинг осмонда ҳақиқат юлдузи порлади».

Бу бадииятни шоир Расулуллоҳ ҳадисларидан ўзлаштирган.

Зиёд Ажам айтади:

*Менга хабар қилдилар Бану Коҳилдан,
Улар тубанлиги ўркак ва коҳилдан.*

(Бу ерда коҳил сўзи ҳам қабила, ҳам отнинг ёли маъноларида келади. Бундан тажнис ва истиора санъати бор).

Хайён ибн Робиъа айтади: «Менинг халқимнинг (жанг кун) ҳадиғ кийганида ҳадиғи ошади (қуввати кучаяди — тарж.).

<...> Умар ибн Убайда бир кун Волид ибн Ҳишамдан эшитган сўзларини келтиради: Бир кун Зубайрнинг набираси Амир ибн Абдуллоҳ йўлда бораётиб, Марра деган манзилда тўхтаганида Ҳасан унга дебди: «Маррада тўхтагани ва ҳаётинг муррира (вайрон) бўлди».

Мутааххир шоирдан Тоий айтади: «Суъдат ҳижрат турбатини саодат қилди».

Бу ҳам унинг сўзларидан: «Асли наслинг ҳаётингга ҳаё ёмғирларини ёғдирди».

Саййид ибн Ҳумайд айтади: «Ас—саҳаъбу йасҳабу ала—р—руба» (Булуғ қирларда қора этагини суграб юрарди).

Бу ҳам унинг сўзларидан: «Новгалар шамолда ошиқларгай қучоқлашади. Булуғ йиғлаганида боғлар кулади».

(Бу сўзларда тазод санъати ҳам қўлланилган — тарж.).

<...> Абул Аббос айтди: «Биродаримдан бири мактубида бундай дебди: Ал—йафаъзу ан—назара ка афаъзу интазара. Яъни: Назарингни файзли қилгил, менинг сенга интизорлигим файзли бўлганидай».

Муслим ибн Волид айтади: «Куну—л—мулайим, иннама лавмал оъшиқу—л—луъму. Яъни: Эй дўст, севгида мулоийм бўл, чунки ошиқни меҳрибонликда айблаш тубанликдир».

Абу Таммом айтади: «Ҳува би мазҳабиҳи ҳиа заҳабат, музҳибун ав мазҳабу. Яъни: Ёр кетгач, саховат ҳам кетди. У ҳалок этувчи ё айрилиқ йўлидир».

Бағиётнинг учинчи боби.

Мутобиқа (ташбиҳ)

Халил (ибн Аҳмад) айтади: «Мен икки нарсани бир вазнда бирлаштирдим». Нотиқ ўз дўстига деди: «Биз сенинг ҳузурингга келдик, бизни кенг йўлга бошлайсан деб, лекин сен бизни кафолатнинг тор йўлига бошладинг». (Бу жумлада ўхшатиш ҳам, зидлангириш – тазод санъати ҳам бор – тарж).

Расулуллоҳ с.а.в.ҳадисларидан: У ансорларга деди: «Сизлар хавф–хатар вақтида кўпчиликдирсиз, очкўзликда эса камчиликдирсиз» (Бу ерда ансорларнинг яхши хислати айтилган – тарж.).

Ибн Умар розийаллоҳу анҳуга дедилар: «Фалон киши юз минг (динор) мерос қолдирди». У (Ибн Умар) деди: «Аммо улар (динорлар) уни қолдирмадилар (яъни, тирик қолдирмадилар)».

Ҳажжож хутбада бундай деди: «Аллоҳ таоло бизга «Бу дунё неъматларига ҳам еманглар, охират неъматлари ҳақида ҳам чекинглар, деб фармон қилди. О, қанийди Аллоҳ бизни охират ҳамидан қутқарса ва бу дунё ҳақида ҳам едирса!».

Бошқа бир йўлбошчи деди: «Амалда қайтаргувчи амаллар бор, баъзан амал қилмаслик амалдир» (масалан, ёмон йўлга юрмаслик – тарж.).

Ҳасан (Басрий)нинг машҳур сўзларидан: «Мен (бу дунёда) шаксиз ҳақиқатни кўрмадим, шаксиз ҳақиқат фақат ўлимдир».

Абу Дарда (саҳоба) деди: «Ҳозир бизга маълум нарсалар аввалгиларга маълум эмас эди, бизга номаълум нарсалар эса келгусидаги маълум нарсалардир». (Масалан, ҳозиргиларга номаълум бўлган қиёмат, дўзах ва жаннат охиратда барчага маълум бўлади – тарж.). Бишр ибн Мансур ажали етганида шодланди. Ундан «Нечун ўлишингга шодланыпсан? деб сўрадилар. Бишр айтди: «Махлуқлар орасида бўлишдан кўра Холиқ ҳузурига бўлиш қувонарлидир».

Ибн Аббос айтди: «Шодланиб гуноҳ қилганларнинг кўпчилиги охири йиғлаб, дўзахга кирдилар, гуноҳ қилиб, йиғлаганлар (тавба қилганлар)нинг кўпчилиги, хурсанд бўлиб, жаннатга кирдилар».

Бир киши Шаъбийдан койиб, деди: «Агар ёлгон айтган бўлсанг, Аллоҳ сени кечирсин, рост айтган бўлсанг, Аллоҳ мени кечирсин».

Ҳасан деди: «Узоқ йиллар уялмаганингиздан уялмайсизларми?».

Луқмон ўғлига деди: «Дангасаликдан ва пушаймон бўладиган ишлардан сақлан. Агар дангаса бўлсанг, ҳақиқатга етолмайсан, пушаймонли иш қилсанг, ҳақиқатга чиқолмайсан».

Воизлардан бири деди: «Илгарилари одамлар тикансиз барг эдилар, ҳозир эса баргсиз тиканлардир».

Бағииятнинг тўртинчи боби.

Рағду--л--ижозил калами ала мо тақаддам
(Сўзнинг аввалги маъносига қайтиш)

Мазкур боб уч навъдан иборат. Барчасида байтнинг сўнгида аввал келган сўз бошқа маънода такрорланади.

Шоир (эхтимол, Ибн Муътаз – тарж.) айтади: «Сен уни удуғвор кутасан, фикр қўшининг билан мустаҳкам ва удуғвор».

Иккинчи навъда сўнги сўз байтнинг биринчи қисмидаги сўзга мувофиқ бўлади:

Тез елар у жияни томон,
Ва шаънига айтар ҳақорат.
Аммо, саховат даъватига у тез елмайди.

Учинчи навъда сўнги сўз байтнинг аввалидаги бирорта сўзга мувофиқ келади.

Байт:

Бани Сулайм устунига етди ажал ўқлари.
Бу уларнинг ўз ўқи эди.

Ҳадисдан: «Ўз нафсини ёмон кўрган одамнинг нафсини Худо ёмонликдан асрайди».

Абу Нувос айтади:

Меҳрибоним мен ҳақда ёмон фикрда,
Сабаби менинг ёмон фикрларимдир.

Муслим ибн Волид айтади:

Кулиб боқди у мисли мойчечак,
Ёз булути мойчечакка кулиб боққандай.

Мансур ибн Фараж айтади: «У мақтовга лойиқдир, агар қораласа мақтовга лойиқ бўлмаган нарсаларни».
Яна унинг сўзларидан:

Йўқолса баҳор,
йўқолса ҳосил,
Унинг қўлларига баҳор йўқолмас.

**Бадииятнинг бешинчи боби. Жоҳиз жадалий
(диалектик) деб атаган усул**

Камина, билганим шуки, бу усул Қуръони каримда учрамайди. Чунки бу усудда маълум сунъийлик бор.

Абу Дарда (саҳоба) айтади: «Сизларнинг «сен биласан!» деган даҳшатли сўзингиздан қўрқаман. Яхшиси айтинг: «Сен нимани билардинг!».

Фараздақ айтади: «Ҳар бир инсонда икки кўнгли бор: бири фазилатли, олийжаноб. Иккинчиси: йигит кўнглидай яхши ва ёмонликка ўзгариб турувчи. Сенинг кўнглинг фазилатлидир, ҳатто бу замонда фозилларни кам одам ёқдаса ҳам».

Иброҳим ибн Маҳдий (шоир) Маъмун (халифа)га деди: «Менга меҳр–шафқатинг борлигидан менинг айбимни кечирмоқдасан. Мени яхши билганинг менинг ҳимоячим бўлди, бу ҳимоячим мендан шубҳаланмайди».

Иброҳим ибн Аббос айтди: «Менга қандай севишни ўргатдинг. Сенинг зулмингга чидашларим сени золим қилиб қўйди».

Бу ҳам унинг сўзларидан: «Маликам, биздан узоқлашганида биз унга ким эдик. У яқинлашганида биз унга ким бўлардик?»

Камина (Ибн Муътазз) ҳам бу маънода дедим:

Кўнглимда сир асрайвериб, ҳаддимдан ошдим,
Шу ҳам мени адо қилди.

*Севгимни сир сақладим. Сир сақлаганимни ҳам
яширгунимча*

Бу сир тилимга кўчиши муқаррар бўлди.

(Шундан сўнг «Нутқ ва шеър зийнатлари» фаслида таъриз, киноя, ҳусну-л-хурун мин маъно илал маъно (бир маънодан бошқа маъно чиқариш), ҳусни таълил, тажоҳили орифийн, ҳусни тазмин, ал-ифот фи-с-сифат, ҳусни ташбиҳ, ҳусни-л-ибтидоъ каби санъатлар ҳақида фикр юритилган).

МУҲАММАД ИБН УМАР РОДУЁНИЙ
(XI аср)

Тарихий манбаларда Муҳаммад Умар Родуёний ҳақида маълумотлар учрамайди. Муаллифнинг бизгача етиб келган ягона асари «Таржумону-л-балоға» бўлиб, бу асар тахминан XI асрнинг 80-йилларида ёзилган. Асар Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадоийқу-с-сеҳр фи дақойиқу-ш-шеър», Ёқут Ҳунавийнинг «Мўъжаму-л-удабо», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкирату-ш-шуаро», Ҳожи Халифанинг «Кашфу-з-зунун», Лутфалибек Озарнинг «Оташқада», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Мажмаъу-л-фусаҳо» асарларида тилга олинган. Айрим манбаларда асар номини тўғри келтирилгани ҳолда муаллиф исми нотўғри кўрсатилган. Масалан, Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасида «Таржумону-л-балоға» муаллифини Фаррухий Сийистоний деб кўрсатган.

1948 йилда турк олими Аҳмад Оташ «Ориенс» мажалласида ушбу китоб ҳақида маълумот бериб, унинг муаллифи Давлатшоҳ кўрсатган Фаррухий Сийистоний эмас, балки Муҳаммад ибн Умар Родуёний эканини англашган ва орадан бир йил ўтгандан сўнг асарни нашр қилдирган. 1961 йили эса ушбу асар Эронда чоп этилган.

Муҳаммад Умар Родуёний асар сўзбошисида форс тилида бундай асар йўқлиги туфайли уни ёзишга киришганини айтади. Саноеъ илми ҳақидаги дастлабки араб тилида ёзилган Имом Наср ибн Ҳасан Марғиноний «Маҳосину-л-калом» асарида таянади (унинг ягона нусхаси Испанияда сақланар экан). Бу икки асарни Аҳмад Оташ илк бор муқояса қилган. «Таржумону-л-балоға»да ўз даврининг 60 га яқин шоири асарларидан намуналар келтирилган. Асарнинг ҳар икки нашри (Истанбул ва Техрон) асосида тожик олими Худой Шарипов «Мунтахаби «Таржумону-л-балоға» ва «Ҳадоийқу-с-сеҳр» номи билан 1987 йили Душанбеда нашр қилдирган. Ушбу нашрдан айрим шеърини санъатларга оид мулоҳазалар таржима этилиб мажмуага киритилди.

**«ТАРЖУМОНУ—Л—БАЛОҒА»дан
Муқаддима**

Муҳаммад ибн Умар Родуёний айтурки, давр данишмандларининг балоғат шарҳи ва санъатлар баёнига доир кўпгина таснифларини: арабий тилдаги аруз, шеър исмлари ва қофияга доир барча асарларни кўрдим ва бир гуруҳ жамоанинг шу иш билан махсус шуғулланганининг гувоҳи бўлдим. Абу Юсуф ва Абульало Шуштарий арузни форсий тилда баён этдилар. Ва аммо балоғат навълари ва санъат синфларини аниқлаш, назмга солинган матни ва нозик маънони ажратишга доир форсий тилда ҳеч китоб кўрмадим. Бу борада кўп интизор бўлдим ва дедим: «Бу ишни ушбу илмдан хабардор, менга ўхшаш бир ҳунарманд (билимдон) киши амалга оширса ва бу иш илгари устозлар томонидан бажарилмаган ва бошқа мусаннифлар томонидан синфларга ажратилмаган бўлсин. Лекин интизорликда чегара билмадим, зеро бу масъалани ҳал қилиши мумкин бўлган кишиларни кўрмадим. Шунда ўзимдаги барча билимларни ишга солдим ва бу масъалани адо қилишга киришдим. Ўзим ўзимга айтдимки, бу илмни китобга жамъ қилай, унга монанд тасниф келтурай, балоғат навъларини арабийдан форсийга ўткарай ва ҳар фаслга доир мисолларни устозлардан олиб кўрсатай, токи раҳнамо бўлсун.

Аллоҳ таъолодан мадад ва зафар тиладим, қаламимни ушбу буюк ишга йўналтирдим, маълуму машҳур ва табъимга маъқул бўлган девонларни тўпладим ва улардан фойдаланиб, ушбу китобни ёзмоққа бошладим, бобма боб номларга шарҳ бердим.

Бадий санъатлардан энг машҳур ва маълумлари ва табъга яқинлари, хусусан, тарсеъ, тажнис, тақсиму истиора, иштиқоқу игроқларга кенгроқ тўхтаддим, уларнинг қоидалари ва уларга доир мисолларни кўпроқ келтирдим...

Бу китобни тартиб беришда Хожа Имом Наср ибн Ҳасан¹ нинг «Маҳосину—л—калом»идан фойдаландим ва унинг номини «Таржумону—л—балоға» деб номладим.

Ва фалон мажлисда унинг нухасини Фаррух²га тақдим қилдим. У улуг подшоҳ (садр) чуқур илм ва ҳунарга эга эди, донолар айтур: «Агар манфаат бўлмаса, дарёга ёмғир томчилари тушмайди».

У шундай фармойиш бердики, ҳар кимса ушбу илмдан баҳра олсун ва ушбу китобдан нуха кўчирилсун, унинг номи то абадий тилларнинг бошида айтилсун ҳамда китобнинг ичига киритилсун.

(1) Тарсеъга доир фасл

Тарсеъ – порсий³да "ишга гавҳар термоқ" бўлиб, бу ўринда унинг баёни шуки, котиб ва шоирлар назму насрда байтнинг қисмларини бўлак–бўлак қиладилар, токи ҳар икки сўз ўзаро баробар ва вазнда мувофиқ бўлсин ҳамда сўзларнинг аввалги ва охири ҳарфлари бир–бирига мос бўлсин. Абуғайиб Мусъабий айтур:

Шакаршикан аст, ё сухангўйи ман аст?

Анбарзақан аст, ё суманбўйи ман аст?

(Мазмуни: Шакар (бозорини) синдирувчимиз ёки менинг сўзловчи ёримми?)

Анбар⁴ ияклими ёки менинг суман (ёсмин гули) ҳидли ёримми?)

Ушбу байт таркибидаги ҳар икки сўз ўзаро тенг ва вазнда мувофиқдур, чунончи *шакар* ва *анбар*, *шикан* ва *зақан*, *сухан* ва *суман* ҳамда *гўй* ва *бўй*. Агар шеърнинг қисмлари шу тариқа тузилган бўлса, уни "тарсеъ" дерлар. Ва бу қисмлар балоғат илмида баланд даражада ва шариф мартабададур...

Бошқа бир мисол, Унсурий айтур:

Гиреҳ гузошта аз қир бар саҳифаи сим

Зиреҳ нигошта аз мушк бар гули бодом.

(Мазмуни: Сиёҳдан оппоқ саҳифада доғ пайдо бўлди,

Бодом гулига мушк (сиёҳранг хушбўй модда)дан совут ясалди)...

<...> Қамарий Журжоний ўз қасидасининг охириги байтини бошдан—охиригача мурассаъ (тарсеъ қилинган) байт билан якунлайди :

*Улув тахтат, куфв бахтат, фарй корат, пари ёрат
Кажин—мушкин, гузин—маскан, қарин—хубон, муин—
Язгон*

*(Мазмуни: Тахтинг баланд, бахтинг ҳам шу монанд,
ишинг эзгу, ёринг паридур,
Либосинг мушкин, масканинг муносиб, ҳамсухбатинг
хўблар, мадагкоринг Язгон (Худо)дур)...*

(2) Тажнисли тарсеъга доир фасл

Ёдга олганимиздек, тарсеъ санъати олий ва баланд мартабададур, агар унга яна бошқа санъат, яъни тажнис ёки шунга ўхшашини қўшсалар, янада пурасоз⁵ ва баландпоя бўлур, чунончи Унсурий айтурки:

*Фигон аз он ду сияҳ зулфу ғамзагон, ки ҳаме —
Бағ—ин зиреҳ бибуриву бағ—он зи раҳ бибарй.*

(Мазмуни:

*Ул икки қора зулфу кўзларингдан доғким,
Бирин билан темир совутни ҳам кеса оласан
(ҳатто), иккинчиси эса одамни йўлдан чиқаради).*

Бошқаси айтур:

*Бемораму корзору ту гармонй,
Бим ораму кор зору ту дар монй.*

(Мазмуни:

*Мен беморману, сенинг жанжалларинг менга
гармондур.
Қўрқарманки, нола—афгонларинг тўхтаб
қолмасайди).*

Аҳмад Вотикий Андароб⁶ ҳокими уни жосуснинг туҳмати билан қўлга олган вақтда шундай деган эди:

*Он кас ки Андароб шавад ў беошно
Гўй, ки андар об шавад ў бе ошно.*

(Мазмуни:

Ким Ангаробдан бўлса у (бизга) дўст эмас,
Айтгилким, у сув ичига (сузолмасдан) фарқ бўлсин)...

(12) *Мутаозодга доир фасл*

Мутаозоднинг маъноси "зид", "қарама – қарши" дир. Шоир у котиблар шундай шеър айтурларки, унда маъно жиҳатдан ўзаро зид сўзлар жамланган бўлур, яъни тун ва кун ҳамда очиқ ва боғлиқ сингари. Бу амалнинг номини форсигўйлар "мутаозод" дерлар. Аммо устодлар ва Халил Аҳмад "мутобиқ"⁷ (мувофиқ) демишлар. Шоир айтур:

*Бути турки хубрўй гирифта ба чанг, чанг
Ҳамасола мекунаг зи дил ў ба роҳиш жанг.
Қаду танаш сарву симу руху зулф рўзу шаб
Лабу ғамза нўшу захр, бару дил паранду санг.*

(Мазмуни:

Гўзал юзли турк нигори қўлига чанг олганда
Юрагим унга етишиш учун ҳар доим жанг қилади
Унинг қоматию тани – сарву сийм, юзию
зулфи – кун ва тун каби.

*Лабию сўзи – асал ва оғу, баданияю юраги – ҳарир
ва тош сингаридир).*

Лабибий айтур:

*Ғар Фарруҳй бимурғ, чаро Унсурий намурғ
Пуре бимонд деру жавоне бирафт зуд.
Фарзонае бирафту зи рафтан – ш ҳаст зиён,
Девонае бимонду зи мондан – ш ҳеч суг.*

(Мазмуни :

Фаррухий ўтди оламдин, нечун Унсурий кетмади,
Қари бунда узоқ қолди – ю, ёш тез кетди.
Донишманд кетди – ю, кетмоғи кўп зиён,
Девона қолди – ю, қолмоғидан нафъ йўқ.)

Қамарий айтур:

*Падидор аст адлу зулм пинҳон,
Муҳолиф андаку носеҳ фаровон.*

(Мазмуни:
Адолат ошкору зулм пинҳон,
Душман озу, насиҳатгўй кўп).

Юқоридаги байтда ўзаро зид маъноли сўзлар жамланган,
яъни: *аdl—зулм, ошкор—пинҳон, андак—фаровон* сингари...

(37) *Тажохулу-л-орифга доир фасл*
“Таниб—танимасликка олиш” санъати бўлиб, мисолини
Рўдакий айтур:

Танат яку жон якеву чаңдин дониш
Эй ажабо, мардуми ту ё *гаръей*?
(Мазмуни:
Танинг биру жон ёлгизу ақлинг беадад
Во ажабо, одаммисан ёки денгиз?)

Яна Рўдакий айтур:

Сарв аст он ё боло, *моҳ* аст он ё *рўй*?
Зулф аст он ё *чавгон*, *хол* аст он ё *гўй*?
(Мазмуни :
Сарвми бу ё қомат, ойми бу ёки юз,
Зулфми бу ё чавгон⁹, холми бу ё гўй⁹?)

Қареъуддаҳр айтур:

Замино, пурситора гаштй аз гул,
Надонам к—*осмонй* ё *заминй*!
(Мазмуни:
Эй замин, гул кўплигидан юлдуз тўла осмондексан,
Биллмадим, ермисан ёки осмон?)...

(49) *Аксга доир мисол*

Акс луғатда “қайта такрорлаш” бўлиб, байт таркибидаги
жумла ва сўзларни ҳамда охирги сўзни мисра бошида
такрорлашни “акс” дерлар. Акс икки турлидур: байт
таркибидаги барча сўзларни қайта такрорлаш ҳамда фақат
мисра таркибидаги сўзларни ўрин алмаштириб қўлаш.

Ва агар акс амали байт таркибида содир бўлса, бундай аксни "комил акс" дерлар ва агар мисраъ таркибида амалга ошса, бундай аксни "махраж", яъни нотамом (тўлиқ бўлмаган) деб атарлар.

Ва махраж ҳам икки турлидур: биринчи турини *мутаҳодий* дерлар ва унда қайта такрорланган жумла ўз маъносини сақлар. Иккинчи турини эса *мажро* дерлар ва унда қайта такрорланган жумла бошқа маънода келур. Комили мажро санъатига мисолни Унсурий айтур:

*Агарчи бошаг танҳо ҳама жаҳон бо ўст
В-гарчи бо ў бошаг, ҳама жаҳон танҳост.
(Мазмуни:*

*Агар у ёлғиз бўлса, ҳамма жаҳон у билан бирга,
Ва агар у билан бўлса, ҳамма жаҳон ёлғиздур)...*

<...> Ва аммо акси комили *мутаҳодий* будурким, шоир айтур:

*Бор бардорам ва-з э дар биравам,
Биравам з э дару бардорам бор.
(Мазмуни:*

*Ғамга ботсам, бу ердан кетаман
Бу ердан кетсам, ғамга ботаман).*

Ва аммо акси *махражи мутаҳодий* будирким, Унсурий айтур:

*Бўса надиҳаг моро, моро надиҳаг бўса,
Ғамгин дили мо дораг, дораг дили мо ғамгин.
(Мазмуни:*

*Бўса бермаса бизга, бизга бермаса бўса
Ғамгин бўлур дилимиз, дилимиз бўлур ғамгин).*

Савол ва жавобга доир фасл

Шундай санъат турларидан бирики, бунда шоир ҳар байт ёки ҳар мисраъда савол ва жавобдан фойдаланади. Унсурий айтур:

Ҳар суоле, к—аз он гули сероб
Дўш кардам, ҳама бидод жавоб.

Гуфтамаш: — Хур ба шаб нашояд диг?

Гуфт: — Пайдо, ба шаб бувад маҳтоб.

Гуфтам: — Аз ту ки бурда дорад меҳр?

Гуфт: — Аз ту ки бурда дорад хоб?

(Мазмуни:

Тунда берган ҳар саволимга

Ул гули тобон жавоблар қилди.

Дедим: — Тунда офтобни кўриб бўлурму?

Деди: — Бўлур, фақат тунда кўринадур ой.

Дедим: — Ким сендан меҳрни олиб қўйди?

Деди: — Ким сенинг уйқунгни ўғирлади?

Ва баъзан байт таркибида бирин — кетин савол ва жавоб келур:

*Дил ку? Бисатаг. Ба чи? Ба лаб. Кай? Дирўз.
Ногоҳ? Бале! Кужо? Ба раҳ. Кай? Имрўз.*

(53) *Тазминга доир фасл*

Тазминнинг маъноси байтни шеърга бино қилиш (қуриш) бўлиб, аввалги байтнинг маъноси кейинги байтда ошкор бўлур, чунонки Унсурий айтгур:

Агар шамшеру гарди лашкари ту

Бихоҳад рўзи жангу рўзи майдон,

Яке дарё кунад саҳрои Омўй

Яке саҳро кунад дарёи Уммон.

(Мазмуни:

Сенинг лашкарларингнинг қиличлари

Хоҳлайдики, жанг кунда майдонда

Омўй саҳросини денгизга айлантирмоқни,

Уммон денгизини эса саҳро айламакни).

Аввалги байтнинг мазмуни кейинги байтда ошкор (равшан) бўлди.

Ва тазмин яна шундай санъатки, шоирлар ўзга бир шоирнинг ўзларига хуш ёққан байтини ўз қасидаларига киритадилар. Тазминнинг қоидасига кўра, шоир ушбу

байтнинг ўзга шоир байти эканини очиқ айтади ва шоирнинг номини ҳам келтиради, чунончи Фирдавсий айтгур:

Ба ёди жавони ҳаме мўя орам
Чу он байти Бутохіри Хусравони.
"Жавони ман аз кўдаки ёғ дорам
Дареғо жавонӣ, дареғо жавони".

(Мазмуни:

Ёшлигимни эслаб, нола—афғон қилурман,
Абутохир Хусрав байтида айтилганидек:
"Ёшлигимни мен болаликдан бошлайман,
Эҳ, афсус ёшлигим, афсус ёшлигим")

(55) Мувашшаҳга доир фасл

Мувашшаҳ "вашшоҳ" сўзидан олинган бўлиб, маъноси "бўйни боғланган" демакдир. Бунда шоир қасида байтларидаги аввалги ҳарфларни олиб, шеърнинг асосини пайдо қилур. Ажратилган ҳарфлар бирлаштирилса, маълум бир сўз ҳосил бўлади...

Муваққарий айтгур:

Дилгузду дилрабои ман он саътари писар
К—овард умри ман зи ғами ҳажри ҳуд басар.
Расме ниҳод ишқаш бар ман, ки солу моҳ
Шав, сабри ҳуд фурӯшу ғами ишқи ман бихар.
Йо жон ба чанги ишқ супору мажӯӣ жанг,
Йо йофа кун, ту жону дилу дини ҳуд гузар.
Оре, киро фурӯғу дилу жон бувад чу ту,
Чора набошадаш зи ғами ҳолу гарди сар¹⁰.

(Мазмуни:

Дилни ўғирловчи менинг дилрабоим ёш
йигитларнинг кўнглини овлайди.
У менинг умримни ўз ғаму ҳижрони
билан поёнига етказди.
Расму одатдир унинг ишқи менга
Эй ёр, ойу йиллар бор бўлсину, ўз сабрингни менга
сот, ишқимни сотиб ол.
Йоки жонни ишқ урушига топширгилу,

*бошқа уруш қидирма
Йоки йўқ қилгилу, гулу жонни ўз динингга ўтказ.
Тўғри, кимники ёндирсанг, унинг гулу жони сенинг
каби бўлур,
О, бу халқнинг ғамигаю, бошнинг дардига чора
йўқдир.*

(56) Муламмаъга доир фасл

Шундай санъат турики, унга кўра шоир ўз қасидасида бир хил вазн ва бир хил қофияда бир байт форсийдан ва бир байт арабийдан айтур ва бунда байтларнинг таржимаси асосий мақсад ҳисобланмайди...

(61) Мукаррарга доир фасл

Бу шундай санъатлардан бирики, унда шеърнинг қофияси мукаррар бўлади, яъни икки марта такрорланади, чунонки Мунжик айтур:

*Мо май бихостем заган дўш жом—жом
Чун ту биёмадиш, бимондем хом—хом
Аз одам ангарун зи таборат касе намонг
К—ўро ҳижо накардаст Мунжик ном—ном*

(Мазмуни:

*Биз тунда қадаҳ—қадаҳ май ичмоқни ихтиёр қилдик,
Нечун сен келмадинг, биз чорасиз қолдик.
Келганлар орасида яқин кишилардан ҳамма бор эди,
Мунжик уларни номма—ном санай олмади).*

РАШИДИДДИН ВАТВОТ (1080—1177)

Тўлиқ номи Саъду—л—Мулк Рашидиддин Муҳаммад бинни Муҳаммад Абду—л—Жалил Умарий Котиб Балхий бўлиб, Ватвот (маъноси: ёввойи қалдирғоч) адабий тахаллусидир. Ёқут Ҳумавий, Алоуддин Жувайний, Закариё Қазвиний ва Давлатшоҳ Самарқандийнинг тарих ва тазкираларида у ҳақда маълумот бор.

Балхда туғилган, машҳур Низомия мадрасасида таҳсил олган. Қирқ беш ёшларидан бошлаб ўттиз йилча мугдат хоразмишохийлар саройида ишлаб, девонхона соҳиби гаражасига кўтарилган. Ватвотни соҳиби девон шоир сифатида юксак қадрлаб, Хоқоний ва Анварий қаторига кўядилар.

Форсий шеърларидан девон (8,5 минг байт) тартиб берган, арабий девони мухлисари томонидан тузилган. Шунингдек, «Акбару—л—афкор фи—р—расоил ва—л—ашъор» («Рисола ва шеърларда улуғ фикрлар»), «Араису—л—хавотир ва нафосу—н—наводир» («Севимли фикрлар ва нозик латифалар»), «Расои—л—араби» («Араб мактублари»), «Ғаройибу—л—килом фи рағойибу—л—ҳикам» («Кутилган доноликлар ҳақида ногир сўзлар») каби йигирмадан ортиқ асарлар ёзган. Улар орасида «Рисолати аруз», «Бағойиъу—т—тарсат ва равойиъу—т—тасжиъат» («Тарсиъ ва тасжиъ санъатларининг мўъжизалари»), «Рисола тасхифат» каби адабиётшуносликка оид илмий асарлари бор.

Ватвотнинг поэтика масалаларига доир бош асари «Ҳағойиқу—с—сеҳр фи дақойиқу—ш—шеър» («Шеър назокатида (н яратилган) сеҳрли боғлар»)дир. Рисола Муҳаммад Отсизнинг ўғли Аббос Иқбол даврида (1156—72) ёзилган деб тахмин қилинади. Элик беш бобдан иборат бу асарда араб ва форс шеъриятидаги 62 санъатнинг табиати ҳақида фикр юритилган.

**«ҲАДОЙИҚУ-С-СЕҲР ФИ ДАҚОЙИҚУ-Ш-ШЕЪР»
[«Шеър назокатида(н яратилган) сеҳрли боғлар»]дан**

Бисмиллаҳи-р-роҳмани-р-роҳим

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, У ўзининг шафоати билан бизга тўла дарёлар ва марҳамати билан муҳташам боғлар яратди, анинг расули Муҳаммад с.а.в.га ва саҳобаларига салавотлар бўлсин.

Китоб муаллифи амир *Имом Рашидиггин Саъду-л-Мулк Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абду-л-Жалил Котиб* айтади.

Улуғ давлатпаноҳ одил подшоҳ *Хоразмшоҳ Отсиз*¹, Аллоҳ қабрини мунаввар қилсин, анинг идораси вақтида илм қомуслари мустаҳкам (қурилиб), жаҳолат поялари асосига қадар вайрон қилинди, (қунларнинг) бирида мени ҳузурига чоради. Менга *маърифати бағойиъ шеъри порси «Таржимону-л-балоға»*² китобини кўрсатдилар. Мен ани кўриб англадимки, ундаги шеърий мисоллар саҳвли, алар тизимли берилмай, шунчаки йиғилган ва бу китоб турли хил камчилик ва хатоликлардан холи эмасди. Мен ушбу сарой марҳамати туфайли истиқоматда эканман, икки тил – араб ва форс назми ва насри *маҳосини*³ ҳақида китоб битмакни ўзимнинг бурчим санадим. Унда жамъ қилинганлар, соҳиби салтанатга пойдор этилган, Аллоҳ у кишининг салтанати ва ҳокимиятини барқарор қилсин, шеърият ва дабирлик шоҳчаларининг улуғ неъматларидан кичик бир улушдирки, мен ўзимнинг бутун имконият ва қувватларимни ишга солиб, уни тугаладим. Агар Аллоҳ менга умр берса, ўлим соатимни кетга сурса, менинг ожиз ниятим илоҳий каломларга мос келса, иншооллоҳ, шеъриятнинг ҳамма бўлимлари: *вазн, алқоб*⁴, *қофия, шеър* ютуғи ва айбларин қамраган китоб ёзиб, амиру-л-муслимин, Аллоҳ унинг давлатини барқарор қилсин, унинг ёди абадиятдан кун ва ойлар, йил ва даврлар давомида ўчирилмаслиги учун саъй – ҳаракат қилурмен. Бу китобни мен «*Ҳадоийқу-с-сеҳр фи дақойиқ-ш-шеър*» деб номладим, Аллоҳдан сўрайманки, Яратган бизни сўзда ва ишда айрим саҳв-хатолардан ҳижоб қилиб, ният қилганимиз мақсудимиз сари йўлласа.

Т а р с и ь — форсийда қимматбаҳо тошлар билан зийнатлаш маъносида бўлиб, бадойиъ истилоҳи сифатида дабир ёки шоир лафзни бир неча бўлақларга бўлиб, муайян сўз қаршисига зидди бўлган сўзни қўйиб, вазнга мувофиқ ва *ундош*⁵ билан муттаҳид қилур. Насрдаги *ундошнинг* маъносини кенгайтирурларки, аввал бу назмда воқеъ бўлган эрди.

Муқаддас Қуръони каримда: «*Инна-л-аброра ла-фи наъмин ва-инна-л-фужжора ла-фи жажимин*»⁶.

Араб насри билан тўлган хазинани изловчилар Абу-л-Ҳасан Аҳвазий⁷нинг рисоласини қўлга олсин...

Форсий мисол:

*Модар морде чодар борде*⁸

Рудакий айтди:

*Кас ферестаг бе-серр андар ʔаййор маро,
Ки макон йод бе-шеър андар бисйор маро*⁹

Мен айтдим:

*Эй, мўнаввар бе-тў нўжуме жалол,
Вей мўқаррар бе-тў рўсуме камол,
Бустонист қадре то зи наъим
В-асмонист қадре тў зи жалол*¹⁰.

Бу қасидам охирига қадар шундай...

Т а ж н и с о т — бу санъат назм ва насрда қўлланилиши жойиз бўлиб, лафз ва имлодаги ўхшашлик асосидадирки, етти бўлимдан иборат: *тажниси том, тажниси ноқис, тажниси зойиғ, тажниси мураккаб, тажниси мукаррар, тажниси мутарраф, тажниси хат*.

Тажниси том шундайки, лафзда икки ва ундан ортиқ талаффуз ва имлода уйғун, аммо маъноси ўзга ёки бир қисқа, бири узун сўз келтирилур, улар таркибли (қўшма) бўлмаслиги шарти билан келиши мумкин.

Мисол:

*Зойири-с-султаника зойири-л-лайти-з-зойири*¹¹

Мен айтдим:

*Аё ғазоле сароё ғазалсароӣи бадиъ,
Бегир чанг бе чанг ангаро ғазал бесароӣ¹².*

Тажниси ноқис тажниси томга ҳарфлар жиҳатидан мос бўлиб, лафз жиҳатдан фарқ қилади.

Мисол: *Жуббату-л-бурди жуннату-л-барди¹³.*

Бунда *бурд* (тўн) каломи *бард* (совуқ) каломига ёзувда мос бўлиб, бири дамма, иккинчиси фатҳа билан келиши (туфайли) фарқланади ва ани тажниси ноқис атайдилар. Агар улар тўла мос келганида эди, аларни тажниси том атардилар.

Мисолин Маъяз Жабал айтди:

Аг-гайни йаҳгиму-г-гуйна¹⁴.

И ш т и қ о қ – уни *иктизоб¹⁵* деб ҳам айтадилар, услубан тажнисга яқин биладилар. У шундайки, дабир ёки шоир наср ва назмда ўзаро яқин ва бир ўзакли сўзларни қўллайдилар. Бунинг беназир мисоллари Каломуллоҳдадир ва Ҳадисларда ҳам кам эмас.

Муқаддас Қуръони каримдан (мисол):

Йа асафа ʔала Йусуфа¹⁶...

И ʔ н о т¹⁷ – форсийда (қайсидир бир ишда) мураккаблик туғдиришдир деган маънони англатади. Бу санъатни *лузум ма ла йалзим* (мажбурий бўлмаган нарсанинг мажбур қилиниши) деб ҳам атайдилар. Дабир ёхуд шоир нутқни гўзаллаштириш мақсадида уни зарур бўлмаган нарсалар ҳисобига мураккаблаштирадими, буларсиз нутқ тўғри ва тўлиқ бўлиши мумкин эди.

Насрий асарларнинг қофияланувчи сўнги парчалари (сажъ)да ёки шеърий байтларда қофияланувчи таянч ундошдан аввал келган ёки радифга нутқни гўзаллаштириш мақсади билан бир ҳарф орттирилади. Масалан, «те» ҳарфи *китоб ва итоб* сўзларида, «қоф» *бақам ва рақам* сўзларида

агар китоб савоб билан, рақам ʔалам билан қофиядош бўлиб келса тўғри бўлади, бироқ «те» ва «қоф» ҳарфларини қўшиш билан нутқни безайдилар.

Мисол (Қуръондан):

*Фа аммо-л-йатима фа-ла тақҳар ва-аммо-с-соила фа-ла танҳар*¹⁸...

И с т и о р а – (форс тилида) «омонатга олиш»дир. Бу санъат шундайки, сўз ўз маъносига эга, дабир ёки шоир уни ўз маъносидан ташқари бошқа маънода ишлатади, гўёки «омонатга олгандай». Бу санъат ҳамма тилларда ҳам тез – тез учраб туради, қачонки яқин ва табиий (иккинчи бир маъно) англатса, бу билан нутқ зийнатланган бўлади¹⁹.

*Ҳ у с н у – л – м а т л а ʔ*²⁰ – бу шундай санъатки, шоир ўз қасидасининг биринчи байтини табиий, гўзал ва фавқулодда янги шаклда ифодаламақчи бўлади. У сийқа сўзлардан қочади, лафз ва маъно уйғунлигига эришиб, байт (қулоққа) ёқимли бўлишини ва қалбга таъсир қилишини истайди...

Менинг бир мисолим:

*Эй лабе тў гуне-йи шароб герефте,
Ва ге-йи тў одате сароб герефте*²¹...

И х о м – форсча «ўйлашга мажбурламоқ» маъносини анлатади. Уни *тахйил* деб ҳам айтадилар. Бунда шоир ёки дабир наср ёки назмда икки маъно англатувчи сўзни қўллайдики, улардан бири одатдаги ва иккинчиси камёб маънода бўлсин...

Форсча (мисол):

*Ман зе кози йасар мижостам
У бўзўрғи маиуд-ў доғ йамин*²².

Ўйлайдиларки, чап ва ўнг қўллар деб, шоир бўлса *йасар* орқали «мулк»ни, *йамин* орқали эса «қасам»ни назарда тутган...

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ
«ФУНУНУ-Л-БАЛОҒА»дан

АЛ-ФАННУ-С-СОЛИС ФИС-САНОЕЪИ-Ш-ШЕЪР

Билгилким, ҳар ақсоми саноат¹ ва анвоъи балоғатким, фусаҳо ва булағо аросинда мўътабардур, мажмуъни жамъ қилиб, ҳар бир санъатқа туркий лафз бирла мисол келгуруб ва кечган зурафо ва шуаронинг бу саноат бирла тазйин² қилган арабий ва форсий назм ва наср сўзларинда назир келтурдук. Ва баъзи ерда Каломи мажидтин ва Расул алайҳи – с – салом ҳадисидин нақл қилдуқ.

Ва мажмуи саноъеким, балоғат аҳли эътибор қилурлар, бу турур: тарсеъ, тарсеъ маат-тажнис, тажниси том, тажнису-с-зойид, тажнису-н-ноҳис, тажнису-л-мураккаб, тажнису-л-мукаррар, тажнису-л-мутарраф, тажнису-л-хат, тасҳиф, ташбиҳи мутлақ, тажбиҳу-л-машрут, ташбиҳу-л-киноят, ташбиҳу-т-тасвият, ташбиҳу-л-акс, ташбиҳу-л-измор, ташбиҳу-т-тафзил,, тафсиру-л-жало, тафсиру-л-хафо, тазмин, тазмину-л-муздаваж, тансиқу-с-сифот, таъкиду-л-мадҳ, бимо йушбиҳуззам, таржима, таажжуб, тажоҳилу-л-ориф, хаёл, иҳом ва иҳому-т-том, ашкол, эънот, ибдоъ, ирсолу-л-масал, ирсолу-л-масалайн, иғроқ фи-с-сифат, иштиқоқ, илтифот, интибоҳ, иқтибос, истифҳом, истиғлол, истиғрок, истиора, мақлубу-л-баъз, мақлубу-л-кулл, мақлубу-л-мужаннаҳ, мақлубу-л-муставий, мутазод, мурооту-н-назир, мутаносиб, мутародифи матлун, мусалсал, мутазалзал, мухтамилуз зи-ғ-гайн, муважжаҳ, мукаррар, малеҳ, мукаррари қабих, мақтаъ, мавсил, мушажжар, мураббаъ, муламмаъ, мужаррағ, мувашшаҳ, муаммо, мағлата, луғз, рақто, хайфо, бароати истеҳлол, рағду-л-матлаъ, рағду-л-фажр, ала-с-садр, лаффу нашри мураттаб, лаффу нашри мушавваш, тарғ-ул-акс, ҳашву-л-малеҳ, ҳашву-л-қабих, ҳашву-л-мутавассит, сажъу-л-мувозана, сажъу-л-мутаворий, сажъу-л-мутарраф, сеҳри ҳилол, сиёку-л-эъгод, саволу жавоб, жамъу-л-муфрағ, гнашбиҳу-л-муфрағ, тарику-л-муфрағ, жамъу-н-ма ат-тафриқ ват-тақсим, калому-л-мужомеъ, ҳусну-л-матлаъ,

хусну-л-тахаллус, хусну-т-таълил, хусн-талаб хусну-л-мақтаъ, ат-тарзиҳ.

*Эй, хидматинг фалакка эрур фарзи мустадом:
Эй, тоатинг малакка эрур фарз субҳу шом.*

Т а р с е ь – лугатга олгун, кумушга жавоҳирни ўрнатмоқни айтурлар. Ва истилоҳ бирла тарсеъ ул бўлурким, ҳар калимаким, аввалги мисраъда келур, сўнғи мисраънинг ҳар калимасин ўз калималарининг муқобаласинда келтуруб, вазн бирла мувофиқ ва лафз бирла муттафиқ ва охир ҳарф бирла муттаҳид қилурлар, нетокким, *Каломи мажиду фурқони ҳамид³* та келибтур:

*Инна-л-аброра лафи наъим
Ва инна-л-фужжора лафи жаҳим
(Мазмуни:
Яхшилар жаннатийдурлар, бузуқлар дўзахий)*

Ва яна бир ерда келурким:

*Инна илайна иёбахум, сумма инна аълайна ҳисобаҳум
(Мазмуни: Зеро ёлғуз ўзимизга қайтишлари бордир.
Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш ҳам ёлғиз бизнинг
зиммамиздадир).*

Тарсеъ "инна илайна" ва "инна аълайна" ва "иёбахум" ва "ҳисобаҳум" дур.

А т – т а ж н и с о т. Тажнис ул бўлурким, шоир байт ичинда икки калима келтурурким, бири бирининг жинси бўлғай бир важҳдин. Ва бу санъат етти навъ бўлур:

Тажниси том:

*Ногоҳ йўлуқти бир қаро кўзлук, янгоқи ол.
Олди кўнгулни ишва била, кўргузуб юз ол.*

Бу навъ анингтек бўлурким, бир байт ичинда икки калима келтурурларким, бири бирига суратга мувофиқ ва маънода муҳолиф бўлур, нетокким: *ол ва ол.* Мисолин араб фусаҳосидин айтур:

*Ал—маръату—с—саллату ҳаййатун—тасъо, мого—
мат ҳаййатан асъо*

*(Мазмуни: Пасткаш аёл илондек ҳаракат қилади,
модомики, тирик экан, шарманда қилади).*

Мисоли Хожа Камол айтур:

*Хоки поят бар сарам тожи Кай аст.
Инчунин сари Кай бувад муҳтожи тож⁴.*

Ал—тажнису—з—зойиг:

Бу санъат анингтек бўлурким, ул икки калимаким, бири бирининг жинсидаур. Ҳуруфи "то" муттафиқ ва ҳаракатди мувофиқ бўлур. Фааммо бирисининг охиринда бир ҳарф зиёда бўлур, нетокким: *хол ва холи, нол ва нола*. Ва муни мазйил тақи ўқурлар. Мисолин араб фасихлариндин айтур:

Ҳува ҳомин ҳамилун ли аъбоу—л— умур.

Ва кофин кофилун ли масолиҳи—л— жумҳур.

*(У ҳомийдур, ишларнинг оғирлигини кўтаргувчидир ва
у кифоя қилгувчидир. Умумнинг фойдасига кафилдур).*

А т — т а с ҳ и ф :

Менинг ҳолимни кўрдунгмуки, ғам бирла мувофиқтур.

Бу санъат ул бўлурким, бир лафзининг нуқтасин тақдим ва таҳзир қилса, ўзга маъно ҳосил бўлур, нетокким, "ҳол"нинг устига нуқта бўлса, "хол" бўлур. Ва "ғам"нинг нуқтасин кеторса "аъм" бўлур.

Мисол. Салмон айтур:

Боди жинони, жони баҳори,

Оби наботи, чанд қарори?

Ва мунинг баъзи ҳарфининг нуқтасин тағйир қилса, ўзга луғат ҳосил бўлур.

Мисол. Рашид айтур:

Ман гўри туро наёрам, эй хожа, ба наср,

Ту низ баройи мо бари бар сари каср.

А т – т а ш б и ҳ о т. Ташбиҳ ул бўлурким, бир нарсага ўхшатурлар. Ва бу санъат тақи етти навъ бўлур, тажнисдек: *ташбиҳи муаллақ – ташбиҳи киноя, ташбиҳи тавсия, ташбиҳи акс, ташбиҳи танқис, ташбиҳи тафзеъ, ташбиҳи измор.*

*Гулгун юзунг фироқига кўзум булут тикин:
Қилди бу ер юзинги қамуғ лолазордек.*

Ташбиҳ луғатта ўхшатмоқни айтурлар. Ва ул нарсаким, ўхшатурлар, ташбеҳ дерлар. Ул нарсаким, анга ўхшатурлар, мушаббаҳ ўқурлар.

Ташбиҳи танқис ул бўлурким, бир нарсани бир нарсага одоти ташбеҳ бирла ўхшатурлар, нетокким, булут тикин, лолазордек. Ва ташбиҳнинг одоти туркийда дегай: – «Сен фалондур». Ва айтқой: «Сен фалондур». Ва соғингай: «Сен фалондур». Ё фалон нарсадек ё фалонга ўхшар: Ё менгзар, ё менгизлик, ё бикин, ё киби, ё фалон, ё расо янглаф. Мисоли Жалолий айтур:

*Қилур ул кўз ўғурлуқ– ла тутар бурж,
Анингтекким, замона посбони.*

А л – и ҳ о м у – т – т о м :

*Ярумас бўлди ҳеч айвон ичинда, –
Бўйунгни кўргали сарви сарафроз.*

Бу анингтек бўлурким, лафзе истеъмол қилурларким, андин уч маъно кўпқай. Ва баъзилар айтурларким, икки маъно ҳосил бўлғай. Иккаласи қарийб.

Мисоле Хожа Салмон айтур:

*Ҳазор нақш ба дастон бароварам ҳар шаб,
Багон ҳаваски, нигорам ба даст чун ояд.*

А л – и ш к о л. Мисоли бу:

*Деди: Эй бўйи алиф, меҳната қадим бўлди лом;
Гар қотилса лом алиф бирла: не бўлғай? Дерки: Ло!*

Бу санъат анингтег бўлурким, шеър ичинда бир иборате келтурурларким, филҳол эшитурга мушкил кўрунғай. Мисоли дигар. Меҳрий... айтур:

*Ҳиндуйи холи ту болойи даҳони ту нишаст,
Нуқта зойид шуду жо тангу хирад гуфто: "Қасам!"*

Ва баъзилар айтурким, ишколе ул бўлурким, маъноси мушкил бўлғай. Ба исмо⁵га мавқуф бўлғай, нечунким бу байтнинг маъноси бу оятқа мавқуфдурким:

*Ло йадхулуунал-жанната ҳатто йалижа-л-жамалу
фи-сам-ми-л-хиёти
(Кофурлар туя игна тешигидан ўтмагунга қадар
жаннатга кирмайдилар).*

Байти бу турурким:

*Ончи бар ман меравад гар бар шутур буди зи ғам,
Барзанданди кофирон дар жаннату-л-маъво алам.*

Ал-иштиқоқ.

*Қилурмен зори, чун васлинг таманносига зор ўлдум,
Қаро зулфунг ҳавосинда саботек беқарор ўлдум.*

Бу санъат анингтег бўлурким, икки калима келтурларким, бириси биридин муштақ бўлғай.

*Чи банди чу унноб аз оби айб,
Кулуру килобу либоро лабин.*

Ал-илтифот:

*Тушти ишим бир янгоқи ол била,
Бағлоди кўнглумни зулфи ол била,
Қубла бериб жон олурға, эй санам,
Бўлмасанг рози, кўнгулни ол била.*

Бу санъат ики қисм бўлур. Бириси улким, мухотабадин муғойибага бормоқ^б ё ғайбтин хитобқа келмоқ, нетокким юқорида зикр қилдук.

А л – и н т и б о ҳ :

*Ҳазар қил хаста диллар ноласидин,
Ки куйганлар дамуда бир асар бор.*

Бу санъат анингтеқ бўлурким, мамдуҳни ё маҳбубни ё носихни ё воизни ё зоҳидни ё ўзга кишини насихат тариқаси бирла танбеҳ қилурлар.

А л – и қ т и б о с :

*Лаъли лабингдин жон умид –
Узгоч, қутулди қайғудин.*

Қола – н – набийи Мустафо:

Ал йаъсу аҳада – р – роҳатайн.

(Пайғамбари Мустафо айтурлар: “Тамаъ қилмаслик иккита роҳатнинг биттасидир”).

Бу санъат анингтеқ бўлурким, шеър ичинда ояти калом ё ҳадис истеъмол қилурлар.

Мисол. Шайх Саъдий айтур:

*Маро шикеб намебошаг, эй мусулмонон,
Зи рўйи хўб «лакум диникум валиядин».*

А л – м у л а м м а ъ :

*Ба худоки, хасталарға юзунгиз ғамидин ўлмак,
Ду ҳазор бора хуштар зи ҳаети жовидони.*

Бу санъат анингтеқ бўлурким, шеъре айтурларким, бир мисраи бир тил бирла бўлур, бир мисраъи яна бир тил бирла...

А л – м у в а ш ш а ҳ :

*Меҳрингни тутар жон ичинда кўнглум,
Андоғки жавоҳир эрур ул кон аросинда.*

*Юзунг ғамидин ҳар кеча қон йиғламағимдин,
То субҳ узармен, санам, қон аросинда.*

*Ранжур бўлуб келмади мушк ўзга Хўтандин,
Зулфунг сифатидин ёзғоли девон аросинда.*

*Гар текса ўқунг хаста юракимга куярмен,
Куйган Мирак – ўқ бу дили бирён аросинда.*

Бу санъат ул бўлурким, шеърнинг аввалги ҳарфларини териб олсалар ё ўртадаги ҳарфларини олиб жамъ қилсалар, "Мирак" бўлур.

Мисоли дигар. Мунинг бир мисраъининг ҳарфларини олсалар, "Муҳаммад" бўлур:

*Маъшуқа дилам ба тири андуҳ нахуст;
Мискин дили ман ба пойи меҳнат шуда.
Ҳайрон шудаму касам намегирад даст,
Дасти ғами дўст пушти ман хирад шикаст...*

А л – м у а м м о :

*"Уқубат"ни ниҳоятсиз қилур ул бевафо бизга,
Агарчи "ё" қилур бар сар бу ҳижрон ўти жонимга.*

Бу санъат анингтеқ бўлурким, байт ичинда кишининг отин ёшурурларким, ондин тасҳиф бирла ё "қалб" ё жумал ҳисоби⁷, ё ўзгача важҳ бирла ҳосил бўлур. Бу, байттин "Яъқуб" пайдо бўлур.

Мисоле Хожа Камол айтур ва муңдин "Шамс" ҳосил бўлур:

*Агар зи шамъи жамоли ту дийда баргирам,
Сари синони ту бодо ба жойи он дийда...*

А л – м у р о л а т а :

*Гар лаби лаълинг шакардур, неши аччиғдур сўзунг,
В–ар сочинг ядо туни бўлса, нағу тундур узун.*

Бу санъат анингтек бўлурким, бир нарсани васф қилгандин сўнгра бир лафзе келтирурким, *мустамиз*⁸га тасаввур бўлурким, ул васфдин магар ёнди, вале таҳқиқ қилса маълум бўлурким, муғолата кўргузубтур – ҳамул васф то мустақимдур...

А л – л а ф ф у – н – н а ш р.

Бу санъат анингтек бўлурким, шеър ичинда нарсалар зикр қилурлар, яна анинг муқобаласинда нарсалар келтирурларким, ул нарсаларга мушобиҳ ва муносиб бўлғай. Бу тақи ики навъ бўлур: *лаффи наشري мураттаб* ва *лаффи наشري мушавваш*. Лаф ва наشري мураттаб будур:

*Зулфу юзунг фироқида шому саҳар эрур –
Бу оҳ бодпойи фалак бирла ҳаминон.*

Бу анингтек бўлурким, тартиб бирла келтирурлар, нетокким, зулф бирла юзни зикр қилди, зулфнинг муқобаласинда шом келтурди, юзнинг муқобаласинда саҳар келтурди...

А л – м у ш а в в а ш улким, тартиби риоят қилмасалар, юқоридаги байтта "наргис" кўзунг мушобиҳидур, қоматнинг муқобаласида келибтур ва "сарв" зулф муқобаласинда келибтур. Ва "бинафша" кўз муқобаласинда. Агарчи бу тариқа ҳам санъаттур, фааммо, мураттабнинг пояси мундин баландтур. Мисоли дигар.

Салмон айтур:

*Зи савдои руху зулфаш ғаме дорам шабо рўзе,
Маро субҳи висоли у намегардаг шаби рўзе...*

А с – с а в о л у – л – ж а в о б.

Мисоли:

*Дедимки: Ҳусн элидин не учун вафо келмас?
Айурки: Ҳусну вафо бирла муттафиқ бўлмас.*

АТОУЛЛОҲ ҲУСАЙНИЙ
(XV аср ўрталари – 1513)

Тўла номи Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний Нишопурийдур. Манбаларда алломанинг ҳаёти ҳақида маълумот кам учрайди. Алишер Навоий "Мажолису-н-нафоис" асарига унга юқори баҳо бериб, "Қофия" ва "Мутавассит" ўқур эрди, санойиъга маҳорат пайдо қилди" деб ёзган.

Атоуллоҳ Ҳусайний Нишопурда туғилган бўлса-да, асосан, Машҳадда яшаган, унинг илмий-мударрислик фаолияти ҳам ўша ерда кечган. Алишер Навоий "Бадоийиъи Атоийи" деб атаган "Бадоийиъу-с-санойиъ" асари форс тилида ёзилган бўлиб, олий мадрасаларда бадиият илмидан дарслик-қўлланма сифатида фойдаланилган. Асарнинг матни Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасига сақланади. Асарнинг бадиий санъатларга доир қисмидан айрим лавҳалар тавсия қилинади.

БАДОЙИЪУ-С-САНОЙИЪ

*Бисмиллаҳи-р-роҳмани-р-роҳим,
умунчум¹ ўзунга, ё карим²!*

Ҳадсиз санъат ҳамду саноси ва ададсиз бадиийят шукри адоси ул санъатлар санъаткорю мавжудот ижодкоригаким, инсонликта мумтоз кишиларнинг каромат тожини маънолар³ баёнида фасоҳату балогат гавҳарлари била тарсиъ⁴ этиш анинг икромидур ҳамда меҳнат дорининг мақтуллари⁵ бўлиши унсу тавҳид⁶ йўлидаги йўлчиларни қудсу тажриг⁷ мулкига молик бўлиши муҳаббат дор⁸и-нинг мақбуллари⁹ била руҳий роҳату ҳақиқий неъматга тажнис¹⁰ қилиш унинг инъомидир.

Байт:

*Жалла алтофуҳу бимақтулиҳ,
Ҳалла илтофуҳу бимақбулиҳ¹¹.*

Салавот паёмларю таҳийёт саломлари ул суҳанварлиқ анворининг матлаи¹² ва пайғамбарлиқ асрорининг мақтаи¹³ғаким, анинг тансиқи сифотию камолоти китобат

имконию иборат маконидин ташқаридур ва асрору ҳологининг *сиёқати аъдоду*¹⁴ киноя асҳобиннинг қудратию истиора арбобининг тоқатидин ортиғдур.

Байт:

*Зиҳи паноҳи ажам, шоҳи турку моҳи араб,
Ки жинну инс, малакро вужуду уст сабаб*¹⁵.

*Салла—л—лоҳу ʔалайҳи ва ʔало аҳли байтиҳи ва
асҳобиҳи—л—муқаррабин лагайҳ*¹⁶.

IV. T A M X И Д¹⁷

Санъатингга Тенгри ҳусн ато қилсун, билгилким, арабнинг фосоҳату балоғат аҳли нутқ гўзалликларин икки навъ деб билиптурлар. Биринчи навъи зотий гўзалликлардурким, дилбарларнинг табиий ҳусни янглиғдур ва иккинчи навъи оразий гўзалликлардурким, алардаги кўрсатма безаклар сингаридур. Биринчи навъининг баёнини «балоғат илми» дерлар ва баҳсларининг кўплиғи сабабидин ани икки илм қилиптурлар. Бири маъоний ва иккинчиси баён илмидур.

Иккинчи навъин балоғатқа тобиъ дерлар ва баҳсларининг балоғат илмига нисбатан озлиғи сабабидин ани бир илм қилиптурлар. Ул бадий илмидур.

Ажам шуароси ташбиҳ, истиора, киноя янглиғ энг машҳур ва кўп учрайтурған зотий гўзалликларни оразий гўзалликлар била қўшуптурлар ва аларнинг мажмуъин *санойиъ*¹⁸ дерлар. Қисқаси, нутқ гўзалликлари уч қисм била чекланур ул жиҳаттинким, ҳар гўзаллик ё фақат *лафз*¹⁹ гўзаллигидур, ё фақат маъно гўзаллигидур ёхуд лафзу маъно йигиндисининг гўзаллигидур. Бинобарин, бу рисола уч *санъат*²⁰ ила адо этилди.

V. БИРИНЧИ САНЪАТ. ЛАФЗИЙ ГЎЗАЛЛИКЛАР, ЎШУЛ ҲУКМДАҒИ ВА ХАТ²¹ СУВРАТИҒА ТААЛЛУҚЛУҒ ГЎЗАЛЛИКЛАР БАЁНИДА

Билгилки, лафзий гўзалликларнинг асоси уддурким, алфозни маънога тобиъ қилғайлар, умуман, барча гўзалликларнинг асоси уддурким, нутқ ул тарзда адо

этилгайким, маънони англашга, анинг латофати, таркиби ва соғамлиғига ҳеч бир халал етмагай. Асос ул эмаским, алфозга ҳусну зийнат бермакка сайъ қилгайлару маънога халал етур ҳоддин кўз юмгайлар ёхуд, аксинча, холис маъно баён этиб, ҳусни адо тариқиға йўламагайлар.

Лафзий гўзаллик кўпу сон – саноқсиздур. Аммо бу рисолада, кўпинча, бу фан устодлари эътибор берганлари билан чекланилди.

Мисра:

Чунки устоддин юксақрак дўкон солиб бўлмас.

Жамиъ ажам шуаросининг тариқи улдурким, санойиъ айтқанда ва аларни баён этқанда тарсиъни илк бергайлар, ул жиҳаттинким, бу етук санъат *маплаъдин*²² ўзгасида адо топмагай. Гарчи баъзи арабийят арбоби ани сажъ турларидин ҳисоблаштурлар ва баъзи кўп мўътабар турларининг, яъни тажниси тарсиънинг баёнин тажнис баёнида келтириштурлар, бу рисола форс тилида ёзилгани учун жамиъ ажам шуароси тариқинча ани тарсиъ била ибтидо этилди.

Т а р с и ь – аксар араб фусаҳосининг қавлиға кўра андин ибораттурким, ики бўлак каломнинг, хоҳ назм бўлсун, хоҳ наср ҳар бўлагидаги ҳар бир лафз иккинчи бўлагидаги анга муқобил лафз била вазнда тенг бўлғай ва охирги ҳарфта мувофиқ²³ ёки яқин²⁴ бўлғай. Баъзилар яқинлиқни ҳам шарт қилмаштурлар. Аммо ажам шуароси наздида лафзларнинг охирги ҳарфта мувофиқ келмаги шарттур. Охирги ҳарфтин мурод равий ва анинг насрдаги ўхшашларидур²⁵.

Мисол (байт):

*Зи рўиш мунфаъил гулҳо; фитода бўстон гарҳам,
Ба куиш мутассил дилҳо кушога, дўстон хуррам*²⁶...

<...> *С а ж ь*. Арабийят аҳлининг бир тойифаси наздида насрга хосдур ва бу тойифа сажъни наср фосилаларининг охирги ҳарфта мувофиқлиғидин иборат деб билиптурлар. Фосиладин мурод ул сўздурким, анинг туфайлидин калом

қариналари, яъни бўлаклари бир—биринин айирилиб тургай.

Бу санъатта, қаерда зикр этилмасун, охирги ҳарфтин мурод сўз ўзагидаги қофия равийси янглиғ амалда бўлган охирги ҳарф ёки ўшул ҳарфқа ўхшаш ўзга бир ҳарфтур.

Ўзга бир тойифа надида [сажъ] назмда ҳам жорийдур. Бу тойифа икки гуруҳ бўлуштурлар. Бир гуруҳи дерким, сажъ хоҳ назм, хоҳ наср бўлсун, калом фосилаларининг охирги ҳарфта мувофиқ келмагидур. Ажам шуаросининг баъзилари бу гуруҳ изидин бориптурлар. Икинчи бир гуруҳ дерким, мазкур калом фосилаларининг охирги ҳарфта ёки вазнда²⁷ мувофиқлигининг ибораттур. Лекин фосилаларининг охирги ҳарфта мувофиқлиги, вазнда хоҳ мувофиқ бўлсун, хоҳ бўлмасун, насрга хосдур. Танҳо вазндаги мувофиқлик назмда ҳам жорийдур. Бу сажъ навъларининг баёнида маълум бўлгусидур. Ажам шуаросининг бошқа баъзи бирлари бу гуруҳ била мувофиқтурлар...

<...> *Т а ш р и ъ*. Баъзилар ани *ташриҳ* дерлар, *зулқофиятайн* ҳам дерлар. Араб фусаҳоси наздида ул андин ибораттурким, шеърни икки ёки андин ортиқ қофия асосида тузгайлар ва аларнинг ҳар бирида тўхталганда шеър дурусту маъно тўғри чиққай.

Ики қофияга асосланган шеърнинг мисоли мутагорики махбун баҳридин ушбу абёттур:

*Чу куний бағалат гузаре сўйи мо,
Бинишин қадаре, руҳи худ бинамо.*

*Ҳама кас гилу жон бидеҳадки хўрад,
Зи лабат шакаре, бирасон ҳамаро.*

*Санамо, зи суккони дарат чу мане,
Набувад дигаре ба ту аз вафо²⁸...*

Уч қофияга асосланган шеър мисоли ҳазаж баҳридин қуйидаги абёттур:

*Ба даври лолайи ҳамро биё, жоно, сўйи саҳро,
Бикаш хуш соғари саҳбо, барафрўзо руҳи зебо.*

*Шудим охир зи ҳижронат гулафсурда, биё инжо,
Узори оташин бинмо, фикан оташ ба жони мо.*

*Макун чандин ту истиғно, мапушон рух зи мо, жоно,
Ниқоб зи руҳ фикан боло, масъуз аз ғам гули моро²⁹.*

Маълум бўлсунки, биринчи байтгаги биринчи қофия ҳамро ва саҳбодур, иккинчи қофия жоно ва барафрӯзодур, учунчи қофия сахро ва зебодур. Қолган байтларнинг қофияси ушбу қиёстадур...

Зулқофиятайн деб ул шеърни айтурларким, анда икки қофияни лозим кўргайлар ва охирги қофиядин олдинги қофияда тўхталганда назмнинг дуруст ва маънонинг тўғри чиқишин шарт қилмағайлар... Ул шеърнимким, анда иккидин ортиқ қофияни лозим қилсалар, ани зулқавофий дерлар ушбу рубоийдек:

*Гар саъд бувад толиъу ахтар ёрат,
Доро шавадат тобиъу пурзар дорат.
В—ар з—онки нагорий чу Атоий толиъ,
Ганжи ту бувад дойиъу абтар корат³⁰...*

VI. ИКИНЧИ САНЪАТ МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИКЛАР БАЁНИДА

Бу икки навъдур. Бири улдирким, жамиъ араб фусаҳоси ва ажам шуароси қошида санойиъга кирур. Иккинчи навъи улдирким, ажам шуароси қошинда санойиъ туркумидиндур, аммо араб фусаҳосининг бари бир бўлуб, ани нутқнинг зотий гўзалликларидан деб ҳисобламаптурларким, анинг баёни бадий илмининг вазифасидур ва бадийят санойиъидин деб ҳисобламаптурларким, анинг баёни бадий илмининг вазифасидур, ҳолбуки тамҳидда зикр этилганидек ул оразий гўзалликлардиндур.

БИРИНЧИ НАВЪИ

Т а в ж и ҳ. Ани муҳтамалу—з—зигдайн ҳам дерлар ва ул каломни андоқ ифода этмактурким, икки турлича [фикрий] кўрунушни ифодаламақ ихтимоли бўлғай, андоқким (байт):

*Диг чун меҳроби абрўйи бутони ишвасоз,
Жойи он дорад ки шайхи шаҳр бигузорад намоз³¹.*

Баъзилар дептурларким, икки турлича кўрунуштин мурод андоқ икки кўрунуштирким, алар орасидаги фарқ гоят даражада бўлуб, бир – бирига қарама – қарши ва зид бўлулар, анинг учун ани муҳтамалу – з – зидгайн дерлар...

Тавжиҳ лугатта юз ўгурмактур. Бу санъатни ўз ичига олган каломга истаган бир маъно жиҳатидин ўгурулуб боқмоқ ва ўзгача бир маъно бермак мумкиндур. Ушбу жиҳаттин мундоқ каломни тавжиҳ деб аташтурлар.

И й ҳ о м. Ани таврия ҳам дерлар. Рашиди Ватвот ани тахйил ҳам дерлар, дептур. Ул андин ибораттурким, каломда бир лафз келтируларким, андин икки маъно англашилур, бир маъносининг англами яқин, иккинчисининг англами йироқ бўлур ва мурод англами узоқ маъно бўлуб, анинг яширин маънодошига, хоҳ ўшул каломда бўлсун, хоҳ андин ташқарида бўлсун, таянилур. Бу санъат икки турлуғ бўлур.

Биринчи тури яқин маъносига мос бир нимадин мужаррад (халис) бўлур ва улурлар каломида муниг истеъмоли кўпрак эшиткучи сўзлагучининг муроди ўзга деб гумон қилиши керак бўлган ўринда ёлгондин қочмоқ учун бўлур. Муни таврия – йи мужаррад дерлар. Андоқким (байт):

*Хуш ондам, ки бо ёр гирам канор,
Ки, гардаг халос аз гам ин жони зор³².*

Маълум бўлғайким, канордин қучоққа олмоқ англашилғай ва ул маъно каломда англамга яқиндур, аммо халқдин четлашмак маъноси ҳам англашилур, ул мунда йироқ маънодур ва яширин маънодошига асосан мурод ҳам будур. Яширин маънодоши улдурким, олам аҳлидин алоқани узмагунча гаму аламдин халос бўлмоқлиқ муяссар бўлмас...

Т а ж о ҳ у л у – л – ь о р и ф андин ибораттурким, сўзлагучи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзни билмагандек кўрсатур. «Мифтоҳ» соҳиби бу санъатни суҳу – маълум масоқа *ғайриҳ*, яъни маълум сўзни номаълум ўрнида юрутмак деб аташтур ва дептурким, мен бу санъатни тажоҳул деб атамоқни севмасмен, сабаб улдирким, Тенгри

таъолонинг каломида воқияъ бўлуштур, Аллоҳ таборака ва таъоло дептур: «*Инно ав иййакум лаъало ҳудан ав фи залолин мубин*», яъни Ҳақиқатда биз ё сиз ҳар ҳолда тўғри йўлдамиз, ё йўлдан очиқ озганмиз. Бу ояттағи маълумни номаълум йўл била ифода эткан нуқта куфр аҳлига арз этилмиштур.

Таҷоҳул асосинда воқияъ бўлган нуқталар кўштур...

Таҷоҳул лугатта ўзни билмасликка солиштур ва аталиш ваъжи зоҳирдур...

И р с о л у – л – м а с а л машҳур қавла кўра бир байтқа бир масал киритмактур. Бу икки йўл била бўла олур. Биринчи ва афзали улдурким, масалнинг сўз ва тартибин ўзгартирмай бергайләр, андоқким (байт):

*Пайваста фиристий ба ман, эй шўх, ту душном,
Худ лаб бигушо, чанг деҳи бўса ба пайғом?*³³

Иккинчи йўли улдурким, масалда ўзгариш юз берур:

*Суфий накард қавли мани ринг истимоъ,
Гуфто кажаст суффа, нагонист чун симоъ?*³⁴

Мазмуни:

Масал бугур: сўфий симоъни билмади, супа қийшиқ деди.

Ирсол лугатта юбормоқтур. Бир жамоа орасида машҳур бўлган ва ул жамоа ўз каломида турли ишларга ўхшатиш ва мисол тарзида кўп зикр қилган дoston ва ҳикоятларни масал дерлар...

Ҳ у с н и т а ъ л и л улдурким, бир ниманинг бир сифатин иқрор қилурлар ва ул сифатни исбот қилиш учун ул ниманинг ўзига муносиб бир *иллату*³⁵ сабабни келтирурларким, ҳақиқатта ул сабаб бўлмағай, лекин лутф эъгибори била ани сабаб қилган бўлурлар. "Изоҳ" соҳиби муни тўрт тур дептур.

Аввалғи тури улдурким, ул сифат ул нимада ҳақиқатта бўлур, аммо анинг кўрунуб турган сабаби бўлмас, ўшанга бир сабаб кўргузурлар, андоқким (байт):

*Хатти мушкине навишта бар рухаш килки қазо,
То бувад аз баҳри дафъи чашми баг ҳирзу дуо?*³⁶...

Аллома бу санъатни *таъли* деб аташтур ва ани ҳақиқаттин йироқ бир ниманинг сифатин исбот қилмоққа хос қилиштурким, анга муносиб бир иллатни зарофат била иддио қилғайлар, токим эшиткучи ани ҳақиқат деб тасаввур қилғай ва ул учунчи турда мазкур бўлган байт янглиғдур...

Иғроқ. Агар даъво ақлга сифсаю одаттин ташқари бўлса ҳам мақбулдур ва ани иғроқ дерлар, андоқким (байт):

*Дар рўзи васл ҳарчанг беҳад гиҳий шаробам,
Дур аз ту шаб наёяг аслан ба гийда хобам*³⁷.

Иғроқ луғатта бирор ишта узоқлашиб кетмактур ва аташ важҳи удурким, сўзлагучи васфтаги отриқчалиқни ул даражага еткурурким, анинг содир бўлиши одаттан ташқари бўлур, демак, ул васф этурда узоқлашиб кеткан бўлур...

Ружуъ. Ани *истигрок* ҳам дерлар. Ул андоғдурким, бир нимани зикр қилурсен ва нукта учун яна андин қайтарсен, андоқким (байт):

*Нест бисёр, ар намоий як назар,
Балки бисёраст аз ту ин қадар*³⁸.

Бу ерда нукта ҳайрату ҳушсизлик изҳоридурким, гўё сўзлагучи маҳбубнинг илтифотиға бўлган муҳаббатун шайдолиқнинг ғоят даражадалиғидан бошда ўзида бўлмай, не демак кераклигин билмаштур ва охирда ўзига келиб, айтилмоғи лозим бўлган сўзни айтиптур...

Аллома ружуъ эътироз навъларидин дептур. Дағи ул дептур: *истигрок* уддирким, шоир бир каломни ҳажв деб соғинилатурган қилиб бошлар, дағи чорасини топиб, мадҳқа айлантирар, ушбу байт янглиғ:

*Ҳайф бошаг он, ки инсон гўямат, аз баҳри он,
Тан шавад нопок инсонрову ту поки чу жон*³⁹.

Бу навъ бу фанни билгучилар қошинда маъқул эмастур, ул сабабдинким, мамдуҳ биринчи каломни эшитмағи била оғринур, сўнг қолган каломдин ҳеч лаззат топмас.

Рашиди Ватвог истидрокни ушбу навъдин деб билиштур ва дептурким, менингча, шоир бу йўлга юрмагани ва бу услубни тутмагани яхшироқтур.

Истидрок лугатта англамоқтур ва аташ важҳи улдурким, сўзлагучи биринчи каломдин ҳажв деб соғинилган ниманинг тадорукин кўруб қайтқан вақтга ўзидин ўтканини англар. Шамси Қайс *тадорук* деб ном қўйган нима ҳам бу санъатқа яқиндур.

Т а г о р у к. Шамси айс дептур: ул андоғдирким, маънолардин бир маънони мутлақ инкорга худ аниқ иқрорга хос қилурлар, сўнг шаклдин шаклга ўзгартирурлар ва орага бир шarti ҳам қўюрларким, ул сифат бадал бўлмоқнинг шarti бўла олар, андоқким (байт):

*Бисуд по натвон к—аз дарат гитар биравам,
Вале агар ту бигуий «брав!» ба сар биравам⁴⁰...*

Т а к р и р. Ани такрор ҳам дерлар ва ул маънонинг тақрири, яъни ани муқаррару муҳаққақ қилмоқ янглиғ нукта учун лафзни такрорламактин ибораттур.

Аллома дептурким, маъно тақрири шубҳани инкор қилмоқ ўрнида мустаҳсандур, андоқким (байт):

*Тан, гарчи аз зарурат гураст аз ту, аммо
Дил пеши туст дойим ҳаққан ва сумма ҳаққо⁴¹.*

Ёки таъзим, яъни бир нимани улуғламоқ ўрнида...

VII. МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИКЛАРНИНГ ИКИНЧИ НАВЪИКИМ

Ажам шуароси наздида санойиъ қабилдиндур ва барча араб фусаҳоси ани каломнинг зотий гўзаликларидин деб билиптурлар ёки эътиборга олмаптурлар. Бу ики баҳсда баён этилур.

АВВАЛФИ БАҲС

Алар баёниндаким, жамиъ араб фусаҳоси каломнинг зотий гўзаликларидин деб билиптурлар ва ажам шуароси ани санойиъда келтириптурлар.

Т а ш б и ҳ васфта бир нимани бир нимага ўхшатмоқтин ибораттур. Аниким, ташбиҳ қилурлар *мушаббаҳ* дерлар ва аниким, анга ташбиҳ қилурлар *мушаббаҳ биҳ* дерлар ва у васфни *важҳи шибҳ⁴²* дерлар.

Бу навъда араб фусаҳосининг қавллари нақл этилмағай ва ажам шуаросининг қавли била кифояланилмағай, чунки бу навънинг бу ерда келтирилмағи алар қавлига асосандур.

Ташбиҳ етти турдур: 1) ташбиҳи мутлақ; 2) ташбиҳи киноят; 3) ташбиҳи маршрут; 4) ташбиҳи тасвийят; 5) ташбиҳи акс; 6) ташбиҳи измор; 7) ташбиҳи тафзил.

Ташбиҳи мутлақ. Ани ташбиҳи сариҳ ҳам дерлар ва ул каломда бир нимани бир нимага ўхшашликқа далолат қилғучи лафз воситаси ила ўхшатмоқтин ибораттур...

И с т и о р а мажознинг бир навъидур ва мажоз ҳақиқатнинг зиддидур. Ҳақиқат лафзни, ўз ясоғи, яъни нимани мўлжаллаб ясаган бўлсалар, ўшул маънода қўлламоқтин ибораттур. Мажоз лафзни ўз ясоғидин ўзга маънода ясоғу лафзу ўшул маъно орасиндаги бирор алоқаю муносабатқа асосланароқ қўлламоқтин ибораттур, ўз ясоғида тушунмакка моний бўлғучи жумладошин келтирмак шарти била. Масалан, қўл дерлар, ва кўпинча, қудрат зоҳири қўл била амалга ошганлиғига асосланиб, андин қудратни ирода қилурлар. *Шер* дерлар ва юраклиг киши шерга ўхшаганлиғи асосланиб, андин юраклиг кишини ирода этарлар.

Мажознинг турли навълари бордур. Жумладин, *истиора* улдуким, ясоқ ва ирода этилган маъно орасиндаги алоқа ўхшашликтур: шер лафзюю юраклиг киши маъносидагидек. Бу санъат ҳамма тиллардаги назму насрда воқиъу машҳурдур...

Истиора луғатта орийятқа олмоқтур. Лафзни ўз ясоғидан ўзгада ишлатмоқ бир нимани орийятқа олган янглиг бўлгани учун ани истиора деб аташтурлар.

Т а м с и л. Шамси Қайс дертур: бу ҳам истиора жумласидиндур, аммо бу истиоранинг мисол йўлуғ навъидур, яъни шоир бир фикрга ишора қилмоқни истаганда ўзга бир маънони билдирғучи бир неча лафзни келтирур ва ани мақсаддаги фикрнинг мисолга айлантирур ва ўз фикрин ўшул мисол била ифода қилур. Бу санъат соф истиорадин хушроқтур, андоқким (байт):

*Ба гулхан гар бисўзи сангалу уг,
Чунон бошад, ки гар гулшан куну дуғ⁴³.*

Бу байттин мақсуд улдуким, ёқимсиз сўз айтмоқ керак бўлганда ёқимлиғ сўз айтсанг, ёқимлиғ сўз айтмоқ керакта ёқимсиз сўз айтқандек бўлурсан.

Масалан, агар ики киши аслу насаб жиҳатидин тенг бўлуб бири ўз шарафию камоли жиҳатидин подшоҳларга яқин

бўлсаю икинчиси ярамас ишлари туфайли ўтбоб бўлса, ушбу машҳур байтни ўқурлар:

*Лаъла сангасту деги сангин санг,
Лекин ангар миён тафовутҳосм⁴⁴.*

Тамсил лугатта мисол келтирмактур ва аташ важҳи зоҳирдур.

К и н о я. Ани баъзилар *ирдоф* ҳам дерлар ва ул андин ибораттурким, бир маънони анга лозиму тобиъ маъно учун ясалган лафз била ул тарзда таъбир қилурларким, агар ул лафзнинг ўз ясоғин ирода қилсалар ҳам раво бўлур, андоқким (байт):

*Ба роҳи фаъл аз он гаштам сувора,
Ки кардам гар талаб бас кафш пора⁴⁵.*

Мунда юксалмагу қодир бўлмоқ, анга лозиму тобиъ бўлган отланмоқ била таъбир этилиштур, дағи фаъл арбоби қошига кўп бориб келмак анга лозиму тобиъ бўлган кўп кафш йиртмоқ била таъбир этилиштур ва мундин бу алфознинг ўз ясоғи бўлмиш ул лозим нималарни ирода қилинган бўлса ҳам жойиздур.

Киноя ҳамма тиллардағи назму насрда машҳуру анинг табъдин йироқ бўлмагани бағоят мақбул бўлур.

Т а ъ р и з удурким, бир лафздин ишора йўли ва ибора тузулиши била бир маънони, лафзни ул маънода қўлламаган ҳолда ифода қилурлар. Демак, таъриз лафзнинг кўрсатмиши, анинг истеъмолига кўра эмас, балки анинг ишорасига ва ибора тузулишига кўра бўлури билдурур...

Таъриз мазмунининг баёнидин аниқ бўлдимки, таъриз мажоз ҳам эмастур, киноя ҳам ул жиҳаттинким, мажозда лафз мажозий маънода қўлланур ва кинояда киноя маъносинда қўлланур, таъризда эрса, лафз таъризий маънода қўлланмас, балки ўзга маънода қўлланур ва таъриз маъносига ишора қилур. Демак, таъриз ҳақиқатта мажоз ё киноя қабилидин деган кимса ҳақиқатта яхши гапурмаптур, *В-аллоҳу аълам⁴⁶.*

ҚОФИЯ ҲАҚИДАГИ МАНБАЛАР БАЁНИ

Шеърят қанчалар қадимий бўлса, қофия ва у ҳақидаги қарашлар ҳам у қадар қадимийроқдир. Турк шеърининг ilk даври билан шуғулланган олимлар унинг қофия жиҳатларини вази ва бадиний санъатларга нисбатан ҳам аввалроқ пайқаганлар у ҳақида муайян илмий қарашлар баён қилинган¹. Араб олимлари эса жоҳилийя давридаёқ шеърнинг қофия томонини аниқлашга айрим фикрларни баён қилганлар. Исомий даврда эса Ибн Қутайба (828–889)нинг «Шеър ва шуаро»², Қудама ибн Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър», Асмайнинг «Китоби фуҳулагу-ш-шуаро», Ибн Халдуinning «Муқаддима» асарларида ҳам қофия назариясига доир фикрлар борлиги мутахассислар томонидан таян олинган³. Қудама ибн Жаъфарнинг юқорида эслатилган асарида шеърят таҳлили беш жиҳат орқали амалга оширилиши лозимлиги уқтирилган: улар вази, қофия, луғат таркиби, сюжет (тартиб) ва танқид. «Нақду-ш-шеър», асосан, танқидга бағъшлангани учун ҳам аввалги тўрт жиҳат бошқа муаллифлар томонидан амалга оширилган ишларда акс этган. Шунга қарамай, Қудама ибн Жаъфар шеърятнинг барча олимлар томонидан барабар қабул қилинган тўрт унсурини фарқлайди. Булар: товуш, сюжет, вази ва қофия. Олимнинг фикрича, бу таркибий унсурларнинг турли хил амалиётлар асосидаги қўшилувидан шеър ҳосил бўлади. Товуш, асосан, вази ва қофия билан ўлчанади. Қофия эса мазмун билан мутлақ боғланган унсур ҳисобланади⁴. Шунинг учун уни мазмундан ажратиб ўрганиб ёки таҳлилга тортиб бўлмайди. Шу жиҳатдан қадимги юнон ва ҳинд шеър тизимини ўрганган буюк алломалар Абу Наср

¹ Стеблева И. В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия. / Тюркологический сборник. – М.: 1966. – С. 246-254.

² Оганесян Д. А. «Книга поэзии и поэтов» Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истории классической арабской поэзии. АКД. – М.: 1980.

³ Бациева С. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Мукаддима». – М.: 1965.

⁴ Крачковский И. Ю. Арабская поэтика в IX в. / Избранные произведения. Т.2. – М.-Л.: 1956. – С. 360-372.

Қофия ҳақидаги манбалар

Форобий ва Беруний ишларида ҳам қофия билан боғлиқ фикрлар бор.

Ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Хоразмий қофияга «шеърдаги мисранинг охири сўзи» деб тушунтириш бериш билан чекланмай байт ичидаги қофия (ички қофия)га алоҳида аҳамият кўрсатган. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг қофия ҳақидаги қарашларини тадқиқ этган олима М.Зиёвуддинова, «бунда содир бўлиши мумкин бўлган уч вариантни, яъни фақат битта байт доирасида иккита мисра қофияланиши (1); бир неча байт доирасида мисранинг охири қофияланиши (2) ва битта байт доирасида нафақат иккита мисранинг охири қофияланиши, балки қофияланаётган сўзлар гоҳида қофияланмайдиган сўзлар билан (кетма-кет) галма-галдан такрорланиб келиши»ни (3) фарқлайди. Шунингдек, олиманинг фикрича, гоҳида иккала мисрада ички қофия келиши мумкин⁵. Шунингдек, Хоразмий ички қофиянинг *тасриъ* (биринчи мисрадаги ички қофия), *тасриъ* (тўлиқ бўлмаган ички қофия), *тасмиъ* (тўлиқ такрорланувчи ички қофия) каби турларга изоҳ беради. М.Зиёвуддинованинг ёзишича, Хоразмий бу жиҳатдан араб олими Қудама ибн Жаъфарнинг қарашларига асосланган. Шеърини нуқсонлар ҳақида гапираркан, бунга сабаб бўлган турт қофия айблари (*икво*, *ийто*, *синаг* ва *икфо*) содир бўлиши мумкинлигини ҳам аниқлатади. *Икво* ҳақида Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳу-л-улум», Даманхурийнинг «Ал-ҳошияту-л-кабири ала матни-л-кофий фи илму-л-аруз вал қавофий» ва Қинаийнинг «Мезону-з-заҳаб фи синоати шеъру-л-араб» асарларида, *ийто* ва *синаг* Қудама ибн Жаъфар асарида, *икфо* эса Юнус ибн Ҳабиб, Абу Амр ибн Ала (VIII аср), Муфаддал ва Мубаррад (IX аср) асарларида учраши олимлар томонидан тилга олинди⁶. Кейинги давр араб олимларининг ишларида араб мумтоз қофия илмига тегишли қарашлар давом эттирилган.

Форс тилида бевосита қофия илми хусусида яратилган ишлардан Шамсиддин Қайс Розий, Абдурахмон Жомий ва

⁵ Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарида поэтика. – Т.: 2001. – Б. 35.

⁶ Freytag A. Darstellung der Arabischen Verkkunst. – Bonn, 1830.

Воҳид Табризий⁷нинг рисолаарини ҳамда Носириддин Тусий (1201–1272)⁸, Шамси Фахрий Исфаҳоний, Юсуф Азизий ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг поэтика илмига доир асарларида бу фан сирлари баён қилинган. Бу ҳақда Б.Сирус, А. Азар, В. Котетишвили ва Р. Мусулмонқулов⁹ каби олимларнинг тадқиқотлари мавжуд. Низомий Арузий Самарқандий аруз ва қофияга доир маъбул рисолалар сифатида Абулҳасан Али Сарахсий Баҳромий (в. 1106)нинг «Ғояту-л-арузайн» ва «Қақзу-л-қофия» («Қофия хазинаси») рисолаарини келтирадики¹⁰, қофия ҳақидаги иккинчи асари кейинчалик Шамсиддин Қайс Розий «Ал-Мўъжам...» китобининг яратилишига ўз таъсирини кўрсатган. Муаллиф «Ал-Мўъжам...» асарининг иккинчи қисмини қофия илмига бағишлар экан, уни қуйидаги беш бобда кўрсатади:

«Аввалги боб: шеър ва қофия маънолари зикри ҳамда унинг ҳақиқати ва имкониятлари хусусида.

Иккинчи боб: қофия ҳарфлари зикри ва уларнинг асоси ҳақида.

Учинчи боб: қофия ҳарфларининг ҳаракатлари ва уларнинг номланиши ҳақида.

Тўртинчи боб: қофия ҳудуди ва синфлари хусусида.

Бешинчи боб: манзум каломда баъзан учровчи қофия айблари зикри ва номаъқул сифатлар ҳақида»¹¹.

Олим шеър ва қофия маъноларининг зикрида шеърга шундай таъриф беради: «Билгилки, шеър асли лугатда «билим»дир ва сўзнинг тўғри идроки маъносини берур ва истилоҳий жиҳатдан маъноси мураштаби (тартибга солинган) маъновийи мавзун (вазну), мутақаррир (шакрорланувчи) ва мутасовий (ўзаро баробар) ва охири

⁷ Воҳид Табризи. Джем'и мухтасар. Критический текст, пер. и примеч. А. Е. Бертельса. – М.: Наука, 1959.

⁸ Носир ад-Дин Туси. Ми'йар ал-аш'ор. – Техрон, 1325;

⁹ Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии; А. Азар. Рифма персидского стиха. / Проблемы восточного стихосложения. – М.: Наука, 1973; Котетишвили В. Структура персидской классической рифмы АДД. – Тбилиси, 1975; Мусулманқулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. X-XV вв. – М.: Наука, 1989. – С. 95-116.

¹⁰ Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар. – Т.: 1986. – Б. 24

¹¹ Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам фи маъойири ашъори-л-аҷам. – Душанбе: Адиб, 1991. – Саҳ. 161.

ҳарфлари бир—бирига монанд келувчи суздандир». Шеърнинг бу умумий таърифидан қофияга тегишли маънони ажратади ва уни шундай таъриф қилади: «Ва қофия, билгалки, байт охиридаги сўзлар бўлиб, мазкур сўзлар сурашда ва маънода байт охиридаги сўзлар билан такрор бўлмасин. Агар такрор бўлса, уни радиф ўқийдилар ва қофия ундан аввал келгай...»¹²

Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи қофия» асари 1465 йилда Шамсиддин Қайс Розийнинг «Ал—Мўъжам...» асарига асосланиб ёзилган. Асар Муҳаддима ва Хотимадан ташқари «Ҳуруфи қофия» (1), «Ҳаракоти қофия» (2), «Мутародифу мутаботир ва мутаборику мурақориб ва мутаковис» (3), «Муқаййади мутлақу мужаррад» (4), «Уйуби қофия (иқтову икфо ва синоду йто)» (5) каби қисмлардан иборат. Жомий ёзади: «Билгалки, қофия аҷам шоирлари одатича, байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келишидир, шу шарт биланки, талаффузда мустақил бўлмасин, балки мисраънинг бир жузви бўлсин. Баъзилар жумланing охирини қофия деглар, баъзилар эса равий ҳарфини қофия деб аташлар»¹³. Сўнгра радифга таъриф беради: «Радиф деб шундай калимани айтувларки, бу калима ҳамма байтлар охирида бир хил тарзда такрорланиб келсин». Жомий қофия ҳарфлари хусусида тўхталаркан, уларни бир байтга тизади, бу эса ёдда сақлашни енгиллаштиради:

*Равиву радифу дигар қайду баъд аз он таъсис,
Дахилу васлу хуружу мазиду ноира дон
(Мазмуни:
Равийу радифу ява қайд сўнгра таъсис,
Дахилу васлу хуружу мазиду ноирадир бил).*

Жомийдан сўнг ушбу йўналишда форс тилида Нуриддин Аҳмад ибн Аблужалилнинг «Қофия», Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг «Рисолаи дар қавойиди илии қавофи» («Қофия илии қондалари ҳақида рисола») каби илмий асарлари тартиб берилган.

Турк дунёсида Шайх Аҳмад Тарозийнинг назарий қарашлари барча араб ва форс олимларининг қофия

¹² Шамси Қайси Розий. Ал—Мўъжам фи маъойири ашъори—л—ажам. — Саҳ. 165.

¹³ Абдурахмони Чомий. Осор. Чилди ҳаштум. — Душанбе: Адиб, 1990. — Саҳ.141—142.

ҳақидаги фикрларининг мужассамидир: «Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли таъбага қофия илмин билмак муҳимдир. Зероки, таъбанинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас. Магар бир тариқа шеър бўлурким, они ҳарора герлар, анда қофия бўлмас. Ва зурафо байтни хаймага нисбат қилибтурлар ва қофияни стунга. Яъни стун бирла барпойдур»¹⁴. Бунда аллома шеърнинг асл моҳиятини белгилловчи унсур сифатида қофияни қайд этади ва байт – уй, яъни деворлардан иборат бўлса, қофия унинг устунидир деган қатъий қарашни ифода қилади. Қофиянинг араб мумтоз адабиётшунослиги белгиллаган беш турини мутавотир, мутародиф, мутарокиб, мутагорик, мутаковис келтиради. «Ва Ажам фузалосининг машҳури яна уч қисм зиёда қилибтурлар» иловаси билан мутасови, мутарожиҳ, мутазойиғ қабиларни илова қилади¹⁵. Ҳар бирига назарий талқин ва амалий мисоллар беради.

XX аср бошларида илк назарий қарашлар шаклланиши даврида Фитрат ва Абдурахмон Саъдий ишларида қофияга шеър тузилишининг муҳим узви сифатида қаралгани маълум. «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари»да арабча қофия истилоҳи ўрнига А. Саъдий битим атамасини тавсия қиларкан, унга қуйидагича аниқлама берган: «Тизмаларнинг муҳим шарти битимдир. Мисраларнинг сўнглирида бир турли ёки бир-бирига яқин бўлган овозли ҳижоларнинг келтирилиши битим бўладир»¹⁶. Бу таърифда қофия ҳақидаги шарҳда машҳур қарашлар билан бирга айрим Ғарб олимларининг фикрлари (яъни овозли ҳижо – ударные слоги) ҳам унинг қатига сингдирилган. Олим ўз қўлланмасида қофияга «Битимларда оҳанг» номли илова бериб, бунда қофия тизимида оҳангнинг бузилиши билан боғлиқ нуқсонлар, мумтоз қофия назарияси исми билан айтганда, қофия айбларига тўхталади ҳамда бу жиҳатдан Фулом Зафарий, Элбек шеърларидаги нуқсонларни кўрсатиб ўтади.

Фитрат эса «Адабиёт қондалари»да қофияга «мисраъларнинг охирида товушлари бир хил бўлган сўз бўғим(н)ларига қофия дейиладир» деган таъриф билан Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ асарларидан мисоллар

¹⁴ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996.

¹⁵ Ўша манба.

¹⁶ Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Т.: 1923. – Б. 123

келтиради. Фитрат бу мисолларни шундай келтириш билан чекланмай ҳар бир жанр (ғазал, маснавий, халқ қўшиқ ва дostonлари ҳамда замонавий шеър)да қофиянинг ўрни ва вазифасини аниқламоқчи бўлади. Олим XX аср ўзбек шеърини қофия назарияларини амалга татбиқ қилишда ва шеърнинг қофия жиҳатини устувор қилишда халқ оғзаки ижоди намуналари, Фитратча айтганда, «*эл агабиётни йўли билан бормоқдагир*» деган хулосага келади¹⁷.

Рус шарҳшунослари П. А. Гринцер, И. Ю. Крачковский, В. М. Жирмунский, А. Б. Куделин ва бошқалар араб-форс-турк қофия илмини чуқур ўрганганларидан сўнгина бу борада умумлаштирувчи назарий тадқиқотлар яратдилар. Бу жиҳатдан В. М. Жирмунскийнинг «Қофия, унинг тарихи ва назарияси» тадқиқоти¹⁶ муҳим аҳамиятга эга. Атоқли рус шеършуноси М. Л. Гаспаров В. Жирмунский таълимотига асосланган ҳолда Д. Самойлов китобидаги¹⁷ ҳисоб-китоблар умумлаштирилмаганини эслатиш орқали «Рус қофияси эволюцияси» номи мунозарали ишида рус шеърдаги қофия тараққидигини кузатади. Олим, аввало, статистик маълумотни асос қилиб олин ҳолда Кантемир (1829)дан Б. Ахмадуллина (1968)га қадар ўтган рус шоирлари ижодидаги қофиялар сонининг жадалини тузиб, ундаги қофия турлари (рус тилида «*мужская, женская* ва *дактилическая* рифмы»)ни аниқлайди. Шу билан бирга рус тилининг қофиядош сўзлар заҳираси, қофия уялари, шоирлар ижодларида қофия репертуарининг бойлиги ва ранг-баранглиги, аниқ ва *тахминий қофиялар* (В. М. Жирмунский иштилоҳи, М. Л. Гаспаров талқинича, *ноаниқ қофия*), уларнинг товуш жиҳати, таянч товушлар, қофия тараққидидаги кризислар ва ҳозирги (1980 йилга нисбатан – Ҳ. Б.) ҳолат ҳақида назарий умумлашмалар қилади¹⁸.

А. Рустамовнинг «Қофия нима?» рисоласида¹⁹ қатор шарҳ манбалари асосида қофиянинг назарий жиҳатлари XX аср ўзбек адабиётшунослигида нисбатан биринчилардан бўлиб

¹⁷ Фитрат А. Адабиёт қондалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳавасдилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 17

¹⁶ Жирмунский В. М. Рифма, ее история и теория / Теория стиха. – Л.: 1975.

¹⁷ Самойлов Д. Книга о русской рифме. – М.: 1982.

¹⁸ Гаспаров М. Л. Эволюция русской рифмы. / Проблемы теории стиха. – Л.: Наука, 1984. – С. 3-36.

¹⁹ Рустамов А. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976.

умумлаштирилган ва алоҳида китобча ҳолига келтирилган. Юқорида тилга олинган манбаларни ўрганиш натижасида Иззат Султон қофияга шундай таъриф берган: «Ритмик жиҳатдан уюшган нутқда сўзларнинг оҳангдош бўлиб тизилиб келиши қофия деб аталади. Қофия (арабча) эргашувчи маъносига бўлиб, бир-бирига оҳангдош сўзларнинг бирин-кетин тизилиб келишини ифода этади»²⁰ ва қофиянинг бош қонуни сифатида унинг «мазмунга тобеълиги»ни аниқлаиб, унинг турлари сифатида тўқ қофия, оч қофия ва кўш қофияни келтиради.

«Адабиёт назарияси» мавзусидаги жамоа тадқиқотида юқоридаги манбалар умумлаштирилган ҳолда «Қофия вазифаларининг биринчиси ва энг муҳими мазмун билан боғлиқ» деган тушунтириш берилди²¹. Қофия табиатига доир назарий фикрлар баён қилиниш билан бирга «Қофия элементлари ҳақидаги назарияни ўзбек қофиясига рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувида татбиқ этиш»га интилиб, ўзак ва қўшимчалардаги унсурлар (равий, қайд, ридф, таъсис, даҳил, ҳазв, тавжиҳ – ўзақдаги унсурлар бўлса; васл, хуруж, мазиг, нойира, мажро, нафоз – қўшимчалардаги унсурлар) аниқланади. Тожиқ олими Б.Сируснинг кўрсатмасига асосан²², қофиянинг 25 тури (шундан 5 таси ўзақдаги ва 20 таси қўшимчадаги турлар) аниқланиб, уларга ўзбек мумтоз адабиёти ва ҳозирги адабиётдан мисоллар келтирилган. Қофия айблари тўғрисида мазкур «адабиёт назарияси»да тўхталинмаган.

А. Ҳожиаҳмедовнинг «Мумтоз қофия малоҳати» қўлланмасида эса биз юқорида кўрган манбалар асосидаги фикрлар назарий жиҳатдан умумлаштирилган ва ҳозирги ўзбек китобхонига тушунарли тилда изоҳлаб берилган.

Демак, шарҳ мумтоз поэтикасида муҳим ўрин тутган қофия илими ҳозирга қадар мана шу йўналишларда ўрганилган, унинг назарий жиҳатлари ва амалий имкониятларини чамалашга ҳаракат қилинган. Ушбу илимининг келажақдаги тараққиёти бу соҳага қўл ўрган иқтидорли ёшларнинг сазъ-ҳаракатларига боғлиқ.

Ҳамидулла Болтабоев

²⁰ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 332.

²¹ Тўйчиев У. Қофия ва унинг назариясига оид / Адабиёт назарияси. II том. – Т.: Фан, 1979. – Б. 368–385.

²² Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии. – Сталинобод, 1953.

АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙ
«МАФОТИҲУ-Л-УЛУМ»дан

Учинчи бўлим
Қофия ҳақида

Қофия — шеърдаги мисранинг охириг сўзи¹.

Равий — қасида (қофияси) тузиладиган ҳарф, (шоирнинг) *фамуқамуҳа* сўзидаги **МИМ** ҳарфи кабидир.

Хуруж — ҳа дан кейинги **вав** ёки **алиф**, ёки **йа** ҳарфи, олмош сўз ясовчи қўшимчасидан кейин (агар **ҳа** васла бўлса). Мисол учун *фамуқамуҳа* сўзида «алиф» **ҳа** (ҳарфидан) кейин (туради).

Ридф — равий олдида турувчи **алиф**, **вав** ва **йа** юмшоқ ҳарфлар, мисол учун қила сўзида **йа** ҳарфи, ёки қала сўзида **алиф**, ёки қавл сўзида **вав** каби. (Бизнинг) мисолимизда бу *фамуқамуҳа* сўзидаги **МИМ** олдидаги алиф..

Таъсис — *фаъил* сўзида **алиф** (яъни равий олдидаги ҳарфдан кейинги турувчи **алиф**)

Расс — таъсис олдидаги фатҳа кўринишидаги ҳаракат².

Ишба — таъсис ва равий ўртасида турувчи ҳарфнинг ҳаракатланиши.

Вазф — *ридф* олдидаги ҳарфнинг ҳаракатланиши, *фамуқамуҳа* (сўзи)даги **қаф** фатҳаси каби.

Тавжиҳ — (агар) равий васласиз бўлса, унинг олдида турувчи ҳарфнинг ҳаракатланиши.

Мужра — равийнинг ҳаракати сиқилган (равийда) мужра бўлмайди.

Нафаз — бу қўшиб ёзулувчи олмош «ҳа»нинг ҳаракати.

Мутакавис — икки сукунланган (ҳарфлар) ўртасида тўрт ҳаракатланган ҳарф бирлашган қофия: *фаилатун*.

Мутақариб — икки сукунланган (ҳарфлар) ўртасида учта ҳаракатли ҳарф бўлган қофия: *муфаъалатун* каби.

Мутагорик — иккита сукунланган (ҳарфлар) ўртасидаги ҳаракатли ҳарф (бирлашган) қофия: *мустафъилун* каби.

Мутарағиф — иккита сукунланган ҳарфдан иборат қофия: *фаилан* каби.

Шеърнинг қофиявий фазилатларини аниқлашда ёрдам берувчи тушунчалар қуйидагилар: *тасриъ*, *тарсиъ*, *тасмит*.

Шарқ шоирлари қофияга амал қилишни фақат байт охиридагина сақлаб қолмадилар. Шеъринг асарларнинг муҳим томонларига — ички қофияга амал қилиш ҳам киради. Бунда турли хил вариантлар бўлиши мумкин:

а) фақат битта байт доирасида икки мисра қофияланса;

б) бир неча байт доирасида мисранинг охиралари қофияланса;

в) битта байт доирасида нафақат иккита мисранинг охири қофияланади, балки қофияланаётган сўзлар гоҳида қофияланмайдиган сўзлар билан (кетма — кет) галма — галдан такрорланиб келади, гоҳида иккала мисрада ички қофияни кўрамиз³.

Тасриъ — ички қофия

Ат-тасриъ — бунда қасиданинг биринчи байти мусарраъ кўринишида унинг қофияси (биринчи) ярмида, яъни (биринчи мисрада) ва у биринчи байтдан бошқаларида ҳам бўлиши керак. *Тасриъ* — бу биринчи мисрадаги охириги сўзнинг иккинчи мисрадаги охириги сўз билан қофияланганда содир бўладиган ички қофиядир⁴.

Шеърятда *тасриъ* — бу биринчи мисраларнинг қофияланиши.

Шундай қилиб, *тасриъ* — иккита мисранинг қофияланишига олиб келувчи оддийгина кўриниш бўлиб, у қофияни бойитадиган дастлабки манба ҳисобланади.

Тасриъ одатда битта байт доирасида кузатилади, лекин буни асарнинг бошидан охиригача, жумладан, қасида учун мажбурий деб ҳисоблашга бизда ҳеч қандай асос йўқ.

Тарсиъ — нотўлиқ қофия

Тарсиъ — тўлиқ бўлмаган такрорланувчи ички қофия⁵.

Тарсиъ — бу алоҳида (байт)нинг қофияланган қисмлардан тузилишидир.

*Тарсиъ*га мисол тариқасида Лэн (Lane) Фараздак шеърдан келтиради:

«Унинг амаллари хоҳловчилар учун бўлсин,
Унинг давлати қидирувчилар учун бўлсин»⁶.

Тарсиъ – бу қофияланган, қурилишига кўра бир хил ўлчамдаги нутқдир, у (нутқ) бўлаklarининг охиридаги қисмлар эмас. Мисол Абу Али Басирнинг сўзлари:

«Шундай бўлдики, сен хавф – хатардан озод бўлдинг, касалликдан тузалдинг».

Тасмит – тўлиқ такрорланувчи ички қофия

Тарсиъда ички қофия такрорланувчи бўлса ҳам, қофияланаётган бўлаklar қофияланмайдиганлар билан кетма – кет келади, шу билан бирга ички қофия фақат алоҳида байтлар учун хосдир. *Тасмит* эса ундан фарқли ўлароқ шеърнинг шундай шаклини билдирадики, унда доимо ички қофияга, яъни шеърнинг бошидан охиригача амал қилинади.

Тасмит ҳам алоҳида қофияланувчи бўлаklarга бўлинади. Аммо тарсиъ (сўзи)да битта ёки иккита байтлар қофияланади, қасидаи мусаммата⁷да эса – ички қофияси билан унинг барча байтлари қофияланади⁸.

Мерен тасмитни сажъ кўринишларидан бири деб ал – Ҳаририйдан мисол келтиради:

Айни ҳолатда ички қофиянинг сақланиши ички қофиянинг бир хиллигини билдирмаслигини кўрамиз. Биринчи мисрадаги *нифар*, *қифар*, *сифар* сўзлари қофияланади, иккинчи мисрадаги қофия эса бошқача: *зуйул*, *ҳийул*, *суйул*.

Тасмит – мусажжаъ шеърятнинг бошланғич кўриниши⁹...

Шеърый нуқсонлар¹⁰

Иқво қофия нуқсонларидан биридир. *Иқво* бу мунизилунинг *манзили* билан қофияланишидир. Агар алиф билан *вав* ёки *йа* қофияланса, бу *исраф*дир. *Исраф* иқводан кўра нуқсоннинг оғирроғидир. *Исраф* нафақат узун, балки қисқа унлилар ифодалайдиган қофияларнинг ҳар хиллигидир.

Ийто қофия нуқсонларидан бири бўлиб, қофияланаётган сўзнинг такроридир. *Ийто* битта қасидада иккита қофиянинг мос келиши¹¹.

Синад қофия нуқсонларидан бири бўлиб, нотўлиқ қофиядир. Синад бу радифларнинг ҳар хиллигидир¹².

Икфо ноаниқ қофиядир. Қофиянинг та ва талаффузига кўра унга яқин ҳарфлар билан тугашидир.

«Мен отга юрганамда, сизлар иккингиз мени ўртага олинг,

Мен каттаман, шунинг учун йўлдан бурила олмайман».

Икфо равийда талаффузига кўра яқин ҳарфларнинг ҳар хиллигидир¹³.

ШАМСИДДИН ҚАЙС РОЗИЙ
«Ал-МУЪЖАМ...»дан
ИКИНЧИ ҚИСМ

Қофия илми ва шеър нақди хусусида

Ва у олти бобдан иборат:

Аввалги боб, шеър ва қофия маънолари зикри ҳамда унинг ҳақиқати ва имкониятлари хусусида.

Иккинчи боб, қофия ҳарфлари зикри ва уларнинг асоси ҳақида.

Учинчи боб, қофия ҳарфларининг ҳаракатлари ва уларнинг номланиши ҳақида.

Тўртинчи боб, қофия ҳудуди ва синфлари хусусида.

Бешинчи боб, манзум каломда баъзан учровчи қофия айблари зикри ва номаъқул сифатлар ҳақида.

Олтинчи боб, шеър маҳосин¹и зикри ва таҳсинга сазовор санъатлар ҳақидаким, назму насрда қўл келгай.

Аввалги боб.

Шеър ва қофия маънолари зикри ҳамда унинг ҳақиқати ва имкониятлари хусусида

Билгилки, шеър асли лугатда «билим»дир ва сўзнинг тўғри идроки маъносини берур ва истилоҳий жиҳатдан маъноси мураббаби (тартибга солинган) маъновий мавзун (ваззли), мутакаррир (такрорланувчи) ва мутасовий (ўзаро баробар) ва охирги ҳарфлари бир — бирига монанд келувчи суҳандир.

Ва шунинг учун мураббаби маъновий суҳан² дейилдики, ҳақиқий шеър билан бемаъни тартибсиз калом ўртасида фарқ бордир. Ва шунинг учун мавзун айтилдики, назм билан маъновий мураббаб наср ўртасида ихтилоф бордир.

Ва шунинг учун мутакаррир дейилдики, икки мисраъли байт ярим мисраъ сўздан фарқланур. Чунки шеър ҳеч бўлмаса тугалланган байтдан ташкил топгай, бу ҳақда аввал ҳам айтиб ўтган эдик.

Мутасовий дейилишдан мақсад шуки, тугалланган байт билан вазнда бир — бирдан фарқ қилувчи мисраълар орасида фарқ бордир. Ва охирги ҳарфларнинг бир — бирига монандлиги деб шуни айтилурки, қофиядор калом билан қофияга эга бўлмаган калом орасида фарқ бордирки, қофиясиз суҳанни шеър ҳисобламайдилар, гарчи мавзун бўлса ҳам. Ва аммо, мавзун калом билан шеър сабабига келсак, *Абу Абдуллоҳ Қосим ибн Салом Боғдодий* — наҳву

луғат ва тарих пешволаридан бири бўлмиш — айтади: *Яъруб ибн Қахтон ибн Обир ибн Шолих ибн Арфаршад ибн Сом ибн Нўҳ*³ — тўрт юз йил умр кўрди ва арабий айтув эди — туфундан сўнг араб тили унинг ҳаракатлари туфайли ёйила бошлади. Сажъ ва далилга мафтун эди. Яъруб донолик қуввати ва истеъдод закоси ила уни топди, мавзун сўзни номавзундан фарқ қилди ва фавқуллода икки байт айтди.

Ва аъёнлар, қариндошлар, қариялар, яқинлари ҳузурда шеърхонлик қилди. Улар — ҳаргиз манзум сўз эшитмаган эдилар — сўрадилар: «Бу қандай муаззам суҳан сўз тартибидурки, сендан аввал бундай сўз эшитмаган эдик?»

У айтди: «Мен ҳам бу каби суҳанни ўзимдан тошмадим».

Шундай қилиб, таълим ва таҳлилсиз унга мавзун каломдан шуур келди, уни шеър ўқидилар ва унинг айтувчисига *шоир* ном қўйдилар.

Ва яна баъзилар дептурларким, шеърни дастлаб *Журҳам ибн Қахтон* айттипув. Ва баъзи тарихчилар шеърнинг ибтидосини Одам *салавату-л-лоҳ алайҳа*⁴ номига ҳавола қиладилар. Тил илми аҳли фикрига кўра, Одам с. а. *сурёний*⁵ бўлган. Агар бу ривоят асосга эга бўлса ва у шеърни сурёний тилида айтган бўлса, эҳтимол, ундан кейин шеърни араб тилига таржима қилган бўлишлари мумкин.

Ва шунингдек, форсий шеър ибтидосини *Баҳром Гўр*⁶га нисбат берадилар ва Ажам моликлари қиссасида келтирилишича, *Яздигирг*⁷ Баҳромнинг отаси Шопурнинг дунёга келган фарзанди тиффилият (илк болалик) ёшидан ўтган эди. Баҳром тўрт ёшга етганда, умид пайдо бўлди, мунажжимлар унинг толеъидан фол кўрдилар ва юлдузлар ўрнига назар қилдилар. На фалак хоҳиш деб шуни тобдиларки, унинг камоли ғурбат (мусофирлик) билан боғлиқдир. Жасур, *муваддаб*⁸ ва мулк вориси бўлар ва сулоланинг давомийлигини таъминлар.

Кейин Яздигирд Баҳромни Манзар ибн Умар ибн Адий Лухмийга, унинг ёрдами билан Ҳирада подшоҳ бўлган эди, топширди ва аркони давлатдан бир нечтасини унга қўшиб Ҳирага юборди, токи арбоблар орасида парвариш топсин ва хушкалом шоиру жасур жангчи бўлиб этишсин. Баъзиларнинг айтишларича, у вақтда Ҳира подшоҳи Нўъмон ибн Манзар ибн Умар ибн Адий эди. Яздигирд Баҳромни Ҳирага юбориб, шундай фармон берди: «Ҳиранинг дилқушо жойларида унинг учун алоҳида масканлар барпо қилсинлар. Шу тариқа меъморлар Хурнақ ва Садирни бино қилдилар. Ва ибн Қутайба айтади: Хурнақни ажамда Хурнигоҳ

атайдилар, яъни подшоҳларнинг емакхонаси ва гўшанишини маъносини берур, араблар уни мувофиқ келсин деб, Хурнақ дедилар.

Ва Садир бир – бирига ўхшамайдиган уч гумбаздан иборат, форсийлар уни «Се дайр» (уч ибодатхона) атадилар, араблар эса Садир номладилар. Ва яна айтурларки, бу уч гумбаз уларнинг ибодатхонаси бўлган. Қадимда гумбазни паҳлавий тилида ибодатхона ўқишларига сабаб шуки, баъзи китобларда кўрдим, Исфаҳон тарафдан Рай томонга бир йўл ўтади ва уни дайри гатик (гатли ибодатхона) атайдилар – гат билан сувалгандир. Ва Ҳаммод ибн Абу Лайсни – араб шеърларининг кўпини у нақл қилмиш, Баҳромнинг арабча шеърларидан кўпчилигини – Ҳира аҳлидан ривоят қилур – ва эронийлар аввал унинг форсийча шеърларини келтирурлар. Унга нисбат билдирилган шеър будур:

*Манам он пили дамону манам он шери яла,
Номи ман Баҳроми Гўр, куниятам Бўжабала...⁹*

Ва яна баъзилар дештурларки, энг аввал форсий тилда шеърни Абуҳафс Ҳаким ибн Аҳвас Сўғдий айтибтур ва Самарқанднинг Сўғд деган жойидандир ва мусиқа сирларидан хабардор экандир. Абу Наср Форобий ўз китобида унинг номини келтириптур ва бастакорлик асбобини унинг номи билан боғлаптур айтиптурким, Абуҳафсдан сўнг уни ҳеч ким амалда қўллай олмаптур ва у ҳижрий 300 йилда (оламдан) ўтиптур, унга нисбат берилган шеър будур:

*Оҳуи кўҳи дар даст чи гуна давадо,
Ёр надорад, бе ёр чи гуна бувадо?¹⁰*

Ва чун бу муқаддимадан маълум бўлди билгилким, агар байт такрор бўлса ва у ўн бештадан ўтса, уни қасида ўқийдилар, ундан кам бўлса, қитъа дерлар. Ва форсий қасидада лозимдирки, матлаъ мусарраъ (қўшқофияли) бўлсин, яъни ҳар икки мисраъдаги қофия ҳарф ва ҳаракатда тенг бўлсин, аммо агар йигирма байтдан ошса, уни қитъа ўқимаслар...

Ва қофия, билгилки, байт охиридаги сўзлар бўлиб, мазкур сўзлар суратда ва маънода байт охиридаги сўзлар билан такрор бўлмасин. Агар такрор бўлса, уни *радиф* ўқийдилар ва қофия ундан аввал келгай...

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ
«ФУНУНУ-Л-БАЛОҒА»дан
АЛ-ФАННУ-С-СОНИЙ
ФИ-Л-ҚОФИЯ ВА-Р-РАДИФ¹

Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли таъба қофия илмин билмак муҳимдир. Зероки таъбнинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас. Магар бир тариқа шеър бўлурким, они ҳарора² дерлар, анда қофия бўлмас. Ва зурафо³ байтни хаймага нисбат қилибтурлар ва қофияни стунга. Яъни стун бирла барпойдур. Ва баъзи ҳарфи равий⁴ни ялгуз ва баъзи сўнгги мисраъни *тамом қофия* санарлар ва баъзи байтнинг охир жузвин, нетокким, баҳри тавилдин "мафоил"ни ва ражаздин "мустафъилун"ни. Ва рамаддин "фоилотун"ни. Ва лекин араб ва ажам уламози жумҳурининг ва *Мавлоно Халил*⁵нинг (раҳматиллоҳи алайҳи) иттифоқинда улдурким, сокиниким, "ҳарфи равий"⁶га ё "ҳарфи ридф"⁷қа ёвуқтур, "мо қаблу"нинг ҳаракати бирла охир ҳарфқача бир қофия тутарлар.

Барчадин бу қавл⁸ ақводур. Бас, қавл бирла қофия гоҳ бир калима бўлур. Гоҳ баъз калима, гоҳ бир калима. Ва баъз ва гоҳ икки калима. Масалан, бир ғазалда парвар ва *хокистар*⁹дур ва сар ва *дархур*¹⁰ келди. Бир қофия *парвар* лафзидур. Ул бир калимадур. Ва бир қофия *густар*¹¹ лафзидур. Ул баъз калимае, яъни хокистар лафзи тамом бир калимадур. Ва бу маҳалда равий "ро"дур. Ва анга ёвуқ сокин "син"дур. Ва "син"нинг мо қабли "коф"тур. "Коф"тин "ро"гача бир қофиядур. Ва яна бир қофия "ди сар" лафзидур. Ул бир калима ва баъздур. Яъни "ди" лафзи баъздур. Ва "сар" лафзи калимадур. Ва бир қофия "дар-хур" лафзидур. Ул икки калимадур. Бириси "дар" лафзидур ва бириси "хур" лафзидур.

"Ал-калимату лафзун вузиъа ли маънан муфрандан" (Калима ягона бир маънога қурилган сўздур). Ва буларнинг мисоли бу турур:

*Пеша қилди шеваи жавру ситам пайваста ёр (калима)
Гўйиё мундоғ кечадур иқтизои рўзгор (калима ва баъз)...*

*Гояти тақрир этармен, йўқса бўлмасмен малул,
Заҳри қотил илқиндин кўринур хушгувор¹² (икки калима)*

*Бермади зўру шижоат бирла ганжи ишқ даст,
Саъй кўргузди нечаким Рустаму Исфандиёр (баъз)*

Фасл. Араб уламосининг жумҳури қофияни беш қисм қилибтурлар. Аввал — мутавотир¹³. Иккинчиси мутародиф¹⁴. Учинчи мутарокиб¹⁵. Тўртинчи — мутагорик¹⁶. Бешинчи — мутаковис¹⁷. Ва Ажам фузалосининг машҳури яна уч қисм зиёда қилибтурлар. Аввал — мутасови. Иккинчи — мутарожиҳ. Учинчи — мутазойиг.

Мутавотир ани дерларким, ул сокиниким, ҳарфи равийға ёвуқ. Андин сўнгра сабаби хафиф келур: фа вазнида. Яъни бир ҳаракат, бир сокин, нетокким: ахтар ва анбар. Ё кавкаб ва мазхаб бўлғай.

Мисол бу тариқа бўлур:

*Сўзидин рашк олур, шаккар юзидин ҳам чаману гул.
Кўзидин уфтонур нарғис, субҳидин тўлғонур сунбул.*

Ва мунда бир қофияда "гул" лафзидур ва бир қофия "сунбул".

Мутародиф ул бўлурким, ул сокиндин сўнгра сабаби мутавассит келур: фоа вазниға. Яъни — бир мутаҳаррик, икки сокин — нетокким мухтор ва ағёр ё таъбир ва тафсир бўлғай.

Мисоли бу турур:

*Қамар бўлди юзунг давринда машҳур:
Қошингдин ҳам қамуғ меҳроби маъмур.*

Мутагорик анингтеқ бўлурким, ул сокиндин сўнгра мутаҳаррик, бир сокин келур, фаала вазниға. Яъни, ватади мажмуъ, нетокким: мухтасар ва мўътабар мумтахан ва ёсуман бўлғай.

Мисоли бу турур:

*Чу қаду ораз фикридун қилсам видои анжуман
Қабримдин ўсгуси баса сарви сиҳи — ю настаран.*

Мутавосий анингтег бўлурким, ул сокиндин сўнгра ватади касрат келур. Яъни икки мутаҳаррик ва икки сокин фаал вазнида, нетокким дилистон ва шуд ниҳон бўлғай. Мисол:

*Эй жамолингдин топибтур ҳусн ҳар дам эхтиром.
Мубтало бўлди гами ишқинг била ҳар ҳосу ом.*

Мутарокиб ул бўлурким, ул сокиндин сўнгра уч мутаҳаррик, бир сокин келур: фаалан вазнига. Яъни фосилаи суғро, нетокким: дилбари ман ва сарви чаман бўлғай.

Мисоли бу:

*Ё раб, эл ичинда эҳсону ато бўлди адам.
Ё магар ер юзида қолмади ҳеч аҳли қарам...*

Мутарожиҳ ул бўлурким, ул сокиндин сўнгра уч мутаҳаррик, икки сокин келур: фаулоти вазнига, нетокким: нақши жаҳон ва боригарон бўлғай. Мисоли бу турур:

*Ол энгин босса энги бирла ўшул жавҳари жон.
Кўзларим шул дам этар ер юзини доласитон.*

Мутаковис анингтег бўлурким, ул сокиндин сўнгра тўрт мутаҳаррик, бир сокин келур: фаалатун вазнида, нетокким: гул шақари ман ва бар жигари ман бўлғай.

Мисоли бу турур:

*Нисбат эмас тишинга гавҳари Адан.
Ҳеч ўқшамас юзунга ҳам гули чаман.*

Мутазойиг улдурким, ул сокиндин сўнгра тўрт мутаҳаррик, икки сокин келур, фаалатан вазнида, нетокким:

Эй шаҳи жаҳон ва бар дили касон бўлғай.

Мисоли бу турур:

*Пинҳон тутар розингки бу дили ҳазин.
Сақлар они пайваста чун дури самин.*

Фасл. Ажам уламосининг қошинда қофия уч навъ бўлур. Аслий ва маъмули¹⁸ шойгон.

Аслий улким, ҳар лафзеки; қофияда воқеъ бўлур, агар асл вазъи бирла келса ва ҳеч раҳгузар¹⁹дин анга тағйир ва табдил йўл топмаган бўлса ва ҳарфи равийси калиманинг нафсидин бўлса, ул қофияни асл дерлар, нетокким: *хубоб* ва *гулоб*; ё: *ҳабиб* ва *рақиб*; ё: *ҳур* ва *нур*; ё: *гул* ва *мул* бўлғай.

Мисоли бу:

*Бузулган бу менинг кўнглумни, эй ҳур,
Қил эмди бир табассум бирла маъмур.*

Қофия маъмули улким, калимани асл вазъидан тағйир этмиш бўлсалар ва қасд бирла аслга рост қилмиш бўлсалар ва ҳарфи равийси калима нафсидин бўлмаса ва бир иллат бирла анга мулҳақ бўлган бўлса, ул қофияни маъмули дерлар. Яъни лафзеки, анга амал даст топмиш бўлса, бас, амали лафзга беш нарсанинг иллатидин йўл топарким, ул *масдар* ва *мозеъ* ва *музориъ* ва *амри робита* дурур. Масдар улким: *гуфтан* ва *суфтан*; ё: *нўшидан* ва *жўшидан* бўлғай. Ва қофия асликим: *Аган* ва *лабан*; *саман* ва *ватан* дурур.

Булар бирла бир ғазалда келмаги *сахван* йўқтур. Зероки, аларнинг охир ҳарфи калиманинг нафсидин эрмас. Масдарият иллатидин мулҳақ турур ва буларнинг охир ҳарфи аслдур ва мозийким, *доғ* ва *кушуд*; ё *кашид* ва *чашид*; ё *буд* ва *кушуд*; ё охири "те" бўлса, нетокким: *сохт* ва *бохт*; ё *тофт* ва *дошт* ва *кошт* турур. Ул *боғ* ва *шог*; ё *иг* ва *чиг*; ё *кабуд* ва *удким*, аслидур, булар бирла бир ғазалда жамъ бўлмоги айбдур. Ва буларнинг ижтимои ҳеч маҳалда жоиз эрмас.

Ва музориъким, *барағ* ва *гарағ*; ё *занағ* ва *танағ*; ё *мекашағ* ва *мечашағ* турур...

Ва ул қофияларким, амрият маъниси бирла бўлса келур. Агар фаолият маъниси бирла бўлса, асли қофия бирла бир ерда келса, раводур, нетокким: *жонсипор* ва *раҳгузор*; ё *корсоз* ва *тангудоз*, ё *хунрез* ва *дилсўз* бўлғай. Ва бу қофиялардин баъзиси масдарият маъниси бирла ҳам келур, нетокким: *парҳез* ва *ситез*; ё *шикоб* ва *фиреб* турур. Булар ҳам асли(й) қофия бирла воқеъ бўлса раводур. Ва

робитаким: *доност ва биност* ё *жуст ва хугрост* бўлғай. Ул *рост ва кост*; ё *дўст ва пўст*; ё *баст ва маст*; ё *пари ва сариким*, аслийдур, бир ерда жойиз эрмас ва маълумки, қофиянинг асли қофия бирла ижтимои қасидада ва маснавийда раводур. Не учун, зероки қасиданинг ақалли йигирма байт бўлур, кўп қофия керак – то бир қасида тамом бўлғай.

Бас, бу сабабтин агар аслий қофия битилмаса, маъмулий қофия ҳар нечаким келтурса раводур то мақсудни интиҳога келтургай. Ва маснавийда ҳам мақсуд қиссанинг баънидур, сўзга қофияни келтурмак керак – бу душвордур.

Вале сўзни қофияга келтурмак осон. Бас, ҳикоятқа асли қофия рост келмаса, маъмул келтурса раводур – то қиссани шарҳқа келтургай, нетокким малику – л – калом Фирдавсий айтур "Шоҳнома"синда:

*Баду гўфт Ковус: К–эй, пур хирад,
Дилат яксар андешаи баг бараг²⁰.*

Ва бу байт то сўнги мисраънинг қофияси маъмулидир ва лекин газалда ва қитъа ва рубоийда маъмулининг истеъмоли раво йўқтур ул жиҳаттинким, рубоий тўрт мисраъедур. Уч қофия бирла тамом бўлур. Ва қитъанинг ақалли ики байттур. Ики қофия бирла тамом бўлур. Ва газалнинг ҳам ози беш байттур. Ва зарурат ҳолатида тўрт байт беш қофия бирла тамом бўлур. Ҳеч муҳим эрмаским, маъмули қофиянинг келтургайлар. Вале устодлар газалда маъмулий қофиянинг бир ерида жоиз тутубтурлар ул сабабтинким, шоирга хўб маъно даст берди, асли қофияга рост келмас. Бу маҳалда маъмули келтурса, раводурким, то ул маъно зоеъ бўлмағай. Мундин ўзга ҳеч ерда раво йўқтур.

Қофия шойгон беш нарсанин кўлар. Ул "алиф", "нун" жамъидин, нетокким: *мардумон ва суҳанон* бўлғай. Ул *жон ва жаҳонким*, аслийдур, бир газалда келмағай – раво йўқтур.

Икинчи ҳо ва алиф жамъидин пайдо бўлур, нетокким: *сарҳо ва дилҳо* бўлғай. Ул *ато ва жудо* бирла келса, раво йўқтур.

Учинчи ё ва *дол* жамъ мухтабадин, нетокким: *равид* ва *шавид* бўлғай. Ул *жовид* ва *ийд* бирла рост келмас.

Тўртинчи нун ва дол жамъи мугойибадин, нетокким: *раванд ва баранд бўлғай. Ул қанд ва савганд бирла бир ерда келмас.*

Бешинчи ё ва мим мутакаллим муаалгайрдин ҳосил бўлур, нетокким: *барим ва хўрим бўлғай. Ул рим ва сим бирла раво эрмас. Ва мажмуи уламо қошинда қофияи шойгон барча маҳалда айбтур.*

Ва агар қофия шойгондин ҳам "алиф" ва "нун" жамъини васл ва хуруж еринда қилса бўлур, нетокким: *писарон ва дигарон бўлғай.*

Мисоли бодур:

Умр биғузашт ба беҳосили булҳаваси...

Фааммо, булар равий бўлмас. Агар равий қилсалар, ул қофия майибтур.

Мазид ул ҳарфни айтурларким, хуруждин сўнгра келса. Ва бу ажам ихтироидур. Ва араб қавлинда қофиянинг охири ҳарфи хуруждир. Ва мазид ҳар ҳарфдин бўлур, нетокким: *баримиш ва даримиш бўлғай.*

Мисоли бу:

*Тилар кўнглум юзунг кўрса, будур онинг хаёлоти.
Муяссар бўлса бу давлат, бўлур зоҳир камолоти.*

Ва мунда равий "лом"дур. Ва "алиф" васлдур; ва "то" хуруждур ва "ё" мазид.

Ва буларнинг такрори лозимдур. Ва ул тўрт ҳарфким, равийдин бурун келур, бириси қайдтур. Ва мунунг маҳали равийдин бурундур. Ва бу ҳар ҳарфтин бўлур. Мунинг бирла равийнинг орасинда ҳеч ҳарф сизмас, нетокким: *гуфт ва суфт бўлғай.*

Мисоли бу бўлур:

*Солди усрук кўзунгиз тавба—у тақвоға шиқаст.
Бўлди олам юзунгиз даврида хуршиднараст.*

Мисоли дигар Камол Хўжандий айтур:

*Ёри мо сари баланд аст, биғуем баланд.
Паст гуфтан сухан аз бийми рақибон то чанг²¹.*

Ва мунда равий "дол" дур. Ва "нун" қайддур. Ва мунга тақи баъзилар ҳуруф таъйин қилибтурларким, ул ўн ҳарфтур: бе, хе, ре, зе, син, шин, айн, фе, нун, ҳе, нетокким: *сабр ва абр, тахт ва бахт, дард ва мард, гузд ва музд, паст ва маст, гашт ва дашт, мафар ва нафар, гуфт ва суфт, банд ва қанд, маҳр ва жаҳр* бўлғай.

Фааммо, мунинг эътибори йўқтур. Ул сабабтин агар қофиянинг биноси арабий бўлса, ўзга ҳуруф ҳам келур, нетокким: *апр ва сапр, мажр ва нажр, тахт ва бахт, садр ва бадр, аср ва қаср, саъд ва раъд, ақд ва нақд, мушкил ва гил, қалб ва калб, намак ва самак, напл ва ҳамл, фирдавс ва қавс, Вайс ва Қайс.*

Бас, маълум бўлдиким, ҳуруф тайин қилмоқ ғалаттур.

Ва асаҳ удурким, ҳар ҳарфким, сахиҳдур, равийдин бурун келур. Сокину – л – қайдтур. Ва анинг қофиясин муқаййад ўқурлар. Ва қайд ҳаргиз мутаҳаррик келмас. Ридф ҳам равийдин бурун келур. Яъни "алиф" ва "вов" ва «ё» ва бу уч ҳарфтин ўзга ҳеч ҳарф ридф бўлмас, нетокким: *кор ва бор, хур ва нур, чин ва ойн* бўлғай. "Алиф"нинг мисоли:

*Эй сенингки, ол энгингдин гулга ҳар дам инфиол²².
Чун қаро зулфунг берур мушки Хўтанга гўшмол.*

<...> Даҳил ул ҳарфни айтурларким, равий бирла таъсиснинг аросинда келур. Вале анинг такрори лозим эрмас. Яъни бир байтта ўзга ҳарф келур. Ва яна бир байтта ўзга, нетокким: *тоҳир ва қосир* бўлғай. Мисоли бу:

*Эй бўлди сенинг шонинга ҳусн ояпти нозил,
Йўқтур парию ҳурда бу шақлу бу шамойил.*

Таъсис ул ҳарфни айтурларким, қофиянинг ҳарфининг аввалинда келур. Бу тўққуз ҳуруфнинг оғози андиндур. Ва бу "алиф"тин ўзга ҳарф бўлмас доим, нетокким: *олим ва ҳожим* бўлғай.

Мисоли бугур:

*Чун сенда бор, эй ҳур, чунин шақлу шамойил:
Валлоҳки, пари кўрса бўлур, жон била мойил.*

Фасл. Бу тўққуз ҳуруфнинг ижтимои бир қофияда кам воқеъ бўлур. Улким имконидаур, мисолин кўргузоли:

Равийи ялғуз: гул ва булбул.

Равий ва васл: гулаш ва булбулаш.

Равий ва васл ва хуруж: гулҳо ва булбулҳо.

Равий ва васл ва хуруж ва мазид: гулаташ ва булбулаташ.

Равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: гулҳояш ва булбулҳояш.

Қайд ва равий ва васл: гуфтам ва суфтам.

Қайд ва равий ва васл ва хуруж: гуфтамаш ва суфтамаш.

Қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид: гуфтастам ва суфтастам.

Қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: гуфтамашон ва суфтамашон.

Ридф ва равий: камол ва хаёл.

Ридф ва равий ва васл: камолаш ва хаёлаш.

Ридф ва равий ва васл ва хуруж: камолот ва хаёлот.

Ридф ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: камолатаст ва хаёлотаст.

Таъсис ва дахил ва равий: комил ва восил.

Таъсис ва дахил ва равий ва васл: комилаш ва восилаш.

Таъсис ва дахил ва равий ва васл ва хуруж: комилҳо ва восилҳо.

Таъсис ва дахил ва равий ва васл ва хуруж ва мазид: комилҳош ва восилҳош.

Таъсис ва дахил ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: комилҳост ва восилҳост.

Ридф ва қайд ва равий: сохт ва пардохт.

Ридф ва қайд ва равий ва васл: сохтам ва пардохтам.

Ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж: сохтим ва пардохтим.

Ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид: сохтамаш ва пардохтамаш.

Ридф ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва мазид ва ноира: сохтамашон ва пардохтамашон.

Таъсис ва дахил ва қайд ва равий: монанг ва хешованг.

Таъсис ва дахил ва қайд ва равий ва васл: монангаш, хешовангаш.

Таъсис ва даҳил ва қайд ва равий ва васл ва хуруж:
монандаст ва хешовандаст.

Таъсис ва даҳил ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва
мазид; *монандаст ва хешовандаст.*

Таъсис ва даҳил ва қайд ва равий ва васл ва хуруж ва
мазид ва ноира: *монандасташон ва хешовандасташон.*

Таъсис ва даҳил ва ридф ва равий: *ҳомун ва қонун.*

Таъсис ва даҳил ва ридф ва равий ва васл: *ҳомунаш ва
қонунаш.*

Таъсис ва даҳил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж:
ҳомунаст ва қонунаст.

Таъсис ва даҳил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж ва
мазид; *ҳомунҳош ва қонунҳош.*

Таъсис ва даҳил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж ва
мазид ва норе: *ҳомунҳост ва қонунҳост.*

Таъсис ва даҳил ва ридф ва равий ва васл ва хуруж ва
мазид ва ноира: *ҳомунҳо ва қонунҳо.*

Таъсис ва даҳил ва ридф ва қайд ва равий: *омухт ва
восухт.*

Таъсис ва даҳил ва ридф ва қайд ва равий ва васл:
омухтам ва восухтам.

Таъсис ва даҳил ва ридф ва қайд ва равий ва васл ва
хуруж: *омухтамаш ва восухтамаш.*

Ва буларнинг жамъи бирла жамъи қофияда бас
мушкилдур.

Агар воқеъ бўлса, бу тариқа бўлур. Ва лекин айбдин холи
бўлмас. Мисоли бу:

Гў онки, то ман ин ҳунар *омухтамаш*,
Дар ҳар дақиқа лаҳзае *восухтамаш*²³.

Фасл. Устодлар ва тўққуз ҳуруфдин бошқа равийдин ё
ридфдин ё таъсисдин бурун бир ҳарфни илтизом қилурлар.
Агарчи лозим эрмас ва ҳар қофияда такрор қилурлар. Ва
муни "лузуму мо ло йалзаму" ўқурлар, нетокким: *кабир ва
абир бўлгай.*

Мисоли бу турур:

*Сарв десам қаддини, сарв узра ким кўрди самар?
Қаддиға қуллуқ учун бағлоди белга най камар.*

*Зулф ичинда кўргали юзунгни юрур меҳр ила
Ҳар кеча то субҳ эшикинга асас янглиғ қамар.*

Ва бу рубоийда равий "ро"дур. Ва мунда "мим"ни илтизом қилибтур. Ва агар "мим"ни келтурмаса ҳам, гузар ва зарар ул қофия бирла рост келур.

Фасл. Ул ҳаракотиким, зикр қилдуқ, ул итлоқдур. Ул равийнинг ҳаракатидур, нетокким: *гулаш ва булбулаш*. Ва мунга ихтилоф жойиз эрмас, магар равийнинг мо баъди хуруфи иллатин бўлса, ул айбтур, нетокким, *сархушо ва маҳвашо*.

Ва равийнинг нафсининг ихтилофин *икфо* ўқурлар. Бу бағоят шанъдур, нетокким: *ихтисог* ва *эътимог*, *хос* ва *ос* бўлғай...

Фасл. Ҳар шеърим, анга ики қофия келтурсалар, они *зулқофиятайн* ўқурлар.

Мисоли бу тариқадур:

*Эй лаблари ақиқ, тиши дур, сўзи шакар.
Гар офтоб боқса юзунгга, кўзи қамар.*

Бир қофия сўзи ва кўзи лафзи, бир қофия қамар ва шакар.

Фасл. Бу тўққуз ҳарфким, зикр қилдуқ, андин бошқа қофиядин сўнгра келтирурларким, они *радиф* дерлар. Ва бу ажам шуаросининг маҳсусидир ва муни араб билмас. Ва анингтек бўлурким, бир ғазалда бошгин аёқ ҳар байтнинг охиринда қофиядин сўнгра бир калимани такрор қилурларким, барчаси сурат ва маънода мутаффиқ бўлғай.

Ва радиф агарчи шеърда лозим эрмас, вале андин шеърга оройиши тамом ҳосилдур. Ва араб қошинда ҳар шеърим, анда ридф ҳарфи бўлса, они *мурадгаф* ўқурлар. Ва ажам қошинда ҳар шеърдаким радиф бўлса, они *мурадгаф* дерлар. Мисоли бу тавр:

*Боди сабоки, зулфини гул уза тор–тор этар.
Сабру қарору тоқату ақли беқарор этар.*

Фасл. Агар ики қофия бирла радиф келтурсалар, они *зулқофиятайн мурадгаф* ўқурлар. Мисоли бу тариқа:

*Олса ниқоб юзи қамарни хижил қилур,
Тўкса жўллоб сўзи шакарни хижил қилур.*

...Бир тариқа шеър бўлурким, анда қофия бўлмас. Ҳар байтнинг охирида радиф – ўқ келтирурлар. Они ҳарора ўқурлар.

Мисоли бу тариқ бўлур:

*Эй сўзи қанду эрни мул, дасти манасту доманат,
Зулфи бинафша, юзи гул, дасти манасту доманат.*

*Зухраву Ойу, Муштарий, ҳуснунга, бўлди муштари,
Қайдаки бўлсанг, эй пари, дасти манасту доманат.*

*Қилмоғил асру кўп ситам хаста кўнгулга, қил карам,
Бўлса қиёмат, эй санам, дасти манасту доманат.*

*Мунчаки ўртадинг мени, эй кўзи шўхи кофарин,
Яъники қўйгамен сени дасти манасту доманат...*

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ
«РИСОЛАИ ҚОФИЯ»

Бисмиллаҳи—р—роҳмани—р—роҳим
(I)

Сўзни мавзун (ваззли) қилганларидан сўнг, фасоҳат анжуманининг қофиясини унга такаллум қилурлар, яъни Ҳазрат Воҳибу—л—атойоти жалла жалолуҳу¹га ҳамду санолар, ундан сўнгра расулимизга мадҳу санолар бўлганидек, токи балоғат чаманининг булбуллари унда тараннум айласунлар². Коинот сарвари Аллоҳга чексиз ҳамду санолар ва мақтовлар бўлсин... Қофия қоидаларига доир бу мухтасар рисола баъзи азизлар ва дўстлар таҳрири ва тақриридан ўтгайки, Ҳазрати борийнинг иноятдан умидвордирманки, ундан баҳраманда бўлувчиларга манзур бўлгай ва уларнинг назарига тушгай.

Қитъа:

Чу гул ба ханда дарояд лаби амал зи нишот,
Агар зи гулшани лутфаш вазад насими қабул.

(Мазмуни:

Лабнинг сурурига амал қилиб, гул хандага кирсун,
Агар гулшанда шамол унинг лутфини қабул қилса).

Муқаддима (II)

Билгилки, қофия Ажам шоирлари одатича, байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келишидир, шу шарт биланки, талаффузда мустақил бўлмасин, балки мисраънинг бир жузви бўлсин. Баъзилар жумланинг охирини қофия³ дерлар, баъзилар эса равий ҳарфини қофия деб атарлар.

Рағиф деб шундай калимани айтурларки, бу калима ҳамма байтлар охирида бир хил тарзда такрорланиб келсин.

Ва рағиф мавжуд бўлган шеърни мурдаф⁴ ўқирлар ва бу ажам шуаросига хос ҳолатдир.

Фасл (III)

Қофия ҳарфлари тўққизтадир.

Шеър:

Равиву рағифу дигар қайғу баъд аз он таъсис,
Дахилу васлу хуружу мазиду ноира дон

(Мазмуни:

*Равийу ридфу яна қайд сўнгра таъсис,
Дахилу васлу хуружу мазиду ноирадир бил).*

Равий⁵ қофия асл (ўзак)даги сўнги ҳарфдир, чунонки ушбу байтда "лом" равийдир:

*Дар азал нақши ту бар тахтаи гул дигайи гил,
Дигу пой дили бечора фурӯ рафт ба гил*

(Мазмуни:

*Азалдан сенинг сурадинг гулда ва юрагимдагур,
Оёқ остини кўриб бечора қалбим тупроққа кетди).*

Ридф⁶ деб "алиф", "вов" ва "йо"ни шу шарт билан айтурларки, равийдан аввал келсин, мутаҳаррик (ҳаракатли) ҳарфларсиз ва улардан олдин келувчи ҳаракатларсиз.

Ридфни ўз ичига олувчи ҳар қандай қофияни мурдаф ўқирлар⁷, бунда «ро» сукунли ва "дол" фатҳа билан ўқилур.

Ва агар равий ва ридфнинг ўртасида сокин ҳарф бўлса, уни ридфи муфрадли мурдаф деб атарлар, чунонки ушбу байтда келгани каби

Шеър:

*Эй аз гунафша сохта гулбаргро ниқоб,
В—аз шаб тапончаҳо зада бар рӯи офтоб*

(Мазмуни:

*Эй бинафшадан гулбарглари ниқоб қилувчи
Ва тунда офтобнинг юзига ўқлар отгувчи).*

Ва агар ундош ҳарф восита бўлса, бу ундошни ридфи зоид⁸ дерлар ва "алиф", "вов" ва "йо"нинг ридфи аслий ва у қофияни мураккаб ридфли мурдаф дерлар.

Шеър:

*Азбаски танам з—оташи ишқи ту гудохт,
Натвон танам аз шамъи саҳар бозшинохт.*

(Мазмуни:

*Жисмим сенинг ишқи оташингдан куйиб кул бўлди,
Нотавон жисмим саҳар шамидан яна ҳушига келди).*

Ва ридфи зоиг ҳарфи олтигадир, чунонки айтурлар:

Шеър:

*Ридфи зоиг шаш бувад, эй зүфунун,
"Ҳо"ву "ро"ву "син"у "шин"у "фо"ву "нун".*

(Мазмуни:

Ридфи зоиг олтигадир, эй соҳиби илм,

Булар: «ҳо», «ро», «син», «шин», «фо» ва «нун»дир).

Мисоллар: *сохт, сўхт ва рехт; корд ва мўрд; кост, пўст ва зист; дошт ва гўшт; йофт, кўфт ва фирефт; монд ва донд*⁹.

Билгилки, ридф форсий қофияда "вов" ва "йо" бўлса, икки навъдир: маъруф ва мажҳул.

Маъруф деб шуни айтурларки, "вов" ва "йо"дан кейин келган замма ва касра ишбоъ¹⁰ тамом қилур, *нур* ва *пир* сингари¹¹. *Мажҳул* улдирки, бунда ишбоъ тамом қилмайди, *шўр* ва *шер* сингари¹². Гўзал (қофия)дан кейин вожибдирки, маъруф ва мажҳулни бир шеърда жамъ қилмаслар, лекин Камол Исмоил жамъ қилибдир.

Рубоий:

Бо дил гўфтам, ту боре, эй дил неки,

К—аз ман дури, ба ёри ман наздики.

Дил гўфт, ки бо даҳону зулфаш умрест,

То месозам ба тангиву торики.

(Мазмуни:

Юракка айтдим, эй юрак, бир бора менга яхшилик қил,

Мендан йироқ бўлсанг, ёримга яқин бўл.

Юрак айтди: сенинг умринг ёринг даханию зулфи биландир,

Шундай экан, торлиқ ва қоронғиликни пайдо қилайин).

Ва баъзан бўлурки, мажҳулнинг "йо"сини араб калимасида *имола*¹³ қилган бўлсалар, жамъ қилурлар, чунонки Анварий айтур:

То моҳи руют аз ман рух дар ҳижоб дорад,

Не гуда хоб дорад, не дил шикоб дорад

(Мазмуни:

*Юзингнинг ойи мендан ўзини яширганга,
На кўзга уйқу келади ва на юрак тоқат қилади).*

*Қайд деб шундай сокин ҳарфни айтуларки, равийдан
аввал келсин, ушбу байтдаги "нун"¹⁴ каби:*

*Чу Зухра вақти сабўҳ аз уфқуқ бисозаг чанг,
Замона тез кунаг нолаи маро оҳанг*

(Мазмуни:

*Зухра тонг вақтида уфқда чанг чалганга
Ҳаёт менинг нолаларимни тезда қуйга солсин).*

Ва қайд ҳарфи форсий тилда ўнтадир, чунонки айтулар:

Шеър:

*Гар ҳуруфи қайдро гуранг ёғ
Нест гар лафзи Ажам аз даҳ зиёғ.*

*"бо" у "хо" у "ро" ву "зо" ву "син" у "шин",
"Ғайн" у "фо" ву "нун" у "ҳо" бошад яқин¹⁵.*

(Мазмуни:

*Қайднинг ҳарфларини ёдга олсалар,
Ажам тилида ўнтадан ошмайди.*

*Булар шубҳасиз «бо», «хо», «ро», «зо», «син», «шин»,
«Ғайн», «фо», «нун», «ҳо» ҳарфларидир).*

*Мисоллар: абр ва сабр, тахт ва бахт, марғ ва дарғ, базм
ва назм, маст ва даст, гашт ва дашт, мағз ва нағз, суфт
ва гуфт, панд ва банд, чеҳр ва меҳр¹⁶.*

*Ва агар қофиянинг биносини арабча қурсалар, қайднинг
риояти жамъи ҳарфлар асосида бўлади, чунонки: ваъд ва
раъд, бикр ва фикр, жайб ва ғайб ҳамда уларнинг мисоллари
каби.*

*Таъсис деб шундай "алиф"ни айтуларки, у ва равийнинг
ўртасида бир мутаҳаррик ҳарф восита бўлсин¹⁷.*

Абдураҳмон Жомий

Муассаса қофия улдурки, барча байтларда "алиф"га риоя қилурлар, чунонки Камол Исфаҳоний ҳасидасининг матлаъсида шундай қилган:

Шеър:

Эй он ки лоф мезанй аз дил, ки ошиқ аст,
Тўбй лак, ар забони ту бо дил мувофиқ аст

(Мазмуни:

Юрагинг ҳақида у ошиқдир деб лоф урасан,
Беҳуда сўзларнинг кони, тилинг юрагингга мувофиқдир).

Ва ажам шуароси араб шуаросига хилоф равишда таъсисни нафақат зарур, балки таҳсинга сазовор ҳисоблайдилар.

Дахил¹⁸ деб шундай мутаҳаррик ҳарфни айтурларки, таъсис ва равийнинг орасида воқеъ бўлур, юқоридаги байтда "шин" ва "фо" сингари.

Васл¹⁹ деб равийдан кейин келувчи ҳарфни айтурлар, ушбу байтдаги "мим" ҳарфи сингари:

Шеър:

Ман ба бўи ту ҳавохоҳи насими саҳарам,
К-ў зи бўи ту хабар дораду ман беҳабарам.

(Мазмуни:

Мен менинг тароватинг учун тонг шамоли-ла дўст
тутинаман,

Чунки сенинг тароватингдан у хабардору мен эса
беҳабарман).

Хуруж²⁰ деб васлдан кейин келувчи ҳарфни айтурлар, қуйидаги байтда "мим" ҳарфи хуруж ҳисобланади.

Шеър:

Мо ҳечкасони кўи ёрем,
Мо сўхтағони хомкорем.

(Мазмуни:

Биз ёр кўйида ҳеч ким эмасмиз,
Биз мусибатга гирифтор ногонлармиз).

Мазиг²¹ деб хуружга пайванд ҳарфни айтурлар, ушбу байтдаги "шин" ҳарфи каби.

Шеър:

Ало айнайҳи айнуллаҳ, чи чашмони сиёҳасташ,
Чи миҷғони синоносо, чи мардафган нигоҳасташ.

Ноира²² бир ёки ундан кўпроқ ҳарфдирким, мазиддан кейин келур, ушбу байтдаги "мим" ёки "шин" сингари:

Он маҳ, ки ба чашми меҳр гудастемаш,
Аз жумлаи некувон гузидастемаш.

(Мазмуни:

Ул ойки, мен унинг кўзларида қуёш кўряпман
Шунинг учун барча яхши нарсалардан воз кечаман).

Фасл (IV)

Ҷофия ҳаракатлари²³ олтигадир, чунонки айтурлар.

Шеър:

Рассу²⁴ ишбоъу²⁵ ҳазву²⁶ тавжеҳ²⁷ аст,
Боз мажрову²⁸ баъд аз ўст нафоз²⁹.

(Мазмуни:

Расс, ишбоъ, ҳазв ва тавжеҳ,
Яна мажрову сўнг эрур нафоз).

Расс таъсисдан аввал келувчи ҳаракатдур. Ва, шубҳасиз, бу фатҳадан бошқа ҳарф эмасдир.

Ишбоъ деб дахилнинг ҳаракатини айтурлар ва у кўпроқ касрадир, биз бу ҳақда юқорида ҳам айтиб ўтдик. Ва фатҳа қуйида келур, чунонки Заҳир ушбу байтида келтиргани каби:

Бигзашт моҳи рўза ба хайру мубораке,
Пур кун қадаҳ зи бодаи гулбарги роваке.

(Мазмуни:

Рўза ойи хайру муборак билан ўтди,
Энди гулбаргдек пок бодадан қадаҳни тўлди).

Ва замма қуйида келур, ушбу байтдаги каби:

*Эй кушта маро наргиси шўхат бо тағофул,
Зулфи ту гирифтаст зи сар расми татовул.*

(Мазмуни:

*Сенинг шўх наргисларинг бепарволиги билан мени ўлдирар,
Зулфинг менинг бошимга тажовуз этмакни одат
қилибдир)*

Ҳазв деб рифда ва қайддан аввал келувчи ҳаракатни айтурлар, қор ва бор ва тахт ва бахтдаги фатҳа сингари. Камол Исфаҳоний айтур:

*Гар сўзи дилам як нафас оҳиста шавад,
Аз дууди дилам роҳи нафас баста шавад.
Дар дуда аз он об ҳамегардонам,
То ҳар чи на нақши туст, аз он шуста шавад.*

(Мазмуни:

*Юрагимнинг ёниши бир нафас тинса,
Унинг дуудиган нафасим йўли беркилсин.
Қўзларимни унинг суви билан алмаштираму лекин
Сенинг суратинг бўлмаса, унда ювилиб кетсин).*

Тавжиҳ сокин равийдан аввал келувчи ҳаракатдир ва мухталиф келмас, агарки равий мутаҳаррик бўлса васл ҳарфига, чунонки Анварийнинг ушбу қасидаси матлаъси:

*Эй мусулмонон, фиғон аз жаври чархи чанбари,
В—аз нифоқи Тиру қасди Моҳу сайри Муштари*

(Мазмуни:

*Эй мусулмонлар, бу чамбарак чархнинг жавридан,
Ва Турнинг макридан, Ойнинг қасдиган, Муштарий
сайридан фиғондир).*

Мажро деб равийнинг ҳаракатини айтурлар ва унинг аслининг ихтилофи жоиз эмас.

Нафоз васлнинг ҳаракатидир, хуружни унга пайванд қилурлар, ушбу байтдаги "йо" ҳаракати сингари:

То чанг ба санглохи ғам афкани^йам,
В—аз санги ситам шишаи дил бишкани^йам

(Мазмуни:

Қачонгача бу тошлоқда ғам чекаман,
Ва бу тош ситамидан шиша қалбимни синдираман).

Ва форсий шеърда васл ҳарфи мутаҳаррик бўлмоғи жоиз эмас, чунончи ушбу байтдагидек:

Мо ошиқи рӯи некӯвонем,
Девонаи шакли ҳар жавонем

(Мазмуни:

Биз яхшилар дийдорининг ошиқларимиз,
Ва ҳар эзгулик шамойилиннинг девонасимиз).

Ва хуруж ва мазиднинг ҳаракатини нафоз дерлар, қуйидаги байтдаги "мим" ва "шин" ҳаракатлари сингари:

То кай ба хуни дидаву дил парварема^шон,
Аз раҳ бурун раванду ба роҳ оварема^шон.

(Мазмуни:

Қачонгача дил қонини кўриб тўламан,
Йўлдан ташқари чиқаману йўлга кираман).

Фасл (V)

Ушбу санъатнинг арбоблари ҳар қандай қофияни тақтиъ эътибори билан агар унинг сўнггида икки сокин ҳарф кетма – кет келса, мутародиф³⁰ ўқурлар.

Ва агар қофиянинг охирида бир сокин ҳарф бўлса ва сокиндан аввал бир мутаҳаррик ҳарф келса, ундай қофияни мутавотир³¹ деб атарлар. Ва агар икки мутаҳаррик ҳарф келса, уни мутадорик³² ўқурлар. Агар уч мутаҳаррик келса, уни мутарокиб³³ ва агар тўрт мутаҳаррик келса, ундай қофияни мутаковис³⁴ ўқурлар. Ва мутаковис қофия ажам ашъорида учрамас ва юқоридаги барча истилоҳлар ушбу байтда жамъ бўлбтур:

Мутародиф, мутавотир, мутадорик мехон,
Мутарокиб, мутаковис лақаби қофия дон

(Мазмуни:

*Шуни билгилки, мутародиф, мутавотир, мутагорик,
Мутарокиб, мутаковислар қофиянинг атамаларидир).*

Фасл (VI)

Агар равий ҳарфи сокин бўлса ва васл ҳарфи унга пайваста бўлмаса, уни муқаййад ўқурлар³⁵.

Ва агар васл ҳарфи унга пайваста бўлса, уни мутлақ ўқурлар³⁶. Ва муқаййад равийким, қофия таркибида ундан бошқа ҳарф бўлмаса, уни мужаррадли муқаййад дерлар³⁷, *сарвар* ва *дилбар* каби. Агар бошқа ҳарф мавжуд бўлса, ушбу ҳарфга қараб *ридфли* ёки *қайдгли муқаййад* деб атарлар.

Ва мутлақ равийким, агар қофия ҳарфларидан васл ҳарфи мавжуд бўлса, *сарварий* ва *дилбарий* сингари уни мутлақ мужаррад дерлар ва агар қофия ҳарфларидан бирор ҳарф мавжуд бўлса, ушбу ҳарфга қараб *қайдгли, ридфли, хуружли, мазидгли* ва *ноирали мутлақ* деб атарлар.

Фасл (VII)

Қофия айблари тўрттадир: *икво*³⁸, *икфо*³⁹, *синод*⁴⁰, *ийто*⁴¹.

Икво деб ҳазв ва тавжиҳнинг ихтилоф (қарама—қарши, зид)ин айтурлар, чунонки *гур* ва *гавр*, *жаст* ва *жуст*, *пур* ва *барни* бир шеърда жамъ қилурлар.

Икфо деб равий ҳарфининг ўзгартирилиши айтилу, бунда талаффузда яқинлик кузатилади, *эхтиёт* ва *эйтимог* каби. Ва шу каби араб ва ажам ҳарфларини жамъ қилмоқ ҳам чунончи *раг* ва *сағни шак* ва *ҳакка*, *чапни тарабга* ва *кажни газга* ва *почани хожага* қофиядош қилиш ҳам шу жумладандир. Ва бу бағоят номаъқул ишдур.

Синод деб ридфнинг ихтилофин айтилу, чунончи *замин* ва *замон* сўзларини қофиядош қилишдир. Ва араб шуароси ридфнинг ихтилофини "вов" ва "йо"га жоиз деб билурлар, хусусан, *амўд* ва *амидни* шеърда келтирадирлар ва бу ҳолат уларнинг шеърларида кўп учрайди.

Ийто икки навъли қофияни ифода қилмоқдир: *жалий* ва *хафий*. *Жалий* улдурким, унинг такрори очиқдир, чунончи *некўтар* ва *зеботар* ва *фусунгар* ва *ситамгар*. Ва *гуфтан* ва *шинидандаги* "нун"и масдар ҳамда ёрон ва *дўстондаги* "алиф" ва "нун" ҳамда *сифот* ва *коинотдаги* "то" ҳам

шундайдир. Ва лолаҳо ва гунчаҳодаги "алиф" ва "ҳо", хандон, гирён ва гаргондаги "алиф" ва "нун", дасте ва мардедаги "йо"и танкир⁴², диҳад ва бараддаги "дол"и истиқбол⁴³ ҳам шу жумладандир. Ва "нун"и тахсис⁴⁴ байтларда, асосан, бир маънода такрорланиб келур, бир ҳарф ёки ундан ортиқ бўлса ҳам ийтойи жалийга⁴⁵ мансуб бўлади.

Жоиэ эрмаски, қофиянинг асосини унга курсалар ва агар зарурат туғилса, қасидада икки ва ундан ортиқ келмас, бундай қофияни шойгон⁴⁶ деб атарлар.

Ийтои хафий⁴⁷ ушбу байтдаги об ва гулоб сўзларидаги кабидир:

*Эй гули рухсори ту бурда зи рӯи гул об,
Сўҳбати гулзорҳо карда ба бўят гулоб*

(Мазмуни:

*Эй гул юз, гулоб сенинг юзинг томчисигир,
Гулзорда гулоб сенинг тароватингдан суҳбат курди).*

ХОТИМА (VIII)

Қофия икки қисмдан иборатдур: маъмул (амадаги, жорий) ва ғайри маъмул. Ғайри маъмул улдурки, агар усиз унга тасарруф қилсалар (эғалик қилсалар), қофия пайдо бўлур. Ва маъмул улдурки, унинг воситасида қофия пайдо бўлур. Бу тасарруф гоҳида икки сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлур, чунонки "аст" сўзи "пайдо" сўзи билан бирикиб (бунда "пайдост" сўзи ҳосил бўлади), "хост" ва "рост" сўзларига қофиядош бўлур, жумладан:

*Дар оинаи рӯи ту, гар гўям рост,
Анвори тажалли илоҳи пайдост.*

(Мазмуни:

*Агар ростин айтсам, сенинг юзинг ойнасида
Илоҳий тажаллининг нурлари пайдо бўлур)*

Камол Исмоил қасидасида "корд" сўзи қофия тарзида қўлланилганки, матлаъси ушбудир:

*Бартофтаст бахти маро рўзгор даст,
З—онам намерасад ба сари зулфи ёр даст*

(Мазмуни:

*Менинг бахтимга рўзгор чанг (қўл) солади
Усиз ҳам ёрнинг зулфига қўлим етмайди).*

Қуйидаги байтда "корд" сўзидаги "дол"ни радиф (аст)га қўшиб ўқиш орқали қофия ҳосил қилинган:

*Хасми шутур дилатро қурбон кунад ҳаме,
З—он рўи саъди зобеҳ оҳихта корд аст*

(Мазмуни:

Туянинг душмани сенинг юрагингни бутунлай қурбон қилсин,

Бу юз гўзаллиги бахтидан қурбонлик учун пичоқ қинидан чиқади).

АБДУРАҲМОН САЪДИЙ
«АМАЛИЙ ҲАМ НАЗАРИЙ АДАБИЁТ
ДАРСЛАРИ»дан

БИТИМ (ҚОФИЯ)

Тизмаларнинг муҳим бир шарт битимдир. Мисраларнинг сўнглирида бир турли ёки бир – бирига яқин бўлган овозли ҳижоларнинг келтирилиши битим бўлади.

Мисол:

Ҳар кимда бир шодлик, ҳар кимда бир руҳ...
Ҳар ким кулиб қарар эмиш дунёга:
Ҳатто чол боболар айталармиш: Уҳ...
Чиқиб юрсак эди ёзга, ҳавога!

Мана мунда биринчи мисра билан учинчи мисра руҳ, уҳ, иккинчи мисра билан тўртинчи мисра дунёга, ҳавога битимдош қилингандир. Ҳар бир байтнинг (ҳар икки мисранинг) битимлари ўзига бошқа бўлуб бориши ҳам мумкиндирки, мунга «икилик» (маснавий) деб айтилади. Элбекнинг «Аргумони»да мунга мисоллар бор. Енгил бўлганлиги учун масал ва дostonларда шу йўл тутилади. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»си ҳам Навоий дostonлари ҳам шундоғдир.

Тизмаларда бир шеърда то охиригача бир турли битим билан бориш ҳам бордир. Ҳазаллар, яъни муҳаббат ва ҳасрат шеърлари каби. Баъзан мисраларнинг кетида ҳамон илгариги мисраларнинг сўнгдаги сўзларнинг ўзи такрор этила борадир. Лекин бу чоғда асл битимлар шу такрорланган сўзларнинг юқори ёғидаги қўшни сўзларда бўлади. Шунга «Чўлпон»нинг «К...»га битган ғазали мисол бўла олади. Тизмаларда мисралар яна мана шундоғ битимланадилар. Тўртлик, яъни тўрт мисралик (рубойи) тизмаларда илгариги уч мисра бир турли битимланган бўлса, шуларга қўшила боратурган тўртинчи мисралар ўзларига махсус битим оладилар. Яссавийнинг тизмаси кўбрак шундайдир. Элбекнинг «Икинчи»си мунга мисол бўла олади.

Вазн ва оҳанг истар тизмада ва истар сочмада бўлсин, умуман, услубда оҳанг масаласи энг аҳамиятли бир масъаладир. Тизмада эса мунинг аҳамияти тағи(н)да ортиқдир. Оҳанг вазнининг туб хусусиятидандир, у вазнга лозим бўлган бир нарсадир. Вазн сўзларнинг маълум бир ўлчовга солинишлари бўлса, оҳанг ўлчовли сўзларнинг ўз ораларида қулоққа завқ ва лаззат берарлик бир равишда сайланиб тўпланишлари ва мусиқийлик туғдиришларидан иборатдир.

Бир турли овозларнинг бир сўзда ёки жумлада қатордан бирга йиғилиб келиши шу сўз ва жумлаларнинг оҳангини бузадир. *Шошиш, шошилиш, кулишиш, сўзлашиш, чолишиш, шодлиқлик, тўғрилиқлик* сўзлари каби.

Оҳангсиз услубга тизмадан мисоллар:

*Агарчи йўқдур «гур»лик талоши,
Эрур тош бўлса ҳам чакмоқ тоши.
Дема чакмоқ тоши кўҳи андуҳ
Фаму андуҳ онда кўҳ то кўҳ*

(Навоий)

*Бўғриқ, қисиқ, асабий бир кўнғил.
Йиқитқучи, ағдарғучи қўзғалиш,
Яқиндағи зўр курашнинг бошидир*

(Чўлпон).

*Куз қўшини оғу тўлиқ ўқларни
Муни билгач, улар буну тушундилар.
Алданишга нега кўндилар?*

(Элбек).

Уруш, талаш, тортиш, шилиш бир иш

(Чўлпон).

Мунга сочма услубдан мисоллар:

*Чолнинг аччиғ чучугин хўб танитқон. Одамларнинг
шақиллашиб сўзлашлари, хохлаб қулишишлари саройни
кўкка кўтарди. Чин савдогар сиз эмишсиз. Мажлис Зиё
шоҳичиникида...* (Жулқунбой)

Битимларга оҳанг. Тизмада вазннинг оҳанги битимлардадир. Битимсиз вазн оҳангсиз бир вазндир. Битимларда оҳанг деганимиз бунларда оҳангларнинг бир—бирига яқинлигида, яъни ул сўзларни айтганда овоз огизларининг ҳаракат вазни бирдан ўзгариб, бошқаланиб кетмаслигидадир. Масалан, Фулом Зафарийнинг «Ваннойчажон» асарида «янгратар» билан «интилар» сўзларининг битимдош қилинишлари оҳангни бузадир.

Оҳанглик битимларга очиқ мисол Чўлпоннинг «Бокуга Шарқ қурултойига кетганда» деган шеърдир. Бир тизмада вазн дуруст, тўлиқ бўлса ҳам битимлардаги оҳангсизлик у тизманинг кўб газаллигин йўқотишга сабаб бўладир. Масалан, Элбекнинг «Тилак йўлида» деган шеъри мавҳум ва тасвир эътибори билан гўзал бир шеър яхши бир киноя бўлгани ҳолда битимларнинг оҳангсизлиги бу шеърнинг камчилиги яшағандир.

АБДУРАУФ ФИТРАТ
«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

ҚОФИЯ

Мисраъларнинг охирида товушлари бир хил турли бўлган сўз бўғумларига қофия дейиладир.

Ботунинг:

Адам адамдир, саждалар ортиқ,
Адам сўзлари адамга тортиқ.
Бордан тугар куч бунга бор шоҳид,
Уйларинг тубсиз, самарсиз зоҳид

деган шеърда тортиқ билан ортиқ сўзлари қофия бўлгани каби шоҳид билан зоҳид сўзлари ҳам қофиядир. Бурунги шеърларимизда қофиянинг жуда катта ўрни бор эди. Ҳатто, вазн, қофияси бўлмаган асар шеър саналмас эди.

Тизма асарларнинг шаклларига кўра қофиянинг белгули тартиби бор эди. Масалан, асар "маснавий" (икилик) эса ҳар ики мисраънинг ўзига махсус қофияси бўлади: ғазал эса, қофиянинг биринчи ики мисраъи билан ондан кейинги ҳар бир байт охирида бўлиши кўрилади.

Маснавийдан мисол:

Тошкент эшиги очилгунча,
Ондаги мастлар ойилгунча.

Сизни бу банд ила асрарбиз,
Айламанг хавф бу ишлардан сиз.

Қалъани холи этуб чиқсунлар,
Буржу боруларини йиқсунлар.

(«Шайбонийнома»дан)

Ғазалдан мисол:

Ғунчадек кўнглам менинг гулзор майли қилмағай,
Ғам билан буткан кўнғил гулгашт ила очилмағай.

Ранг—ранга гуллариғни, боғбон, арз этмағил,
Тах—батах қонлиқ кўнгул гул орзусин қилмағай.

Йўқтур уаким гул юзингдин айру боқсам гул сари,
Ғунча янглиғ кўнглима юз хори ғам санчилмағай.

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобир бир замон айрилмағай¹.

Баъзи газалларда ҳар мисраъдан кейин биргина сўз қайтарилиб турур. У сўзга *радиф* дейиладир. Бобирнинг:

Жонима ўт солди ул рухсорайи зебо яна,
Кўнглума ул зулф бўлди мойи савдо яна

деган байтида, *зебо*, *савдо* сўзлари(дан кейинги сўз *яна*) *радифдир*². Эл адабиётимизда қофия бошқачароқ бир йўсундадир: Ё маснавий йўсунла, ҳар икки мисраъда бир қофия келтирилган санарликларга бўлиниб, ҳар тўртликнинг 1—, 2—, 4— мисраъларда бир қофия қилиб, учинчи мисраъга айрича қофия қилиб, учини мисраъга айрича қофия берилган ё тўртликнинг 1—, 2— мисраъга бир қофия, 3—, 4— мисраъларида бир қофия берилган. Эл ашула ҳам дostonларида кўрганимиз каби. Ҳамда шу йўсинларнинг ҳар бири, албатта, лозим деб топилмаган. Кўб жойларда бу йўсунлар бир—бирига аралаштирилган.

Баъзи мисраълар қофиясиз ҳам бўлиб ўтган. Бизнинг бу кунги янги адабиётимиз ҳам қофия тўғрисида эл адабиёти йўли билан бормоқдадир.

БАДИЙ ТИЛ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ

Тил инсониятнинг махлуқотдан устун қиладиган бирламчи унсур экан, бадий нутқ ва услуб масалалари ҳам адабиётнинг борлигини таъминлайдиган, унга миллий ва умумиясоний моҳият бағишлайдиган адабий унсурлардан саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда бадий адабиётнинг бирламчи унсур тилдир, деган ҳолда мумтоз адабиётшунослиқда ҳам, XX аср адабиёт илми ва ҳозирги адабиётшунослиқда ҳам ўз қимматини йўқотмаган таълимот саналади. Араб адабиётшунослигида *луғат, сарф, наҳв, калом* илми, *иншо санъати* ва *баён қоидалари* ҳам бадий адабиётнинг тил жиҳатини ўрганувчи илмлар сирасига киради. Юқорида кўргангиздек, агар назм аруз билан ўлчанса, настринг ўлчови наҳв (синтаксис) деган ҳолда шарҳдаги адаб (филология) илмининг устувор қонуниятларидан саналади. Шунинг учун ҳам бадий тил, услуб ва унинг ёзувдаги ифодаси бўлган иншо масалалари қадимги араб олимларининг илмий тадқиқотлари йўналишини белгиллаган.

Бадий асар табиати, бадий нутқ хусусияти каби масалаларга умумий тарзда биринчилардан бўлиб эътибор қаратган олимлардан бири Бишр ибн Муътамирдир. Хорун ар-Рашиднинг замондоши бўлган Бишр ибн Муътамир муътазила («кетил, узоқлашил» сўздан олинган) оқимининг вакили бўлган. Бу қараш тарафдорлари Восил ибн Аътанинг «*Фи-т-тавҳид ва-л-адал*» («Аллоҳнинг бирлиги ва адолат») китоби орқали ҳам тарқалган. Басралик Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Саййар ан-Низом (ваф. 845) томонидан давом эттирилган. Бишр ал-Муътамир (ваф. 840) эса уни кенгайтирганлар сафида эъзоланади¹. И.Ю.Крачковскийнинг «Бадий ижод ҳақида VII асрга доир муътазила руҳидаги рисола» мақоласида ёзишича, бу асарнинг асил қўлёзма нусхаси сақланиб қолмаган бўлса-да, IX ва XI асрларда яшаб ижод қилган тўрт машҳур муаллиф Жоҳизнинг «*Китобу-с-синоатайн*» («Икки санъат китоби»), Ибн Рашиднинг «*Ал-Умда*» («Асослар») ва Зубайр ибн Баккорнинг «*Самийат*» («Тингловчилар») асарларида

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳ. Болтабоев. Аввал Қуръони карим, суннатда тасаввуф. / Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 11–22.

Бишр ибн Муътамирнинг бадий ижод назариясига оид асарининг матни тўлиқ ҳолда келтирилган². Булардан ташқари атоқли араб адиби, Мустофо Манфалутийнинг «Мухтороту-л-Манфалутий» («Сайланма асарлари тўплами») да Ибн Муътамир асари «Синоату-л-иншоъ» деб номланган. Асарда ёзилишича, юксак фикрлаш ва тафаккур даражасининг ўзи ҳали адблик мавқеъини белгиламайди. Бишрнинг фикрича, «ким ноёб фикрни топса, унга муносиб нафис, шароватли сўзларни топсин, чунки юксак фикрга юксак сўзлар, иборалар муносибдир, агар шу иккиси сенга насиб этса, улар сакталлик ва раволик бузилса, сен аввал топган обрў, шуҳратингдан ҳам айриласан, кўнглингга бу юксак фикр ва нафис иборалар тугилмасдан аввалги ҳолингдан ҳам пастлашиб кетасан.

Доимо мазкур уч даража манзилдан бирيدا бўлгин: аввало, лафзинг — сўзларинг равон, шарафли, маънолари зоҳиран макшувф (кашф этилган), маъруф (маърифатга асосланган), аммо хослар ва омма учун ҳам яқин, тушунарли бўлсин. (Бадий) фикр хосларга аталгани учунгина юксак ёки оммага аталгани учунгина тубан бўлиб қолмайди. Фикр эзгулиги унинг ҳаққонийлигига ва ҳар қандай ҳолатларда, ҳар қандай жойларда муносиб, хосларга ҳам, оммага ҳам савобли, манфаатли маънолар жарангидадир. Бу талаб оммабоп сўзларга ҳам, фақат хослар учун аталган сўзларга ҳам бирдай тааллуқдир. Агар тилинг равон, қаламинг ўткир, баённинг етук, лафзинг лутфли, иқтидоринг тугал, фаҳм—фаросатинг нозик бўлса, хослар учун ёзганинг оммага ҳам тушунарли бўлса ва омма учун ёзганинг хослар учун гализ, кўпол кўринмаса, бунинг учун сўз ва ибораларда мўътадил, ўрта йўлни топа олсанг, шом маънода истеъдог соҳибидирсан»³. Бу талаблар ҳар бир ижодкорга тааллуқли бўлиб, у хоҳ назмда бўлсин, хоҳ насрда бўлсин адабий тил нормаларига риоя қиладиган, бадий асарнинг руҳига уйғун равишда ифода ва баён тарзига эга бўлиши лозимлигини аңлатади.

Араб олимлари бадий нутқ масаласига худди бадий матннинг ўзига бўлгани каби ҳолис ва жиддий қараганлар. Буюк замондошимиз Юсуф Саккокийнинг ёзишича, араб алломалари бадий нутқ масаласини ал—улуму—л—хамса, жъни сарф, наҳв, маъно, баён ва бадиъ билан боғлиқликда

² Крачковский И. Ю. Му'тазилитский трактат VIII в. о литературном творчестве / Избранные сочинения. Т. 2. — М.-Л.: 1956. — С. 221-222.

³ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. — С. 224.

ўрганганлар⁴. Араб олимларининг шеърга берган таърифларида (калому—л—мавзуну—л—муқоффа — вазн ва ҳофияли сўз) ҳам дастлаб калом (фикр ва унинг нутқдаги ифодаси) ҳақидаги қарашлар акс этган. Шеър тушунчаси ҳам дастлаб, билим маъносида ишлатилган, кейинроқ эса фикрнинг назимий ифода турларидан бири деб қаралган. Араб поэтикасига оид қарашлар нисбатан тизимли суратда Жоҳиз, Ибн Муътаз ва Қудама ибн Жаъфар таълимотида акс этган экан⁵, бадий нутқ ва унинг поэтик вазифасига доир дастлабки илмий фикрлар ҳам шу алломаларнинг илмий ижодига тегишлидир. Жоҳизнинг «Китабу—л—баъи» ва «Китабу—л—ҳайвон» («Жонзодлар китоби») асарларида турли тарихий, жуғрофий, тиббиёт масалалари орасида нутқ маданияти, нотиклик санъати ва бадий асардаги муаллиф нутқи кабиларга доир фикрлар ҳам кенг баён этилган.

Ўрта асрлар араб шеърини ва насри поэтикасида илми бадеъ доирасида нафақат бадий санъатлар ўрганилган, балки илми бадеъ — поэтиканинг назарий жиҳатларини кенг ва чуқур ўрганувчи фан сифатида кўзга ташланади. Ибн Муътаз поэтикасида бадий санъатлар ўз—ўзидан берилмайди. Нутқнинг гўзал ва таъсирли бўлишини таъминловчи омиллар сифатида бадий санъатларга мурожаат қилинади ва уларнинг матн таркибидаги ўрни ва хислати аниқланади.

Қудама ибн Жаъфар бу жиҳатдан ўз замондошларидан анча илгари келиб, бадий нутқнинг икки шакли наср (сочилган) ва назм (тизимга солинган)ни моҳият эътибори билан фикрнинг ифода шакли сифатида ўзаро фарқлаган ҳолда ўз таълимотини мана шу икки йўналиш талқинига қаратади. Аллома икки муҳим асар («Наҳду—ш—шеър» ва «Наҳду—н—наسر») яратиб, уларнинг ҳар бирида бу ифода шакллариининг нафақат моҳиятини аниқлатади, балки наср ва назм йўсинида яратилган асарларни таҳлил қилиш учун муайян мезон ва меъёрларни белгилашга ҳаракат қилди. «Наҳду—н—наسر»да айтилишича, мантиқий фикрлашнинг уч йўли бор: қиёс, хабар ва фараз. Қиёс ўз навбатида уч хил йўл билан ташбиҳ, васф ва исм воситасида қиёсланади ва уни тўққиз хил аниқловчи воситасида баён қилиш мумкин:

⁴ Китоб Мифтоҳу—л—улум Юсуф ибни Али ас—Саккокий. Табъу—н—наسر. ЎзРФАШИ Қўлёзмалар фонди, № 9161.

⁵ Крачковский И. Ю. Поэзия по определению арабских критиков / Избранные сочинения. — С. 52-62.

ҳол, миқдор, макон, замон, изофа, яқинлик, нисбат, ҳаракатлантирувчи ва ҳаракатланувчи. Хабар ҳам ўз навбатида икки тил – яқин (ишончли) ва тасдиқли. Яқин (ишончли) хабарнинг уч тури – асосли (Қуръони карим асосида), Расулуллоҳнинг айтганлари ва хослар учун етказилган хабар. Бу ўринда хабар ҳадис маъносига яқин келади. Иккинчи хабар эса, воқеан тасдиқланган хабардан иборатдир. «Агар (мантқий фикр – Ҳ.Б.) қиёс билан ҳам, хабар (ҳадис) билан ҳам бўлмаса, ибратли фикрлашнинг учинчи йўли фараз қилишдир»⁶.

Ибратли фикрлаш, юқорида айтилганидек, шеърӣ ва насрий йўл билан баён қилинади, шеър зоҳирӣ жиҳатдан тўрт қисмга бўлинади: қасида, ражаз, масаммаъ, миздивож (ҳамжинс байтлар). Шоирлар амал қиладиган бу қоидалар қаторида олими мазмун жиҳатидан шеърнинг тўрт турини тавсия қилади: мадҳия, ҳажвия, ҳикмат ва ҳазил. Барча шеърлар мазмунан шу тўрт хилга яқин келганликлари учун мадҳия қаторига ифтихор, шукрона ва лutfни, ҳикмат сифатига эга бўлган мавиъза (насиҳат) ҳамда ҳазил қаторида мутойиба ва май васфони ҳам келтириб ўтади. Олимининг фикрича, шоир маҳорат ҳосил қилиш учун саккиз талабга бўйсунishi ва нутқ сўзланаётган вазиятни (бадий тасар хусусиятини) ҳамда унинг ҳолатга мувофиқлигини (яъни тингловчи ва китобхонларга тушунарли бўлиши) ҳисобга олиши керак.

Ибратли фикрлашнинг иккинчи йўли – наср санъати бўлиб, у тўрт навъдан иборат: нушқ, расоил (мақтублар), мақсад қаратилган мавзудаги асарлар (вужуҳи мавзуъ) ва ҳикоят–ривоятлар. Носир бу тўрт навъни ўзлаштириши билан бирга уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган хос хусусиятларни ҳам билиши, бу соҳада дуч келиши мумкин бўлган айрим камчиликлардан (улар асарда номма–ном келтирилади) ўзини тийиши ҳам керак бўлади. Шу билан бирга нотиқликда баҳс–мунозара одобига ҳам риоя қилиши, мақтов ва танқид маданиятидан ҳам хабардор бўлиши керак. Бу нутқ жараёнида ихтилоф ва зиддиятлар ҳам келиб чиқиши мумкинки, муаллиф улардан сақланиш йўлларини ҳам эслашиши лозим кўради. Шу каби Қудамма ибн Жаъфар бадий нутқда учрайдиган барча сифатларни ва айбларни кенг тушунтиради ҳамда уларни таҳлил қилиб беради. Шуниси эътиборлики, таҳлил ва талқин жараёни қуруқ

⁶ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. – С. 373.

кечмаган. Муаллиф ўзига замондош ва ўтмишда ўтган машҳур араб адибларининг асарларидан мисоллар келтириш орқали ўз назарий қарашларининг доимо амалиётга мос келишини таъминлаб борган.

Араб тилида яратилган бадий нутқ ва услубга доир ўнлаб макбалар қаторида Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳу-л-улум» ва Ибн Халдуннинг «Муқаддима» сингари асарларини ҳам унутмаслик лозим (Таассуфки, бу улуғ асарларнинг ўзбекча таржималари ҳали амалга оширилмагани учун улардан намуналар бериш имконияти бўлмади).

Туркий адабиётда бадий нутқ ва услубга доир қарашнинг мумтоз намуналари илк туркий дoston «Қутаду билег»да, Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарида ва турк дунёси адабиётининг бу соҳадаги шоҳ асари «Муҳокамату-л-луғатайн»да акс этган.

XX аср бошларида адабий асар тилига бирламчи моҳият сифатида қараш урф бўлди, бу таълимотдан келиб чиққан ҳолда янги тартиб берилаётган адабиёт назариялари «Тил адабиётининг биринчи унсури сифатида» сарлавҳаси билан очилди. Рус адабиётшунослигидаги бу қарашлар⁷ илк адабий-назарий қўлланма саналган «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари»да ҳам акс этди. Муаллиф ўз асарининг бошланғичида тилга ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашади, тилда ифоданинг икки йўсинини ўзаро фарқлайди: тўғри англатиш ва сифатли англатиш. Тўғри англатиш илмий адабиётнинг тил жиҳатига тааллуқли бўлса, суратли англатиш бадий нутқ жараёнига тегишлидир. Чунки у «шеърый (бадий маъносидан – Ҳ. Б.) адабиётнинг биринчи омилидир». Суратли англатиш маъно кўчиши ҳисобига бўлади. Шунинг учун ҳам адиб сўзнинг ўз маъносидан ташқари кўчма маъноларига мурожаат қилади ва бу жиҳатдан турли хил кўчим турларини аниқлайди. А. Саъдий шу ўринда ўнлаб бадий санъатларни англатгандан сўнг «Услуб масалалари» мавзусида янги боб келтиради. Чунки олимини услубга берган таърифи характерлидир: *«Бир тилда сўзлашгучи шоир ва муҳаррирларнинг сўз хазиналари ҳаммаси учун бир турли ва ўртоқ бир хазина бўлса-да, яъни ҳаммаси ўртоқ бир тилдан сармоя олсалар-да, шул ўртоқ хазинадан сўз сайлашлари, жумла*

⁷ Шальгин А. Теория словесности. – Санкт-Петербург, 1910; Фриче. Проблемы искусствovedения. – М.: 1919.

яшашлари, фикр ва ҳислар тартибландиришлари бир турли йўл билан бора олмайди. Бу тўғрида турли муҳаррир турли йўл тутадир. Мана шу равишча бу тўғрида туғилган йўл ва муҳаррирнинг сайлаган англашиш равиши «услуб» деб аталадир. Шу ҳолда услубни маълум бир тартибда ишлаган, белгили бир йўл олган англашиш равиши деб таъриф қилсак, дуруст англаган бўлармиз. Услуб икки турлидир: 1) англашиш равиши; 2) сўз услуби»⁸. Англашимизча, муаллиф бу ўринда идрок этиш ва ифода этиш услубларини ўзаро фарқлаган ҳолда иш юритади. Бизнингча, адабий жараёнда услуб истилоҳи қуйидаги маъноларда қўлланилади: 1) *бадиий асар услуби*: «Зарбулмасал» услуби, «Ўткан кунлар» романи услуби; 2) *адиб услуби*: Навоий услуби, Бобур услуби; 3) *бадиий оқим услуби* романтик услуб, реалистик услуб; 4) *давр услуби* Навоий даври услуби, 20-йиллар услуби. Бундан ташқари, «миллий услуб», «замонавий услуб» каби тушунчалар ҳам таоминга кириб қолганки, улар англатаётган маъноларнинг фарқини билиб олмай туриб, услубий таҳлилга киришилганда кўпинча хато ёки бир ёқлама фикрлаш содир бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, услуб тушунчасини «умуман» (барча юқоридаги маъноларни бирлаштирган ҳолда) ўрганиб бўлмайди, «услуб» сўзини қўллашдан аввал у бадиий асарга нисбатан айтиляптими ёки ёзувчининг ижодий ўзига хослиги назарда тутиляптими ва ёхуд бошқа маъноларда келяптими фарқлаб олиш зарур. Демак, услуб тушунчасини дастлабки икки маънодан бирида қўллаётган (адиб услуби) ижодкор истеъдоднинг бетакрор табиати, ижодий қиёфаси (манераси) ва ўзига хослигини назарда тутмоқ, услуб сўзини маълум бир асарга нисбатан ишлаётгандан ўша асар жанр ва шакл хусусиятларини ҳам инобатга олмай лозим бўлади.

Бадиий асар услуби ҳақида фикр юритганда XV асрда Алишер Навоий томонидан айтилган

*Ани назм этки, тарҳи тоза бўлғай,
Улуққа майли беангоза бўлғай, —*

таърифи ўз кучини ҳали йўқотмаганини унутмаслик керак. Шунинг ёнда тутган Абдурауф Фитратнинг «Адабиёт қойдалари» китобида анча изчил тушинтириш бор: «Услубнинг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир.

⁸ Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. — Т.: 1923. — Б. 39—40.

Бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкин, уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, уни бизга ўқуна олган куч услубдадир. Эски адабиётимизда «Лайли, Мажнун» достони бор. Бунини форс шоирлари неча дафъа асарларидир. Ҳаммасига ҳақиқат бирдир, воқеа бир турлидир. Бироқ форсча–туркча билган бир киши Низомийни, ондан кейин Жомийни ўқийдир. Хисравга келгач, Навоийни албатта уларга таржиҳ қилади. Фузулийнинг кўрғач, Навоийнинг «Лайли, Мажнун»ини тоқмага қўйиб, Фузулийни ўқишга мажбур бўлади. Мана булар услубнинг ишидир»⁹. Бу тушунтиришда бадиий асар услубини яхлит – бадиий бутунлик сифатида талқин қилиш ва уни бошқа асарлардан фарқловчи «унсур» деб билиш акс этган. Шундай ҳулоса қилишга асос туғиладики, бадиий асар услуби асарни ташкил этадиган барча унсурлар тизини (йиғиндисини) эмас, балки ўша «элементлар системасини бир–бирига туташтирадиган бадиий қонуният – муаллифнинг ўзига хос принципи»¹⁰дир. Бироқ муаллиф бу туташтириш жараёнида адиб шундай ўзига хос нуқта ва чизгилардан топа билиши керакки, у бошқа ёзувчиларда учрамасин, «ўша ёзувчининг ўзи шундай кўрсин, шундай ўйласин, шундай ҳис этсин ва бошқача ҳис этиши мумкин бўлмасин»¹¹. Кўринадики, дастлабки тушунча бадиий асар услуби заминида иккинчи истилоҳ – «адиб услуби» туғилади, бу икки истилоҳ ўртасидаги поэтик айирмани фарқламай туриб, услубий таҳлилга киришиш номувофиқ бўлгани каби ҳар икки тушунчани бирдай қабул қилиш ҳам услубий таҳлилда кўп ноқулайликларни вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам кўп олимлар иккинчи тушунчага нисбатан ижодкор шахс, ижодий индивидуаллик (ўзига хослик) сўз бирикмаларини қўллашни маъқул кўрадилар¹².

Ҳар бир ёзувчининг дунёни ижодий ўзлаштириш давомида орттирган ҳиссиётлари тажрибаси, олами ўзига

⁹ Фитрат А. Адабиёт қондалари. Адабиёт муаллифлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 21.

¹⁰ Соколов А. Н. Теория стиля. М.: Искусство. 1968. – С. 42.

¹¹ Чичерин А. В. Идеи и стиль. М.: Советский писатель. 1968. – С. 287.

¹² Поспелов Г. Н. Проблемы литературного стиля. – М.: Изд. МГУ, 1970. – С.40. Храпченко М. Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Сов. писатель, 1975. – С.93; Сидоров Е. Ю. Время, писатель, стиль. – М.: Сов. писатель, 1979. – С. 7.

хос кўриш, идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш йўли бўлади. Ёзувчининг маҳорати, тасвирлаш санъати, ровийлик даражаси ҳақида гап кетганда ҳам, асосан, шу белгилар бадийлик мезони сифатида қаралади. Адиб услуби ўзбек адабиётшунослигида назарий объект сифатида чуқур ўрганилмаган бўлса-да, маълум бир адиб ижоди билан боғлиқ ҳолда ўша адибнинг поэтик маҳорати, услуби ва тасвирлаш санъатига бағишланган анчагина ишлар эътиборга молик. Булардан Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадий маҳорати» (1979), М. Қўшқоновнинг «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» (1978), С.Мамажоновнинг «Услуб жилолари» (1972), М.Султоновнинг «Ёзувчи услубига доир» (1969) каби асарларини эслаш мумкин. Баъзан адабиётшунос ва танқидчилар бир мақола доирасида ҳам муайян адиб услубининг ўзига хос томонларини тушунтира билганлар. О. Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳдор» портрети, У. Норматовнинг «Ўзига хослик сирлари» (Ш. Холмирзаев ҳақида), И. Гафуровнинг «Ўртоқ шоир» (М. Шайхзода ҳақида) мақолаларини бу ўринда эсламаслик мумкин эмас.

Бироқ давр услуби истилоҳи юқоридаги тушунчаларни, айниқса, бадий асар услуби ва адиб услубини, уларнинг қатида ётган бетакрор ўзига хослик маъноларини инкор қилади. Шу билан бирга адабиётшунослиқда бу истилоҳ маъно жиҳатидан кенгайтирилиб, кейинги йиллар адабиётга нисбатан (тадқиқ этилаётган даврдан келиб чиқиб) «замонавий услуб» шаклида қўлланилгани ҳам маълум.

«Миллий услуб» тушунчасига етарли эътибор қаратилмагани туфайли 30-йиллардан кейин нашр этилган адабиёт назарияларида таърифини учратмаймиз. Шунингдек, услуб назариясига бағишланган қатор асосий тадқиқотлар ҳам («Адабий услублар назарияси» туркумида эълон этилган беш коллектив тадқиқот назарда тутиляпти)¹³ бу ҳақда «индамаслик»ни лозим кўради. Бу тушунча асримизнинг 20-йилларида Фитрат томонидан аниқ сифатлар билан таърифланган эди. Унинг «Адабиёт қондалари» китобида ўқиймиз: «Гўзал санъатларда ҳар миллатнинг ўзига махсус

¹³ Теория литературных стилей: Типология стилиевого развития нового времени. — М.: Наука, 1976; Типология стилиевого развития XIX века. — М.: Наука, 1977; Мифообразные стили советской литературы. Вопросы типологии. — М.: Наука, 1978 ва бошқалар.

услуги бордир... Алишер Навоий ўзининг «Мажолис...» китобига баъзи шоирларнинг таржимаи ҳолини ёзгандан (кейин) «туркона» ёзадир, «туркона шеърлари бор» деб кўрсатадирким, бу «турк услубига ёзадир», демакдан бошқа нарса эмас».

Миллий адабиётнинг ривожланиш тарихи, асрлар давомида орттирган адабий тажрибаси ва анъаналари бизнинг истагимиздан қатъий назар ўша миллатга тааллуқли ҳар бир адибга «юққан» бўлади. Ёзувчи услуби қанчалик ёрқин ва ўзига хос бўлса, унинг миллий ўзаги ҳам шунчалар чуқур ва ўша халқ маданияти учун аҳамиятли бўлади. Демак, услубнинг шаклланиш жараёнида ёки шаклланган услубнинг зоҳир бўлишида ўз миллий адабиёти тажрибаси, халқ ижоди анъаналари, урф-одатлар, тил хусусиятлари, маҳаллий руҳ каби кўп жиҳатларга эътибор қилишга тўғри келадик, буларнинг барчаси «миллий услуб» тушунчаси «давр услуби»га нисбатан анча ёрқин, ўзига хос сифатлари билан ажралиб турадиган ҳодиса эканини, уни услубшуносликда илмий муомалага киритиш, ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда унинг бойиб бориш тадрижини кузатиш ва бу борада назарий умумлашмаларга келиш ўзбек услубшунослиги зиммасидаги вазифалардан биридир деган умумлашма қилишга асос беради¹⁴.

Бадий нутқ, адабий асарнинг тил жиҳатлари, услуб каби муаммолар талқинида араб ва форс тилларида яратилган ўнлаб рисоалар қанчалик асқотарли бўлмасин, бу борада ilk туркий дoston «Қутаду билат»дан тортиб Фитратгача яратилган ўзбек тилидаги адабий манбалар ҳам масалани ҳар томонлама кенг, чуқур ва холис ўрганишда аҳамиятлидир.

Ҳамидулла Болтабоев

¹⁴ Бу борада батафсил маълумот учун қаранг: Ҳ.Болтабоев. Назр ва услуб. Услуб муаммосига назарий нигоҳ. – Т.: Фан, 1992.

ТИЛ ОДОБИ. НУТҚ ВА УСЛУБ

БИШР ИБН МУЪТАМИР
«СИНОБАТУ-Л-ИНШОЪ»

Бишр ибн Муътамирдан эшитдимки, бир куни у (машҳур) нотик Иброҳим ибн Жабал ибн Маҳрам Сакуний¹ бир гуруҳ шогирдларига сабоқ бераётган жойдан ўтаётган экан, тўхтаб қолибди. Иброҳим унинг дарсига қулоқ солиш учун ёки шунчаки томоша учун тўхтади, деб ўйлабди. Аммо Бишр шогирдларига бундай хитоб қилибди: «Устозингиз сўзларини тингладингиз, энди бу ёққа қаранглр ва буни ўқинглр!» Шундай деб, у ўз қўли билан ёзган ва ўзи устидан тузатган саҳифа найчасини² узатибди. Битик қуйидаги сўзлар билан бошланган эди: «Хаёлинг (турли ташвишларга) кўмилмаган, қалбнинг уйғоқ лаҳзаларини тутиб ол, чунки бу лаҳзалар маъно ва моҳияти олийжаноб, юксак, оҳанглари матлуб ва дилга марғуб, хато ва ғалатликдан ҳоли, тугилажак сўзлар фасоҳатли ва фикрлар фароғатли, кўнгилларни жазб этгувчидир. Билгилки, бу юддузли лаҳзалар сенинг тинимсиз меҳнат қилиб, жон койитиб, машаққат чеккан энг узун кунингдан кўра самаралироқ ва ҳосилдорроқдир. Бу лаҳзаларда қуйилиб келган сўзлар энг маъқул ва мавзун³, тоғдаги чашманинг зилол сувлари каби жўшқин ва ўйноқидир. Номувофик, номутаносиб сўзлардан ва фикрлардан қоч, зеро номутаносибликдан чалкашлик, чалкашлиқдан ғалат, хато фикрлар келиб чиқади, ифода ва оҳанг бузилади.

Ким ноёб фикрни топса, унга муносиб нафис, тароватли сўзларни топсин, чунки юксак фикрга юксак сўзлар, иборалар муносибдир, агар шу иккиси сенга насиб этса, улар сакталиқ ва паришонликдан асрашга лойиқдир. Йўқ, агар бу ноёб фикр ва ибораларни асролмай, оҳанг ва равонлик бузилса, сен аввал топган обрў, шухратингдан ҳам айриласан, кўнглингда бу юксак, фикр ва нафис иборалар тугилмасдан аввалги ҳолингдан ҳам пастлашиб кетасан.

Доимо мазкур уч даража манзилдан бирида бўлгин: аввало, лафзинг — сўзларинг равон, шарафли, маънолари зоҳиран макшуф⁴, маъруф⁵, аммо хослар ва омма учун ҳам

яқин, тушунарли бўлсин. (Бадийй) фикр хосларга аталгани учунгина юксак ёки оммага аталгани учунгина тубан бўлиб қолмайди. Фикр эзгулиги унинг ҳаққонийлигида ва ҳар қандай ҳолатларда, ҳар қандай жойларда муносиб; хосларга ҳам, оммага ҳам савобли, манфаатли маънолар жарангидадир. Бу талаб оммабоп сўзларга ҳам, фақат хослар учун аталган сўзларга ҳам бирдай тааллуқлидир. Агар тилинг равон, қаламинг ўткир, баёнинг етук, лафзинг лутфли, иқтидоринг тугал, фаҳм – фаросатинг нозик бўлса, хослар учун ёзганинг оммага ҳам тушунарли бўлса ва омма учун ёзганинг хослар учун ғализ, қўпол кўринмаса, бунинг учун сўз ва ибораларда мўътадил, ўрта йўлни топа олсанг, том маънода истеъдод соҳибидирсан.

Агар мана шу биринчи даража – манзил сенга мувофиқ келмаса, биринчи қарашда ва биринчи урунишда сўзларинг ўз ўрнига тушмаса, қофияларинг бир – бирига мувофиқ келмаса, бир жойда қарор топмай, омонат бўлиб қалтираб турса, бу қофияларни у жойларга зўрлаб жойлаштирма, уларни бегона ватанда яшашга мажбур қилма. Бундай норавонлик ва сакталиқдан кўра (фикрни эркинроқ ифодалаб) қофиясиз сўзлар билан сочма шеърга айлантирганинг яхшироқдир, чунки ҳеч ким сени қофия йўқлиги учун койимайди (балки, аввалги ҳолда, қофияларнинг қовушмагани учун қоралайди). Агар зўраки қофияларни қалаштираверсанг, истеъдоди сендан паст шоирлар ҳам сени айблаб доғлайди, ўзини сендан баланд чоғлайди.

Агар сен вазият тақозоси билан мавзун, равон шеър ёзишга мажбур бўлсанг, табиат, ҳолат сенга бу ишда қаршилиқ қилаётган бўлса, фикрларингни йигиб, жон – жаҳдинг билан урунсанг ҳам равонликка эришмаётган бўлсанг, яхшиси, ўзингни мажбур қилма, асабийлашма. Бу ишни бошқа ёруғ кунларга ёхуд бошқа қоронғу кечаларга қолдир. Руҳинг уйғоқ, фикр – ўйларининг эмин – эркин бўладиган ҳолатларни кутгил. Ана шу вақтларда сен табиатнинг қийин саволларига жавоб бера оласан, хаёлингга фикр ва оҳанглар яна қуйилиб кела бошлайди.

Ва агар бу иккинчи манзилда ҳам мақсадиннга эришмасанг, бекорчилик вақтингда ҳам, ёзишни хоҳлаб

турганинга ҳам шеър санъати сенга бўйсунмай қаршилиқ қилаверса, сен ҳафа бўлма ва бу манзилни тарқ этиб, учинчи манзилга, сенга шеър санъати зарур бўлмайдиган, ўзинг учун ёқимли бирор касб – корни танла. Сенинг кўнглинг билан шеърият ўртасида яқинлик бўлмаса, ўзингни ҳам, шеърни ҳам қийнамаганинг яхши. Чунки табиатда ўзаро ўхшаш, туйғун ва уйғун мавжудотлар бир – бирига интилади. Севганинг агар сенга ўз ихтиёри билан мойиллик билдирмаса, мажбурлашдан фойда йўқ. Ҳар икки томон севги ва эҳтиросда бир – бирига интилганидагина осонлик билан мурод – мақсадга етишиш мумкин. Шоир ва шеър санъати ҳам шунга ўхшашдир».

У (Бишр ибн Муътамир) яна айтдики: «Мутакаллим (сўзловчи, нотиқ) ўз фикрлари даражасини (савиясини) тингловчиларнинг савияси билан ва уларнинг руҳий ҳолатлари билан мувофиқлаштиради. Ҳар бир даража ва ҳолатдаги тингловчилар учун нотиқ алоҳида нутқ даражасини тайинлаб олсин, ҳар бир ҳолатни эътиборга олсин. Ана шунда нутқнинг даражалари тингловчиларнинг фикрлаш даражаларига мувофиқланади, нотиқларнинг фикрлаш даражалари эса жойларнинг мавқеига, вазиятларга мувофиқлашади»⁶.

Жоҳизнинг «Хитобу – л – баён...» асари орқали келтирилган матн парчаси охирида бундай қўшимча бор: «Бишрнинг асари ўқиб бўлинганида нотиқ Иброҳим ибн Жабал айтдики: «Бу ёшлардан кўра сенинг маслаҳатларингга мен муҳтожроқдирман».

ҚУДАМА ИБН ЖАЪФАР
(IX аср)

IX аср араб адабиётшуноси Қудамма ибн Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър» ва «Нақду-н-наср» асарлари бошдан оёқ илми бадеъ — поэтика масалаларига бағишланган. Бу икки асар ҳам минг йиллар оша бизнинг давримизгача тўлиқ ҳолида етиб келган (асл нусхаси Испанияда, Эскуриал кутубхонасида ва фотонусхаси Россия Фанлар академиясининг Осие музейида сақланади). Оврўпа шарқшунослари бу иккала асар учун «Риторика» («Хитоба») номини қўлаганлар. «Нақду-н-наср» яна «Китобу-л-баён» ҳам деб аталган. Бундай аталишининг сабаби шуки, асарда муаллиф фақат поэтика мавзулари билан чекланмай, умуман, адабий масалалар: тил, баён, иншо, ёзувчиликка ва илми бадеъга ҳамда нутқ маданиятига алоқадор барча масалалар ҳақида фикр юритади.

Китоб тўрт бобдан иборат: 1 боб. Қандай аталишига қарамай нарсаларнинг мазмун, моҳиятини баён қилиш. 2 боб. Ақл ва фикр юритганда кўнгулга келадиган нарсаларнинг баёни. 3 боб. Тил ифодалари, яъни нутқ санъати баёни. 4 боб. Олисларга ва ўзга жойдаги (келгусидаги) одамларга етиб борадиган ёзув санъатининг баёни. Қуйида ана шу асардан айрим намуналар келтирамиз.

«НАҚДУ-Н-НАСР»дан

Нарсаларнинг мазмун, моҳияти эътиборли¹ бўлиши керак. Буларда, асосан, мантиқий фикрлашга риоя қилинади.

Мантиқий ва ибратли фикрлашнинг уч асосий йўли бор:

1. Қиёслаш. Ўз навбатида қиёслаш ҳам уч хил: ташбиҳ (ўхшатиш), васф ва исм билан қиёслаш. Қиёсни яна тўққиз хил аниқловчи билан баён қилиш мумкин: 1. Ҳол. 2. Адад, миқдор. 3. Макон. 4. Замон. 5. Изофа. 6. Яқинлик. 7. Нисбат. 8. Фоъил — ҳаракатлантирувчи. 9. Мунфаил — ҳаракатланувчи.

Қиёс яна тўққиз хил саволга жавоб тарзида бўлиши мумкин: 1. Нарса ҳолатининг сабаби нимада? 2. Нарса мавжудотнинг қайси турига киради? 3. Нарса қайси фаслда? 4. Нарса қайси аҳволда? 5. Мавжудотнинг миқдори, кам ё

кўшлиги. 6. Мавжудотнинг замони, вақти. 7. Мавжудотнинг макони, ўрни.

II. *Хабар (ҳадис)*². Бунинг икки хили бор: 1. Яқин (аниқ). 2. Тасдиқли. Аниқ хабар уч хил: 1. Мутавотир — асосли. 2. Расул(уллоҳ) айтганлари. 3. Омма учун эмас, хослар учун хабар.

Иккинчи тур хабар, фақат бир хил: тасдиқланган хабар(дан иборат).

III. Агар қиёс билан ҳам, хабар (ҳадис) билан ҳам бўлмаса, ибратли фикрлашнинг учинчи йўли *фараз* қилишдир. Бу турга фол очиш ҳам киради.

Қудамма ибн Жаъфар биринчи бобда аниқлик, тасдиқ ва фараз ҳақида гапирганида қадимги қозилар учун аниқлик, соҳиби мазолим (зулм кўрганлар, мазлумларни ҳимоя қилувчи) мансабдор учун соҳиби шурта (полиция), миршаблар бошлиги учун тасдиқланган хулосаларни билдириш зарурлиги ҳақида фикр юритади. Муаллиф баённинг иккинчи тури — ишонч, эътиқод (иймон) асосида фикрлашнинг уч шаклини кўрсатади³:

1. Шак — шубҳасиз ҳақиқат.

2. Гумонли қисми бўлган билим.

3. Шак — шубҳасиз ботил, ёлгон баён.

Асарнинг учинчи бобида баённинг ибора, ифода қилиш шакллари ҳақида кенг фикр юритилади. Мазкур бобда мантиқ ва тилшунослик илмларига, турли ибратли воқеаларга кўпроқ эътибор берилади.

Бу тур баён ҳам икки хил: *зоҳирий* ва *ботиний* маъноларни ифодалайди. Ботиний маъноларнинг баёнида қиёс, тафсир, истидлол (далил, исбот) ва хабар (ҳадис) асосий ўрин тутаяди. Муаллиф буларнинг ҳар бири ҳақида муфассал, кенг фикр юритади. У йўл — йўлакай, ровийларнинг кунялари ва лақабларини ҳам билиш зарурлигини тушунтиради. Кишиларнинг куняси ва лақабларини (масалан, Асадуллоҳ — Аллоҳнинг шери. Сайфуллоҳ — Аллоҳнинг қиличи, Каъбу-л-ахбор — Хабарлар уйи каби — тарж.) тўғри маънода эмас, кўчма маънода, қиёсан тушуниш кераклигини айтади. Бундай кўчма маъноли, мажозий сўзлар барча тилларда мавжуддир. Лекин шулардан ўн олти хили, муаллиф фикрича, фақат

араб халқларига хосдир (фақат арабларга хос ташбиҳ, лаҳн — ашула, рамз, лавҳа, истиора, тимсол, луғз, ҳузүф, муболага, қитъа, лүтф, тақдим, ихтироъ, таъаххара (кечиктирув) ва бошқалар.

[Муаллифнинг изоҳлашича, бундай сўзларнинг маъноларини тушуниш учун уларнинг келиб чиқишини (лотинча этимологиясини) билиш зарур].

Ташбиҳлар ашъёнинг нималигини, кўриниш — шаклини, ҳажмини, турларини, миқдорини, маъноларини аниқлаш учун қўлланилади. У имо — ишора санъатининг етти турини кўрсатади: бу санъат мақтов — таъзим, таҳфиф — энгил, нозиқлик, истиҳёо (яшовчан), боқия — умри узунлик, инсоф — адолат, эҳтирос туйғулари ифодалайди. [Рамз (лотинча — аллегория)га қисқа изоҳ берилади].

Муаллиф сўзсиз фикрни узатиш — ваҳийнинг олти турини кўрсатади (туш кўриш, хаёл, овоз келиши, илҳом, китоб туширилиши — нозил этилиши). Масал, луғз — жумбоқ, ҳузүф — пасайтириш, суруф — бир шахсни иккинчи шахсга кўчириш ҳақида қисқа изоҳда берилади. Муболаганинг икки тури: маъно ва ҳаш муболагаси (тарж). Тақдим — охириги фикрни аввалга олиш. Таъаххара — олдинги фикрни кейинга олиш. (Юнон ва лотин) сўзларини арабийлаштириб илмий истилоҳларни ихтироъ қилиш жоиздир.

[Сўнгги бобда муаллиф шеър ва наср қоидалари ҳақида фикр юритади. Аввал шеърятни кўриб чиқади]. Зоҳирий (яъни шакл турлари) жиҳатидан шеърят тўрт қисмга бўлинади: қасида, ражаз (уржуза шу сўздан — тарж.), мусаммаъ, миздивож (ҳамжинс байтлар). Бу шакллардан шоирлар кўпроқ фойдаланади, аммо адабий қоидаларга насрнавислар ҳам амал қилиши зарур⁴. Шеърят мазмун жиҳатидан тўрт турга бўлинади: 1. *Мағҳия, ифтиҳор, шукрона, лүтф*. 2. *Ҳажвия*. 3. *Ҳикмат (фалсафий шеър), мавъиза (панг, насиҳат — кўплиги мавъиз)*. 4. *Ҳазил, мутойиба, майни куйлаш (васфу—л—хамр)*⁵. Шоир маҳорат ҳосил қилиш учун саккиз талабга жавоб бериш керак: 1. Соғлом ҳаёт (сиҳҳату—л—муқобила). 2. Тартиб, интизом (ҳусни низом). 3. Сўз нафосати (жозибу—л—лафз). 5. Сўз оҳангдорлиги (сиҳофату—л—лафз) 6. Вазн мувофиқлиги

(эътидоли вазн). 7. Ташбиҳ, ўшатишда моҳирлик. 8. Шакал ва қофияларда мувофиқлик (ал – мутобиқа вал – мушокила).

Бундан ташқари шоир сўзларини вазиятга, ҳолатга мувофиқ келишини (тингловчилар, ўқувчиларнинг савиясини ва бошқа ҳолатларни) ўйлаши зарур.

Аммо наср санъатига келсак, наср тўрт навъдан иборат: 1. Нутқ. 2. Расоил – мактуб ёҳуд нома. 3. Вужуҳи мавзуъ (муайян мақсадли мавзудаги асарлар). 4. Ҳикоя, ривоят.

Аммо нутқ ва расоил (нома)га келсак, бу соҳада пайғамбар хутбалари⁶. Мин ар – расоилу – л – касират ал – аътайа ала – л – маъонийу – л – касийрат (қисқа нутқда кўпгина маъноларни ифодалаш) энг яхши намуналардир⁷. Нома элгувчи элчиларни танлашда уларда учраши мумкин бўлган тўққизта камчиликдан эҳтиёт бўлиш зарур: 1. Қизиққонлик (ужб – тез жаҳл чиқиши). 2. Ҳасадгўйлик. 3. Бепарволик, эътиборсизлик. 4. Шошқалоқлик. 5. Туҳматчилик. 6. Ёлгончилик (кизб, каззоблик). 7. Лоқайдлик (намима). 8. Манманлик, такаббурилик (ал – аъжаллат). 9. Лақмалик, эзмалик.

Аммо нотиқликда баҳс – мунозара (ал – жадал ва ал – мужодала) одобларига риоя қилиш зарур. Мужодала санъатида яна икки одобга – мақтов ва танқид (маҳмуд ва мазмум) одобларини билиш вожибдир.

Аммо нутқ санъатида (кўрилайётган масалада) бирор воқеа, ҳодиса – малъун ва иллатларнинг, ихтилоф ва зиддиятларнинг келиб чиқиши сабабларини ва оқибатларини яхши билиши зарур. Турли ихтилоф ва зиддиятларни бартараф этишда нотиқ ўз фикрини исботлашда Қуръон аҳкомларини, Тафсири, ижмолни⁸, хусусий ва умумий (фикҳий ҳукмлар)ни, ижмоъ ва раъй⁹ фикрини яхши билиши керак.

Аммо мунозара, мужодаланинг одобларини муфассал, яхши билганлар оқилона хулосага, бир битимга келадилар, иншоолоҳ.

Аммо ҳикоя, ривоя, ҳадислар (ровийларнинг ҳикоялари) йигирма тўрт хилдир: 1. *Жигдий ҳикоя*. 2. *Ҳазил – мутойиба*. 3. *Саҳиҳ, рост*. 4. *Заиф*. 5. *Ҳасан (яхши)*. 6. *Қабиҳ (тубан)*. 7. *Малиҳ (гўзал, малоҳатли)*. 8. *Фасиҳ (фасоҳатли, нозик, зариф)*. 9. *Хато*. 10. *Савобли*. 11. *Сидқ (садоҳатли)*. 12. *Кизб*

(ёлғонли) 13. Нофeъ (нафъли, фойдали). 14. Аз-Зорр (зарарли). 15. Ҳаққоний. 16. Ботил (ноҳақ). 17. Ноқис (нуқсонли). 18. ат-Томм (туғал, тўлиқ). 19. Марғуд (рағ этилган). 20. Мақбул (қабул қилинган, маъқул, оқилон). 21. Муҳим (аҳамиятли). 22. Фузул (яроқсиз). 23. Болиғ (балоғатли, етук). 24. Айбли (уятли). Арабча матнда бу турлар ҳақида кўпгина мисоллар келтирилади¹⁰.

Ва аммо савобли ва хато ҳикоятларни қаерда ва қайси вақтда айтиш ва қайси вақтда айтмаслик (сукут сақлаш) кераклигини ҳам билиш зарур.

Ва аммо сўз мартабаларини ва эшитилган ривоятларнинг мартабаларини (халққа) тақдим этишда баён мукамаллиги муҳим аҳамиятга эга. *Биҳамдиглаҳи таоло ва ҳасана авниҳи ва-с-салот ат-томмати ала-с-саййидино Муҳаммад набиҳу ва абдуҳу.*

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ
«ҚУТАДҒУ БИЛИГ»дан

Тил ардамин асгин мулларин сўзлайур
(Тилнинг фазилати, фойда–зарарлари ҳақида сўзлайди)

Уқушқа билигга бу тилмочи тил
Йарутгачи эрни йориқ тилни бил
(Уқувга, билимга тилмоч – бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин).

Кишиг тил ағирлар булуր қут киши
Кишиг тил ужузлар йарир эр баши
(Кишини тил эъозлайди, киши шу туфайли бахтга
эришади, Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёради).

Тил арслан турур кўр эшиқда йатур
Айа эвлуг арсиқ башингни йейур
(Тил ҳовлида (яъни қафасда) ётган арслон кабидир,
Эй, қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди).

Тилин эмгамиш эр неку тер эшит
Бу сўз ишка тутгил ўзунга иш эт
(Тил туфайли озор топган киши нима дейди, эшит,
Бу сўзга амал қилгин, ўз фойданга ишлат):

Мени эмгатур тил эди ўт тилим
Башим кесмасуни кесайин тилим
(Тил мени жуда кўп кулфатларга солади,
(У) бошимни кесмасин, (мен) тилимни кесайин).

Сўзунгни кўзазгил башинг бармасун
Тилингни кўзазгил тишинг синмасун
(Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин).

Будун тили йавлақ сени сўзлагай
Киши қилқи киртуч этингни йегай

(Халқнинг тили ёмон, (доим) сени сўзлагани – сўзлаган,
Кишилар феъли ҳасадли, у сенинг этингни ейди).

Билиглиг билиг берди тилқа бишиг
Ай тил идиси кўзазгил башиг
(Билимли (яъни Худо) тилга пишиқ билим берган,
Эй, тил эгаси, бошингни асрагин).

Эсанлик тиласа сенин бу ўзунг
Тилингда чиқарма йарағсиз сўзунг
(Сенинг ўзинг эсонлик тиласанг,
Тилингдан яроғсиз сўзингни чиқарма).

Билиб сўзласа сўз билигга санур
Билигсиз сўзи ўз башини йейур
(Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди).

Ўгуш сўзда артуқ асиг кўрмадим,
Йана сўзламишида асиг бўлмадим
(Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим,
Яна (кўп) сўзлашдан наф топмадим).

Ўгуш сўзлама сўз бирар сўзла аз
Туман сўз тугунин бу бир сўзда йаз
(Сўз кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,
Туман, минг сўз тугунини (яъни жумбоғини) шу бир сўзда
еч).

Киши сўз била қопти бўлди малик
Ўгуш сўз башиг йерка қилди кулик
(Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади,
Кўп сўз бошни ерга эгади).

Ўгуш сўзласа йангшади тер тилиг
Йана сўзламаса агин тер тилиг
(Ортиқча сўзласа, тилни эзма(ланди) дейилади,
Сўзламаса – чи, (уни) яна гунг – лол дейилади)...

<...> Тилиг сўкса бўлмас телим ўггуси
Сўзуг ўггуси бар йема сўкгуси
(Тилни сўкса ярамайди, унинг мадҳи жуда кўп,
Сўзнинг мақтовлиси бор (ва) яна сўкишлиги ҳам).

Қамуғ тебранигли бу сансиз қалин
Тануқлуқ берур бир байатиг тилин
(Тамоми тебранувчи, бу сон – саноқсиз зич (одамлар),
Яккаю ягона Худонинг мавжудлигидан тили билан
шаҳодат беради).

Тўрутти туман минг халайиқлариг
Тили бирла тангриғ ўғарлар ариг
(У туман минг халойиқни яратгандир,
(Улар эса) тангрини тилларида холис мадҳ қиладилар).

Этўзлуг кишика кераки бу – ул
Бириси тилин сўз бириси кўнгул
(Танасида жони бор киши учун кераги ушбудир,
Бири тил (ва) сўз, бири эса кўнгил (дил)дир).

Кўнгул тил тўрутти кўнгул сўз учун
Сўзи эгри бўлса куяр ул кучун
(Дил (ва) тилни яратди, дил (эса) сўз учундир,
Сўзи эгри бўлса, у киши ночор куяди).

Кўни сўзласа сўз кўр асғи ўкуш,
Қали сўзласа эгри барча сўкуш
(Сўзни тўғри сўзласа, кўр, фойдаси кўп,
Агар эгри сўзласа – чи, барчаси – сўкиш).

Кўну сўзлар эрса тилинг тебрасу
Сўзунг эгри эрса ўзунг кезласу
(Агар тўғри сўзласанг, тилинг тебрасин (гапиргин).
Сўзинг эгри бўлса, сен уни яширгин).

Тилин сўзламаса агин тер киши
Ўкуш сўзласа ати йангшақ баши
(Тилинг билан сўзламасанг, кишилар лол дейдилар,
Кўп сўзласа, унинг оти эзмалар бошидир).

<...> Кўни сўзладим сўз ириг ҳам ачиг
Кўни сўзни йудкан уқушлуғ эр — а
(Сўзни тўғри сўзладим, (у) дағал ҳам аччиқдир,
Тўғри сўзни кўтаролган заковатли кишидир).

Ўқуғлиқа артуқ агир келмасу
Ўзум ъузри қулдум ача ҳам йўра
(Ўқувчига ортиқ оғир тушмасин,
(Улардан) аниқ ва равшан қилиб ўзимга узр сўрадим).

Кўни сўзда таштин сўзуг сўз тема
Кўни эгри фарқи ўрунгли қара
(Тўғри сўздан ташқари сўзни сўз дема,
Тўғри (ва) эгрининг фарқи оқ (ва) қора (фарқи
кабидир).

Йил айтмиш эки эрди тўрт юз била
Бу сўз сўзладим мен тутуб жан сура
(Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди,
Мен жонни койитиб ушбу сўзни сўзладим).

Тугал ўн сакиз айда айдим бу сўз
Ўдураум адирдим сўз эвдиб тара
(Бу сўз(лар)ни тугал ўн саккиз ойда айтиб бўлдим,
Танладим, фарқладим, териб сўз йиғиб (тўплладим).

Йалим ту чечактег йиди кин бурар
Ўтундум мен этну тугаттим тура
(Ёйилган хилма — хил чечаклар каби ҳиди мушк
таратади,
Мен ҳозирланиб ҳикоя қилдим, хулосалаб тугатдим)...

АХМАД ЮГНАКИЙ
«ХИБАТУ-Л-ХАҚОЙИҚ»дан

Ан-навъу-с-сани фи ҳифзи-л-лисани ва
саъи адабиҳа ва русумиҳа
(Тилни тийиш ва одоб-ахлоқ ҳақида)

<...> Эшитгил биликлик негу теб айур,
Адаблар баши тил кузазмак турур
(Имлаи киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол,
одоблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур).

Тилин бекта тутгил тишин синмасун,
Қали чиқса бекта тишинни сийур
(Тилингни тий, тут, тишинг синмасин, агар сўзлаб
юборсанг (тилинг) чиқиб қолса, тишингни синдиради).

Саниб сўзлаган ер сўзи сўз сағи,
Ўқуҳ йаншаған тил ай алмас йағи
(Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп
вайсаган тил (тингламас) аямайдиган ёвдир).

Сўзун бушлуғ езма (есма) йиға тут тилин,
Йетар башқа бир кун бу тил бушлуғи
(Сўзинг аччиқ, эзма тилингни тийиқ тут, аччиқ (эрк
берилган) тил бир куни бошингга етади).

Ҳирадимув|в| болур тили буш киши,
Телим башни йеди бу тил сўз буши
(Тили аччиқ кишининг ақли етук бўладими? Тил ва сўз
заҳарли, кўп кишиларнинг бошини еди).

Ўчуктурма ерни тилин бил бу тил,
Башақ турса тутмас бутар оқ баши
(Кишини ўчакишгирма (ўчашгирма, унинг) тилини бил, бу
тил яраласа тузалмайди, ўқ жароҳати эса битиб кетади).

*Жараҳату—с—сиҳами лаҳат тийаму ва
ла йалсаму ма жараҳи—л—лисани
(Ақлдан озиш, тил жароҳати ва уни тийиш ҳақида)*

<...> Сафиҳ ер тили ўз баши душмани,
Тилиндин тўкулди телим ер қани
(Аҳмоқ кишининг тили ўзига душман, кўп кишиларнинг
қони тили туфайли тўкилди).

Ўкуш сўзлаганди ўкуган телим,
Тилин беклаганда ўкуган қани
(Кўп сўзлаганлар ичида ўкинган кўндир, тилни тийганлар
орасида ўкинган борми, қани?)

Неким келса ерга тилитин келур,
Бу тилтин ким езгу ким ақир болур
(Киши бошига тушган ҳар қандай иш унинг тили туфайли
содир бўлади, бу тил сабабли, айримлар яхшилиқ, баъзилар
ҳурмат кўради).

Эшит бут бу сўзга қамуғ тен— да тен,
Қозуб тилга йукнуб тазарру қилур
(Бу сўз барчага тенг, (улар сўзни) тилга жо қилиб
юкинадилар, мулойимлик қиладилар).

Кузазгил тил (ин) ни кел аз қил сўзун,
Кузазилса бу тил кузезлур ўзун
(Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг
ҳам сақланасан).

Расул ерни отқа йузун атқучи,
Тил ол теда йиғ тил йул оттин ўзун
(Расул кишини ўтга (юзи билан) ташловчи (тилдир) деб
айтди, шунинг учун тилингни тий, ўзингни ўтдан торт).

Икки (еки) нен бирикса бир ерда қали,
Буканди ол ерга мурувват йоли
(Бир кишида икки нарса юз берса, у кишига мурувват
йўли ёпилди).

Бир ол йаншар ерса кераксиз сўзин,
Иккинч йалган ерса ол ернин тили
(Беҳуда сўзлар билан бир йўл алжираса, иккинчидан, бу
кишининг сўзлари ёлгон бўлса ундай)...

<...> Тили ёлган ертин йирақ тур тез – а,
Кечур сен – ма умрун кўнилик уза
(Ёлгончи кишидан тезликда ўзингни узоқ тут, сен
умрингни тўғрилиқ билан кечир).

Ағиз тил безаги кўни сўз турур,
Кўни сўзла сўзни (тилинни) дилинни беза
(Оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, сўзни тўғри сўзла,
тилингни беза).

Кўни сўз асал тек бу йалган басал,
Басал йеб ачитма ағиз, йе асал
(Тўғри сўз асал кабидир, ёлгон (сўз) саримсоқ пиёздир,
саримсоқ пиёз еб, оғизни ачитмай, асал егин).

Йа йалган сўз йигтек кўни сўз шифа,
Бу бир сўз озағи урулмиш масал
(Ёлгон сўз касаллик кабидир, чин сўз шифодир, бу сўз
тўғрисида (қадимда) масал тўқилган)...

АЛИШЕР НАВОИЙ
«МУҲОКАМАТУ-Л-ЛУФАТАЙН»дан

<...> Такаллум аҳли¹ хирманининг хўшачини ва сўз дурри самини маҳзанининг амини ва назм гулистонининг андалиби нағмасаройи, яъни Алишер Навоий алмутахаллис би – н – Навоий... муңдоқ арз қилурким, сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдир ва кўнгул мазҳаредурким, жомии маонийи жузв ва куллдир. Андоқки, дарёдин гавҳар гаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳарига кўра зоҳир бўлур. Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафига соҳибии ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига боқа интишор ва иштиҳор топар. Гавҳар қийматига нечукки, маротиб асру кўдаур, ҳаттоки бир дирамдин юз тумангача деса бўлур.

Қитъа:

*Инжуну олсалар муфарриҳ² учун,
Минг бўлур бир дирамға бир мисқол.
Бир бўлур ҳамки, шаҳ қулоққа солур:
Қиймати мулк, ибраси амвол³.*

Сўз дуррининг тафовути мундин дағи бегоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур. Андоқки, шарифидин ўлган баданға руҳи пок этар, касифидин ҳаётлиқ танға захри ҳалок хосияти зуҳур этар.

Қитъа:

*Сўз гавҳаредурки, рутбасининг
Шарҳидагур аҳли нутқ ожиз.
Андинки эрур хасис муҳлик,
Кўргузгуча гурур Масиҳ мўъжиз.*

Ва бу сўзнинг танавуи тааққулдин нари ва тасаввурдин ташқаридур. Агар муболағасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиш икки фирқа каломига далолат қилғай; аммо улча тафсилийдур. Улдурким, рубъи маскунининг етти иқлимидин ҳар иқлимда неча

кишвар бор ва ҳар кишварда неча шаҳр ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хайл – хайл саҳронишин улус ва ҳар тоғнинг қўлларида ва ҳар баҳрнинг жазойирида ва савоҳилида не тавойиф бор. Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёналаридин мутағайир ва бир неча хусусият била мутаммайдурки, ўзгаларда йўқтур.

Андоқки, туюр ва баҳойим ва сибов⁴нинг тиллариким, ҳар бирининг ўзгача хурўш ва такаллумлари бор ва ғайри мукаррар наво ва тараннумлари. Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидур ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзиндадур ва такаллум анинг каломида борур.

Эмди келдур сўз баёнига ва калом достониға: Мунча мутанаввиъ шаҳр ва қуро ва жибол ва саҳро ва беша⁵ ва даре халқиким, битилди ва танаввуъ ва тағайюрини шарҳ этилдики, мажмуида маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур.

Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат таъзийни била мўъжиза тироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур ва сўзи сидқ ва иши таслим – ўқдурким, малики аллом Жалла ва алонинг каломи мўъжаз низоми ул тил била нозил ва Расул (алайҳи – с – саловот ва – с – салом) нинг аҳодиси саодат анжоми ул лафз била ворид бўлубдур. Ва авлиёи кибор ва машойихи олий миқдор... кўпрак ҳақойиқ ва маорифки сурубтурлар ва маоний зеболарин тақрир либосиға киюруптурлар ул фархунда иборат ва ул хужаста алфоз ва ишорат била воқеъ бўлубтур...

<...> Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойили⁶нинг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруи⁷ бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаидурки, Нуҳ пайғамбар...нинг уч ўғликим, Ёфас ва Сом ва Хомдур етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нуҳ... тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлақасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ёфасники, таворих аҳли Абу – т – турк битирлар, Хито мулкиға йиборди ва Сомники, Абу –

фурс битирлар Эрон ва Турон мамоликининг васатида волий қилди ва Хомники, Абул—ҳинд дебтурлар, Ҳиндистон билодига узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлод ва атҳои мазкур бўлган мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар.

Ва Ёфас ўғлонники, Абу—т—турқдур, тарих аҳли иттифоқи била дебдурларки, нубувват тожи била сарафроз ва *рисолат*⁸ мансаби била қардошларидин мумтоз бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай, бу учовнинг авлод ва атҳои орасида шоеъ бўлди... Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз била музаҳрафоти нофаржом, бири гояти шараф ва улувви манзиладин ва бири ниҳояти наҳусат ва дунувви мартабадин орадин чиқтилар. Қолди туркий алфоз била мақсуд адоси ва форсий иборат била калом маъноси.

Андоқ маълум бўлурки, турк *сорт*⁹дин тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилякати софроқ ва покроқ махлуқ бўлубтур ва сорт турк тааққул ва илмда дақиқроқ ва камол ва фазл фикратида амийқроқ зуҳур қилибдур ва бу ҳол туркларнинг сидқ ва сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илм ва фунун ва ҳикматидин зоҳир дурур. Ва лекин тилларида камол ва нуқсон ҳайсиятидин фоҳиш тафовутлардурким, алфоз ва иборат вазъ қилурда турк сортқа фоиқ келубтур ва ўз алфозида ишорат, иборатиға мазиятлар кўргузубтурки, ўз маҳаллида иншоллоҳ мазкур бўлғай. Яна туркнинг мулоямати табъининг сортдин ортуғлуғига далиле мундин возиҳроқ ва шоҳиде мундин лойиқроқ бўла олурмуким, бу икки тоифанинг йигити ва қариси, балки улугдин кичик бориси орасида *ихтилот ала—с—савия*¹⁰дур. Ҳар миқдорки, бу бирининг у бири била омизиш ва гуфту—гузори бор, ул бирнинг ҳам бу бир била ҳамонча такаллум ва гуфтори бор. Ва сорт орасида аҳли табъ ва дониш ва зумраи илму зиҳн ва бийниш кўпрақдур. Ва турк элида ажлоф ва сода эл сортдин зиёдадур. Аммо туркнинг улугдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин баҳраманддурлар, андоқким ўз хурд аҳволиға кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балогат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар. Аммо сорт улусининг арзолидин ашрофиғача ва

омисидин донишмандигача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилганнинг маънисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўз айтса ҳам, ҳар киши эшитса билур ва анинг сорт эканини фаҳм қилур ва ул мутакаллим ўз тили била ўз расолигига ўзи иқроп қилгондектур. Ва туркнинг асли хилқатда сортдин табъи мулоийимроқ эрканга мундин булъ – ажаб(и)роқ тонуг йўқдурки, ҳеч қайси мунинг муқобаласида дам ура олмаслар ва сорт *биажмаиҳим*¹¹ агар турк иборати адосида ожиздур, муҳиқ¹² ҳам бор. Невчунки, турк алфози возии асру кўп вақтда муболага изҳори қилиб, жузвий мафҳумот учун алфоз *вазъ*¹³ қилибдурки, соҳиб вуқуф киши то зоҳир қилмас, инонса ҳам бўлмас...

<...> Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмаган жиҳатдин бу яшурун қолибдур. Ва ҳунарсиз туркнинг ситам зариф йигитлари осонлиққа бўйла форсий алфоз била назм айтурга машғул бўлубтурлар. Ва филҳақиқат, агар киши яхши мулоҳаза ва тааммил қилса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мунча фусҳат топилур, керакким мунда ҳар навъ суҳангузорлиғ ва фасиҳғуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлғай ва воқеъ осонроқдур.

Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасида пайдо бўлган табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғач, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболага қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштабълари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва биакулл турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили била назм айтқондек фасиҳ турклар қошида ўқуй ва ўтқара олмағайлар ва ўқусалар ҳар лафзлариға юз айб топилғай ва ҳар таркиблариға юз эътироз ворида бўлғай.

Бас, бу ҳайсиятлардин андоқ маълум бўлурким, бу тилда гариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хушоянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиғи бор.

*Мубтағий*¹⁴ табъи ул назмни душворлиғ била боғламоқтин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл қилур. Чун не қатла бу навъ воқеъ бўлди, табъи хўй қилди, чун табиат *муътоғ*¹⁵ бўлди, ўз муътодин кўюб гайри муътодғаким, мушкилрак ҳам бўлғай, майл қилмоғи мутааззирдур...

<...> Агарчи борчани ул ҳазратнинг шариф исмига мухайял ва ҳумоюн алқобиға музайян қилибмен, буларни сорт иноятлари муқобаласида тутуп «ал-мутакаллим»¹⁶ исмига мазҳариятим узриға туркий ва сорт луғати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисолаи жамъ қилиб битидим. Ва анга «Муҳокамуту-л-луғатайн» от қўйдум, то турк эли фасоҳат ва диққати ва балоғат ва вусъатики, ул ҳазрат бу тил ва иборат била назм бисоти тузупдурлар ва Масиҳо анфоси ва Хизр зулолидин ўлук тиргузмак тариқин олам аҳлиға кўргузупдурлар, зоҳир қилдим. Ва хаёлимға мундоқ келурким, турк улуси фасихлариға улўғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсигўйларнинг иборат ва алфоз бобида таъби қилур сарзанишидан қутулдилар. Алар дағи ранж ва машаққатим муқобаласида, чун бу махфий илмдинки, зоҳир қилибмен, вуқуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд қилғайлар ва руҳимни анинг била шод қилғайлар.

Рубоий:

*Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил,
Таърихин анинг жумосийу-л-аввал бил,
Куннинг рақамини чоршанба қилғил,
Тўққуз юз йилдин ўтуб эрди беш йил*¹⁷.

АБДУРАҲМОН САЪДИЙ.
«АМАЛИЙ ҲАМ НАЗАРИЙ
АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ»дан

ТИЛ. УСЛУБ МАСАЛАЛАРИ

Икки турли тил ҳам икки турли услуб. Ҳар халқ ўртасида икки турли тил ёки турли услуб бўлади: 1) ёзув тили, 2) сўзлашув тили. Биринчиси ўқимишлилар, шоирлар, адиблар тили бўлуб, иккинчиси, ўқимаганлар ёки оз ўқимишлилар тилидир. Муни омма тили ёки халқ тили деб юргизадирларки, бу кўпчилик тили бўлади. Омма тили ёзув тилига қараганда жуда содда, жуда энгил бир тилдир. Шунинг билан бирга бу тил туб сўзларга бой бўлган бир тилдир. Ҳар халқнинг адабиётида ҳар ҳолда туб таянчи шу омма тили бўлуб келади.

Бу икки тилнинг айирмаси услубларида, яъни сўз сайлаш ва жумлаларни тузиш ва боғлашларинда ҳам очик кўрилади. Бу икки тилнинг ҳар иккитаси ҳам адабийдир. Ёзув айрим шахслар, шоирлар, муҳаррирлар томонидан ишланиб, тараққий эттирилган, гўзаллаштирилган бўлса, сўзлашув тили ҳам умумхалқ ва бутун омма томонидан омманинг адабий завқи орқасида, омманинг руҳида ишланган, комиллаштирилган бўлади. Ҳиссиёт маҳсулотини англатишда сўзлашув тили шоирларга кўб кўмак кўргизадир.

Омма тили билан сўзлашув тили орасидаги айирма баъзан жуда катталаниб кетади (усмонлиларнинг 20 асргача бўлган адабий ёзма тиллари билан она тилидаги турк оммаси тили каби) ёлғиз муңдоғ катта айирма гоят зарарли ва ҳалокатли бир ҳолдир. Ҳар ҳолда омма тили билан ёзув бир – бирисидан узоқлашишга томон эмас, балки доимо бир – бирисига яқинлашувга томон ҳаракат этиши лозимдир. Бу ҳаракатнинг ҳам кўб қисми ёзув тилига тушадирким, тил ҳамон омма тилига яқинлашиш томон қараб кенгайиши, ўсиши керақдир. Ёзув тили билан сўзлашув тили ҳар иккитаси тилда сўзлашгучи халқнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий турмушнинг ўзгаришига қараб ҳар хил ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгариш ҳам ҳар хил янги сўзларга бойиши йўлида бўлади. Ҳар иккитасида янги фикр, янги фараз, янги қараш, янги тилак ва янги умидларни англатмоқ учун янгидан – янги сўзлар туға, янги

атамалар орта борадир. Кўб янги сўзлар ясалса, эскирганлари ҳам ҳамон тузатила турадир...

<...> Ёзма тилларда шоирлар ўзларининг мансуб бўлган қабилаларининг сўзлашларидан, ерли авом сўзларидан ҳам турли сўзлар, таъбирлар оладирлар. Бу ҳол қабилачилик деб аталадир. ғарблилар мунга провинциализм деб юргизадирлар. Бу тўғрида ҳам чегарадан чиқиб кетиш фойдали эмасдир. Бу услубнинг очиқлигин йўқотишқа сабаб бўлиши мумкин.

Тилда сўзларнинг тузмоқлиги, эскирмаклиги ҳам бўладир. Бу сўз ёки бир таъбир қўлланила – қўлланила тамом тўзуб, эскиб, охирида унинг тилда жонлиги йўқоладир. Ниҳоят, уни халқ буткул қўлланмас бўладир ҳам буларнинг ўрни ёлғиз тарихий лугатлардагина қоладир. Масалан, «битик», «очун» сўзлари каби. Битмак феъли ўрнига ҳозирда ёзмоқ сўзи қўлланилгани каби. Аммо ҳам ёзув тилимизда бурунги «очун» сўзи ўрнига «дунё» сўзи қўлланиладир.

Ҳозирги тилимизда, ҳозирги адабиётимизда ана шундоғ эскирган, ўлган, қари сўзларни қўлланишга бурунгилик деб айтадирлар. Баъзи бир шоир ва ёзгувчилар шунга майл этувчи бўладир. Бу тўғрида ҳам эҳтиёглиқ йўли тутилмаганда услубни тамом туманли ва англашилмас бир ҳолга қўйиш мумкиндир. Ёлғиз бурунги тарихий воқеалар тасвир этилганда бурунги сўзларни қўлламадан бўлмайдир. Бурунгиликқа ғарблилар тилида архаизм деб юргизадирлар...

УСЛУБ

Бир тилда сўзлашгучи шоир ва муҳаррирларнинг сўз хазиналари ҳаммаси учун бир турли ва ўртоқ бир хазина бўлса – да, яъни ҳаммаси ўртоқ бир тилдан сармоя олсалар – да, шул ўртоқ хазинадан сўз сайлашлари, жумла яшашлари, фикр ва ҳисларин тартибландиришлари бир турли йўл билан бора олмайдир. Бу тўғрида турли муҳаррир турли йўл тутадир. Мана шул равишча бу тўғрида туғилган йўл ва муҳаррирнинг сайлаган англатиш равиши «услуб» деб аталадир. Шул ҳолда услубни маълум бир тартибда ишлаган, белгили бир йўл олган англатиш равиши деб таъриф қилсак, дуруст англаган бўлармиз. Услуб икки турлидир: 1) *англатиш равиши*; 2) *сўз услуби*.

Фикр ва хаёлнинг олган тартиби ҳам шунга қараб сўз ва таъбирларнинг сайлануви, жумлаларнинг тузилиши ва боғланишлари, асл англатиш услуби бўлуб, сўзларни белгили

бир ўлчовга солиб ёки ўлчовга солмасдан сўзлаш жиҳати сўз услуби (тагин тўла қилиб англатилганда сўз тизиш услуби) бўладир.

Услуб деган нарса шоир ва муҳаррирнинг табиатига қараб, шунга мувофиқ бўлиб ясаладир. Оддий муҳаррирларнинг услублари бир – бирисидан ортиқ айрим ва мустақил бўла олмасдан ўртоқ бўлган умумий бир йўлданроқ борса – да, катта ва кучли талантли шоирларнинг, ва айниқса, доҳийларнинг услублари бир – бирисидан тамом айрим ва мустақил бўладирлар. Шу даражадаки, ҳатто бир шоирнинг бир – икки асарин ўқуб, унинг услубига тушунган бир киши иккинчи мартаба у шоирнинг имзосин кўрмаган ҳолда услубидан унинг асари эканин англай оладир.

Қисқаси, катта шоирлар ўзларининг услубинда ўзлари кўринадирлар. Муңдоғ шоирларнинг табиат ва мижоз (темперамент)лари билан услублари иккиси бирдек нарса кабидирлар. Яссавий, Навоийи ва Муҳаммад Солиҳ каби чигатой шоирлари, Бобир ва Абулғози каби муҳаррирлар ўзларига айрим мустақил услубга эга бўлгучи одамлардир.

Тўғриси, услубни шоир миясининг кўланкаси деб англаш керақдир. Фикр ва ҳиссиёт билан уларни англатишнинг бир – бирисига жуда қаттиғ боғланган бир нарса бўлганлиқларин эсга олганда, мунга шубҳа этилмагусидир. Фикр ва ҳислар илгари ҳозирланиб битиб – да, услуб деганимиз шундай кейинга туғатурган қўшилма ва ёлғонма бир нарса эмасдир. Балки фикр ва ҳисларнинг туғиш ва ишлари қандай бир йўл олиб, қандай равишларга кирса, услуб ҳам шу йўлдан кетиб, шу равишларни кўргазгучидир. Адабиёт назарияларидаги машҳур таъбир билан айтсак, асос билан шакл, маъно билан услуб иккиси бирга тутиб, бирга кўринатурган нарсалардир. Шаклсиз маъно, маъносиз шакл йўқдир.

Шоирларнинг кўблари халққа тамом ёт бўлган янги фикрлар, янги ҳислар туғдирмайдирлар. Балки халқ ўртасида илгаридан маълум бўлган умумий фикр ва ҳислар учун янги шакллар, янги жозибали қиёфатлар ижод этадирлар. Кўб шоирлар бордирки, ўзларининг нафис шакл ва нафис услуб ижод этишдаги талантлари орқасида умум ўртасида илгаридан маълум бўлган умумий бир фикрни ўз номларига яшатишни таъмин этиб кетган бўладирлар.

Яна кўб шоирлар борки, ҳаммаси турли мавзуларда ёзадирлар ҳам, асосан, бир – икки турли фикр ва ҳисларни,

бир – икки турли кайф ва завқларни бермак, англамоқ бўладирлар. Лекин ёзганлари ҳам ҳар хил бўлуб чиқади. Мана бу ҳолни услуб ва шаклдаги фарқнинг натижаси деб англаш керакдир.

Бир асарнинг узун умрли бўлиши ҳам услубнинг қуввати орақасидадир. Ёлғиз бир шоирнинг услуби ҳам ҳамма мавзуда ва ҳар вақт бир турли бўлмайди. Мавзу ва мундарижага қараб бир – икки шоирнинг услуби турлича бўлиши мумкин. Масалан, театр китоблари – томошаликларнинг услублари билан ҳикоя ва рўмонларнинг услублари ўзларига бошқача бир равишдадир. Бир соф юрак шеърининг услуби яна ўзига махсусдир.

Бироқ бу айирмалар ҳар ҳолда шоирнинг шахсиятин, ўзлигин йўқотарлиқ даражада бўлмайди. Турли мавзуларда ёзилган турли асарларнинг услублари орасида бирмунча айирмалар бўлгани ҳолда шоир ва муҳаррирнинг ўз табиатидаги туб чизиқлар унинг услубинда ҳамон, асосан, чўзилиб кўриниб борғусидир.

Ҳар замоннинг ўз услуби бўладир. Шоирларнинг хусусий ва мумтоз услубларидан бошқа ҳар даврнинг ўзига махсус ва ўзида муҳаррирларнинг кўбчилиги ёқтиратурган умумий, яъни ўртоқ бир услублари бўладир. Бир даврнинг шу услуби ила иккинчи бир даврнинг шундоқ турдош услуби ўртасида баъзан жуда катта айирмалар бўлиб кетади. Яссавий даври услуби билан Навоий даврининг услуби, Бобирнинг сочма услуби билан Абулғозининг сочма услуби орасидаги айирмалар бизга муни очиқ кўргизади. Авлоний ва Тавалло қабилар давридаги услуб билан ҳозирги ёш ўзбек шоирларининг услуби ҳам бу икки давр учун очиқ мисолдир. Тилда яна ҳар замоннинг ўзига махсус кўчимлари, истиора ва киноялари, ўхшатиш ва муболағалари бўлиши мумкиндир. Жумлалар, таъбирлар баъзи асарларда кетган сайин маънога тўлуб оғирлашиб борсалар, баъзи асарларда уларнинг маънолари бўшаган, енгиллашган бўлади. Баъзи сўзларнинг мавзулари ўзгарган ва баъзилари буткул ташланган, баъзилари яна янгидан қўлланила бошлаган ҳам бирмунча янги сўзлар туғдирилган бўлади. Шу сабабли хаттотликнинг сарфи(й) ва наҳви(й) қурилиши ҳам ўзгармак мумкиндир...

АБДУРАУФ ФИТРАТ
«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

УСЛУБ

<...> Бутун ўзбек ёзгучиларининг ифодалари ўзбекча бўлгани ҳолда ҳар бирининг ўзига махсус бир услуби бордир. Бироқ услубдаги бу ҳол тубан, кучсиз адиб – ёзгучининг асарларида ўзини очиқ кўрсата олмайди. Кучсиз ёзгучиларнинг услублари бир – бирига ўхшаб қоладир. Улар оддий услубда, умумий тил услубида ёзади. Шоир – ёзгучи санъаткорликда кўтарила борган сайи(н) ўзига махсус бир услуб ярата бошлайди. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, ўзига яраша бир услуб борлиққа чиққан бўладир.

Услубнинг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкундир. Уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, уни бизга ўқута олган куч услубдадир.

Эски адабиётимизда “Лайли, Мажнун” достони бор. Буни форс шоирлари, турк шоирлари неча дафъалар ёзганлардир. Ҳаммасида ҳикоя бирдир ва воқеа бир ту(р)лидир. Бироқ форсча – туркча билган бир киши уларнинг форси(й)ларидан Низомийни, ондан кейин Жомийни ўқийди. Хусравга¹ келгач, Навойини, албатта, уларга таржиъ қиладир². Фузулийни кўргач, Навойининг³ “Лайли, Мажнун”ини тоқчага қўйиб, Фузулийни ўқишга мажбур каби бўладир. Мана булар услубнинг ишидир.

Эски – янги шоирларимиз орасида ишқ, ҳижрон (севги, айрилиқ) йўлида кўп нарса ёзилган, олардаги фикрларнинг бир – бирига ўхшаганлари очиқ кўринади. Бироқ бу йўлда Чўлпоннинг:

*Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайғуларим – ла?
Ҳижроннинг куйини бошлаб,
Йиғловчи чолғуларим – ла!
Севгимдан сўнги малаклар*

Тўб— тўғри кўкками учди?
Кўнглимдан тоза тилаклар
Ёвнингми бағрига тушди?
Ортиқ сен мендан узоқда
Кўзларни ўйнатасанми?
Ортиқ сен бошқа булоқда
Дилларни қайнатасанми?
Ортиқ сен ундаги боғда...
Ортиқ мен якками қолдим?
Фарёғ йўқ... барча жаҳон жим
Ер ютса яхши шу чоқда!...
Кетдингми сен мени ташлаб,
Қолдимми қайғуни бошлаб?

деб йиғлагани бутунлай янги нарса каби севилиб ўқилади. Бу—да услубнинг ҳунаридир. Услубдаги бу ҳол тубан, кучсиз, адиб—ёзгучиларнинг асарларида ўзини очиқ кўрсата олмайди. Кучсиз ёзгучиларнинг услублари бир—бирига ўхшаб қолади. Улар оддий услубда, умумий тил услубида ёзади. Шoir ёзгучи санъаткорликда кўтарила борган сайи(н) ўзига махсус бир услуб ярата бошлайди, шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, уларга яраша бир услуби ҳам борлиққа чиққан бўлади. Гўзал санъатларда ҳар миллатнинг ўзига махсус услуби бўлгани каби ҳар замоннинг ўзига махсус услуби бордир.

Шеърда форс услубига берилиб қолган Алишер Навоий ўзининг "Мажолис..." деган⁵ китобида баъзи шоирларнинг таржимаи ҳолини ёзганда "туркона" ёзади, "туркона шеърлари бор" деб кўрсатади, бу "турк услубида ёзади" демакдан бошқа нарса эмас.

Опрўпа санъаткорларининг—да баъзи бир асарларига руҳимизда яқинлик сезилганда "бу шарқ услубига яқинлашибди" деб мақтаймиз.

Мана бунлар ҳар миллатнинг айрича бир услуби борлигини кўрсатади. Ўзимизнинг ўзбек чигатой адабиётини олиб қараганда жуда очиқ кўринади: Навоий, Бобир, Бойқаролар замонидаги услуб билан Умархон, Фазлийлар замонидаги услуб бир эмасдир.

Умархон замонининг услуби билан Муқимий, Авланий замонидаги услуб ҳам бу кунги янги адабиётимизнинг услуби бошқа – бошқа услублардир.

Навойи, Бобир, Бойқаронинг уч газалини бир ёнда, Боту, Чўлпон, Элбекнинг уч шеърини бир ёнда қўюб қарасак, ораларидаги услуб бошқалиғи очиқ кўринадир. Шунинг билан Навойи, Бойқаро, Бобирдан ҳар бирининг ўзига махсус бир услуби бўлгани каби Боту, Чўлпон, Элбекларнинг ҳам ўзларига махсус услублари бордир. Демак, услуб замон билан ўзгаргани каби шахс билан ҳам ўзгарадир. Ҳатто, яна бироз чуқурроқ бориб, бир кишининг сочим – тизим⁶ ёзганида ҳам услубнинг ўзгариб қолганини кўрамыз. Навойининг услуби тизимда ҳашаматли бир оҳанг билан юрадир, сочимда эса оғирлашиб қоладир. Яна бир оз ингичкарақ қараганда, бир шоир услубининг асарнинг мавзўига кўра ўзгарганини ҳам кўрамыз. Навойининг "Лайли, Мажнун"идаги ўйнаб қайнаган услубини унинг "Лисону – т – тайр"ида кўриб бўлмайди. Бироқ бу ўзгаришлар (яъни асарнинг шакли ё мавзўига кўра бўлган ўзгаришлар) асосий эмасдир. Навойи ҳам Чўлпоннинг услублари тизим – сочимда, ё мавзўига кўра ўзгармак билан уларнинг "ўзлик"ларини (шахсиятларини) йўқотмайди. Чўлпоннинг Чўлпонлиги, Навойининг Навойилиги бу шоирларнинг тизим – сочим асарларида мавзў ўзгаришига қарамасдан кўруниб турадир.

Булардан бошқа услубнинг синфига кўра ўзгариши бор: бизнинг Ўрта Осиё ҳижрий тўртинчи асрнинг⁷ сўнглиридан бошлаб ислом – эрон маданияти таъсирига қаттиг берилган. Ислом маданияти билан озиқланувчи бир мадраса – сарой гуруҳи пайдо бўла бошлаган. Бу синфнинг энг ҳашаматли кунлари, олгун даври машҳур жаҳонгир оқсоқ Темур ҳам унинг болалари замонида бўлган, ҳижрий тўққизинчи асрнинг⁸ бошларидагина "Юсуф, Зулайхо"сини ёзган Дурбекдан Навойи, Бобир, Умархон, Фазлийларгача, о(н)лардан замондошимиз бўлган Муқимий, Камийларгача етишкан бир турли шоирлар бор. Булар ҳалиги эрон – ислом таъсири остида қолиб, сиртдагина қурилган дабдалар, ҳашаматларни севгучи сарой – мадраса синфига қаратиб шуларга ўқутғали ёзар эдилар. Булар ўзларини юқори синф

атаган аристократ шоирларимиз эдилар. Шулар билан бирликда буларни сиртдаги дабдабаларига қарши ўзининг ёлғузгина самимийлиги билан ўзини сақлашга тиришқон бир адабиётимиз бор.

Булар халқ орасидан чиққан, халққа, кўпчиликка қаратиб ёзган, сўйлаган шоирларимиз, бахшиларимизнинг асарларидир. Аҳмад Яссавий, Қул Сулаймон ҳикматлари, Машраб шеърлари ким томонидан ўқилгани онглашилмаган "Аҳмадбек", "Зуфунун" дostonлари, Хивада Андалиб исми бир халқ шоири томонидан ёзилган "Юсуф, Зулайхо" шу қаторга кирадир. Булар ҳамки синфга, сарой – мадраса синфлариға қаратиб ёзмаганлар. Кўпчиликка сиртдаги дабдабага кўра самимийликни севган элга қаратиб ёзганлар. Шунинг учун буларнинг услублари билан юқори даражада шоирларимизнинг услублари орасида ҳам тоғлар қадар айирма, бошқалиқ бордир.

Навоийнинг тизим асаридан:

*Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти,
Шиоъи хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.*

*Қазо фарроши чекти субҳи сиймин бир сунпургисин⁹,
Музаҳҳаб парларин андоқ, ки товуси ҳарам чекти.*

*Муаззин Каъба тои узра гулбонги Самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти.*

*Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамгаким ошиқ,
Бу муҳлик шоми ҳижрон ичра юз ҳумони ғам чекти.*

*Замона кулди ул ғофилгаким, даврон ситам тиғин,
Анго урмоқни онглаб ўзгага тиғи ситам чекти.*

*Хушо улким, мунингдек чоғ, вафосиз умрни онглаб,
Сабуҳи жомини аҳбоб бирла гамбадам чекти.*

Навоийнинг сочим асарларидан¹⁰:

*Тоғ, тоғ ниёз рафъидан сўнгра фоф, фоф иҳлос юзидан
маъзур улким: бу фаслдаким наврўз насимининг мушкбезлиги
булут мизожин ҳавойи қилибтур; лолодек савдойилиқдан тоғ
ҳавоси, булутдек ҳавойилиқдан қиё савдоси бошга тушти.*

Бобирнинг тизим асарларидан¹¹:

*Даҳрнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглим чекмаган гарду балоси қолдиму?*

*Мени хор эт(т)ию қилди муддаъини парвариш,
Даҳридунпарварнинг ўзга муддаоси қолдиму?*

*Мени ўлтирди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму?*

*Ошиқ ўлғач кўрдим ўлўмни ўзимга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглимнинг бу оламга ҳавоси қолдиму?*

*Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тангри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?*

Бобурнинг сочим асарларидан ("Бобурнома"дан)¹²:

*Яна Ҳусайн Удуй эди. Удни мазалиқ чолиб, мазалиқ
нарсалар айтур эди. Уднинг торини ики қилиб бир чолибдур.
Айби бу эдики, бисёр ноз ила чолур эди. Шайбонийхон бир
навбат соз буюрур. Такалуф қилиб ҳам ёмон--ёмон чолур:
ҳам созини келтирмай ярамас соз келтирур.*

*Шайбоний фаҳмлар. Буюрурким: суҳбатга - ўқ галаба
"гардани" урар. Шайбонийхоннинг оламга бир яхши ишиким
бор, будур...*

Умархондан¹³:

*Эй кўнгул, ҳолингни ёшурмоққа имкон қолдиму?
Фош бўлмай ишқ сирри ҳеч пинҳон қолдиму?*

Фурқати шомига аҳволимни сўрмай, эй рафиқ,
Ким: "Сенга лаълидан айру тушкани жон қолдиму?"

Дема сунбул: "Ман киби ҳолинг надан ошифтадир?"
Зулфига нисбат топан бўлмай паришон қолдиму?"

Чатр урмиш жисм оро кўнглим қуши товусдек,
Кўнглима билмамки асри доғи пинҳон қолдиму?"

Кўзгу изҳори таҳайюр айламиш мендек, Амир,
Бир боқиш бирла онинг юзига ҳайрон қолдиму?"

Чўлпоннинг тизим асарларидан¹⁴:

Тола йўлларидан..."

Тола йўлларидан юриб борамен:
Ҳар япроқ бошимда битта елпиғич,
Юмшоқ ел ...
Юзимни буриб юрамен,
Ҳисларим ел каби енгил ўйнағич...
Кичкина ариқнинг пастак шовваси,
Майин товуш билан "шов"лаб турадир.
"Ай, кўпол шаҳарнинг жанжал-ғовғаси,
Тола йўлларида мен бораман!" дейдир.
Тола йўлларида телбалар каби
Эртадан кечгача мен ҳам чопамен.
Афсоналардаги дарбадар каби
Кимсасиз ерларга қўюн очамен.
Кимсасиз ерларда сирлар айтилди,
Ғафлат уйқусидан уйғониб кетдим.
Янги нашидалар дилга бетлади,
Уларда туганмас маъни дарж этдим.
Шовва товушлари эркин шеъримга
Олтун қанот тақти афсоналардан:
Олқишлар қўзғалди гул-лолалардан,
Ўзлик ёт кўринди турган еримга...
Ўзликдан ташқари бир дунё кўрдим...
Иккимиз ўшанда оқиб борамиз,

Фоний қирғоқларни йиқиб борамиз,
Ҳақиқий "бирлик"га шунда йўл бўлдим!

Шу он... "ўзлик"ларни уруб борамен,
Тола йўлларидан юруб борамен!...

Чўлпоннинг сочим асарларидан¹⁵:

Самандар ака уйига келгунча кўнглидаги туйғу билан тортишиб келди. Ўзининг пири—устозига тузукгина, каттагина, иложи бўлса, бошқа муридлар бера олмаган бир нарса бермакчи эди. Бироқ уйда арзигудек бир нарса йўқ. Арзийтурган нарсалари бўлса, барчаси қарзга кетган...

Кўб ўйлади. Бироқ ҳеч бир нарсага кўнгли ҳарф топмади, агар илгариги вақт бўлса олақашқани тўтар эдим...

Кўнгли оғриди: бир замонги бойликлари, давлатлари эсига тушди. Олақашқаси, тўриқ йўрғаси, бўйи тевадек масковзовут оти... уч файтун, ер—суви... унча—мунча беришни ўзига эп билмади. Бошқа нарсаларни босиб кетгундек бир нарса беришка ўйлар эди.

Элбекнинг тизим асарларидан¹⁶.

Бибихоним мадрасаси
"Ўтмишдан эсдалик" дегим бунни мен
Чиндан—да эсдалик учун ярашар:
Қув—қувлаб рақс урған бир кўб кўгарчин,
Менга ўтмишлардан эртак айтишар.
Бир замон кўкларга қанот ёзған бу
Севикли муҳташам, ҳайбатли бино,
Емрилиш соатин кутгандай бўлуб,
Кўрунур кўзларга қайғилиғина.

Ер юзин титратган зўр ботирларнинг
Ўлгач қолдирғучи суякларидай,
Ер узра тўпланған кирпич йиғини
Юракка урадир алам тиғини.
Нетайин билмаймен мен ҳеч йиғини!
Билсайдим бошлардим йиғи—сиғини!

Кўзим ёш ўрнига олов сочадир,
Йимрик ўринларга қўйним очадир.
Олтин—ла ёзилган таърих бетига
Қарайдир, ўзига боблар очадир.
Ўқийдир бул бобда бундайин маъни:
"Ҳар бир иш бир ҳолда қолмағай", яъни:
Ҳар бир камчилик қолмас мангулик:
Бир кун чиққуси яна янгилик...

Эл шоири Андалибнинг "Юсуф, Зулайхо"сидан:

Кўрмасам бир замон тоқатим йўқдир,
Мени зор инграгиб, қўзим, айрилма.

Сен кетарсан, мен қолурман зор йиғлаб,
Ҳижрон ўти бирлан бағримни доғлаб,
Қайси бир ошнодин сени сўроғлаб,
Шунқорим, лочиним, қўзим, айрилма.

Мана шу ўрнаклар¹⁷ Навоий замони, Умархон замони ҳам бу куннинг услублари орасидаги айирмани кўрсатгани каби бу шоирлардан ҳар бирининг ўзига махсус бир услубини ҳам кўрсатадир, ҳам оларнинг тизим—сочим асарларидаги ўзгариш кўриниб турадир.

ИЗОҲЛАР

БАДИИЙ СЎЗ ТАБИАТИ, ШОИРЛИК ТАЪРИФИ

АБУ НАСР ФОРОБИЙ «ШОИРЛАРНИНГ ШЕЪР ЁЗИШ САНЪАТИ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА»дан

Форобийнинг ушбу асари Арасту Ҳақим (э.р. ав. 384 – 322)нинг машҳур "Поэтика" ("Нафис санъат китоби") асарига шарҳ тарзида ёзилган бўлиб, асар Лондондаги "Индиан офис" ("Ҳинд девони") кутубхонасида сақланади. Асар 1937 йилда Артур Арберри томонидан ва 1963 йили араб олими Абдураҳмон Бадавий томонидан нашр эттирилган. Форобийнинг "Китобу – ш – шеър" асари ҳозирги кунда Братиславада сақланаётган мантиқ илмига оид асарлар қўлёзмаси (уч жилда) билан бир муқова остига кирган. Бу асарлар ўн қисмдан иборат бўлиб, математика, мантиқ санъати, категория, ибора, қиес, таҳлил, музолаф, бурҳон (исбот, далил), диалектика, ҳандаса, ниҳоят сўнгги ўнинчи бўлим – «Шеър китоби»дан иборат.

Форобий асарларининг ҳассос таржимони А. Ирисов амалга оширган сўнгги нашр асосидаги матн ушбу мажмуага киритилди. Асар дастлаб "Шоирлар санъати қонунлари ҳақида" сарлавҳаси билан Абу Наср Форобийнинг "Шеър санъати" китобида (Т.:1979) ва "Аристотель. Поэтика" (Т.:1980; 2004) асарига илова равишда эълон қилинган. Қайта нашрда таржимон фақат асар сарлавҳасини ўзгартирибгина қолмай, балки унинг матнини аслига солиштириб чиққан, эътиборга молик тузатишлар қилган. Демак, ушбу нашрга асос булган манба: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.116–125.

Табииyki, асардан айрим намуналар сайлаб олинди. Таржимон изоҳлари қолдирилди ва (тарж.) белгиси қўйилди. Қуйида тушунилиши қийин булган истилоҳ, исм ва тушунчаларга шарҳлар берилди.

1. Арасту Ҳақимнинг "Поэтика" асари шундай арабча ном билан мантда келади. Асарнинг ўзбекча нашри учун қаранг: Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). Русчадан М. Маҳмудов ва У. Тўйчиев таржимаси. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 150 б; Арасту. Поэтика, Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.

2. *Софистика* – (арабчада "ал – муғолата" – тарж.) юнонча сўз бўлиб, "музокарани айёрлик билан олиб бориш" маъносини аниглайди. Софистика фалсафий оқим сифатида қадимги Юнонистонда шаклланган.

Илмий мулоҳаза ва исбот – далиллардан кўра кўпроқ фараз ва тахминларга таяниб иш кўради. Софистика формал логика талабларидан четга чиқиб бўлса – да, сўз усталлиги ва нотикқ устамонлиги билан воқеа – ҳодисанинг аслидан маънони олиб қочишга хизмат қилган ўринлари ҳам бор. Форобийнинг "Фалсафату Аристотелис" («Арасту фалсафаси») асарида шундай таъриф бор: "Арасту айтиб ўтган айёрликка асосланган бу санъат унинг фикрича, одамни ҳамда бошқа биров томонидан биладириладиган фикрни рад этиш ва машқларга асосланган санъат воситаларидан чаалгитувчи санъат бўлиб, уни у "ас – суфитаний" ("софистика") деб атайдди".

3. "Софистика санъати" – Арастунинг асари. "Софистанийа" деб номланган асар "О софистических опровержениях" сарлавҳаси билан М. И. Иткин томонидан русчага таржима қилинган. Асарнинг тўла матни учун қаранг: Аристотель. Сочинения. – Т. 2. – М.: Мысль, 1978. – С.533 – 593.

4. Тақлид – аввалги нашрларда "ўхшатиш" сўзи келади. Ушбу истилоҳ биз тушунган маънодаги "ташбиҳ" ёки "тақлид" эмас, балки Арастунинг "Мимесис" назариясидан (ҳаётга тақлид қилиш эмас, балки ижод қилиш, иккинчи, янги ҳаёт яратиш) келиб чиқиб тушунилади.

5. Софист – Юнонистонда эр. ав. У – IV асрларда айрим файласуфлар гуруҳини шартли равишда шундай атаганлар. Асл софистларнинг асарлари бизгача етиб келмаган. Аристофан "Булултар" комедиясида Сукротни "софист" сифатида талқин қилган. Манбалардан маълум бўлишича, софистлар Протагор, Горгий, Антифонт ва бошқалардир.

6. Тақлидчи – бу ерда ижодкор маъносида. Чунки Арасту санъатга таъриф бераркан, уни "табиатга тақлид" деб атаганини унутмаслик керак.

7. Индуктив – факт ва воқеаларга рационал баҳо бериш. Арасту талқинича, ўхшаш нарсаларга нисбатан бир ҳукмрон қарашнинг вужудга келишидир. Индуктив метод, кўпинча, аниқ фанларда (математика) ва мантиқ илмида алоҳида назария сифатида қўлланилади. "Мулоҳаза"ни ўрганувчи мантиқ илмининг қисми ҳам "индуктив мантиқ" деб номланади.

8. Аналогия – юнонча бу сўз "қиёс", "мос келиш" деб таржима қилинади. Бирор предмет ёки ҳодисадаги қатор унсурларнинг мос келиши асосида улар ҳақида муайян хулосага келинган ёки ўша предмет ва ҳодисаларнинг хоссаси (умумий хусусиятлари) аниқланган. Индуктив методда ҳам "аналогия"нинг ҳиссаси катта.

9. Бурҳон – арабча сўз бўлиб, ҳужжат, далил маъноларини билдиради.

10. Диалектик (жадалли) – юнонча ушбу сўзнинг луғавий маъноси "мунозара қилиш" санъатидир. Алоқа ва муносабатлар, ҳолат ва тараққиёт, билиш ва ўрганишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот бўлиб, бу илмнинг илдизи Сукрот фалсафасига боради. Афлотун ва Арасту илмда диалектик услуб (қараш)нинг шаклланишида хизмат қилган. Диалектика фанининг отаси Ҳегел ҳисобланади.

11. *Риторика* – нафақат хитоб, нутқ, балки нотиклик санъати ҳам шу сўз билан юритилади. Қадимги Юнонистонда нотиклик санъати жуда ривожланган бўлиб, унинг отаси Цицерон (э. ав. 106–43) санаган.

12. Бу ерда "тўқилган", "ижод қилинган" маъносиде. Шоир Э.Воҳидовнинг "шеър – муқаддас ёлгондир" иборасини эсанг.

13. Силлологизм – дедуктив фикрлашнинг шакли бўлиб, у мантиқ илмида икки мулоҳаза асосида (субъект – предикат) мутлақ бир хулосага келишдир. Ушбу назария билан шугуланувчи мантиқ иамининг алоҳида бир узвий қисми "силлологистика" вужудга келган.

14. *Интуиция* – ушбу латинча сўзнинг луғавий маъноси "изчил кузатиш" бўлиб, исбот – ҳужжатсиз воқеанинг асл моҳиятига кўпинча интуиция (фаҳмлаш) орқали эришилган.

15. Форобийнинг шеър (умуман, бадиий адабиёт) навъларининг турлари хусусидаги фикрлари билан мажмуанинг "Адабий турлар ва шеър навълари" бўлимида танишасиз.

16. Қуръони каримнинг «Шуаро» сурасидаги шоирлар ҳақидаги фикрларга ишора бор. Эсингизда бўлса, Каломуллоҳда «Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни ўзларига еқиб қолган энг тубан кимса е нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, еқтирмаганларини тупроққа қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айгишларини кўрмадингизми?! Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Аллоҳни ёдда тутган ва (магари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислам зафар тошча) голиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздиргүвчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар» (26:224 – 227) дейилган эди.

17. Одатда предмет ёки кишилар лотин ёзувидаги бош ҳарфлар билан белгиланса, А В С Д... ва ҳоказо тартибида келади. Араб алифбосида эса, (алиф) ва (бе)дан сўнг, унга шаклодош бўлган (те) ва (се) ҳарфлари белгиланишда иштирок этмайди. Шунинг учун навбатдаги ҳарф (жим) кейинги белгиланишни ифодалайди.

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ "ҚУТАДҒУ БИЛИГ" дан

Илк турк достони сифатида алабиётимиз тарихидан ўрин олган бу асар Оврўпада ҳам машҳур бўлиб, хорижий мусташриқлар Жоуберт Амадей (1823), А. Вамбери (1870) ва В. Радлов (1891–1900) томонидан нашр қилинган. Н. Гребнев таржимасида 1963 ва 1971 йиллари Тошкентда ва 1983 йида Москвада чоп қилинган. Юртимизда ушбу асардан намуналар дастлаб, Фитратнинг "Ўзбек адабиёти намуналари" (1928) мажмуасининг I жилида, ниҳоят, 1971 йили Қаюм Қаримов томонидан ўзбекча изоҳли таржимаси билан бирга нашр қилинган. 1990 йида ҳозирги ўзбек тилидаги насрий баёни Б. Тўхлиев томонидан амаага оширилган.

Намуналар келтирилаётган манба: Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи ва

сўзбоши муаллифи Қажом Каримов. — Т.: Фан, 1971. — Б.85—93, 101, 199—201, 203, 205—207; 657; 949.

Мажмуада келтирилган намуналар бутунги китобхоналарга тушунари бўлсин учун матн ҳозирги ўзбек тилидаги тавсифи билан бирга берилди.

1. *Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди* — "Сўз" бу ўринда "Аллоҳнинг сўзи", яъни Қуръони карим маъносида келган.

2. *Сой тоши* — сув остидаги тош маъносида. Бу ўринда жавоҳирдан фарқлаш учун оддий тош назарда тутилган.

3. *Нобино* — кўрмайдиган киши.

4. *Элиг* (асар қаҳрамонларидан) Ойтўлдига тилнинг зарарини гаширдинг (ушбу парча мажмуанинг "Тил одоби" қисмида келтирилган), энди "Тилнинг нафъидан сўзлаб бергин" деган талабига кўра ушбу жавоб берилган.

5. Донолар "йилқи", "пода" деб атайти маъносида.

6. Элигининг "Сўзнинг ози қайсию, кўпи қайси?" саволига жавобан ушбу келтирилган.

7. *Ангозала* — текисла.

КАЙКОВУС "ҚОБУСНОМА"дан

"Қобуснома" 44 бобдан иборат бўлиб, бундан тўрт боби илоҳиёт масалаларига ва қолганлари дунёвий илм ва ҳуналарга бағишланган. Асарнинг 35—боби "Шоирлик ҳақида" деб номланиб, бунда муаллиф шоир бўлишликнинг ибтидоий талабларидан, бадий шеърга завқ бағишлайдиган маъно ва вазн жиҳатларидан сўз юритган. Ушбу асарнинг Отаҳой таржимаси ("Мавъизатномаи Кайковус") устоз педагог С. Долимов томонидан таъдил қилинган ва бир неча марта нашр қилинган. Нашр учун асос бўлган манба: Кайковус. Қобуснома. Тузатилган иккинчи нашри. Сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи С. Долимов. — Т.: Ўқитувчи, 1968. — Б.97—99.

1. *Альал* — тўла, солим маъносида. Аруз истилоҳотида бу сўз ўрнида кўпинча солим келади.

2. Мажмуанинг "Шеър илми" бобида айни истилоҳларнинг кўпчилиги келтирилгани учун уларга айрим-айрим изоҳлар бериш лозим кўрилмади.

3. Бу ўринда "арузнинг оғир вазни"да деб тушунилиши лозим. Аруз илмида "Комил" ва "Мутадорик" баҳрларининг 16 рукнали вазни оғир вазн экани қайд қилинган.

4. *Тахаллус илми* — шеърда фақатгина маъқул тахаллус қўллаш эмас, балки уни газал мақтаъсида вазн ва шаклга мувофиқ тарзда қўллаш ҳам назарда тутилган.

5. *Аруз доиралари* — аруз баҳрларини баён қилишда маълум даражада енгилликлар туғдириш учун жузв (Навоийда "рукн" истилоҳи қўлланилган, Бобурнинг "Аруз рисоласи"да айни истилоҳ учрайди)ларга нисбатан тенг ва ўзаро бир-бирига ўхшаш баҳрларни жамъ қилиш учун доиралар қабул қилинган.

Изоҳлар

6. *Бесутун тоғи* – Эроннинг гарбида жойлашган тоғда барельеф – тошга ўйилган суратлар бор. Бу осори атиқа Доро I тилидан езилган бўлиб, машҳур Фарҳодга тегишлидир.

7. *Дулдул* – Диний ривоятларга кўра, Пайгамбаримиз с а в кувелари Ҳазрат Алига тортиқ қилган (учар) от.

8. *Раши* – афсонавий қаҳрамон Рустамнинг (Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си) учар оти.

9. Пайгамбаримиз с. а. в. Буроқ отли учар отда Меърож кечаси Аллоҳ таъоло ҳузурига борганлар.

10. *Ҳажв* – Кайковус даврида, айниқса, газнавийлар саройида қасидачилик авжга минган бўлиб, ҳажв ёзиш нисбатан тубан касб саналган. Машҳур Фирдавсий "Маҳмуд Газнавий ҳажви" учун қандай маломатларга қолганини эслатмоқчи бўлади.

НИЗОМИЙ АРУЗИЙ САМАРҚАНДИЙ

«ЧАҲОР МАҚОЛА»

(«Нодир ҳикоятлар»)дан

Шарқда "Мажмаъу-н-наводир" ёки "Чаҳор мақола" номи билан машҳур бўлган ушбу асар ўзбек шоирлари учун ҳам дастуруламал бўлган. Хусусан, Алишер Навоий унга юксак баҳо берган. Асарнинг тўрт қўлезма нусхаси илм аҳлига аён бўлиб, улар орасида 1432 йили Ҳиротда Бойсунғур Мирзо ташаббуси билан кўчирилгани энг мўътабар нусха ҳисобланади. Ҳозир у Истанбулда сақланади. "Нодир ҳикоятлар" 1899 йили Эдуард Броун томонидан инглиз тилига таржима этилиб, нашр қилдирилган. Сўнгра Техронда Муҳаммад Қазвиний (1910), Муҳаммад Муъин (1957) томонидан ҳам нашр қилинган. Шунингдек, асарнинг урду ва турк тилларидаги таржималари ҳам мавжуд. Ушбу асар ўзбек мумтоз шоирлари томонидан қабул қилинганига қарамасдан, ўзбек тилига таржима қилинмаган эди. Бу ишни шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний амалга оширди. Мажмуадаги парча қуйидаги манба асосида нашрга тайёрланди. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Сўзбоши муаллифлари Н. Норқулов, Ҳ. Ҳомидов. – Т.: Фағур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 – Б.31–32.

1. *Қиёс* – Форобий асарида тилга олинган "аналогия"нинг айна ўзи.

2. Шарқда шеър шаклида ифода қилинган турли илмларни, хусусан, илоҳиёт, фалсафа, мантиқ, нужум (астрономия) ва тиббиётга доир асарларни учратиш мумкин. Ибн Синонинг "Уржуза" тиббий достонини эсланг.

3. *Шеър навълари* – бу ўринда мумтоз адабиётдаги шеър шакллари (жанрлари) назарда тутилган.

4. Абулҳасан Сарахсий Баҳромий (XI аср) асарлари: "Ҳояту-л-арузайн" («Икки арузнинг чегараси»), "Канзу-л-қофия" («Қофиялар хазинаси»), "Нақду-л-алфоз" («Иборалар қиймати»), "Сарикат" («Кўчириб олувчилар»), "Тарожим" («Таржимайи ҳоллар»).

5. *Мамдуҳ* – мақталган, мадҳ этилган.

6. *Рудакий эришган баҳан* — шоирни Бухоро ҳокими Наср II ибн Аҳмад Сомоний (914–943) саройга тақлиф этиб, «шоирлар султони» унвонини берган, у шухрат ва дабдаба билан умр кечирган, бироқ умрининг сўнггида саройдан қувилиб, ўз қишлоғига қайтган.

АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ "ҲИБАТУ—Л—ҲАҚОЙИҚ" дан

Асарнинг ўз даврида ёзилган қўлёзма нусхаси топилаганича йўқ. Нисбаган дастлабки қўлёзмалардан бири уйгур ёзувида Зайнобиддин котиб томонидан Самарқандда кўчирилган (246 байт), иккинчи нусха Истанбулда Абдураззоқ баҳши томонидан (уйгур ва араб ёзувида) кўчирилган. Булардан ташқари асарнинг унчалик тўла бўлмаган яна тўрт нусхаси мавжуд. Асар номини "Айбату—л—ҳақойиқ" («Ҳақиқат эшиклари»), "Атабату—л—ҳақойиқ" («Ҳақиқатлар сандиги») тарзида ўқилиш ҳам мавжуд. "Ҳибаату—л—ҳақойиқ"ни ҳозирги китобхон учун тушунилиши енгил бўлишини назарда тутиб, унинг ҳозирги ўзбек тилига изоҳли таржимасидан фойдаланилади. Нашр учун асос бўлган манба: Қ. Маҳмудов. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибаату—л—ҳақойиқ" асари ҳақида. Танқидий матн, транскрипция, шарҳ ва луғат. — Т.: Фан, 1972. — Б.234—236, 242, 245.

1. Сўнлик — суяк.

2. Ушбу ва бундан кейинги "Пайғамбар сўзлари" деб келтирилган ҳикматларга мос мазмун айрим Ҳадисларда бор.

3. Ушбу сўзлар Қуръони каримдаги "Ҳар билгувчининг устида бир билгувчи бордир" («Осуф» сураси, 76—оят) ҳикматининг мазмунига ҳамохангдир.

4. Ажам — араб бўлмаган мусулмон ўлкалар.

5. Ушбу байтдан анвал матнда "Алайҳи—р—роҳма Амир Сайфиддиннинг таърифи" изоҳи бор.

САЙФИ САРОЙИ "ГУЛИСТОНИ БИТ—ТУРКИ" дан

Саъдий Шерозий "Гулистон" асарининг эркин таржимаси бўлган бу асарда шоирлик ва шеър сифатига доир талайгина кузатишлар бор. Асарнинг муқаддимаси ва Хотима қисмидан айрим намуналар берилди. Асар сўнггида шоирлар ҳақида қисқа манзума мавжуд бўлиб, унда муаллифнинг шеърят ҳақидаги қисқа ва аниқ мулоҳазалари баён қилинган. Парча келтирилган манба: Сайфи Саройи. Гулистони бит—турки. Китобда: 14 аср Хоразм ёдномалари. — Т.: Фан, 1973; Уч булбул гушани. — Т.: 1986. — Б.170—172; 325.

1 *Тақаттуён* — тақтиъ ўлчови, шеърнинг аруздаги баҳрини аниқлаш.

2 *Насоих* — насиҳатлар.

3 *Тўли* — телбаланиш, ошuftталиқ.

4 *Масобиҳу—л—қулуб* — қалблар ардоғи, мартабаси.

5 *Муфарраҳ* — шодлик келтирувчи.

- 6 Малул — ранжиган, ғамгин.
- 7 Эйлу — эзгу, яхши ном.
- 8 Ҳожибу-л-хужжоб — Ҳожиб: эшик оғаси; бу ерда: ҳожибларнинг ҳожибии.
- 9 Ергу — ёзги, номалар.
- 10 Танаъум — ноз — неъмат билан парваришлаш.
- 11 Жуд — сахийлик.
- 12 Бадр — тўлин ой.
- 13 Форис — тинчиган.
- 14 Меҳтар — улуғ.
- 15 Мубассир — назоратчи.
- 16 Муфиг — фойдали.
- 17 Дурар — дур, гавҳар. Мажозий маънода: маънили сўз.
- 18 "Ҳалво деб шолғомдан ясалган сунъий таомни ёйди" маъносига.
- 19 Ўш — ўшал.
- 20 Ложарам — иложсиз, чорасиз.
- 21 Ануқ — аниқ.
- 22 Асарнинг ёзиб тамомланган санаси ҳижрий 793, милодий 1390—91 йиллар.
- 23 Ҳасуд — ҳасадуғй.
- 24 Ёзуқларини ярлига — гуноҳларини мағфират қил.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ "СИЛСИЛАТУ-З-ЗАҲАБ"дан

Ушбу дoston Жомий "Хамса"сига "Соломон ва Абсол" билан биргаликда қўшилиб, "Ҳафт авранг"ни ташкил қилади. Дostonнинг биринчи дафтарида олинган манзум парчаларда бир қатор ибратли ҳикоя ва масаллар, сўнгра "Ишқ афсонасидан танаамалар" ҳамда "Шеър тўғрисида", "Улуғ шоирлар хотираси" ва бошқа руқналар остида баъдий сўз табиатига доир Жомийнинг эстетик қарашлари акс этган. Келтирилган намуналар Васфий таржимасида берилди. Нашрга асос бўлган манба: Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 (Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш. Шомухамедов). — Б.173—174, 176, 178—179.

"УЛУГ ШОИРЛАР ХОТИРАСИ"

1. Тирилган — тирилтирган. Вазн ва қофия талаби билан сўз бузилган ҳолда келяпти.
2. Маънада ушбу сатрдан сўнг Руджий, Муаззий, Анварий, Ҳоқоний, Шайх Саъдий, Санойй, Низомий ва бошқа шоирлар тавсифи берилган.
3. Нуқта — маънолар.
4. Ҳувайдо — аён, равшан; ошқора.
5. Маҳак — тош; олтин ва қумушларга суртиб унинг сифатини аниқлайдиган маъдан.
6. Қофиясанж — "санж"нинг луғавий маъноси тортувчи, чекувчи бўлиб, ўзига тортувчи, гўзал қофия маъноларида келган.

Изоҳлар

7. *Сарроф* – луғавий маъноси: пул майдаловчи. "Осмон саррофи" дейилганда "Осмондан зар каби сўз емғирини еғдирувчи суҳандонлар" маъносини беради. Ушбу бирикма Навоийда "Чарх саррофи" тарзида учрайди.

8. *Нофа* – мушк оҳусининг киндиги.

9. *Баҳравар* – баҳраманда, баҳра олувчи.

АЛИШЕР НАВОИЙ

«ҲАЙРАТУ – Л – АБРОР»дан

Исломий адабиётдаги анъанага кўра йирик асарлар (жумладан, "Хамса" ҳам) Ҳамд, Муножот, Наът ва бошқа муқаддималардан бошланади. "Ҳайрату – л – аброр"да 4 муножот, 5 наътдан сўнг хамсанавис буюк шоирлар Низомий ва Хусрав Деҳлавий, сўнгра алоҳида бобда Жомий таърифи келади. Шундан сўнги боб (XI) "Сўз таърифи" деб номланган. "Хамса"дан ўрин олган бу назарий баҳслар куйидаги манба асосида нашрга тайерланди: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами (МАТ). Ёттинчи том. Ҳамса: Ҳайрату – л – аброр. – Т.: Фан, 1991. – Б.57 – 58; 60, 61 – 63.

1. *Силеҳр* – осмон.

2. *Жаҳонтоб* – жаҳонни еритувчи.

3. *Маъдан* – кон, манба.

4. *Қирон* – икки сайёранинг бир буржда тўқнашуви, яқинлашуви.

5. *Самин* – қимматбаҳо.

6. *Иҳтирон* – қарин, яъни ҳамсуҳбат бўлмоқ.

7. *Диллазир* – ёқимли, хушрўй.

8. *Тўрт садаф гавҳари* – бу ерда: тўрт унсур – сув, ҳаво, ўт, туپроқ. *Дурж* – қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича (Ноширлар: А. Ҳайитметов ва И. Ҳаққулов изоҳи. Бундан сўнг (нашр.) тарзида берилади.

9. *Етти фалак ажтари* – етти қават осмон.

10. *Қатми адам* – Адам (йўқлик) қатлами.

11. *Нуҳуфт* – яширин, пинҳон; гунча.

12. *Нотугуфт* – очилмаган.

13. *Гулфишон* – гул сочувчи; хушбўй ҳид таратувчи.

14. *Зуфунун* – илм, билим эгаси.

15. "*Кофу нун*" – арабча "к" ва "н" ҳарфи бир – бирига қўшилса, "кун!" бўлиб, "ярат!"; "ижод қил" деган маъноларни билдиради (нашр.)

16. "*Коф*" ила "нун" *зодаси* – Исломий талқинга кўра, "Кун! – Ярал" деган Аллоҳнинг буйруғи билан, бутун мавжудот яралмишдир. Бу ерда "яралмиш"ларнинг энг улуғи Инсон васфи келади.

17. *Волид* – ота; *валад* – ўғил фарзанд.

18. "Сўз жон бўлиб, руҳ анинг қолипидир. Кимнинг танида руҳи бор бўлса, у сўзга эҳтиёж сезади" (нашр.)

19. *Ҳуққа* – қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича. Бу ерда: маъшуқанинг оғзи.

20. "Тилни агар пўлат ханжар дейилса, унинг қадалган инжулари сўзидир" (нашр.)

21. Бу чаман – инсоният ва ҳаёт чамани (нашр.)

22. Фасиҳ – фасоҳатли; чиройли сўзловчи.

23. Масиҳ – Исо Пайғамбарнинг лақаби. Диний афсоналарга кўра, Исо ўз нафаси билан ўланларни тириштириш, жон ато этиш қобилиятига эга бўлган. "Яхши сўз билан ўлганни тирилтира олгани учун Исо пайғамбар ўзини "жонбахш" лақаби билан атаган", – дейди шоир (нашр.).

24. Халил – Иброҳим пайғамбарнинг лақаби. Диний афсоналарга кўра, Намруд Халилни ўтда ёқиб ўлдиримоқчи бўлган, лекин у ўз поклиги туфайли ўлмаган (нашр.)

25. Жаброил – Ислом динида тўрт фариштадан бири. У Худо билан пайғамбар ўртасида элчилик қилган. Ушбу сатрлардаги маънода ҳам шунга ишорат бор: "Жаброил ҳам сўз юкига ҳаммол бўлган" (нашр.)

26. Ганжи роз – хазинанинг сири.

27. Нўш лаб – лаб суви.

28. "Агар – бир гўзал ҳар қанча чиройли ва ойқозли бўлса – да, лекин гаширмаса, девордаги суратдан фарқ қилмайди" (нашр.)

29. Оддий сўзлашувда ёлгондин эътиборсиз – нописанд нарса йўқ. Лекин назмдаги ёлгон, ҳатто доноларга ҳам маъқул, яъни назмда муболағага йўл қўйилади, дейилмоқчи. Бу байт Алишер Навоийнинг адабиётда бадиий тўқима, муболаға, фантазиянинг роли тўғрисидаги эстетик қарашини акс эттиради (нашр.).

30. "Тиш инжулари оғизда терилиб турса, назмдай кўркем бўлади, оғиздан тушиб насрдай сочилса, қиммати кетади". Ўз даври анъанасига кўра, бу ерда Навоий насрга нисбатан назмга юқори баҳо беради (нашр.).

31. Бу байт ташбиҳ санъати асосида қурилган. Унда шоир бордаги гул ва дарахларни назмга, тоғдагиларни (улар ўтин ҳисобида қаралади) насрга ўхшатади (нашр.).

32. Гафур – кечирувчи, мағфират қилувчи; яъни Аллоҳнинг сифатларидан бири.

33. Азми нишот – шодлик, сурурга ингилиш.

34. Човуш – сарой хизматчиси.

35. Бу ва бундан кейинги тўрт байтда назмнинг насрдан афзалликлари шатранж – шахмат ўйини мисолида асосланган: "Шахмат тахтасига доналарни тўккан одам унинг егоч доналарини қанча мақтамасин, у чиройли кўринади шу вақтдаки, биров – икки томонга у доналарни икки қатордан қилиб терса. Шахматнинг икки томонидаги икки қатор худди икки мисра шеърга, тўрт қатор эса шеърнинг икки матлаъига ўхшаб кетади. Бундаги ҳар дона ажойиб муаммо бўлиб, уларнинг орасида отлар ҳам пайдо бўлади. Одам қанча тўғри фикр қилмасин, бундан озгина паршонликка йўл қўйса, отнинг юриши туфайли мот бўлиб қолиши мумкин" (нашр.)

36. Шероза – китоб қатламларини ишак билан тикиб, муқовалашга тайерлаш.

37. Бу икки сатрда гулнинг ўз шоҳида очилиб туриши назмга, хазон бўлиб сочилиши насрга ўхшатишган.

Изоҳлар

38. Эъжоз — мўъжиза кўрсатиш.
39. "Назмда ҳам асл (мақсад) маънидир" (нашр.).
40. *Марғуб* — маъқул бўлган; ёқими.
41. "Ё раббий, назмимни халқнинг дилини ёритувчи қилиб, Хаста Навоийга ҳам яна (шундай ёзишлиқни) насиб эт" (нашр.).

«НАЗМУ—А—ЖАВОҲИР»дан

1485 йилда ёзилган бу асар Ҳазрат Али ибн Абу Толибнинг «Насру—А—луолу» («Наср инжулари») номи ҳикматлар китобига шеърӣ талқин сифатида рубоӣ ва тўртлик орқали муносабат билдирган. Асарнинг сўз таърифи ва Ҳазрат Али ҳикматларига муносабат акс этган муқаддима қисмидан намуна келтирилди.

¹ *Сойири малуқотдин мумтоз ва мажмуи офаринишга сарвар ва сарафроз* — Барча махлуқлардан сараланган, танланган бўлиб, сарвар ва офаринга сазовор бўлганлар (сифатил)нинг йиғиндиси.

² Зоҳирий таржимаси: Одам болаларини сийладик.

³ Зоҳирий таржимаси: Биз инсонни энг яхши тузилиш билан яратамиз.

⁴ *Мужби лутфи каломи фархунда маол* — қутлуғ лутфи каломи сабабли

⁵ *Исо* — диний ривоятларга кўра Исо пайгамбарнинг нафаси ўликни тирилтирар экан. Лақаби Масиҳ.

⁶ *Солиҳ* — Солиҳ пайгамбар, Нуҳ пайгамбарнинг ўғли Сом фарзандларидан. Навоий демоқچики, агар инсон сўз сўзламаса, Исо билан унинг оти ва Солиҳ билан унинг туяси орасида фарқ бўларми эди?!

⁷ *Ноқаси ўртасида не муғоярат бўлғай* — ургочи туя қандай (ноқа) фарқланади. Матнда "Инсон сўз инжулари билан зийнатланмаса Исо билан туя ўртасида, Солиҳ билан ургочи туя орасида қандай фарқ қолади, демоқчи."

⁸ Зоҳирий таржимаси: Инсонлар ақлларига яраша гапирдилар.

⁹ Зоҳирий таржимаси: Шунга ўхшаш сурани келтиришлари(га.)

¹⁰ *Авсат ва одно* — ўргача ва қуйи.

¹¹ Зоҳирий таржимаси: У ўз хоҳиши билан гапирмаяпти.

¹² Зоҳирий таржимаси: Унга очилаётган вақт келяпти.

¹³ Зоҳирий таржимаси: Ҳақиқатан ҳам шеърда ҳикмат ва сехр баён этилади.

¹⁴ Зоҳирий таржимаси: Аллоҳ улардан рози бўласин!

¹⁵ Зоҳирий таржимаси: Мартабаларига лойиқ ҳолда.

¹⁶ *Арши аъзам* — улутвор, юксак арш. Синоними: арши аъло.

¹⁷ *Масиҳи Марям* — Марямнинг ўғли Исо Масиҳнинг ҳаётбахш нафаси ҳам сўз билан ифода этилган.

¹⁸ *Мудғам* — идғом (икки ҳарфни бир—бирига бириктириб айтиш) қилиш.

¹⁹ *Каломумлоҳ иштиғоли* — Қуръон ўқиш билан машғуллиқ.

²⁰ Зоҳирий таржимаси: Ва кўз қораси яширин дурдек.

²¹ Зоҳирий таржимаси: Сочилган дурлар.

ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ «ШОИР АҲВОЛИ ВА ШЕЪР МУБОЛИҒАСИ ХУСУСИДА»

номли манзум лавҳа Фурқатнинг Тошкентдалик чоғида (1889 – 90) ёзилган бўлиб, ушбу манба асосида нашрга берилди: Фурқат. Танланган асарлар. – Тошкент: 1980.

1. Қийл ила қол – гап – сўз; маълум қиомоқ.
2. Васий – бепоён, ҳадсиз.
3. Рафиъ – баланд, юксак. Бу ерда: "кўнгли кўтарилсин" маъносида.
4. Муслиҳиддин Шайх Саъдий (1203/1210 – 1292)нинг 20 йилдан ортиқ муддат давомидаги Ҳижоз, Яман, Ҳинд, Рум, Қашгар ва бошқа юртлар бўйлаб саёҳати назарда тутилган. Мащҳур "Тулистон" (1258) ва "Бўстон" (1257) китоблари мана шу саёҳатларнинг натижасида ёзилган.
5. Тулуъ – чиқиш, кўриниш.
6. Қаср ила – ҳашамат билан.
7. Кунжойиш – жойлаштириш (имкониятига қараб).
8. ...Будаштда ер олтию, осмон епти қаватдур". Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидан.
9. Муътод – одатланган, ўрганган.
10. Тақрир – муқаррар (тасдиқлаш маъносида).

АБДУРАУФ ФИТРАТ "ШЕЪР ВА ШОИРЛИҚ"дан

Мақола 1919 йилда "Чигатой гурунги" дастурий йўналишида ёзилган бўлиб, дастлаб "Иштирокиюн" газетасида (24, 25, 26 октябрь) эълон қилинган. Қайта нашрлар ("Туркистон", 1993 1 июл; "Мулоқот", 1996, 4 – сон) айрим қисқартиришлар билан амалга оширилган. Тўла ҳолда Фитрат «Танланган асарлар»ининг IV жилдада нашр қилиниши режалаштирилган.

Қуйида тушуналиши қийин бўлган сўз ва айрим истилоҳларнинг изоҳи берилади:

1. Наврас – ўспирин.
2. Ияручилиқ – тақлидчилик.
3. Сингирлар – пайлар: асаб толалари, айрим ўринларда суяк.
4. Жоҳлият шоирлари – исломгача ўтган араб шоирлари назарда тутилган.
5. Қуръони карим оятларида, хусусан, "Шуаро" сурасида шоирлар "ёлгон айтувчилар" деб баҳоланган. Бу ўринда Қуръони каримдаги сўз ҳақида фикр бораркан, бу "шоир сўзи эмас", демак, "муболага эмас" мазмунида айтилгандир.
6. Ҳаввоси хамса – беш сезгич: кўриш, эшитиш, тана сезгиси, ҳид ва таъм билиш назарда тутилган.
7. Ифрот – чегарадан чиқиш, ҳаддан ошиш.
8. Мақоланинг I қисми шу ерда тугайди (қайта нашрларда қисқартириш тугайли қисмлар ўртасидаги айирма бузилган). Кейинги II қисм "Иштирокиюн" газетасининг бошқа сонидан берилган.
9. Рамида – ҳурккан, чўчиган.

¹⁰ Таассуфки, Фитратнинг ушбу мавзудаги бошқа мақолалари езилмай қолиб кетган. Фақат турк вазнига оид мулоҳазалар "Адабиёт қоидалари" ва "Аруз ҳақида" қўлланмаларида акс этган.

"АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ" дан

Абдурауф Фитратнинг "Адабиёт қоидалари" қўлланмаси 1926 йил ислоҳ қилинган араб алифбоси асосидаги ўзбек езувида чоп этилган. Муаллиф тил ва услубини, қолаверса, ўша давр тил хусусиятларини матнда тўла сақлаш ниятида қўлланмадаги аслича қолдирилади. Айрим ўринлардагина (сўзнинг маъносига кескин таъсир этиши мумкин бўлган ҳолларда) жузъий ўзгартиришлар киритилади, тушиб қолган тиниш белгилари (асосан, вергул) тўлдирилади, лозим бўлганда "вергул" (,) "тире" (-) билан алмаштирилади. Атоқли отлар, айниқса, киши исмлари ўша даврдаги тартиб бўйича "қўшпирноқ" ичида берилар эди, буни бугунги имло талабларига келтирилади. Нашрга асос бўлган манба: Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев) – Т: Ўқитувчи, 1995.

¹ *Яхши* – асл нусхада "ё"лашув шакли билан «ёхши» деб берилган эди. Бу туркча сўз «яхши» тарзида езилади.

² *Тобоқчилик* – сўзнинг ўзаги саналган "това" идиш дегани, "тобоқ" шундан олинган. "Тобоқчилик" деганда муаллиф кулолчиликни назарда тутаётган бўлиши эҳтимолга яқин. Шунингдек, "тобоқ" сўзнинг доира (масъула асоби) маъноси ҳам бор.

³ *"Ироқ" куйи* – Шашмақом тизимидаги олти мақомнинг номидир. У куйидаги шўъбачаларни ўз ичига олади: Мухайири сафти, Талқин. Қашқарча, Соқийнома, Уфор, Ироқ катга уфори. Бу ҳақда муфассал маълумот учун қаранг: Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент–Самарқанд: 1927, 34–35 – бетлар.

⁴ *Мута ҳаракатлари* – имо, қош ва кўз ҳаракатлари, мимика, муқом қилмоқ шу сўздан олинган.

⁵ Ҳозирги замон адабиётшунослигида ҳам Фитрат кўрсатган "Гўзал санъатлар"нинг бу турлари ва туркумлари ҳам сақланган бўлиб, бу олти тур санъатнинг тасвирий турлари ҳисобланади. Улар, ўз навбатида, Фитрат кўрсатганидек, икки туркумга ажралади: "экспрессив" ва "синкретик".

АБДУРАҲМОН САЪДИЙ «АМАЛИЙ ҲАМ НАЗАРИЙ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ»дан

Абдураҳмон Саъдийнинг адабиёт назариясидан қўлланма сифатида тақдим этилган илк асари 1923 йилда ўзбек тилида нашр қилинган. Асар таркиби, масаланинг қўйилиши ва ижтимоий йўналишида ҳал этилиши нуқтаи назаридан оврупача андозалар билан яратилган илк назарий рисоалардандир. Асарда олим ўз даврининг машҳур асарлари Фриченинг «Проблемы искусствоведения» (1919), А. Шалыгиннинг

«Теория словесности» (1910) таъсирида яратилган. А. Саъдий бу даврда Самарқанддаги Педакадемия (ҳозирги СамДУ)да адабиёт назарияси ва ғарб адабиёти тарихидан дарс берар эди. Ушбу қўлланма мумтоз шарқ адабиётшунослиги билан ғарбда яратилган адабиёт назарияларини нисбатан биринчилардан бўлиб синтез қилган назарий манба сифатида ҳам эъзозлидир. Асарнинг мавзуга дахлдор айрим қисмларидан танаоб олиниб, биринчи бор ҳозирги ёзувга табдил қилинган ҳолда нашр қилинмоқда. Нашрга асос бўлган манба: Абдурахмон Саъдий. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Т.: 1923.

¹ Бу ўринда муаллиф «литература»нинг ғарбда англантилишича, барча ёзма адабий манбаларга нисбатан қўлламоқда. Шу ўринда «литература» русча «словесность» тушунчалари ўртасига тенглик аломати қўйиш мумкин бўлса – да, шарқда, хусусан, араб ва ажамада «адабиёт» *одоби куллиёт*, яъни одаб, ахлоқ мажмуаси эканини унутмаслик керак. Ҳар икки талқин ўртасида муайян фарқ ҳам мавжудки, бу Саъдий адабиётнинг кейинги даврлардаги тараққиётида очиқроқ кўринади.

² Худди шу маънода «поэзия»ни фақатгина «шеърят» деб эмас, балки «адабиёт» деб таржима этиш маъқул экани англантилмоқда.

³ Юқорида «ғўзал санъат»ларнинг олти тури келтирилгани ҳолда, бу ўринда негадир сўнгги тури (танса, ўйин, рақс) тушириб қолдирилган.

⁴ Кейинги давр рус тилдаги адабиёт назарияларида бу тасниф «изобразительные виды искусства», яъни санъатнинг тасвирий турлари атамаси билан қўлланилган. Қвранг: Введение в литературоведение. Под ред. Г. Н. Поспелова. – Т.: 1988.

⁵ Бу атама Арастуниинг машҳур «мимесис» назарияси асосига қурилгани, унинг моҳияти Форобий томонидан англантилгани учун ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

СУРАТ (ШАКЛ) ва МАЪНИ БИРЛИГИ

ФАРИДИДДИН АТТОР «ИЛОҲИЙНОМА»дан

Фаридиддин Аттор (858–922)нинг «Жавҳару–з–зот» асари ўзбекчада ҳали нашр этилмаган. Бироқ «Илоҳийнома»нинг ниҳоясида улуғ мутасаввифнинг шориҳи сифатида проф. Н. Комилов ушбу асардан парчалар келтириб, уларни шарҳлаб берган. Биз ҳозирча «Жавҳару–з–зот»га фақатгина сурат ва маъни жиҳатидангина муносабатда бўлиб, бу мураккаб фалсафий муаммонинг талқинида Аттор ҳазратларига мурожаат қилдик, холос. Мажмуадаги парчалар ушбу китобдан олинди: Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин ва тафсир (амалга оширувчи Н. Комилов). – Т.: Ёзувчи, 1994. – Б.72–94.

¹ *Жавҳар* – ягона, туб моҳият, зоти асл маъносида Аллоҳга нисбатан қўлланилади.

² *Сурат* – шакл, жон, жасад маъносида.

Изоҳлар

³ Кулл – барча, ҳамма. Бу ерда бутун маъносида, бутун борлиқнинг Яратувчиси Аллоҳга нисбатан қўлланилган. Мутлақият, моҳият маъносида сураатнинг радди ҳам бўлиб келади.

⁴ Аналҳақ – мен Ҳақ, яъни мен Худоман. Менлик, ўзликдан бутунлай қутулиб, Аллоҳ ҳукмига ўзини топширишдир. Инсоний ўзликка барҳам берилса, фақат руҳ қолади. Шунда икки руҳ қўшилишидан хулул (сингиш) ҳолати юз беради. Аналҳақ ана шу икки руҳ қўшилиувини ифодалаган каломдир.

⁵ Жузъ – бўлак, бутуннинг қисми: ўзга, бошқа.

⁶ Аҳад – бир, бирга, бутунликда.

⁷ Жонон – илоҳий маҳбуб, яъни Аллоҳ.

⁸ Кавн – мавжудлик, борлиқ.

⁹ Айн – кўз, дийда, кўз қорачиги.

¹⁰ Аъён – улуғ мартабали, юқорига эришган.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

"ФИҲИ МА ФИҲИ" («ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДИР»)ган

Нашрга асос бўлган матн: Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир (Туркчадан Улугбек Ҳамдамов тарж). – Т.: Ёзувчи, 1997, 2001.

¹ Қобиҳ – сураат маъносида, мағиз – маънодир.

² Зоҳид – тақводор, тарки дунё қилган киши. Зуҳд – уч ҳарфдан иборат бўлиб, улар тарки зийнат, тарки ҳавою ҳавас ва тарки дунё маъноларини англатади. Тарки дунё ўзини ўлимга маҳкум этиш эмас, балки дунё лаззатларини тарк этишдир. Зоҳидлик Аллоҳ билан дўстлашиш йўлида ўзини ҳар жиҳатдан поклашдан иборат.

³ Ояти карима Қуръони каримдан олинган. Қаранг: Бақара сураси, 115–оят: «Машриқ ҳам, мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафидир. Шубҳасиз, Аллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олгучи, билимдондир (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Тарж ва изоҳлар муаллифи Алоиддин Мансур. – Т.: 1992. – Б. 15.

⁴ Ишқ – Аллоҳ ишқи, моҳият ва маънодир. Шунинг учун сураат (қўриниш) ишқ, яъни моҳиятнинг нури, шуъласидир.

⁵ Қуръони карим. 47 – сура, 36 – оят)

⁶ Ушбу ояти кариманинг матни Қуръонда бундай келади: (Эй Муҳаммад) сиздан руҳ–жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз билим берилгандир». (Қуръон карим, «Ал–исро» сураси, 85 – оят)

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

«СИЛСИЛАТУ–З–ЗАҲАБ»ган

Келтирилган намуналар Васфий таржимасида берилади. Нашрга асос бўлган манба: Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар (Тузувчи ва

Изоҳлар

сўзбоши муаллифи Ш. Шомухамедов). — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъатнашриети, 1971.

¹ Сўз чашма, булоққа ўхшатишган. *Кўнгул сўздан сув ичади* иборасига ишора.

² *Нотиқа* — сўзловчи аёл; сўзлаш, гапиришга қобилиятли.

³ «*Дунё тилсимларини сўз орқали оч!*» дейилмоқчи.

АЛИШЕР НАВОИЙ «ҲАЙРАТУ—Л—АБРОР»дан

Қуйидаги манба асосида нашрга тайёрланди: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами (МАТ). Еттинчи жилд. Хамса: Ҳайрату—л—аброр (П. Шамсиев илмий—танқидий матни асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А. Ҳайитметов, И. Ҳаққулов). — Т.: Фан, 1991.

¹ *Газоф* — ёлгон, уйдурма, риекорлик.

² *Мунсиф* — инсофли.

³ *Ошом* — ейиш, ичиш.

⁴ *Мисбоҳ* — ялтироқ, нур сочувчи; чироқ. Байтнинг мазмуни: *Сўз шу қадар ажойиб сафоли шаробки, кўнгулнинг энг қоронғу кунжларини чироқ бўлиб ёритади (нашр.).*

⁵ *Сипехр* — осмон, фалак.

⁶ Байт мазмуни: *Мен сўз майидан маст бўлиб, ўткинчи дунё кишилари сафига қўшилганман (нашр.).*

⁷ *Гарм* — иссиқ.

⁸ *Таркиби* — асар таркиби, яъни композицияси.

⁹ *Даъво* — даъво.

¹⁰ *Машшота* — зийнаттар, пардозчи.

¹¹ *Хуллаи мавзун* — вазни ярашган, мос вазн танланган.

¹² *Макнун* — яширинган дур (маъно).

¹³ *Ҳажла* — чодир.

¹⁴ *Ҳулла* — безакли, нафис кийим.

¹⁵ *Мубоҳот* — фахрланиш, ифтихор қилиш.

¹⁶ *Рафиъ* — баланд, юксак (бино).

¹⁷ *Судманг* — фойдали, наф келтирувчи.

¹⁸ *Таъбия* — жойлаштириш, тартибга солиш.

¹⁹ *Арбада* — шовқин—сурон, тўполон.

²⁰ *Ҳарза* — беҳуда валдираш, вайсаш.

²¹ *Савт* — овоз, товуш; куй, оҳанг.

²² Байтнинг мазмуни: *Барчага баробар бўлсанг, Худо сенга шоҳлик қудратини ато қилади.*

Изоҳлар

АБДУРАУФ ФИТРАТ "АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ"дан

Асардан келтирилатган намуналар ушбу манбадан олинди: Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муамлилари ва ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.21–23.

¹ *Таълиф* (қилиш) – ижод қилиш, асар ёзиш (Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати, III жилд, Тошкент, 1984, 208–бет).

² *Тартиб* – асарнинг сюжети, воқеалар силсиласи.

³ *Ифода* – асарнинг шакли

⁴ Алифбе тартибида белгиладиган тартиб а, б, в тарзида эмас, балки араб алифбоси тартибида келяпти. Фақат "те" ва "се" ҳарфлари ўз ёзув шаклига кўра "бе"га шаклош бўлгани учун (нуқталари билангина фарқ қилади) «жим» келади.

⁵ *Ифрот* – ҳаддан ошиш, чегарадан ташқари чиқиш (АНАТИЛ, II жилд, 63 -- бет).

АДАБИЙ ТУРЛАР. ШЕЪР НАВЪЛАРИ

АБУ НАСР ФОРОБИЙ «ШОИРЛАРНИНГ ШЕЪР ЁЗИШ САНЪАТИ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА»дан

Бу асарнинг сифатлари ҳақида юқорида сўзланди. Энди адабий тур ва жанрлар назариясига дохил қисмлардан намуналар келтирилади. Нашрга асос бўлган манба: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри (арабчадан таржима. Изоҳлар ва муқаддима муаллифи А. Ирисов). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. Шунингдек, асарнинг ўзбек тилидаги ilk нашри (Абу Наср Форобий. Шеър санъати – Т.: 1979) билан ҳам солиштирилди.

¹ *Муфохара* – фахрия.

² *Васфий шеър* – қасида.

³ Матнда *навъ* кўпчилиги *анво* – навълар. Форобий «навъ» – тур истилоҳини кўпроқ ҳозирги кунда қўлланиладиган «жанр» сўзи ўрнига ишлатади. Шунга кўра, унинг таснифи ҳам диққатга сазовор. Лекин жанрнинг қадимги даврдаги маъноси билан ҳозиргисининг фарқи тамомила бошқача.

⁴ *Дифирамб* – қадимги юнон адабиётида хор томонидан айгиладиган маъбуллар мадҳиясидир. Баъзан рақс билан бирга ижро этилган. У эр. ав. VI–V асрларда машҳур бўлган, машҳур намояндаси Пиндар.

⁵ *Ёмби* – ямб, юнон шеър вазни. Метрик тизимда (v-) бўғинлар қўшилмаси Маҳзун шеърлар мана шу вазнга тўғри келгани учун жанр сифатида ҳам қўлланилади.

⁶ *Диаграмма* – Бадавий бу сўз маъносини шарҳлашда Марголиуста ҳавола қилиб, «адолатли ишлар» деган маънога тўғри келадиган юнон истилоҳини келтиради (тарж.).

⁷ *Эфижонсоус* – Артур Арберри бу сўзни амфигенезисдан чиқаради, бунда у «зу кавнайн» – «икки борлиқ эгаси» деган маънога диққат қаратади. Лекин бу талқинни Бадавий маъқулламайди, бу ўринли эмас, дейди (тарж.).

⁸ *Акустика* – матнда «акустуқий» бўлиб, мусиқа билан эшитиладиган шеър туридир.

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ «ФУНУНУ–Л–БАЛОҒА»дан

Асарнинг аввалги қисми шеър тақсимлари хусусида бўлиб, олим уни ўн навъга ажратади. Шарҳ поэтикасида жанрларни бу қадар аниқлик билан ажратиш кам учрайди. Навоий ва Бобур ҳам аруз рисолалари муносабати билан шеър навъларини ажратган ва арузий асосини кўрсатган эдилар. Асарнинг охирида Мир Қўланки номи билан машҳур бўлган Мир Ҳусайн Ҳусайний котиб томонидан 989 ҳижрий–қамарийда кўчирилгани айтилган.

¹ *Азза ва жалла* – азиз ва улуг (Аллоҳнинг сифати билан номи эста олинади).

² *Рафаъаллоҳу қадраҳу фи–g–gорайн* – Аллоҳ унинг икки йўлини ёритсин.

³ *Истисвоб* – тўғрилиқ.

⁴ *Авроқ висоқинда* – варақлар маконида.

⁵ *Каломи Изиди* – Аллоҳ сўзи, яъни Қуръони карим.

⁶ *Аҳодиси набавий* – пайгамбар ҳадислари.

⁷ *Лаим* – ҳасис, ноқас.

⁸ *Гузир* – илож, чора, тадбир.

⁹ *Ал–фанну–л–аввал фи ақсому–ш–шеър* – Аввалги фан: шеър қисмлари.

¹⁰ *Ж* – «жавоб», «жамъ» каби сўзларнинг қисқартирилгани. Бу ўринда «жумладан»га тўғри келади (нашр.).

¹¹ *Сабаби таълиф* – китобнинг ёзилиш сабаби.

¹² *Ал–навъи аввал фи баъни–л–қасида* – биринчи тур – қасида баънида.

¹³ *Ақалли* – кичиги, ози.

¹⁴ *Ҳусни матлаъ* – қасиданинг «хусни матлаъ» бўлган дастлабки икки байтининг муаллифи келтирилмаган. Бироқ кўп мисолларни шоирнинг ўзи айтгани учун буни ҳам муаллиф қаламига мансуб деб айтиш мумкин (нашр.).

¹⁵ *Мамдуҳ* – мақталган

¹⁶ *Важҳ* – тартиб, тарих (нашр.).

¹⁷ *Бароати истиҳлол* – луғавий маъноси: поклик фазилати.

¹⁸ *Аблағу–л–балағо* – балоғатларнинг балоғатлиси.

¹⁹ *Тазарв* – тустовуқ, қирғовул

Изоҳлар

- ²⁰ *Жоруб* — супурги.
²¹ *Ҳубоб* — осмон, фалак.
²² *Робита* — боғланиш.
²³ *Ан-навъу-с-солису фи баёни-л-қитъа* — учинчи тур: қитъа баёнида (нашр.).
²⁴ *Ан-навъу-р-робеъ фи баёни-р-рубойй* — тўртинчи тур: рубойй баёнида (нашр.).
²⁵ *Рубоййи мусарраъ* — сара рубойй ёки таронаи рубойй ҳам дерлар.
²⁶ *Мужаннас* — жинсдош (сўзлар ишгирик этади). Бу туюқ жанрига тўғри келади.
²⁷ *Ан-навъу-л-хомис фи баёни-л-маснавий* — бешинчи тур: маснавий баёнида.
²⁸ *Муқаффо* — ўзаро қофияланувчи.
²⁹ *Ан-навъу-с-соғис фи баёни-т-таржеъ* — олтинчи тур: таржеъ баёнида.
³⁰ *Мафжари дуневу дин* — дунё ва диннинг фахри.
³¹ *Вухуш* — ваҳший ҳайвонлар.
³² *Ал-навъу-с-собеъ фи баёну-л-мусаммат* — еттинчи тур: мусаммат баёнида.
³³ *Ҳойил* — тўсувчи, монёъ бўлувчи.
³⁴ *Ал-навъу-т-посеъ фи баёни-л-мутатаввил* — саккизинчи тур: мутатаввил (чўзилган) баёнида.
³⁵ *Ал-навъу-л-оширу фи баёни-л-фарғ* — ўнинчи тур: фарғ баёнида.

АЛИШЕР НАВОИЙ «САБЪАИ САЙЁР»дан

Нашр учун асос бўлган манба: Алишер Навоий. *Сабъаи сайёр*. Насрий баёни билан. Насрий баён муаллифлари Иноят Махсум, С. Ҳасанов. — Т.: 1991 — Б. 332–352.

- ¹ *Мансур* — голиб, музаффар.
² *Манҳум* — бахтсиз
³ *Мудрик* — идрок этилган.
⁴ *Самин* — қимматбаҳо.
⁵ *Тами гафлат* — гафлат шабнами.
⁶ *Насойиҳи* — насиҳатлар.
⁷ *Ҳайл* — жамоа, эл.
⁸ *Мавоиз* — ваъз, маъруза.
⁹ *Эҳтимом* — аҳамият бериш, диққат қаратиш.
¹⁰ *Ихтишом* — тамомлаш, тугаллаш
¹¹ *Зишт* — хунук, ёмон.
¹² *Мардуғ* — рад қилинган, ҳайдалган.
¹³ *Руд* — ариқ, сой, дарё.
¹⁴ *Ниҳод* — таъб, табиат, мижоз.
¹⁵ *Тажаллуф* — ихтилоф, қаршилик.
¹⁶ *Номии аъмол* — савоб ва гуноҳ ишлар ёзиладиган номавжуд дафтар, у охиратда ўқилади.

Изоҳлар

17 *Музд* — иш ҳақи, хизмат ҳақи.

18 *Амадо* — ёғоч, устун.

19 *Марнавишт* — юз минг марта.

АЛИШЕР НАВОИЙ «МЕЗОНУ—Л—АВЗОН»дан (ҲАЗАЖИ МУРАББАЪ)

«Мезону—л—авзон»нинг адабий навълар ва жанрлар назариясига оид қисмидан олиб тайёрланди. Нашр учун асос бўлган манба: Алишер Навоий. Мезону—л—авзон (нашр. тайёрл. И. Султон) Асарлар. Ҷн беш томлик. Т.14. — Т.: 1967. — Б.133—182.

1 *Истихрож* — чиқариш, ажратиб олиш

2 *Хуш оянда* — хуш келувчи, маъқул келадиган.

3 *Рабоянда* — ўзига тортувчи, жозибали.

4 *Ихтисор* — қисқартириш, қисқа қилиб жойлаш

5 *Харм* — лағавий маъноси «бурунни кесиш»дир. Ўзгаришга дуч келган аслнинг биринчи қисми, қисқа ҳижоси туширилиб, ўзига тенг рукн билан алмаштирилиб, «ахрам» — кесик ҳолига келтирилади.

6 *Харб* — «вайрон қилиш» маъносига, юқоридаги тартибда ўзгартirilган ҳолатга «ахраб» деб юритилади.

7 *Шойиъ* — нуқсонли.

8 *Орғуштак* — халқ куйларидан.

9 *Агвор кутуби* — муסיқага оид китоблар.

10 *Суруд аъроб* — арабларнинг кўшиқлари.

11 *Зуфоф* — майин, ўктам.

12 *Матрук* — тарқ қилинган, ташланган.

13 *Мутажойиз* — тажовуз қилувчи, меъеридан чиққан.

14 *Илтизом* — лозим кўриш.

МУҲАММАД ФУЗУЛИЙ («ДЕВОН ДЕБОЧАСИ»)дан

Фузулий девони дебочасида газал ва бошқа жанрлар назариясига оид қарашлар бўлгани учун улардан бир қисми тартибланди. Ушбу нашрга асос бўлган манба: Муҳаммад Фузулий. Асарлар (Озарбайжончадан нашрга тайерл. Холид Расул). Икки жилдик. 1 — жилд. — Т.: 1968. — Б.17—24.

1 «Дебочаи афсаҳуму—ш—шуро девони Фузулий—Боғдодий алайҳи—р—роҳма — Фузулий—Боғдодий, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, фасоҳатли шоир девонининг дебочаси.

2 *Суккони бихору бухури назми* — назм денгиз—дареларини сокин қилган.

3 *Тамаввужи истиғроқ* — фикр мавжлари.

4 *Вашшуароу йаттабиухуму—л—говун* — адашган шоирларнинг кетидан борганлар йўлдан озганлардир (Қуръони каримдан).

5 *Илла—л—лазина оману* — иймон келтирганлардан бошқа.

⁶ *Басмалайи назм* — шеърӣ асарнинг анъанавий бошланмаси («Бисмиллоҳ...»дан сўнг, ҳамд, наът, муножот в.б.).

⁷ *Мазрааи қулуб* — қалблар кенглиги.

⁸ Девонда ҳар бир шеърӣ парча форс ва араб тилларида ҳам берилган, биз унинг туркчасини келтириш билан чекаландик.

⁹ *"Ва мо алламноҳуш шеърра"* — биз унга шоирликни ўргатмадик.

¹⁰ *"Инна минаш — шеъри лоҳикматун"* — шеърда, албатта, ҳикмат бордир.

¹¹ *Ана афсаҳ* — фасоҳатлироқ.

¹² *Рифъат* — баланд, юксак.

¹³ *Ложарам* — шунинг учун, шу боисдан.

¹⁴ *Ҳарза—ҳарза* — беҳуда валдираш.

¹⁵ *Ийзад* — иззат, шараф.

¹⁶ *Ҳилъаи* — зийнатламоқ.

¹⁷ *Иқди* — тутун, чигал.

АБДУРАУФ ФИТРАТ «АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

Асардан келтирилаётган намуналар ушбу манбадан олинди: Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаммаллари ва ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). — Т.: Ўқитувчи, 1995. — Б.21—23.

¹ Бу парча Чўпоннинг "Қор кўйнида лола" ҳикоясидан олинган.

² Ботунинг ушбу шеъри 1982 йили унинг "Ёз кўни" шеърлар китобида (нашрга тайёрловчи С. Мамажонов) қайта нашр қилинган.

³ Бизнингча, Фитратнинг бу фикрида бир оз янглиш бор. Чунки ҳар қандай икки мисрани ҳам байт деб бўлмайди, асарда уларнинг ўзаро фикрий боғлиқлиги, қофияси (шаклан) ва ритмикаси бўлади. Ботунинг бу шеъри "учлик" тарзида езилган, шунинг учун ҳам Фитрат домланинг "Олти мисрада уч байт бор" дейиши, бу шеърга нисбатан тўғри айтилмаган.

⁴ *Босим* — ургу.

⁵ Асил матнда "пармоқ" шаклида, яъни жарангли "б" товушининг "п" жарангсиз шакли қўлланилган.

⁶ "Мада" — чўзиқлик, бирор унли товушни чўзиб айтиш. Бу ерда сўз араб унлиларининг талаффузига асосланган аруз белгилари ҳақида кетяпти.

⁷ Навоидан келтирилган бу газалнинг давомини ушбу манбада кўриш мумкин. Алишер Навоий. Мукаммаъ асарлар тўплами. 5—жилд, Тошкент, 1990 — Б. 307.

⁸ Фитратнинг бу давосини тушуниш учун "Мухтасар"га мурожаат этганимизда, Навоийга нисбатан Бобур бу масалада анча аниқликка эришганининг гувоҳи бўлаемиз: "... йигирма тўрт навъ келубтур, мажмуъи ўн вазндан мураккабдур". Қаранг: Бобур. Мухтасар. — Б. 55.

⁹ Бу рубоӣ ҳам Бобурнинг қаламига мансуб. Қаранг: Бобур. Танланган асарлар. — Б.148.

¹⁰ Бу туюқнинг ҳар мисраси деярли барча нашрларда “дурур” деб ниҳояланади. 3–мисрадаги “ўқин” ўрнига “новак” ишлатилганининг сабаби Фитрат туюқни едаки келтирганидан бўлса керак.

¹¹ *Тажнис* — ҳамжинс қилиш, шакдош сўзларни қўллаш. Бу санъат ҳақида Фитрат куйироқда муфассал маълумот беради.

¹² *Мустазод* сўзининг лугавий маъноси “орттирилган”.

¹³ Навоийнинг бу мустазоди “Бадоеу—л—васат”дан олинган. Мусаддасни ушбу манбадан тўла ўқиш мумкин: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 5–жилд. — Б. 453.

¹⁴ Бу мухаммаснинг давомини ушбу манбада ўқинг. Хусайн Бойқаро. Девон, рисола. — Т.: 1968. — Б.149.

¹⁵ *Таржибанд* — бадиҳада муайян байтнинг бир хилда такрорланишидир. Қаранг: АНАТИЛ, III жилд. — Б.197.

¹⁶ Қаранг: Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами, III жилд. — Б. 513.

¹⁷ Аввалги мухаммаснинг давомии келтириляпти. Фитрат таржиббанддан олинган машҳур байтни изоҳлаш учун ўша таржиббанднинг ўзини келтирган эди. Лекин бу мухаммас ҳам тўла келтириляётгани йўқ. Унинг 5—, 6—бадлари тушиб қолган.

¹⁸ *Таркиббанд* — баҳри жиҳатидан бир хил, қиёфаси ҳар хил шеър бўлиб, ҳар бада орасига қиёфаси ўзга байт ҳам келтирилган бўлади. АНАТИЛ, III жилд. —Б.190.

АБДУРАУФ ФИТРАТ «ФОРС ШОИРИ УМАР ХАЙЁМ»дан

Фитратнинг ушбу асари 1929 йилда араб алифбосида нашр қилинган. Ушбу мавзуда Фитратнинг «Умар Хайём» номли мақоласи ҳам бўлиб, олим мақолани 1928 йилда ўтказилган Умар Хайёмнинг 880 йиллик юбилейига мўлжаллаган ҳамда у «Қизил қалам» мажмуасида нашр қилинган эди. Олимнинг айтишича, «Янги топган «Татимату — с — савону — л — ҳикма» китобчасининг Хайём ҳақидаги сўзларини китобга кўшиб» ёзган. Бизнинг эътиборимизни назарий манба сифатида ушбу китобда эълон қилинган мумтоз шеърят жанрлари ҳақидаги қарашлар тортди. Шунинг учун китобдаги ушбу лавҳалар мажмуага киритилди. Нашрга асос бўлган манба: Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. Китобда: Танланган асарлар (нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев). — Т.: Маънавият, 2000. — Б. 136 — 142, 200 — 201.

¹ Бу *Шакур* (Абушукур ёки Абулшакур ҳам бўлиши мумкин) *Балхий* — айрим манбаларда Абулмуаййид Балхий (Ҳ аср) бўлиб келади. Насрий «Шоҳнома»нинг муаллифи. Жуда кўп манба ва тазкираларда, хусусан, «Тарихи Табарий», «Лубобу—л—албоб», «Тарихи Сийистоний»да тилга олинган форсийзабон шоир.

² *Дақиқий* — тўла номи Абу Мансур Муҳаммад бинни Аҳмад Дақиқий (вафоти 980). Асли Балхдан, Бухорода Чағонийен амирлари саройида яшаб, ижод қилган. Балхийнинг насрий «Шоҳнома»сидан сўнг форс тилида дастлабки «Шоҳнома»ни яратган шоир. Унинг бевақт ўлдирилиши билан

асар тўхтаб қолган, асарни «Гершаспнома» унвони билан Фирдавсий ўз асарининг кириш қисмида келтиради.

³ *Рудакий* – тўла номи Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (тахм. 860–941). Форс–тожик шеърятининг асосчиларидан бири. Бухоро ҳокими Наср II Аҳмад Сомоний саройида ижод қилган. Шоир Асадий унинг 100000 мисрадан 13 марта шеърӣй китоблар битганини қайд этади. Бизгача минг байт атрофида мероси етиб келган бўлиб, улар 2 қасида, 50 рубоӣй, «Калила ва Димна» достонидан парча ва қолгани турли жанрдаги шеърлардир.

⁴ *Асадий* – тўла номи Абу Мансур Али ибн Аҳмад Асадий – Тусий (10–11 аср) Ҳозирги Озарбойжон ҳудудида яшаган шоир, форс тилида ижод этган. Асосий асарлари: «Гершаспнома» (1066) номи 9 минг байтдан иборат достон. Форс тилининг қадимги изоҳли луғатларидан «Луғати форс» (1060)ни яратган. Мунозара жанрида «Ер ва осмон», «Кеча ва кундуз», «Найза ва камон», «Мусулмон ва кофир», «Араб ва ажам» асарлари сақланган.

⁵ *Фирдавсий* – машҳур форс шоири Абулқосим Фирдавсий–Тусий (940–1030) 976 йилда Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг талаби билан Дақиқийнинг «Шоҳнома»сини давом эттирган. Асар 55 минг байтдан ташкил топган бўлиб, «афсонавий», «қаҳрамонлик» ва «тарихий» деб номланган уч қисмга шартли равишда бўлинади. «Шоҳнома»дан ташқари Фирдавсий шеърӣй асарлар, Маҳмуд Ғазнавий ҳажви ва «Юсуф ва Зулайхо» достонларини яратган.

⁶ *Мутақориб вазни* – аруз тизимидаги баҳрлардан бири, луғавий маъноси: яқинлашувчи. Бу баҳр кўпроқ маснавийларда қўлланилади: достонлар, асосан, мана шу баҳрда яратилган.

⁷ *Хорун ар-Рашид* – аббосий халифаларидан Абул Аббос Саффоҳ, Мансур, Маҳдийдан сўнг халифаликни эгаллаган. Халифалик даври 786–809. Унинг даврида Боғдод жаҳоннинг энг муътабар илмий марказларидан бирига айланган. Фан, техника ва маданият жуда яхши тараққий қилган. Бу ҳақда Фитрат «Мухтасар ислом тарихи» рисоласида кенг маълумот берган.

⁸ *Қарина* – далил, аломат, нишона.

⁹ *Тажмил қилмоқ* – бойитмоқ, беэамоқ.

¹⁰ *Маншай* – келиб чиқиши.

¹¹ «*Машлау–н–нужум ва мажмау–л–улум*» – Нужум (астрономия) илмининг бошланиши ва (бошқа) илмларнинг мажмуаси.

ШЕЪР ТУЗИЛИШИ. АРУЗ ИЛМИ

АБУ НАСР ФОРОБИЙ «ШЕЪР САНЪАТИ»дан

Ушбу нашрга асос бўлган манба: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри (Арабчадан таржима. Изоҳ ва муқаддималар муаллифи А. Ирисов). – Т. Абдулла Қодирӣй номидаги халқ мероси нашриети, 1993.

Изоҳлар

Шунингдек, асарнинг ўзбек тилидаги илк нашри (Абу Наср Форобий. Шеър санъати. – Т.: 1979) билан ҳам солиштирилади.

¹ *Махжуг* – чекланган.

² *Ритм* – маром, маълум ритмик бўлақлар (бўгин, туроқ)нинг бир маромда такрорланиб келиши.

³ *Зарб* – араб тилида ритм таржимаси сифатида ҳам қўлланилади.

⁴ *Туроқ* – бир неча бўгин асосида тузиладиган ритмик бирлик. Арузда туроққа тенг келадиган ритмик бирлик *рукндир*.

⁵ *Сабаб* – икки чўзиқ ҳижодан ташкил топган бўлак.

⁶ *Ватаг* – «қозиқча» маъносини билдиради. Арузда ҳаракатли икки бўгинли сўзлар сабаб (кўплиги асбоб), уч бўгинлилар ватад (кўплиги автод) деб юритилади. Бу ерда туроқ ўрнида келган арабча «салоҳиет» сўзи билан Форобий аруздаги «фосила»ни айтмоқчи бўлса керак (тарж.).

⁷ Бу ерда Форобий шеърларнинг охири биринчи мисрада қандай келган бўлса, иккинчисида ҳам ўшандай келиши кераклигини айтмоқчи. Бу билан Форобий қофиядош сўзларни назарда тутаетган бўлса керак. Чунки бундай ҳолларда мисра охиридаги ҳарфлар, товушлар доимо бир хил келади, бунда айниқса, охириги бўгинлар шундай бўлади. Лекин улардан оддинги бўгинлар ҳамоҳанг ҳарф ё сўزلардан иборат бўлади (тарж.).

⁸ Бу ерда матнда *муҳокий* – тақлид қилиш, эргашиш деган маъно англашилади. Урта аср фалсафасида табиатдаги ҳар бир нарсанинг ондаги акс таъсири, ифодасига *тақлид* деб қаралган. Ҳар бир файласуфи ё шoir табиатда юз берган ҳодисаларнинг аксини, сурат–шақлини ифодалаган, демак, шу сабабдан у табиатдаги воқеаларга нисбатан тақлидчи ҳисобланади (тарж.).

⁹ Матнда «ал–қавл» – «сўз» келган. Бу ерда мусиқа матни, яъни шеър дейиламоқчи (тарж.).

¹⁰ Бу ерда Форобий ҳижонинг бузилишита ишора қилмоқчи Баъзан байтнинг аввалги мисраси билан кейингиси бир хил вазнда бўлмай, бир–биридан бир бўгин кам ё ортиқ бўлса, шеър ўқилганда, иккала мисранинг вазни бир–бирига мос тушмайди. Шунинг учун Форобийнинг «ҳарф» деган сўзини «товуш» е «бўгин» деб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади (тарж.).

¹¹ Муаллиф бу ерда бўгинларнинг ортиқ–кам бўлишига эътибор беришни айтяпти (тарж.).

¹² Матнда «фасиҳа» келган. Бу ерда муаллиф шеърларда ишлатиладиган фасоҳат ва баҳоғатни айтмоқчи. Шеърда гўзал, ўйноқи ва образли иборалар ишлатса, унинг бадийлиги кучаяди (тарж.).

¹³ Бу ерда Форобий шеърда ишлатиладиган сўзларнинг ҳаммага ҳам тушунарли бўлиши кераклигини айтмоқчи бўлади. Шунинг учун у шеърда қўлланиладиган сўзларнинг ҳар бири кўпчилик биладиган ва уларга тушунарли бўлиши шарт, демоқчи. Бу билан шеърлардаги образли иборалар, ундаги ўхшатишлар, қочирмақлар, чўпчак, ҳикоя е афсонага қилинадиган ишоралар ўша шеърни ўқийдиганларга тушунарли бўлиши

керак. Шу нарсалар билан шеър фасоҳатли, гўзал бўлади, демоқчи (тарж.).

¹⁴ Бу ерда муаллиф шеър қофияси, туроқларининг маълум бир вазнда келишини айтмоқчи. Бундан кейинги жумла ҳам шунга далолат қилади.

¹⁵ Матнда «хуруф—ҳарфлар» келган. Бу ерда муаллиф бўгинни айтмоқчи. Араб алифбосида, асосан, унли ҳарфлар ёзилмаган ҳолда ярим унлилар (қиска унли ҳам дейилади) илашиб келади, уларнинг борлиги тасаввур қилинади. Булар ёзувда ҳарф ости—устиде келади, ўқилишда ўша унсиздан олдин е кейин ўқилади. Бу ҳарфлар ўз навбатида бўгин ролини ўйнайди. Байтларда бирор бўгин кам бўлса, байт вазни бузилади (тарж.).

¹⁶ Буни «шеър бирор нарсага ўхшатишга (ё ташбиҳ қилинган) образли сўзлардан иборат бўлиши керак» деб тушунмоқ лозим (тарж.).

¹⁷ Муаллиф бу ерда шоир сифатида эмас, балки уларнинг нотик сифатида фикр юритишини айтмоқчи.

¹⁸ Матнда «хутабо—хитоб қилувчи» — нотиклар. Кўпчилик нотиклар даставвал нотик бўлишлари билан бирга шоир ҳам бўладилар, демоқчи (тарж.).

¹⁹ *Зайг* — арабча исм. Мисол тариқасида кўпроқ шу исм қўлланилади. Асарнинг дастлабки нашрида *Зайд* ўрнида *Эшмат* сўзи ишлатилган. Чунки араблардаги *Зайд* ва Амр исмлари биздаги *Эшмат* ва *Тошмат* қабилада келиши англашилган.

²⁰ Шу ўринда котиб асар тугаганига ишора қилиб, шу сўзларни қўлзмага қўшган: «Абу Насрнинг барча китоблари кўчирилиши шу билан бутунлай ниҳоясига етди» (тарж.).

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ «ҲИНДЛАРНИНГ ГРАММАТИКА ВА ШЕЪР ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАРИ БАЁНИ»дан

Ушбу намуналар Беруний «Ҳиндистон» асарининг 13—бобидан олинган бўлиб, асар ҳинд тили грамматикаси ва фонетикаси қоидаларининг шеър илмида акс этишига бағишланган. Бундай илмий мулоҳазалар қаторида ушбу бобга тегишли саккизта китоб ҳақида маълумот берилган. Улар «Аиндра» (Индра тузган), «Чандра» (Будданинг суҳбатдошларидан Чандра ишлаган), «Шокага» (Шокатояна қабиласи томонидан тузилган), «Понини» (тузувчининг исми бўйича), «Қотантра» (Шарваварман тузган), «Шашидеваритти» (Шашидева тузган), «Дургавивритти» (муаллиф исми билан юритилган) ва «Шипгъяхи—товритти» (Уграбхўти тузган). Берунийнинг бу асари нафақат ҳинд шеър тузилиши, балки ҳинд—оврупа тилларидаги фонетик ҳодисаларни ҳам англадади ва араб арузини тушунишга ҳам ердан беради. Нашрга асос бўлган манба: Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2—жилд. — Т.: Фан, 1965. — Б.114—124.

¹ *Икки фан* — вазн ва наҳв (синтаксис) назарда тутилади

² *Въяхарана* — таржимаси: қонун. Ёзув нормалари маъносиде.

³ *Иштиқоқ* – ўзақдошлик, сўз ясалиши.

⁴ *Салавот ва Тасбеҳ* – тарж.: раҳматлар, дуолар. Салавот Пайгамбар с.а.в. шарафига айтилади; Тасбеҳ эса, Аллоҳнинг номини зикр қилишдир.

⁵ *Абул Асвад Дуалий* – араб адиби, 688 йилда вафот эган. Нақл қилинишича, бу киши ҳам Беруний келтирган – сотоваҳона сингари воқеага дуч келиб, сўнг грамматика тузишга мажбур бўлган (тарж.).

⁶ *Чанга* – шеър тузилиши ва вазн ўлчови ҳақидаги фан.

⁷ *Сочма* – наср (настрий).

⁸ *Шлока* – «лока» олам дегани, луғавий маъноси: замин, ер.

⁹ Евклиднинг «Алмагеста» китоби. Мусулмон шарқида оламига кенг ёйилган ва кўп замонлар олимлар диққатини тортиб келган асар. «Магистэ» сўзи юнонча бўлиб, улуг деган маънони англатади. Бу албатта, асарга ҳурматан аталишдир. Бу асарни Беруний қилган ҳиндча таржимаси ҳозирча номашлум.

¹⁰ *Лағху* – енгил, осон.

¹¹ *Мағдли* – матнда «шаддали» ёзилган. Бу матбаа хатоси бўлса керак. «Мағдли» чўзиқ, чўзилувчан маъносини англатади.

¹² *Танвинли* – ноаниқ сўзларга ёзувда ифода қилинмайдиган «–ун» кўшиб айтилади. Бу ерда шундай ҳолат назарда тутилади.

¹³ *Шеър оёқлари* – шеърдаги мисранинг ритмик бўлаги, Берунийнинг айтишича, «Сўзлардан тартиб топадиган оёқлар *силлабий* бўлади». Демак, бу аруз вазнидаги рукнга ва бармоқдаги туроққа тенг ҳолат.

АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙ

«МАФОТИҲУ–Л–УЛУМ»ган

Мазкур асар ҳозирга қадар ўзбек тилига тўла ўгирилмаган, у ҳақда қатор тадқиқотлар мавжуд бўлиб, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг доценти М. Зиёвуддинова ўз тадқиқотларида унинг мазмун ва мундарижасини келтирган. Ушбу мажмуага асарнинг аруз вазнига бағишланган қисмидан намуналар киритилди. Нашрга асос сифатида қуйидаги рисола олинди: М. Зиёвуддинова. Абу Абдуллоҳ ал–Хоразмиёнинг «Мафотуху–л–улум» асарида поэтика. – Т.: 2001. – Б.21–28.

¹ Бу ўринда сўзнинг аруз илми ёки луғавий маъноси (водий) назарда тутилмаган, балки байтнинг сўнги сўзига нисбатан қўлланиладиган истилоҳ назарда тутилган.

² Ушбу қомусий луғатда ўн бешта баҳр назарда тутилган бўлиб, Х асрадаёқ бу баҳрлар шаклланиб улгурган эди. Бироқ Ахфаш томонидан ишланган *жадид* ҳамда форс арузийлари томонидан қўшилган *қариб*, *хафиф* ва *мушқил* бунга киритилмаган.

³ Араб тилидаги мисоллар араб ёзувида берилган, биз уларнинг таржимасини бериш билан чекландик.

⁴ Бу ўринда муаллиф арузий атамаларнинг луғавий маъноларини англатиш билан чекланган, уларнинг истилоҳий мазмуни баён этилмаган.

Изоҳлар

⁵ Шеър танқиди ҳақидаги ушбу бобда муаллиф поэтик санъатлардан айримларининг номларини, мазмуни ва мисолларини бериш билан чекланган.

ШАМСИДДИН ҚАЙС РОЗИЙ

«АЛ—МУЎЖАМ...»дан

Асарнинг ўзбек тилидаги нусхаси ҳали чоп этилмаган, унинг ўзбекча номи «Ажам шеърлари меъёрлари жамлангани»дир. Форс тилида бир неча ўн мартаба нашр этилган. «Ал—Муъжам...» номи билан машҳур китобнинг Душанбе нашри Дебоcha, Авваги қисм (тўрт боб) ва иккинчи қисм (олти боб), Хотимаи китоб, уч фасл, Изоҳлар, Луғат ва Истилоҳлар кўрсаткичи ва нашрга тайерловчининг шарҳларидан иборат. Ушбу нашр асосида ўзбек тилига Ҳ. Болабоев ва Д. Юсупова томонидан ўтириди. Таржима учун асос бўлган манба: Шамси Қайси Розий. Ал—Муъжам (муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров). — Душанбе: Адиб, 1991. — Б.31—38.

¹ «...бу фан илм аҳли орасида истилоҳдур — бу фан илм орасида шундай атама билан юритилади» маъносида.

² Тағйирот — ўзгаришлар. Айрим сўзларни вазнга мувофиқлаштириш учун уларнинг таркибидаги товушлар, ҳарфлар ўрнини алмаштиришдир.

³ Ажзоянинг афойил фуруълари — жузв (ритмик бўлак)нинг афойил рукни тармоқлари. Навоий «Мезону—л—авзон»да ёзади: «Араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоидиндур ва аруз аҳли ани «афойил» ва «тафойил» дерлар» (Қаранг. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Т.14. — Т.: 1967. — Б.133—182.

⁴ Тақтиъ — байтни айрим бўлақлар (рукн ва ҳижола)га ажратиб, вазни ўлчаш.

⁵ Жинслар — шеърий жанрлар назарда тутилади.

⁶ Ҳашв — маъноси: қўшимча, мавзудан ташқари гап.

⁷ Хабн — ажратмоқ.

⁸ Жумал — абжад ҳисобида ҳарфлар бўйича ҳисоблаш қоидаси.

⁹ Бугунги арузшунослиқда чўзиқ ҳижола учун (—) аломати ва қисқа ҳижола учун эса (v) белгиси қўланилади. Бу ўринда икки сифр (00) аломати бугунги (vv) белгисига тўғри келади (нашр.).

¹⁰ Мақрун — яқин, пайваста, восил.

¹¹ Мафруқ — фарқланган, ажратилган. Бу сўз охирги рукн сифатини изоҳлашда вазн кўрсаткичида қўланилади.

¹² Мажмуъ — икки ҳаракатли ва бир ҳаракатсиз (сокин) ҳарфлар бир — бирига яқин бўлгани учун уларни жамлаб ўқиш қоидаси.

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ

«ФУНУНУ—Л—БАЛОҒА»дан

IV. Ал—фанну—р—робий фи авзону—ш—шеър

«Балогат илми» деб улуғланган ушбу китоб илмий жамоатчиликка номаълум эди. Туркшунос олим проф. Эргаш Умаров АҚШга қилган

илмий сафари давомида бу мушарраф асарнинг қўлёзмасидан нусха келтирди ва у жуда оз ададда нашр этилди. Қаранг: Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну – л – балога (нашрга тайёрловчилар А. Ҳайитметов, Э. Умаров) – Т.: 1996. Асардан айрим намуналар «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали (2001)да ҳам эълон қилинди.

¹ Асарнинг 4 – бўлими аруз ҳақида бўлиб, уни муаллиф «шеър вазналарининг тўртинчи фани» деб номлаган.

² Орий – тоза, янги.

³ Фа аммо – лекин, айтганларидек (нашр.).

⁴ "Арузи Қустос" – таржимаси: «Аниқ мезон». Маҳмуд Замахшарийнинг аруз ҳақидаги асари. Тўла номи: «Ал – Қустосу – л – мустақим фи илми – л – аруз» – нашр. («Аруз илмида тўғри ўлчовлар»).

⁵ "Арузи Андулусий" – Ибн Ҳожибнинг «Илму – л – аруз» асари назарда тутилган бўлиши мумкин.

⁶ "Меъёру – л – ашъор" – Носируддин Тусий (1201 – 1274) асарининг номи. «Шеърлар меъёри» деб номланган бу асар форс тилида езилган, у аруз ва қофия илмига бағишланган.

⁷ Басе – кўп, ниҳоятда, ғоят.

⁸ Мақгури – қудрати, имконияти.

⁹ Мутақаддимлар – илгари замонда, мозийда ўтганлар.

¹⁰ Мутаажжирлар – кейинги, кейин келган олимлар.

¹¹ Силк – ип, тизим.

¹² Мушаррах – «мушарраф» бўлса керак, матндаги «ф» ҳарфи «ж» ўқилган: шараф, иззат топган.

¹³ Мунаққаҳ – соф, тоза; тўғри.

¹⁴ Ва биллоҳу – л – авн ва – п – тавфиқ – тавфиқ Аллоҳдандир.

¹⁵ Фосилаи суғро – кичик айирма.

¹⁶ Фосилаи кубро – улуг, катта айирма.

¹⁷ Зобита – қонун – қоида, низомга солмоқ.

¹⁸ Ажзойи афойил – афойил жузвлари (бўлаклари).

¹⁹ Хумосий – бешлик, бешталиқ.

²⁰ Ухти – опа – сингил, туршишга; эгизак, эш.

²¹ Ирода – ихтиер, истак.

²² Аркони солима – соғлом рукнлар.

²³ Музоҳифлар – ўзгарганлар.

²⁴ Вазъи – шакл, тузилиш; яралган.

²⁵ Муттафику – л – ажзо – бирлашган жузв.

²⁶ Мушпалифу – л – ажзо – турлича жузв (қўшилмаган, бирлашмаган)

²⁷ Фи асмору – л – буҳур – баҳрларнинг самаралари.

²⁸ Фи авзону – л – буҳур – баҳрларнинг вазналари.

²⁹ Авсат – ўрта, ўртача.

³⁰ Адно – қуйи, паст.

³¹ Тавр – йўл, равиш.

³² Мутаввал – узун, чўзиқ.

³³ Исқот – олиб ташлаш, соқит қилиш.

³⁴ Қатъ – босиш, юриш.

- 35 *Матбуъ* — еқимли, манзур.
 36 *Хушоянда* — мақбул.
 37 *Саканот* — тўхташлар, пауза; сокинлар, ундошлар.
 38 *"Ва ҳува-р-ражал"* — режа, тартиб моҳияти.
 39 *Мушаггад* — ташдидли.
 40 *Жагд* — бобо, аждод.

АЛИШЕР НАВОИЙ «МЕЗОНУ-Л-АВЗОН»дан

Алишер Навоий аруз назариясига бағишланган «Мезону-л-авзон» («Вазнлар ўлчови», 1492) асарида араб ва форс арузи қоидаларини туркий тилда аниқ ва равои тушунтирди. Турк ёзма ва оғзаки шеърияти намуналарининг вазн хусусиятларини ўрганди. Туркий аруз табиатини ёритиш билан бирга турк шеърияти мураккаб аруз тизимини бойитганини аниқлади. Баҳрлар ва доиралар ҳақидаги тасаввурни кенгайтирди. Аруз тизимига уч доира (доираи мужтама, доираи мухталита, доираи муштабиҳа) киритди. Тўққизта янги вазн ва шеърини шаклни аниқлади. Турклик тарихида илк бор миллий вазн ҳақидаги қарашларни илгари сурди. Наҳрга асос бўлган манба: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Т.14. — Т.: 1967. — Б.133—182.

- ¹ *Вофир* — мўл, кўп; аруз баҳрларидан бири.
² *Сониъ* — Яратувчи, Аллоҳ.
³ *Назм* — вазн ва қофияга солинган сўз, тизма
⁴ *Аносир* — унсурлар, элементлар. Бу ерда ҳар бир сўз икки маънода: ҳам арузий, ҳам Аллоҳ томонидан дунёнинг руқни (устуни) қилиб яратилган тўрт унсур ҳақида боради.
⁵ *Қариби дуруғ* — қадимги дуо ва салом. Бу ерда Аллоҳ мадҳидан сўнг пайғамбар наъти келяпти: янги наът ва қадимги дуолар (унга бўлсин).
⁶ *Сақили ҳашр* — оғир тўпланиш; қиёматда оғирни енгили қилиш.
⁷ *Каломи мажид* — Қуръони мажид назарда тутилади.
⁸ *Аҳодис* — Ҳадислар.
⁹ *Қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу* — Аллоҳ унинг юзини ёруғ қилсин. Ҳазрат Али назарда тутилиб, унинг шоирлигига ишорат бор.
¹⁰ *Иштиҳод* — исташ, шоҳид келтириш, гувоҳлик қилиш.
¹¹ *Татвил* — чўзиш, узайтириш.
¹² *Мухталиф ақвол* — ҳар хил ихтилофли сўзлар.
¹³ *Иктифо* — қаноатланиш, қониқиш.
¹⁴ *Вози* — тузувчи, яратувчи.
¹⁵ *Аъроб* — араблар (кўплиқда).
¹⁶ *Ҳайсият* — сабаби, эътибори.
¹⁷ *Мактум* — сир тутилган.
¹⁸ *Зиҳфот* — ўзгаришлар.
¹⁹ *Фуруъи* — тармоқлар, шоҳобчалар.
²⁰ *Кайфа муттафақ* — қандай иттифоқлашса (иттифоқ қилган ҳолда).
²¹ *Асомис* — исмлар.
²² *Фатҳа* — «а» ҳарфи учун қўйиладиган ҳаракат.

23 *Замма* — «у» ҳарфлари учун қўйиладиган ҳаракат.

24 *Касра* — қисқа «и», «э» ҳарфлари учун ҳаракат.

25 *Ишбоъ* — тўлдириш, қўшиш.

26 *Ғараз* — мақсад, мурад.

27 *Хужаста* — қутлуғ, муборак.

28 Ҳусайн Бойқаро назарда тутилган.

29 *Давойир* — доиралар.

30 *Булағо* — балоғат эгалари.

31 *Мултафит* — илтифот билан аҳамият бермоқ.

32 *Ибҳом* — шубҳа, гумон.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР («АРУЗ РИСОЛАСИ»)дан

«Рисолайи аруз» (1523–25)да туркий арузнинг табиати, тараққиёти ва шеърый асарлардаги кўринишлари; арузнинг 272 вазни ва 21 баҳрига илмий шарҳлар берилган. Нашр учун асос бўлган манба: Заҳириддин Муҳаммад Бобир. *Мухтасар*. — Т.: 1971; Шу билан бирга ушбу манба билан қиёсланиб, ундаги айрим маълумотлардан фойдаланилди: Бабур. *Трактат об арузе* (подг. И. Стеблевой). — М.: 1972.

¹ *Мағор* — қисм, бўлим.

² *Жузв* — бу истилоҳ бошқа арузийларда учраса ҳам, улар «жузв» ўрнига рукн сўздан кўпроқ фойдаланганлар.

³ *Моқабл* — аввалги, илгариги.

⁴ *Қуеш* — маъбудлардан бири.

⁵ «*Меъёру-л-ашъор*» — Хожа Носириддин Тусий асари, «Шеърлар меъёри» деб таржима қилиш мумкин.

⁶ *Шаҳ* — ёрилиш, икки бўлакка ажратиш.

⁷ *Сабилу-л-инфирод*, — бир йўлга тизилиш.

⁸ *Мустаҳсани тибоъ* — маъқул кўрилган.

⁹ *Муғаййар* — ўзгартирилган.

¹⁰ *Аъам* — аломат, белги.

¹¹ *Мумилл* — ортиқча, чўзилган.

¹² *Мажзу* — аруз доираларида келтирилган саккиз рукнли (мусамман) солим вазни чорагига қисқартириб, олти рукнли (мусаддас) солим ўлчовга айланттирилган ҳолати.

¹³ *Маштур* — аруз доираларида келтирилган саккиз рукнли (мусамман) солим вазни ярмига қисқартириб, тўрт рукнли (мураббаъ) солим ўлчовга айланттирилган ҳолати.

¹⁴ Арузшунослар доим мунозара билан қабул қиладиган ҳолат Бобур томонидан орттирилган икки баҳр Ариз ва Амиқ ҳақидадир. Айримлар бунини Бобурнинг кашфиёти сифатида қабул қилсалар, айрим арузийлар бунини тан олмайдилар.

¹⁵ *Малфуз* — сўзланган, тилга олинган.

АБДУРАУФ ФИТРАТ «АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

- Нашр учун асос бўлган манба: Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
- ¹ "Ҳарф" ўрнига "товуш" дейилса тўғрироқ бўларди.
 - ² Чўзғи – унли товуш.
 - ³ Ботунинг бу шеъри илк бор "Ўзбек ёш шоирлари" тўпламида чоп этилган.
 - ⁴ Эл сўзи – мақол еки ҳикматли сўзлар шундай ном билан аталади. Ўз навбатида халқ оғзаки адабиётига ҳам эл адабиёти, омма адабиёти номаври берилган.
 - ⁵ Ботунинг бу шеъри ҳам "Ёз кунини" тўпламида эълон қилинган.
 - ⁶ Чўлпоннинг бу шеъри 1922 йили чоп этилган "Ўзбек ёш шоирлари" мажмуасидан олинган.
 - ⁷ Бу парча мусулмон халқ китобларидан бири "Қиссаи Зайну – л – араб" дostonидан олинган.
 - ⁸ Ботунинг бу шеъри ҳам 1982 йили "Ёз кунини" китобида чоп этилган.
 - ⁹ (?) – муаллифи номаълум асарларга Фитрат шундай белги қўйган.
 - ¹⁰ (Ф.) белгиси остида эса, Фитратнинг ўз шеърлари берилган. Айрим парчаларда эса, ҳар икки белги ҳам учрамайди. "Эл сўзи" тушунтириши ҳам учрамайди. Бизнингча, имзосиз келтирилган бу сатрлар айрим назарий тушунчаларнинг ифодаси учун шу ўринда мисол тариқасида ўйлаб топилган.
 - ¹¹ Ясавий "Ҳикматлар"идан олинган бу парчалар тўла матни асарнинг кейинги нашрларида келтирилган.
 - ¹² Бу шеър ҳам "Ёз кунини" тўпламида чоп қилинган.
 - ¹³ (Ф.) белгисини биз қўйдик. Парча Фитратнинг "Миррих юлдузига" шеърдан олинган.
 - ¹⁴ "Адабиёт қоидалари" китобининг ниҳоясида янглиш ёзилган сўзларнинг жадвали берилган бўлиб, унга кўра, бу сўз "мафозийлуи" деб тўғриланган.
 - ¹⁵ Бу парча Бобурнинг "Ғаҳи соғин не бўлди зорларни..." деб бошланувчи ғазалининг 2 – байтидир. Ғазалининг тўла матни учун қаранг: Бобур. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 51 – бет.
 - ¹⁶ Фитрат бу қўлланмада ва кейинроқ яратилган "Аруз ҳақида" (1936) рисоласида арузшуносликдаги баҳр тушунчасига аниқлик киритиб, уларнинг 16 таси араб, кейинги 3 таси эса, форс адабиётидан қўшиганини айтади. Ҳолбуки, Навоий ва Бобурда ҳам бу аниқ тасниф учрамайди.
 - ¹⁷ Бобуршоҳ ўз рисоласида "Яна икки баҳрким, Ариз ва Амиқдур, тавил доирасидан ҳосил бўлур, ул ғайри машҳурдир. Бу баҳрлар билан жамийь бухур йигирма бир бўлғай" деб яна ҳам чуқурроқ тушунтирилган. Қаранг: Бобур, Мухтасар. – Т.: Фан, 1971, 24 – бет.

Изоҳлар

“АРУЗ ҲАҚИДА” ган

Ушбу рисола 1936 йилда латин езувида Отажон Ҳошимнинг маъсӯл муҳаррирлигида chop қилинган бўлиб, ўз вақтида адабий шов-шувларга сабаб бўлган аруздай мураккаб вазн хусусиятларини замонавий шеършунослик билан боғлашга ҳаракат қилинган илк илмий – методик тажрибадир. Асар фақат иждоқдорларгагина эмас, балки талаба ва мутахассисларга мўлжаллангани учун 1997 йили олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланмаси сифатида қайта нашр қилинган (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болабоев).

Муаллиф изоҳлари саҳифа остида қолдирилди. Зарур тушунча, адабий истилоҳ ва исм кўрсаткичларига қуйида изоҳлар берилади:

¹ *Илму-ш-шеър* – шеър илми. Бу ҳақда араб тилида езилган кўпгина рисолалар бор. Биргина Форобийнинг “Китобу – ш – шеър” асари бунга мисол бўлиши мумкин.

² Алишер Навоий. Мезон ул – авзон. Асарлар. XIV жилд, Тошкент, 1967, 133 – 182 – бетлар.

³ *Ҳижо вазни* – бармоқ вазни назарда тутилади.

⁴ *Басит* – луғавий маъноси: ейиқ. Халил Ибн Аҳмад тизимида учинчи баҳрнинг номи. Бу ерда: аслида оддий, жўн ҳодисани ейиб тушунтириш.

⁵ “*Уштур ва шеъри араб дар ҳолатаст у тараб*” – Саъдий Шерозийнинг байти. Мазмуни: Араб шеърида туя, унинг ҳолатидан дарак беради.

⁶ *Халил ибн Аҳмад* – машҳур араб арузчиси. Тўла исми Абу Раҳмон Халил ибн Аҳмад Аздий (718–786). Араб тили ва адабиети, товушлар назарияси ва мусиқа илми билан шуғулланган. Аруз ҳақидаги рисоласи бизгача етиб келмаган, унинг асосий мазмунигина қайд сифатида мавжуддир. “Айн китоби”, оҳанг ва ритм масалаларига бағишланган рисолалардан аруз назариясини ўрганиш мумкин. У ҳақда қаранг: Э. Талабов. Араб арузи. – Т.: ТошДУ нашриёти, 1977, 5–6 – бетлар.

⁷ *Ахфаш* – тўла номи: Абу – л – Ҳасан – Саъид ибн Муъсад Ахфаш, арузшуносларнинг Басра мактаби вакилларида. Халил ибн Аҳмаднинг назарияси бўйича арузда 15 та баҳр тавсия этилган. 16 – баҳр, яъни мутадорик (луғавий маъноси: кейин англашилган) шу олим томонидан кўшилаган.

⁸ “*Бурҳони Қотей*” – Муҳаммад Ҳусайн Бурҳон асари. 17 – асрда яшаган муаллифнинг луғат китоби бўлиб, 1652 йилда Ҳайдарободда ёзилиб тамомланган. Асарнинг 1 – жилди А. Нуров томонидан Душанбеда 1993 йили нашр қилинган.

⁹ *Ибн Қайс* – Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайс Розий назарда тутилади (бу ҳақда қуйида маълумотлар бор).

¹⁰ *Маъжаз* – манба, материал. Бу ерда кўрсатилган “*Табақоту – ш – шуаро*” китоби XIII асрга таалуқли. “*Табарий*” – машҳур “*Тарихи Табарий*” (“*Пайгамбар ва подшоҳлар тарихи*”)дир. Асарнинг тўла нашри бизгача сақланмаган, қисқа нашри 1879 – 1901 йилларда Де 1’уе тарафидан Лейденда нашр қилинган. Фитрат Юсуф Баений таржимасидаги (1882) ўзбекча нусхани назарда тутаетган бўлиши керак

Изоҳлар

¹¹ "Фирдавсий ҳақидаги мақоламиз..." — Фитратнинг "Фирдавсий" ("Социалистик фан ва техника", 1934, 10–11–бетлар), "Эртаклар ва ҳақиқат" ("Машғала", 1934, 1–сон), "Абулқосим Фирдавсий замони ва муҳити" ("Ўзбек совет адабиети", 1936, 10–сон) мақолаларида бу фикр қайд этилган.

¹² *Ал-Маарий* — машҳур араб шоири. Милодий 979 йил 28 сентябрда Суриянинг Мааррату-н-Нуъмон шаҳрида туғилган. Байт унинг "Лузумийят" асаридан олинган.

¹³ Бу ҳақда қаранг: Баҳром Сирус. Арўзи тоҷики. Таҳқиқи интиқодӣ. Душанбе, 1936, 13–31–бетлар.

¹⁴ *Шамси Қайс* — тўла номи: Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайс Розий, форс арузчиларидан. Унинг "Ал-муъжам фи маоири ашъори-л-а-ажам" асари (Техрон, 1935) назарда тутилади.

¹⁵ "*Фаръи(й) рукнлар*" — "фаръ" сўзининг луғавий маъноси: қисм, бўлак. "Аслий рукн"ларнинг қисқариши ёки орттирилишидан ҳосил бўлган ҳосила рукнлар деб ҳам қабул қилиш мумкин.

¹⁶ *Зиҳфот* — зиҳфлар. Арузда бир баҳрнинг ичида бўладиган товуш ўзгаришлари. Масалан, қисқа уннинг вазн талаби билан чўзилиши каби ҳоллар.

ИЛМИ БАДЕЪ (БАДИЙ САНЪАТЛАР)

АБДУЛЛОҲ ИБН МУЪТАЗЗ

«КИТОБУ-Л-БАДЕЪ»дан

Илми бадеънинг ибтидоси саналган ва 12 шеърӣ санъат баенига бағишланган ушбу асар 887–888 йиллари ёзилган бўлиб, унинг биринчи котиби муаллифнинг дўсти олим Али Мунажжидир. Китоб 1935 йили Лондонда факсимиле, таржима ва тадқиқот ҳолида И. Ю. Крачковский муаллифлигида ilk бор нашр этилган. Мажмуага асос бўлган манба: И.Ю.Крачковский. Избранные сочинения. Т. VI. — С. 97–178 (исследование), 179–257 (текст). Араб тилидан русча матн билан солиштирган ҳолда Маҳкам Маҳмуд таржимаси.

¹ *Башиар ибн Бурд* - VIII аср араб шоири.

² *Муслим ибн Валид Ансорӣ* — 757–823 йилларда яшаган араб шоири.

³ *Абу Нувос* - 747–814 йилларда яшаган араб шоири.

⁴ Шу ердан «лирик чекинш» характеридаги муқаддима тугаб, асарнинг асосий матни бошланади. Абдуллоҳ ибн Муътазз бадеъ (бадийят санъати)нинг энг яхши намуналарини келтиради.

⁵ Қавс ичида шундай изоҳ келади: Саҳоба Абдураҳмон ибн Али ибн Алқама сўзидан (тарж.)

⁶ *Иснод* — санад, манба ва уларнинг айтувчилари — ровийлари.

⁷ *Мутақаддимин* — қадимги шоирлар. Бу ерда: уларнинг ўтмишдошлари.

Изоҳлар

⁸ Араб халифалигида давлатнинг юксалишига катта ҳисса қўшган эронлик вазирлар сулоласи.

УМАР РОДУЁНИЙ «ТАРЖУМОНУ—Л—БАЛОҒА»дан

Нашрга асос бўлган манба: Мунтахаби Таржумону—л—балоға. — Душанбе: Адиб, 1987.

¹ *Хожа Имом Наср ибн Ҳасан* — балоғат илми ҳақидаги араб тилидаги машҳур асарлардан бири «Маҳосину—л—калом»нинг муаллифи Марғинонийнинг тўла исми.

² Машҳур шоҳ Фаррух Сейистонийга китоб бағишланган эди. Буни янглиш тушунган Давлатшоҳ Самарқандий асарни ҳатто ушбу кишига нисбат берган эди.

³ Матнда «порсий» деб берилган, «форсий тил» ёки «форсий лугатда» деб тушуниш мумкин.

⁴ *Анбар* — хушбўй кулранг модда.

⁵ *Пурсўз* — куйдирувчи, кучли.

⁶ *Аңдароб* — Балх яқинидаги қишлоқ.

⁷ *Мутобиқ* — мувофиқ.

⁸ *Човгон* — юқори қисми қайрилган таёқ

⁹ *Гўй* — човгон тўпи.

¹⁰ Англантилишича, мувашшаҳда ҳар байтнинг биринчи ҳарфларидан асар бағишланган исм еки бирор жой ва географик ном чиқиши керак. Бунда «Дарйо» сўзининг арабча езилиши назарда тутилган бўлиб, «а» қисқа унли бўлгани учун ёзувда ифода этилмаган.

РАШИДИДДИН ВАТВОТ «ҲАДОЙИҚУ—С—СЕҲР ФИ ДАҚОЙИҚУ—Ш—ШЕЪР»дан

Асар илми бадеънинг форс тилидаги илк намуналаридан бири бўлиб, унга Ҳасан исмли шоир «Баҳру—с—санойиъ» (14 аср), Шарафиддин Ҳасан бинни Муҳаммад Рамий Табризий (14 аср) «Ҳадоийқу—л—ҳақойиқ», Мирзо Аблуқосим Фарҳанг (19—20 аср) томонидан «Шарҳи Ҳадоийқу—с—сеҳр» номи шарҳлар ёзилган. Рисолада муаллифга қадар бу соҳада асарлар ёзган Абул Ҳасан Наср бинни Ҳасан ал—Марғинонийнинг (ваф. 1055) «Маҳосину—л—калом» («Нутқ гўзалликлари») ва Муҳаммад бинни Умар Родуёнийнинг «Таржумону—л—балоға» (1088—1114) аънаналари давом эттирилган. Асарнинг икки қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасида (инв 668) ва УРФАШИДа сақланади. Париж нусхаси асосида Аббос Иқбол Айтиёний (1929) нашрига суяниб, рус олимаси Н. Чалисова форсча матн (факсимиле)ни русча таржимаси билан бирга нашр эттирган. Ушбу нашр асосида форс тилидан (русча таржимани солиштирган ҳолда) Ҳ. Болтабоев айрим бобларни таржима қилган. Таржимага асос бўлган манба: Рашид ад—Дин Ватват Ҳадоик ас—сехр фи дакаиқ аш—шиър (Сады волшебства в

Изоҳлар

тонкостях поэзии). Перевод с персидского, исследование и комментарий Н Ю. Чалисовой. – М.: Наука, 1985. – С.84 – 171, 226 – 324.

¹ *Хоразмшоҳ Отсиз – Алоуддин Отсиз (1127–56) салжукли султонларидан Санжар давридаги Хоразм ҳукмдори, мустақилликка эришиш учун уч марта исён кўтарган. Ватвот ўттиз йилча муддат унга девонхона котиби ва сарой шоири бўлиб хизмат қилган.*

² *Маърифати бадоийъ шеъри порси «Таржимону-л-балоға» – форсий шеър бадииятининг маърифати (илми) бўлган «Балораф таржимони» асари. Муҳаммад бинни Умар Родуэний томонидан тахминан 1088–1114 йиллар орасида езилган.*

³ *Маҳосин – лугавий маъноси: зийнатлар, гўзалликлар. Марғионий уни «нутқ гўзалликлари» маъносида қўллайди. Ватвот ҳам бадий санъатларнинг синоними сифатида маҳосин сўзини истифода қилади.*

⁴ *Алқоб – лугавий маъноси: мақтов сўзлар. Бу сўзни Ватвот вазнларнинг вариантлари маъносида қўллайди.*

⁵ *Ундош – бу ўринда равий бўлиб келган ҳаракатсиз ундошлар назарда тутилади.*

⁶ *«Инна-л-аброра ла-фи наъмин ва-инна-л-фужжора ла-фи жажимин» – («Шак – шубҳасиз, яхшилар (яъни мўъминлар) жаннат неъматларидадирлар. Фисқ – фужур қилгувчи кимсалар (яъни Қуръон ва пайғамбарни елгончи қилгувчи, жазо кунни ва қайта тирилишни инкор қилгувчи кимсалар) дўзахдадирлар!» 82:13,14). Бундан кейин ҳам Қуръони каримдан келтирилган мисоллар Алоуддин Мансур таржимасида берилади. Қавс ичида сура ва оятларнинг рақамлари кўрсатилади.*

⁷ *Абу-л-Ҳасан Ахвазий – шоир ва котиб, Абу Мансур Саолибийнинг замондоши. У ҳақда Саолибийнинг «Йатимату-д-даҳр» тазкирасида маълумот бор.*

⁸ *Таржимаси: Она ўлди ва чодрасини олиб кетдилар*

⁹ *Таржимаси: Кимдир менга яширин айёр бўлиб келди, (айтдики) мени шеърда кўп эслайверма.*

¹⁰ *Таржимаси: Э, Сендан улуг қолгузлар мунаввар,*

Сендан камолга етмиш муқаррар,

Сенинг сахий кўқрак бўстонинг,

Сенинг улуг осмонингдан қадрли.

Бу каби ўнлаб шеърий мисралар Ватвотнинг ўз девонидан олиниб, мисол тариқасида келтирилган.

¹¹ *Таржимаси: Султоннинг олдига келгучи йиртқич шернинг олдига келгучи кабидир.*

¹² *Таржимаси: Эй, саройнинг газал айтгучиси ва газаллар куйловчиси, Қўлингта чангни олиб, газал куйла!*

¹³ *Таржимаси: Бурд – тўннинг қалини совуқдан сақлар.*

¹⁴ *Таржимаси: «Қарзлар (судхўрлардан) динни ҳалокатга етақлайди»...*

¹⁵ *Иқтисоб – тақлид қилиш, эргashiш.*

¹⁶ *Таржимаси: «Эй бечора Юсуф – а!» Ғам – алам ютавериб у зотнинг кўзлари оқарди – ожиз бўлиб қолди (12:84).*

¹⁷ *Иънот* — луғавий маъноси: ноқулайлик туғдириш бўлиб, бошқа манбаларда *илтизом*, *тазмин*, *ташдид* номлари билан ҳам келади.

¹⁸ Таржимаси: «Ўтима қаҳр қилманг! Сўровчи гадони (бирон нарса бермасдан) ҳайдаманг» (93:9,10).

¹⁹ Бу санъатта оид мисолларнинг асли берилмаган, негадир русча таржимаси билан чекланилган.

²⁰ *Ҳусну-л-матлаъ* — матлаъ, яъни биринчи байт гўзаллиги. Ибн Муътааз ўз асаарида бу «маҳосин»ни *ҳусну-л-ибтидоат* деб атаган.

²¹ Таржимаси: Эй, сенинг лабинг шаробдан ранг олмиш, Сенинг ваъдаларинг эса саробдан одат олган (ўрганган).

²² Таржимаси: Мен қози орқали мулкимга эришдим, у саховат кўрсатди ва (менинг) қасамимга ишонди

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ «ФУНУНУ-Л-БАЛОҒА»дан АЛ-ФАННУ-С-СОЛИС ФИ САНОбЪУ-Ш-ШЕЪР

(Учинчи фан шеърий санъатлар ҳақида)

¹ *Ақсоми саноат* — шеър қисмлари.

² *Тазйин* — зийнат бермоқ.

³ *Каломи мажиду фурқони ҳамид* — яхши-емонни фарқлаб берувчи Алоҳнинг сўзи, яъни Қуръон.

⁴ Таржимаси: Кай (Хусрав)нинг оёғи тупроғига бошимни қўяман, шунинг учун ҳам Кайнинг боши тожга муҳтождир.

⁵ *Исмо* — аташ, ном қўйиш.

⁶ *Мужотабадин муғойбага бормоқ* — хитоб қаратилган шахсдан номаълум шахсга ўтмоқ.

⁷ *Жумал ҳисоби* — абжад ҳисобида ҳарф бўйича ҳисоблаш қоидаси.

⁸ *Мустамийъ* — тингловчи.

АТОУЛЛОҲ ҲУСАЙНИЙ «БАДОЙИЪУ-С-САНОЙИЪ»дан

Асар форс тилида ёзилган бўлиб, унинг бир неча нусхалари бор Шунингдек, 1974 йили китобнинг тожикча нашри анча қисқартиришлар билан Р. Мусулмонқулов томонидан амалга оширилган. Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланаётган кўлезма нусхадан ўзбек тилига ўтирилган. Таржимон томонидан бажарилган изоҳ ва шарҳлар сақланди. Матн ушбу манбадан олинди: Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ (Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси). — Т., 1981.

¹ *Умунчим* — қаттиқ ишонч ва суяниш.

² *Карим* — ҳақ (мутлақ борақ)нинг карамини, сахийлигини ифодалаовчи лақаб. Олим унинг шу сифатига суяниб иш бошлайди ва рисоланинг муваффақиятли чиқишига ишонади.

³ Бу ерда *маънолар (маоний)*дан мурод ҳақиқат сирларидир. Бароати истихлол эътибори билан маоний (семантика) ва баён илмларига ишора бор.

⁴ *Тарсий* — луғавий маъноси: буюмни жавоҳир қадаб безаш (инкрустация)дир. Бу ўринда тарсий сўзи қуйироқдаги тажнис сингари бадиъ илмида санъат билдирувчи термин бўлгани учун бароати истихлол талаби билан қўлланилган.

⁵ *Мақтул* — қотилининг зидди, қатл этилган, ўлдирилган. Бу ерда ҳақ йўлининг фидокорлари назарда тутилган.

⁶ *Унсу тавҳид* — ҳамдамлик, борлиқнинг ягоналигига эътиқод қилиш ва мутлақ борлиқ билан ягоналашиш. Бу ерда: ошиқ гоёси.

⁷ *Тажрид* — соф ҳолга келиш, муқаддас ҳолга келиш.

⁸ *Дор* — юрт маъносига, юқоридаги *дор* сўзи билан тажнис ҳосил қилган. Олим, ошиқ осилган меҳнат дори унга муҳаббат қабулхонасининг ўзидир, дейди. Бу меҳнат камолга етган нуқтада мақсад ҳосил бўлади, дегани.

⁹ *Мақбул* — қабул этилган, юқоридаги *мақтул* билан лафздош.

¹⁰ *Тажнис* — ҳамжинс, шаклдош. Бу ўринда *дор* тажниси ва бароати истихлол муносабати билан қўлланган.

¹¹ Мазмуни: Улуғ бўлсин лутфлари мақтуллариға, инсон илтифоти мақбуллариға!

¹² *Суханварлиқ анворининг матлаъи* — Осмон ёритқичларининг туғилиш ўрни ва вақти. Бу ерда *матлаъ*нинг ишлатилишига унинг шеършуносликда қасида ва ғазалнинг биринчи байтини билдириши сабаб бўлган.

¹³ *Мақтаъи* — бир нарсанинг кесилган, тутаган ери. Бу ерда *мақтаъ* қасида ва ғазалнинг охириги байтини билдиргани учун келтирилган.

¹⁴ *Сиеқати аъдоғи* — санъатнинг номи: отларни уюштириш.

¹⁵ Мазмуни Қандай яхшики, у аҷам паноҳи, турк шоҳию араб ойидир, Унинг вужуди жин, инсон ва фаришталарнинг вужудга келишига сабаб бўлди

¹⁶ *Салла—л—лоҳу ғалайҳи ва ғало аҳли байтиҳи ва асҳобиҳи—л—муқаррабин лагайҳ* унга, хонадонига ва қошидаги яқин дўстларига Тангрининг ерлиги ва саломи бўлсин.

¹⁷ *Тамҳид* — умумий тушунча.

¹⁸ *Санъий* — санъатнинг кўплиги. *Санъат* нутқни гўзал қилувчи, яъни бадийий воситадир.

¹⁹ *Лафз* — нутқ, жумладан, сўзнинг товуш томони ҳам тушунилади.

²⁰ *Уч санъат* — бу ерда бадийий воситани эмас, санъатлар қисмини билдиради. Шунинг учун рисола уч санъат (бўлим)га бўлинган. Агар ҳар бир санъатнинг ўз номи борлигини ҳисобга олсак, санъат сўзини бундай кенг маънода қўллаш тўғридир. Нутқ гўзаллиги воситаларини бу жиҳда тасниф қилиш илмий жиҳатдан аҳамиятли бўлса, китоб бўлимларини бундай аташнинг бадийий аҳамияти бор.

²¹ *Хат* — лафз, яъни айтилиш оғзаки нутқнинг сурати бўлса, хат (езув) эзма нутқнинг суратидир. Демак, рисоланинг биринчи боби нутқ суратига оид санъатлар баендидан иборат экан.

²² *Матлаъ* — қасида ва ғазалнинг бош байти. Тарсий маснавийнинг ҳамма ерида ҳам келиши мумкин. Бу санъатни рубоийда биринчи бўлиб Навоий яратган.

²³ *Мувофиқ* — қофияли.

²⁴ *Яқин* — чала қофиядош.

²⁵ Равий назмга хос бўлиб, насрда унга роя қилиш шарт эмас.

²⁶ Бу байтдаги кўмакчи *зи* ва *ба* ўзга сўзларнинг ҳаммасида икки мисрага бир—бирита вазндош ва қофияли қилиб тизилган: *рўяш—кўяш*, *манфаъил—муттасил* ва ҳоказо. Байтнинг таржимаси: Юзидин гуллар уятлиғ, бўстон тушмиш паришон ҳолга, кўйига (кўйида) муттасил кўнгуллар очилмиш, дўстлар хуррам.

²⁷ Вазндаги мослик — бир хил унлилар туфайли ҳосил бўлган шаклошлик. Бу қофияли ва қофиясиз бўлиши мумкин. Мас.: *нодир—қодир*, *карам—санам*, *олим—оғил*, *мударрис—муаллим* сингари. Бу китобда бўғинларнинг сон ва сифат жиҳатидан мос келиши ҳам назарда тутилган. Бунда унлилар бир хил бўлиши шарт эмас: *олам—оғил* сингари.

²⁸ Таржимаси:

*Адашиб биз томонга йўл олганингда
Бироз ўтир, юзингни кўрсат!
Ҳамма дилу жонини беради, тотганда
Лабингдан шакар, уни ҳаммага етказ!
Эй санам, эшигинг тагида турганлар орасида
Бир мен кабиси ўзга бўлмаган вафода.*

²⁹ Таржимаси:

*Қизил лола даврида, эй жоң, далага чиқ,
Қизил май соғарини яхшилаб тотиб, гўзал юзингни ёндир!
Ҳажрингдан ожир кўнглимиз сўлди, бери кел,
Ўтли юзингни кўрсатиб, жонимизга ўт ёқ!
Бунчалик истиқно қилма, эй жоң, биздан юзингни яширма,
Юзингдан ниқобни кўтариб ташла, ғамдан юратимизни ендирма!*

³⁰ Рубоийнинг таржимаси:

*Агар толеъинг саъду юлдузинг ер бўлса,
Доро сенга тобиъ бўлиб, уйинг олтинга тўлади.
Агар Атойидек толеинг бўлмаса, шу туфайли
Меҳнатинг зойиъ бўлади, ишинг хуржун бўлади*

³¹ Бу байтдаги тавжйхнинг асоси *бигуз зорад* намоздадир, Буни намоз адо қилади деб ҳам, намозни қўяди, ўқимайди деб ҳам тушуниш мумкин. Байтнинг таржимаси: Ишвагар бутларнинг қош меҳробини кўрган чоғда шаҳарнинг шайхи намоз адо қилса (ёки намозни ташласа)

³² Байтнинг таржимаси: Ул дам хушдурким, ер билан кучоқ олишиб, бу зор жоним ғамдин халос бўлса.

³³ Байтнинг таржимаси: Эй шўх, менга доим сўкиб нома юборасан, ўзинг лабингни оч, қачонгача хат орқали ўпасан?

³⁴ Байтнинг таржимаси: Сўфий, мен ринднинг сўзига кулоқ солмади, симоъни, куй эшитишни билмагач, супа қийшиқ экан, деди. Яъни туриб кетди. Сўфийларнинг куй эшитишдан тийинадиганлари ҳам бор.

³⁵ *Иллаш* — сабабнинг маънодоши. *Таълил* — сабаб, далил келтиришдир.

³⁶ Байтнинг биринчи мисрасида мазкур сифат берилган, иккинчисида шу сифатнинг бадиий сабаби берилган. Таржимаси: Қазо қалами унинг мушқин юзига бир хат ёзмиш, Ёмон кўзни дафъ этиш учун қайтариғу дуо бўлсин учун.

³⁷ Байтнинг таржимаси: Васл куни менга шаробни ҳар қанча кўп берсанг ҳам, Сендан йироқлашган тунда кўзимга ҳам уйқу келмайди.

³⁸ Байтнинг таржимаси: Агар бир назар қилсанг, кўп эмасдир, йўқ, сендан бу миқдорда бўлса кўпдир.

³⁹ Байтнинг таржимаси: Агар сени инсон дейдиган бўлсам, ҳайф бўлади, чунки инсоннинг тани нопокдир, сен эсанг жондек поксан.

⁴⁰ Байтнинг таржимаси: Оёқ ейилади, энди эшигингдан кетолмайман, лекин «кет!» десанг, бошим билан кетаман.

⁴¹ Байтнинг таржимаси: Гарчи тан заруратдан сендан йироқ бўлса ҳам, аммо кўнглим доим сенинг олдингдадир, ҳақиқатан ҳам ва яна ҳақиқатан.

⁴² *Важҳи шибҳ* — ўхшаш томони.

⁴³ Байтнинг таржимаси: Гулҳанда сандалу уд ёндирсанг, гулшанда тутун тутатган каби бўласан.

⁴⁴ Байтнинг таржимаси: Лаъл тошдир, тошқозон ҳам тош, лекин ораларида фарқ кўп.

⁴⁵ Байтнинг таржимаси: Фазл йўлига ул сабабдин отландимки, талабда кўп кавш йиртдим.

⁴⁶ Асарнинг давомида *Учинчи санъатда* лафзю маънавий гўзалликлар, яъни қоришиқ санъатлар хусусида фикр юритилган. Хотимада шеърнинг вазну қофиясида учровчи «айб»лар ҳам баён этилган. Булар умумий айблар ва маънога тақалувчи айблардир.

ҚОФИЯ ИЛМИ

АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙ «МАФОТИҲУ—Л—УЛУМ»дан

Мазкур асарнинг 3—боби тўлиқ ҳолда қофия илмига бағишлангани учун ўша манбадаги қофияга тегишли истилоҳларнинг шарҳи келтирилади. Қаранг: М. Зиёвуддинова. Абу Абдуллоҳ Хоразмиининг «Мафотиҳу—л—улу» асарида поэтика. — Т.: 2001. — Б. 35—40.

¹ Матнда «шеърнинг охирги сўзи».

² Қиноий буни таъсис олдидаги ҳаракат деб таъкидлайди (тарж.).

³ Ушбу изоҳлар таржимон томонидан берилган.

⁴ Олим В. Фрейтаг ҳам шундай таъриф берган (тарж.). Қаранг: Жирмунский В. М. Рифма, ее история и теория. — Петроград: 1923. — С.117.

⁵ Тарсиъ категориясини Абу Абдуллоҳ Хоразмий Қудамма ибн Жаъфар шеърятидан ўзлаштириб, уни шеърятга татбиқ қилган. Бунинг маъносини, энг аввало, Хоразмийнинг ўзи изоҳлайди, шунингдек, лугатларда, жумладан, Лен лугатида ҳам унга изоҳ берилади (тарж.).

⁶ Шеърларнинг фақат ўзбекча таржимаси берилди. Муаллиф, шунингдек, Қуръони каримдан «Зеро елгиз Ўзимизга қайтишлари бордир! Сўнгра уларни ҳисоб – китоб қилиш ҳам елгиз Бизнинг зиммамиздадир» (88:25 – 26) ояти карималарни ҳам мисол тариқасида келтирган.

⁷ Қасидани мусаммата – мусаммат усули (яъни мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман ва муашшар шакллари)да яратилган қасида (шеърлар).

⁸ Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг замондоши лугатшунос олим Абу Наср Жавҳарийнинг ёзишича: «Ас – самт бу шеърятда чорак байтнинг қофияланишидир» (тарж.).

⁹ Бундай хулоса И. Ю. Крачковский томонидан шундай шарҳланади: «Мусаажъъ шеърятнинг бошланғич байтларни тенг қисмларга (тасмиг деб номланувчи) бўлиб ташлайдиган ички қофия кўринишида қадимда ҳам кўриш мумкин эди, лекин мустақил мавжудликка у гарбда эришган» (тарж.). Қаранг: Крачковский И. Ю. Арабская поэтика в IX веке / Избранные сочинения. Т. 2. – М. – А.: 1956. – С.360 – 373.

¹⁰ «Шеърый нуқсонлар» асарнинг 4 – боби бўлиб, ундан фақатгина қофияга тегишли нуқсонлар қисми келтирилди.

¹¹ Ушбу таъриф Юсуф Саккокийда шундай келади: «Йито – бу бир хил маънода сўзларнинг такрори... бунда у сўзлар бир – бирига яқин масофада туриши керак». Қаранг: Китоби Мифтоҳу – л – улум Яъқуб Юсуф ибн Али Саккокий. ЎРФАШИ. 9161 рақамли қўлёзма (тарж.).

¹² Қудамма ибн Жаъфар фикрича, синад бу иккита қофия шакллариининг ўзгартилишидир. Қаранг: Крачковский И. Ю. Арабская поэтика в IX веке / Избранные сочинения. Т. 2. – М. – А.: 1956. – С.360 – 373.

¹³ Икфо Хоразмий асарида берилган шеърят нуқсонларидан энг охиргисидир. Икфо категорияси Хоразмийгача яшаб ижод этган араб филологларига ҳам маълум эди. Мазкур атама Юнус ибн Хабиб, Абу Амр ибн Ала (хар иккиси VIII асрда яшаганлар) ва Халил ибн Аҳмад, Ибн Муътазнинг устозлари Муфаддал (VIII) ва Мубаррад (IX) асарларида ҳам учраган (тарж.).

ШАМСИДДИН ҚАЙС РОЗИЙ

«АЛ – МУЪЖАМ...»дан

Қофия илми ва шеър танқиди хусусига

Китобнинг иккинчи қисми олти бобдан иборат. Уларнинг фақат икки бобидан парчалар келтирилди.

Форс тилидан Ҳ. Болтабоев ва Д. Юсупова таржимаси. Нашр учун асос бўлган манба: «Ажам шеърлари меъерлари жамлангани»дир, 264 – 269.

¹ Маҳосин – гўзалликлар.

² Мураттаби маънови сужан – маъноси тартибга солинган.

Изоҳлар

³ Яъруб ибн Қаҳтон ибн Обир ибн Шолих ибн Арфаршад ибн Сом ибн Нуҳ – араб тили шоирлардан бири бўлиб, у Нуҳ тўғонида кейин ўтган (нашр.).

⁴ *Салавашу-л-лоҳ алайҳа* – Аллоҳнинг унга салавати бўлсин.

⁵ *Сурений* – суриялик

⁶ *Баҳром Гур* – сосоний сулоласи шоҳларидан бири (438), «Тарихи Табарий», «Шоҳнома», «Сиёсатнома», «Ҳафт пайкар» асарларида номи тилга олинган (нашр.).

⁷ *Яздигурд* – Яздигурд III, сосонийларнинг охири ҳукмдорларидан. Унинг даврида Саъд Ваққос халифа Умарнинг топшириғи билан Эронга қўшин тортган ва бу жангда енгиб, Эроннинг пойтахти Мадоийн араблар қўлига ўтган. Яздигурд ҳам арабларга қарши жанг қилган.

⁸ *Муваддаб* – одобли.

⁹ *Таржимаси*: Мен даҳшатли фил, шижоатли шерман,

Менинг номим Баҳром Гур, кўниятим Бўжабас

¹⁰ *Таржимаси*: Тоғ оғуси даштда нима қилади,

Ёр бўлмаса, ёрсиз нима қилади

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙ

«ФУНУНУ-Л-БАЛОҒА»дан

¹ *Ал-фанну-с-соний фи қофия ва-р-радиф* – Иккинчи фан қофия ва радиф хусусида.

² *Ҳарора* – қофиясиз шеър, унда радиф келтириш билан чекланилади.

³ *Зурафо* – зарифлар, нозик дид эгалари (шеършунослар).

⁴ *Равий* – луғавий маъноси «арқон», байтда қофияни боғловчи товуш.

⁵ *Мавлоно Халил* – тўлиқ номи *Абдураҳмон Халил ибн Аҳмад Аздий* (718 – 786). Ироқнинг Басра шаҳрида туғилган. Араб арузининг асосчиси. Тишунос ва муҳаддис. «Айн китоби»да арузнинг назарий асосларини ишлаб чиққан. Ритм, оҳанг ва мусиқага доир китоблар ҳам етган.

⁶ *Ҳарфи равий* – мумтоз қофия таркибидаги ҳарфлардан бири. Луғавий маъноси «арқон», байтда қофияни шу товуш билан боғлайдилар. Одатда чўзиқ унлилар (о, у, ў) ва ҳаракатсиз ундошлар равий бўлиб келади

⁷ *Ҳарфи радиф* – «отта мингашиниш» маъносини билдиради. Қофиядош сўзларда (эпик бўғинда) ундош равийдан олдин келган чўзиқ унли.

⁸ *Қавл* – сўз, гап.

⁹ *Хокистар* – кул.

¹⁰ *Дархур* – муносиб, яраша.

¹¹ *Густар* – кенг, катта.

¹² *Ҳушгувор* – хуштаъм, мазали.

¹³ *Мутавотир* – пайдарпай, кетма – кет.

¹⁴ *Мутародиф* – ридфли (қофия).

¹⁵ *Мутарокиб* – бандли, боғланган.

¹⁶ *Мутадорик* – етишувчи, орқадан келиб қўшилиувчи.

¹⁷ *Мутаковис* – роҳатсиз бўлмоқ.

¹⁸ *Маъмул* – амалдаги.

Изоҳлар

¹⁹ Раҳгузар – серқатнов йўл.

²⁰ Таржимаси: Сўнг Ковус айтди: «Эй донишманд...»

²¹ Таржимаси: Бизнинг ёрнинг боши баланддир, баланд деб айтаман. Сўнгра яна айтаманки, рақиблар дастидан сўз яна кўпайиб кетди.

²² Инфиол – ҳаяжонланиш, таъсирланиш.

²³ Таржимаси: Менки бу ҳунарга боғланганман ва ҳар қаерда мен билан боғланган.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ «РИСОЛАИ ҚОФИЯ»

Ушбу рисола 1465 йилда Шамсиiddин Қайс Розийнинг «Ал – Мўъжам...» асарининг қофия қисмига асосланиб езилганлигини тожик жомийшунослари А. Афсаҳзода, А. Зухуриiddинов бир овоздан таъкидлайдилар. Асар Муқаддимадан ва Хотимадан ташқари «Хуруфи қофия» (1), «Ҳаракоти қофия» (2), «Мутародифу мутавотир ва мутадорику мурақориб ва мутаковис» (3), «Муқаййади мутлақу мужаррад» (4), «Уйуби қофия (иктову икфо ва синаду ийто)» (5) каби қисмлардан иборат.

Жомийдан сўнг ушбу йўналишда форс тилида Нуриiddин Аҳмад ибн Аблужамалининг «Қофия», Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг «Дар қавойиди илми қофия» («Қофия илми қоидалари ҳақида») каби рисолалари тарғиб берилган. Асарнинг бир қанча қўлезма нусхалари мавжуд бўлиб, мазкур нашр учун асос бўлган манба «Рисолаи қофияи Мулло Жомий» сарлавҳаси билан «Арузи Сайфий Бухорий» таркибида Калькуттада 1867 йилда нашр қилинган. Ушбу асар нусхасини ЎЗМУ доценти А. С. Эркинов Берлин Давлат кутубхона – сидан келтирган.

Рисола матни форс тилидан юқоридаги манба асосида Д. Юсупова томонидан таржима қилинди. Асар матни Абдураҳмон Жомийнинг «Асарлар»ининг 8–жилди (Душанбе: Адиб, 1990)даги рисола билан солиштирилди. Тожик олими А. Зухуриiddинов тузган изоҳлар (нашр.) белгиси остида сақланди ва улар тўлдирилди.

¹ *Воҳибу-л-атойоти жалла жалолуҳу* – Улуг Аллоҳга шарафлар бўлсин

² Ушбу жумла асарнинг Душанбе нашрида тушиб қолган.

³ Жомий аънаёнага мувофиқ аввал қофиянинг маъносини бериб, сўнгра Шамс Қайс Розий сингари унинг таърифиغا ўтади. Муаллиф ушбу таърифни Шамс Қайс Розий ва Носириiddин Тусийга нисбатан аниқроқ ва равшанроқ баён этади. Фақат таърифнинг бир мушкуллиги борки, у араб тилшунослиги истилоҳлари асосида амалга оширилган (нашр.).

⁴ *Мурдаф* – қофия турларидан бири. Бутунги шеършуносликда ридфли қофияни ҳам, радифли қофияни ҳам бир истилоҳ – *мурдадаф қофия* деб аташ одат тусига кирган. Гарчи “радиф” сўздан *мурдадаф* ясалмаса ҳам, бу икки тушунчани бир – биридан фарқлаш учун ридфли қофияни *мурдаф* ва радифли қофияни *мурдадаф* деб аташ тўғрироқ бўлади (нашр.).

⁵ Равий — қофияни ташкил қилувчи ҳарф. Келтирилган байтдаги “дил” ва “гил” сўзларида “л” ҳарфи равий ҳисобланади (нашр.).

⁶ Ридф — равийдан аввал келувчи чўзиқ унли ҳарфдир. Бу унсур тожик шеърлятида ўзига хос хусусиятларга эга. *Таъсис*, *дахил* ва *ридф* қофия таркибидаги равийдан аввал келувчи уч унсурдир. Ридф икки турли бўлади: ридфи муфрад (аслий) ва ридфи зоида (нашр.).

⁷ Тўртинчи изоҳга қаранг.

⁸ Равий ҳарфи ва ридфи муфрад орасида келувчи ундош ҳарфни *ридфи зоида* деб атарлар. Шамси Қайс Розий ва Жомий ридфи зоида ҳарфларини олтига санайдилар. Булар Х, Р, С, Ш, Ф, Н ҳарфларидир (нашр.).

⁹ Душанбе нашрида «дошт» ёзилган.

¹⁰ *Ишбоъ* — қофия унсури бўлиш билан бирга фонетик истилоҳ ҳам ҳисобланади. Унга кўра, “а”, “и”, “у” ҳаракатлари чўзиқ унлилар: “о”, “ий” ва “ў” сингари талаффуз қилинади (нашр.).

¹¹ “Нур” ва “пир” сўзларидаги “ў” ва “йо” товушлари талаффузда “у” ва “й”дан фарқ қилади.

¹² Муаллиф чўзиқ “у” ва “ў”ни, чўзиқ “и” ва “йо”ни назарда тутмоқда.

¹³ *Имола* — фонетикада “о” ва “а” унлиларини “и” ва “е” сингари талаффуз қилишдир. *Китобни китеб*, *ҳисобни ҳисеб*, *катебани китеба* сингари (нашр.).

¹⁴ Рабийдан аввал келувчи ундош ҳарфни қайда деб атарлар. “Чанг” ва “оҳанг” сўзларидаги “н” ҳарфи қайда ҳисобланади.

¹⁵ Жомий ҳам Қайс Розий сингари қайда ҳарфларини ўнга деб ҳисоблайди: Б, Х, Р, З, С, Ш, Ф, Н, Ҳ (нашр.).

¹⁶ Юқоридаги мисоллар *абр* ва *сабр*, *тахт* ва *бахт*, *марғ* ва *дарғ*, *базм* ва *назм*, *маст* ва *даст*, *гашт* ва *мағз* ва *нағз*, *суфт* ва *гуфт*, *панг* ва *банг*, *чеҳр* ва *меҳр* каби сўзларга Б, Х, Р, С, Ш, Ф, Н, Ҳ ҳарфлари қайда ҳисобланади.

¹⁷ *Таъсис* — қофия унсурларидан бири бўлиб, кўпроқ “алиф”и таъсис номи билан машҳур. Чунки у “алиф”, яъни “о”дан бошқа ҳарф бўла олмайди (нашр.).

¹⁸ *Дахил* — қофия унсури бўлиб, қофияга доир барча рисолаalarda унга бир хил таъриф берилган, яъни *дахил* равий ва “о” (таъсис)нинг ўртасида келувчи ҳарфдир. Тожик шеърлятида бу унсурга риоя қилиш шарт эмас (нашр.).

¹⁹ *Васл* — қофия унсури бўлиб, равийдан кейин келувчи чўзиқ унли ёки ундош товушдир (нашр.).

²⁰ *Хуруж* — васлдан кейин келувчи қофия унсуридир (нашр.).

²¹ *Мазид* — қофия унсури бўлиб, хуруждан кейин келувчи чўзиқ унли ва ундош ҳарфларни мазид деб атарлар. Келтирилган байтда “сиёҳасташ” ва “нигоҳасташ” қофияларидаги “ш” ҳарфи мазиддир (нашр.).

²² *Ноира* — мазиддан кейин келувчи қофия унсури бўлиб, “а”, “и” ва “у”дан бошқа барча ҳарфлар *ноира* ҳисобланади, санаб ўтиган унлилар тилшуносликда ҳаракат деб аталиб, улар алифбода алоҳида шаклга эга эмаслар (нашр.).

²³ *Қофия ҳаракатлари* — ҳаракат ва ҳарфлар бўлиб, араб тилида қисқа унлилар "а", "и" ва "у"лар ҳаракат деб аталиб, улар алифбода алоҳида тааллақ эга эмаслар. Бу унлиларни ифодалаш учун ҳарфларларнинг усти ёки остига белги қўядилар. Аммо ҳарфлар бутунги кун тушунчаси билан олганда ҳам ҳарф, ҳам товушга эга бўлган белгилардир (нашр.).

²⁴ *Расс* — қофия унсуридир. Бу унсурдан бошлаб муаллиф қофияга тааллуқли бўлган ҳаракатлар (унлилар)ни шарҳлашга ўтади. Бу унсурларга Б. Сирус ўзининг "Қофия" асарида батафсил шарҳ берган (Қаранг: Б. Сирус. Қофия дар назми тожик. Сталинобод, 1953).

²⁵ *Ишбоъ* — ўнинчи изоҳга қаранг. Бу даҳилнинг ҳаракати бўлиб, даҳилдан фарқли ўлароқ шеърда унинг иштироки зарурийдир (нашр.).

²⁶ *Ҳазв* — ридфдан аввал келувчи ҳаракатдир. Тожик шеършунослигида араблардан фарқли ўлароқ ридфнинг бир неча турлари борлигини ва унинг шарҳи мураккаблик туғдиришини ҳисобга олиб, Б. Сирус ҳазв деганда қайддан аввал келган унлини назарда тутган (Қаранг: Б. Сирус. Қофия дар назми тожик. Сталинобод, 1953).

²⁷ *Тавжиҳ* — қофия унсури бўлиб, ишбоъ билан деярли бир тушунчани англатади. Фарқи шундаки, агар равий сокин ҳарф бўлса, ундан аввал келувчи унлини *тавжиҳ* деб атайдилар (нашр.).

²⁸ *Мажро* — равийнинг ҳаракатидир. Б. Сируснинг фикрича, мажро фақат қисқа "а" товушидир (Қаранг: Б. Сирус. Қофия дар назми тожик. Сталинобод, 1953). Лекин араб шеърлигида ҳар учала унли ҳам *мажро* бўлиши мумкин. Шу сабабдан Хожа Носириддин ва Жомий уни таърифлашда "мутаҳаррик равийнинг ҳаракати" деган таъбирни қўллайдилар (нашр.).

²⁹ *Нафоз* — қофия унсури бўлиб, Жомий уни "васлнинг ҳаракати" деб атайди (нашр.).

³⁰ *Мутародиғ* — "бир-бирининг маънодоши", қофия унсурали миқдорига қараб, бешинчи қофия тури (нашр.).

³¹ *Мутавотир* — "пайваста", "пайдарпай", қофия унсурали миқдорига қараб, тўртинчи қофия тури (нашр.).

³² *Мутагориқ* — "бир-бирини топиб олган", "бир-бирига яқин", қофия унсурали миқдорига кўра учинчи қофия тури (нашр.).

³³ *Мутарокиб* — "отнинг устида ўтирмақ", қофия унсурали миқдорига кўра иккинчи қофия тури (нашр.).

³⁴ *Мутаковис* — барча қофия унсуралини ўз ичига олувчи қофия тури. Тўртта мутаҳаррик ҳарф (улардан иккитаси сокин бўлади)дан иборатдир (нашр.).

³⁵ *Муқаййад қофия* — боғланган, вобаста қофия, зеро унинг равийси сукунга боғланган бўлади.

³⁶ *Мутлақ қофия* — озод қофия. Бундай қофиянинг равийси озод ҳисобланади, чунки ундан кейин унли ҳарф келади.

³⁷ *Мужаррағли муқаййад қофия* — тажриданан, яъни содда, ёлғиз қофия. Жомий бунда таъсис ва ридфдан холи қофияни мужаррағ деб ҳисоблайди.

³⁸ *Иқво* – холи қилмоқ, тарк қилмоқдир. Қофия айбларидан биридир. Б. Сирус уни "ақво" деб атаб, уни "ҳазв ва тавжихнинг қарама-қаршиси" деб таърифлайди (нашр.).

³⁹ *Икфо* – тескари қилмоқдир. Талаффузда ўхшаш ҳарфларнинг равий вазифасида келишидир. Б. Сирус бу айбни "ақфо" деб атайди (нашр.).

⁴⁰ *Синад* – Шамси Қайс бу сўзнинг маъносини "ихтилоф" (қарама – қарши) деб атайди. Аммо лугатларда "ишонч билдириш", "қўлга олиш" маъноларида келади. Қофия илмида равийдан аввал келувчи ҳар қандай айбни синад дерлар (нашр.).

⁴¹ *Ийто* – суворий (отлиқ) бўлмоқдир, қофия айбларидан бири ҳисобланади, бунда бир сўз бир шакл ва мазмунда такрорланади (нашр.).

⁴² "Йо" и танкир – номуайян "йо".

⁴³ "Дол" и истиқбол – ҳозирги замон феъли охиридаги "дол" (д) ҳарфи.

⁴⁴ "Нун" и таҳсис – "ин" ҳўшимчаси таркибидаги "н" ҳарфидир, "заррин", "панжумин", "порин" сўзларидаги каби.

⁴⁵ Қофияшунослар шойгон қофия турларидан бири сифатида ийтои жалийни санайдилар, зеро бу қофия тури аниқ тарзда кўшимча (суффиксдан) ташкил топади.

⁴⁶ *Қофияи шойгон* – Қаранг. Қофия, 68 – бет.

⁴⁷ *Ийтои хафий* – номаълум, яширин ийто.

АБДУРАУФ ФИТРАТ

«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

¹ Бобурнинг ушбу газали Фитратда тўла ҳолда келтирилмаган. "Орзу..." деб бошланувчи 4 – байти тушиб қолган. Асарни тўла ҳолда тасаввур қилиш Фитрат англаётган фикрларни тушунтишга ёрдам бериши учун байтни келтирамыз:

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил ҳануз,

Эй, юзи гул сарв қад, юздин бири айтилмагай. –

Бобур. Танланган асарлар. 55 – бет.

² Бу сўзлар радиф эмас, қофиядир. Радиф эса "яна" сўзидир.

ТИЛ ОДОБИ. БАДИИЙ НУТҚ. УСЛУБ.

БИШР ИБН МУЪТАМИР

«СИНОЪАТУ-Л-ИНШОЪ»

(«ЁЗУВЧИЛИК СЎРЛАРИ»)

Хорун ар – Рашиднинг замондоши бўлган Бишр ибн Муътамир муътазила оқимининг вакили бўлган. И.Ю.Крачковскийнинг «Бадий ижод ҳақида VII асрга доир муътазила руҳидаги рисола» мақоласида ёзилишича, бу асарнинг асил қўлёзма нусхаси сақланиб қолмаган бўлса – да, IX ва XI асрларда яшаб ижод қилган тўрт машҳур муаллиф Жоҳизнинг «Китобу – с – синоатгайн» («Икки санъат китоби»), Ибн

Рашиқнинг «Ал – Умда» («Асослар») ва Зубайр ибн Баккорнинг «Самиъат» («Тингловчилар») асарларида Бишр ибн Муътамирнинг

бадий ижод назариясига оид асарининг матни тўлиқ ҳолда келтирилгани сабабли бу асар бизгача етиб келган. Булардан ташқари атоқли араб адиби Мустофо Манфалутийнинг «Сайланма асарлари тўплами» («Мужтороту – л – Манфалутий»)да Ибн Муътамирнинг асари «Синоату – л – иншоъ» деб номланган. Таржимада ҳам шу ном сақланди. Нашр учун асос бўлган манба. Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. 2. – М. – Л.: ИАН, 1956. – С. 223 – 229. Русчадан арабча матн билан солиштирган ҳолда Маҳкам Маҳмудов таржима қилган. Матн ўзбек тилида китобхоналарга илк бора тақдим этиляпти.

¹ *Иброҳим ибн Жабал ибн Маҳрам Сахуний* – муаллифга замондош муаллимлардан бири.

² *Найча* – Ислоом шарқида матн езилган қоғозни саллага қистириш ва бошқа жойларда тутиш учун қулай бўлсин учун найсимон қилиб ўралган ҳолда сақланган.

³ *Мавзун* – вазнга солинган.

⁴ *Мақшуф* – кашф этилган.

⁵ *Маъруф* – маърифатли.

⁶ Араб олимнинг бу мулоҳазалари Арастунинг «Риторика» («Хитоба») асаридаги фикрларга мувофиқ келади.

ҚУДАМА ибн ЖАЪФАР «НАҚДУ–Н–НАСР»

IX асрда яшаган араб алломаси Қудамма ибн Жаъфарнинг асарлари бутун араб оламида тан олинган бўлиб, унга Ибн Халдуун юксак баҳо берган ва уч асарини алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Улардан бири «Нақду – ш – шеър» («Шеър танқиди») бўлиб, бу асарнинг шухрати Ғарбий Оврўпа олимларига қадар етиб борган. Иккинчи асари «Нақду – н – наср» («Наср танқиди») бўлиб, уни «Китобу – л – баен» ҳам дейишади. Оврўпада эса «Риторика» номи билан машҳур. Учинчи асари «Жавоҳиру – л – алфоз» («Лафз – нутқ жавоҳирлари») бўлиб, у асар ҳақида биргина Довуд Чалабийнинг «Махтутоту – л – Маусил» (Боғдод, 1346/1927. – Б. 206 – 207) асарида маълумот бор. Машҳур каталогларда бу асар учрамагани учун унга И. Ю. Крачковский шубҳа билан қараган.

Биринчи марта ўзбек китобхоналарига намуна ҳавола қилинаётган «Нақду – н – наср» асарининг ушбу нашрига асос бўлган манба: Крачковский И. Ю. Избранные сочинения Т. 2. – М. – Л.: ИАН, 1956. – С. 373 – 387. Русчадан арабча матн билан солиштирган ҳолда Маҳкам Маҳмудов таржима қилган.

¹ Эътибор сўзини араблар ибрат, паңд, насиҳат маъносига тушунадилар.

² Ҳадиснинг луғавий маъноси янги демақдир. Бу ерда: янги хабар еки янгилик.

³ Бу сўзлар И. Ю. Крачковскийга тааллуқли бўлиб, тушунарли бўлсин учун матн ичида сақланди.

⁴ Шу муносабат билан нотиқлик санъати ва шеърят санъати ҳақида фикр юритилади ҳамда Жоҳизнинг «Ал – Баен» асаридаги айрим

фикрлари билан бахс, мунозара қилади. Шеър ва шоир ҳақида гапирганида Муҳаммад пайғамбарнинг Куръонда айтилган шоир эмаслиги ҳақидаги фикрга эътибор берилади (тарж.).

⁵ Бу турдаги шеърят жоҳилия даврида ривожланган ва исломият даврида ўзгаришларга учраган – тарж.).

⁶ Турли тарихий воқеалар олдидан ёки якунида сўзланган хутбалар (тарж.).

⁷ Бу ерда номаларнинг мазмунидан кўра, уларнинг ҳусниҳат билан ёзилиши ва мактуб билан юбориладиган элчиларнинг сифатлари келтирилган (тарж.).

⁸ *Ижмол* – гўзал, чиройли ҳал этиш.

⁹ Айрим мўътабар фақиҳлар, уламоларнинг биргаликда ҳам якка ҳолда бидирган ҳукмлари.

¹⁰ Қўлимизда асарнинг тўлиқ нусхаси йўқлиги сабабли бу мисолларни таржима қиолмадик (тарж.).

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”

Мажмуада келтирилган намуналар шу кун китобхоналарига тушунарли бўлсин учун матн ҳозирги ўзбек тилидаги насрий баени билан бирга берилади. Шунинг учун орғиқча изоҳларга ҳожат қолмади. Намуналар келтириладиган манба: Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қажом Каримов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 85–93, 101, 199–201, 203, 205–207; 657; 949.

АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ “ҲИБАТУ–Л–ҲАҚОЙИҚ”дан

Нашр учун асос бўлган манба: Қ. Маҳмудов. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату – л – ҳақойиқ” асари ҳақида. Танқидий матн, транскрипция, шарҳ ва лугат. – Т.: Фан, 1972. – Б. 234–236, 242, 245. Ушбу манбадаги нашр тамойиллари сақланди. Унда асарнинг ҳар банди тўртлик эмас, балки иккилик тарзида берилган. Ҳолбуки, асар поэтикасини ўрганганда муаллиф араб ва форс адабиётида урф бўлган иккилик (маснавий)га эмас, балки турк адабиётидаги тўртликларга амал қилинганини аниқлаш мумкин. Ҳар бир банддан сўнг унинг насрий баёни келтирилгани учун тушунарсиз сўз ва истилоҳлар изоҳига ҳожат қолмади.

АЛИШЕР НАВОИЙ «МУҲОКАМАТУ–Л–ЛУГАТАЙН»дан

Асардан келтириладиган намуналар Порсо Шамсиев томонидан нашрга тайерланган манбадан олинди. Изоҳ ва шарҳлар ҳам ушбу олимга тегишли. Нашрга асос бўлган манба: Алишер Навоий. Муҳокамоту – л – лугатайн. Асарлар. Ҳн беш томлик. Т.14. – Т.: 1967. – Б.103–132, 260–266.

¹ *Тақаллум аҳли* – сўз эгаси, сўзловчи шоирлар ва адиллар.

Изоҳлар

² *Муфарриҳ* – хурсанд қилувчи; марваридни янчиб қўшилган хушбўй дори. Мазмуни: Инжуни дори учун олганда, майдалаб бир миқсоли бир тангага сотилади. Подшоҳ кулоқ соладиган бўлса, бутун ҳолда олинади, демак, қиймати мулклигига, эътиборли моллигига қараб бўлади.

³ Мазмуни: Сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздир; мартабаси – ёмон сўзнинг ҳалок қилувчанлигидан тортиб, яхши сўз билан Исонинг мўъжиза кўрсатишига (одамни тирилатишига) қадар боради.

⁴ *Тулор ва баҳойим ва сибоз* – қушлар, ҳайвонлар ва йиртқичлар.

⁵ *Мутанаввий шаҳр ва куро ва жибол ва саҳро ва беша* – турли хил шаҳарлар, қишлоқлар, тоғлар, саҳро ва жангал.

⁶ *Қойил* – сўзловчи.

⁷ *Фуруъ* – шохобча, тармоқ.

⁸ *Рисолат* – элчилик.

⁹ *Сорт* – Навоий бу сўз билан форсий тилда сўзловчиларни назарда тутаяди.

¹⁰ *Ихпалоҳот ала–с–савия* – аралашув тенг, баб–баравар.

¹¹ *Биажмашқим* – ҳаммалари.

¹² *Муҳиқ* – ҳақли.

¹³ *Вазъ* – ясаш (сўзни); возеъ – ясовчи.

¹⁴ *Мубтадий* – бошловчи, янгитдан бошловчи.

¹⁵ *Муътод* – одатланган.

¹⁶ «*Ал–мутақаллим*» – сўзловчи, сўз эгаси, сўз устози.

¹⁷ Рубоийда айтилишича, асарнинг ёзилиш тарихи жумоди – л – аввал ойи, чоршанба куни, 905 ҳижрий йилдир. Бу тарихни ҳозир амалдаги милодий йил ҳисобига айлангилса: 1499 йил 18 декабрга тўғри келади. Рубоийда ойнинг нечанчиси экани кўрсатилмаган, декабрь ойида тўртта чоршанба (4, 11, 18, 25) бор. Биз булардан ўртағини олиб, 18 декабрь дедик.

Навоий бу якуловчи асарини ўлиmidан икки ойча муқаддам ёзиб тутатганлиги мазкур таъриҳдан маълум бўлди.

АБДУРАУФ ФИТРАТ

«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ»дан

¹ *Хисрав* – форсигўй турк шоири Амир Хисрав Деҳлавий ва унинг «*Ҳамса*»сига кирган «*Лайли ва Мажнун*» достони назарда тутиаяпти.

² *Таржиъ* – қайтариш, такрорлаш, қайтариқ (АНАТИЛ, III, 187 – бет).

³ Маълумки, Фитрат бўйича «*Навоий*» эмас, балки «*Навойи*» ёзилади.

⁴ Чўлпоннинг «*Кетганинда*» номли шеъри. Сарлавҳа остида «*Клеопатрага*» деган изоҳ бор. 1922 йилда ёзилган бу шеър Чўлпоннинг «*Яна олдим созимни*» китобида қайта нашр қилинган. Қаранг: «*Чўлпон. Яна олдим созимни*». – Т.: 1991, 441 – бет.

⁵ «*Мажолис...*» – Алишер Навоийнинг «*Мажолис*» – н – нафоис» асари назарда тутилган.

Изоҳлар

⁶ *Сочим-тизим* – Фитратга кўра, назм ва наср атамалари шундай туркий истилоҳ билан берилдики, бунинг адабиётшунослиқдаги аҳамияти катта.

⁷ "*Ҳижрий тўртинчи аср*" – милодий X – XI асрларга тўғри келади.

⁸ "*Ҳижрий сажқизинчи аср*" – милодий XV асрдир.

⁹ Бу мисра Навоий асарларининг кейинги нашрларида "Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургисин" деб берилган. (Қиеслаш учун қаранг: Алишер Навоий. *Ҳазойину – л – маоний*. Наводир уш – шабоб. – Т.: 1959, 610 – бет ва Алишер Навоий. *Мукаммал асарлар тўплами*. 4 – жилд. – Т.: 1989, 437 – бет). Бизнингча, мазмун ва вазн нуқтаи назаридан Фитратдаги мисра асосий матнга яқин туради. Бироқ Фитратда ушбу байтдан кейингиси

Китоба сунъи килки сувраи Ваҳ-шамс тафсири,

Фалак тоқи ҳавошисига зарҳалдин рақам чекти

байт тушиб қолган. Бу каби "тушиб қолиш ва тўлдириш"лар Навоий асарларининг турли нашрларида турлича учради.

¹⁰ Навоийдан келтирилган бу наср парчаси буюк шоирнинг "Маҳбубу – л – қулиб" асаридан олинган. Қаранг: Навоий. *Асарлар*. XV жилдлик 13 – жилд, 23 – бет.

¹¹ Бобурнинг бу ғазали кейинги нашрлар (қиеслаш учун қаранг: Бобур. *Танланган асарлар*. Тошкент, 1958, 120 – бет)да айрим ўзгаришларга учраган. Хусусан, 2- ва 3- байтларнинг 1 – мисраси айнидир. Бу каби матн хатоликларини тўғрилашда Фитрат келтирган парчалар асқотиши мумкин.

¹² "Бобурнома"дан олинган бу парча бир шоирнинг наср ва назмда (Фитратчасига айтганда, "сочим" ва "тизим"да)ги асарларининг услубий хусусиятларини тушунтириш учун келтирилган.

¹³ Фитрат бу мисолларни турли даврда яшаган шоирлар ижодидаги мавзудош асарларда услубий ўзига хосликни кузатиш учун келтирган. Амир Умархондан олинган бу ғазали Бобурнинг юқоридаги ғазали билан қиеслашни зукко ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган ҳолда, биз нашрдаги айрим тафовутларни келтириш билан чекланамиз: Фитрат келтирган

Ким сенга Лаълидин айру тушкани жон қолдуму?

мисраси кейинги нашрда (Амирий, *Девон*, Тошкент, "Фан", 1972. Нашрга тайёрловчи М. Қодирова) шундай берилган: "Ким менго лаълидин айру тушгани жон қолдуму?" Бизнингча, Фитрат келтирган мисранинг мазмуни ҳақиқатта яқин келади. Чунки аввалги мисрада "сен"нинг аҳволи баён этилгач, кейин мазмун "мен"га кўчади ва англашиладики, бу ерда ошиқ шоирнинг кўнгли "сунбул" воситаси билан баён этилган. Бироқ Фитрат келтирган парчанинг мақтаъсидан аввалги байт тушиб қолган. Тула тасаввур учун ўша байтни келтирамыз:

Нисбати йўқ мен билан Фарҳод ила Мажнунчики,

Ишқида мен кезмаган тоғу биёбон қолдиму? –

Амирий. *Девон*. – Т.: 1972, 213 – бет. *Девоннинг кўлезма нухсасида* Умархон деб езилганига қарамай, бу нашр Амирий номи билан эълон қилинган.

Изоҳлар

14 Чўлпоннинг "Тола йўларида" шеъри "Маориф ва ўқитғучи" журнаlining 1925 йил, 5–6–сонларида босилган. Бу шеър нисбатан мукамал нашрлардан бирида (1991 йил, "Яна олдим созимни" номи остида) анча хатоликлар билан чоп қилинган.

15 Фитрат айна бир ижодкорнинг наср ва назмдаги услубий жиҳатлари уйғунлигини ва шу билан баробар адабий жинснинг талабларидан келиб чиқиб, ўша фикрни баен қилиш шакл ва усулларининг ҳар хиллигини кўрсатиш учун Чўлпоннинг "Йўл кечинмалари" мавзусидаги асарларини келтирган. Бу насрий парча унинг "Қор қўйнида лола" ҳикоясидан олингандир.

16 Бу шеър Элбек қаламига мансуб бўлиб, дастлаб "Ўзбек еш шоирлари" (Т., 1922) тўпламида чоп этилган.

17 Ўрнаклар – намуналар.

Исмлар кўрсаткичи

- Абай — 72,
Абдурахмонов А. — 103
Абдул Ҳамид Котиб — 105
Абу Абдуллоҳ Ҳасан ибн Саҳл — 241
Абу Абдуллоҳ Боғодий — 295
Абу Амр ибн Аъла — 161,283
Абу Дарда — 243,245
Абу Исҳоқ Низом — 325
Абу Нувос — 237,241,244
Абу Сарван Укли — 81
Абу Саъид — 47
Абу Таммом — 241,242
Абу Толиб — 239
Абубакр ибни Саъд — 191
Абу Бакр Сиддиқ — 239
Абул Аббос — 241
Абу — а — Амайсал — 82
Аваз — 11
Азар А — 284,
Азизий Юсуф — 164,284
Али ибн Абу Толиб — 227,239
Алқаб ва ибн Абдо — 241
Ал — ат — Табиъ — 241
Ал — Муфаддал ад — Даббӣ — 81
Амир ибн Абдуллоҳ — 241
Амирий — 11
Андалиб — 367
Антара ибн Мовия — 241
Ануширвон — 240
Арат Рашид Раҳмати — 160
Арасту Ҳаким — 7,11,14,15,103
Ардашер — 240
Асадий (Тусий) — 153,158
Асжадий — 158
Аскарый Абу Ҳилол — 82,229
Асмаъий — 82,110,161,241,282
Асокир Халил — 236
Атобак Саъд — 191
Аттор Фаридиддин — 5,52,78,86
Ахвазий Ҳасан — 259
Ахмадуллоина Б. — 287
Ахфаш Абул Ҳасан — 161,222
Аҳмад Оташ — 247
Балхий Бу Шакур — 153
Баранов Х.К. — 105
Бартольд В. В. — 182
Вақиева С. — 282
Бахиллий — 161
Башшар — 237
Бақиллоний — 229
Баҳодиров Р. М. — 182
Бедил Мирзо — 63,84
Беруний Абу Райҳон — 29,162,163,179
Бесутун — 31
Бишр ибн Мўъгамир — 325,326,335
Болабобоев Ҳ. — 12,13,85,113, 172,234,288,325,334
Боғодий Шайх Мажидиддин — 86
Бобир Заҳриддин Муҳаммад — 118,167,203,361
Бобур Абулқосим — 47
Бойқаро Ҳусайн — 47
Боту — 99,145,208,209,362
Боғодий Абдулқодир — 236
Булгаков П. Г. — 182
Буроқ — 31
Бухтурий — 82,161
Валад Муҳаммад Баҳоваддин — 89
Валад Султон — 89
Ватвот Рашидиддин 118,229,246
Волид ибн Ҳишам — 241
Восил ибн Аъта — 325
Вотикий Аҳмад — 250
Ганжавий Қавомиддин — 123
Гаспаров М. Л. — 287,288
Гегель (Хегел) — 11
Гилоншоҳ — 29
Гуҳартош Амир Бадриддин — 89
Гольдциер — 80
Гринцер П. А. — 287
Грюнебаум — 80
Даманхурий — 283
Дақиқий — 153
Дулаул — 31
Джафар А. — 172
Жабал Маъъз — 336
Жаҳонсуд Алоуддин Ҳусайн — 31
Жирмунский Б. — 84,287

- Жомий Абдурахмон — 8,47,52,82,
 93,164,284,285,286,308,360
 Жоҳиз — 245, 328,336
 Жувайний Алоуддин — 257
 Журжоний Абду—л—Қаҳир — 229
 Журжоний Қамарий — 249
 Замахшарий Маҳмуд — 162
 Зиёвудинова М. — 182,282
 Зиёд ал—Ажам — 241
 Зийнатий — 158
 Зуҳайр — 241
 Ибн Аббос — 239,243
 Ибн Абдус — 82
 Ибн Арабий — 82
 Ибн Жинний — 161
 Ибн Кунас — 81,161
 Ибн Мискавайҳ — 72
 Ибн Муътаз — 182,245,328
 Ибн Рашиқ — 229, 236
 Ибн Сино — 159,162
 Ибн Халдун — 110
 Ибн Умар — 243
 Ибн Қутайба — 82, 161, 282
 Ибн Ҳожиб — 167
 Ибн Ҳолиқон — 236
 Иброҳим ибн Аббос — 245
 Иброҳим ибн Жабал Сақуний — 335
 Иброҳим ибн Маҳдий — 245
 Имру—л—Қайс — 240
 Исо а.с. — 57
 Исфаранги Сайфи — 63
 Исфаҳоний Абул Фараж — 236
 Исфаҳоний Роғиб — 72
 Иқбол Аббос — 257
 Кайқавус Унсур — л—Маолий — 7,29
 Камол Исмоил — 124
 Камолий Имом Умид — 122
 Кантемир — 287
 Каримов Қ — 6
 Киктев — 80
 Комилов Н. — 78
 Кононов А. — 21
 Котетишвили В. — 284
 Кошғарий Ҳусайн Воиз — 230, 284
 Кошғарий Маҳмуд — 5, 103
 Кошғарий Саъдиддин — 47
 Крачковский Ю. И. —
 79,80,105,110,
 182,238,282,287,325
 Куделин А. Б. — 80, 112,161,287
 Кунтуғди — 21
 Куртулу — 109
 Лабибий — 251
 Лайс ибн Музаффар — 161
 Мансур ибн Фараж — 245
 Мустофо Манфалутий — 326
 Марра — 241
 Марғиноний Наср ибн Ҳасан —
 230,248
 Марвазий Абул Аббос — 154
 Марям — 58
 Масиҳ — 58,350
 Машраб — 63,84
 Маъаз Жабал — 259
 Маъмун — 241, 245
 Мижмар — 63
 Мирзажўжаев Н. — 166
 Молик ибн Динор — 241
 Мубаррад — 283
 Муборак Мустанғий ибн Аҳмад — 236
 Муваққарий — 255
 Муслим ибн Волид — 237,241, 245
 Муслмонқулов Р. — 284
 Муфаддал — 283
 Муътаз Абу Аббос — 277, 236, 237
 Муҳаммад Отсиз — 257
 Навоий Мир Алишер — 6,8,9,10,
 36,47,52,60, 63,68, 72,
 82,83,84,95,133,150,167,200,232,270,
 320,331, 334,350,
 363,367
 Надр ибн Шумайл — 82, 161
 Насафий Аҳмад — 158
 Наххас — 82
 Низомий — 47,154
 Нодира — 11
 Норматов У. — 333
 Шидфар — 80
 Оганесян Д. А. — 282
 Оғаҳий — 29
 Одам а.с. — 57,86
 Озар Лутғалибек — 229,246
 Ойбек — 234

- Ойтўдди — 21,26,27
 Ойша р.а. — 240
 Олимов М. — 172
 Орзибеков Р. — 103,111
 Отабек Султон Алоиддин — 89
 Поливанов Б — 84
 Поспелов Г. Н. — 329
 Райҳоний Али — 82,161
 Рамий Шараф 230
 Расулиллоҳ с.а.в. — 38, 39,232,243
 Рашид(иддин Ватвот) — 264
 Рахш — 31
 Раҳмонов В. — 234
 Риттер — 80
 Родиений Умар — 229,230,248
 Розий Шамсуддин Қайс — 109,
 164,284,285,294
 Рудаки(й) — 35,153,157,252
 Рукниддин Шайх — 86
 Румий Жалолиддин — 4,78, 79,89
 Руний Абул Фараж — 159
 Рустам — 122
 Рустамов А. — 166, 234,288,333
 Саълаб Абу Аббос — 82, 161
 Салом Қосим — 161
 Садуси Муарриж — 82
 Саййид ибн Ҳумайд — 241
 Сайфий Бухорий — 164
 Саккокий Юсуф — 162,229,
 283,327,329
 Саид ибн Масада ал-Ахфаш — 82
 Салмон — 264,269
 Салтиков-Шчедрин — 270
 Самарқандий Низомий Арузий —
 7,31,159,160,284
 Самарқандий Давлатшоҳ —
 86,229,246,257
 Самойлов Д. — 287
 Саройи Сайфи — 8, 42,45,46
 Сарахсий Баҳромий — 35,284
 Саъдий Абдураҳмон — 13,72,
 286,329,355
 Саъдий Шерозий — 42,62,267
 Сибавайҳ — 161
 Сидоров Е. Ю. — 329
 Сиккит — 161
 Сипоҳсолорбек — 36
 Сийистоний Фаррухий — 246
 Сирус Б. — 166, 288
 Соколов А. Н. — 329
 Солиҳ а.с. — 57
 Солиҳ Муҳаммад — 63,320
 Стеблева И. В. — 282
 Суйутий Жалолиддин — 236
 Сулаймон Қул — 365
 Сулаймон Ш. — 99
 Султон Иззат — 13,234,288
 Сухроб — 122
 Табризий Абу Закариё — 236
 Табризий Воҳид — 164,284
 Тайхосбек — 44
 Талабов Э. — 161
 Тарозий Шайх Аҳмад — 110,118,
 124,167,195,232, 262,286, 297
 Темур Амир — 42
 Тоий — 241
 Толстой А. — 11
 Томашевский Б. В. — 84
 Турди — 63
 Тусий Носириддин — 118,164,284
 Тўйчиев У. — 172,288
 Тўйчиева Г. — 166
 Уайт — 5
 Умар ибн Убайда — 241
 Умархон Амир — 361,364,367
 Умайсал — 161
 Унсурий — 158
 Усманов Х.К — 172
 Фазлий — 361
 Фараздақ — 245
 Фарёбий Зоҳир — 156
 Фаррух — 248
 Фаррухий — 158,251
 Фахрий Шамси — 164, 230,284
 Фирдавсий — 62,63,127,153,154
 Фитрат Абдурауф — 11,12,13,
 21,63,84,99,103,112,145,167,169,
 207, 287,323,332,360
 Флотен — 182
 Форобий Абу Наср — 6,7,14,72,
 103,104,113,159,162,163,173
 Фузулий — 140,331,360
 Фурқат Зокиржон —
 11,60,167,169

- Хайем Умар — 63,159
 Хайен ибн Робитъа — 241
 Хайруллаев М. — 182
 Хайр Абу Саъид — 159
 Халавий Тож — 230
 Халил ибн Аҳмад — 160,
 163,181,182,218,243
 Халифа Ҳожи — 229,236
 Хамраев М. — 172
 Хисрав (Деҳлавий) — 360
 Хожа Аҳрор — 203
 Хожа Камол — 264
 Холид ибн Сафвон — 240
 Холмирзаев Ш. — 333
 Хоразмий Абу абдуллоҳ — 162,
 229, 283,289
 Хоразмий Абу Бакр — 105
 Хоразмий Ҳайдар — 118
 Хорун ар-Рашид — 325
 Хос Ҳожиб Юсуф — 6, 21,343
 Хузайлий Абу Зуъайб — 241
 Хуросоний Тожидин Муътаз — 89
 Чалабий Ҳисомиддин — 89
 Чалисова Н. Ю. — 229
 Чичерин А. В. — 329
 Чўлпон — 99,320,362,365
 Шайбоний — 364
 Шайхзода М. — 234,333
 Шалыгин А. — 329
 Шарафуддинов О — 333
 Шарипов Х. — 166,230
 Шайбоний — 244
 Шерозий Абу Саъид Барҳаш — 159
 Шидфар — 80
 Шкловский Б. В — 84
 Шомуҳамедов Ш. — 8,166
 Шоҳруҳ Мирзо — 47
 Элбек — 99,287,320,362
 Эйхенбаум Б. — 84
 Югнакий Адиб Аҳмад — 6,36,
 41,329,347
 Юҳанно — 5
 Юнус ибн Ҳабиб — 283
 Яссавий Аҳмад — 63,72,
 209,320,365
 Яъқуб ибн Қаҳтон — 294
 Ҳадулмиш — 21
 Ҳзгурмиш — 21
 Қазвиний Мирзо Муҳаммад —
 32, 257
 Қамарий — 251
 Қаҳҳор А. — 333
 Қизил Арслон — 156
 Қиноий — 283
 Қобус Шамсу-л-Маоли — 29
 Қодирий (Жулқунбой) — 99,322
 Қудам б. Жаъфар — 81,105,
 109,182,282,283,328,338
 Қутайба — 81
 Ҳазорий Абу Язид — 155
 Ҳаззолий Имом — 72
 Ҳазнавий Маҳмуд — 158
 Ҳафуров И. — 333
 Ҳусайний (Бойқаро) — 150,361
 Ҳажжож — 243
 Ҳаййон Абу — 236
 Ҳамадоний Бадиуззамон — 105
 Ҳарақоний Абул Ҳасан — 159
 Ҳасан Басрий — 241,243
 Ҳасан ибн Рашиқ — 161
 Ҳасан Қора — 21
 Ҳидоят Ризоқулихон — 229,246
 Ҳожиаҳмедов А. — 172,234,288
 Ҳофиз Шерозий — 62
 Ҳумавий Ёкут — 229,236,246,255
 Ҳусайн Удий — 364
 Ҳусайний Атоуллоҳ — 231,270

Асарлар кўрсаткичи

- Авесто — 5,227
 Адабиёт қондалари — 12,63,69,
 84,112,145,207,323
 Адабиёт муаллими — 72
 Адабиёт назарияси — 13,164
 Адабиёт усуллари — 72
 Айн китоби — 161
 Акбару — л — афкор фи
 расоил ва — л — ашъор
 ал — жомеъ фил — гино — 236
 Ал — Китаб — 161
 Ал — Мўъжам фи маъойири
 ашъору — л — ажам — 109,164,
 191,192,284,285,294
 Ал — Умда — 229
 Ал — уйуб фи муқаффий
 ашъору — л — араб — 191
 Ал — ҳошияу — л — кабири али
 магну — л — кофий фи илму — л —
 аруз вал қавофий — 283
 Амалий ҳам назарий адабиёт
 дарслари — 13,72,73,320,335
 Амир Олимхоннинг ҳукмронлик
 даври — 63
 Анису — л — қалб — 140
 Ан — Найм — 106
 Аргумон — 320
 Аруз — 154
 Аруз рисоласи — 118,203
 Аруз ҳақида — 63,164,167,214
 Арузи Сайфий — 164
 Арузи Қустос — 167
 Арузи Унсурий — 167
 Ашъору — л — мулук — 236
 Аҳмадбек — 361
 Бадойиъи Атоий — 270
 Бадойиъу — с — санойиъ — 232,270
 Бангу бода — 140
 Барбод — 209
 Баҳористон — 8,47
 Бобурнома — 203
 Вафоеу — л — аъен — 236
 Введение в литературоведение — 106
 Волидийя — 203
 Гайситу — 163
 Гул ва Наврўз — 118
 Гулистон — 42,43
 Гулистони бит турки — 8,42
 Гузал санъат дунесида — 72
 Диван ал — ма'ани — 82
 Девони кабир — 89
 Девони луготит турк — 5,82,227
 Девони Фузулий — 140
 Етти жом — 140
 Жавҳару — з — зот — 78
 Жамъи мухтасар — 164
 Зайну — л — араб — 209
 Зуфунун — 365
 Илми мусикий — 203
 Илоҳийнома — 5,78
 Иршод — 236
 Ичиндаги ичиндадир — 79,89
 И'жазу — л — Қуръон — 229
 Ихсо ал — улум ва — т — таъриф — 14
 Калому — ш — шеър ва — л —
 қавофи — 6,14
 Канзу — л — қофия — 35,284
 Катта мусиқа китоби — 14
 Кашфу — з — зунун — 236, 246
 Китоб асрору — л — балога — 229
 Китобу — ш — шеър — 6,14
 Китобу — л — лугат — 6,14
 Китоби санъати ал — китобий — 6,14
 Китобу — л — хитоба — 6,14
 Китобу — з — заҳра ва ар — риез — 236
 Китобу — л — ажнос — 241
 Китабу — л — ма'ани — 82
 Китобу — л — одоб — 236
 Китобу — л — бадеъ — 236,237
 Китобу — л — баен — 105, 328,336
 Китобу — л — жаворих ва ас — сайд — 236
 Китобу — л — фухулату — ш —
 шуаро — 282
 Китабу — л — санъатайн — 161
 Китабу — с — сина'атайн — 229
 Китобу — с — суруқот — 236
 Китобу — ш — шеър — 162,173
 Китабу — л — ҳайвон — 328

Комплекс усули — 72
Лавҳу — л — маҳфуз — 5, 10
Лайли ва Мажнун — 140, 331, 336
Латойифи Тарозий — 118
Лисону — т — тайр — 52
Мавлуду шариф ёхуд хайрул
башар — 63
Мажмаъу — л — фусаҳо — 246
Мажмуату — л — маъни — 82
Мажолис — н — нафоис — 334
Мактубот — 89
Маснавийи маънавий — 89
Матлаъу — л — эътиқод — 140
Мафотиҳу — л — улум — 162, 164,
183, 229, 289
Мақома — 105
Маҳорижу — л — ҳуруф (Ҳикмати
аруз) — 162
Маҳосину — л — калом — 230
Мезону — л — авзон — 111, 136,
167, 200
Меъёр фи авзону — ш — шеър — 161
Мезону — л — заҳаб фи синоат
шеъру — л — араб — 283
Меъёру — л — ашъор — 118,
164, 167
Меъеру — л — жамоли — 164
Меъёру — л — нусрати — 164
Мифтоҳу — л — улум — 162, 283
Мубаййин — 203,
Муидинидин Парвона китоби — 89
Мукотиботу — л — ихвон би — ш —
шеър — 236
Мунозара — 63
Мунтахаби Тарҷумону — л —
балоға — 230, 246
Муסיқа китоби — 14
Муסיқа ҳақида сӯз — 14
Мутавассит — 270
Муфассал — 203
Муфрадот — 52
Мухтасар — 167, 203
Мухтасар ислом тарихи — 63
Мухтороту — л — Манфалутий — 326
Муқаддима — 282
Муҳокамату — л — луғатайн — 52,
329, 350

Муъҷаму — л — удабо — 246
Муъҷам фи илму — л — арузи — 161
Накиса — 218
Нақди маоний — 35
Нақди алфоз — 35
Нақду — ш — шеър — 81, 105,
109, 282, 328, 338
Нақду — н — наср — 105, 328, 338
Назму — л — жавоҳир — 52, 57
Насиҳатномаи Кайковус — 29
Насойиму — л — муҳаббат — 36, 52
Нодир ҳикоятлар — 7, 34
О прозе. О поэзии — 84
О теория прозы — 84
Оғани — 220
Оташкада — 246
Поэтика — 14
Раҳбари нажот — 63
Ринду Зоҳид — 140
Рисолаи қофия — 47, 285, 308
Рисолаи аруз — 47, 164
Рисолаи асғари манзума дар
муаммо — 47
Рисолаи кабир дар муаммо — 47
Рисолаи муסיқий — 47
Рисолаи мутавассит дар муаммо — 47
Рисолаи сағир дар муаммо — 47
Ритмлар ҳақида китоб — 14
Риторика — 14, 105, 338
Сабъаи сайер — 52, 133
Сайҳа — 63
Сариқот — 35
Сарфи форсии манзум ва
мансур — 47
Саркаш — 218
Сибҳату — л — аброр — 47
Силсилату — з — заҳаб — 8, 47, 82, 93
Символизм тўтрисида — 72
Синоату — л — иншоъ — 326, 335
Сихҳат ва мараз — 140
Соломон ва Абсол — 47
Софистика — 15
Суҳайл ва Гулдурсун — 42
Суҳбагу — л — асмор — 139
Табоширу — с — сурур — 236
Табақоту — ш — шуаро — 220, 236
Тарихи Табари (й) — 220

Тазкирату — л — авлие — 52
 Тазкирату — ш — шуаро — 246
 Табақоту — н — наҳвийин ва ал —
 лугавийин — 236
 Таржимону — л — балога — 229,
 231, 248, 258
 Тарожим — 35
 Таянч — 161
 Теория литературы — 84
 Тибъену — л — лугата — т — турки
 ало лисону — л — қангали — 191
 Тилимиз — 63
 Турк адабиёти намуналари — 42
 Туркий адабиётнинг қадимги
 даври — 103
 Туҳфату — л — аҳрор — 47
 Фавоиди Зиеия — 47
 Фазл аҳлининг шеърда айтилган
 фикрларини баён қилиш китоби — 179
 Фарҳод ва Ширин — 52
 Фи — с — саноату — ш — шеър — 6, 14
 Фи — т — тавҳид ва — л — адл — 325
 Фиҳи ма фиҳи — 79, 89, 90
 Фозил одамлар шаҳри — 163
 Форс шоири Умар Хайем —
 112, 153
 Форсий Қуръон — 89
 Фунуну — л — балога — 118, 119,
 167, 195, 262, 297
 Футуризм — 72
 Ҳазойину — л — маоний — 52
 Ҳамса — 8, 52, 111
 Ҳамсаи Низомий — 218
 Хатти Бобурий — 203
 Хирадномаи Искандар — 47
 Хусраву Ширин — 43
 Чаҳор мақола — 7, 34
 Шоҳнома — 218
 Шеър ва шоирлиқ — 12, 63, 64, 103
 Шеър ва шоирлар китоби —
 81, 282

Шоир аҳволи ва шеър
 муболиғаси — 11, 60
 Шоирларнинг шеър ёзиш
 санъатлари хусусида — 15, 113
 Шоирларнинг шеър езиш
 санъати қонунлари ҳақида — 114
 Энг эски турк адабиёти
 намуналари — 63
 Юсуф ва Зулайхо — 47, 365
 Ўзбек ёш шоирлари — 63
 Ўзига хослик сирлари — 333
 Ўртоқ шоир — 333
 Ўқув — 63
 Ўзбек адабиёти намуналари — 63
 Ўзбек классик мусиқаси ва унинг
 тарихи — 63
 Ўрхун — Энасой обидалари —
 5, 227
 Қавоиди адабия — 72
 Қобуснома — 7, 29, 30
 Қофия — 270
 Қутадғу билиг — 5, 21, 22, 343
 Қустосу — л — аруз — 162
 Фиёсу — л — лутот — 105
 Гояту — л — арузайн — 35, 284
 Ҳайрату — л — аброр — 8, 52,
 53, 83, 95
 Ҳадоийук — с — сеҳр —
 118, 230, 231, 246, 258
 Ҳадоийку — л — мўъжам — 191
 Ҳалли ахбор — 236
 Ҳарб иши — 203
 Ҳафт авранг — 47
 Ҳибату — л — ҳақойиқ — 36, 343
 Ҳинд сайёҳи баёноти — 63
 Ҳиндистон — 162
 Ҳиндларнинг грамматика ва
 шеър ҳақидаги китоблари баени
 — 179
 Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад — 52
 Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер — 52

Истилоҳлар кўрсаткичи

- Аблағу — л — булағо — 124
 Абтар — 184
 Авзони мавозин — 204
 Авсат — 197
 Адаб — 12
 Адабиёт — 70,80,108
 Адабиёт дарслари — 73,
 Адабиёт илми — 112
 Адабиёт назарияси — 13
 Адабиёт тузуқлари — 71
 Адабиёт қоидалари — 71
 Адабиётшунос — 12
 Адабиётшунослик — 11
 Адабий ижод — 73
 Адабий навъ — 110
 Адабий турлар — 11,112,118
 Адабий ҳодиса — 73
 Адабий юмуш — 99
 Адаб — 338
 Адвор кутуби — 137
 Адиб услуби — 332
 Адно — 197
 Ажам шуароси — 168,
 Ажз — 120
 Ажзойи афойил — 167,196
 Ажзъ — 192
 Ажиб — 167,197
 Аз — зорр (зарарли) — 341
 Айбли — 342
 Айн — 88
 Акс — 252
 Акси комили мутаҳодий — 253
 Акси махражи мутаҳодий — 253
 Акустика — 117
 Ала — с — садр — 233
 Алифот фи — с — сифат — 246
 Аллоҳ сўзи — 9
 Алъал — 30
 Алқоб — 258
 Амиқ — 168,171,205
 Аналогия — 16
 Аналҳақ — 87
 Анвоъи балоғат — 232
 Англатиш равиши — 357
 Аниқ хабар — 339
 Араб арузи — 147,161,165
 Араб филологияси — 161
 Араб — форс арузи — 166
 Араб — эрон арузи — 222
 Ариз — 168,171,205
 Аркон — 223
 Аркон шарҳи — 192
 Аруз — 30,109,110,118,146,184,
 193,201,205,210,248,252
 Аруз вазни — 146,214
 Аруз вариантлари — 164,182
 Аруз илми — 11,171,230
 Аруз маъноси — 192
 Аруз тарихи — 169,171
 Аруз техникаси — 169
 Аруз усули — 211
 Аруз фани — 169
 Аруз(и) арабий — 214
 Аруз(и) форси(й) — 214,222
 Арузийлар — 168
 Арузворий — 139
 Арузи мақбуз — 184
 Асар — 99
 Асб — 204
 Асл ваъзи — 197
 Аслам — 187
 Асли(й) рукн — 221,224,301
 Ат — тарзиҳ — 233
 Ат — томм (туғал) — 342
 Афойил — 192
 Афзулу — л — уламо — 121
 Аҳазз — 185
 Аҳраб — 136,220
 Аҳрам — 136,220
 Ашкол — 233,263
 Ашула — 146
 Аъло — 197
 Аъён — 88
 Ақалли — 120
 Ақл — 204,217
 Ақсоми саноят — 232,264
 Бадеъ — 237
 Бадиий нутқ — 85
 Бадиий сўз — 8,14
 Баен — 105
 Байт — 122,145,170,203,218,221
 Балоғат — 73
 Банд тузилиши — 111
 Бандшунослик — 111

- Бармоқ вазни – 207
 Басмалайи назм – 140
 Баҳрлар – 170
 Билиг – 104
 Билим – 22
 Биҳору бӯҳур – 140
 Босим – 145
 Бронза – 74
 Булбул – 65
 Бурҳоний (исботли) – 16
 Вўёқлар – 74
 Бадиий санъатлар – 227
 Бадиий тил ва услуб – 332
 Бадиият санъати – 238
 Бадоийъ – с – санойиъ – 270
 Бароати истиқлол – 233, 263
 Басит – 167, 185, 197, 205, 213
 Баҳр – 185
 Бимо – 233
 Бимо йушби ҳуззам – 233
 Бирлашган ватад (ал – ватаду – л – жамъ) – 184
 Битим (қофия) – 320
 Битимларда оҳанг – 322
 Болиғ (балоғатли) – 342
 Бўлим – 170
 Вазн – 12, 65, 66, 221, 258
 Вазн бўлақлари – 170
 Вазн муаммолари – 162
 Вазн турлари – 160
 Вазн назарияси – 169
 Васл – 289
 Васф – 337
 Ватад – 167, 173, 195, 219
 Ватади ирода – 197
 Ватади мажмуъ – 195
 Ватад(и) мафруқ – 195
 Вақс – 204
 Вақф – 204
 Вофир – 185, 205, 213, 218
 Гул – 65
 Гуру – 181
 Гузал санъатлар – 70
 Дабирлик – 33
 Дактилическая рифма – 287
 Дарвиш – 91
 Дахил – 288
 Дебоча – 111, 120, 140
 Девон – 42, 140
 Дисирамби (дифирамб) – 104, 115
 Доираи мужтамиа – 205
 Достон – 12
 Драма – 116
 Драма (дамото) – 104, 115
 Ду байтгий – 136
 Жабб – 204
 Жадалли (диалектик) – 16, 245
 Жадида – 201, 205, 213, 226
 Жазл – 204
 Жазм – 204
 Жазф – 198
 Жазъ – 204
 Жамъ – 204
 Жамъу – л – муфрад – 233
 Жамъун ма ат – тафриқ ва – т – тақсим – 233, 263
 Жанрий бирлик – 110
 Жаҳф – 204
 Женская рифма – 287
 Жузв – 170
 Жанр – 111, 112
 Жанрий ўзгаришлар – 110
 Жанрлар генеологияси – 103
 Жисм ва жон – 86
 Жом – 65
 Жонон – 87
 Жоҳилийя – 110
 Жузъ ва кулл – 87
 Заковат – 23
 Зарб – 30, 120, 184, 193, 205
 Зариф – 341
 Зеҳний юмуш – 99
 Зоҳид – 91
 Зулқофиятайн – 30, 273, 307
 Заиф – 341
 Залал – 204
 Замон – 328
 Зиҳоф – 204
 Зиҳофот – 201, 221, 224
 Зулқофиятайн мураддаф – 308
 Ибодъ – 233, 263
 Ибтидо – 120, 193
 Измор – 204
 Ижод – 99
 Изофа – 328, 338
 Ийто – 283, 285, 293
 Ийҳом – 275
 Икфо – 283, 285, 307, 317
 Иллат – 182
 Илми адаб – 230

Илми аруз — 164,182,214
 Илми бадеъ — 85,105,229,236
 Илму — ш — шеър — 214
 Илтифот — 190,233,263,266
 Интибоҳ — 233,263
 Иншо — 105
 Иншо санъати — 325
 Ирсолу — л — масал — 233,263,276
 Ирсолу — л — масалайн — 233,263
 Ирқ битиги — 104
 Исломий адабиет — 108
 Ист — 170
 Истиқро (индуктив) — 16
 Истилоол — 233,263
 Истидрок — 233,263,277
 Истиора — 233,238,
 261,263,279,339
 Истифҳом — 233,263
 Итлоқ — 307
 Итмом — 190
 Ифода — 99
 Ифода йўсуни — 99
 Ифода шакллари — 103
 Ифтихор — 340
 Ихтироъ — 340
 Ишқол — 266
 Иштиқоқ — 177,231,233,
 248,260,263,266
 Ишқ нури — 78, 91
 Ёънат — 190,260
 Ёънату — л — қарина — 231
 Ёътироз (эътироз) — 190
 Иқво — 283,317
 Иқтибос — 233,261,263,267
 Иқтидоб — 260
 Иқтов — 285
 Игроқ — 277
 Игроқ фи — с — сифат —
 23,233,263
 Иҳом — 233,261,263
 Иҳому — т — том — 233,260,263,265
 Йир — 103
 Йиғи — йўқлов — 104
 Кабл — 204
 Калому — л — мавзуну — л —
 муқоффа — 12,64
 Калому — л — мужомеъ — 233,263
 Кафф — 204
 Кизб (ёлронли) — 341
 Киноя — 245,246
 Комил — 31,201
 Кулл — 87
 Кавн — 88
 Касф — 204,217
 Кулгили газалиет — 114
 Кўг — 104
 Кўз — 65
 Кўчим табиати — 85
 Лавҳа — 339
 Лағху — 181
 Лафз (алфоз) — 80, 96
 Лафз вазни — 168
 Лафзий гўзалликлар — 217
 Лафзий санъатлар — 271
 Лаффу — н — нашр — 269
 Лаффи наشري мураттаб —
 233,269
 Лаффи наشري мушавваш —
 233,269
 Лаҳн (ашула) — 339
 Лирика — 107
 Литература — 108
 Лугат таркиби — 282
 Лугз — 114,263,339,340
 Лузуму ма ла йалзаму — 260,307
 Лутф — 340
 Маа — т — тажнис — 261,263
 Мабсут — 184
 Мавзу — 84,99
 Мавзун (ваззли) — 174
 Мавсил — 233,261,263
 Мавқуф — 187
 Мадрлик — 146,181
 Мадида — 31,167,184,197,201,213
 Мадида мусаммани солим — 138
 Мадрҳия — 31,114,328
 Мадр — 121
 Мажзу — 184,185,205
 Мажзу музал — 185
 Мажзу солим — 185
 Мажмуъ — 194,
 Мажро — 253,289,317
 Мазаммат — 120
 Мазид — 289
 Мазмун жиҳатлари — 84
 Майни куйлаш (васф ал — хамр) — 340
 Макон — 88,328, 338
 Макшуф — 187
 Малиҳ — 233,261,263,341
 Малику — ш — шуаро — 121

Малоҳатли – 341
 Мамдуҳ – 121
 Манзум сўз – 109,190
 Манзум шеърлар – 66
 Маноқиб – 120
 Мансур – 132,133
 Мансур сўз – 109,190
 Мансур шеър – 66
 Мансуҳи кабири басит – 31
 Манхук – 186,187
 Манқабат – 120
 Манҳум – 133,
 Марду (рад этилган) – 342
 Марсия – 31,120
 Масал – 73
 Масаммаъ – 328
 Масоқа – 275
 Маснавий – 89,110,111,123,
 126,147,153
 Матал – 64
 Матлаъ – 120
 Матвий мақтуф – 186
 Матвий мавқуф – 186
 Мафоилун – 170,196,263
 Мафъилатун – 185,196,204,224
 Мафъийлун – 67,170,184,186,
 204,212,224
 Мафъилоту – 224
 Мафъул – 189
 Мафъулоту – 186,196,204,224
 Мафъулу – 136,212
 Мафъулун – 136
 Махбун – 184
 Маштур – 186,205
 Маҳду сўзлар – 173
 Маҳзуф – 184
 Маҳосину – л – калом – 230
 Маънавий гўзалликлар – 274
 Маънавий санъатлар – 231
 Маъно – 327
 Маъни ва лафз – 80,81
 Маъни – 88,94
 Маърифати бадойиъ маҳосин – 259
 Маъкул – 342
 Мақбул (қабул қилинган) – 342
 Мақбул мақтуф – 186
 Мақлубу – л – баъз – 233,261,263
 Мақлубу – л – кулл – 233,261,263
 Мақлубу – л – мужаннаҳ –
 233,261,263
 Мақлубу – л – муставий –
 233,261,263
 Мақома – 105
 Мақомот (манқабалар) – 108
 Мақтаъ – 120,233,261,263
 Мақтуфъ – 185
 Мақтуъ – 184
 Мағлага – 233,261,263
 Мерос – 25
 Метр – 164
 Метрик – 160
 Метрик тизим – 161,165
 Метрика – 161
 Меъморчилик – 70
 Миздивож (ҳамжинг байтлар) – 328
 Мисол (аналогия) – 17
 Мисраъ – 170,221,
 Миқдор – 328
 Моҳият – 80
 Муаммо – 261,268,269
 Муболага – 340
 Муваана (параллел) – 30
 Муважжаҳ – 233,261,263
 Мувассал (уланган) – 30
 Мувашшаҳ – 233,261,268,269
 Мувофиқ – 167,197,
 Мувашшаҳ – 256
 Мужаннас – 126,167
 Мужаррад – 231,233,261,263
 Мужаррадли муқайяд – 317
 Мужонаса – 189
 Мужтасс – 188,201,205,213,225
 Музал – 184
 Музаҳиф – 197, 198
 Музореи аҳраб – 31
 Музориъ – 167,187,
 197,201,205,213,225
 Музмар – 167,185
 Музҳар – 167,197,
 Мукаррар – 257,261,263
 Мукаррари қабих – 233,261,263
 Муламмаъ – 233,257,261,263
 Мумтоз адабиётшунослик – 83
 Мумтоз поэтика – 110, 227
 Муңдариж – 167
 Муңдарижа – 111,197,
 Мунсариж – 167,197,
 Мунсарих – 187,201,205,213,225
 Мунсарихи матвийи мавқуф – 138
 Мунтахаб – 167,197,

- Мураббаъ — 233,261,263
 Мураббаъ мухаммас мусаддас — 150
 Мураддаф (радифля) — 30, 308
 Мураффал — 185
 Муруоту — н — назир — 233,261,263
 Мусалсал — 233,261,263
 Мусаммат — 110,111
 Мусиқа назарияси — 162
 Мусиқий — 70
 Мустаар (кўчма маъноли) — 30
 Муставий (равон) — 30
 Мустазода — 110,111,138
 Мустазода мусаммат — 149
 Мустафъилун — 185,187,204,212,224
 Мустаҳиёт (ўзгариш) — 30
 Мутааххирлар — 196
 Мутаввал — 110,198
 Мутавосий — 300
 Мутавотир — 299,317
 Мутадорик — 167,198,201,205,213, 226,290,299,317
 Мутадорикун мурақориб — 285
 Мутазалзал — 233,261,263
 Мутазода — 233,261
 Мутазойид — 286,299,300
 Мутаковис — 299,300,301,317
 Мутаммиму — л — анқос — 124
 Мутародиф — 285,299
 Мутародифи матлун — 233,261,263
 Мутарожиқ — 286,299
 Мутарокиб — 299,300,317
 Мутасови — 286,299
 Мутатаввил — 131
 Мутафозилун — 185,204,224
 Мутақаддим — 195
 Мутақориб — 31,167,188,198,205,225
 Мутақориб мусаммани маҳзүф (маснавий вазни) — 20
 Мутаҳодий — 253
 Мутлақ руҳ — 87
 Мутобақа — 189,231,243
 Мутойиба — 120,340
 Муттафику — л — ажзо — 197
 Муфоалатун — 224
 Муфохара — 114
 Мухаллаъ (бўртмоқ) — 30,184
 Мухталифу — л — ажзо — 197
 Мухтамилу — з — зиддайн — 223,261,263
 Мушаббаҳ — 279
 Мушаббаҳ биҳ ваҳҳи — 279
 Мушавваш — 269
 Мушажжар — 233,261,263
 Мушоара — 111
 Муҳаббатнома — 138
 Муҳит — 167,197,
 Муҳтамалу — з — зиддайн — 274
 Мутакалим (сўзловчи нотик) — 337
 Мутародиф — 290, 317
 Мутазода — 251,261,263
 Мутаносиб — 261,263,233
 Мустафъилун — 204
 Мутаносиф — 197,167
 Мусаммати муашшар — 130
 Мусаммати мураббаъ — 130
 Мусаммати мусаддас — 130
 Мусаммати мухаммас — 130
 Муножот — 120
 Муаммо — 11,111,233,263
 Муаммо аркони — 118
 Муаммо усули — 118
 Муаллиф — 109
 Мувашшаҳ (безатилган) — 30, 111,263
 Мужонис (жинсдош) — 30
 Муздаваж (жуфт) — 30
 Музмар (яширин) — 30,197
 Мукаррар (такрор) — 30, 223
 Мулавван (бўялган) — 30
 Мумтоз жанрлар — 112
 Мумтоз шеърят — 112
 Мундарижа — 84,99
 Муншид (ўқиб берувчи) — 19
 Мусажжаъ (қофиядош) — 30
 Мусаммат — 30,130
 Мутазода (қарама қарши) — 30
 Муталойим — 167,197
 Муташобиҳ (аллегорик) — 30
 Мутақариб — 201
 Мутобиқ (уйғун) — 30
 Мушокил (шаклдош) — 30,167,197,201,205,213,226
 Муқаддима — 33
 Муқайяди мутлақу мужаррад — 285
 Муқайяд — 317
 Муқаттаъ (кесик) — 30

- Муқаффо (манзум қисса) – 126
 Муқорин – 167,197
 Муқтадоб – 231
 Муқтазаб –
 31,167,188,197,201,205,213,225
 Мугаййарий – 205
 Муголата – 269
 Навҳа (марсия) – 115
 Назарий манба – 85
 Назарий тақдир – 84
 Назира – 111
 Назм – 31, 107, 133, 145
 Назм шакллари – 110
 Насри мусажжаъ (қофияли наср) – 219
 Насиҳат (қўплиги мавоъиз) – 340
 Наср – 31, 105, 107, 145
 Наср ва назм – 11,104,119
 Наср санъати – 329
 Насрий нома – 108
 Нафаз – 289
 Нафъли – 341
 Наҳс – 204
 Наҳв – 73,325
 Наҳв илми – 163,177
 Наҳр – 204
 Наът – 120
 Ноаниқ қофия – 288
 Нозик – 341
 Нойира – 289
 Нома – 135, 136
 Номаи аъмол – 135, 136
 Нотиқ – 176
 Нофеъ – 341
 Ноқис (нуқсонли) – 342
 Нутқ – 329
 Нутқ гўзаллиги – 6
 Образ – 84
 Овозли ҳижо – 287
 Одоб куллиёт – 108
 Олқиш – 104
 Оргуштак – 137
 Оҳанг – 161
 Оҳанглик битим – 322
 Оҳангсиз услуб – 320
 Панд – 340
 Поэма – 104,115
 Проза – 108
 Рабоянда – 136
 Рабъ – 204
 Равий – 310
 Раду – л – матлаъ – 233,263
 Раду – л – фажр – 233,263
 Радиф – 307,309
 Ражаз – 167,186,198,201,
 205,213,225,328
 Ражази матвий – 31
 Рамал – 167,198,201,205,213,225
 Рамали мажнун – 31
 Рамали мансуҳ – 31
 Рамали мусаммани мақсур – 139
 Рамз – 127,339
 Рамзий қаҳрамон – 21
 Расоил (мактуб) – 341
 Расс – 314
 Рассом – 19
 Рақто – 233,263
 Ривоят – 101,341
 Ридф – 307,309,310
 Ридфи зоида – 310,311
 Ридфли мутлақ – 317
 Ритм (зарб) – 161,173
 Ритмик бирлик – 162,163
 Ритмик бўлак – 171
 Ритмали – 173
 Риторика (риторий) – 104,115
 Рост – 341
 Рубой – 89,110,
 111,112,125,148
 Рубойи мусарраъ – 125
 Рубойи ҳиссий – 126
 Ружуъ – 277
 Рукн – 164, 170, 223
 Рукуб (маркуб) – 192
 Руҳ – 83
 Рўмон – 12
 Сажъ – 272
 Сабаб – 173,195,219
 Сабаб(и) сақил – 184,223
 Сабаби таълиф – 120
 Сабаби хафиф – 223
 Сав – 103
 Савобли – 341
 Саволу жавоб – 233,253,263
 Садири – 296
 Садр – 120,193,205
 Сажъу – л – мувозана – 233,263
 Сажъу – л – мутаворий – 233,263
 Сажъу – л – мутарраф – 233,263
 Салжуқилар сарой адабиети – 112
 Салиб – 197

- Салиб сабаб – 167
 Салим – 186, 198
 Салм – 204
 Саңдруч – 104
 Санойиъ – 164
 Санъат – 69
 Санъат аҳли – 19
 Санъатлар – 236
 Санъатлар илми – 110
 Сарий – 167, 186, 197, 201, 205, 225
 Сарих – 167, 197
 Сарм – 204
 Сарф – 73, 325
 Сарф ва наҳв – 161
 Сарфийлар – 168
 Сатира (сатури) – 104, 115, 116
 Сақил – 167, 193
 Сақил сабаб (огир сабаб) – 164, 184
 Саҳиҳ – 167, 197, 205, 341
 Сеҳри ҳилол – 233, 263
 Сидқ (садоқатли) – 341
 Сиёку – л – эъдоа – 233, 263
 Силлабик – 160
 Силлабо – тоник – 160
 Синад – 283, 285, 293, 318
 Сокин (ҳаракатсиз) – 193
 Сомий (эшитувчи) – 19
 Софист – 16
 Сочиқ сўз – 66
 Сочиқ шеър – 66
 Сочим – 106, 145
 Сочим шеър – 66
 Сочма – 106, 180
 Сочма услуб – 321
 Стопа – 170, 218
 Строфика – 111
 Сукуни (ҳаракатсиз) ҳарфлар – 163
 Сулужисмус (синологизм) – 17
 Сураг – 78, 87, 91
 Сураг ва маъни – 78, 86, 89
 Суруф (мадҳия) – 340
 Сурро ва кубро – 203
 Суку (маълум) – 275
 Сўз – 4, 22, 93
 Сўзлар – 74
 Сўзнинг бадоеъи – 120
 Сўз гуяти – 133
 Сўз қудрати – 48
 Сўз баҳри – 95
 Сўз гуҳари – 53
 Сўз гўзаликлари – 230
 Сўз майи – 95
 Сўз панжаси – 48
 Сўз сайқали – 48
 Сўз услуби – 330, 357
 Сюжет – 84, 282
 Таажжуб – 233, 263
 Табзуғ – 104
 Тавжиҳ – 274
 Тавил – 184, 218, 225
 Тавил доираси – 168, 171
 Таврия – 275
 Тавфиқ (мувофиқлик) – 87
 Тавҳид – 86
 Тажнисот – 259, 264
 Тажнис – 137, 241
 Тажниси мукаррар – 231, 233, 259, 263
 Тажниси мураддад – 231, 233, 259, 263
 Тажниси мураккаб – 231, 233, 259, 263
 Тажниси мутарраф – 231, 233, 259, 263
 Тажниси ноқис – 231, 233, 259, 263
 Тажниси том – 231, 233, 259, 263, 264
 Тажнису – з – зойид – 233, 263, 265
 Тасҳиф – 259, 263, 265
 Тажнису – л – хат – 233, 259, 263
 Тажоҳилу – л – ориф – 233, 263, 275
 Тажрид – 270
 Тазмин – 233, 263
 Тазмину – л – муздаваж – 231, 233, 263
 Тайй – 204
 Тамаддуҳ – 120
 Тамсил – 16, 279
 Тамсилий (аналогия) – 16
 Танвин – 192
 Танвини – 181
 Тангрикла – 104
 Тансику – с – сифот – 233, 263
 Тарду – л – акс – 233, 263
 Таржеъ – 128
 Таржима – 233, 263
 Тариъ – 190
 Таркиб (композиция) – 83, 85, 96

- Таркиббанд - 111,152
 Таржиббанд - 111,152
 Тарсиъ - 233,263,283,291
 Тартиб (сюжет) - 85,99,101
 Тарфил - 204
 Тасбиг - 204
 Тасвир воситалари - 85
 Тасмит - 190,283,291
 Тасриъ - 190,291
 Тасҳиф - 233
 Тафсир - 105
 Тафсиру - л - жало - 233
 Тафсиру - л - хафо - 233
 Тахаллус - 122
 Тахаллус илми - 30
 Ташбиҳи мутлақ - 233,263
 Ташбиҳу - л - акс - 233,263,279
 Ташбиҳу - л - измор - 233,263,279
 Ташбиҳу - л - киноят - 233,263,279
 Ташбиҳу - л - муфрад - 233,263
 Ташбиҳу - т - тасвият - 233,263
 Ташбиҳу - т - тафзил - 233,263
 Ташбиҳ - 19,189
 Ташбиҳи макний - 231,279
 Ташбиҳи машрут - 279
 Ташбиҳи муздавиж - 231,279
 Ташбиҳи мутлақ - 279,
 Ташбиҳи сариҳ - 279
 Ташбиҳи тасвийят - 231, 279
 Ташбиҳи тафзил - 279
 Ташриҳ - 273
 Ташҳис - 204
 Таҳлил ва талқин - 85
 Таъаххара - 340
 Таъкиду - л - мадҳ - 233
 Таълиф (е тасниф) - 99
 Таъриз - 281
 Таъсис - 313
 Тақтиъ қоидалари - 171
 Тақдим - 340
 Тақлид - 15
 Тақлидий бўлмаган санъатлар - 76
 Тақлидий санъатлар - 76
 Тақлид (ташбиҳ) - 176
 Тақлидчи - 16
 Тақтиъ - 120
 Тизим - 145
 Тилак (ғоя) - 100
 Тимсол (образ) - 339
 Трагүзие (трагедия) - 104,115
 Турк илми - 112
 Турк лафзи - 107
 Туркий - 139
 Туркий адабиёт - 103
 Туркий алфоз - 170
 Туроқ - 170,173,216
 Туюқ - 104, 111,137
 Тўлиқ ҳ(и)жо - 216
 Тўплам - 170
 Тўртлик - 104
 Удабо - 73
 Ударные слоги - 287
 Уйуби қофия - 285
 Улуму - л - хамса - 327
 Умумаруз илми - 168
 Умумий тил услуби - 360
 Услуб - 99
 Усули ситта - 195
 Фаал - 212
 Фаилун - 212
 Фалсафий шеър - 340
 Фард - 111,132
 Фаросат (интуиция) - 17
 Фаръи(й) рукнлар - 221,224
 Фасиҳ - 341
 Фасоҳатаи - 341
 Фаулун - 196,224
 Фаулунчилик - 171
 Фаълу - 212
 Фаълун - 185,196
 Фаққ - 206
 Фикр - 80
 Фоилотун - 184
 Фоилун - 184
 Фоилотун - 186,187
 Фойдали - 341
 Форс - 147
 Форс арузи - 166
 Форс арузийлари - 171
 Форсийзабон арузийлар - 165
 Форс - тожик арузи - 166,172
 Фосила - 167,219
 Фосилаи суғро - 196,223
 Фосилаи кубро - 196,223
 Фотиҳа - 120
 Фойлотун - 224
 Фойлун - 185,224
 Фузул (яроқсиз) - 342

- Фуруъ – 192
 Хабар (ҳадис) – 339
 Хабар ва фараз – 328
 Хабл – 204
 Хабн – 198,204
 Хазф – 290
 Хайл – 133
 Хайфо – 233,261
 Хаел – 261
 Харб – 204
 Харм – 198,204
 Хат – 65
 Хато – 341
 Хафиф – 164,299,187,201
 Хашву – л – қабих – 233,263
 Хашву – л – малиҳ – 263,261
 Хашву – л – мутавассит – 233,263
 Хитоба (риторика) –
 16,105,108,175
 Хотима – 120
 Хумор – 65
 Хуруж – 314
 Чанда – 163,180
 Чинга – 138
 Чистон – 111
 Ч(и)тана – 222,
 Чубчак – 64
 Чўзги – 207
 Шакал – 204
 Шакал ва мазмун – 78
 Шакал ва маъни – 78
 Шакал ва муңдарижа – 78
 Шакал унсурлари – 8 4
 Шароб – 65
 Шатр – 204
 Шеър – 18,34,65,258,
 Шеър жинслари – 192
 Шеър исмлари – 248
 Шеър навълари – 17,35,114
 Шеър санъати – 11,16,
 Шеър табиати – 140
 Шеър таъби – 160
 Шеър танқиди – 109,189
 Шеър таърифи – 6
 Шеър таҳлили – 110
 Шеър тузилиши – 160
 Шеърый асар – 86
 Шеърый жанрлар – 166,230
 Шеърый мулоҳаза – 16
 Шеърый санъатлар – 11,227
 Шеърый сўзлар – 162,174
 Шеърыйт танқиди – 182
 Шеърнинг ақсоми – 120
 Шеърнинг вазнлари – 214
 Шеърнинг таърифи – 214
 Шеърнинг қофияси – 214
 Шибҳ – 279
 Ширинкалом – 34
 Ширу шакар – 111
 Шлока – 164,180
 Шоир – 19
 Шоирлар санъати – 20
 Шоирлик қоидаси – 30
 Шоирлик масъулияти – 140
 Шоирлик таърифи – 14
 Шукрона – 340
 Эйний – 104
 Эпик шеърыйт – 236
 Эпика ва риторика – 116
 Эпос – 103,104
 Эртақ – 64
 Этук – 103
 Эфижоносоус – 104
 Эънот – 263
 Юракчилик ва кўчирик – 107
 Яқин (аниқ) – 338
 Яқин (ишончли) – 328
 Янги (ҳадис) давр – 110
 Ўз сурати – 92
 Ҳйун (танс) – 70
 Ҳлан – 64
 Ҳтлук – 104
 Қабз – 198,204
 Қавл – 298
 Қайд – 288
 Қайдли муқайяд – 317
 Қайдли мутлақ – 317
 Қабих (тубан) – 341
 Қалб ҳузур – 92
 Қарғаш – 104
 Қариб – 167,197,
 201,205,213,226
 Қариби ахраб – 31
 Қасида – 110,120,147,205,153
 Қаср – 198,204
 Қатф – 204
 Қатъ – 198
 Қиёс – 34,328
 Қиеслаш (ташбиҳ) – 338
 Қисса – 73

- Қисқа ҳ(и)жо — 216
 Қитъа — 110,111,125,
 147,205,340
 Қобих — 91
 Қофия — 11,12,65,66,110,
 120,248,258,164,282
 Қофия айблари — 284
 Қофия ва саноеъ — 182
 Қофия маънолари — 284
 Қофия синфлари — 284
 Қофия илми — 111
 Қофия назарияси — 287
 Қофия тарихи — 287
 Қофия шойгон — 302
 Қофия қоидалари — 308
 Қофия ҳарфи — 309
 Қофия ҳарфлари — 284,309
 Қофия ҳарфларининг
 ҳаракатлари — 284
 Қофия ҳудуди — 284
 Қофиясанж — 50
 Қофиясиз шеър — 298
 Қош — 65
 Қўнуг — 103
 Қўшиқ — 103,137,146
 Ғазал — 31,89,110
 Ғариб — 167,197
 Ғоя — 84
 Ҳажв — 31,120
 Ҳажвия — 114,328
 Ҳазаж — 136,185,220
 Ҳазажи аҳраб — 31,136
 Ҳазажи аҳрам — 136
 Ҳазажи мураббаъ — 136
 Ҳазажи мусаммани солим — 139
 Ҳазаж(и) мусаддас(и) маҳзуф —
 136,220
 Ҳазажи макфуф — 31
 Ҳазажи мусаммани аҳраби
 макфуфи маҳзуф — 138
 Ҳазаз — 204
 Ҳазв — 204,315,340
 Ҳазил (мутойиба) — 328,340
 Ҳазм — 217
 Ҳазф — 204,231
 Ҳайкалчилик — 70
 Ҳамд — 33
 Ҳаракатлантирувчи — 328
 Ҳаракатланувчи — 328
 Ҳаракатли ҳарфлар — 163
 Ҳаракоти қофия — 285
 Ҳарф — 207
 Ҳасби ҳол — 111
 Ҳашв — 193
 Ҳаққоний — 341
 Ҳикмат — 328
 Ҳижо вази — 214
 Ҳикмат — 340
 Ҳикоя — 12,73,101,341
 Ҳинд метрикаси — 162
 Ҳол — 65,338
 Ҳулуб (маҳлуб) — 192
 Ҳусни тазмин — 246
 Ҳусни — л — ибтидоъ — 246
 Ҳусну — т — талаб — 233,264
 Ҳусну — л — матлаъ —
 121,233,261,263
 Ҳусну — л — мақтаъ — 123,233,264
 Ҳусну — л — таҳаллус — 233,263
 Ҳусну — т — таълиа — 233

МУНДАРИЖА

*Ҳ. Болтабоев. Мумтоз адабиётнинг бадиийлик асоси
ва лисоний гўзалликлари..... 4*

БАДИИЙ СЎЗ ТАБИАТИ, ШОИРЛИК ТАЪРИФИ

Абу Наср Форобий. «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонуни ҳақида» асаридан... (арабчадан А. Ирисов таржимаси).....	14
Юсуф Хос Хожиб. «Қутадғу биллг»дан (Қ. Каримов таъбири асосида).....	21
Кайковус. «Қобуснома»дан. Форсийдан Оғахий таржимаси).....	29
Низомий Арузий Самарқандий. «Нодир ҳикоятлар»дан.. (Форсчадан М. Ҳасаний таржимаси).....	33
Адиб Аҳмад Юғнакий. «Ҳибату – л – ҳақоийқ»дан.. (Қ.Маҳмудов таъбири ва насрий баёни асосида).....	36
Сайфи Сароий. "Гулистони бит турки"дан.. (Н. Даврон таъбири асосида).....	42
Абдурахмон Жомий «Силсилату – з – заҳаб»дан.. (Боқир таржимаси).....	47
Алишер Навоий. «Хайрату – л – аброр»дан..(А. Ҳайитметов нашри асосида).....	52
«Назм – л – жавохир»дан (С. Фаниева таъбири асосида).....	57
Зокиржон Фуркат. «Шоир аҳли ва шеър муболғаси хусусида» асаридан.. (Х. Расул таъбири асосида).....	60
Абдурауф Фитрат. «Шеър ва шоирлик»дан.. (Ҳ. Болтабоев таъбири асосида).....	63
«Адабиёт қондалари»дан.. (Ҳ. Болтабоев таъбири асосида).....	69
Абдурахмон Саъдий. «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари»дан.. (Ҳ. Болтабоев таъбири асосида).....	72

Ҳ. Болтабоев. Шака ва маъни мупосабати..... 78

СУРАТ (ШАКА) ВА МАЪНИ БИРЛИГИ

Фариқиддин Аттор. «Жавҳару – з – зот» асаридан.. (Н.Комилов таъбири асосида).....	86
Мавлоно Жалолиддин Румий. «Фихри мо фихри»дан..(Туркча орқали У. Ҳамдамов таржимаси).....	89
Абдурахмон Жомий «Силсилату – з – заҳаб»дан..(Боқир таржимаси).....	93
Алишер Навоий. «Хайрату – л – аброр»дан..(А. Ҳайитметов таъбири асосида).....	95

Абдурауф Фитрат. «Адабиёт қоидалари»дан.. (Ҳ. Болтабоев таъдими асосида).....99

Ҳ. Болтабоев. Агабий тур ва шеър навълари.....103

АДАБИЙ ТУРЛАР, ШЕЪР НАВЛАРИ

Абу Наср Форобий. «Шоирларнинг шеър езиш қонунлари ҳақида»дан (арабчадан А. Ирисов таржимаси).....113

Шайх Аҳмад Тарозий. «Фунуну – л – балоға»дан (А.Ҳайитметов таъдими асосида).....117

Алишер Навоий. «Сабъан сайер»дан (П. Шамсиев нашри асосида).....131

«Мезону – л – авзон»дан (Иззат Султон матни асосида).....135

Фузулий. «Девон» дебочасидан (Х. Расул таъдими асосида).....139

Абдурауф Фитрат. «Адабиёт қоидалари»дан (Ҳ. Болтабоев таъдими асосида).....144

«Форс шоири Умар Ҳафем»дан (Ҳ. Болтабоев таъдими асосида).....152

Ҳ. Болтабоев. Шеър тузилиши ва унинг метрик асослари..... 159

ШЕЪР ТУЗИЛИШИ, АРУЗ ИЛМИ

Абу Наср Форобий. «Шеър санъати»дан (арабчадан А.Ирисов таржимаси).....172

Абу Райҳон Беруний. «Ҳиндларнинг грамматика ва шеър ҳақидаги китоблари баъни»дан (арабчадан А. Ирисов таржимаси).....178

Абу Абдуллоҳ Хоразмий. «Мафотиху – л – улум»дан (арабчадан М. Зиёвудинова таржимаси).....181

Шамсиддин Қайс Розий. «Ал – Муъжам»дан (Форсчадан Ҳ.Болтабоев ва Д. Юсупова таржимаси).....190

Шайх Аҳмад Тарозий. «Фунуну – л – балоға»дан (А.Ҳайитметов таъдими асосида).....194

Алишер Навоий. «Мезону – л – авзон»дан (Иззат Султон матни асосида).....199

Захириддин Мухаммад Бобур. «Аруз рисоласи»дан (С.Ҳасанов таъдими асосида).....202

Абдурауф Фитрат. «Адабиёт қоидалари»дан (Ҳ. Болтабоев таъдими асосида).....206

«Аруз ҳақида»дан (Ҳ. Болтабоев таъдими асосида).....213

Ҳ. Болтабоев. Баъий санъатлар талқини..... 226

БАДИЙ САНЪАТЛАР

Ибн Муътаз. «Китобу – л – бадеъ»дан (Русчадан Маҳкам Маҳмудов таржимаси).....234

Умар Родуёний. «Таржимону – л – балога»дан (Форсчадан	
Ҳ. Болтабоев ва Д. Юсупова таржимаси).....	245
Рашидиддин Ватвот. «Ҳадойиқу – с – сеҳр»дан (Форсчадан	
Ҳ. Болтабоев таржимаси).....	255
Шайх Аҳмад Тарозий «Фунуну – л – балога»дан	
(А Ҳайитметов табдили асосида).....	260
Атоллоҳ Ҳусайний. «Бадойиғу – с – санойиғ»дан	
(Форсийдан А. Рустамов таржимаси).....	268

Ҳ. Болтабоев. қофия ҳақидаги манбалар баёни..... 279

ҚОФИЯ ИЛМИ

Абу Абдуллоҳ Хоразмий. «Мафотиҳу – л – улум»дан	
(арабчадан М. Зиёвуддинова таржимаси).....	286
Шамсиддин Қайс Розий. «Ал – Муъжам»дан Форсчадан	
Ҳ. Болтабоев ва Д. Юсупова таржимаси).....	290
Шайх Аҳмад Тарозий. «Фунуну – л – балога»дан (А. Ҳайитметов	
табдили асосида).....	293
Абдурахмон Жомий. «Рисолаи қофия» (Форсчадан	
Д. Юсупова таржимаси).....	304
Абдурахмон Саъдий. «Амалий ҳам назарий адабиёт	
дарслари»дан (Ҳ. Болтабоев табдили асосида).....	315
Абдурауф Фитрат. «Адабиёт қоидалари»дан (Ҳ. Болтабоев	
табдили асосида).....	318

Ҳ. Болтабоев. Бағиш тил ва услуб муаммолари..... 320

ТИЛ ОДОБИ, БАДИИЙ НУТҚ ва УСЛУБ

Бишр ибн Муътамир. «Санъату – л – иншо»дан (Русчадан	
М. Маҳмудов таржимаси).....	329
Қудамма ибн Жаъфар «Нақду – н – наср» (Русчадан	
М. Маҳмудов таржимаси).....	332
Юсуф Хос Хожиб. «Қутадғу билиг»дан (Қ. Каримов	
табдили асосида).....	337
Адиб Аҳмад Югнакий. «Ҳибату – л – ҳақойиқ»дан	
(Қ. Маҳмудов табдили ва насрий баёни асосида).....	341
Алишер Навоий. «Муҳокамату – л – луғатайн»дан (И. Султон	
матни асосида).....	344
Абдурахмон Саъдий. «Амалий ҳам назарий адабиёт	
дарслари»дан (Ҳ. Болтабоев табдили асосида).....	349
Абдурауф Фитрат. «Адабиёт қоидалари»дан (Ҳ. Болтабоев	
табдили асосида).....	353
<i>Изоҳлар</i>	361
<i>Исмлар кўрсаткичи</i>	410
<i>Асарлар кўрсаткичи</i>	414
<i>Истилоҳлар кўрсаткичи</i>	417

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

ШАРҚ МУМТОЗ ПОЭТИКАСИ

Манба ва талқинлар

Масъул муҳаррирлар:
Н. ИБРОҲИМОВ,
Б. НАЗАРОВ

Нашриет муҳаррири А. Ниезов

Муҳаррир Ваҳоб Раҳмонов
Мусаҳҳиҳ Беҳзод Болтабоев
Компьютерда саҳифаловчи Лазиз Омонов

IB № 651

Теришга берилди: 2006 йил 18 август.
Босишга рухсат этилди: 2006 йил 2 ноябрь.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 27 б.т.
Адади 300 нусха. 01/586 рақамли буюртма.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Шартнома рақами. 7/08

«Voris design» студиясида тайёрланди.

Шарқ
мумтоз поэтикаси

Абу Наср Форобий
Абу Райҳон Беруний
Ибн Муътаз
Бишр ибн Муътамир
Кудама ибн Жаъфар
Абу Абдуллоҳ Ҳоразмий
Юсуф Ҳос Ҳожиб
Умар Родуёний
Рашидиддин Ватвот
Абул Маъоли Кайковус
Низомий Арузий Самарқандий
Фаридиддин Аттор
Мавлоно Жалолиддин Румий
Адиб Аҳмад Юғнакий
Шамсиддин Қайс Розий
Сайфи Саройи
Шайх Аҳмад Тарозий
Абдурахмон Жомий
Алишер Навоий
Заҳириддин Муҳаммад Бобур
Муҳаммад Фузулий
Атоуллоҳ Хусайний
Зокиржон Фурқат
Абдурауф Фитрат
Абдурахмон Саъдий